

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика Таълим маркази**

**Йигирма биринчи асрда ўзбек тили таълими
масалалари**

*«Ўзбек тили» доимий анжумани тўққизинчи
йиғинининг материаллари
(2007 йил 19-20 апрель)*

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент- 2007

Ушбу тўпламда мактабгача таълим, бошланғич, умумий ўрта таълим, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар, махсус таълим муассасалари, олий ўқув юртлири, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида она тили (ўзбек тили) таълимнинг XXI асрдаги ўзига хос жиҳатлари, муаммолари хусусида фикр юритилади. Янги асрда она тилини ўқитишнинг назарий ва амалий томонлари тажрибалар асосида ёритилади.

Нашр учун масъул: И.И.Зокиров РТМ директори
пед.фан.номзоди

Масъул муҳаррир: М.Абдураимова РТМ бўлим бошлиғи
пед.фан.номзоди

Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Неъматов-БухДУ проф.фил.фан.доктори
Н.Маҳмудов –ГДПУ каф.мудири,
фил.фан.доктори, профессор
М.Қодиров – ЎзМУ доценти
Д.Нуриддинова – РТМ бош методисти
М.Мамадиева – РТМ етакчи методисти

Таълим ислоҳоти ва янги аср вазифалари

Истиқлол йилларида таълим соҳаси Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами ва салмоғи бунга мисолдир. Қисқа фурсат ичида таълим ривожини йўлида қўлга киритилаётган ютуқлар, кенг кўламли ўзгаришлар замирида ҳукуматимизнинг мазкур соҳага нисбатан юксак эътибори мужассам. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», унинг мантиқий давоми бўлган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» ҳамда қатор таълим соҳасига тегишли Президент фармонлари, фармойишлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, юртимизда кенг миқёсда татбиқ этилмоқда.

Таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорларининг негизида баркамол авлод тарбияси асосий вазифа сифатида қаралмоқда. Бу нарса ўз навбатида миллий ғоя тарбиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Умумий дунёқарашини белгилаб берувчи фаол ҳаётий позиция кўникмаси етарли даражада шакллантирилмаса, мустақил давлатнинг талаб ва эҳтиёжларига мос келадиган комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш муаммоси тўлиқ ҳал бўлмайди.

Бинобарин, комил инсон тарбиясида мактаб таълимида етакчи фан ҳисобланган она тили ўқув фанининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Она тили барча фанларни ўрганишнинг калити ҳисобланади. Тилнинг сир-асрорларини билмаган инсон унинг гўзаллигини ҳам, жозибасини ҳам ҳис қилолмайди.

Мамалакатимизда Давлат тили ҳисобланган ўзбек тилининг ижтимоий вазифаси улкандир. Тил - миллат вакиллари бирлаштирувчи куч. Ушбу куч-қудрат бизларнинг она тилимизга бўлган муносабатимизга боғлиқ. Тил – тарих кўзгуси, тарих эса, тил кўзгуси демак.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунини узлуксиз таълим тизимида жорий этилишини таъминлаб бориш мақсадида ташкил этилган «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжумани 1989 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган экан, унинг фаолияти ҳам бевосита она тили таълими мазмунини такомиллаштириш, ўқитиш самарадорлигини ошириш билан бирга она тилимиз нуфузини кўтариш, комил инсон тарбиясидаги беқиёс ўрнини кўрсатиш каби долзарб масалалар муҳокамасига ва унинг ечимларини топишга қаратилмоқда.

Анжуман ўз фаолияти давомида ўқувчилар сўз бойлигини ошириш, нутқ маданиятини шакллантириш, матн устида ишлаш, ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантириш, таълим жараёнида фанлараро алоқа масалаларига оид саккизта йиғинини ўтказиб, тўққизинчи йиғини

XXI аср таълим муаммолари муҳокамасига бағишланди.

XXI асрнинг эса ўзига хос мезонлари ва талаблари мавжуд. Агар XX асрда саводхонлик ўқиш ва ёзиш билан чекланган бўлса, XXI асрда эса бу талаблар тамоман эскириб қолди ва ривожланган турмуш тарзига мос бизнинг саводимизни ўлчайдиган янги мезонлар пайдо бўлмоқда.

Айни пайтда воқеликни танқидий идрок эта билиш. Қачон ва нимага керак? Нега мутахассислар уни энг муҳим ва асосий талаб дея эътироф этишмоқда? Албатта, мазкур талаб дуч келган нарсани танқид қилиш керак, дегани эмас. Ахборот оқими ҳар қачонгидан кучайган бугунги даврда ҳар бир янгилик ва ғояни тўғридан тўғри эмас, балки таҳлил қилиб, оқилона қабул қилиш ҳамда унга ҳолис назар билан қарай олиш зарур. Киши бу талабга жавоб бера олган тақдирда дуч келган ғоя ортидан эргшиб кетавермайди. Ўз йўлида собитқадамлик ва қатъийлик билан давом этади.

Функционал саводсизликни йўқотишнинг биргина усули – ўқиб-ўрганиш ва яна шу ўрганганларни амалда қўллашдан қўрқмаслиқдир.

Бу талаблар бевосита мактаб она тили таълимига ва унга дахлдор бўлган ҳар бир мутасадди ходим ҳамда соҳа мутахассисларига тегишлидир.

Ҳар бир ижтимоий тузумни ахборотларсиз бошқариб бўлмайди, жамият фаолият ҳам юрита олмайди, хусусан, жамиятнинг муҳим таркибий бўғинларидан бири бўлган таълим тизимидаги ўқув жараёнини ахборотларсиз, қизгин фаолиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу ўринда, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини йўналтириб бориш, ривожлантириш учун айнан қандай ахборотлар зарурлиги ҳақида савол туғилиши, табиий.

Чунончи, болалар мактабга илк қадам қўйган даврданоқ ўқитувчи улардаги мавжуд ахборотлар қўламини аниқлаши ва аниқланган эҳтиёж асосида улар дунёқарашини бойитиб, кенгайтириб бориш режасини белгилаб олиши лозим. Шунингдек, ўқувчилардаги аниқланган дастлабки ахборотлар қўламининг ўқув жараёнидаги ривож кузатилиши, жараённинг якунловчи босқичидаги ҳолати аниқланиши лозим.

2006-2007 ўқув йилининг «Ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишда педагогик кадрлар салоҳиятини ошириш» деб номланиши бу борада олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифасини кўяди. Юқорида таъкидланб ўтилганидек, ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантиришда ахборотларнинг ўрни, аҳамиятини тўғри идрок этиб, уларни ўзлаштиришда ахборот коммуникацион технологияларнинг имкониятлари кенгайиб, такомиллашиб бораётганлигини унутмаслигимиз ва ҳар бир фан мутахассиси, хусусан она тили ва адабиёт ўқитувчилари ҳам мазкур технологиялардан ўринли ҳамда унумли фойдаланган ҳолда таълим самарадорлигини ошириб боришлари лозим.

«Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжуманнинг «Ўзбек тили таълими – XXI асрда» мавзуси муҳокамасига бағишланган IX йиғини кўҳна тарихи, қадимий маданияти билан, шу тарихни, шу маданиятни асослай оладиган бой

топилмаларию ёдгорликлари билан Ўзбекистонда алоҳида мавқега эга бўлган Сурхон воҳасида ўтаётган экан, ўйлаймизки, она тилимиз жонкуярлари бўлган муаллимларимиз, олиму методистларимиз, дарслик муаллифлари узлуксиз таълим тизимида ўзбек тили таълимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қиладилар. Янги аср таълимнинг ўзига хос жиҳатлари, мезонлари, талаблари юзасидан соҳа мутахассисларига тегишли тавсияларни берадилар.

Р.Ш.Аҳлидинов
Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирининг
биринчи ўринбосари

Ўзбек тили ва таълимдаги ислохотлар

Келажак авлод ҳақида қайғуриш, баркамол наслни тарбиялаб етиштириш масъулияти ҳозирги улкан ислохотлар кечаётган таълим тизими зиммасидаги асосий вазифадир.

Тарбия соҳаси ислоҳоти бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланиши; бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилиниши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири - буларнинг барчаси авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоғимиз» кераклиги Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланиши ҳам ёш авлод тарбияси масаласи нечоғли жиддий эканлигини кўрсатади.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашга боғлиқ. Ана шундай муҳим вазифани амалга ошириш учун Ватанига, халқига, истиқлол ғояларига садоқатли, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор шахсни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб турибди. Бу борада шаклланаётган миллий истиқлол мафкураси ёш авлодни маънавий баркамол инсон этиб тарбиялашда етакчи ва ягона ғоя бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, ҳозирги даврдаги туб ислохотлар ҳар бир кишидан билим, салоҳият, самарали меҳнат, маданиятлилик, юқори малака, юксак онглилик, ижодкорлик, жамият олдида масъулиятни ҳис этишни талаб этади. Инсонпарварлик, демократик, мустақил давлат қурувчи ҳар бир инсон ана шу хислатларга эга бўлиши зарур. Бундай муҳим вазифани амалга ошириш, баркамол шахсни шакллантириш учун маънавий – маърифий ишларни такомиллаштириш, унинг самарали усулларини излаб топиш ва ҳаётга талбиқ этишни тақозо этади.

Асосий мақсад ўқувчи-талабалар, ёшларда миллий гуруҳ, ватанпарварлик туйғуларини ўстириш, аждодларимиз меросига ҳурмат, ватанга садоқат, истиқлолга фидойилик туйғуларини таркиб топтириш, маънавий-маърифий тарбиянинг янгича йўлларини излаб топиш, миллий тарбия моҳиятини ҳар бир шахс онгига етказиш, етук шахсни тарбиялаш мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштириб бориш, эркин, ижодий, мустақил фикрлашга йўллаш воситасида бозор иқтисоди шароитида ўз-ўзини бошқара оладиган, иқтидорли талаба ва ўқувчилар, ёш ижодкорлар билан ишлаш йўлларини ривожлантиришдан иборатдир. Ўзбек халқи маънавий-маърифий тарбияга оид ўзининг улкан меросини яратиб, такомиллаштириб, миллатимизнинг юзлаб авлод-аждодларини инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, саҳоват, илмпарварлик, мардлик, жасрат, одоблилиқ каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келган.

Ҳар бир халқнинг тараққиётида, ўзга халқлар билан алоқа қилишда тил муҳим ўрин тутади. Мактаб таълимида етакчи ўқув фанларидан ҳисобланган она тилининг мақсади, мазмуни ва усули ҳамisha жамиятнинг тараққиёт ҳолати ва босқичи билан узвий боғлиқ бўлиб келган, зероки бу тизим энг аввало шахсни шакллантиришга хизмат қилади.

Она тили - миллий маънавият ва қадриятларнинг улкан хазинаси, миллат тафаккурини шакллантирувчи энг асосий воситалиги, мактаб она тили ўқув фанининг кенг қамровли таълимий —тарбиявий моҳиятга эга эканлиги шу соҳа мутахассислари ва мутасаддилари зиммасида улкан масъулият мавжудлигини кўрсатади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» қабул қилиниши билан бошланган таълимдаги кенг қамровли ислохотлар бевосита таълим мазмунини янгилаш, хусусан, дарсликлар янги авлодини яратиш жараёнига асос вазифасини ўтамоқда.

У ёки бу фандан дарсликлар янги авлоди яратилар экан, аввало биз болаларни нимага ўргатамиз, нимага ўргатишни хоҳлаяпмиз? Шу саволларга аниқ жавобни топганимиздан кейингина дарслик ёзишга киришишимиз керак бўлади.

Ўқув фанини ўрганишдан кўзланган умумий мақсадни аниқлаш ва материалларни танлаш жараёнида танланаётган ўқув материалларининг ўзаро боғлиқлиги, илмий асосланганлигига эътиборни қаратиш; ўқув материалларида такрорлар, бири-бирини инкор этувчи тушунчалар бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, дарслиқда касбга йўналтириш масалалари ўз ифодасини топиши ҳамда синфдан синфга ўтганда ўқув материалларида узвийлик ва узлуксизлик таъминланиши зарур.

Педагогика илми ва амалиётдан маълумки, назариядан йўналтирилган таълимга қараб бориш ўқувчининг ижтимоий ҳаётда ўз билими ва қобилиятини номойиш этиш имкониятини яратади. Комил инсонни тарбиялаш мақсади таълим жараёнига ижодкорлик билан ва комплекс ёндашишни тақозо этади. Бинобарин, фақат ижодкорлик ва мустақил

фаолият муҳитида ташкил этилган таълим натижасидагина ўқувчида ўзлигини шахс сифатида намойиш эта олиш кўникмалари шаклланиб боради.

Тилимизга «Давлат тили» мақоми берилганига бу йил 18 йил тўлади. Ўтган давр мобайнида она тили таълими мазмунини такомиллаштиришга оид муайян ишлар амалга оширилди.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун юзасидан қабул қилинган Давлат дастурини амалиётга татбиқ этишда икки йилда бир марта ўтказиладиган «Ўзбек тили» доимий илмий-амалий анжуманининг аҳамияти беқийсдир. Анжуман бугунгача ўзининг саккиз йиғинини (Самарқанд –1991, Қарши-1993, Жиззах-1995, Тошкент –1997, Бухоро –1999, Фарғона-2001, Наманган-2003, Хоразм-2005) ўтказиб, айни пайтда «Ўзбек тили таълими – XXI асрда» мавзуси муҳокамасига бағишланган тўққизинчи йиғини бўлиб ўтмоқда. Ўтган анжуманларнинг самараси ўлароқ Республикамизда она тили ва ўзбек тили фанлари бўйича Истиқлол даврига мос янги дастур, дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларининг дастлабки авлоди яратилди ва ДТС талаблари асосида тажриба-синовлардан ўтказилиб, амалиётга жорий этилди. Тил таълими янги йўналиш (грамматизм эмас, амалий билим кўникмалари устуворлиги) жараёнига кирди, унга янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда. Тил таълимини тубдан яхшилаш мақсадида индуктив методга асосланган ўқув дарсликлари яратилиб, педагогик амалиётга босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Ўйлаймизки, анжуманнинг тўққизинчи йиғини иштирокчилари узлуксиз таълим тизимида она тилини ўрганишнинг янги асрдаги долзарб муаммоларини муҳокама қилиб, келгусидаги вазифаларни белгилаб оладилар ва шу вазифалар асосида кўп сонли тил жамоатчилиги учун ўз тавсияларини берадилар.

И.И.Зокиров
РТМ директори

Таълим мазмуни – XXI асрда

Таълим инсоният тараққиётининг асосини ташкил этади. Янги асрда жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши беvosита таълимнинг ривожланиши, мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ. Айни пайтда таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётганлиги, кенг қўламли ахборотлар оқими таълим мазмунини мунтазам янгिलाб, такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши, ижтимоий ва маданий тараққиёт мактаб олдига ўқувчиларда ўқилишнинг ижтимоий моҳиятини сингдириш, масъулиятли муносабатда бўлиш, тарбиялаш, ахборот технологияларидан самарали фойдалана олиш малакаларини шакллантириш, ҳар томонлама комил инсонни этиштиришдек муҳим вазифаларни қўяди. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш

учун синфда, мактабда, педагогик жамоада етарли шароитлар, моддий-техник база мавжуд бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг мазмун-моҳияти ҳам муайян даражада юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришга қаратилгандир.

Ҳозирги кун таълими ўқитиш жараёнига ва ўқувчи-ёшлар тарбиясига комплекс ёндашишни талаб қилаётган экан, мазкур муаммо таълим соҳасида қабул қилинаётган ҳукумат қарорларининг вазифаларидан бири сифатида ўқув жараёнининг доимий диққат-эътиборида туриши зарур.

Ўқувчи шахсида мустақиллик ва фаоллик каби жиҳатларни таркиб топтириш ва ривожлантириш ҳам ҳозирги кун таълимининг муҳим талабларидан биридир. Фаоллик ва мустақиллик тушунчаси бир-бири билан узвий боғлиқ. Агар фаоллик ўқувчининг у ёки бу кўринишидаги фаолиятда ўзини шахс сифатида намоёйиш этиши тарзида қаралса, мустақиллик ушбу фаолиятда иштироки жиҳатларини аниқлайди.

Ҳозирги кун таълими ўқувчидан жараёнда айнан шундай иштирокни, яъни ҳам фаол, ҳам мустақил ва ижодий фикрлаш қобилияти шаклланган бўлишини талаб қилади. Бундай талаб ҳозирги инфорацион технологиялар кун сайин ривожланиб бораётган асрда ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос даражада дунёқарашини кенгайтириб бориш учун зарурдир.

Замонавий таълимнинг талабларидан яна бири ўқувчиларга фақат билим бериш эмас, балки билим олишнинг йўлларини ҳам ўргатишдан иборатдир. Таълимга бундай ёндашиш ўқувчини дарсдан ва мактабдан кейинги фаолиятда ўз устида мустақил ишлаш, билим доирасини кенгайтириб бориш кўникмаларини ҳосил қилади. Ўқувчида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантирувчи дарсдан кейинги фаолият турларидан бири – бу ўқувчиларга бериладиган кундалик уй вазифаларидир.

Уй вазифаси муаммоси нафақат ўқувчи билим даражасини ошириш, мустақамлаш билан боғлиқ, балки билиш фаолиятига нисбатан ижобий муносабатни тарбиялаш воситаси ҳамдир. Бу муаммо шахсда ижодий тафаккур қирраларини шакллантиради, ўқувчида ўз устида ишлаш кўникмаларини ҳосил қилади. Зеро, бутунги кунда мактаб таълимига ҳукумат томонидан ҳам, кенг жамоатчилик томонидан ҳам муносабат ўзгарган. Таълим мазмунига талаб кучаймоқда. Уни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш йўлида изчил равишда сайъ-ҳаракатлар қилинмоқда. Ўқитишнинг интерфаол усуллари кенг қамровда жорий этилмоқда. Илғор педагогик технологиялар таълим мазмунига изчилик билан сингиб бораётган бир пайтда эски усулдаги уй вазифаси мазмуни, яъни «бажар», «ишла», «ёд ол» каби бир қолипдаги топшириқлардан воз кечиш керак бўлади. Дарс жараёнида ўқувчиларга янги мавзу юзасидан тушунча беришдан кўра уларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш кўпроқ меҳнат ва маҳорат талаб қилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, таълим жараёнининг таркибий қисмларидан бири

бўлган уй вазифаси масаласи ҳам жиддий таълимий амаллардан бири сифатида қаралиши лозим.

Жамиятдаги ҳар бир тараққиёт, ҳатто кичкина ўсиш, ўзгариш ҳам таълимий-тарбиявий жараёнга ўз таъсирини кўрсатади.

Зотан, давр инсон фаолиятининг барча қирралари маънавият билан боғлиқлиги, миллий гоё тарбиясига эътибор ортиб бораётганлиги билан характерланади, чунки фан ва техниканинг тараққиёти бевосита жамият маънавиятининг қай даражада юксаклигига боғлиқ.

Янги асрдаги туб ислоҳотлар ҳар бир кишидан билим, салоҳият, самарали меҳнат, юқори малака, юксак онглилик, ижодкорлик, жамият олдида масъулиятни ҳис этишни талаб қилади. Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш, маънавий бой, баркамол шахсни шакллантириш таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни изчил олиб боришни тақозо этади. Мазкур вазифалар шу соҳа мутасаддилари билан бир қаторда таълим тизимида етакчи фанлардан бири ҳисобланган тил-адабиёт ўқитувчилари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунини амалиётга жорий этиш омили сифатида «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжумани бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида анжуман йиғинлари «Ўзбек тилини ўрганиш ва ўргатишни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари», «Она тили таълими мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари», «Таълим жараёнида сўз бойлигини оширишнинг асосий омиллари», «Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари», «Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари», «Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари», «Ўзбек тили таълими жараёнида миллий истиқлол гоёсини сингдириш», «Таълим жараёнида фанлараро боғланиш» каби мавзулар муҳокамасига бағишланди.

Кўринадики, анжуманнинг ҳар бир йиғини муҳокамасига олиб чиқилган масала ўзбек тили таълимининг энг долзарб масалаларига қаратилган. Анжуман мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитиш мазмунини белгилаш, такомиллаштиришга оид жараённи мувофиқлаштириб турувчи Марказ сифатида ушбу таълимнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиб, кенг муҳокама қилиш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш каби ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мазкур анжуманнинг «Ўзбек тили таълими – XXI асрда» мавзуси муҳокамасига бағишланган IX йиғинининг Сурхон воҳасида ўтказилишида ҳам рамзий бир маъно мавжуд. Чунки бу воҳа ўзининг тарихи, маданияти билан Республикамизда ўзига хос мавқега эга.

Сурхондарё вилояти – Ўзбекистон Республикасининг энг жанубида жойлашган фусункор ўлка. Вилоят сифатида 1941 йил 6 мартда ташкил этилган.

Вилоятда ТермизДУ, 20 га яқин махсус ўқув юртлири, 800 дан ортиқ умумий ўрта таълим мактабларида 100 мингга яқин ўқувчи ва талабалар таъсил оладилар.

Марказий Осиёнинг қадим шаҳарларидан бири Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи 2001 йилда халқаро миқёсда нишонланди. Кўплаб катта воқеалар ва лаҳзаларни бошидан кечирган Термиз бутун тарихи давомида Марказий Осиё халқлари маданий тараққиёти ва ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим роль ўйнаган, «Буюк ипак йўли»нинг асосий чорраҳаларидан бири сифатида дунё цивилизацияси ривожига сезиларли даражада ҳисса қўшган қадим шаҳардир.

Мустақиллик йилларида Термиз чиройига янада чирой қўшилгани, шаҳар кўчалари раvon ва кенг кўчаларга айлантирилгани, истироҳат боғлари, шарқона усулдаги муҳташам ва обод бозорлар, замонавий маъмурий бинолар, ўйингоҳлар, театр ва кинотеатрлар, илм-фан масканлари барпо этилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз, ўзининг 2500 йиллик юбилейини халқаро миқёсда нишонлаган шаҳарнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарганки, бу ўз навбагида нафақат термизлик, балки ҳар бир сурхондарёлик ва шаҳар меҳмонлари қалбида кувонч ва фахрланиш ҳиссини уйғотади.

Мустақиллик кунимиз – 1 сентябр, Ўзбекистоннинг ҳар бир ерида катта тантана, шоду хуррамлик билан нишонланади. Сурхон воҳасида тантананинг боши Термиздан, буюк аллома Ҳаким ат-Термизий номи билан аталадиган майдондан бошланади.

Ҳаким ат-Термизий - ислом назариятчиси, муҳаддис, ёшлигидан илмга берилган, тасаввуф тарғиботчиси, 80 дан ортиқ асар ёзган алломадир.

Ўзининг тақрорланмас тарихи, улуғ алломаларию фозиллари билан ўзига хос мавқега эга бўлган Сурхон воҳаси таълим соҳасида ҳам муайян ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Воҳанинг кўп сонли педагогик жамоаси, хусусан тил-адабиёт мутахассислари анжуман тавсияларидан тегишли хулоса чиқарган ҳолда мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий ўқув юртлиригача бўлган узлуксиз таълим тизимида маънавий кўзгаси бўлган она тилини ўқитишнинг самарадорлигини янги асримиз мезонлари ва талаблари даражасига кўтарадилар деган умидламитиз.

Низомиддин Маҳмудов
ТДПУ каф. мудири, фил.фан.
доктори, профессор

Давр ва она тили таълими

Тил миллат борлиги ва бирлигининг боқийлигини таъмин этадиган, халқ тафаккур тарзининг тамалида турадиган, қавмнинг қалби қаъридаги қиёссиз қудратни соғлом сақлайдиган, миллий маънавият, миллий ўзлик деган теран тушунчаларнинг тириклигига тиргак тутадиган беназир ва

бикир бир воситадир. Қайси қавмга мансуб бўлишидан, қанча тил билишидан, қайси замон ва қайси маконда яшашидан қатъи назар, инсон боласи, энг аввало, она тили орқали ўзини билдиради, она тили орқали бу кўҳна дунёнинг сиру синоатларини билади. Курраи заминнинг турли минтақаларида кашфиёт йўлининг мунтазам машаққатларидан ҳузур туйган, қилни эмас, тилни қирқ ёриб, бу неъматнинг моҳиятига заррабин тутган алломалар (масалан, олмон Вилргелрм фон Гумболррт, америкалик Бенжамин Ли Уорф, япон Таданабу Цунода ва бошқалар) нинг хулосаларидаги муҳим бир жиҳатни шундай умумлаштириш мумкин: Инсон дунёни кўзи билан эмас, балки тили билан кўради! Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир тил вакили дунёни ўз тили мантигадан келиб чиқиб фарқли тарзда кўради, эшитади ва идрок этади. Шунинг учун ҳам тил ҳар бир миллатнинг муқаддас мулки ва бебаҳо бойлигидир.

Беш минг йиллик тарихга соҳиб мактаб таълимида (илк ибтидоий мактаблар эраמידан олдинги учинчи минг йилликда қадимги Шумерда пайдо бўлган) ана шундай бебаҳо бойлик бўлмиш тилни, хусусан, она тилини ўқитишга фавқулудда салмоқли ўрин ажратилганлиги бежиз эмас. Йиллар, асрлар оша она тилини ўрганиш ва ўргатишнинг йўллари, усуллари такомиллашиб, ривожланиб, ҳар бир тарихий даврнинг талаб ва эҳтиёжларига уйғунлашиб борганлиги ҳам табиий бир ҳолдир.

Бугун мустақил Ўзбекистонимизда она тили, давлат тили ва хорижий тилларни ўқитишга ниҳоятда катта аҳамият берилмоқда, янги аср ва истиқлолнинг аниқ талабу эҳтиёжларига мувофиқ бу йўналишда беҳад кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тилнинг, хусусан, она тилининг шахс камолотидаги ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов бу улкан ҳақиқатни ҳамиша таъкидлаб келадилар. Юртбошимизнинг мана бу сўзларини ҳеч кимнинг, айниқса, тил ва адабиёт ўқитувчисининг унутишга ҳақи йўқ: “Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақрор жозибаси билан сингади... Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.”

Ҳеч кимга сир эмаски, таълим ва тарбия жараёнларини бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Албатта, таълимда ақлий идрок бирламчи бўлса, тарбияда руҳий идрок етакчидир. Аммо миллатнинг руҳи бўлмиш она тили таълимида фақат ақлий омилнинг ўзи етарли эмас, руҳий сезгиларсиз тилнинг моҳиятини тасаввур этиш маҳол. Айни пайтда том маънодаги миллий тарбия ҳам она тилисиз ақлга сиғмайдиган ишдир. Бу маънода она тили таълими ўқувчида тил севгиси, сўз севгиси ва равон нутқ малакаларини шакллантириш йўлигина эмас, балки миллий ўзлик, маънавий комиллик тарбиясини мажбурловсиз, қистовсиз, “билдирмасдан” амалга оширишнинг энг қулай ва самарали усули ҳамдир. Ана шундай мажбурловсиз, тақиқ ёки ундов сиртмоғидан холи тарбия натижасида шаклланган ахлоқнинг умри узун бўлади, чунки бундай ахлоқ инсон қалбини ичдан ишғол этади. Машҳур адиб Марк Твеннинг шундай бир мулоҳазаси бор: Дарёларида сув ўрнида ароқ ва

шароб оққан. сув эса тансиқ ичимлик сифатида пулга сотилган сеҳрли ўлкага тушиб қолган одамнинг қувончини тасаввур қилинг. Аммо жуда оз фурсатда бу одам ана шу қимматбаҳо сувни ичишни одатга айлантиради ва ҳатто меъёридан ошириб ҳам юборади. Шаробга қарамайди ҳам, чунки у текин ва жуда ҳам кўп. Ёзувчи бу қиссадан мана бундай фавкулудда ҳисса чиқаради: “Тақиқловчи қонунларга асосланган ахлоқ зарарлидир” (М.Твен. Соб. соч. в 8 томах. 8-том. М., 1980, с.456).

Она тилининг тарбияловчилик, жамиятда маънавий-маърифий мувозанатни сақловчилик қудрати ҳақида кўп гапириш мумкин. Америка социологлари аниқлаган маълумотларга кўра, қаерда миллатнинг ўз илдиэларидан кўпорилиши кўпроқ бўй кўрсатса, қаерда она тили кўлланиш доирасининг торайиши кузатилса, ўша минтақаларда жиноятчилик авжга чиқади, чунки у жойларда маънавият дунёси ҳалокатли даражада тораяди, қашшоқлашади, ҳатто маънавий мажруҳлик ва таназзул юзага келади (Ю.Абдуллаев, А.Бушуй. Язык и общество. Ташкент: Фан, 2002, с.9).

Бугун дунё шиддатли глобаллашув ва универсал технологиялар ривожига жараёнларини бошидан кечирмоқда. Бу жараёнларда Фарбдаги хилма-хил сиёсий кучларнинг ўз манфаати илинжида мустақил мамлакатимизга қарши қаратилган ғирром ва ёвуз хуружлари, таҳдидлари авж олмақда. Бундай сохта демократияпарварлик ниқобидаги сиёсий дийдиёлар, маккор ўйинларнинг мақсади юртимиздаги ёшларнинг қалби ва онгини забт этишга, уларни танлаган йўлимиздан оздиришга қаратилганлиги ҳеч кимга сир эмас. “Воизга ёрдам” рукнида нашр этилган бир китобда таъкидланганидек, “агар биз ўз ҳаёт тарзимиз, миллий гоямизга мутлақо зид бўлган мана шундай хавф-хатарлардан фарзандларимизни асрай олмасак, бузғунчи кучлар миллатимиз маънавиятини бутунлай тескари томонга буриши ва охир-оқибатда ўзлигимизни, ҳар қандай миллатни миллат, халқни халқ қиладиган анъана ва қадриятларимизни йўқотишимиз мумкинлигини барчамиз аниқ-равшан тасаввур қилмоғимиз даркор” (Энг катта бойлигимиз – тинчлик ва барқарорликни асрайлик. Тошкент: “Академия”, 2006, 39-бет).

Ана шундай мураккаб шароитда мамлакатимиз ёшларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва мунтазам мустаҳкамлаш энг бирламчи вазифалардандир. Шахснинг маънавий-маърифий бойлиги, изчил мустақил фуқаролик позициясига эгаллиги, ўз миллий гоямизга содиқ бўлган ҳолда ёт фоғларга қарши тура билиши, уларга нисбатан онгли ва фаол муносабат билдира олишидан иборат қобилият ва малака мафкуравий иммунитет ёки мафкуравий иҳота демакдир. Бундай мафкуравий иҳотанинг энг бирламчи замини эса она тилидир. Она тилига содиқ ва она тилида собит бўлган одамнинггина мафкуравий иҳота қобиғи соғлом бўлади. Бу айрим мулоҳазалар шунини кўрсатадики, бугун она тили таълими ва айни таълимнинг сифати ҳамда самаралорлиги масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб. фавкулудда муҳим масаладир. Бу ҳол юртимиздаги она тили ва адабиёт ўқигувчиларидан янада теран масъулият, фидойилик ва фаол ижодий изланишни талаб этади.

Мамлакатимизда таълим соҳасига шахсан давлатимиз раҳбарининг кўрсатаётган алоҳида ғамхўрлиги туфайли бемисл ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб дарсликлари, хусусан, она тили дарсликлари деярли янгиланди. Аммо дангал айтиш керакки, ҳозирча мактаб она тили таълими билан олий мактаблардаги тилшунослик таълими ўртасида узвийлик етарли эмасдай кўринади. Айрим тил ҳодисалари талқинида ҳар хиллик кўзга ташланади. Албатта, бу ижобий ҳолат эмас, биргина тест синовларини ташкил этишда айни ҳол бир қанча мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Буларни бартараф этиш учун ҳозирги кунда олий мактабларда ўқитиладиган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” курси бўйича яхлит дарслик яратиш зарурияти навжуд. Лекин алоҳида таъкидлаш шартки, қайси фан бўлишидан қатъи назар, дарсликдан тегишли фан соҳасида тўла эътироф этилган илмий талқинлар ўрин олмоғи лозим. Муайян бир ёки бир неча мутахассиснинг диссертациялари, илмий изланишлари, тадқиқотларидаги талқин ва қарашлар дарсликка киритилмаслиги мақсадга мувофиқ, улар илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилмагунча, муаллифнинг шахсий кузатиш ва хулосаларидир. Дарсликда эса фаннинг ҳолис, тўғри ва асосли қонун-қоидалари, талқинлари акс этиши зарур.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида тил ва нутқ ҳодисаларини талқин этишда фалсафага керагидан ортиқ кўп эътибор берилмоқда. Фан тарихининг энг қадимги даврларидан бошлабоқ маълумки, фалсафа барча фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Аммо бу фалсафий категорияларни, айтайлик, тилшуносликда, тушунтириб, унга тил ҳодисаларидан мисол келтириш дегани эмас. Фалсафий қонун ва категориялар тадқиқотчининг онгида, таҳлилининг моҳиятида, ҳодисалар талқинининг маъзида бўлиши лозим. Акс ҳолда тил ҳодисаларини тушунтириш ва тушуниш мураккаблашади, қийинлашади. Фаннинг, айниқса, ижтимоий-гуманитар фаннинг вазифаси эса бу эмас. Атоқли қозоқ шоири ва қадимги ёзма ёдгорликларнинг ажойиб тадқиқотчиси Олжас Сулаймонов “Ёзув тили” номли китобида “Ижтимоий фанлар ўз табиатига кўра жамиятга, ҳеч бўлмаганда, умумий тарзда тушунарли бўлиши лозим, акс ҳолда улар ўз вазифасини бажара олмайди” деб ёзади (Сулаймонов О. Язык письма. Алматы – Рим, 1998, с. 12).

Ўзбек тилшунослигидаги баъзи ишларда ҳодисани тушунтириш учун фалсафий, тасаввуфий асослар изланади, муаммони ортиқча фалсафийлаштириш натижасида фойдасиз мураккаблиklar юзага келади.

Маълумки, ҳар қандай назарий тадқиқотнинг, илмий таълимотнинг ягона мақсади ҳодисанинг моҳиятига осон ва ҳолис киришининг йўллари кўрсатишдан иборат. Ўрганишни ортиқча фалсафийлаштириш эса моҳиятга борадиган йўлни чигаллаштириш, узайтиришдан бошқа нарса эмас. Ўтган асрнинг 70-йилларида таниқли рус тилшунослари О.С.Ахманова ва Л.В.Минаевлар ҳақиқий тилшуносликнинг аниқ вазифаси бўлмоғи лозимлигини, аммо кейинги йигирма йиллар ичида пайдо бўлган аксарият ишларда бу вазифа иккинчи планга ўтиб қолаётганини таъкидлаб, “бундай ҳолатнинг сабаблари тўғри келган ҳар қандай нарсани, реал инсон тилидан

бошқа, тушунтиришга даъво қиладиган афсонавий “талқин қуввати”га эга мавҳум “назария”ларни қоидалаштириш, бўлар-бўлмас шов-шув ва “кашфиёт”ларнинг кетидан қувиш..., тилшунослик ва лингвистик фалсафа (логик позитивизм) ўртасидаги ўзига хос “иттифоқ” тамойилига суянган хилма-хил логик назарияларга қайтиш ва ш.к. омилларда яширинган бўлса керак” деб ёзган эдилар (Ахманова О.С., Минаева Л.В. Место звучащей речи в науке о языке. – Вопросы языкознания, 1977, №6, С.44). Олий мактаблар учун юртимизда чиқарилган айрим ўқув қўлланмаларида айни ҳолатни кўриш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида яна бир салбий уриниш кўзга ташлана бошлади. Мавжуд терминларнинг муқобили сифатида ёки айрим тушунчалар ифодаси учун ўринли-ўринсиз арабча-форсча сўзларни қўллашга иштиёқ билдирилмоқда (*жузв, кулл, зот, тажалли* каби). Бундай ҳаракатлар, табиийки, ўзбек тилшунослиги фани учун ҳам, она тили таълими учун ҳам асло фойда келтирмайди.

Айрим тадқиқотчиларда тилшуносликни аниқ фанлар билан тенглаштиришга, уни аниқ фан сифатида қарашга мойиллик бор. Ана шу мойиллик туфайли тил ҳодисаларини тушунтиришда ҳуда-беҳуда хилма-хил формулалар, чизмалар, шартли белгиларга мурожаат қилинади. Бу нуқтаи назарга ҳам қўшилиб бўлмайди. Тилшуносликни тамомила аниқ фан деб ҳисоблаш тилдаги фақат коммуникатив-логик жиҳатнигина эътироф этиб, ундаги эстетик, психологик, маънавий-маданий ва яна бошқа бир қатор муҳим моҳиятларни тан олмаслик билан баробардир. Ҳолбуки, мазкур моҳиятларсиз тил миллат руҳининг ифодачиси бўла олмайди. Мазкур моҳиятларсиз алла йўқ, шеър йўқ, қўшиқ йўқ, аския йўқ, эртақ йўқ, бадиий сўз йўқ. Ўтган аср бошларидаги машҳур француз шоири ва адабиётшуноси Пол Валери “Поэзияда сўзлар рақсга тушади, прозада юради” деганида тилнинг айни шу моҳиятларини назарда тутган. Тил – ўзига хос бетакрор ва муҳташам сирли ва синоатли санъат. Санъат эса ҳеч қачон аниқ фан ҳисобланмаган.

Бу ўринда яна бир нарсани айтмасдан бўлмайди. Бугун давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг янгидан-янги методларини яратиш, таълим самарадорлигини оширишнинг турли йўллариини излаш, қисқаси таълим сифатини янги босқичга кўтариш мақсадида номзодлик ва докторлик изланишлари олиб борилмоқда. Холис ва асосли хулосаларга келиш учун мактабларда тадқиқотчилар томонидан тажриба-синов ишлари ўтказилмоқда. Бу йўналишлардаги диссертацияларда айни шу тажриба-синов ишларининг натижаларини математик-статистик таҳлилни бериш талаб этилмоқда. Аммо бу талаб, менимча, унчалик ҳам тўғри эмасдай туюлади. Чунки бу соҳадаги тадқиқотчининг олий математикани шундай таҳлил даражасида билмаслигини ким билмайди? Табиийки, тадқиқотчи бундай таҳлилни иложсиз бирорта математикка илтимос қилиб бажартиради. Бундан кимга фойда? Аниқки, мазкур диссертацияларда бундай таҳлилдан воз кечиш керак ёки бошқа бир мақбул йўлини топиш лозим.

Таълимда, айниқса, она тили таълимида ўқитувчи нутқининг сифати

ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Ҳуқутовчи маданий нутқнинг барча сифатларини қанчалик тўлиқ эгаллаган бўлмасин, нутқ техникаси етарли бўлмаса, унинг дарси мақсадига эришмайди.

Жонли, товушли нутқ ва унинг барча унсурларини тўғри воқелантириш кўникма ва малакаларининг жами нутқ техникаси демакдир. Бунда овознинг сифати, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш, товуш ва товуш қўшилмаларини аниқ талаффуз қилиш, аниқ дикция каби бир қатор ҳодисалар назарда тутилади.

Шайх Саъдий Шерозийнинг машҳур “Гулистон” асарида шундай бир ҳикоят бор: “Санжарийя масжидада бир киши рағбат билан азон айтар эрди, бир овози биланки, эшитганлар андин нафрат этардилар. Масжиднинг соҳиби бир амир эрди, одил ва хушхулқлик. Хоҳламас эрдик, анинг кўнглини муқаддар айласа, айди: “Эй жавонмард, бу масжиднинг қадимги муаззинлари борки, ҳар бирининг беш тилло вазифаси бордур. Сенга ўн тилло берурмен, токим бўлак маҳаллага кетарсен”. Бу сўзга иттифоқ айладилар ва муаззин кетди. Бир муддатдин сўнгра амирнинг ҳузурига қайтиб келди ва айди: “Эй амир, менга зулму ситам айладингки, ўн тилло билан мени бу маҳалладин жўнатдинг. Ул маҳаллаки, мен бордим, менга йигирма тилло бердиларки, бўлак маҳаллага кетсам қабул этаюрмен”. Амир кулди ва айди: “Асло олмағайсен, зероки эллик тиллоға ҳам рози бўлурлар” (Саъдий Шерозий. Гулистон. Тошкент: Фан, 2005, 177-179-бетлар).

Хирқироқ, чийилдоқ, шанғироқ каби овозларнинг ёқимли бўлолмаслиги, яъни тингловчи қулоғини қийнаши тайин. Бундай ёқимсиз овоздан “либос кийган” фикрнинг каттагина қисми нутқ идрокиннинг ўта сезгир ва нозик дарвозаси бўлмиш қулоқдан ўтолмай ташқарида қолади. Бу, албатта, нутқ эгаси кўзлаган мақсад – муайян бир ахборотни тингловчига тугал ва таъсирли тарзда етказиш учун қулай шароит яратмайди, балки унга монелик қилади.

Фаолиятининг асосий қуроли нутқ бўлган ҳуқутовчининг овози, талаффузи, дикцияси, умуман, тирик нутқи ҳамиша ҳуқувчилар, айниқса, кичик синфлардаги ҳуқувчилар учун ўзига хос эталон, намуна вазифасини бажаради. Ҳуқутовчининг тирик нутқидаги каттадир, кичикдир, ҳар қандай нуқсон ҳуқувчи назаридан четда қолмайди, дарҳол унинг диққатини тортади. Бундай нуқсон ҳуқутовчи нутқида мунтазам кузатилса, ҳуқувчи ҳуқутовчидан ноҳақ бўлса-да, ранжиган ҳолларида мазкур нуқсон асосида уни сиртдан калака, мазах қилишгача бориши мумкин.

Касбига садоқатли ҳуқутовчи ўз ҳуқувчиси кўзи ўнгида қусурсиз ва қадрли устоз имижини яратиш, уни сақлаш учун ҳамиша нутқининг фонетик расолиги ҳақида қайғуриши зарур.

Умуман, она тилини ҳуқутиш фақат таълимий ёки тарбиявий мақсаднигина кўзда тутмайди. Она тили айни замонда бугун жамиятимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг қудратли воситаси ҳамдир. Бунини она тили ва адабиёт ҳуқутовчилари, педагогикамиз ва тилимизнинг толмас тадқиқотчилари ҳамиша ёдда тутмоқлари зарур.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун ва унинг ижроси

Сурхон воҳаси анъана ва қадриятларга, тарихий обидаларга бой қадимий ва навқирон, машҳур Термизийларнинг она юртидир. Сурхондарё вилоятида 39 минг нафардан ортиқ таълим ходимлари 483 минг нафар ўқувчига таълим – тарбия беришмоқда.

Анъанавий тадбирга айланиб қолган “Ўзбек тили” доимий илмий - амалий анжуманнинг воҳамизда ўтказилиши ҳақидаги хабар барча зиёлиларни тўлқинлантириб юборди. 16 йил муқаддам дастлаб Самарақандда иш бошлаган доимий илмий-амалий анжуманнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 18 йиллиги нишонланадиган йилда воҳамизда бўлиб ўтиши, унда ўзбек тили таълимининг ХХI асрдаги аҳволи ва келгусидаги вазифаларнинг муҳокама қилиниши, ўзаро тажриба алмашилиши ўзбек тили таълимининг юксалишига, самарадорлиги ошишига катта ёрдам беради деб ўйлайман.

Вилоятимиз қадимдан ҳунармандчилик, илм-фан маркази бўлиб келган. Холчаён, Қоратепа, Жарқўрғон, Далварзинтепа, Фаёзтепа Султон Саодат, Ҳаким ат Термизий мавзолейлари, Саид Оталиқ мадрасаси фикримизнинг яққол исботидир. Ўзидан 49 та асар қолдирган машҳур аллома Ҳаким ат Термизий, ҳадиснависликда дунёда Имом Бухорийдан сўнг иккинчи ўринда турадиган машҳур «Суннани Термизий» муаллифи Хожи Исо ат Термизий, машҳур лирик шоир Адиб Собир Термизий, «Дастур-ул-мулук» асари муаллифи Хожа Самандар Термизий кабилар буюк воҳадoshларимиз саналади.

XX - ХХI асрларда ўзбек адабиётида Раъно Узоқова, Теша Сайдалиев, Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзамов, Усмон Азим, Тоғай Муродов, Нодир Норматов, Эшқобил Шукур, Мирзо Кенжабек, Сирожиддин Саййид, Шафоат Раҳматуллаева сингари ёзувчи ва шоирларимиз самарали меҳнат қилишди, эса қоладиган ёрқин асарлар яратишди ва яратишмоқда. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни она тили ва адабиёт фанларига қизиқтиришда, улардаги ижодий қобилиятни шакллантиришда уларнинг ижодидан кенг фойдаланилмоқда. Шу сабабли ҳам ҳар йили ўқувчиларимиз орасидан ўнлаб шоир ва шоиралар, ёзувчилар, журналистлар етишиб чиқишмоқда. Кейинги йилларда ўқитувчи ва ўқувчиларимиз “Ижодкор ўқитувчи”, “Ижодкор ўқувчи” кўрик-танловларида мунтазам равишда I-III ўринларни эгаллаб келишмоқда. Мактабларда фаолият кўрсатаётган 799 та она тили ва адабиёт тўғарақларида 14564 нафар ўқувчи ўзлари қизиққан фан ва ижод сирларини ўрганишмоқда.


Бандихон туманидаги 14-, Музработ туманидаги 10-ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқувчилар она тили ва адабиёт фанларини кенгайтирилган дастур асосида чуқур ўрганишмоқда. Шунингдек, она тили ва адабиёт фанидан 76 та, давлат тилидан 27 та фанлар чуқур ўрганиладиган

синфлар ташкил қилинган. Шу орқали ўқувчиларнинг мазкур фанларни чуқур ўрганишига имконият яратиб берилган.

Вилоят халқ таълими тизимида Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги ва «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунлари ижросини тўғри йўлга қўйишда, она тили ва адабиёт, давлат тили ўқитувчиларига методик ёрдам беришда, уларнинг касб ва методик маҳоратини ўстиришда вилоят халқ таълими бошқармаси муассислигида чиқарилаётган «Маънавият гулшани» газетаси ва «Сурхон зиёси» ахборотномасининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Мазкур нашрларда ўқитувчиларга амалий-методик ёрдам бериш мақсадида турли методик тавсиялар, илғор иш тажрибаларни ёритувчи мақолалар ёритиб борилмоқда. Уларда газетхонларга илмий-методик янгиликларни етказиш билан биргаликда, ушбу фанлар ўқитилишини такомиллаштириш, мазмунини янгилаш, самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар, қимматли тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Бойсун туманидаги 3 - умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ўқитувчиси С.Сафаров, Термиз шаҳридаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Д.Нормуродова каби бир қатор илғор тажрибали ўқитувчиларнинг мақолалари, дарс ишланмалари «Маърифат» газетасида, методик журналларда ёритиб борилмоқда. Ўқувчилар ижодидан намуналар ёритиш учун «Маънавият гулшани» газетасига илова тарзида ҳар ойда бир марта «Йилҳом» газетаси чоп этилаётганлиги, мазкур нашрлардаги мақолаларнинг 70-80 фоизи лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида берилаётганлиги ҳам тегишли қонунлар ижросини аниқ ва тўлақонли таъминлаб боришимизда катта аҳамият касб этмоқда.

Умумий ўрта таълим муассасаларида 25683 нафар ўқувчи тожик, 3690 нафар ўқувчи рус, 26 нафар ўқувчи туркман тилида таълим олишмоқда.

Бутунги кунда вилоятимизда самарали меҳнат қилаётган бир қатор тилшунос олимларимиз, халқ таълими ходимларининг номини фахр билан тилга оламиз. Бир қанча дарсликлар, илмий рисоалар муаллифлари ҳурматли профессорларимиз Х.Холиёров, Ж.Омонтурдиев, вилоят педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 35 йилдан буён она тили ва адабиёт, ўзбек тили ўқитувчиларига устозлик қилиб келаётган С.Жумаев, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўриктанловининг Республика босқичида 2 ўринни қўлга киритган Термиз шаҳридаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Д.Нормуродова, Ангор туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг илғор тажрибали ўқитувчиси З.Шопўлатов, бир неча йилдан буён шоғирдлари вилоят фан олимпиадасида фақат совринли ўринларни эгаллаб келаётган Термиз шаҳридаги 13-мактаб ўқитувчиси Д.Шукурова, вилоят ва республика оммавий ахборот воситаларида илмий ва методик мақолалари билан самарали чиқишлар қилаётган Бойсун туманидаги 3 - умумий ўрта таълим мактабининг давлат тили фани ўқитувчиси С.Сафаров, Термиз шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг маҳоратли давлат тили фани ўқитувчиси Т.Алиқулова каби таълим фидоидорларининг сафига қўшимиз мумкин.



Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузурида, барча халқ таълими бўлимлари, мактаб-интернатлар, умумий ўрта таълим мактабларида 5-9 нафар масъул ходимдан иборат Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги ва “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунлар ижроси билан шуғулланувчи ваколатли ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатяпти.

Хар йили февраль ойида навоийхонлик, бобурхонлик кунларини, октябрь ойида “Давлат тили байрами” ойлигини ўтказиш анъанага айланган. Ушбу вақт мобайнида шеърят кечалари, ғазалхонлик оқшомлари, баҳс-мунозаралар, шоир ва олимлар билан учрашувлар, ўқувчилараро, синфлараро мусобоқалар, суҳбатлар ташкил қилинмоқда.

Ўқувчининг она тили ва адабиётни чуқур ўзлаштириши унинг ижодий фикрлаш қобилиятининг шаклланишида, сўз бойлигининг ошишида, бу эса ўз навбатида, бошқа фанларни чуқур ўрганиб олишида катта аҳамият касб этишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бунда асосий вазифамиз ўқувчиларнинг она тили ва адабиёт фанларига қизиқишини янада ошириш устида ишлашдан иборат бўлиши керак. Оғзаки нутқи раван, мазмунан бой, ёзма нутқи мукамал шаклланган ўқувчилардан яхши натижалар кутиш мумкин. Сўз бойлиги, бадиий адабиётни яхши ўзлаштириб олиши ўқувчининг фикрлаш қобилияти ривожига ижобий таъсир этади. Фикрлаш қобилияти юқори даражада бўлган инсон ҳар қандай билимни тез, пухта ва чуқур ўзлаштириб олиш, таҳлил этиш имкониятига эга бўлади.

“Ўзбек тили» доимий илмий – амалий анжуманнинг тўққизинчи йигинида билдирилдиган фикр – мулоҳазалар, берилдиган тавсиялар, белгиланадиган вазифалар она тили ва адабиёт, давлат тили фанлари таълимини такомиллаштиришга, мазмунини янгилашга унда илғор педагогик технологияларнинг татбиқ этилишига, самарадорлигини оширишга дастуриламал бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Ҳамид Неъматов
(БухДУ профессори)

Она тили таълими олдидаги икки вазифа

Она тили ва тафаккур бир-биридан ажралмас бир бутунликдир; тафаккур она тили воситасида шаклланади ва мана шу тил орқали воқеланади, юзага чиқади. Шунинг учун таълим тизимида она тили таълими ўқувчи тафаккурини ривожлантиришга махсус мўлжалланган, ихтисослашган ўқув предметидир. Тафаккур она тили орқали шакллантирилади ва ривожлантирилади - мактабда она тили таълими тафаккурни ривожлантириш, уни юзага чиқариш дарсларидир. Бу дарслар болага она тили имкониятларини бериши, уни тафаккурнинг калити бўлган она тили имкониятлари ҳазинасига олиб кириши, бу бойликлардан фойдаланиш

малака ва кўникмаларини, маданияти ва маҳоратини шакллантириши лозим. Она тилимиз бунга - ҳар бир тушунчани ифодалаш учун ўнлаб сўз, ҳар бир фикрни бериш учун ундан ҳам кўпроқ гап қурилиши турлари каби имкониятлар хазинасига эга ва бу имкониятлар уммони чексиздир. Мана шунинг учун ҳам ижодий тафаккур соҳибини етиштириш мақсади она тили таълими олдига янги талабларни қўяди. Бу мақсад эски мазмун, эски усуллар ва воситалар билан амалга оширилиши мутлақо мумкин эмас. Энг муҳими у янги кучларни, ҳам таълим олувчининг, ҳам таълим берувчининг таълимга тамоман янгича ёндашишини талаб этади. Президентимизнинг Олий Мажлиснинг Биринчи қаҳриқ IX сессиясидаги маърузаларида бу масала жуда тўғри таъкидланди ва бу бежиз эмас. Зероки, таълим мақсади ижтимоий буюртма сифатида қонунлар билан янгиланади. Янги мақсадга мувофиқ мазмун ва усуллар бир гуруҳ олимлар томонидан ишлаб чиқилди. ДТС, дастур, дарслик, тавсияларда ўз аксини топди ва бу ишлар Ватанимизда амалга оширилди. Она тилидан ДТСларига мос ва мувофиқ дастур ва дарсликлар ишлаб чиқилди, оммалштирилди. КТМД ва Давлат Умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқи билан боғлиқ равишда таълим муассасаларининг моддий замини мустаҳкамланмоқда, ўрта махсус таълим тизими деярли тўлиқ компьютерлаштирилди, умумтаълим мактабларига ҳам компьютер шахдам қадамлар билан кириб келмоқда. Моддий замин бор. Лекин бу мақсад, мазмун, усул ва воситаларни воқелантирувчи, оммага етказувчи ўқитувчилар бу ишга фаол бунёдкор сифатида иштирок этмаса, ташаббусни ўз қўлига олмаса, берилган имкониятлардан самарали фойдаланмаса, Қонун-у стандартлар, бино-ю, жиҳоз-у, ускуналар ва ҳатто дастур-у дарсликлар ҳеч нарса бермайди. Мана шунинг учун бугуннинг энг долзарб масаласи ўқитувчилар оммасининг, хусусан, она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг фаоллигини оширишдадир. Ҳозир тараққиёт ва равнақнинг, таълимимиз, демак, келажагимизнинг тақдири ҳам, жамият, ДТСлар олдимизга қўйган ижодий тафаккур соҳибини етиштириш мақсадининг ҳақиқатга айланиши ёки қонун ва қоғозларда буюк орзу сифатида қолиб кетиши ҳам, тақдиримиз ва истиқболимиз ҳам ўқитувчилар қўлида. Фаоллик ҳам жамиятга, ҳам ўзимизга барака келтиради. Бу фаоллик нималарда намоён бўлиши керак?

Биринчидан. Биз олдинги одат ва кўникмалардан - «Қулоқ солиб ўтиринг, диққат билан тингланг. Мен сизга гапириб бераман, сиз уни менга тақрорлаб айтасиз» усулидан батамом воз кечишимиз лозим.

Иккинчидан, ўқув материали - олдингидан фарқли равишда - дарсликдаги материал ва маълумотлар билан чекланмайди - дарслик сизга ва ўқувчига изланиш, топиш, ўрганиш ва қўллаш учун йўналиш ва изланиши керак бўлган материал ва маълумот намунасини беради, холос. Кўрсатмалар асосида материал излаш ва унинг устида мустақил изланиш таълим олувчида ижодийлик кўникмаларини сингдиришнинг энг муҳим омили эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Олдимизда турган мақсадни воқелантириш учун биз бу ҳолатга узил-кесил чек қўймоғимиз керак. Она тили таълимининг амалда бўлган ва индуктив деб номланаётган (моҳиятан вербал-когнитив-

прагматик) таълим усулида асосий ўқув материали дарсликдан ташқарида бўлган ахборот банкидир, дарслик унга мурожаат қилишга йўлланма ёки ундан жузъий намуна беради, холос. Шунинг учун олдимизда турган энг асосий масала она тили машғулотлари учун зарур бўлган ахборот хазинасини (турли-туман луғатлар, ахборот мажмуалари, тасвирлашда қандай сўзларни қўллаш лозимлиги кўрсатилган расм-бадий тасвирлар, маълум бир мавзунини ёритиш учун ишлатилиши тавсия этиладиган сўз, ибора ва шакллар кўрсаткичи, сўзларнинг мавзувий гуруҳ ва тўпламлари в.х.) турли шакл ва кўринишларда (одатдаги китоб, электрон нусха, Интернет сайти, видеокассета, аудиокассета, кўргазма, ҳар хил қўлланма, мажмуа, тўплам, тавсия в. х. сифатида) яратиш ва ундан фойдаланиш маданиятини шакллантиришдан иборатдир.

Шунинг учун она тили таълими олдида жамият томонидан қўйилган вазифани давр талабларига мос воқелантириш учун таълимимиз ва фанимиз олдида мана шу икки вазифа = биринчидан, она тили дарслари учун зарур ва она тили имкониятлари хазинасини ўқувчиларга етказувчи ахборот банкларини тузиш ва оммалаштириш, иккинчидан, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни мана шу ахборот хазинасидан самарали ва ижодий фойдаланиш асосида ташкил этиш, шу ишга қодир ўқитувчилар тайёрлаш.

Абдурузиқ Рафиев
(ЎзМУ)

Ёзма саводхонлик - давр талаби

Ёшларимизнинг камолот сари интилиб, келажакимиз ворислари бўлиб етишишларида ўз вақтида берилаган таълим — тарбиянинг ўрни беқиёс эканлиги маълум. Шу мақсадда уларга умуминсоний ва миллий қадриятларни ўргатамиз, дунёвий билимларни ўқитамиз. Аммо энг муҳим воситани — буларнинг барчаси тил, нутқ орқали амалга оширилишини кўпинча эътибордан қочирамиз десам хато қилмаган бўламан. Зотан, инсон ўз ажодлари томонидан унга мерос қилиб қолдирилган барча билимларни ёзув, тил воситасида ўзлаштиради, сўнгра тўпланган билимлар, маълумотларни ҳаёт тажрибалари билан бойитиб, кейинги авлодга қолдиради. Шунинг учундирки, ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким, суҳаре шарифроқ йўқ андин, деб бежиз айтмаганлар.

Она тилимизга ҳурмат ва муҳаббатимиз жисму жонимизга онамизнинг оқ сути билан кирган, қалбимизга алланинг сўзлари, илк муаллимимиз ўргатган алифбо тимсолида сингиб, катталару устозлардан эшитганларимиз, дарслику китоблардан ўқиб ва ўқиб олганларимиз орқали руҳимизу онгимизга жо бўлган. Дарҳақиқат, тилимиз савод чиқариб китоб ўқишимиз, бошқалар билан мулоқотга киришиб ўз хатти-

ҳаракатларимизни онгли бошқаришимиз, турли ахборот, маълумотларни билиб, дунёқараш ва билимларимизни бойитиб бирор касб эгаси, мутахассис сифатида ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда бир қалит вазифасини бажаради. Гўдак қулоғига чалинган сўзлардан тинчланиб, руҳи қувват олар экан, ёш бола тинглаган ҳар бир сўзини тушуниш, маъносини англаш орқали нарса – ҳодисаларнинг хосса – моҳиятини оча бориб камолот сари илк қадамлар ташлайди. Ёш йигит -қиз бамисоли новданинг тобора кўпайиб бораётган шох ва барглари каби тўлишиб улкан бир дарахтга, балоғат ва камолотга етган шахсга айлангунча ва ҳатто ундан сўнг ҳам ўз нутқини такомиллаштириш, бойитишга ҳаракат қилади. Сўз орқали дунёни, борлиқни англаш жараёни умр бўйи давом этади. Зеро, «Сўраб Маккани топасан», «Тил билган - эл билади», «Сўраган олим, сўрамаган ўзига золим» деб бежиз айтишмайди. Афсуски, тилнинг ана шундай қудратини ўз вақтида сезмаётган ёшларимиздан ташқари фарзандининг зеҳни - қобилияти, соғлом маънавиятини шакллантиришда сўз бойлигининг нақадар муҳимлигини унутаётган ота – оналар ҳам оз эмас. Сир эмаски, миллий қадриятларимизга ҳеч уйғун бўлмаган ҳолда кўпчилик ота – оналар болаларининг сўроқларига аниқ жавоб қайтаришдан чекланиб, «эзма» бўлмаслик, катталар суҳбатига аралашмаслик, ерга қараб паст овозда гапиришни талаб қиладилар. Натижада бола тортиниб, кўрқиб гапирадиган, ҳаяжон ёки ваҳима билан ноўрин оҳангда сўзлайдиган, нутқи етарли даражада ривожланмаган бўлиб камол топади. Шунинг учун ҳам биз ўқитувчилар кўпинча «Нега рус мактабида ўқиган бола гапга чечан ҳамда билими юқорироқ» деган дашномни эшитамиз. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, нутқ одоби, аввало, оилада шаклланади, бола ота-онаси, опа- акасининг гап –сўзидан намуна олади, катталарга тақлид қилади. Демакки, болага ёшлигидан бошлаб борлиқдаги турли-туман тушунчаларни ифодалайдиган сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этган ҳолда айтиш, хотирасида мустақамлаш, донишманд Кайковус таъкидлаганларидек, уни қачон тилга келтиришу, қай ўринда сўзламасликни ўргатиш ота – онанинг масъулиятидир.

Ўз тилини яхши билган, унинг ҳар бир сўзини эъозлагучи киши миллати ва халқини севадиган, одобли ва тарбияли бўлади. Инсон сўзига, гапираётган гапига қараб ҳурмат – эътибор топади. Адиб Юсуф Хос Ҳожиб «Қутаду билиг»(Саодатга элтувчи билим) асарида шундай дейди:

«Эр ким сўз важдан тахтга эгадир,

Сўзким, эр бошини настга эгадир».

Ўзбек тилимиз мустақил Республикаимизнинг расмий тили сифатида давлат тили мақомига эга бўлиб, Ватанимизнинг барча гўшаларида баралла жаранглаётганлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мустақиллик йилларида она тилимиз қўлланадиган соҳалар кўпайди, газета – журнал, радио тўлқинларию телекўрсатувларда тилимиз янада жилоланди. Янги тушунчаларни ифодалайдиган минглаб сўз ва атамалар она тилимизни бойитди, унугилиб кетаётган соф туркий сўзлар

нутқимизда фаоллашди. Яқинда чоп этилиб, қўлимизга тегадиган беш жилдик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» она тилимизнинг бебаҳо сўз бойлигидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятини яратади. Тилимиз рутбасини юксалтирувчи бу ишлардан албатта, қувонасан киши. Аммо жамоат жойларида, хусусан, кўча ва хиёбонлар, транспортда айрим йигит-қизларнинг ўзаро суҳбатлари, чўнтак телефонидаги гап – сўзларини ихтиёрсиз ҳолатда тинглар экансиз, эшитилаётган сўз ва жумлаларнинг ноўринлиги, қўпол талаффузи ва оҳанги, мантиқсизлигидан хижолат чекасиз. Ажабо, улуғ мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг «Чин сўз – муътабар, яхши сўз қисқа – мухтасар, кимнинг миясида иллат бўлса – сўзида мантиқ бўлмайди» деган нақлларини эслаб, булар соғломмикан ўзи деб ўйлаганиб қоламан. Тўғри, бутунги ёшларимиз замонавий дунёга очик, чет эллардаги янгиликлардан яхши хабардорлар. Аммо ўз тилини, миллатини, Ватанини хор этган бирон бир шахс ҳеч қаерда, ҳеч қачон қадр – қиммат, бахту фаровонлик топмаганлигига кўҳна тарих гувоҳ эканлигини унутмайлик.

Ўзбек тилини тарғиб этиш, ўқитиш мақсадида бир қанча давлатларда бўлиб, шуни бевосита кузатдимки, ривожланган мамлакатларнинг ёшлари ҳеч қачон жамоат жойларида тилларига эрк бермайдилар, бепардоз сўзлар айтмайдилар, ўз тилларида хато гапириш ва ёзишдан қаттиқ уяладилар. Чет элдаги бир воқеа ҳамон эсимда: таксида кетаётиб, ҳайдовчи билан инглиз тилида аранг суҳбатлашаётганимизда унинг чўнтак телефони жиринглаб қолди. Узр сўраб, машина тезлигини пасайтирди ва анча вақт испан тилида гаплашди. Сўнг бизга қараб шундай деди: «Ўттиз йилдан бери Америкада яшаб инглизчани яхши билсам ҳам, ватандошларим билан ўз тилимда, испан тилида гаплашишдан завқланаман. Испанча мен учун – Мексика, она юрт, қишлоғим ва ота-онам!» Яна бир мисол: Меҳмонхонада турк тилидаги газетага нарса ўраётганимни кўрган хона хизматчиси:

«Хўжам, асло бундай қилманг, айб бўлади. Буни кўрганлар, тилимизга ҳурматсизлик қилибди деб тушунадилар. Ҳозир сизга қоғоз халтача келтираман» деб мени хижолатдан қутқарди. Биз ҳам амалий ишларимиз, ўринли ва ширин гап- сўзимиз, нутқ одобиغا риоя қилишимиз билан она тилимизни қадрлашга, адабий тилимизнинг меъёрларини бузмасдан тўғри сўзлаш ва ёзишга одатланишимиз керак. Айниқса, ёш авлоднинг ёзма нутқини ўстиришга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Таълим муассасаларида лотин ёзувиге асосланган янги ўзбек алифбосига ўтилгач, ҳуснихат ва имло саводхонлигига етарли эътибор берилмаяпти. Бўлғуси мутахассисларнинг нутқий саводхонлиги, нутқ маданиятини юқори даражага кўтармасак, уларнинг касбий лаёқати ҳам кемтик бўлиб қолаверади. Чунки ёзув кишини ўз сўзлари, фикрлари устида яна бир неча бор ўйлашга, мулоҳаза-муҳокама қилишга, хато ва ноўрин жумлаларни тузатишга, тўлдиришга имкон беради. Шу жараёнда ёзган кишининг фикри чархланади, мустақил фикрлаш, ижодий ёндашиш қобилияти шаклланади. Шунинг учун ҳам ўқувчи ёшларни саводли

ёзиш, мустақил равишда матн тузишга ўргатиш доимий фаолиятга айланиши керак. Зеро, инсон асосан ёзиш орқали ўз фикр -қарашларини очиқ ифодалай олади, бунда унга ҳеч нарса ва ҳеч ким таъсир этмайди, руҳий -физиологик тўсиқлар бўлмайди. Машҳур руҳшунослар ёзиш онг ривожига, фикрлаш қобилиятини ўстиришда нақадар муҳимлигини аллақачонлар таъкидлашган. Сиз ҳам билганларингизни фақат ўзингиз синовдан ўтказиш, нутқ бойлигингиз, фикрлаш тарзингизни баҳолаш мақсадида бир нарса-ҳодиса ҳақида ёзиб кўринг. Масалан, гул ёки қалам, дўстингиз ёхуд раҳбарингиз тилидан «Мен гулман», «Мен қаламман» мавзусида шу нарса тилидан сўзлаб матн яратинг ва нутқий имкониятларингизни синаб кўринг. Шунда фикрингизни билдиришда керакли сўзларни тополмаганингизга, баён этиш ёки тавсифлашда мантиқий боғланишни бузганингизга, айрим жиҳатларини тасвирлашни унутганингизга иқрор бўласиз. Ана шунда сизда шу мавзуни қайтадан ёзиш истаги уйғонади. Демак, сиз янада чуқурроқ фикрлашга, чиройлироқ ёзишга, гўзал жумлалар қуришга интиласиз. Яъни ёзиш, тил устида ишлаш сизнинг ақл –идрокингизни, ҳеч шубҳасиз, камолга етказди. Шундай экан, ҳар биримиз тилимизнинг сўз бойлигини, қудратини янада ошириш учун ўз нутқимизга доимо эътиборли бўлишимиз, нутқ маданиятимизни юксалтиришга интилишимиз лозимлигини унутмайлик.

Мактабгача таълим

**Л.Р.Мўминова
Н.К.Шаймуродова**

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг нутқ хусусиятлари

Инсон нутқ ёрдамида ўзининг фикрлари ҳис-туйғулари, истакларини баён этади ва бошқаларнинг фикрлари, ҳис-туйғуларини билиб олади.

Мурувват уйларида тарбияланаётган болаларни ҳам жамият ҳаётида ўз ўринларини топа билишлари учун уларда тўғри нутқ маданиятини шакллантиришимиз лозим. Бунинг учун эса биринчи навбатда уларнинг нутқ хусусиятларини ўрганишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Бола ҳаётининг биринчи йили даврида, бола билан она орасидаги муносабатларнинг асосан ҳиссий-эмоционал жиҳатдан ёндашуви характерлидир. Бола сўзли жавоб бермаса-да, онанинг бола билан «сўзлашуви», эркалашлари, юпатишлари, алласи ва ҳ. ҳиссий ҳамда нутқий ривожига катта таъсир ўтказди. Болада катталар билан мулоқотга киришишга нисбатан бўлган эҳтиёжи кучая боради.

Бола ҳаётининг иккинчи йилида, предметларнинг вазифаларини англаш билан бирга, атроф олам ҳақидаги зарур билимларни эгаллай боради. Боланинг нутқни тушуниши катталар билан бирга бажариладиган сўзли ва ҳаракатли мулоқот орқали ривожланиб, бойиб боради.

Нормал бола ҳаётининг учинчи йилида боғланган нутқ интенсив ривожлана боради. Бу эса ўз навбатида артикуляцион аппаратнинг, диққатнинг, хотиранинг ва ҳ. ларнинг марказий нерв тизими билан ҳамоҳанг ишлашини талаб этади.

Бу даврда боланинг асосий фаолияти – ўйиндир.

Мулоқот ҳиссиётларга тўла, шубҳага ўрин йўқ. Бундай болалар катталар билан турли: шахсий, билиш, хизмат юзасидан (эҳтиёж сезиб) каби йўналишлари бўйича доимий мулоқотда бўладилар. Ёпиқ болалар муассасаларидаги болалар эса ҳадеб келиб-кетаверадиган (иш вақтининг бошланиши ва тугашига қараб), сон жиҳатдан кўп бўлган катталар билан мулоқот қиладилар. Улар билан бўладиган мулоқотнинг (эмоционал) ҳиссий томони унчалик «қуюқ» эмас. Болалар билан катталар орасидаги онглилик ҳамда яқин алоқалар йўқ. Болалар хулқ-атвори катталар томонидан қаттиқ тартибда ушланади: бор, қўй, олиб кел, бас қил, бўлди – кўпроқ бола ҳаёти фаолиятининг турмуш соҳасига куч берилади.

Хуллас, олинган материал натижалари таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлганки, турли шароитда тарбияланган болалар, нутқни турлича эгаллашар экан:

- оилада тарбияланган болалар 2,5 ёшга келиб 70% дан ортиғи нутқни фаол эгаллашади. Болалар уйларида тарбияланган болаларнинг нутқи эса деярли 40% ни кўрсатади. Оилада ҳам болалар уйларида ҳам нутқни тушунмаслик даражасида болалар бўлган. Бу тахминан улар ҳаётининг биринчи ярим йиллигининг охири, иккинчи ярим йиллигининг бошларига тўғри келган. Лекин бу рақамларнинг болалар уйларида ўсган болаларда, оилада тарбияланаётган тенгдошларига нисбатан икки марта кўпроқ учраши аниқланган. Оилада ўсган болалар фаол нутққа ҳаётининг биринчи йили охирига келиб ўтсалар, болалар уйларида тарбияланаётган болалар 1,5 ёшга келиб эгаллай бошлайдилар.

Болалар уйларидаги болалар 2,5 ёшга етиб ҳам ҳали фаол нутқни бутунлай эгаллай олмасалар, оилада тарбияланаётган болаларда бу ҳолат 3-4 марта кам учрайди.

Тадқиқот натижалари турли шароитда ўсган болаларнинг фаол нутқи сифат жиҳатдан бир хил бўлмаслигини кўрсатган.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, болалар уйларида тарбияланаётган болаларнинг нутқий фаолиятига эътиборни кучайтириш лозим. Болаларнинг нутқ хусусиятларини ўрганибгина қолмай, уларнинг нутқини ривожлантириш ишларини йўлга қўйиш керак бўлади ва албатта бу ишни йўлга қўйиш учун, аввало уларнинг билиш фаолиятларини ҳам ривожлантиришимиз, яъни коррекцион-ривожлантирувчи таълимга йўналтиришимиз зарур.

Коррекцион машғулотларнинг мақсади: болаларнинг ривожлантириш даражасини кўтариш, аввалги таълим ва ривожлантиришдаги узилишларнинг ўрнини тўлдириш, етарли ўзлаштирилмаган билим ва масалаларни яна иш орқали шакллантириш, билиш фаолияти ва нутқий ривожланишидаги камчиликларни бартараф этишдир.

Бадиий адабиёт — болалар нутқини ривожлантиришнинг муҳим омили

Бадиий адабиёт тил сезгиси, бадиий таъб, нутқий оҳангларнинг ифодалилигини эшита олиш қобилиятларини шакллантиради, ижодкорликка ундайди.

Халқ — болаларнинг бетакрор устозидир. Кичкинтойларга, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижоди намуналари таништирилади. Фольклорнинг аҳамияти шундаки, унинг ёрдамида катталар болалар билан осон ҳиссий алоқа ўрнатадилар. Катталар томонидан айтилаётган қисқа ва бир маромдаги жумлалар ичидан бола такрорланаётган товушларни, қийин талаффуз қилинадиган товушларнинг бундай қойилмақом қилиб жойлаштирилиши, жанглигига кўра бир-бирдан зўра фарқ қиладиган сўзларнинг ҳайрон қоларли даражада ёнма-ён терилишини тушуниб боради, бу унда адабий асарга нисбатан ижобий муносабатни юзага келтиради. Баъзи ҳолатларда овоз оҳанги уни тинчлантиради, баъзи вазиятларда эса тетиклантиради.

Эртақларни методик жиҳатдан тўғри қўллаш билиш нутқ фаолиятининг турлари — эшитиб тушуниш ва гапиришни шакллантиришга катта имкон беради.

Демак, эртақнинг бадиийлиги болаларга таъсир кўрсатади ва уларнинг тасавурида ёрқин образларни ҳосил қилади. Бу эса ўз навбатида боғланишли нутқни ривожлантиришга ёрдам беради.

Болалар нутқини ривожлантиришда эртақлар билан бир қаторда шеърлар ҳам улкан аҳамиятга эга. Мактабгача даврдаги ҳар бир ёш босқичи ўзининг нутқий ривожланиш вазифаларидан ибора. Масалан:

1. болага сўз санъати оламини очиш, унда бадиий адабиётга қизиқиш ва эҳтиёж уйғотиш. Уни тинглаш ва тушунишни, ҳаёлий воқеаларга ҳиссий муносабат билдиришни, қаҳрамонлар ҳақида қайғуриш ва «уларга ёрдамлашиш» ҳиссини тарбиялаш, яъни болаларни бадиий ривожлантириш, уларни бўлажак китобхон сифатида шакллантириш;

2. Эртақ ёки ҳикояни тинглаш ва тенгдошлари билан бўлган воқеалар, ҳодисалар бўйича фикр алмашиш;

3. Болаларда халқ оғзаки ижоди, шеърлар, қўшиқлар оҳангдорлиги ва мусиқийлигига нисбатан эмоционал муносабат билдиришни тарбиялаш;

4. Боланинг шеърлар ва эртақлардан айрим сўзлар ҳамда ифодаларни такрорлашга рағбатлантириш;

5. Иллюстрацияларни кўздан кечиришни, улардан адабий асарлар қаҳрамонларини таниб олишни ва иллюстрация мазмуни бўйича оддий саволларга жавоб беришни ўргатиш;

6. Тарбиячи билан биргаликда таниш асарларни ҳикоя қилиш, уларни тўлиқ ёки қисман саҳналаштиришга жалб қилиш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, бадиий адабиёт болаларни ҳар томонлама тарбиялашнинг таъсирчан воситаси бўлиб, улар нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан ҳисса қўшади.

Н.Ҳакимова
(РТМ)

Таълим жараёнини ташкил этишнинг ноанъанавий усуллари

Ноанъанавий усуллардан бири пиктограмма бўлиб, бу расмга қараб шартли белгилар асосида гап ва ҳикоя тузиш демакдир. Мазкур усул болаларнинг луғат бойлигини ошириш ва хотираларини ривожлантиришга ёрдам беради. унда таълим мақсадлари:

- давлат таълим талабларига мос келиши;
- боланинг ёш хусусиятини инобатга олиши;
- берилаётган билимлар кундалик ҳаёт билан уйғунлашган бўлиши;
- таълим билан тарбиянинг чамбарчаслиги;
- бошқа таълим йўналишлари билан уйғунлиги;
- фаолиятни ўзи танлаши, ўзини-ўзи баҳолаши.

Бу усулда иш юритишда таълим жараёни бола хоҳишидан келиб чиқиши талаб этилади.

Шундай экан, бола қизиқишини инобатга олиш, мавжуд билим, малака ва кўникмани ривожлантириш ўринли бўлади.

Шунингдек, аввало у кўرғазмали-дидактик, таълимий тамойилларга асосланиши шарт.

Ҳар бир таълим машғулотни ўтказилганда гуруҳчаларга ажратилган ҳолда ташкил этилишини назарда тутиш зарур. Унда “Мен биламан”, “Билишни хоҳлайман”, “Билишни истамайман” каби шахсий хусусият ва имкониятлардан келиб чиқиб белгиланишига эътибор берилиши керак.

Мактабгача ёшдаги бола организмнинг ўсиши ва ривожланиши тугалланмаганлиги, асаб тизимининг ўсиши такомиллашмаганлиги, уни ташқаридан бериладиган ҳар хил таассуротларга сезгир қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган таълимий жараён ўзига хос дидактик тамойилларга асосланган бўлиши талаб этилади.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда таълим самардорлигига эришиш учун ноанъанавий усулларни қўллаш, уни бола шахсининг камолига, нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга қаратилиши керак.

Ноанъанавий таълим усулларида “Пиктограммани” қўллаш, ундан болалар нутқини ривожлантириш, мантиқий тафаккурини шакллантиришда фойдаланиш – ҳар бир бола шахсининг қизиқишини ривожлантиришга ёрдам берилишини инобатга олган ҳолда амалда кенг қўллани тавсия этилади.

Мактабгача ёшдаги ақли заиф болаларнинг нутқини ўстириш йўллари

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий вазифалари болаларни жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришдан, уларнинг туғма лаёқати, қизиқиши, эҳтиёжи ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мухтазам таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Ақли заиф болаларда кузатиладиган нутқнинг ривожланишдан орқада қолиш нутқнинг алоқа қилиш вазифасини бажара олмаслигига олиб келади. Натижада ақли заиф болалар мактаб таълимига етарли даражада ривожланмаган нутқ фаолияти билан келади. Ақли заиф бола луғатининг қашшоқлиги унинг атрофдаги одамлар билан мулоқот қилишида қийинчиликлар туғдиради. Нутқнинг ривожланишдан орқада қолиш эса ақли заиф боланинг бутун психик дунёсига салбий таъсир кўрсатади, атрофдагилар билан муомала қилишни қийинлаштиради. Ақли заиф болаларни мактабга тайёрлашнинг асосий талабларидан бири болаларни сўзлар хазинасига олиб кириш, бу хазинадан баҳраманд қилишдир.

Мактабгача тарбия услубиятчиларида шундай ибора мавжуд: «Болалар тинглайдилар, аммо эшитмайдилар, қарайдилар, аммо кўрмайдилар». Шунинг учун нафақат кузатишни, балки кўришни, нафақат тинглашни балки эшитишни ўргатиш, яъни таълимнинг асосий бўлган идрок этиш истагини пайдо қилиш ҳисобланади.

Бола атроф борлиқдаги предмет ва ҳодисалар билан қанчалик яқиндан танишса, ундаги қизиқувчанлик қанчалик чуқур бўлса, предмет ва уларнинг белгилари билан сўзлар боғлиқлиги шунчалик тез ўрнатилади. Қизиқиш янги билимларни ўзлаштириш ва шу билимларни сўзлар ёрдамида мустаҳкамлаш имконини беради. Шунинг учун логопед ва тарбиячи атроф-олам билан таништириш машғулотларида болалар қизиқишларини орттиришлари ва ўрганилаётган объектлар ҳақидаги билимларнинг кенгайиш даражасига кўра болалар нутқини ўстиришлари, яъни коррекцион вазифаларни умумривожлантирувчи вазифалар билан биргаликда ҳал этишлари кутилган натижалар бериши мумкин.

Мактабгача ёшдаги ақли заиф болаларнинг нутқини ўстириш йўллари бу: предметни намойиш этиш ва кўздан кечириш; предмет билан ҳаракатларни бажариш; илтимос, топшириқлар; сўз, сўз бирикмалари, гапларни қайтариш; савол-жавоблар; қўғирчоқ, ўйинчоқ орқали мулоқат; ҳаракатларни шарҳлаш.

Юқорида номлари таъкидлаб ўтилган усуллар орқали ақли заиф болаларнинг нутқий воситаларини ривожлантириш; шу қаторда янги сўзлар билан танишиш, уларнинг маъносини аниқлаш ва уларни секинлик билан болалар нутқий луғатига киритиш вазифаси ҳал этилади.

Болаларни она тилида сўзлашув маданиятига ўргатиш

Болаларни илк ёшидан она тилида сўзлашув маданиятига ўргатиш ижтимоий аҳамиятга молик масалалардан биридир. Илк сўзлашув маданиятига эгаллик икки хил маънода англашилади. Тор маънода сўзлашув маданияти қоидаларига ўрганиш бўлса, том маънода кенг қамровли билимга эга бўлишликни билдиради.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар билан бевосита мулоқотда бўладиган ҳар бир тарбиячи (педагог)нинг эзгу мақсади «бола китоб билан биргаликда ўсиб, камол топсин» деган шиор даражасида бўлиши лозим.

Маълумки, бола эртак, ҳикоя ва шеърлар орқали ижтимоий ҳаёт, табиат, она – Ватан, теварак – атроф ҳақида кенгроқ билим олади, луғат бойлиги ортади, нутқи ривожланади, ўз тасаввурларини эркин ифода қилишга ўрганади, уларда мантиқий тафаккур элементлари шакллана бошлайди, яъни улар мустақил хулосалар қила олишга ўрганадилар мантиқ қонунларига кўра фикрлайдилар.

Мактабгача ёшдаги болаларни илк сўзлашув маданиятини эгаллашга ёрдам берадиган турли таълимий ўйин, суҳбат, машғулотлар ўтказилади. Бундай жараёнда болалар янги билим, ижодий фикрлаш ва тўғри сўзлашув малакаларини эгаллайдилар. Ўтказиладиган ҳар бир ўйин машғулотлари боланинг катталар ва тенгдошлари билан сўзлашув мулоқоти, ҳамкорлик мактабидир.

Болалар сўзлашув маданиятига эга бўлишлари учун катталар ҳар бир мавзунини ўқишда муаммоли вазиятларни вужудга келтириши ва уларнинг барча фаолиятини муаммоли вазиятларни ҳал қилишига йўналтириши лозим. Жумладан: «Одамлар сўзлашишни қандай ўрганганлар».

Бу мавзунини ўрганишда ҳар бир болага топшириқ ва саволлар берилади ва улардан натижа кутилади.

Одамлар нима учун бир-бирлари билан сўзлашади?

Одамлар сўзлашишни билмаган пайтларида қандай қилиб бир-бирларини тушунганлар?

Томоғингиз оғриб гапира олмай қолдингиз, одамлар сизни тушунишлари учун нималар қилган бўлар эдингиз?

Машғулот якунида ҳамма жавобларни умумлаштириб, хулосалар қилинади.

Шундай қилиб мактабгача таълим ёшидаги болаларни она тилида сўзлашув маданиятига ўргатишда тарбиячи (педагог) уларнинг олдига қизиқарли муаммолар қўйиши, машғулотларда фаол бўлиш ва уларни ҳал этиш йўлларини ўйлашга ўргатиши лозим.

Нутқ – гўдак камолотининг асоси

Тўғри ривожланаётган бола нутқида биринчи сўзлар 8-9 ойда пайдо бўлади. Агарда бир ёш икки ойлик-бир ёшу уч ойлик бола бирон бир сўзни талаффуз этмаса, ташвишланиш ўринли. Бола ҳаёти иккинчи йилининг сўнгида сўзлар миқдори 100-300 сўзга етади. Бола ҳаёти учинчи йилининг сўнгида бола луғат бойлиги уч-тўрт баробар ортиб, бола нутқида мураккаб гаплар пайдо бўлади. Бу вақтга келиб бола унга таниш бўлган эртақ мазмунини қайта сўзлаб бера олади. Уч ёшда бола нутқдаги кўпгина товушларни талаффуз эта олади.

Бола нутқининг тўғри шаклланиши атрофдагилар нутқи, тўғри нутқ муҳити ва таълим-тарбияга боғлиқ. Олимларнинг таъкидлашича, нормал ривожланаётган бола беш ёшга қадар 2,5-3 минг сўзни эгаллаши лозим бўлиб, беш ёшдан олтимиш ёшга қадар инсон айнан шу миқдордаги сўзларни эгаллайди. Бундан бола ривожланишидаги оиладаги нутқий муҳитнинг нақадар муҳим ўрин эгаллагани кўришиб турибди.

Боланинг ўз вақтида ривожланиши ҳақида қайғуришни гўдак ҳаётининг илк ҳафталаридан бошлаш, яъни унинг эшитув идрокини, диққатини ривожлантириш, у билан сўзлашиш, ўйнаш, унинг ҳаракат кўникмаларини ривожлантириш лозим. Она фарзанди билан нутқий мулоқот қилишга етарлича диққатини ажратиши, шу орқали болани сўз ва гапларни қўллашга ўргатиши муҳим. Онанинг биринчи ва энг муҳим вазифаси болада мулоқот этишга бўлган эҳтиёжни шакллантиришдан иборат. Бунинг учун эса гўдак атрофдагилар билан нутқий мулоқот этишининг аҳамиятини ҳис этиши керак.

Ота-оналар бола билан доимий сўзлашишлари, унинг диққатини атрофдаги предметларга қаратишлари, уларни номлашлари, уларнинг вазифаси ҳақида сўзлаб беришлари керак. Бола луғат бойлиги қанчалик бой бўлса, унинг фикрлаш қобилияти шу қадар чуқур бўлади. Болани у тушунмаган сўзлар ҳақида сўрашга ўргатиш жуда муҳим. Ота-оналарнинг фарзандларига ўқиб берадиган ҳар қандай болалар китобида улар учун тушунарсиз кўпгина сўзлар ва иборалар бўлади. Ота-оналар ҳар доим ҳам қандай сўз ёки ибора бола учун тушунарсиз эканлигини билмайдилар, аниқлай олмайдилар. Шунинг учун агарда бола у ёки бу сўз ёки ибора қандай маъно англатишини сўраса бу боланинг шунчаки тинглашини эмас, балки ўқиладиган матнни тушунишга ҳаракат қилаётганини, фикрлаётганини билдиради. Луғат устида ишламай, нотаниш сўз ва ибораларни тушунтирмай ҳар қандай китобни, ҳатто энг қизиқарли болалар китобини ўқиш фойдасиз машғулотга айланади.

Мактабгача ёшдаги болаларда нутқий кўникма ва малакаларни шакллантириш

Бола дастлаб тилни, нутқни оилада ўрганadi. Шу сабабли она тилини ўргатиш ишларини тўғри йўлга қўйишни ота-оналарга таълим беришдан бошлаш керак.

Мактабгача таълим муассасасида бола тарбиячиси ёрдамида она тилини ўрганишни давом эттиради, шу сабабли тарбиячи сўзнинг ниҳоятда сеҳрли кудрати борлигини ҳис қилиши ва сўзнинг сеҳрли кучидан педагогик фаолиятида маромига етказиб фойдалана билиши шарт. Зеро шарқда доимо нутқ инсонийликни кўрсатувчи энг биринчи белги эканлиги улуг мутафаккирларимиз томонидан таъкидлаб келинган. Воиз Кошифий ўзларининг «Футувватномаи султоний» асарида шундай дейдилар: «Одамзоднинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобиغا риоя қилмаган одам бу шарафдан бебахрадир. Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак». Демак тарбиячи аввало ўз нутқига катта эътибор бериши, ҳамма вақт сўзларни ўйлаб, ўз жойида ишлатиши зарур. Чунки болалар тарбиячининг ҳар бир сўзини ўйлаб ўтирмасдан ўзлаштириб оладилар.

Тарбиячи нутқ ўстириш ва бошқа машғулотлар давомида –болаларга ўз фикрини, истак-орзусини, ҳиссиётини тўғри, аниқ ва раво ифода этиши, она тилидан кишилар билан алоқа қилишда, ҳаётни ўрганиш жараёнида фойдаланишга ўргатиши керак. Бунда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- болаларнинг боғланишли- сўзлашув нутқини ўстириш
- болаларнинг боғланишли -ҳикоя қилиш нутқини ўстириш
- болалар нутқининг луғати устида ишлаш
- нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш
- нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш
- савод ўргатишга тайёрлаш
- бадий адабиёт билан таништириш.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун нимани ўргатишимиз керак? Болаларда қайси нутқий маҳорат ва кўникмаларни тарбиялаш лозим? Қандай ўргатиш керак? Нутқни ривожлантиришда қайси воситалар, методлар ва усуллардан фойдаланиш керак? Нима учун шундай ўргатиш лозим? Нутқни ривожлантиришнинг таклиф этилаётган усули назария ва амалиётнинг қайси маълумотларига асосланган? Бу каби саволларга маърузада келтирилган жадваллардан нутқни ривожлантиришнинг самарали воситалари, услублари, таълим-тарбия шакллари мазмуни орқали жавоб топиш мумкин.

Нутқи равои болалар тарбиясидаги самарали усуллар

Тарбиячи нутқ ўстириш машғулотида болаларнинг барча товушларини тўғри талаффуз қилишига, сўз бойлигини оширишга, грамматик жиҳатдан тўғри жумла тузиб гапиришга ўргатади. Бу вазибалар нафақат нутқ ўстириш машғулотида, қундалик фаолиятда ҳам амалга оширилади. Болалар нутқи устида ишлашда тарбиячига қуйидаги талабалар қўйилади:

- “Ҳа” ёки “йўқ” тарзда жавоб берадиган савол бермаслик.
- Болалар тушунмайдиган мураккаб терминлардан фойдаланмаслик.
- Агар болалар қайси товушни айта олмаса шу товуш қатнашган сўзларни айтишга таклиф қилмасдан, балки алоҳида шу товушни талаффуз қилишга ўргатиш.
- Альбомлардан фойдаланмасдан, муайян товуш учун мўлжалланган буюмли расмлардан фойдаланиш.
- Буюмли расмлар 10x10см дан кичик бўлмаслиги.

Тарбиячи товушларни тўғри талаффуз қилишга, тўғри жумла тузиб гапиришга ўргатишда, сўз бойлигини оширишда замонавий усуллардан фойдаланса, қўзланган мақсадига осон эришади. Малака ошириш институтига келган МТМ тарбиячиларига касбий маҳоратини ошириш, билимларини чуқурлаштириш мақсадида “Ўйин фаолияти орқали болалар нутқини ўстириш” мавзусидаги дарсда тингловчилар қизил, яшил, сариқ гулларни танлашларига қараб 3 гуруҳга ажратилади. “Қизил гуллар” гуруҳи “Мактабгача ёшдаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш”, “Яшил гуллар” гуруҳи “Мактабгача ёшдаги болалар сўз бойлигини ошириш”, “Сариқ гуллар” гуруҳи “Мактабгача ёшдаги болаларни грамматик жиҳатдан тўғри гапиришга ўргатиш” муаммосини очиб бериш бўйича иш олиб боради. Ҳар қайси гуруҳ ўз мавзусини очишда лойиҳа тузади, тасвирий ва оғзаки иллюстрациялардан, иш ўйинларидан фойдаланади. Тарбиячиларга ёрдам сифатида кўргазма ва тарқатма материаллар, плакатга ўйин номларидан намуналар ёзиб қўйилади. “Кимнинг қушчаси узоқроққа учди”, “Мен нимани чалайман, топ”, “Балад-паст”, “Товуқлар фермаси”, “Отлар”, “Кўрсат ва айт”, “Акс-садо”, “Бўри увилайди”, “Бўрон”, “Насос”, “Чивинлар”, “Гапни тўлдир”, “Телефон”, “Самолёт”, “Ўз расмингни топ”, “Қўнғизлар ва чивинлар”, “Давом эттир”, ва ҳ.

Кўргазма ва тарқатма материалларни, ўйинларни танлаб ўз ўрнида қўллаб билиш тарбиячидан билим, маҳоратни талаб қилади. Бунда болаларнинг ёши назарда тутилади.

Болаларни нутқий фаолиятга тайёрлаш омиллари

Она тилимизга бўлган муҳаббатни тарбиялаш, уни авайлаб-асраш инсоний ва миллий бурчимиз эканлигини ёш авлодга мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб синдириб бормоқдамиз. МТМлар қамровида болалар сони кам бўлгани ва янги аср болаларининг ҳар томонлама ривожланиши тез, фикрлашлари эркин бўлганлиги сабабли уларга таълимни фақат боғчада эмас:

- Оилада;
- Маҳалла қошидаги қисқа гуруҳларда;
- Шанба-якшанбалик гуруҳларида;
- Хонадон боғчаларида;
- Фермер хўжалик боғчаларида;
- Боғча-мактаб мажмуаларида;
- Тўғарақларда;
- Индивидуал ҳолатларда юқоридагилар сонини кўпайтирган ҳолда болани ўқитишимиз эмас, балки ўқишга қизиқишларини уйғотишимиз керак.

Мактабгача тарбия муассасалариданоқ болаларга ўзбек тилининг софлигини, гўзаллигини, сеҳрини ўргата олиш учун аввало машғулотларда илмий ёндашилган ҳолатда назарий билимлар бериш учун МТМларда стилистика курсини тўлиқ ўзлаштирган, орфоэпия қоидаларидан яхши хабардор мутахассислар дастлабки кичик ва қизиқарли машғулотлар олиб боришлари зарур.

Бунинг учун машғулотларни янги пед-технологияларга таянган ҳолда:

1. мужассам машғулотлар ташкил этиш;
2. болаларнинг нутқ маданиятини такомиллаштириш;
3. машғулотларда болаларнинг имло саводхонлигини ошириш;
4. аждодларимиз меросларини ўргатиш орқали нутқларини ўстириш;
5. болани мустақил ва эркин фикрлашига, ҳаракатланишига шароит яратиш;

6. тест топшириқлари билан ишлаш;

7. машғулотларда рейтинг тизимини қўллаш;

8. янгиланган дастур ва қўлланмалар билан ишлаш каби омиллар орқали тарбиячи болаларга миллий тилимиз – она тилимизга бўлган қизиқишларини такомиллаштириб, ўстириб боради. Бунга эришиши учун тарбиячи мақсаднинг қуйидаги 5 та жиҳатига амал қилиши керак.

1. Муқаммал мазмунга эғалик

2. Назоратлилик

3. Реаллик (имкониятга мувофиқлик)

4. Вақтнинг аниқланганлиги

5. Асосланганлик

Юқоридаги талабларни бажаришни эса она тилимиз орқали амалга оширамиз.

Д.Ҳалилова
Қарши ДУ

Болаларда нутқий равонликни шакллантириш

Ёш болаларда нутқий фаолиятнинг эшитиш усули ёрдамида сўз бойлиги ошади, тўғри талаффуз қила олиши ҳамда нутқий равонлиги шаклланади. Хусусан, мактабгача тарбия ёшидаги ва 7-9 ёшдаги аксарият болалар талаффузида артикуляцион нуқсонлар ҳолати кўплаб учрайди. Ўзбек тилидаги айрим унлилар ва -в, -г, -д, -к, -р, -с ундошлари иштирокидаги сўзларни қўллашда болалар қийналади. Масалан, -в ўрнида -ф ёки -п яъни вақт-фахт, варрак-пайяк, гилам-тилам, дарахт-тайахт, китоб-титоп ва ҳ. шаклларда болалар нутқидида учрайди. Бундай нуқсонларни тузатишда тез айтишларнинг ўрни аҳамиятга молик. Тез айтишлар болаларни бийрон сўзлашга, товушларни тўғри талаффуз этишга, нутқий равонликни шакллантиришга ўргатади.

Нутқий равонликни тез айтишлар ёрдамида болаларнинг ёш хусусиятларига кўра қўйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

- мактабгача тарбия ёшидаги болалар қобилиятига кўра тез айтишлар, яъни, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган давр;

- 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган даврдаги болалар қобилиятига мос тез айтишлар;

- 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган даврдаги болалар қобилиятига мос тез айтишлар.

3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга 2 ёки 3 сўздан иборат тез айтишларни ёдлатиш ва мунтазам такрорлаб туришларини уқтириш лозим. Маълумки, тез айтишларни баҳолаш бир нафасда неча марта айтилиши билан белгиланади.

Демак, жамиятнинг янги ижтимоий кучларини камол топишида унинг аввало, нутқи равон, дунёқараши кенг, онги, маданияти шаклланган бўлиши лозим. Бунинг учун аввало, ота-она ва тарбиячилар масъулият билан ёндашиши зарур.

Ш.Шодмонова
ТДПУ докторанти

Оила муҳтида тил таълимидан сабоқ бериш тажрибасидан

Нутқ одоби, аввало, оилада шаклланади. Жажжигина гўдакнинг тили қизиқшини интизорлик билан кутаётган ота-онанинг ҳолатини қузатганмисиз?

Улар кичкинтойнинг оғзидан чиқаётган ҳар бир сўз, оҳанг, ҳатто товушга ҳам алоҳида эътибор билан қараб, имкони борича энг яхши, энг маъноли сўзларни ўргатишга ҳаракат қилади.

Тилни пухта билиш, лутф билан сўзлаш аввало оила муҳитида тарбияланиб, кейинчалик сайқал топса бу осон ва самарали бўлади.

Биз ота-она фарзандларимизни комил инсон бўлиб етишишлари учун нимаки бўлса қилишга ҳаракат қиламиз. Шулардан энг муҳими, ўз она тилисини билиш, бийрон сўзлаш, саводли ёзишдир.

Оилада “Она тилим — ўзбек тилим” деган дафтар тутдик. Унга ҳар бир фарзандимизга алоҳида саҳифа ажратдик. Ҳафтанинг охириги куни — шанбада улар ўрганган янги сўзларни ёзиб борамиз.

Фарзандларимиз қизиқиб, ким кўп сўз топиш “ўйинини” моҳирлик билан амалга оширишади. Қарабсизки, оила сабоғи қизиб кетади. Ҳаммаларида хуш кайфият пайдо бўлади. Бурро-бурро айтилаётган айрим сўзларнинг маъносини сўраб қоламиз. Улар бу саволни беришимизни ҳис ва идрок қилиб, сўз ўрганаётганда тайёргарлик кўриб қўйганларини биламиз ва рағбатлантираемиз. Шунда қопқора кўзларида шодлик, мамнунлик аломатларини кўриб, биз ҳам болаларча севинамиз. Меҳнатимиз ҳосиласини кўриб шукур қиламиз.

Бу йил оиламизда ташкил этилган “Она тилим — ўзбек тилим” дафтарига яна бир саҳифа қўшилди. “сўз кўрки — мақол”. Болаларимиз ҳар куни ўнлаб мақол ўрганиб, бизни шошириб қўйишмоқда. Ахир 4 фарзанд ўрганган мақоллар сони 30-40 тага етса, бу қандай яхши!

Мен педагог сифатида барча ота-оналарга оилада шундай дафтар тутиб, фарзандларини ўз она тилини мукамал билишларига ва чиройли сўзлашларига эришсалар, нур устига аъло нур бўлур эди деб умид қиламиз.

Бошланғич таълим

Қ.Абдуллаева
пед.фан.доктори, профессор

Она тилининг нуфузини оширишда тил таълимининг ўрни

Тил энг аввало руҳий ҳодиса эканлигини назарда тутиб, биз тарбиялаётган ҳар бир болага ўз она тилига муҳаббат туйғусини сингдиришимиз лозим. Шунда ёшлар қалбан, маънан, руҳан ўзининг жонажон она тилига меҳр қўяди, уни севади ва эъзозлайди.

Бироқ, кўнгил завқи ҳамма завқлардан юксак туради. Айниқса, бу хислат болалик даврида ўзига хослик кашф этиб, у эшитганларини, ёзганларини унутмайди ва умр бўйи шу билимга таяниб юксалади.

Бу жараёни кўнгил сайри деб таърифласак ҳам бўлади. Кўнгил сайри дунёдаги сайру саёҳатларнинг энг маънилиси ва мафтункорлиги

билан инсон ҳаётини безайди. Бу сифатлар фақат сўз орқали болага сингдирилади.

Кичик ёшдаги болаларга бериладиган тил таълими ва тарбияси ўзгача йўналиш, ўзгача усуллар билан бойитиб тил софлиги, адабий тил меъёрларини сингдириш каби зарурий машқлар воситасида олиб борилади.

Бола 1-синфга келганида тахминан 1300, 1400 атрофида сўз бойлигига эга бўлади. Мактаб таълими, ўқитувчининг педагогик маҳорати билан унга ҳар куни 5-6 та янги сўз ўргатилади ва бу сўзлар унинг луғатидан жой олиши ҳамда мустаҳкамланиши кузатиб борилади.

Тил таълимининг самарадорлигини ошириш омилларида бири болаларнинг хогирада сақлаш қобилиятларини тарбиялашдир. Бу 1-синфдан бошланиб, юқори синфларга ўтганларида ҳам айтилганларни, ёзувда ифодалаганларини эсда сақлаш салоҳиятларини вужудга келтириш лозим. Бундай қобилият барча болаларда бирдек мавжуд эмас. Бола руҳиятини яхши билган педагог ҳар қандай вазиятда бола кўнглини кўтариб, уни билишга, ўрганишга ва, айниқса, эсда сақлаб қолишга ундаши, вақти-вақти билан бу ҳақда эслатиб туриши лозим.

XXI асрда тил таълимини ривожлантириш ва унинг нуфузини оширишда педагогик, методик ва психологик тамойилларга амал қилиб, ҳар бир ўқитувчи ўз концепциясига эга бўлиши ва тизимли равишда болалар билан она тили ўқитишнинг энг маъқул услубларини қўллаш орқали кўзда тутган мақсадига эришиши аниқ. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

1. болалар руҳиятини чуқур ўрганиб, уларнинг ҳар бирига ўзига хос муносабатда бўлиш;

2. дарс жараёнида дарсдан кейинги машғулотларда боланинг доимо яхши кайфиятда бўлишини таъминлаш;

3. ўзи ўйлаб топган сўз, гап матнни ифода этиши ва ундан завқланишига имкон бериш;

4. нутқда тасвирий воситаларни ишлатишга ўргатиш;

5. болада тинглаш малакасини ривожлантириш;

6. «Сўз топ!» ўйини ташкил қилиб, унда барча болаларнинг иштирокини таъминлаш;

7. гапирганда ўз-ўзини назорат қилишга ўргатиш;

8. тил, сўз, гап ҳақида мисоллар, мақоллар, топишмоқлар ва тез айтишлар топиш машқларини доимий ўтказиш;

9. луғат устида ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш;

10. ихтиёрий диққатларини барқарорлаштириш;

Шундай қилинганда, она тилимиз том маънода фахрланишга, гурурланишга арзигудек тил эканлигини ёшлиқдан болалар онг ва шуурига сингдириш осон бўлади.

Ўқувчилар мустақил фаолиятини ташкил этиш усуллари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий талабларидан бири илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига олиб кириб, ўқувчиларни мустақил билим олишга, эркин фикрлашга ўргатишдир.

Ўқитувчи она тили дарсларида мавзу ёки бўлим кесимида қуйидаги усуллардан фойдаланиши мумкин. Бош ҳарф билан ёзиладиган сўзлар мавзуси бўйича ақлий ҳужум усули орқали интерфаол дарсни ташкил этишда синф ўқувчилари гуруҳларга бўлингандан сўнг, уларга “Девлар маконидан, Ялмоғиз кампир чангалидан, оловли Аждарҳодан ўтиб, ўғирланган подшонинг қизини қутқариш керак. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ 5 дақиқа вақт мобайнида жой – мамлакат, вилоят, шаҳар (эртақларда учрайдиган жой номлари ҳам) номлари, кишилар ва эртақ қаҳрамонлари исмларини плакатларда ёзиш ва оғзаки матн яратиш” топшириғи берилади ҳамда қайси гуруҳ кўп жой номи ва кишилар исмини ёзиб, оғзаки матнни сўзлаб беришда бу сўзларни қўлласа ўша гуруҳ ғолиб чиқиши айтилади. Ҳар гуруҳдан икки нафар ўқувчи ёзув тахтаси олдига чиқиб, плакатда ёзилган сўзларни ўқиб, яратилган матнларини сўзлаб беришади. Бунда ўқувчилар эртақ қаҳрамонлари образи (тимсоли) га киришлари ҳам мумкин. Синф ва мактаб кутубхоналаридан бир неча эртақлар тўпламлари ва бошқа керакли воситалар ҳозирланиши кўзда тутилади.

Сўз туркумлари мавзусида кластер усулини қуйидача қўллаш мумкин. Гуруҳларга сўз туркумлари тақсимланади ва плакатларда мисоллар жадвал шаклида ёзилади. Бунда ҳам давлат таълим стандарти талабидан келиб чиқиб, келтирилган мисоллар иштирокида ёзма матн яратиш топшириғи берилиши тавсия этилади. Худди шундай “Пакет” усулидан фойдаланишда ҳам гуруҳларга янги мавзу бўйича олдиндан тайёрланган топшириқлар тарқатилади ва вақт ажратилиб, гуруҳлар томонидан топшириқлар қай даражада бажарилганлиги оғзаки ёки имкон бўлганда тестлар кўмагида аниқланади.

Бундай интерфаол дарсларни ташкил этиш ўқувчилардан дарсда фаол иштирок қилишни, манбалардан фойдаланиб, мустақил, яқка ҳолда, гуруҳда жамоа бўлиб билим олишни, мавзу юзасидан ўз мустақил фикрини билдиришни талаб этади. Илғор педагогик технология усуллари асосида ташкил этиладиган дарслар мунтазам ўтказилиб борилса, ўқувчида мустақил билим олиш, олинган билимларни таҳлил қилиб эркин фикр билдириш тажрибаси бошланғич синфларданоқ шакллана боради.

Адабий нутқ ва унинг усуллари

Адабий нутқни болаларда шакллантириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш осон иш эмас. Айниқса, бизнинг лицейимизга республикамизнинг узоқ худудларидан қобилиятли деб ҳисобланган ўқувчилар қабул қилинади.

Мен бу ўқув йилида лицейга шу талаблар асосида қабул қилинган 3-синфда дарс бермоқдаман. Ўқувчилар нутқи турли шева таъсирида бўлиб, адабий нутқни ўргатиш анча мушкул. Бу мушкулотни бартараф этиш учун мен адабий тил билан аталиши мумкин бўлган сўзлар таблицасини туздим:

Адабий тилда	Шевачилиқда
нарвон —	шоги
челак —	сатл
довучча —	ғўра
сигир —	енак
кўрпача —	якандоз каби.

Бундай таблицалар сони кун сайин кўпайиб, болаларнинг адабий тилда сўзлаш уқувлари тобора яхшиланмоқда.

“Сўзлаш одоби” рукнида мусобақа ўтказиб борамиз. Ким соф талаффуз ва адабий нутқда гапира олса, ўйинда ғолиб бўлиб соврин олади.

“Сўз қасрига саёҳат” ўйинида болалар сўз қасрига саёҳат қиладилар. Сўз қасри учун харитага ўхшаш кўргазма ишланади, харитада адабий сўзлар билан юритиладиган жойлар номи ёзилган бўлади.

Қасрда миноралар, кўк гумбазлар, карвонсаройлар ва ҳоказолар тасвирланади. Бу расмлар остида ёзувларни ёпиштириш учун махсус жойлар: тўртбурчаклар бўлади. Болалар расмларнинг номларини бир парча қоғозга саводли қилиб ёзиб шу тўрт бурчакка ёпиштирадилар. Ким ҳамма ёзувларни тез, саводли ва чиройли ёзиб улгурса у ўйинда ғолиб бўлади.

Қасбдошларимга қуйидагиларни тавсия этишни лозим топдим:

— бола нутқи қай ҳолатда эканлигини англаш учун педагогик, психологик, физиологик жиҳатдан ёндашиш;

— нутқдаги нуқсонларни бартараф этишда ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш;

— адабий нутқ малакаларини шакллантириш учун ҳар бир ўқувчини ўз имкониятидан келиб чиқиб, турли воситалардан фойдаланиш, (кўргазмали, техник воситалар асосида);

— болада гапиришга мойилликни юзага келтириш, яъни уялмаслик, ўзига ишончни пайдо қилиш.

— 4-синфгача барча болалар адабий нутқни эгаллашларига эришиш.

Шуларга амал қилсак, ўқувчиларимиз нотиклик санъатининг илк кўринишларини эгаллаб борадилар.

Тил таълимнинг ривожланишида дарслик ва ўқув қўлланмаларининг аҳамияти

Дарслик таълим беришда асосий восита бўлиб, у бола ёши қабул қила олиш имконияти даражасида тузилиши, дарсликнинг маъно-мазмунини ДТС га мос бўлиши керак.

Бошланғич синфлар учун тузилган дарсликлардаги матнлар савол ва топшириқлар боланинг ўқиши, ёзиши, тафаккур қилиш фаолиятини ривожлантириши, фанлараро боғланишни ташкил этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Кейинги йилларда дарслик ва ёзув қўлланмаларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, энг яхши деб тан олинган дарсликлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Айниқса, дарслик материалларини ўқувчилар осон ўзлаштириб, билим малакаларини кенгайтириш имконига эга бўлишлари ҳисобига олинмоқда.

Дарслик ва ўқув қўлланмаларни тузувчи муаллифлар гуруҳи аввало ўқув дастури талаблари асосида билим беришнинг энг мақбул усулларини яратишлари ва ўқувчи учун қизиқарли бўлиши, унинг онг ва шуурини ривожлантиришга хизмат қилишини таъминлашлари лозим.

Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг савиясини ошириш мақсадида Республика таълим маркази қошида Илмий-амалий марказ ташкил қилинган бўлиб, унга олимлар, методистлар, амалиётчилар жалб этилган. Яратилётган дарсликлар янги авлоди методик қўлланмалар ушбу илмий-амалий марказда муҳокама қилиниб, унинг ҳулосаси асосида илмий-методик кенгаш қарори билан амалиётга тавсия этилади.

М.Бозорбоева
(Хоразм, Гурлан, 4-мактаб)

Бошланғич таълим жараёнида ўзбек тилининг мукамаллиги сари

Бошланғич таълим жараёнида ўзбек тили таълимнинг мукамаллигини таъминлаш асримиз талабидир.

Диққатимизни 2-синф «Ўқиш китоби» дарслигида баён қилинган Навоий ҳикматларига қаратамиз. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» деган ҳикматли гапида илм олишда оз-оздан билим олиб, кўп илмни эгаллаш доноликка менгзалса, жилға ва ирмоқлар сувининг кўпайиб, йиғилиши дарёга ўхшатилади. «Оламдан ғамсиз ўтай десанг, илм-у ҳунар ўрган» ҳикматидан билимли ва ҳунарли инсонлар ҳаётда қийинчиликсиз умр кўриш ҳақида фикр қилган. «Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт» ҳикматида эса, бевосита инсон умрининг гултожи

бўлмиш муомала маданиятини улутлайди. «Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз» ҳикмати орқали тилнинг, миллатнинг, Она Ватаннинг буюклиги эътироф қилинган. Бошланғич таълим жараёнида она тили – ўзбек тили сирларини ўргатар эканмиз, равон ўқишни ўрганиш баробарида ифодали бадий ўқиш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилган.

Ўқувчи она тили таълимнинг кенг қамровли қоидаларини ўргана олса, наинки уларда шу фанга хос, балки барча фанларга оид билимлар мажмуаси пайдо бўлади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ўқувчиларда интеллектуал салоҳият қирралари намоён бўлади. Бу эса биз устоз мурабийларни тил таълимини такомиллаштиришда ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларининг мукамаллигини таъминлашга ундайди.

Қалби санъатга ошуфта бўлган боланинг қалби шодликка тўлса, дилдан яйраса, унда илм олишга иштиёқ кучли бўлиши табиий.

Ўзбек тили таълимини асримизга, давримизга мос такомиллаштириш, ўқувчиларга кенг қўламда билим беришнинг долзарблиги ҳам ана шунда намоён бўлади.

Н. Аҳмедова
Урганч ШХТБ

Ўзбек тили таълими – XXI асрда

Бошланғич синф ўқитувчилари олдида ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиши, оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, мустақил иш бажариш қобилиятини шакллантириш каби муҳим вазифалар қўйилган. Буларнинг ҳаммаси барча фанларнинг калити бўлган тил орқали амалга оширилади.

Ҳозирги кунда хорижий ўқитиш методикасининг бир қанча лойиҳалари бошланғич синфларда қўлланилиб келмоқда. Бундай лойиҳалардан бири «қадамба қадам» дастури шаҳардаги 1-сон боғча мактаб тайёрлов гуруҳларида ва бошланғич синфларда қўлланилиб келмоқда. «қадамба қадам» дастури ҳамкорлик асосида юзага келган дастур бўлиб, у ўқувчилар нутқининг ўсишига ўз фикрларини аниқ ва равон баён этишга сўз бойлигини ошишига, мустақил равишда ёзиш ва ўқиш кўникмаларини ривожланишига, ўз шахсий фикрига эга бўлишга ўргатадиган дастурдир. Дастурда ҳар бир фан маркаларга бўлинган ҳолда ўтказилиши сабабли, айниқса, ўқиш, она тили фанларидан мавзуларни ўрганишда ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, мустақил равишда матн ва ҳикоялар тузиш орқали уларнинг ёзма ва оғзаки нутқ малакаларини ошириш ўқитувчининг асосий мақсади ҳисобланади.

«Гап» мавзусини ўрганишда матн устида ишлаш тажрибасидан

4-синф «Она тили» дарслигининг 5-бетидаги 1-машқнинг талаби «Ўқинг. Матн нима ҳақида эканлигини айтинг». Таҳлил учун мазкур матн мазмунини айнан келтирамыз.

Ўзбекистон тараққиёт йўлига чиқди. У ўз байроғига эга бўлди. Ўз туғросини тасдиқлади. Биринчи бош қонунини яратди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пештоқида Мустақил давлатлар қатори унинг байроғи ҳилпиради. Осмон дарвозаларидан, темир қопқоларидан етти иқлим элчилари кириб келмоқда.

Ўзбекистон қадим меҳнаткаш ва фозиллар диёри.

(Ойдин Ҳожиева)

матнга илова тариқасида айрим ўқувчилар учун изоҳи қийин бўлган сўзлар луғати берилган.

Туғро – герб

Қопқо – дарвоза

Фозил – билимларни эгаллаб олган одамлар.

Матнга топшириқлар берилган.

Матн таркибида неча гап бор? Гаплар бир-бирларидан қандай ажратилган? Охириги гапни кўчиринг. Ёзганларингизни текширинг.

Демак, матнга берилган савол ва топшириқларда тилшуносликка оид маълумотлар талаб этилади. Матндаги гапларни ўқувчилар санаб сонини тўғри айтадилар. Шунингдек, матндаги гапларни ажратувчи восита «нуқта» ҳақида ҳам маълумотларни келтиради. Бу савол – топшириқлардан ташқари матнда фақат дарак гаплар иштирок этганлиги ҳам ўқувчилар томонидан билдирилади. Шу ўринда бир масалани эслатиш лозим деб ҳисоблаймиз, яъни тиниш белгилар гаплар орасидаги мазмунан гапларни бир-бири билан боғловчи восита эканлигини ҳам ўқувчиларга тушунтириб ўтиш керак бўлади. Тиниш белгилари матн ичидаги гапларни мазмун жиҳатдан тавсифловчи восита ҳисобланади. Дарслиқлардаги тил назариясига оид қоидаларда эса, матн ичидаги гапларнинг мазмунан бир-бири билан боғланиши ҳақида тўлиқ маълумот берилмайди. Шунда ўқитувчи ўқувчиларга синтаксис ва пунктуация орасидаги маълум бир боғлиқликларни ҳам тушунтириб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Шундан маълумки, синтаксис билан пунктуация орасидаги лисоний муносабатлар матнни ташкил этувчи бирликларнинг лингвистик хусусиятларини белгилайди деган фикрни билдиришга асос бўлади.

Она тили дарсларида ўқувчилар билан матн устида ишлаганда матннинг ижтимоий моҳиятини очишга қаратилган фикрларини ҳам шакллантириб бориш лозим. Жорий этилаётган таълим технологияларида ўқувчилар нутқини ўстириш (матн тузиш қобилиятларини шакллантириш)нинг лингвистик талаблардан ташқари уларнинг ижтимоий моҳиятига эга эканлигини ҳам сингдириш лозим эканлиги уқтирилади. Буни фанлараро

боғланиш деб атаймиз. Фанлараро боғланишда ижтимоий фан соҳалари мутахассислари ҳам матннинг ижтимоий моҳиятига эътибор қаратмасдан, ўқувчининг саводхонлигига эътибор тортиш лозим. Бу каби тажрибаларимизни фақат дарсликда берилган биргина матн устида олиб бормасдан, балки бутун даре машғулотлари жараёнида амалга оширишимиз зарур.

Муҳайё Бахронова
Навоий, Кармана тумани 4- мактаб

Она тили дарсларида ўқувчилар фаоллигини ошириш усуллари

Ўқитувчи дарсларида илғор педагогик технологиялар билан бирга ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб дарсларини ташкил этса, она тили ва адабиётнинг серқирра жараёнини ўқувчилар онгига сингдира олади, чунки ўқувчилар ҳар томонлама ташқи информациялар натижасида кўп воқеа ва ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб замонамизда маънавият, маърифат юксалаётганини кўриб, ўзлари камол топаётганини ҳис қиладилар. Масалан: «Фикрни чархлаш» усули 5- синфда “Зид маъноли сўзларни” ўрганиш мисолида кўрадиган бўлсак дарснинг режасини қуйидагича амалга ошириш мумкин.

1. Назмий дақиқа
2. Гуруҳларга бўлиниб машқлар устида ишлаш
3. Ҳашар ўйини
4. Тафаккур гулшани
5. Тест синови

Бу таълимий дидактик ўйинларнинг барчаси ўқувчи фикрини чархлайди. Психологик иқлим яратиш учун ватан ҳақидаги мақоллардан фойдаланамиз.

Изоҳ: Ўқитувчи ўқувчилар фикрини якунлаб ватанни севиш, унга садоқатли фарзанд бўлиш ҳар бир ўғил -қизнинг бурчи эканлигини таъкидлаб ўтади. Ўқувчиларга япроқчалар тарқатилади. Япроқчаларнинг орқа томонига “Шифокор” ва “Ошпаз” сўзлари ёзилган. Икки ўқувчи бу сўзларни гапирмасдан фақат ҳаракат билан тушунтириши керак. Шунда ўқувчилар ўз – ўзидан 2 гуруҳга ажралади.

Изоҳ: Гуруҳлар “Шифокор” ва “Ошпаз” сўзларига таъриф беради. Ўқитувчи фикрларни тўлдириб касбга йўналтириш тарбиясини беради. Энди “Ҳашар” ўйинини ўтказамиз. Бунинг учун “Бозор” ва “Полиз” акс эттирилган тасвирлар кўрсатилади. Бу тасвир асосида гуруҳларга зид маъноли сўзлар, уядош сўзлари иштирок этган оғзаки матнлар тузиш топширилади ва вақт белгиланади.

Изоҳ: Шу ўринда зид маъноли сўзлар ҳақидаги қондани келтириб чиқарамиз ва мустаҳкамлаш учун “Тафаккур гулшани” ўйинидан фойдаланамиз. Бунинг учун гуруҳлар зид маъноли сўзлар иштирок этган мақолларни айтиб беллашадилар.

Изоҳ: “Тафаккур гулшани” ўйинини яқунлаш вақтида мақол ва ҳикматли сўзларнинг маъноларини чуқур англаб, улардан керакли хулоса чиқариш кераклиги таъкидлаб ўтилади.

Хуллас, она тили дарсларида илғор педагогик технология усулларидан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширади.

Ш.Ёкубов, Р. Мустафоқулов
(ТерДУ)

Грамматик ўйинлар орқали ўқувчиларни фаоллаштириш

Грамматик ўйинлар болаларда мустақилликни тарбиялайди ўқувчиларни тез ўйлашга, фикр юритиб жавоб беришга, зеҳнли бўлишга, ҳар бир ишда ташаббус кўрсатишга ундайди. Бу ўйинлар ўқувчилардан фаоллик кўрсатишни, топқирлик, фаҳм-фаросатлилиқни, дарс жараёнида олган назарий билимларни амалиётга татбиқ қилишни талаб қилади. Ўқувчининг ихтиёрий диққати тўла ишга тушади. Барча эгаллаган билимлари ўз самарасини бериш билан бирга ўқувчини янада кўпроқ ўқишга, кўпроқ билим эгаллашга даъват этади. Ҳар қандай ўтказиладиган грамматик ўйин ўқувчиларнинг билимларини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратмоғи лозим. Қуйида ана шундай грамматик ўйинлардан келтирамыз.

Сўз (мофология) бўлими юзасидан жуда кўп ўйинлар уюштириш мумкинки, улар ўқувчилар томонидан севиб бажарилади.

«Аксини топ», «Занжир», «Бир бўғини мендан қолгани сендан», «Сўзни бошқача айтиш», «Зинапоя» сингарилар ана шундай ўйинлар ҳисобланади.

«Занжир ўйини»да синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ бир сўзни айтади ўша сўз қайси товуш билан тугаса, иккинчи гуруҳ ўша товуш билан бошланувчи сўз айтиши зарур: Бугдой-йўнғичқа-арча анжир-райҳон-нок-карам-мандарин.

«Бошидан ҳам охиридан ҳам бир хил ўқиладиган сўзлар» ўйини болаларнинг севишли ўйинларидан бири ҳисобланади. Синф икки гуруҳга бўлиниб сардорлар тайинланади. Ҳар бир гуруҳ ўзи топган сўзни навбатма навбат хатма-хат ёзиб ҳарфлар сонини кўрсатиб боради. Охирида қайси гуруҳ кўп ҳарфли сўзлар топса, ўша гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

Умуман грамматик ўйинлар болаларнинг қизиқишлари ва ижодийлигини оширади.

Д. Ёкубова
Термиз давлат университети

Илғор педагогик технологиялар дарслар таянчи

Бошланғич синф ўқувчиларида шахс ва нарса номини билдирадиган сўзлар-от, белги ва хусусиятни билдирадиган сўзлар-сифат, иш ҳаракатни

билдирадиган сўзлар-фезл эканлиги, умуман айрим суз туркумлари ҳақидаги маълумотларга биринчи синфданоқ кўникма ҳосил қилинади.

Бу маълумотларни ўрганиш, тушунчалар ҳосил қилиш, албатта, она тили дарсларида амалга оширилиб борилади. Синфлар юқорилаб борган сайин улар тобора такомиллаша боради.

Мисол учун: 2- синф «Ўқиш» дарслигида «Куз неъматлари» матни берилган. Ўқитувчи ўқувчиларни матн билан таништиргач, «Матнлардан белгини билдирувчи сўзларни жадвалга ёзинг» топширигини бериши мумкин. Ўқувчилар матнни ўқиб, бу топшириқни мустақил равишда бажаришади.

2-синф ўқиш дарслигида хил-хусусиятни билдирувчи сўзлар ҳам кўп қўлланган. Уларни ҳам худди юқорида эътироф этилганидек жадвалларда акс эттириш мумкин.

«Ўтинчи йигит ва шер» эртаги. Ўқувчлар эртақ матн билан танишгач, хил-хусусиятни билдирадиган сўзларни жадваллар асосида аниқлашади.

Бу каби усуллар доимий қўлланиб борилса, ўқувчилар ўқиш, ёзиш, мустақил фикрлаш, идрок этиш, ўйлаш, хотирлаш, аниқлаш, сўз бойлигини ошириш, матн устида ишлаш, зеҳнини «ўткирлаш», ўтилганларни хотирасида муқим сақлашга йўналтирилади.

З.Жўрабоева
Андижон ДУ

«Она тили» фанини ўқитишнинг баъзи бир муаммолари

Бошланғич синф «Она тили» фани таълим мазмунида зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор ишлар бор.

Булардан энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1. Бошланғич синф «Она тили» фанида бериладиган назарий маълумотлар билан юқори синфлардаги маълумотлар ўртасида жиддий фарқлар бор. Масалан, бошланғич синфда эга ва кесим бош бўлақлар сифатида ўргатилади, юқори синфларда эса фақат кесимга таъкид берилиб, унга «гапнинг грамматик ва мазмуний маркази», ягона бош бўлақ деб қаралади. Таърифларни бир хиллаштириш керак.

2. Мавзулар бўйича материалларни беришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, албатта, эътиборга олиш даркор.

3. «Бошланғич синф «Она тили» дарсликларида миллий қадриятларимизга, миллий истиқлол ғоясининг тарғиб қилинишига кенг жой ажратилмоғи керак.

4. Фанлараро интеграция масаласи, мисол учун машқларни ишлаш пайтида табиатшунослик, адабиёт, санъат, математика, иқтисодга оид матнлардан фойдаланиш, мазкур фанларда ишлатиладиган атамаларнинг маъносини йўл-йўлакай тушунтириб бориш фойдадан холи бўлмайди.

5. Бошланғич синф «Она тили» дарсликлари иллюстрацияларга, расм

ва чизмаларга топишмоқлар, маталлар, шеърлар ва шу кабиларга бой бўлиши даркор.

6. Бериладиган материалларнинг тарбиявий томонига жиддий эътиборни қаратиш зарур. Ўқувчиларни меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, огоҳлик руҳида тарбиялаш бош мақсадимиз бўлмоғи керак.

Шундагина биз ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

Қ.Жумамуратова
(Хоразм, Янгибозор,1-мактаб)

Ўқувчиларни фаоллаштириш машқлари

Бошланғич синфларда она тилини ўқитишда турли дидактик, ижодий ўйинлардан фойдаланиш болаларни тез ўйлашга, фикр юритишга, ҳозиржавоб бўлишга ўргатади.

Масалан:

«Қани топ!» ўйини

Ўқувчиларга шивирлаб сўз айтилади. Пахта, китоб... каби. Ўқувчи лаблар қимирлашидан сўзларни топадилар, диққатини оширадилар.

«Ўйлаб топ!» ўйини

Сўзларнинг биринчи бўғини айтилиб, кейинги бўғини ўқувчи томонидан айтилади. Ар-ча Ран-да

«Хотира» ўйини

Ўқитувчи сўзларни аниқ, аммо тез айтади. Гул, қалам, гулзор, қаламдон

Ўқувчилар ҳам шу тартибда такрорлаб айтиши лозим. Хат-савод ўргатиш даври ўқувчилар фаолиятини ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Боланинг ақли, иродаси, дунёқараши шу даврда шаклланади, ривожланади. Ўйинлар эса уларнинг қизиқшини оширади, кайфиятини кўтаради.

Дидактик ўйинлар, амалий машғулотлар орқали ўқувчининг нутқини ўстиради.

Дарсда шундай топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

1-топшириқ

Саволлар жавобини ҳарф халтасида ёзинглар.

- Бугдойдан нима олинади? Ун
- Қуёш ботгунча бўлган вақт? Кун
- Осмонда ой чиққан пайт? Тун

2-топшириқ

Босма ҳарфларни ёзмага айлантириб ёзинг, қарама-қарши маъноли сўзни белгиланг. Ун, кун-тун

3-топшириқ

Икки-икки ака-ука дон-нон дўл-кўл

Ўқувчилар билимига қараб, тарқатма асосида гап ёки матн тузадилар. Енг яхши мазмунга эга бўлган гап ёки матнга рағбат берилади. Бу мусобака дарсида жарима карточкаси берилмайди. Битта рағбат

карточкасини олмаганлик жарима ҳисобланади. Дарс якунида юқори рейтингни эгаллаган ўқувчи аниқланади. Улар билан «Ким билагон» ўйини ўтказилади. Ўйинда қисқа, қизиқарли саволлардан берилади. Саволларга тез ва қисқа жавоб берилиши лозим. Жавоб беролмаган ўқувчи ўйиндан чиқади. Энг охирида қолган ўқувчи мусобақанинг мутлоқ ғолиби бўлади.

Р.Матякубова
(Хоразм, Шовот 26-мактаб)

Ўқувчилар мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш

Ўқувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам берилаётган билимларни бир хилда қабул қилавермайдилар. Шунинг учун бошлангич синф она тили дарсларида билимни мустақамлаш учун хизмат қиладиган такрорлаш соатларини мен мусобақа дарслари сифатида ташкил қилдим. Бу усул ўзининг ижобий самарасини берди. Юқоридаги усулнинг яна бир афзаллиги шундаки, дарс жараёнида 3-4 та машқ бажарилади. Кўп машқ бажариш орқали қисқа муддатда ўқувчиларнинг фикрлаш доираси кенгайди, олинган билимлар амалиётда синаб кўрилади. Машқ бажаришни мусобақа тарзида ташкил қилиш натижасида дарс жараёнида аълочи ўқувчиларнинг ҳам, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг ҳам бор имкониятларини ишга солиш учун шароит яратилади, вақтдан ҳам унумли фойдаланилади. Синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар ўқувчилар билимини мустақамлаш билан бирга уларни ижодий фаолликка ундайди.

Ўқитувчи учун таълим олишнинг охириги манзили йўқ. Бизнинг илғор вазирамиз – ўқувчиларни «тўғри» жавоб беришга эмас, балки яхши саволлар сўрашга ундаш.

А.Расулов
Каттақўрғон ТХТБ
Г.Уринова
Самарқанд ВММ

Она тили дарсларини такомиллаштириш муаммолари

Бошлангич таълимда она тили фанини такомиллаштириш учун қуйидаги муаммолар ҳал қилиниши даркор:

- она тили фани бўйича давлат таълим стандарти (ДТС) ва ўқув дастури талабларининг ҳар томонлама ўқувчига мос ҳамда бир хил бўлишига эришиш.
- она тили дарсликлари бўйича яратилган методика, яъни ўқитувчи китобларида кўпроқ илғор педагогик технология усуллари келтирилган дарс ишланмалари берилса,

- методика китобида берилган дарс ишланмаларида кўрсатиб ўтилган кўргазмалар, қуроллар, тарқатма материаллар ва бошқа жиҳозлар, топшириқлар тўплами (пакетлар) шаклида дарсма-дарс ёки бўлимлар кесимида тайёрланса.

Юқоридаги муаммолар ҳал этилса, XXI асрда бошланғич синфларда она тили таълими янада юксалиб, келажак авлодимиз эркин фикр билдира оладиган, саводли, дунёқараши кенг бўлиб тарбияланади, деб ўйлаймиз.

М.Раҳмонбекова
Алишер Навоий номидаги Республика
Нафис санъати лицейи ўқитувчиси,

Эртақлар орқали болалар нутқини ўстириш

Эртақлар ҳамиша инсонни яхшиликка етаклайди. Эртақлардаги қизиқ саргузаштлар болаларнинг бутун вужудини қамраб олади. Улар ҳар бир сўз маъносини уқиб олишга ҳаракат қиладилар. Тушунмаган ибораларини тезда билиб олиш учун катталарга саволлар берадилар. Мушоҳада юритиб, эртақ якунининг кўнгилли бўлишини, яъни ёмон кучлар устидан галаба қозониб, эртақ қаҳрамонларининг муроду-мақсадга эришишларини истадилар. Энг муҳими, қанча-қанча янги сўзларни ўзлаштириб оладилар.

Мен ёшлигимдан эртақ эшитишни ёқтираман, бора-бора ўзим ҳам эртақ ёзишни машқ қилиб, ҳозир юздан ортиқ эртақ тўқиб, кичкинтойларга тўхфа қилганман.

Дастлабки эртақларимни “Митти юлдуз” деб атадим. Юлдузча кўкдан ерга қараб, елиб-югуриб юрган одамларни кўришга шошилади. Шунда онаси:

— Шошма, қизалогим, яқинда одамларнинг ўзлари бу ерга келишади деб уни юпатади.

Дарҳақиқат, бир куни у Ойга чиққан одамларни кўради. Севиниб уларни таклиф қилади. Воқеа шу тарзда давом этиб, боланинг сайёралар ҳақидаги билимини бойитиш, ҳамда ота-она насиҳатини инobatга олиш, одобга чорлаши бу эртагимнинг мақсади бўлган.

Эртақларимнинг мавзуси она табиат, сув муаммоси, экологияга бағишланган.

“Янги орол” эртаги оролни сақлаб қолишда ҳайвон, қушлар ҳатто ҳашаротларнинг кўмаги, меҳрибонлигига бағишланган. Уни ўқиган болалар Орол муоммосини бартараф этишга интилиши аниқ.

“Оқ булут ҳақида”да болаларни тартиб-интизомга чақиритиш, гугурт чақиб ўйнаш ёнгинга сабаб бўлишини, она табиат ҳамиша инсонларга ёрдам беришини тасвирланган.

Эртақлар болаларни ҳамиша яхшиликка етаклайди.

Ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш тажрибасидан

Ёзма нутқ оғзаки нутқ негизида шаклланади. Боланинг оғзаки функционал нутқ тизими қанчалик ривожланган бўлса, у ўқиш ва ёзишни осонлик билан эгаллайди.

1-синфга келган болаларга хат-савод ўргатишда ўқитувчи дастлаб, ҳар боланинг товушларни тўғри талаффуз этишини, уларни бир-биридан фарқлашга ўрганишини таъминлаши зарур.

Ёзувда товушлар белгили бўлган ҳарфларни тўғри ёзиш, бўғин, сўзларни аввал дилда такрорлаб, сўнг дафтарга чиройли, хатосиз қилиб ёзиш таълимда энг қийин ва энг масъулиятли ишдир.

Ёзув машқлари тасвирий санъат дарслари билан узвий боғланса, болада ёзишга қизиқиш ортади. Ҳар икки, яъни ёзув ва расм чизишни ривожлантириб туриш яхши самара беради.

Товушларни бир-биридан фарқлаш устида олиб бориладиган ишнинг самарали бўлиши таҳлил-таркиб йўли билан амалга оширилса, болалар томонидан йўл қўйилган ҳатолар осон тузатилади.

Бу ишлар икки босқични ўз ичига олади:

1. Тайёргарлик.

2. Алмаштириб ёзаётган ҳарфларни аввал эшитиб, сўнг, бир неча марта талаффуз этиб, фарқлагандан сўнг ёзиш.

Биринчи босқичда алмаштирилаётган ҳар бир товушни талаффуз этиш образининг кетма-кетлиги аниқланади.

Иккинчи босқичда алмаштирилаётган товушларнинг талаффуз қилиниши аниқланади ва эшитиш жиҳатдан қиёслаш ишлари олиб борилади.

Ёзма ишларда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг олдини олишда таҳлил-таркиб ишларини ривожлантириш энг қулай усулдир. Бунда бўғин, сўз, кейинчалик гап, нутқ, матнни идрок этиш изчиллигини таъминлаш қуйидаги тартибда олиб борилади:

- а) гап тузиш учун сўзлар ўйлаб топиш;
- б) ўйлаб топилган сўзлар иштирокида гап тузиш;
- в) сўзлар сонини кўпайтириб, янги гап тузиш;
- г) гапда сўзлар кетма-кетлигини таъминлаш;
- д) матндан айрим сўзларни ажратиш.

Бундай ишлар болаларни тўғри ёзишга ўргатади. Ёзувда ҳуснихатга ҳам эътибор бериш лозим.

Ҳуснихат дарсларида ёзувни хаттотлик сабоқлари, санъат сабоғи тарзида ўтказилиши керак. Шундай қилинганда боланинг ёзганлари хатосиз ва чиройли бўлади.

Бошлангич синфларда она тили таълими

Ҳар бир халқнинг тили унинг маънавий хазинаси ҳисобланади. Она тилимиз том маънода фахрланишга, гурурланишга арзигулик тилдир. Шундай экан, тилимизнинг ўтмишидан, бугунидан сабоқ берадиган она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг вазифалари ниҳоятда шарафли. Она тили таълими олдига қуйилган мақсадларга эришиш учун машғулотлар болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, раво ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим. Шунингдек, она тили фанини ўқитишда педагогик технологиянинг илғор усулларига таяниб иш қўрилгандагина самарадорликка эришиш мумкин.

Алифбони ўргатиш ва ўқувчиларнинг тўлиқ саводхон бўлишларига ўқув йилининг ярмидаёқ эришишимиз, болаларнинг тафаккур қилиш фаолиятларини оширувчи матнлар, сўз бойликларини кун сайин ошириб, мустақил ишлашга чорлаш зарур.

Тилимиз софлиги ва нуфузини сақлаш учун, айниқса, бошлангич синфлар учун дарслик ва ўқув қўлланмаларида бериладиган матнларга жиддий эътибор қаратиш зарур. Уларда болалар ҳали тушуниб ета олмайдиган сўзлар, гаплар учрамаслиги лозим. Дарсда вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида изоҳталаб сўзларни тушунтириб ўтиришдан қўра улар идрок қила оладиган сўз ва гаплар тавсия қилингани маъқул. Тилимиз тараққиёти учун барчамиз масъул эканлигимизни ҳис этишимиз зарур.

Г.Раҳмонова
Кармана, 4-мактаб

Янги мавзуни ўргатишда интерфаол усуллардан фойдаланиш

Ёш авлодга таълим-тарбия асосларини пухта ўргатиш, уларда кенг дунёқараш ҳамда тафаккур кўламини ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш борасидаги таълимий-тарбиявий ишларни самарали ташкил этишга боғлиқдир. Она тили дарсларини мавзу характерига қараб хилма-хил қизиқарли ва фикрлашга даъват этувчи ўйин топшириқлари асосида ташкил этиш ўқувчиларда мустақил ижодий мушоҳода юритиш, ўз фикрини аниқ, раво, ихчам ҳолда ўзгаларга етказа билиш кўникма ва малакаларини шакллантиришда ёрдам беради. Бу борда “Фикрларни чархлаш” усули қўл келмоқда.

Изоҳ: “Фикрларни чархлаш” усули - таълимий дидактик ўйин топшириқлар орқали амалга оширилади.

Менинг тасаввуримда, XXI асда она тили дарсларини ташкил этиш,

яъни бошланғич синф ўқувчиларининг мурғаккина қалбида она-Ватанга, она тилимизга ҳурматни сингдириш мақсадида она тили дарсларини илгор педагогик технологиялар ҳамда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб ташкил этиш бугунги куннинг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларидандир.

Болаларни фанга қизиқтириш учун ўқитувчи билимли бўлиши билан бирга, ижодкор ва актёр ҳам бўлиши керак. Ҳар бир дарсга тайёрланар эканман, бугунги дарснинг кечагидан фарқ қилишига, болаларнинг фикрини чархлашга қаратилган таълимий дидактик ўйинлар ижод қилишга ҳаракат қиламан. Бу ўйинлар жуда содда бўлиб, ўқитувчидан ортиқча меҳнат талаб қилмайди. Ўқувчиларни эса дарс жараёнида зериктирмайди. Ўқувчиларни ўқишга эмас, уқишга ундайди.

М.Ражабова
(Хоразм, Боғот, 3-мактаб)

Дарс самарадорлигини оширишда техника воситаларининг ўрни

Бошланғич синфларда ўқувчилар компьютер билан илк бор танишадилар. Уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, бир машғулот давомида унинг оилада 10-15 дақиқагача бўлиши мумкинлигини ҳисобга олсак, дарс жараёнининг маълум қисмлардагина ундан фойдаланиш мумкин.

Айрим мавзулар мисолида бошланғич синфларда компьютердан фойдаланиш ҳақида фикр юритмоқчи эдим.

«Алифбо» мавзусини ўтиш жараёнида монитorda берилган рақамланган ҳарфлар тартибдаги 21,1,19,1,13 ўринда жойлашган ҳарфлар асосида сўзни тикланг Ватан – ўқувчилар бу сўзни аниқлайдилар

- Сўз неча бўғиндан иборат?
- Нима учун бу сўз икки бўғинли?

Ўқувчилардан саволларга жавоб олинади ва бу сўзнинг икки бўғинли эканлигига сабаб ундаги унлилар миқдори билан боғлиқлиги таъкидланади.

«Расмли тест». Компьютернинг маълумотлар жамғармасидаги расмлардан фойдаланган ҳолда тест саволлари тузиш мумкин.

Алифбодан фойдаланиб берилган суратнинг номини ёзиш. Бу жараёнда ўқувчиларда компьютер клавиатураси билан ишлашнинг илк кўникмаси шакллантирилади, шу билан бирга уларнинг саводхонлиги ҳам текширилади.

«Ундалма» мавзусини ўтиш жараёнида компьютерга олдиндан киритилган диалоглар ва уларнинг сарлавҳасини топиш топширилади.

Дарс жараёнида компьютердан фойдаланиш билан ўқувчиларнинг қизиқиши ортади. Бу эса таълим самарадорлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Бошланғич синфларда она тилини ўқитишни такомиллаштириш

Тил тафаккур билан чамбарчас боғлиқ. Тил тафаккурни, тафаккур тилни рўёбга чиқаради. Барча фанлар тафаккур мевалари бўлгани каби, айти пайтда тилнинг ҳам самараларидир. Тил софлиги тафаккур соғломлигини таъминлайди. Бола тафаккурининг тўлақонли ривожланишида ўз она тилининг аҳамияти муҳим.

Айниқса, бошланғич синфларда она тилининг қай даражада ўқитилиши, боланинг келажакдаги камолоти даражасини белгилайди.

Бошланғич синфларда она тили ўқитишда тарбиявий, коммуникатив ва илмий вазифалар:

- дидактик материаллар танлови, ёзма ва оғзаки нутқ бўйича машқлар системаси;
- дарсда танланган тил материали фақат ахборот бериш воситаси бўлмай, балки эстетик моҳият ҳам касб этиши лозим;
- ўқувчиларни мустақил ёзма (ижодий) иш ёзишга ўргатиш катта тарбиявий аҳамиятга эга;
- дарсни коммуникатив (амалий) принцип асосида ўтиш янги сўзларни, сўз бирикмалари, грамматик алоқаларни ўрганишда муҳим;
- ўзбек тилида сўзларни, товушларни тўғри талаффуз этишга аҳамият бериш;
- адабий тил нормаларига амал қилиш;
- она тилини ўқитишнинг илмий мақсади бола ўқиб ўрганган сўзлар унинг билимини оширишга маънавиятини юксалтиришга, умумий маданияти савиясини кўтаришга хизмат қилиши лозим;
- она тилини ўқитишда тил материаллари ёрдамида боланинг мантиқий фикрлаш доирасини кенгайтиришга қаратилмоғи зарур.

**Н.Турдиматова, Ю.Мелиева
Фарғона, Олтиариқ 32-мактаб**

Тил таълимининг самарадорлигини ошириш тажрибасидан

Луғат устида ишлаш – ёзма нутқни ўстиришнинг бошланғич босқичидир.

Маълумки, ҳар бир тилнинг луғат бойлиги ва грамматик қурилиши давр ўтган сари такомиллашади. Уларни пухта ўзлаштириш асосида киши ўз фикр-мулоҳазасини оғзаки ва ёзма шаклда ифодалайди.

Луғат бойлиги кун сайин ошиб, грамматик қонуниятлар асосида ўзаро бирикиб маълум коммуникатив функцияни бажаради.

Бошланғич синфда таълим олаётган болаларнинг луғат бойлиги тахминан икки, уч минг сўزلардан иборат бўлиб, уни қандай қилиб

янада ошириш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Луғатнинг асосий манбаи дарслик ва болалар адабиётидир, шунинг учун улардан унумли фойдаланиб, нутқини такомиллаштириш воситаси сифатида турли машқлар ўтказиш, болаларнинг фаоллигини ошириб, ўзбек тилини ўрганишга меҳр қўйишга асос бўлади.

Ариза, таржимаи ҳол, таклифномалар, синф мажлисининг қарори, эълон каби расмий иш қоғозларида кўпроқ расмий сўзлар қўлланилади. Масалан, тадбир, мажлис, котиб, таклиф, маърузачи, қарор қилади, топширилсин, кун тартиби, илтимос каби. Тартиб сонлар араб рақами билан, сонлар эса рақам билан ёзилишини болалар бошланғич синфларданоқ ўрганишлари керак.

Тил таълими самарадорлигини оширишда ҳар бир ишга ижодий ёндашиш орқали болаларнинг фаоллигини ошириш, она тилимизнинг гўзаллигини фарзандларимизни ҳис ва идрок этишларига эришиш мумкин.

**Г. Эштурдиева, Косон т.
4 - боғча-мактаб**

Шеър - ўқувчилар нутқини ўстиришнинг самарали воситаси

Ўқувчилар қуйи синфларда кўпроқ кўрган, кузатган, бевосита ҳаётда учратган нарса, воқеа-ҳодисалари ҳақида фикр юритадилар. Кўриб, кузатганларини гапириб беришга ҳаракат қиладилар: гап тузадилар, ҳикоя қиладилар.

Ўқувчилар нутқини ўстиришда дарс жараёнида ўтказиладиган шеърхонлик, «Баҳру байт» каби иш турлари ҳам яхши самара беради. Ўқувчи шеърни кўпроқ ёд олади ва керакли ўринда ундан фойдаланишни ўрганади. Бу эса ўқувчининг оғзаки нутқини ривожлантиради, ёзма нутқига ижобий таъсир қилади. Ҳар бир дарсда имкон топиб шеър тўқишга, шеър бўлмаса ҳам қофияли сўзлар топиб, уларга маълум бир маъно жо қилишга ҳаракат қиламан. Шеърятга қизиқишини, ҳавасини орттиришга ҳаракат қилиб, ижод қилишга, ҳар бир нарсадан илҳом олишга ўргатаман.

Ўқиш ва она тили дарсида боланинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга алоиҳда эътибор бераман. Ўқувчиларимнинг характер ва хислатларини шеърда ифода этишга интиламан. 2-4 қатор шеър ҳам тўқитаман. Болалар билан 2-3 дақиқагина бирга машқ қиламиз-да, биргалашиб шеър тўқиймиз. Болалар ниҳоятда хурсанд бўладилар.

Ўқувчиларим билан расм асосида гап туздик. Расмда болалар қўлга бориб, балиқ тутиб тургани тасвирланган эди. Мен уйда расмни ҳаракатли қилиб ясадим. Болалар балиқ тутиб, уйга кетишини томоша қиладилар, шу расмга қараб бир неча гап тузишди.

Йил давомида баъзан расмларга қараб, баъзан байрамлар ҳақида, баъзан қушлар, ҳайвонларга ва ҳоказоларга бағишлаб шеърлар ижод қиламиз. Ўқувчиларим ҳам бир қатор, икки қатордан ўз ҳиссаларини қўшиб боришади.

Сифатларнинг маъно турларини ўрганишнинг айрим хусусиятлари

4-синф она тили дарслигида сифатларнинг маъно хусусиятини аниқлайдиган бешта семантик категория мавжуд. Улар: ранг-тус, маза-таъм, ҳажм, шакл, хил-хусусият кабилар.

Предметнинг ҳажми (катта-кичиклиги) кўриш сезгилари орқали, унинг қаттиқ-юмшоқлиги эса мускул аъзоларимиз орқали, таъми эса таъм билиш сезгиларимиз орқали, ранг-тус, шакли эса кўриш сезгиларимиз орқали идрок этилади.

Йўлбарс ва қўйга нисбатан «йиртқич» сифатини ишлатиш учун йўлбарс ва қўйнинг барча хусусиятларини билишимиз лозим бўлади.

Яна бир мисол, бир стаканда тоза сув, бир стаканда укус кислотаси турса, «заҳарли» лексемасини ишлатиш учун уларнинг кимёвий хоссаларини англашимиз зарур бўлади. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига сифатларнинг бу каби хусусиятларини тушунтиришда, уларни икки катта гуруҳга бўлиш, яъни фалсафий категория нуқтаи назаридан биринчисини эмпирик сифатлар, иккинчисини рационал сифатлар деб тавсифлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, эмпирик сифатларни тавсифлашда бизга ҳеч қандай назарий билим зарур бўлмайди. Уларни сезги органларимиз орқали идрок қиламиз. Лекин юқорида келтирилган «йиртқич», «заҳарли» сифатлари хусусиятларини етарли илмий мушоҳадаларсиз идрок этиб бўлмайди.

Эмпирик сифатлар дарсликда 5 гуруҳга бўлиб ўрганилиши ҳақидаги тавсифлар яхши берилган. Ўқувчилар буларни жуда ҳам яхши, ҳаётий мисоллар асосида ўрганадилар.

Дарсликда рационал сифатларни ўрганишга қаратилган дидактик топшириқлар берилмаган. Булар ҳақида ўқитувчининг ўзи ижодий ёндашиб, рационал сифатларни ўрганишга қаратилган топшириқлар ва бошқа тушунтирувчи, ўргатувчи манбаларни қўшимча равишда тавсия этишлари лозим бўлади.

Таълим технологиясидаги прогрессив талаблар сифат туркумидаги сўзларга юқоридаги тавсифни берган ҳолда ўрганишни тавсия этади.

Т. Қорабоева
Сирдарё, Мирзаобод туман 25-мактаб

Она тилини ўқитишда таълимнинг замонавий усулларида фойдаланиш

Таълимнинг асосий бўғини ҳисобланган бошланғич синфларда Она тили фанини ўқитишдан кўзланадиган мақсад ўқувчиларга бериладиган билим, кўникма ва малакаларнинг самарадорлик даражасини ошириш,

ўқувчиларнинг ҳуснихатига кўпроқ эътибор қаратиш, имло саводхонлигини таркиб топтириш ва оғзаки нутқини ўстириш каби жараёнлардан иборатдир. Бу жараённи амалга оширишда замонавий педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўлаш билан мустаҳкамлашни тақозо қилади:

- Дарсда интерфаол усулларни қўллаш. Бошланғич синф ўқитувчиси бунинг учун дарснинг технологик харитасини тўғри туза олиши керак. Интерфаол усуллардан “Ақлий ҳужум”, “Кластер” ва бошқа қизиқарли ўйин воситаларидан тўғри ва унумли фойдалани билишлари;

- Дидактик материаллар билан ишлаш жуда қизиқарли кечади. Бунда ўқувчилар учун мавзу янада қизиқарли ўтиши билан уларнинг дунёқараши ҳам ўсиб боради. Айниқса, “Ким парашютдан сакрайди”, “Олма териш”, “Куз хирмони” каби ўйинлар ўқувчиларни толиқтирмайди, уларни фаолликка ундайди.

- Катта дидактик имкониятларга эга бўлган ва болаларга кучли ҳиссий таъсир кўрсата оладиган ўқув диафильмларидан фойдаланиш кўргазмали фаолиятнинг зарур қисмидир. Техник воситалардан фойдаланиш таълим жараёнини янада қизиқарли қилиб, ўрганилаётган мавзуга болаларнинг қизиқишини орттиради, уларнинг билиш қобилиятини фаоллаштиради.

- Она тили дарсини ўқиш, математика, табиат, муסיқа каби бошқа фанлар билан боғлаб ўтиш, яъни фанлараро уйғунлик ўқувчиларга ўзлаштираётган мавзусини турфа рангларда кўрсатади. Болаларнинг мавзуга қизиқишларини орттиради, олган билимлари асосида баҳс-мунозарага чорлайди.

Интерфаол усулларни она тили дарсларида қўллаш натижасида ўқувчилар ҳозиржавобликка ўрганади, уларнинг лугат бойлиги кўпаяди, илмий назарий билими янада мустаҳкамланади. Ўйин асосида ташкил қилинган дарс, албатта, ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини орттиради, қизиқиш эса билимларни пухта эгаллашга, интилишга йўл беради.

М. Ҳоziхўжаева
Тошкент шаҳар, 216-макта

Ўзбек тили — улуг тили

Эндигина ўқиш, ёзишни ўрганаётган болани қандай гапиришга, товушларни қандай талаффуз қилишга ўргатиш жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилсак, болалар шундай гапиришга ўрганадилар.

Ҳар сўзнинг маъносини тушунган ҳолда ўқиши, ўзлаштириши, нарса-ҳодисаларнинг ҳосса ва моҳиятини англашга муваффақ бўладилар. Сўз орқали бола тафаккури ривожланиб боради.

Нутқ одоби аввал оила шароитида шаклланади. Мактаб таълими эса, боладаги бор имкониятни юзга чиқаради... Мактабда 1-синфга келаётган

болаларнинг барчасининг нутқи тўлиқ равишда ривожланган деб бўлмайди. Нутқида нуқсони бор ўқувчилар ҳам бор. Шундай шароитда ДТС даражасида болалар билимини ривожлантириш муаммолари пайдо бўлади. Нутқида нуқсони бор фарзандларини логопед мутахассисларига олиб боришни ота-оналар унчалик хоҳламайдилар.

Қандай бўлганда ҳам дастлабки кунларданоқ болаларни тўғри талаффузга ўргатиш бизнинг вазифамиз.

1-синфданоқ “Сўз ўйини”, “Ким кўп сўз топади?”, “Қайси товуш жарангли?”, “Она тилим — жону дилим” каби қизиқарли ўйинлар ташкил этиб бориш болаларнинг фаоллигини оширади, сўз, гапларни эркин, дадил, ёқимли овозда айтишга ўрганадилар.

Тилимиз нуфузини ошириш учун ўқитувчи ўз устида мунтазам ишлагли, ўқувчиларининг имконият даражасида луғат дафтари ташкил қилиб, уни саводли тўлдириш, ўқувчиларни бу ишда фаол қатнашишини ташкил қилиб бориши лозим.

Бола тарбияси оилада, мактабда, қолаверса, жамият зиммасига юкланадиган умумдавлат, умумхалқ ишидир. Ҳар учлик масъулиятини ҳис этсак, таълим ва тарбия самарадорлиги ўсиб бораверади.

Умумий таълим

**М.Қодиров, ЎзМУ
А.Фуломов, БухДУ**

Она тили дарсларининг ноанъанавий шакллари ва улардан фойдаланиш йўллари

XXI аср она тили таълими ўқитувчилардан дарсни турли шаклларда қуришни тақозо қилмоқда.

Кейинги йилларда ноанъанавий дарсларнинг қатор турлари: «Топқирлар беллашуви» дарслари, семинар дарслари, конференция дарслари, баҳс-мунозара дарслари, сиртқи саёҳат дарслари, юбилей дарсларидан фойдаланилмоқда. Бу ноанъанавий дарсларнинг ҳар бири ўзига ҳос қурилишга эга бўлса-да, аммо улар бир мақсадга - дарсда ўқувчиларни таълим жараёнининг субъектига айлантириш, тил ҳодисаларини мустақил изланиш орқали ўрганишни таъминлашга, ўқувчилар тафаккури қобилиятини ўстиришга қаратилган.

«Топқирлар беллашуви» дарси. Маълумки, ўйин тарзида ўтказиладиган она тили дарсларида ўқувчи ўзлигини намоиш этиш имкониятига эга бўлади. Беллашув ўйин тарзида ташкил этилади ва муайян бўлим ёки йирик мавзулар ўрганилгандан сўнг ўтказилади.

Синф ўқувчилари биргалашиб миҳ атрофида айланувчи фанера доира (диаметри 30 см) тайёрлайдилар ва уни 16 қисмга ажратадилар. Бу доира

1,2,3,...16 деб рақамланади. У иккинчи каттароқ доира (диаметри 40 см) ичига жойлаштирилади. Катта доиранинг қоқ юқорисида кичик доира томон йўналтирилган икки йўналиш чизиғи (стрелка) чизилади.

Синф ҳар бири 5 ўқувчидан иборат гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ тилнинг бирор бўлимида ўтилган маълумотлар бўйича 16 тадан савол —топшириқ тузиб, 16 та хатжилдга (конвертга) солади ва ҳар бир хатжилдни 1,2,3,...16 деб рақамлайди.

Ўйин гуруҳлар орасида ўтказилади. Қуръа ташланиб, гуруҳларнинг тартиби белгиланади. 1- ва 2-навбатни олган гуруҳ ўйинни бошлайди. Дастлаб 1-навбатни олган гуруҳ сўрайди, 2-гуруҳ жавоб беради. 2-гуруҳдан бир киши кичик доирани айлантиради. Доира айланишдан тўхтагач, 1-гуруҳ йўналиш чизиғи остидаги рақамга мос келган топшириқни ўқийди. 2-гуруҳ бир дақиқадан кейин ўқиб эшиттирилган савол-топшириққа жавоб беради. Ҳар бир гуруҳ иккинчисига 5 марта савол беради. Синалаётган гуруҳ нотўғри жавоб берса, сўровчи гуруҳ уни тuzатади.

Агар бир соатда голиб гуруҳни аниқлаш имконияти бўлмаса, ўйин давом эттирилиши мумкин. Ҳакамлар ҳар бир саволни 0-3 балл билан баҳолайдилар. Савол-топшириқ нотўғри тузилган бўлса, ҳакамлар бу гуруҳ балларидан ҳар бир нотўғри савол учун келишилган миқдорда балл камайтирадилар. Мукофот ва жарима балларининг миқдори ҳар бир машғулот учун алоҳида келишилади. Келишилган миқдорда кўп балл йиғган гуруҳ ўйинни навбатдаги гуруҳ билан давом эттиради.

Сиртқи саёҳат дарслари муайян бир мавзу юзасидан билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилингандан кейин ўтказилади. Ўқувчилар «Билимлар мамлакати»га саёҳат қилиб, турли ҳолатларга дуч келадилар. Йўлда дуч келган қийинчиликларни енгган, яъни ўқув топшириқларини мустақил бажарган ўқувчиларга тангалар (баллар) кўйиб борилади. Топшириқларни тез ва тўғри бажарган ўқувчилар саёҳатни давом эттирадилар.

Топшириқлар дарсликлардан танланиши ёки ўқитувчи томонидан тузилган бўлиши мумкин. Масалан, сифатларнинг маъно гуруҳлари ўрганилгач, шундай саёҳат дарси режалаштирилиши мумкин. Бу дарсда ўқувчилар куйидаги топшириқларни бажарадилар:

1-топшириқ. Берилган сифатларнинг маъносига қараб: 1. ранг —тус сифатлари; 2. белги-хусусият сифатлари; 3. маза-таъм сифатлари; 4. шакл-ҳажм сифатлари сингари гуруҳлари орқасидан тизилинг (синфда 4 ўқувчи шу маъно гуруҳлар тимсолида чиқади ва уларнинг кўкрагида ўша маъно гуруҳнинг номи ёзилган бўлади).

2-топшириқ. Партадошингиз билан ёки гуруҳлараро сифатларни ўз ва кўчма маънода қўллаш бўйича беллашинг.

3-топшириқ. «от+ранг» қолипни бешта кўшма сифат ҳосил қилинг.

4-топшириқ. «Камалак» мавзусида тасвирий матн яратинг.

Конференция дарси кўпроқ 7-9-синфларда ўтказилади. Дарснинг бу шакли маълум бир тил сатҳи ёки катта мавзу ўрганилгандан кейин ушатирилади ва якунловчи дарс вазифасини ўтайди.

Конференция дарсини битта синф доирасида ёки иккита параллел

синф билан биргаликда ўтказиш мумкин. Бу дарсда ўқувчиларнинг она тилидан тайёрлаб келган кичик илмий маърузалари тингланади, улар биргаликда муҳокама қилинади.

Конференция дарсига тайёргарлик камида бир ой олдин бошланади. Ўқитувчи маъруза мавзуларини белгилайди, уларни ўқувчиларга топширади: зарур адабиётларни тавсия қилади ва вақти-вақти билан унга тайёргарликнинг боришини назорат қилиб туради. Ўқитувчи эса аввал адабиётлар билан пухта танишиб чиқади; маъруза режасини белгилайди; ҳар бир масала юзасидан материал йиғади ва уни ёзади.

Ўқувчилар илмий маъруза учун материал йиғиш тартибини билишлари керак. Аввал тадқиқот мавзуси билан боғлиқ тил ҳодисаси пухта ва асосли ўрганилади, ўқитувчи билан материал йиғиш юзасидан суҳбат ўтказилади, таҳлил қилинаётган бадиий асар ўқиб чиқилади, мисоллар алоҳида-алоҳида ёзиб борилади ва ниҳоят улар сараланиб, матнни ёзишга киришилади.

Конференция дарсининг мураккаб томонларидан бири барча ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлашдир. Кўп ҳолларда маърузачи фаол бўлиб, қолган ўқувчилар шунчаки тингловчига айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи барча ўқувчиларнинг музокара иштирокчисига айлантириши, уларнинг ўз фикр-мулоҳазаси билан иштирок этишини таъминлаши зарур.

Баҳс-мунозара дарслари. Она тили дарсларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг мустақил ижодий фикрлаши билан боғлиқ. Ижодий фикрлашга ўргатишда баҳс-мунозара муҳим аҳамиятга эга. Бу нарсаларнинг ўзига ҳос хусусияти шундаки, ўрганиладиган материал ўқувчиларга олдиндан маълум қилинади, муҳокамага ташланаётган масала хусусида ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикр-мулоҳазасини билдиради. Баҳс-мунозара учун танланадиган саволлар ўқитувчи томонидан пухта ўйланган бўлиши лозим. Масалан, «Олинма сўзлар» мавзуси юзасидан баҳс-мунозарага қуйидаги муаммолар ўртага ташланиши мумкин.

- Бошқа тиллардан сўз олиш зарурми?

- Айрим ҳолларда рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзларнинг ўзбекчалаштириш борасида уринишлар бор. Сизнингча, ҳамма сўзларни ҳам ўзбекчалаштириб бўладими?

- Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда бошқа тиллардан сўз олмасликнинг иложи борми?

Бу саволларнинг ҳар бир ўқувчининг ўз нуқтаи назарини баён қилишини талаб этади.

Баҳс-мунозара ўқувчига эркинлик беришни талаб қилади. Чунки ўз фикр-мулоҳазаларининг ҳақлигини исботлаш ижодий фаолият маҳсулидир.

Она тилидан семинар дарси. Семинар дарси ноанъанавий дарснинг бир тури бўлиб, бу ҳам ўқувчини мустақил ишлаш, ижодий фаолият кўрсатишга ундовчи машғулот шаклидир, ундан барча синфларда фойдаланиш мумкин.

Семинар дарсидан катта мавзулар ўрганилгандан кейин (м: сўзларнинг

шакл ва маъно муносабатлари, феълларнинг маъно гуруҳлари в.к.) ёки бўлим ўрганилгандан кейин фойдаланса бўлади.

Семинар дарсининг мавзуси 10-12 кун олдин эълон қилинади; ўқувчиларга режа ва адабиётлар тавсия этилади; дарсга тайёргарлик кўриш жараёни тушунтирилади; адабиётлар устида мустақил ишлаш юзасидан тавсиялар берилади.

Дарс ўқитувчининг кириш суҳбати билан бошланади. Мавзунинг долзарблиги, бу мавзунинг пухта билишнинг амалий қиммати тушунтирилади. Ўқувчилар семинар режаси билан таништирилади ва тайёргарлик кўриш учун вақт берилади. Семинар дарсида ўқувчилар фаоллигини таъминлаш муҳим. Бу ҳар бир муҳокама этилаётган масалани мунозарага айлантириш билан боғлиқ. Дарсда шундай ҳолатни юзага келтириш лозимки, ўқувчилар ўз фикрини далиллар асосида исботласин; ўз нуқтаи назарини баён қилсин; ҳукм ва хулосалар чиқарсин.

Дарснинг охирида машғулотга якун ясалади, семинарнинг ютуқ ва камчиликлари айтилади ва ўқувчиларнинг билими баҳоланади, улар изоҳланади. Билимни баҳолашда болаларнинг машғулотга тайёргарлик кўриш даражаси, масаланинг моҳиятини англаши, фикрни далиллар билан асослай олиши, жавобларни тўлдиришдаги иштироки, ижодийлиги кабилар ҳисобга олинади.

Барча синфларда ҳам семинар дарсидан фойдаланиш тавсия этилмайди. Машғулотнинг бу шаклидан кўпроқ ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси талабга жавоб берадиган, мустақил ишлашга ўрганган синфларда фойдаланиш маъқул. Акс ҳолда, барча ҳаракатлар зое кетиб, ўқувчилар масаланинг туб моҳиятига етмай қолишлари мумкин.

Кўриниб турибдики, дарснинг шакллари кўп. Ўқитувчи бу дарс шаклларини пухта билиши, ўрганиладиган тил материалларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни танлай олмоғи лозим. Дарс шакллари қанча тез-тез ўзгариб турса, ўқувчиларнинг она тили фанига қизиқиш даражаси шунча юқори бўлади.

**Б.Х.Дониёров,
филология фанлари номзоди**

Фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни бошқаришда давлат тилининг аҳамияти

Иқтидорли ўқувчиларни фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилишда уларнинг иқтидорини, истеъдодини, жумладан, чет тилларини қай даражада билишини аниқлаш билан биргаликда бу болаларнинг мактабгача ва бошланғич таълим ҳажмидаги билим, кўникма ва малакаларни давлат – ўзбек тилида олганликларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Чунки эртанги кунда ушбу мактабни битириб, Давлат хизмати учун бел боғлаган ёш,

иқтидорли мутахассислар ўзбек тилининг нафақат қонун-қоидаларини мукамал билиши, балки бутун жозиба ва тароватини юрак-юрагидан ҳис қилиши ва севиши лозим.

Давлатни, Ватани, Халқни унинг тилини билмасдан, унга меҳр қўймасдан севиб бўлмайди. Тилга муҳаббат эса боланинг илк гўдаклик давридан бошланади. Диёримизда энди туғилган чақалокда ўзбек юртига бўлган муҳаббатни сингдириш нафақат она сути билан, шунингдек ўзбек алласи – “алла болам, аллаё” қўшиғини унинг жажжигина қулоқларига волидасининг меҳрли мулойим овози билан етказилиб, мурғаккина юрагига жо қилиш билан бошланади.

Ўзбек Давлати ва тарихига муҳаббат уйғотиш мақсадида болага болалиқдан ўзбек эртақларини, ўзбек маталларию, топишмоқларини, Алпомишу Барчинойлар ҳақидаги гўзал дostonларни ўзбек халқи яратган тилда, шу тилнинг жозибали воситалари орқалигина етказиш мумкин.

Махсус дастурлар асосида фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси ўзбек тарихини, ўзбек муштоз адабиётини шунчалик пухта эгаллаши лозимки, кейинчалик у катта ҳаётида бу масалада унга рўбарў келган ҳар қандай муҳолифи(оппоненти)ни баҳс-мунозарада далилларга асосланган ҳолда енга билиши керак.

Энг муҳими, бу мактабда таълим-тарбия олиб, зарур касблар асосларини пухта эгаллаган битирувчи ўзбек давлати ва миллатини бирлаштирувчи, унинг куч-қудратини мустаҳкамловчи ғояларга, мафкурага иймони комил бўлган ҳолда хизмат қилиши лозим.

Болаларни фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактабга қабул қилишда уларнинг ҳар томонлама ривожланган – ақлий(иқтидорли, оилада яхши тарбия кўрган,), жисмоний(соғлом,), руҳий ривожланишида(психикасида) нуқсонли бўлмаганликлари каби жиҳатлар Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари қошида тузилган нуфузли комиссия(комиссия таркибида бошқа тегишли вазирлик ва идоралардан, масалан, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт вазирликларидан(уларнинг жойлардаги бошқарма, бўлимларидан), мутасадди ходимлар бўлишлари шарт).

Бундай мактабларга иқтидорли болаларни танлов асосида қабул қилишда жамиятда учраб турадиган “ганиш-билишчилик”, “ошна-оғайничилик” каби иллатларга йўл қўймаслик керак. Зеро, бундай йўллар билан мактабга қабул қилинган бола эртага ўзи ҳам қийналади, муассасага адолатли равишда қабул қилинган тенгқурларига ҳам катта муаммо туғдиради, нуфузли мактабнинг мақсад ва вазифаларига, обрўсига путур етказилади.

Демак, ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчилар мамлакатимизда мавжуд энг илгор, ўқув фанлари чуқур ўқитиладиган муассасаларида таълим-тарбия олаётган болалар орасидан адолатли, илмий ва амалий пухта ташкил этилган танлов асосида саралаб олиниши лозим.

Бу эса ўз навбатида нафақат Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мавжуд фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар (185 та) ва мактаб- интернатлар(246 та)нинг ривожланишига, улардаги ўқувчиларнинг

билим олишга бўлган иштиёқларини рағбатлантириш учун катта замин бўлибгина қолмай, энг муҳими мамлакатимизнинг турли соҳаларда интеллектуал элитанинг шаклланишига, давлатнинг Ўзбекистон манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган юқори малакали мутахассисларга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларнинг раҳбарлари моҳир педагог, замонавий бошқарув тажрибасига ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши билан бирга кўпдан-кўп номзодлар орасидан танланиши ва Халқ таълими вазири буйруғи билан ушбу лавозимга тайинланиши, ҳар тарафлама камолатга етган инсон бўлиб, бутун жамоа ва ўқувчиларга ибрат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

М.Абдураимова
РТМ, пед.фан.номзоди

Она тили таълимининг янги асрдаги вазифалари

Ҳозирги кун таълими педагог ходимлар олдига ўқувчи-ёшларга фақат билим бериш эмас, балки билим олишнинг йўлларини ўргатиш талабини қўймоқда.

Бундай талабнинг моҳияти шундаки, ўқувчини мактабдан кейинги фаолиятга тайёрлаб, ўз устида мунтазам ишлаш, билим доирасини кенгайтириб бориш кўникмаларини шакллантиради. Билим олиш эса ўқувчининг мустақил фаолияти орқали амалга ошади. Айнан шу масала, яъни ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш масаласи ҳозир кун таълимида энг асосий ва муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Ижодий тафаккур, жараёнга, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш - ана шу нарса таълим ислоҳотидаги ва шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, камол топтиришдаги муҳим жиҳатлардан биридир.

Мустақил фикрлаш кўникмалари шаклланиб боради, қачонки, таълим жараёнида мазкур иш усули изчил ва тизимли олиб борилса. Ўқувчи мустақил ишининг самараси эса худди шундай мустақил ишларни бажариш кўникмаси ўқитувчи ёрдамида бажарилган ишлар жараёнида шаклланган бўлсагина кўринади. Шунинг билан бирга мустақил ишлар ўқитувчи раҳбарлигида жамоада, яъни кичик гуруҳларда бажарилса, унинг самараси янада юқори бўлади. Бинобарин, мустақил ишлар зарур ва муҳим иш усулларидан бири бўлиб, таълим жараёнининг таркибий қисми, ўқувчини фаоллаштириш омили сифатида қаралиши лозим.

Ўқувчи-ёшларда мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш мактаб таълимида етакчи ўқув фанларидан ҳисобланган она тили ўқув фанига бевосита ва билвосита дахлдордир. Зеро, унинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи моҳияти беқиёсдир. Мактабда она тили таълими тасдиқланган давлат ўқув дастури ҳамда маълум миқдордаги соат ҳажмида олиб борилади. Ўқув режада ажратилган соат давомида

Ўқувчиларга она тилини ўргатишга қанчалик ҳаракат қилмайлик, ўқув дастуридан кўзда тутилган мақсад ва вазифага тўлиқ эришишнинг имконияти бўлмайди. Демак, мактаб она тили таълимини шундай ташкил этиш керакки, у келажак таълими учун мустақкам замин яратсин. Она тили машғулотлари тилнинг бутун гўзаллиги, сеҳрини ўрганишга қизиқиш уйғотиши, ҳеч қандай дастур билан белгилаб бериб бўлмайдиган қонуниятлари билан таништириши зарурки, бу истиқболли таълимни йўлга қўйишдаги энг асосий ва энг муҳим омил вазифасини ўташи лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, янги аср таълими ўқитиш жараёнини глобаллаштириш вазифасини қўймоқда. Шундай экан, мактабда ўргатиладиган ҳар бир ўқув фани таълим-тарбия мазмунининг барча қирраларини имкон даражасида қамраб олиши лозим. Зотан, ўқувчилар онги-шуурида миллий ғояни сингдириш ва шу руҳда тарбиялаб бориш барча ўқув фанлари, хусусан, она тили фанининг ҳам кундалик вазифаси ва масъулиятidir. Миллий ғоя тарбияси асосида маълум даражада ўқувчи дунёқарашни шаклланиб боради. Дунёқараш инсонни шахс сифатида шакллантиришда асосий омил эканлиги психология ва педагогик адабиётларда қайд этилган. Дунёқараш деганда инсониятнинг асрлар мобайнида бизни ўраб турган табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳақидаги этиқодлари, қарашлари тушунилади. Дунёқараш борлиқ ҳақидаги кенг қамровли билим асосида шаклланади, шунинг учун мактаб ўқув режасидаги бирор бир ўқув фани инсон дунёқарашини тўлиқ шакллантириш имкониятига эга эмас, лекин ҳар бир ўқув фани маълум даражада ўқувчи дунёқарашини шакллантиришга ҳисса қўшади.

Ҳозирги кун таълимининг яна бир муҳим вазифаларидан бири-бу она тили машғулотларида фанлараро алоқадаги таълимни изчил йўлга қўйишдир. Бунда она тилини адабиёт ўқув фани билан боғлаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бадий манбалар билан ишлаш ўқувчиларда тил сезгирлигини тарбиялайди, она тилининг бой ифода воситаларига ошно қилади. Бадий матн ёш китобхонни она тилининг сеҳрли олами билан таништириш имкониятига эга. Улардан ўқувчиларга маънавий тарбия бериш воситаси сифатида фойдаланиши лозим. Ўқувчиларда маънавиятни шакллантириб бориш, нафақат у ҳақда тушунча ҳосил қилиш, балки улар хулқ-одобининг шаклланиб боришига ҳам таъсир кўрсатади. Бадий тимсол бадий ифодалар, қандайдир мавҳум тушунчалар, очиқ ташвиқотга нисбатан ўқувчи руҳиятига таъсир қиладиган илоҳий бир куч, манбадир. Мумтоз ва ҳозирги замон адабиёт намуналаридан олинган матнлар, улар билан ишлаш ўқувчиларни халқимиз тарихи, маданиятининг сеҳрли оламига, меҳр-мурувват, маънавият, қадриятлари оламига олиб киради.

Таълим жараёнида фанлараро алоқа билан бир қаторда ўқув фани ички бўлиmlарини ўзаро боғлаб ўрганиш ҳам ўқитиш усулининг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Ўрганилаётган воқеа-ҳодисалар борлиқдаги бошқа омиллар билан боғлиқ ҳолда ўрганилгандагина, унинг моҳияти тўлиқ намоён бўлади. Шу маънода, тилни ўрганиш тил сатҳларини ўзаро алоқадорликда ўрганишни тақозо этади.

У ёки бу фанни ўрганиш мақсад қилиб олинар экан, унинг барча қирралари ва жиҳатлари қамраб олинishi лозим. Албатта, бундай мақсадга тўлиқ эришиш имконияти чекланганроқ, бироқ бу талаб ўқувчини ҳам, ўқитувчини ҳам тинимсиз изланишга, ўз устида мунтазам ишлашга ундайди.

Ҳозирги кун таълимнинг муҳим талабларидан яна бири-бу ўқитиш жараёнида узвийлик ва узлуксизни таъминлашдир. Она тили таълимидаги узвийлик бу ўрганилаётган мавзунинг олдин ўтилган мавзу билан боғлаш, мавжуд билим, кўникмаларга таяниш демак.

Таълим жараёнидаги узвийлик илмийлик ва узлуксизлик тамойилига асосланади. Илмийлик ва узлуксизлик эса ўз навбатида таълим жараёнидаги узвийлик билан таъминланади. Таълимдаги узвийлик ва узлуксизлик ўқувчиларга изчил равишда билим бериш, кўникма малакаларни шакллантириш, шунингдек, нафақат янги мавзулар, балки ўзлаштирилган билим - тушунчаларни яхлит тизимга айлантириш мақсадида мавжуд билимларга, ўрганилганларга таяниши билан ўзига хос аҳамиятга эга бўлган ўқитиш тамойилидир.

Истиқболли таълим эса узвийлик ва узлуксизлик муаммосининг иккинчи кўринишидир. Она тили ўқитишдаги истиқболли таълим —бу олдин ўрганилганларни кейинги босқичда ўрганиладиган мавзулар билан боғлаш демакдир.

Тилни ўрганиш бир умр давом этадиган жараён ҳисобланади, мактаб эса тилни ўрганишга асос солувчи дастлабки бўғиндир. Мактаб таълими она тилининг луғат бойлиги, гўзаллиги, имконияти, ифода кўлами, сеҳри ва ҳоказо жиҳатларини ўқувчиларга сингдириши, тилга меҳр, ҳурмат-эҳтиром туйғуларини таркиб топтириб бориши зарур.

Она тилига эҳтиром, меҳр-муҳаббат туйғуларини таркиб топтириш бевосита ва билвосита ватанпарварлик тарбиясининг ажралмас таркибий қисмидир.

Кўринадикки, ҳозирги кун таълимнинг кўлами, мақсад ва вазифалари кенг қамровли бўлиб, асосий мақсад таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчиларга чуқур билим бериш баробарида билим олиш йўлларини ўргатиш, хуллас, пировард натижа. Ҳар бир жараён ўзининг пировард натижаси билан баҳоланади. Мактаб таълимнинг мақсади ДТС ва ўқув дастури талаблари даражасида ўқувчиларни билим асослари билан қуроллантириш, комил инсон қилиб тарбиялаш экан, барча саъй-ҳаракатлар ушбу мақсадни амалга оширишга қаратилиши лозим.

**Қозоқбой Йўлдош, ЎзМУ профессори
Валижон Қодиров, АнДУ доценти**

Бугунги адабий таълимнинг асосий хусусиятлари

Мустақиллик туфайли миллат аҳлининг ижтимоий онги тубдан ўзгарди. Эркин фикрлаш имконияти, Қуръон таржима қилиниб, илоҳий

ёсяларнинг умуммиллий миқёсда кенг ёйилиши миллат ижтимоий онгини янгилади. Бу педагогик тафаккурнинг ҳам янгилашига олиб келди. Янгиланган педагогик тафаккур ўз олдига баркамол инсон шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Бу ҳол ўзбек педагогикаси таянадиган методологик асосни ҳам, у эришмоқчи бўлган мақсадни ҳам ўзгартирди. Мана шу ҳолат мактаб адабий таълимини йўлга қўйишнинг назарий ва амалий жиҳатларига жиддий таъсир кўрсатди. Маълумки, бадий адабиёт инсон маънавиятини шакллантиришда алоҳида имкониятларга эга бўлган эстетик қадриятдир. Инсон маънавий қадриятларининг мартабаси юксалган ҳозирги шароитда мактабда адабиёт ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиши табиийдир. Чунки мамлакат тараққиётининг тақдирини жамят аъзоларининг маънавий қиёфаси қандайлигига тўғридан тўғри боғлиқдир. Шу боисдан ҳам республикада мактабда адабиёт ўқитишни такомиллаштиришга киришилиб, соғлом методология, янгиланган педагогик тафаккур ҳамда жаҳон филологик таълимнинг илғор тажрибасига таянилган ҳолда “Мактаб адабий таълими концепцияси” ҳамда “Адабий таълим давлат стандарти” ишлаб чиқилди.

Мактабда адабиёт ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчиларда юксак маънавий сифатларни шакллантириш, уларнинг нозик қалб, покиза туйғу ва чуқур билим эгаси қилиб тарбияланишига, яъни баркамол инсон сифатида шаклланишига эришишдан иборатлиги белгилаб қўйилди. Шу мақсадга етиш учун ўқувчиларни бадий асар ўқишга қизиқтириш, ўқилган асарни таҳлил қила оладиган, у бўйича ўз фикру қарашларини оғзаки ва ёзма тарзда эркин ифода эта оладиган даражага етказиш каби вазифаларни бажариш кўзда тутилади. Ушбу мақсад ва вазифалар таълим мазмунини чуқурлаштириш ҳамда ўқитиш жараёнига педагогика илми ҳамда амалиётдаги энг сўнгги янгиликларни жорий қилишни тақозо этади. Чунки эски мазмун ва воситалар билан янги мақсадга эришиб бўлмайди.

XXI аср ўзбек педагогика илми умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитиш мазмунини белгилашнинг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиққан. Уларнинг биринчиси, мактабда ўргатилиши кўзда тутилган асарнинг бадий жиҳатдан юксак бўлиши лозимлигидир. Яъни мактабда ўқитиладиган бадий асар адабиётда ўзига хос мавқега эга бўлиб, миллатнинг эстетик тафаккури тараққиётига жиддий таъсир кўрсатадиган бўлиши керак. Юксак савиядаги асарлар асосида шакллантирилган бадий дидгина ўқувчилар маънавиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Адабий таълим мазмунини белгилашнинг яна бир тамойили мактабда ўргатишга тавсия этилган асар муайян педагогик аҳамиятга эга бўлиши кераклигидир. Чунки мактаб адабий таълими учун бадий асарни ўрганишнинг ўзи мақсад эмас, балки у эзгу маънавиятли ўқувчини тарбиялашнинг воситасидир. Шу боисдан ҳам мактабда ўрганиладиган асар катта тарбиявий аҳамият касб этиши шарт.

Янги педагогик тафаккур мактаб адабиётига, биринчи навбатда, дидактиканинг мантиғи билан ёндашишни тақозо этади. Бундай мантиқ мактабда адабиётшунослик, адабиёт тарихи ёки адабий жараёнга хос

хусусиятларни билиш эмас, балки бадий адабиётнинг сара намуналарини ўқитиш орқали ўқувчи ахлоқий қиёфаси ва руҳий оламини шакллантириш бирламчи аҳамиятга эга бўлишини тақозо этади. Айрим мутахассислар мактабдаги ўқув предметлари фан асосларини эгаллашга йўналтирилганини рўкач қилиб, адабиёт дарслари ҳам адабиётшуносликнинг асосларини ўргатиши керак деб ҳисоблайдилар. Аммо улар адабиётнинг фан эмас, санъат эканини мактабда адабиётнинг тарбиялаш функциясидан фойдаланиш устувор мақомдалигини ҳисобга олмайдилар. Шунинг учун адабиёт бўйича ўқув дастури тузиш ва дарсликлар мазмунини белгилашда адабиётшунослик фанининг эмас, балки таълимнинг мантиғи устувор туриши мактабда адабиёт ўқитишнинг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади.

Умумтаълим мактаблари адабиёт дастур ва дарсликлари учун адиб эмас, асар танланиши керак. Яъни ўқувчи учун ёзувчининг жамиятда тутган мавқеи эмас, балки унинг ижодида ёшларда эзгу маънавий сифатлар шакллантиришга хизмат қиладиган асарлар борлиги муҳимроқ ҳисобланади. Чунки ҳар қандай миллат адабиётининг айрим намуналаригина ўқувчилар маънавиятини шакллантиришга қўл келади. Шу боис мактабда миллий адабиётдаги барча адибларни ўргатишнинг имкони ҳам, бунга педагогик эҳтиёж ҳам йўқдир.

Адабиёт бўйича яхши дарслик, замонавий қўлланма ва бошқа дидактик воситалар тайёрлаш билан ҳам адабий таълим олдидаги муаммолар тўла ҳал этилмайди. Энг муҳими, ўқувчиларда ўқилган асарни тушуниш, ундан таъсирираниш, уни эстетик таҳлил қилиб, бадий маъно чиқара олиш малакасини шакллантиришдир. Бадий асарга фаол ёндашув ўқувчида гражданлик позицияси шаклланишига ёрдам беради.

Мактаб адабий таълимидаги аллақачон воз кечилиши керак бўлган яроқсиз амаллардан бири ўтиладиган асарнинг мазмунини сўзлаб беришдир. Қайси қаҳрамоннинг бошидан қандай воқеалар ўтганини билиш ўқувчиларнинг тафаккури ва руҳияти учун аҳамиятсиздир. Уларга қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришлар, ҳиссиётидаги жилвалар, изтиробу ҳайратлар қўламини илғаш муҳимроқдир. Чунки ўқувчи маънавияти воқеаларни билиш туйғули эмас, балки персонажлар руҳияти товланишларини туйиш, ўй ва сезимларини англаш натижасида шаклланади. Ўшанда боланинг туйғулари тозариб, руҳияти юксалади. Шу боис адабиёт ўқитишда асосий эътибор ўтилаётган матннинг бадий жозибасини очишга қаратилиши лозим. Бунинг учун матннинг ўқувчилар томонидан бевосита идрок этишига эришиш, уларга қизиқарли ва ўйлантирадиган саволлар бериш ҳамда уларни бу сўроқларга жавоб топишга йўналтира билиш зарур.

Адабиёт ўқитишни бундай ташкил этиш катта меҳнат талаб этадиган дидактик юмушдир. Лекин ўқувчиларнинг ахлоқий қиёфалари мукамал бўлишини таъминлаш учун ўзга йўл йўқ. Адабиёт дарсларида бадий сўз қудратини бевосита ҳис этмаган, унинг илоҳий таъсирига берилмаган ўқувчида туйғу уйғонмайди. Бадий асарни ўқиб, ундан ёлғизгина мантиқий умумлашмалар чиқаришга одатланган ўқувчилар ҳаётий ақидаларни

ўрганиб оладилар-у, уни ўз табиатига сингдириб, феълнинг асл сифатига айлантормайдилар. Уларнинг дили тили билан, амали гапи билан бошқа-бошқа бўлиб қолаверади.

Бадий матндан таъсирланадиган, унинг жозибаси қаердалигини аниқлай биладиган ўқувчининг руҳияти уйғоқ бўлиб, гўзалликка ҳайрат билан қарай олади. Матннинг жозибасини туйиш болада эмоционал фаоллик уйғотади. Ҳиссий фаоллик, ўз навбатида, уни мантиқий ҳаракатга ундайди.

Мактабда адабиёт ўқитиш кўнгил тарбияси демакдир. Кўнгилга фақат мантиқий далиллар билан кўрсатилган таъсир етарли бўлмайди. Ўқувчи кўнгилга олиб борадиган сўқмоқ ўқитувчи кўнгил орқали ўтади. Шунинг учун ҳам адабий таълимда ўқувчи ўқитувчи муносабатларининг характери ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аслида тарбиячи билан тарбияланувчи муносабатлари ҳар қандай педагогик жараён учун ҳам муҳим. Лекин адабий таълимда бу муносабат айрича баланд рутбада туради. Чунки адабиёт бевосита ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

Адабиётдан ўзга деярли барча ўқув предметлари учун ўқувчиларда муайян илмий тушунчалар шакллантириш ва ўрни келганда улардан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш асосий мақсад ҳисобланади. Адабий таълим учун бу жиҳат баркамол шахс маънавиятини шакллантириш мақсадининг бир қирраси, холос. Шунинг учун ҳам адабиёт дарсларида ўқувчиларни ўрганилаётган асардан хулоса чиқаришга шошилтирмаслик, уларни асарда акс этган инсоний туйғуларни ҳис этишга, адабий қаҳрамонлар билан туйғудош бўлишга одатлантириш керак.

Адабиёт ўқитишдаги ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, ўрганилган бир асар юзасидан синфдаги ўқувчилар турлича хулосага келиши мумкин. Чунки илмий ҳақиқат бир қиёфали бўлгани ҳолда, бадий ҳақиқат кўп қиёфалидир. Бинобарин, ҳар бир ўқувчи ўзининг тафаккур даражаси, руҳий дунёсидан келиб чиқиб, асар юзасидан ўз тўхтамига келиши лозим. Мактаб адабий таълимида хулосалар хилма-хиллиги, адабий-ахлоқий қарашлар плюралиزمи шароитида фаолият кўрсатишга одатланиш вақти келди. Шундай қилинганда, ўқувчилар бадий асарни синчковлик билан ўқийдиган бўлишади. Адабиёт ўқитувчиси ўргатилаётган асар юзасидан ўз фикрига синфдаги барча ўқувчилар қўшилиши мажбурий деб қарамаслиги керак. Шундай экан, ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги муносабат ҳам тўла тенглик асосига қўрилиши ва шерикчилик шаклида амалга оширилиши зарур. Адабиёт машғулотлари етарлича самара берсин деган ўқитувчи ўқувчиларга таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли ижрочиси, ўзининг шериги сифатида муносабатда бўлиши шарт.

Мамлакатимизнинг XXI асрдаги тарихини шону шуҳратга буркайдиган баркамол ўғил-қизларини тарбиялашни самарали тарзда йўлга қўйишда мактаб адабий таълимининг ана шу томонларига эътибор қаратиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Она тили таълими мазмунини янгилашнинг баъзи масалалари

Мустақиллигимиздан сўнг она тили таълимини тубдан янгилаш жараёни бошланди ва муваффақиятли давом этмоқда. Энг муҳими, таълимнинг иқтисодий самараси асосий ўринга чиқарилди. Иқтисодий самара берилаётган билим, малака ва кўникмаларнинг ҳаётда кишиларга нақадар керак бўлиши билан белгиланади. Шундай экан, она тили таълимининг бугуннинг ва келажакдаги мазмуни ҳақида яна нималар дейиш мумкин?

Бизнингча, энг аввало, нутқ ва меъёрланган нутқ йўналишини янада тўғри идрок қилиш муҳим. Бошқача қилиб айтганда, таълимдаги фаолиятимиз, энг аввало, мавжуд нутққа маълум меъёрлар асосида сайқал беришдан иборат бўлиши керак. Бунинг учун таълимдаги «меҳнат тақсимоти»ни гоё тўғри йўлга қўйиш талаб қилинади. Шуниси маълумки, бир мунча ўринларда она тили таълими «ақлни пешлаш» фаолиятига айлантириб юборилган. Натижада ўзимизнинг асосий вазифамиз сезиларли даражада четда қолишга мажбур бўлмоқда.

Она тили таълимидаги асосий масала матнга муносабатда кўринади. Масалан, бешинчи синфларда паронимларни ўрганиш уларни оддийгина «таниш»дан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Ўқувчи уларни матнда тўғри ишлата олсагина таълим самараси ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Таълимнинг бугунги мазмуни она тили ўқитишда кўп қўлланиб келаётган таҳлиллар ва уларни ўтказиш усулларига ҳам янгича ёндашишни талаб қилади. Таҳлилларни таснифлар доирасида қолдириш ярамайди. Она тилидан таҳлил турларининг матн тузиш билан боғлиқ кўплаб шакллари мавжуд.

Кўшма сўзларнинг ёзилиши ва, айниқса, тиниш белгилар қўйилишини ўрганишнинг ҳозирги аҳволи она тили таълимида жуда кўп вақт талаб қиладиган анчагина самарасиз тажриба, айтиш мумкин бўлса, бу қадар илмий бағрикенглик талаб қиладиган иш. Умуман, имлони тиниш белгиларнинг қўйилишини соддалаштириш борасида талайгина юмушларимиз бор. Кишилик жамияти ёзувнинг инсонпарварлашувидан борган сари кўпроқ манфаатдор бўлади.

Н.Аловуддинова
(ЎЗМУ)

Ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш йўллари

Ўқувчилар ёзма нутқини ўстириш, авалло, эгалланган назарий билимларни амалиётда қўллаш олиш малакаси билан боғлиқдир. Ўқувчи

савол-топшириқлар асосида берилган машқларни бажарар экан, у грамматика қоидаларини ёзма нутқида қўллашга ҳаракат қилади. Бу савол ва топшириқлар ўқувчи учун йўналиш беради. Бундай ишларда ўқувчи нисбатан тор доирада мустақил ҳаракат қилади. Агар мустақил равишда сўз бойлигини ошириб, янгича матн яратишга муваффақ бўлса, мавзунини ўзлаштириш даражаси ҳам юқори бўлади. Мавзу юзасидан гап, ўзaro боғлиқ гаплар, ихчам матн, баён, ҳикоялар тузишни ўқувчиларга ҳар мавзудан кейин ўргатиш уларнинг ёзма нутқини тўғри шакллантириб боради.

Табииyki, ёзма нутқнинг ривожланганлик даражаси биринчи галда сўз бойлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам дарсларда луғат диктантлар ўтказишга алоҳида эътибор бериш лозим. Хусусан, дарсликдаги мавзулар устида ишлашда луғат диктантлар ёздириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум.

Ўқитувчи ўқувчида мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш жараёнида турли методлардан фойдаланади. Бизнингча, мустақил фикрлашга йўналтирилган дарсларда, албатта, замонавий воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Матн яратиш орқали ёзма нутқни ўстиришда техник воситалардан ўринли фойдалана билиш лозим. Ана шундай тасвирий воситалар сирасига аудио-видео тасмалар ҳам киладики, аммо бу имкониятлардан дарс жараёнида жуда оз фойдаланилмоқда. Ўзбек тили дарсларида ва дарсдан ташқари тадбирларда «Истиқлол муборак», «Ўзбекистоним менинг», «Она замин тўхфалари» ва «Тошкент - менинг шаҳрим» деб номланган филрмлардан, алломалар, тарихий шаҳарлар, йирик корхоналар ҳақидаги яратилган филрмлардан фойдаланиш яхши самара беради. Намойиш вақтида ўқувчиларга дастлаб нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида йўриқнома берилади. Мазкур филрмларда диктор матни ёки субтитрларнинг йўқлиги мустақил ижодий матн яратиш имконини беради. Ўқувчиларга уларни шарҳлашни топширишдан олдин матн яратиш учун фойдаланиладиган сўзлар, сўз бирикмаларини тавсия этиш мавзунини ёритишда ёрдам беради.

Филрм асосида матн яратишда ўқувчиларни гуруҳларга бирлаштириш ҳам яхши натижа беради. Гуруҳлардаги ўқувчилар жамоа бўлиб ишлаш, бошқалар фикрини эшитиш, ўз қарашларини далиллар билан асослашга ўрганадилар. Ижодий иш жараёнини тўғри ташкил қилиш ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини кучайтиради. Бундай ёндашув лоқайд, ҳафсаласиз ўқувчиларни ҳам ишлашга, ўйлашга мажбур қилади.

Ҳаракатдаги тасвири сўз билан ифодалаш ўқувчидан ўрганилган мавзуларни яхши билишни талаб қилади ва бу билимларни ўз ўрнида қўллашга ўргатади. Ўқувчилар ҳаракатдаги тасвир асосида ўтилган дарслардан кейин аввалги мавзуларни мустақил равишда такрорлашга ҳаракат қилдилар. Видео тасвирлар воситасида ижодий матн яратиш жараёни ҳам аввалдан тайёргарлик кўришни талаб қилади. Мактабларда ижодий матн яратишда видеофилрмлардан кам фойдаланилади. Чунки таълим жараёнида ушбу методдан фойдаланиш маълум техник базани талаб қилади. Видеофилрм асосида ташкил қилинган ҳар қандай ижодий-

амалий иш ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишига, ўз мустақил фикр «маҳсул»ини ҳаётга татбиқ этишига яқиндан ёрдам беради.

Хуллас, она тили дарслари орқали ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришда юқоридаги усуллардан фойдаланиш режалаштирилган мавзуларни пухта эгаллаш ва амалда қўллашда катта самара беради.

М.Аллаберганова
(Хоразм, Урганч 11-мактаб)

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш

«Она тили» фанини ўқитиш олдида қуйидаги вазифалар туради:

1. ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш;
2. ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда ўзбек тилининг қонун-қоидаларига мувофиқ равишда тўғри ифодалаш;
3. бир маънони турли шаклларда бера олиш кўникмасини шакллантириш, сўзлардан ўринли фойдалана олиш;
4. иш қоғозларини юрита олиш кўникмасини таркиб топтириш;
5. оламни билишда она тилининг аҳамиятини сингдириш;

Мазкур мақсад ва вазифаларни тўлақонли бажариш учун дарсларни янги педагогик технология асосида ўтиш, ўқувчиларга қўшимча вазифалар бериш, иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида ишлаш, ўқувчиларни баҳолашда турли шакиллардан фойдаланиш лозим.

Дарсни янги педагогик технология асосида ташкил қилишда грамматик ўйинларнинг аҳамияти катта. Дарс жараёнида “Заковат”, “Ҳимоя”, “Тарози”, «Ўйла, изла, топ” каби бир қанча ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Ўйинлар қатъий ва ўзгармас эмас. Дарсда маҳаллий муҳит ҳамда синф ўқувчиларининг билим даражасидан келиб чиқиб ўзгартириш, ижодий ривожлантириш ёки бошқа вариантлардан фойдаланиш мумкин.

Дарсдан ташқари қўшимча машғулотларни қуйидаги тарзда олиб бораман:

- Тўғарак.
- «Саводхонлик кечалари» каби тадбирлар.
- Қўшимча машғулотлар.
- Шоир ва ёзувчилар билан учрашув ёки таваллуд саналари муносабати билан тадбирлар ўтказиш.
- Она тили бўйича «Зукколар беллашуви».

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаганда олдин қайси ўқувчи қандай қобилиятга эга эканлиги аниқлаб олинади. Чунки кимдир суҳандонликка қизиқади ва шунга яраша қобилиятли бўлади, кимдир сўзга чечан – аскиялар айтади, қайсидир ўқувчи кенг ва чуқур мушоҳада қобилиятига эга.

Қўшимча топшириқ, вазифалар юклаётганда уларнинг бу хусусиятлари ҳисобга олинади. Буларнинг барчаси таълим - тарбия самарадорлигига, энг муҳими ўқувчилар мустақил фикрининг шаклланишига хизмат қилади.

Она тили фани мактабда ўрганиладиган барча фанларни пухта ўзлаштириш учун муҳим калит вазифасини ўтайди чунки ўқувчи бошқа фанларни фақат тил воситаси орқалигина ўзлаштириши мумкин.

Шундай экан, она тили бўйича орфаграфик, лексик ва грамматик билимларни бошқа фанлар билан боғлаб, у фанлардан олган билимларини она тили дарсларида саводли қилиб оғзаки ва ёзма баён этиш ҳозирги замон талабидир.

К. Аҳмедова
Гулистон шаҳар, 11-мактаб

Она тили таълимининг имкониятлари

Янги педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнида ўринли қўллаш, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш омилларидан биридир. Ноанъанавий ўқитишнинг куйидаги аммалардан фойдаланиш назарда тутилади:

- Ўқувчиларнинг янги билим олишга бўлган хоҳишининг мавжудлиги, уларни такомиллаштириш ва бойитиб бориш, ҳаётий заруратини ошириш.

- Ўқувчилар томонидан қабул қилинган ахборотлар, тайёр билимлар ва янги шаклланган билимларни билиш.

- Таълим-тарбия натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий вазиятларни белгилаш.

- Зарур бўлган материаллардан, техник воситалар, кодоскоп, ўқув кўргазмалари қуроллар, слайдлар, расмлар тарқатма материаллар, видеоғозер ва компьютерлардан унумли фойдаланиш.

- Ҳамкорликка чорловчи топшириқлар бериш. Дарсда фаол иштирок этган ўқувчини рағбатлантириб бориш, тўғри баҳолаш.

- Ўрганилаётган мавзунинг ҳаётий воқеалар билан бойитиб бориш.

- Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига имконият яратиш, ўз фикрини ифода этишига йўл қўйиб бериш.

Дарс жараёни мураккаб ижодий палладир. Унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқ.

Ўқувчиларни фаоллаштириш учун эса ўйин, баҳс, суҳбат, викторина, мусобақа, саёҳат, семинар, конференция, давра суҳбати, ролли ўйинларни қўллаш. Китоб билан ишлашга, амалий машқларга кўпроқ вақт ажратиш лозим.

Бир-бирларининг фикрларини тўлдиришга имконият бериш. Тарқатма материаллардан, ёзма тестлар, ижодий ишлардан фойдаланиш, ўқувчи фикрини билишга ҳаракат қилиш.

Машғулотлар ўқувчиларда имловий ва пунктуацион малакаларни пухта шакллантиришга йўналтириши, бўёқдор сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар асосида матн тузиш машқларига кўпроқ эътибор бериш керак бўлади.

Ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда оғзаки тест усулининг аҳамияти

Таълим янгиланиши натижасида дарсни замонавий талаблар асосида ўтиш тақозо этмоқда. Ҳар қандай даврда ҳам дарс машғулотларни ташкил этишнинг бирдан-бир шакли бўлиб келган. Ҳозирги давр талаблари дарс ўтишнинг турларини муттасил янгилаб боришини тақозо этмоқда. Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда дарсни ташкил этишнинг янги шакллари кашф этилмоқда. Узоқни кўзлаган ҳолда давлат ва жамият талабларига мос фан-техника ривожланишига боғлиқ миллий хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ДТС ишлаб чиқилди. Давлат таълим стандарти таълим мазмунини, шакл, усулларини сифатини баҳолаш тартибини белгилар экан, ўзини ватанпарвар деб биладиган ҳар бир киши бу дастурни амалга оширишга ўз меҳнатини, улушини қўшмоғи керак.

Дарсларда ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, ўқитувчининг ўз иши ижодий ёндашишига боғлиқдир. Кейинги пайтларда она тили ва адабиёт дарсларини ўқитишда турли дарс усулларидан фойдаланилмоқда. Масалан, ноанъанавий дарсларда оғзаки тест усули ва савол-жавоб, суҳбат усулларидан, мунозара-муҳокама усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу усулда ўқувчиларнинг фаоллиги ошади, мавзу ўқувчиларга тез етиб боради ва қизиқарли ўтади. Ўқувчилар учун бундай дарслар жуда мароқли бўлиб, ўқувчиларнинг ҳаммаси фикрлайди, сўзлайди, ижод қилади, муҳокама қилинаётган мавзу бўйича ўз мустақил фикрларини баён қилади ва иштирак этади.

Ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда оғзаки тест усули аҳамиятга эгадир. Бу саволли жавоб, изоҳли жавоб деб номланади. Бу усулда ўрганилганларни мустаҳкамлашда, ўқувчиларнинг билиминини синашда фойдаланиш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқитувчи ўртага ўтилган мавзулар юзасидан савол таштайди. Ўқувчилар савол, саволли жавоб, изоҳли жавобларни тартибли давом эттирадилар. Бу ўқувчиларнинг диққатли, топқир, чаққон бўлишини талаб қилади.

З.Аҳмедова
Сирдарё вилояти Сайхунобод
тумани 4-мактаб

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан оқ ўқувчиларни маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

XXI асрда она тили ўқитишнинг асосий йўналишларидан бири ўқувчи маънавиятини шакллантириш, ахлоқ, одоб, нутқий маданияти каби жиҳатларини таркиб топтиришдан иборатдир. Ақл-идрок, онг, фаросат, билим тафаккур кабилар нутқ маданиятини ривожлантириб, уни камолотга етаклайди. Шунинг учун ҳам она тили фанига бўлган қизиқишни шакллантиришда ўқитувчининг гўзал ва равон нутқи, назарий ва касбий тайёргарлиги бевосита таъсир этади.

Она тили таълими жараёнида ўқувчининг нутқ маданиятини шакллантиришда қуйидаги иш турларининг аҳамияти каттадир:

- ўқувчиларга фикр юритиш имкониятини бериш, ўзига ишонч орттириш, ўқув жараёнида фаол иштирок этиб, мустақил ва ижодий фикрлашларини шакллантириш;

- ўқувчиларнинг образли тафаккури, ижодий тасаввурини кучайтириш, яъни матнларни, шеърини парчаларни ифодали ўқиши;

- дарс жараёнида ўрганилаётган материалларнинг асосийсини, муҳим жойларини аниқ ва равон сўзлаб бера олиш;

- дарс жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш усулларидан: сўхбат, карточкалар, “Сухандонлик машқи, турли грамматик ўйинлар, техника воситаларидан фойдаланиш, “Қироат” таълими “Баҳру байт”, “Мақоллар базми” кабилардан фойдаланиш нутқ маданиятини шакллантиришнинг асосий омилларидандир.

- луғат билан ишлаш, сўз маъноларини изоҳлаш, мумтоз адабиёт намуналаридаги сўзларнинг асл маъносини, халқ тилидаги сўзларнинг маъноларини англаш ва уларни ўз ўрнида қўллаш ҳам нутқнинг гўзаллигини, таъсирчанлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, нутқ маданиятини шакллантириш бугунги она тили таълимини кенг қамровли жараёни бўлиб, болаларда муомала маданияти, ширинсухандонлик, нотиқлик каби кўникмаларни шакллантиради.

Г.Аҳмедова

Хоразм, Янгиариқ 15-мактаб

Фикрлашга йўналтирилган машқлар

Она тили дарсларини ўтишда ўқув материалининг ҳажми, мураккаблиги, синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги методлардан самарали фойдаланиб келмоқдаман: фикрлаш ўйинлари, тест синови, диктант олиш, ўйинчоқлар ёрдамида дарс ўтиш, бошқотирмалар ечиш, баҳс-мунозара, семинар дарси, конференция дарси, техник воситалар (компьютер ва бошқа) ёрдамида дарс ўтиш ва ҳоказо.

Масалан, 5-синфларда янги атамалар билан ишлашга йўналтирилган 3-4 дақиқалик фикрлаш ўйинларини қуйидагича ўтказаман. Дастлаб мактаб ҳаётига оид қайта истеъмолга киритилган сўзлардан фойдаланаман ва синф

тахтасига алифбо, сония, текст, экскурсия, синф хонаси, матн, кабинет, режа, танлов, сайр, секунд, жуздон, папка, тема, қомус, мавзу, конституция, конкурс, алфавит сўзларини ёзиб, ўқувчилардан русча-байналминал сўзлар ўрнига уларнинг ўзбекча муқобилларини икки устун қилиб ажратиб ёзишларини топшираман. Яна ўқувчиларга ўз исмларининг луғавий маъноларини айтиб беришлари бўйича топшириқ бераман ва тўғри жавоб берганларини рағбатлантириб бораман.

Бу хилдаги фикрлаш ўйинларини ҳамма машгулотларда ва ҳар турли кўринишларда 3-5 дақиқа давомида ўтказиш мумкин.

Шунингдек, ўзбек тилига кейинги йилларда кириб келган тавсиф, ташхис, тамойил, тизим, саъй-ҳаракат, ширкат, андоза каби сўзларни синф тахтасига ёзиб, улар иштирокида гап тузишни топшираман. Сўнгра ўқувчиларга газета, журнал ва бадиий адабиётларда учраган ана шундай сўзлардан билганларининг маъносини айтиб бериш тўғрисида топшириқ бераман.

Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларга тилни чуқурроқ ўзлаштириб олишларига фақат дарс жараёнида эмас, ҳаётда, кундалик муомалаларида ҳам янги сўзлардан фойдаланишларида ёрдам беради.

Б.Баҳриддинова
(Қарши ДУ)

Сўз таркиби ўқув луғатини яратишга доир

Ўқувчи луғатлардан самарали фойдаланиши учун, аввало, луғатдан фойдалана билиши, шунингдек, луғат мавзуси ҳақида мукамал кўникмага эга бўлиши лозим. Албатта, мавзувий луғатдан фойдаланиш она тили дарсида шу мавзунини ўтиш даврига тўғри келади. Фикримизни она тили дарсларида сўз таркиби ўқув луғати билан ишлаш мисолида баён этамиз.

Морфема, сўзнинг маъноли қисмлари ҳақидаги таълимот, она тили таълимида мураккаб ва асосий бўлимлардан саналади. Сўз таркибини тўғри таҳлил қилиш ўқувчидан морфема ҳақида пухта билимга эга бўлиш ва уни маъноли қисмларга ажрата билишнинг, сўз заҳирасининг бой бўлишини талаб этади.

Морфем луғат билан ишлаши учун ўқувчи фақат ўзбек тили асосий қўшимчалари ҳақида маълумотга эга бўлиши етарли эмас. Даврлар ўтиши билан сўзларда маъно тараққиёти юз бериб, ясалма ўз аташ семасидан узоқлашиши, кучли фонетик ўзгаришга учраши, ёки айрим морфологик шакллар ўз функциясини йўқотиб, «қотиб қолиши» мумкин. Агар ўзакдаги маъно билан ясалма маъноси ўртасида алоқа узилса, бундай сўз таркибидан морфема ажратилмайди. Морфемаларнинг барча турларида бу ҳолат кузатилиши мумкин.

Морфем луғат ўрни билан имло луғати вазифасини ҳам ўтай олади. Чунки сўзларнинг таркибий тузилиши ҳақида қатъий билимга эга бўлиш

Ўзакка турли вазифадаги морфемалар қўшилиши натижасида юз берадиган фонетик ўзгаришларни англаб олиш, шубҳасиз, ёзувдаги ҳар хилликларни бир шаклга келтиришга ёрдам беради.

Ўзакни ажрата билиш, морфемалардаги товуш ўзгаришларини фаҳмлаш сўзни тўғри ёзишга имкон беради. Шу сабабли, луғатда айрим сўзларнинг этимологиясига ишора қилиб кетиш лозим: англашилмовчилик (*онг-лаш-ил-ма-вчилик*), саноқсиз (*сон-а-қ-сиз*), атоқли (*от-а-қ-ли*).

Ҳар бир сўз таркибидан қўшимча ажралиши, ундаги қисмларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида ўзаро муносабатга кириша олиш хусусиятига асосланади. Сўз таркибини ажратишда, аввало, ўзак ажратилиб, унинг луғавий маъноси аниқланади. Ўзакка қайси морфема тури қўшилмасин, ҳар доим ўзакдаги маъно билан алоқадор бўлади ва янги сўз ясалганда ҳам асосий маъно сақланиб қолади. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, луғатларнинг она тили таълими самарадорлигини оширишдаги ўрни беқиёслиги аллақачон исботланган бўлиб, бугунги вазифа ўзбек мактаблари учун яратилаётган ўқув луғатлари билан ишлаш малакасини шакллантириш ва луғатни ҳар бир ўқувчининг иш столида дарслик билан ёнма-ён қўядиган сеvimли манбасига айлантиришдир.

М.Бозорова
(Термиз ДУ)

Муаммоли таълим моҳияти

Муаммоли таълим-бу ўқув материални ўқувчи онгида илмий изланиш асосида билиш вазифалари ва муаммоларини вужудга келтирадиган йўсинда ўргатиш услубидир.

Ўқувчининг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар вужудга келади ва улар болани объектив равишда изланишга ва мантиқий тўғри илмий хулосалар чиқаришга даъват этади.

Муаммо-илмий билимни ривожлантириш зарурлигини ифодалашнинг субъектив шаклидир. У муаммоли вазиятда, яъни жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган зиддият.

Муаммоли вазият-ўқувчининг маълум психик ҳолатидир. Бундай ҳолат маълум топшириқларни бажариш (саволга жавоб топиш) жараёнида зиддиятларни англаш туфайли вужудга келади. Ана шу зиддиятни англаш ўқувчиларда топшириқни бажаришнинг усули ёки шартлари тўғрисидаги янги билимларни излаш эҳтиёжини уйғотади.

Муаммоли дарсда янги ўрганилаётган қонун-қоидага оид фактлар тўплаш, уларни таққослаш ва таҳлил қилиш, билимларни ўрганиш ва мустаҳкамлаш параллел равишда олиб борилади.

Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ўқитувчи дарс жараёнида муаммоли таълим усулини қўллаш учун, аввало, қуйидаги

кетма-кетликни аниқ билиб олиши зарур.

- Муаммо қўйиш;
- Муаммони характерловчи шароитни ўрганиш;
- Қўйиладиган муаммони ҳал қилиш;
- Топилган ечимнинг тўғрилигини асослаш;
- Муаммонинг ечимини излаш ва ҳал қилиш жараёнида пайдо бўлган янги билимларни англаш;
- Муаммони тизимлаш, мотивлаштириш ва умумлаштириш;
- Муаммо ечимини ўрганиш, унинг янада ихчам ва қулай йўлларини излаш.

Г.Бозорова
Бойсун, 13-мактаб

Она тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш

Ўқувчилар нутқини ўстиришда она тили билан бирга адабиёт фанининг аҳамияти беқийсдир.

Ўрни билан олинган билимларни қўшимча маълумотлар билан бойитиб бориш адабиёт ва она тили ўқитиш ўртасида узвийликни яратади. Айрим ҳолларда, масалан: иншодан кейин, имло ва ишорат белгилари хусусида махсус дарслар ўтказиш, иншо таҳлил қилинганда лексика ёки грамматикадан ўтилган қоидаларни ўқувчиларнинг фаол иштирокида қайтариш, адабиёт тарихи курсидаги кўпгина ғазал, рубоий ва туюқларни чуқурроқ англашга, синтактик таҳлил ва ҳ.

Бинобарин,

Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

Бу мураккаб қўшма гапда эргаш гап бош гапдан кейин қўлланган. Бундай пайтда содда гаплар орасидаги мантиқий боғланишни ечишда тиниш белгилари муҳим рол ўйнайди.

Айрим синтактик ҳодисалар кўпроқ бадий асарларда қўлланиб, бирор услуб ёки ифода эҳтиёжини қондиради. Масалан: «Хумоюн, жигарбандим!- деди ҳамма эшитадиган товуш билан. — Сенинг бетоқатлигинга мен тоқат келтирай. Сенинг шу дардингни худо сендан олиб менга берсин!

Ушбу бадий парча орқали адабиётдаги бадийликдан ташқари, тарихни ҳам ўқувчилар кўз олдига гавдалантирамиз ҳамда шу парчадан ўзбек тилининг синтаксис бўлимига оид бир қанча (ундалма, уюшиқ бўлақлар, буйруқ гап, ажратилган бўлақ, эргашган қўшма гап, боғланган қўшма гап, кўчирма гап мавзуларни ёритишда ҳам кенг фойдалана оламиз.

Она тилини ўқитиш жараёнида жонли нутқ: ҳаётий ва чиройли жумлалар ўқувчиларга чуқур сингиб боради. Уларнинг билимларни онгли ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Тил - муқаддас

Ўзбек тили Турон заминда яшовчи туркий халқларнинг энг қадимий миллий тилидир. Бу тил жуда қадим замонларда яшаган туркий ота-боболаримиз маънавий тафаккурининг ноёб маҳсулидир. Ўзбек тили бизнинг миллий ва она тилимиздир. Чунки бу тилда ота-боболаримиз, меҳрибон, мунис она-ю моможонларимиз сўзлаганлар. Бу фахр ва гурурни шоир Миртемир шундай ифодалаган.

*Она тилим, онажоним тили бу –
Бешикданоқ синган жон-у қулоққа.
Меҳрибоним, жонажоним тили – бу,
Қадимликда ўхшар она тупроққа.*

Ҳа, шоир ҳақ, она заминимиз қанча қадим, азиз бўлса, она тилимиз ҳам шунчалик қадим ва азиздир. Ўзбек тилимизни шарафлаб, улуглаб она тили деймиз. Зеро, маъсум гўдакнинг онги шаклланиб, бу ёруғ дунёни таниган, меҳр қўйган одами онадир. Ўзбек тилимиз шу тилда сўзловчи авлодни она каби тарбиялайди, ўқитади, камолатга етказади, шунинг учун тилимизни онамизга қиёслаб ва тенглаштириб она тилим деб атаймиз, шарафлаб, у билан фахрланамиз.

Инсоният ХХI асрга дадил қадам қўйди. Бу янги аср, шубҳасиз, жаҳонда автоматика-телемеханика асри бўлади. Бу асрда фан, техника ривожланади. Ижтимоий-табиий жумбоқлар ҳал қилинади, инсон тинч-тотув ва урушларсиз яшайди, шаксиз.

Замонлар ўтиши билан шон-шухрати жаҳонни тутган ўзбек тилига жаҳон аҳлининг эътибори кучаяди, ортади, ер юзида ўзбек тилимизни қизиқиб ўрганадиган, унга ҳурмат билан қаровчилар йил сайин кўпайиб боради. Шоир тили билан айтиш мумкинки, «Шоир деди: Замонлар ўтар, она тили асло ўлмайди»

П. Бобожонова
Хоразм, Урганч 1-мактаб

Она тили ва адабиёт дарсларида интернетдан фойдаланиш

Бугунги кунда Интернет атамаси нутқимиздаги фаол сўзлардан бўлиб бормоқда. Чунки Интернет бу-ахборотлар манбаи, бу-кутубхона, бу-музей, бу-архив, бу-маъруза ва матнлар, бу-электрон почта, бу-масофадан ўқиш ва ўқитиш имконияти ва ҳақозо.

Демак, интернетдан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Уни мактабда таълим-тарбия жараёнида ҳам қўллаш замон талабига айланмоқда.

Интернетдан фойдаланишда аввал унинг имкониятлари ва ресурсларини кандай максадларда ишлатмокчи эканлигимизни белгилаб олишимиз керак. Бу максадлар куйидагилардан иборат булиши мумкин:

- тармокдаги ахборотлардан дарс ўтишда кушимча материал сифатида фойдаланиш;
- иллюстрация материалларидан кургазмалиликда фойдаланиш;
- мавзуни мукаммаллаштириш учун фойдаланиш.

Интернетнинг афзаллиги шундаки, ундан зарур пайтда энг янги маълумотларни олиш мумкин бўлади. Шунингдек, интернетдан керакли ва жуда қизиқарли иллюстрацияларни ҳам танлаб олиш имконияти мавжуд.

Масалан: Адабиёт дарсида «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» мавзусини ўтишда интернетдан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқамиз. Бунинг учун дастлаб интернетдаги [http:// nafosat/freenet.uz/](http://nafosat/freenet.uz/) назм. Навоий /navoiy.shtml ва [http:// og.korpk.5u.com /photo 4.html](http://og.korpk.5u.com/photo4.html) веб- сайтларидан фойдаланиш мумкин. Уларда Алишер Навоий ҳақда кенг маълумотлар берилган бўлиб, шоирнинг ҳаёт йўли ва асарларининг яратилиш тарихи ҳақида сўз юритилади. Турли бўлимлардан иборат бўлган бу сайтларда мактаб дарслигида берилмаган кўплаб маълумотлар бор.

XXI аср Фан ва техника асридир. Ўқувчилар компьютер техникаси билан бемалол тиллашаётган бир пайтда ўқитувчиларнинг бу имкониятлардан фойдаланмаслиги уларнинг салоҳиятига қайсидир маънода таъсир кўрсатади.

Д.Бозорбоева
Гурлан т., 4-мактаб

Интерфаол усуллар орқали индуктив таълим самарадорлигини ошириш

Ҳозирги педагогик жараёнда Кластер, Синквейн, Зиг-Заг, Инсерт каби янги атамалар, гуруҳларда ишлаш, дарсларни ўйинлар асосида ташкил қилиш, ўқувчиларнинг ўқитувчи билан эркин мулоқотга киришиши ҳақидаги янги тушунчалар жуда кенг тарқалмоқда.

Она тили дарсларида қоида ёки ахборот шунчаки фикр тарзида айтилмайди, аксинча, ҳар битта фикр таҳлиллар асосида юзага келади. Интерфаол усулда дарс ташкил қилиш эса бу шарҳлар ўқувчиларнинг мустақил изланиш ва фикрлашлари орқали ҳосил қилинишига сабаб бўлади. Бинобарин, 7-синф «Ёрдамчи сўз туркумлари» мавзусини ўрганишни тубандагича ташкил қилиш она тили таълимида индуктив таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Дастлаб синф рангли жетонлар ёрдамида 6 гуруҳга бўлинади. Гуруҳларда ишлаш ўқувчини ўзи ўрганган вазият ва шароитлардан ташқарида ишлашга ўргатади. Гуруҳларга ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган сўз туркумларининг номлари берилади, яъни гуруҳлар от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш каби мустақил сўз туркумлари билан номланади.

Биринчи топшириқ ўқитувчи томонидан тайёрланган «Сўзлар сандиғи»

дан ҳар бир ўқувчига алоҳида карточка тарқатилади. Карточка китобча шаклида тайёрланиши ҳам мумкин, бу ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Унда барча сўз туркумларига оид сўзлар ёзилиши керак.

Бу сўзлар орасидан ўқувчи дастлаб якка ҳолатда ўз гуруҳига мос сўзни топиб дафтарига кўчириб олади. Кейин шу вазифа жуфтликда, кичик гуруҳда амалга оширилади. Сўнгра катта гуруҳда, гуруҳнинг барча аъзолари фикр алмашади, хатолар устида ишлайди. Гуруҳ аъзолари келишган ҳолда гуруҳ ишини тақдим қилади, буни компьютер орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

Иккинчи топшириқ шу сўзларга савол бериш, маъноларини айтиш ва гапда қандай вазифани бажариш мумкинлигини изоҳлаш. Бу топшириқни бажаришда дастлаб кичик гуруҳларда ишланади. Ҳар бир ўқувчи ўз фикрини айтади. Шу асосда ўтилган мавзу тақдорланиб, янги мавзунини бошлаш учун замин тайёрланади.

Д.Бердимуродова
Боёвут тумани 13-мактаб

XXI асрда тил таълими

Тараққиётнинг янги босқичи ижтимоий муносабатларга фаол кирита оладиган, юксак маънавиятга эга бўлган, дунёқараши кенг ва тасаввури бой билан баркамол авлодни талаб этмоқда.

XXI асрда тил таълими ўқитиш методикасида янгича ёндашишни-интеграциялашган таълим асосида ёндашишни тақозо этмоқда.

Интеграция турли предметлардан ўрганиладиган билимларнинг ўзаро боғланишигина бўлиб қолмасдан, уларни амалиётга тўғри жорий этиш ҳамдир.

Интеграциялашган таълим ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, уни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ўқувчилар билимдонлигини оширади.

Интеграция асосида ўқувчилар билимдонлигини ривожлантиришга таълим беришнинг ўйин, суҳбат, савол-жавоб, мусобақа усуллари катта аҳамиятга эга.

6-синфда “Сон” мавзусини ўтишда она тили, математика, миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари фанларида ўрганилган билимларнинг ўзаро боғланишини амалиётга жорий этиш мумкин.

Бу жараёнда “Сон шахрига саёҳат”, “Миллий анъаналаримиз олами”, “Ким тезроқ балиқ тутади”, “Матн устида ишлаш”, “Саҳна” каби топшириқлар ўқувчиларда аҳлий фаолиятга доир қизиқиш ва рағбат уйғотади.

Интеграцияланган дарслар ўқувчиларнинг олган назарий билимларини амалиётга қўллашга ўргатади, таҳлил қилиш, таққослаш ва умумлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Ўрта мактабда топонимик билим

Янги аср ўқувчиси тил илми билан бир қаторда топонимик билимни ҳам эгалламоғи — ижтимоий эҳтиёж. Чунки жой номлари халқнинг тарихи, жуғрофияси, этнологияси, психологияси, ишлаб чиқариши, маънавияти ва маданияти билан боғлиқ. Халқ ҳаётининг муҳим қирралари топонимларда акс этади. *Қарши, Балх, Қўрғон, Кат, Навкат, Новқат, Ҳарамжўй, Қалъа, Оқбалиқ, Қорабалиқ, Денов, Шахрисабз* каби номлар ўзбек халқининг шаҳарсозлик, меъморчилик фаолиятидан нишона. *Сўзангарон, Дегрезлик, Заргарлик, Чилангар* топонимлари касб-хунар билан боғлиқ. *Янгиариқ, Боғот, Женов, Булуғур* номлари деҳқончилик маданиятининг инъикоси.

Жой номлари ҳаминша халқ маданияти ва маънавияти билан узвий боғлаб ўрганилса, қизиқарли ва самарали ўтиши табиий. Бу борада топонимик луғатлар, топонимикага оид асарлар, мақолалар, халқ тарихига доир илмий манбалар асос бўлиб хизмат қилади.

Мактаб таълимида топонимик билимни юксалтириш учун талаб этиладиган *тадрисий*, амалий, услубий талаблар:

1. Она тили, адабиёт, тарих, жуғрофия, маънавият дарслари ўқитувчиларининг илмий ва амалий ҳамкорлиги;

2. Топонимикага оид китоблар, рисоалар, мақолалар, луғатлар, қўлланмалар кутубхонаси;

3. Топонимик база яратиш. Ўқувчилар иштирокида ҳудуд жой номларининг, республика ва дунё жой номларининг рўйхатини тузиш. Рўйхат асосида имло, талаффуз, морфема, ясаиш луғатлари тузиш, энг муҳими, изоҳли луғат тузиш ва шу асосда ономастик билимларни ошириш. Мактаб топонимик базаси асосида матбуотга мақола ёзишни ўргатиш; маъруза матни ёздириш, реферат ва бошқа тур услубий-амалий топшириқлар бажариш.

И.Бобожонов
Хоразм, Янгибозор 10-мактаб

Она тилим — сен ўзбекнинг гурури

Мен ўзимнинг иш фаолиятимда янги педагогик технологиянинг интерфаол усулларидан фойдаланиб, ўқувчиларни она тили фанига қизиқтиришга ҳаракат қиламан: 6-синфда «Атоқли ва турдош от» мавзуси Хоразмга бағишлаб ўтилганда, сабоқнинг самараси кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Дарсни Эркин Воҳидовнинг «Хоразм фарзандиман» шеърини ўқишдан бошладим. Ўқувчилар исмининг бош ҳарфи бошланганини

шаҳар номларини айтиб хотира машқини олиб бордилар. Бу машқ ўқувчилар хотирасини мустаҳкамлаб, ҳиссиётларини теранлаштиришда аҳамиятга эга. Ўқувчиларга тўрт хил рангли кичик қоғозлар берилиб, улар гуруҳларга ажратилади. Гуруҳларга Хоразм номи билан боғлиқ бўлган номлар қўйилиб, номларнинг тақдироти ўтказишади. «Тошлар тилга кирганда» машқида гуруҳларга рангли қоғозлардан қирқилган Хоразмнинг рамзи (минора, мақбара, гумбаз) ни йиғиб, матн яратиш ҳамда матндаги атоқли ва турдош отларни гуруҳлаш топширилади. Шундан кейин Хоразм номли бошқотирма ечилади ва кластер тузилади. Хиванинг 2500 йиллигига тантаналари ёзиб олинган байрам шодиёнасининг видеотасмаси телевизор орқали маълум вақт намойиш қилинади ва уйга вазифа қилиб кўрилган лавҳалар асосида таассурот ёзиб келиш топширилади. Ўқувчи тафаккурининг эркин қирраларини жилолантирадиган манбалардан бири, бу - она тили дарсларидир. Зеро, дарс ўқитувчининг имконидир.

Баҳодир Ҳабиб
М.Валиева
274-мактаб

Индуктив усул — самарали ўқитиш гарови

«Индуктив» усули — «машқлардан грамматик шарҳларга» ўтиш ўзини оқлади. XXI асрда она тилини ўрганишда «грамматик қоидалардан — машқларга» усули эмас, «машқлардан грамматик шарҳларга» усули қўл келади. Бу усулда ўқувчи фаоллашади, фикрлайди, ижод қилади. Демак, ўз мустақил фикрига эга шахс тарбияланади. 2006—2007 ўқув йили «Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили» деб эълон қилинди. Бу она тили ўқитувчиларига ҳам тааллуқли. Айни дамда дафтар ва ҳуснихатга эътибор ҳам ўз вақтида зарур. Демак, юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин.

1. XXI асрда она тили ўқитишда индуктив усул энг самарали усулдир.

2. Ҳар бир она тили ўқитувчиси «Бир чоракда 2—3 марта компьютердан фойдалаланиши зарур.

3. Интернетда, ахборот-русурс марказларида она тили ўқитишда зарур бўлган сайтлар бўлиши керак.

4. Матн туздиришга алоҳида эътибор билан ёндашиш керак.

5. Матнларда ўқувчи «мен»и яққол акс этиб туришига, ҳикматли сўзлар билан бойитилишига ўқитувчи эътибор қаратиши лозим.

6. Дарслик мазмуни, сифати янада оширилиши лозим.

7. «Диктантлар тўплами», «Матнлар», «Луғатларнинг электрон қўлланмалари»ни тайёрлаш керак.

8. Янги яратилаётган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан зарур сўзлар

танланиб, янги бир сайт очилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

9. «Кимнинг хати чиройли» кўрик-танловларини уч босқичда — мактаб, туман, шаҳарда ўтказишни режалаштириш лозим.

10. Она тили ўқитувчилари мунтазам ўз устида ишлаб, методик адабиётлар билан танишиб бориб, дарс самарадорлигини оширишлари керак.

Бизнингча, юқоридагиларга риоя қилинса, она тилига қизиқиш ортади. Шунингдек, «Мақоллар шарҳи» ҳам тилга муҳаббатни оширади. Масалан, ўқувчиларга Алишер Навоийнинг «Ёр улдурким, тилию кўнгли онинг бўлса бир, Ким тили ўзгаю кўнгли ўзгадур, ул ёр эмас», халқ мақоллари: «Тилдан чиққани — дилдан чиққани», «Тилни боғла дил билан, дилни боғла тил билан», «Тилинг билан дилингни бир тут, сенга ўлим йўқ» кабиларни шарҳлаш, хулосалар чиқариш вазифа қилиб топширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шарҳлаш жараёнида ўқитувчи албатта: «Сиз-чи, сиз ҳам тилингиз ва дилингизда бир хил гапирасизми, ёлгон гапирмайсизми?» деб тарбиявий жиҳатларига эътибор қаратиб кетиши керак. Зеро, техника, компьютер асрида ҳам аждодларимиз мероси, халқ оғзаки ижоди намуналари қадри бўлиб қолаверади.

Озода Дўстмуродова
Қашқаларё ВПХҚТМОИ

Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни қўллаш

Педагогик технология шахсга таъсир кўрсатиш санъати маъносини англаб, адабиёт ҳам худди шу вазифани бажаради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи — дарснинг ижодкори. У тайёр технологияларнинг оддий ижросисига айланмаслиги, педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзига хос йўлни излаши ва фаолиятга кириши лозим.

Ўқитувчининг рамзлар, ишоралар, шаъма, қочиримлар, истиоралардан фойдалана олиши, нутқ оҳангига, сўз жозибасига эътибор бериши ва ифодали ўқиш санъатини эгаллаганлиги, машғулотларни таъсирчан, қизиқарли тарзда ташкил этиши катта маҳоратни талаб этади. Бу таълимни технологиялашдир. Таълим технологияси педагогик фаолиятни, дарс жараёнини ташкил этиш ва олиб боришни тўлиқ амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам адабиёт таълими дарсларининг мақсад ва вазифалари доимо ўқитувчининг диққат марказида турмоғи керак.

Ўқитувчи ҳар бир асар матни юзасидан дарсликда берилган савол-топшириқлар ёрдамида болаларнинг ҳар бирини ўз даражасида фикрлашга, асар ҳақиқатини унинг таҳлили давомида ўзи кашф этишга имконият яратиши керак.

Ўқувчилар ўрганилган асар қаҳрамонларининг ҳар бирида алоҳида инсонни кўришлари, улар табиатини ўрганиб, одамга хос яхши- ёмон сифатларини ўзлари мустақил кашф этишлари лозим.

Шу жиҳатдан ҳам адабиёт дарсларида ўқитувчи ўқувчиларга ўз хулосаларини ягона ҳукм тарзида сингдириши мумкин эмас, балки ҳақиқатни излашга, топишга, ўз қарашлари, фикр мулоҳазалари, эътирозлари бўлишига ундаши лозим. Бунинг учун ўқитувчи болаларни амалий фаолиятга йўналтириш, образга кириш, театрлашган кичик саҳналар қўйиш, баҳс-мунозаралар уюштириш, саволлар қўя олиш, ўз фикрини эркин ифодалаш ва шу билан бирга баҳс-мунозара юритиш маданиятини эгаллашларига шароит яратиши керак. Ўқитувчи ўқувчини ўзи билан тенг иштирокчи, ҳамкор сифатида кўриши, бола фикрларини ҳурмат қилиши, эшитиши, улар билан ҳисобланиши, ўз фикрини ҳукм сифатида эмас, ўқувчилар фикри билан тенг даражада ўртага ташлаши муҳим.

М.Дорилова
(Фаргона, Бувайда 39-мактаб)

Дунё тиллари ва ўзбек тили

9-синфда «Дунё тиллари ва ўзбек тили» мавзуси ўрганилади. Дунё тиллари, бу - тиллар орасида ўзбек тилининг ўрни ҳақида билим бериш машғулотини ноанъанавий тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда синф ўқувчиларини 2 гуруҳга бўлиб, дарс шеърӣй лаҳза билан бошланади. Ҳар икки гуруҳ аъзолари тил ҳақидаги шеърларни айтиб, мазмунини таҳлил қиладилар.

Мушоира шу тарзда давом этиб, сўнг гуруҳлар ўртасида тилга оид «Мақоллар айтиш» баҳси бошланади. Шундан сўнг қуйидаги саволлар асосида суҳбат ўтказилади. Бунда «Ақлий ҳужум» усулидан фойдаланилади. Бу усул ўқувчиларда мустақил фикрлаш имконини берувчи таълим усули бўлиб, ўзига хос қоидаларга риоя қилинади. Берилган саволларга тез ва аниқ жавоблар бериш талаб қилинади.

«Зукколар ва топқирлар» ўйини. Мазкур ўйинда гуруҳ сардорлари беллашади. Бунда қуйидаги савол ва топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

1. Дунёдаги қайси тилларни биласиз?
2. Тил оилалари деганда нимани тушунаси?
3. Ўзбек тили қайси тиллар оиласига киради?
4. Ўзбек тилининг дунё тиллари тизимидаги ўрни қандай?

Суҳбат якунлангач, ўқувчиларнинг жавоблари умумлаштирилиб, янги мавзу ўқитувчи томонидан қисқача тушунтирилади.

Дарсликда берилган 2-машқнинг шартига кўра ўқувчилар матнни кўчириб, сўзнинг қудрати ҳақида фикрлашадилар. Бу машқни бажариш жараёнида ҳам турли усуллардан фойдаланамиз. Бунда «Кимнинг хати чиройли ва хатосиз» ўйини ўтказилади. Ўқувчилар матнни дафтарларига кўчириб ёзишади. Ёзиб бўлишгач, гуруҳ сардорлари дафтарларни йиғиб, ҳар икки гуруҳга алмаштиришади. Гуруҳ аъзолари ёзув жараёнида йўл

қўйилган хатоларни аниқлашади. Бу усул билан ўқувчиларда тўғри ва чиройли ёза олиш малакаларини шакллантириб борамиз.

Ёзиб бўлишгач, сўзнинг қудрати, унинг ўрни ва ишлата олиш жараёни ҳақида фикрлашадилар. Бунда қуйидаги саволлардан фойдаланамиз.

- Сўз қандай қудратга эга?

- «Қобуснома»дан келтирилган ҳикоятлардан сиз қандай хулосага келдингиз?

Матн яратиш. Бунда А.Навоийнинг «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» ҳикматли сўзини шарҳловчи матн тузадилар.

Дарс якунланиб, «Она тилим – жон-у дилим» мавзусида матн тузиб келиши уйга вазифа қилиб топширилади. Дарс давомида фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади.

**Э.Жабборов,
Қарши ДУ доценти**

Матн – ўқувчилар ижрочилигини синаш воситаси

Она тили дарсларида матннинг тасвирий, ривоявий, муҳокама, бадиий, публицистик, илмий-рамзий сингари қатор турларидан фойдаланишга тўғри келади. Матнларнинг бу турлари ўзининг қатор хусусиятлари билан бири-бирдан тубдан фарқ қилади. Ўқувчилар матн устида ишлар экан, турлича мураккабликларга дуч келадилар. Мураккабликдан чиқиш, унинг ечимини топиш йўллари қидирадилар. Ўқувчиларнинг матн устидаги ишлари фақат дарсликда берилган матнлар билан чегараланиб қолмаслиги керак. Илмий ва бадиий адабиётлардан, маҳаллий матбуотдан танланган матнлар устидаги ишлар ҳам ўқувчилар учун қизиқарли ва завқли бўлиши табиий. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ўзи ҳам мустақил матн яратадилар. Бирор буюмнинг, ҳодисанинг тасвирини яратиш, шундай нарса-ҳодисани бадиий, илмий, публицистик услубда тасвирлаш, иншо ёзиш ишларидан она тили дарсларида кенг фойдаланилади.

Матн устидаги ишлар тил ҳодисаларини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолда бажарилади. Масалан: табиат тасвири яратилган матнлар орқали сифат ва унинг маъно гуруҳлари мавзуларини ўрганиш мумкин. Ўқитувчилар матн устидаги ишларни тил ҳодисаларини ўзлаштириш билан боғлаб ташкил этсалар, ўқувчиларнинг она тилидан оладиган билим, кўникма ва малакаларини янада тараққий эттиришга эриша оладилар.

«Матнлар, - деб қайд этилади она тили дастурида – хилма-хилдир. Уларнинг аниқ тур ва кўринишлари қисман дарсликда берилса, асосан ўқитувчи томонидан белгиланади». Шунинг учун ҳам дастур ўқитувчига дарсликдаги матнларни ўз диди, талаби, шароитига қулайлиги билан бемалол алмаштириш, ўқитиш жараёнининг том маънодаги ижодийлик ва изланувчанлик асосида қуришга тўла имконият беради.

Демак, ўқувчилар дарс жараёнининг фаол шахслари бўлсалар ҳам,

матн яратиш ва унинг устида ишлашда ўқитувчи зиммасига катта масъулият юкланади. Ўқитувчи ижодкор ва изланувчан бўлсагина ўқувчилар учун қизиқарли мавзуларда матн яратишга йўл топади, ўқувчиларни мустақил изланишга, ижодий фаолият юритишга ундайди.

Т.Жумаев, Ф. Қиёмов
Қарши ДУ

“Қўшиб ёзилади, ажратиб?” луғатининг тузилиши ва аҳамияти

Ушбу луғат ўзбек алифбосида тузилган бўлиб, мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” тамойилларига асосан тузилди.

Қўшиб ёзиш

1. **Хуш, ҳам, бахш, кам, ранг, сифат, талаб, хона, нома, поя** сингари қўшимчлар билан ясалган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилди: *болохона, кутубхона, хотиранома, хушхулқ, умидбахш, новвотранг, маймунсифат, ҳангоматалаб* каби.

2. **-(а)р ёки –мас** сифатдош шакллари билан ясалган қўшма от ёки қўшма сифатлар қўшиб ёзилди: *бешиктерватар, кунгабоқар, тезоқар, сувюқмас, ўзиюрар* сингари.

3. Такрор тақлидий сўзларга қўшимча қўшиш билан ҳосил бўлган от ва феъллар қўшиб ёзилди: *войвойламоқ, гумбургумбурлаш* каби.

Ажратиб ёзиш

1. Қўшма феълларнинг қисмлари ажратиб ёзилди: *жавоб бер, иштирок эт, гурс эт, тамом бўл, харж қил* каби.

2. Кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феъллар мустақил феъллардан ажратилиб ёзилди: *ўқий бер, айта ол, ишлай бер, ўқир эмиш* каби. Аммо мустақил феъл билан кўмакчи феъл товуш ўзгариши билан боғланган бўлса, ҳар икки сўз қўшиб ёзилди: *айтолмади, ишлайвер, ўқирмиш, ўқиркан* сингари.

3. Кўмакчилар ажратилиб ёзилди: *у билан, шу сингари, ёз бўйи, ўқиган сари, кун сайин* каби.

Чизиқча билан ёзиш

1. Жуфт ва такрор сўзлар чизиқча билан ёзилади, қавс ичида бу жуфт сўзнинг **-у** ҳамда **-ю** боғловчилари билан қўлланиш имлоси келтирилди: *ор-номус (ор-у номус), яхши-ёмон (яхши-ю ёмон), оз-кўп (оз-у кўп)* каби.

2. Белгини кучайтирувчи унсури мавжуд бўлган сўзларнинг ўзак ва кучайтирувчиси орасида чизиқча қўйилади: *ям-яшил, бус-бутун, дум-думалоқ, яп-янги* каби.

3. Икки ўзак **–ма, ба-** ёрдамида боғланишидан ҳосил бўлган сўзларнинг қисмлари чизиқча билан ажратилади: *қамтима-қамти, саҳифама-саҳифа, дам-бадам, қадам-бақадам* сингари.

Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш

Илғор педагогик технология таълим жараёнига кенг жорий этилди ва бу усул амалда қўлланмоқда. ДТС асосида янги дарсликлар. Янги методик қўлланмалар яратилмоқда ва она тили таълими жараёнида ундан унумли фойдаланмоқда. Она тили дарсларида янги ташкил этилган усулларда ўқитувчилар игаригидек билим бериш эмас, ўқувчиларни билим олишга ўргатиш жараёнида ўқувчи пассив тингловчи эмас, балки билим олиш жараёнини фаол иштирокчисига айланадилар. Бу эса ўқувчиларнинг нутқ фаолиятларини ўстириш билан ўз устида кўпроқ ишлашга изланишга, барча имкониятлардан фойдаланишга ўргатиб боради.

Дарс, бу – таълим тарбия беришнинг асосий формаси ҳисобланади. Дарс давомида ўқувчиларнинг билими мустақамланиб, бойитилади, саводхонлиги оширилади, дунёқараши ривожлантирилади, ахлоқий фазилатлари ва тушунчалари орттирилади, орфографик малакалари оширилади. Шунинг учун ҳам тарбияси йўқ болага ҳеч қачон таълимни сингдириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам ХХI асрда она тилидан яратилаётган дастур ва дарсликлар, қўлланмаларнинг мазмун моҳиятига тарбияга оид материалларни, матн ва гапларни сингдирилиши лозим. Бунинг учун дастурлар тузилаётганда, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, тарихимиз, ота боболаримиздан бизгача етиб келган меросимиз ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ деб биламан. Чунки ўқувчи дарслик билан ишлаганда, бадиий асардаги матнни таҳлил этаётганда, гап ва матн тузаётганда, тарбияга оид сўз ва гаплардаги тарбияга оид томонларини қалбига сингдириб, унга ҳаёти давомида амал қилиб боришга ўргансин.

ХХI асрда бугунги ёш авлодни юксак ахлоқий ва нафосат руҳида тарбиялаш, уларга ғоявий сиёсий ва илмий дунёқарашини узлуксиз шакллантириб бориш Республика таълим муассасаларида дарс бераётган она тили ва адабиёт муаллимларининг олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини унутмаслик лозим.

Д.Жуманазарова
Хоразм, Шовот 48-мактаб

Мусобақа дарслари ҳақида

ХХI аср техника асри. Ўқувчиларимиз ҳар бир қадамда фан, техник ютуқларга дуч келишади, улардан завқ олишади. Биз ҳам дарсларда техника воситаларидан, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланишимиз керак.

Ўқувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам берилаётган билимларни бир хилда қабул қилавермайдилар. Шунинг учун она тили дарсларида билимни мустақамлашга хизмат қиладиган такрорлаш соатларини мен мусобақа дарслари сифатида ташкил қиламан. Бу усул ўзининг ижобий самарасини берди.

Юқоридаги усулнинг яна бир афзаллаги шундаки, дарс жараёнида 3-4 та машқ бажарилади. Кўп машқ бажариш орқали қисқа муддатда ўқувчиларнинг фикрлаш доираси кенгайди, олинган билимлар амалиётда синаб кўрилади. Бундан ташқари ўқувчилар ўзаро ёрдам, дўстлик руҳида тарбияланадилар. Машқ бажаришни мусобақа тарзида ташкил қилиш натижасида дарс жараёнида кучли ўқувчиларнинг ҳам, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг ҳам бор имкониятларини ишга солиш учун шароит яратилади, вақтдан ҳам унумли фойдаланилади. Синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар ўқувчилар билимини мустақамлаш билан бирга уларни ижодий фаолликка ундайди. Шу мақсадда «Сўз таркиби» грамматик композицияларига ўхшаш тадбирларни тез-тез ўтказилиб туришини маъқуллайман. Глобал таълим дастури билим олишни кўпроқ мулоқот ва машқларга асосланган жараёнга айлантириб, ўқитувчиларни эса ўз ўқитиш услуби устида ишлашга ундайди.

Биз ҳам бу таълим дастурини ўз фаолиятимизга жорий этиб, ўқувчиларимизга жаҳон таълим стандартлари даражасида билим берамиз. Давлат тили бўлган ўзбек тили ўқитиш методикасини янада такомиллаштириб, дарслар самарадорлигини оширишга интиламиз. Ўқитувчи учун таълим олишнинг охириги манзили йўқ. Бизнинг вазифамиз – ўқувчиларни «тўғри» жавоб беришга эмас, балки яхши саволлар сўрашга ундаш.

Ж.Жумаева
Сурхондарё, Денов т. 80-мактаб

Она тилига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини тарбиялаш

Она тили машғулоти ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини, уларнинг фикрини юзага чиқариш шаклларини (оғзаки нутқ, ёзма нутқ), воситаларини (товуш, ҳарф, сўз, гап, матн), усулларини (айтиш ва эшитиш, гапириш ва тинглаш, ўқиш ва ёзиш) эгаллашлари билан қўшиб олиб боришнинг етакчи омилidir.

Бизнингча, қатор фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, бироқ нутқий камолатга эриша олмаган одамни шаклланган инсон тоифасига киритиш қийин. Чунки тил инсоннинг маданий ва маънавий даражасини унинг ўзи яшаб турган борлиққа: табиатга, жамиятга муносабатини акс эттирувчи кўзгудир.

Она тилимиз гўзал ва бой тил эканлигини, ҳеч бир тилдан қолишмайдиган жозибали сеҳрга эгалигини исботлаш учун бобомиз ҳазрат

Мир Алишер Навоий озмунча заҳмат чекканмиди? «Муҳокаматул-лугатайн» («Икки тил муҳокамаси») бежиз битилганмиди? Ёки туркий тилда яратилган «Хамса»га берилган юксак баҳони билмасмидик? Билардик, фақат шоир ёзганидек «тўти»га айланиб қолаёзгандик:

*Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...*

Ҳассос шоиримиз Миртемир эса она тилимизни «Бешикланоқ сингган жону қулоққа», «Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил», «Тордан оққан сойдек шарқироқ бу тил», «Тошларга нақш бўлиб, ўйилмиш тил бу» деб алқайди.

Ҳа, она тилимиз шундай олқишларга, ағна вақтда меҳр-муҳаббатга лойиқ тил. Она тилимизни уммон ортидаги шаҳар — Америка Қўшма Штатларида ҳам тарғиб этишмоқда.

Ўзбек тили таълимини ХХI асрда юксак поғонага чиқаришда фан муаллимларидан яна кўпроқ куч сарфлаш талаб этилади. Биз педагог ходимларнинг мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши керак.

Г.Ш. Зиёдуллаева
Яккасарой ТХТБ

Она тили машғулотида ёзма ишларни компьютерларда ўтказиш

Таълим жараёнида ўқувчиларни билим олишга бўлган интилишларини янада оширишда компьютерлардан фойдаланиш муҳим восита бўлмоқда.

Она тилининг асосий мақсадларидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини оширишда, уларнинг фикрларини турли усулларда баён қилишларида дарсларда ўтказиладиган ёзма ишларнинг ўрни муҳимдир.

Куйида ёзма ишларни компьютерда ўтказиш самаралари юзасидан фикр юритилади. Ўқитувчи ёзма ишни, яъни диктантни компьютерда ўтказишни режалаштирган бўлса, энг аввало, ўқувчилар билан компьютерда ҳарфларни тўғри ва тез териш машқини ташкил қилади. Бунда белгиланган муддатда ҳарфларни тўғри терганлиги, нечта сўз ҳосил қилганлиги текширилиб, баҳоланади ва ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хатолар учун жарима сони кўрсатилади.

Бунда ўқувчида ҳарфларни тўғри танлай олиш ва тез ёзиш малакалари шакллантирилади.

Матнни ўқитувчи томонидан айтиб ёздириш машқида ўқувчининг ёздириладиган матнни тўғри ёза олиши ва белгиланган муддатда тугата олиши назарда тутилади. Шунга қараб ўқувчи иши текширилади ва хатолари аниқланиб баҳоланади. Демак, бу жараёнда ўқувчининг топшириқлар асосида берган жавоблари натижаси шу онда маълум қилинади.

Уядош сўзлар устида ишлаш — ўқувчини матн яратишга тайёрлаш омили

Ўқувчининг уядош сўзлар устида мустақил ишлаши, - муайян бир соҳа ва унинг атамалари доирасида мантиқий мушоҳада юритиши, изланиши ва кашфиёт қилиши бола учун ҳақиқий илмий-тадқиқот дунёсига қадам қўйиш билан баробардир. Бундай тадқиқотлар натижасида ёш авлоднинг ўқув-билув фаолияти жадаллашади мустақил матн яратишнинг маҳсулдор манбалари бўлмиш луғат захиралари кенгайти, ривожланади, шаклланади.

Тил илмининг ўқ қон томири ҳисобланган лексикология (сўзшунослик) бўлимига таалуқли бўлган УЯДОШЛИК ҲОДИСАСИ, ўқувчи сўз бойлигини ошириш ва бойитишнинг энг маҳсулдор ва серқирра усули – уядош сўзлар устида ишлаш технологиясининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур технология умумий ўрта таълим мактабларида она тили машғулотларининг самарадорлигини ошириш, дарсни замонавий технологиялар асосида ташкил қилишнинг ишончли ва самарали воситасига айланади. Она тили дарсларида уядошлик ҳодисасидан кенг ва изчил фойдаланиш – ўқувчи илмий дунёқарашининг кенгайиши, унда нутқий тараққиётнинг тезлашуви, нутқий барқамолликнинг шаклланувига сабаб бўлди. Бундай машғулотлар эса ўз навбатида ўқувчи томонидан яратиладиган ёзма нутқ – матннинг тили равон, бой ва мазмундор бўлишига, матн таркибидаги имловий, услубий, тавтологик хатоларнинг камайишига олиб келади, ўқувчи шахсини ўз «мен»ини англаб етишга, изланиш ва ижод қилишга, ўз нутқий маҳоратини ўзгалар олдида намоиш қилишга ундайди. Зеро, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини матн яратишга тайёрлаш, уни ижодий матн яратишга йўналтиришнинг замонавий технологиясини, уядошлик ҳодисаларисиз, уядош сўзлар устида ишлаш топшириқларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг сўз хазинасини уядош сўзлар билан бойитиш, берилган умумий маъноли сўзнинг хусусийларини топиш, ёки, аксинчи, сўзларни муайян уя (мас., дарахт, давлат, шахс) асосида гуруҳлаш, берилган матндан уядош сўзларни ажратиш, уядош сўзлар иштирокида маълум бир мавзуда матн яратиш каби ижодий – амалий топшириқлардан мунтазам равишда фойдаланиш ўқувчиларни матн яратишга тайёрлашда муҳим, ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Фанларни интеграциялаш ва интерфаол усуллар

Қадимдан ҳар бир миллат ўз тилига буюк ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Миллий тил нуфузини кўтариш уни улуғлаш миллатнинг ҳар бир вакили учун айниқса она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси учун чин виждон ишига айланиши керак. Бу вазифани амалга оширишда фанлараро боғланишга яъни она тили фанини адабиёт, тарих, география, математика, физика, мусиқа, тасвирий санъат бошқа фанлар билан боғлиқликда ўрганиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бунда дарснинг семинар, тренинг, анжуман, бахс-мунозара турлари ҳамда атамалар асосида башорат қилиш, ҳикояларни қиёслаш, ақлий ҳужум, жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш, талимий ўйинлар каби интерфаол усуллардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, она тили дарслари тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт фанлари билан уйғунлашмоқда. Мен она тили дарсларида табақалаштирилган таълимни амалга оширганда ўқувчиларни ўзлаштириш қобилиятига қараб кичик гуруҳларга ажратаман. Бу ажратилган кичик гуруҳларга ўқувчиларнинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда турли қийинчилик даражасига эга бўлган вазифалар ва мустақил ишлар бераман:

- 1-гуруҳга шеър ижод қилиш (адабиёт);
- 2-гуруҳга мавзу асосида расм чизиш (тасвирий санъат);
- 3-гуруҳга мавзу асосида саҳна кўриниши ёки мусиқий чиқиш тайёрлаш (мусиқа).

Она тили дарсларида «Билардим, билиб олдим, билмоқчиман» интерфаол усулдан фойдаланиш ҳам ижобий натижа беради.

Шу дарсда харитадан фойдаланиш ҳам самара беради. Машғулот давомида адабиёт, география ва она тили дарслари бир-бирига боғланади. Бундай дарслар ўқувчи дунёқараши ва тафаккурини кенгайтиради, турли фанларга бўлган қизиқишини оширади.

Она тили дарсларида ўқувчиларга берилаётган билим ва кўникмаларни адабиёт, тарих, география, биология, табиат ва тиббиётга оид илмий, илмий-оммабоп матнларни ўрганиш ва ана шундай илмий матнлар тайёрлашга ўргатиш асосида мустақамлаб бориш алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жараёнда «Тушунчалар асосида башорат қилиш» интерфаол усулдан фойдаланилади. Бу усулдан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга илмий иншо ёздирилади.

Хулоса қилиб айтганда, она тили дарсларида фанлараро боғланишга эътибор бериш, дарс жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш малакасини чуқурлаштиради, ижодий тафаккурини ўстиради, дунёқарашини кенгайтиради, сўз бойлигини оширади, қатор фанларга муҳаббат уйғотади, касб-хунарга йўналтиради.

Она тили ва илғор педтехнологиялар

Жаҳоннинг қўлаб илғор мамлакатларида вақт синовидан ўтган янги педагогик технологиялар дарс мақсадини амалга оширишдаги самараси юқори эканлиги билан аҳамиятлидир, чунки бунда бутун эътибор ўқувчининг фаоллигини оширишга қаратилади.

Хорижий давлатлар тажрибасида синовдан ўтган интерфаол методга кўра дарслар бир неча модели босқичга бўлинади. Улар чақирик, ақлий ҳужум, англаш, фикрлаш каби босқичлардир.

Бундай жараёндан бири «Ақлий ҳужум» услубида ташкил этилади. Бу усул дарснинг бошланишида ёки исталган жойида қўлланилиши мумкин бўлиб, у муаммони ўз гоёлари, фикрларини айтиш йўли билан ҳал қилишдан иборат. Масалан: ўқитувчи синф тахтасига «Тил» сўзини ёзади ва ўқувчилардан «Ушбу сўз сизларда қандай тасаввур ҳосил қилди ёки шу сўзни яна қандай талқин қилса бўлади?», - деб сўрайди. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан билдирилган фикрларни синф тахтасига ёзиб бориши мумкин.

Ушбу жараёнда ўқувчилар бу сўз ҳақида жуда кўп маълумотга эга бўладилар, яъни бунда муаммо ўқувчиларга ақлий ҳужум йўли билан берилиб, уларнинг фикри билан очилади ва натижада мавзунини тушунтириш осонроқ кечади. Умумий ўрта таълим мактабларида интерфаол усули асосида ўтиладиган юқорида келтирилган дарслардан ҳар бир ўқитувчи ўзининг ички имконияти, қобилиятини намоён қилади.

Илғор педагогик технология таълим жараёнида замонавий ахборотни қўллаш билан бирга талабани ёки ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатишни талаб этади.

«Она тили» фанини ўқитишнинг бош мақсади ёшларни ижодий фикрлашга, ўз фикрини эркин ва таъсирли қилиб ёзма ва оғзаки шаклда ифодалашга, ўзбек тили Қонун қоидаларини онгли ўзлаштиришга ўргатиш, шунингдек, уларни фикр доирасини кенгайтиришга, Ватанимизга, миллий анъаналаримизга, бой маънавиятимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

Н.Йулдошева
Қарши 39-мактаб

Тиниш белгиларининг услубий вазифаси

Тиниш белгилари ёзма нутқда синтактик-услубий вазифа бажаради. Ёзма матнда фикр аниқ, раво ва тушунарли бўлиши учун уларни тўғри қўйиш керак. Тиниш белгилари ёзувда фикрни тўғри ифодалаш, ҳис-

ҳаяжонни ошириш, айрим сўзларга қўшимча маъно бериш учун фойдаланилади. Масалан, вергул ёзма нутқни ихчам шаклда ифодалашга ёрдам беради.

Вергулни ўз ўрнида ишлатмаслик, мантиқий хатога, нутқ ғализлигига олиб келади. «Сиз ёмон одам эмассиз» гапида «ёмон» сўздан кейин вергул қўйилса мазмун ўзгариб, услубий ғализлик ҳосил бўлади.

Тиниш белгиларидан тиренинг ҳам услубий роли катта. Бу белги бадий ва сўзлашув услубида кўп учрайди. Матнда ихчамлик учун грамматик шакллар ўрнида ишлатилади. «Тўғри бўл – беҳовотир бўласан» гапида тире -санг шакли ўрнида ишлатилган. «Яхши ошини ер, ёмон – бошини» мақолида «са тире синтактик-услубий вазифа бажарган. Тире «ер» сўзи ўрнида қўлланиб, сўз такроридан қутулинган.

Қўштирноқ чегараловчи тиниш белгиларидан бири бўлиб, матнни маълум жиҳатдан чегаралаш учун хизмат қилади. Кўчирма гапларни муаллиф гапидан ажратиб туради. «Меҳмоннинг келиши ўз ихтиёрида, кетиши мезбон ихтиёрида» деганлар, - деди Фотима (Саид Аҳмад). Қўштирноқ бирор сўзнинг кўчма маънодалигини ёки унинг қочирим, киноя мақсадида ишлатилганлигини кўрсатади. «Азиз меҳмон келдими?»

Тиниш белгиларидан қавс, нуқтали вергул, икки нуқта кабилан нутқни ихчамлаш учун эълон ва рекламаларда, турли дастуриамал ёзувларида услубий вазифани бажаради.

А. Йўлдошев.
Фарғона, Учкўприк туманидаги
41-ўрта мактаб ўқитувчиси

«Она тили» дарсларида луғатлар билан ишлаш

Дарснинг самарадорлигини тўлиқ таъминлаш ҳамда дарснинг олдига қўйилган мақсадга тўлиқ эришишда луғатларнинг ўрни катта. Бундан ташқари, ўқувчида унинг ёшлигидан эътиборан луғатлар билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш кейинги давр учун муҳим саналади. Агар ўқитувчи ўқувчиларни луғатлар билан ишлашга қизиқтирмаса ёки рағбат бермаса, бу ҳам уларнинг дарс ўзлаштиришига қайсидир даражада салбий таъсир кўрсатади. Ўқувчининг ёшлик даврдан луғат турларини фарқлай олиши, луғатлар билан ишлаш малакасининг шаклланиши, қайси луғатдан қай тарзда фойдаланишни билиши каби ҳолатлар унинг дарс мазмунини тўлиқ англаб етишига ижобий таъсир кўрсатиб боради.

Биз мисол тариқасида 5-синф «Она тили» (Тошкент. «Маънавият», 2004) дарслигидаги айрим мавзуларга оид матнлар устида ишлашда луғатлардан фойдаланишга оид ҳолатларни келтириб ўтишга ҳаракат қилдик.

Дарсликнинг 66-саҳифасида «Ёзма иш ва унинг таҳлили»да олдинги ўтилган «Ундалмали гапларда тиниш белгилари» мавзуси юзасидан олинган билимларни мустақамлаш ҳамда эгалланган кўникма ва малакани амалий

қўллаш мақсадида «Қизил шапкача» баён матни берилган. Албатта, матн у қадар мураккаб эмас. Лекин ўқувчи матн устида ишлаши жараёнида «қувача» сўзига дуч келади. Бир қарашда бу сўз оддийдек туюлади, ammo бугунги ўқувчи кундалик ҳаётида бундай идишдан фойдалангани анча гумон. Натижада, ўқувчи «қувача»нинг қандай идиш эканлигини кўз олдига келтира олмаслиги табиийдир. Шу ўринда ўқитувчи ўқувчилар эътиборига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни ҳавола қилиши ўринлидир. Бу билан ўқувчилар учун анча мураккаб деб билинган мазкур луғатдан фойдаланиш сирларини ўргатган ҳолда «кува» ҳамда «қувача» сўзлари изоҳига ўқувчилар диққатини қаратади. Ўқувчилар ўқитувчи кўмагида қувачанинг «бўғзи сиқикроқ узун сопол идишча» эканлигини, қолаверса, «кува» сўзининг «косибликда чармни уриб текислаш, чўзиш учун ишлатиладиган оғир темир асбоб»га нисбатан ҳам қўлланишини билиб олишади.

А.Э. Кенжабоев
Термиз ДУ

Инновацион фаолиятни ташкил этиш муаммолари

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг амалиётдаги мавжуд аҳволи ўрганилганда ўқитувчиларнинг аксарият қисми инновация, педагогик технология, таълим жараёнига янгилик киритиш назариясининг моҳиятидан хабардор эмасликлари ва ўз фаолиятларини янгилаш усуллари ва воситаларини билмасликлари, уларга таълим-тарбия жараёнида тажриба-синов ишларини ташкил қилиш кўникма ва малакалар етарлича шаклланмаганлиги аниқланади. Шу сабабли ўқитувчиларга малака ошириш жараёнида инновацион фаолиятга тайёрлаш ва йўналтириш борасидаги назарий ва амалий билимларни тарғиб этиш, уларда бу борадаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш юқори самарадорликка эришишига хизмат қиладиган асосий тамойиллар қуйидагилар:

- таълимнинг глобаллашуви шароитида ўқитувчилар фаолиятини замон талабларига мослаштириб, улар ўртасида рақобатга асосланган меҳнат шароитларини вужудга келтириш учун ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш долзарб вазифа ҳисобланади ва таълим ислоҳатлари муваффақиятини очувчи калит вазифасини бажаради. Барча малака ошириш институтларида таълим жараёнидаги асосий вазифалардан бири сифатида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга йўналтириш ва тайёрлаш асосий мақсад эканлигини кенг тарғиб этиш ва шу мақсадни амалга ошириш учун махсус дастурлар, лойиҳалар ишлаб чиқиш, шу асосда қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали тизимига босқичма-босқич ўтиш жараёнида малака оширишнинг сифат ва самардорлигини таъминлаш мумкин;

- инновацион фаолият бир неча босқичларда таркиб топадиган фаолият бўлиб, ўзининг назарий ва амалий асосларига эга бўлган педагогик

фаолиятнинг алоҳида босқичидир. Шу сабабли инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогларнинг психологик тайёргарлиги ва қизиқишини ошириш, уларнинг шахсий имкониятларини намоиш этишга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу тадбирлар малака ошириш жараёнида амалга ошириб борилиши лозим;

- инновацион фаолиятнинг инфратузилмасини шакллантириш-инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган хизматларни инновацион фаолият субъектларига таклиф этувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади. Ўқитувчиларда мотивацияни кучайтиришга хизмат қиладиган муайян ўқув мажмуалари яратилиши лозим. Ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашлари ва мустақил малака оширишларини таъминлаш учун индивидуал малака ошириш дастурларини жорий этиш лозим.

Б.Каримов
Сурхондарё, Қумқўрғон т.
3-мактаб-интернат

Дарснинг мусобақа шакли

Тил дарсида ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш билан бир қаторда, уларга турли соҳалардан шингил маълумотлар бериб, уларнинг билим доирасини кенгайтириш, натижада, ўқувчиларни тил дарсларига қизиқтириш, ижодкорликка ундаш асосий вазифадир.

Куйида «Сон» мавзуси асосида дарснинг мусобақа шаклидан фойдаланиш борасида фикр юритамиз.

Синфхона сонга оид жадваллар, тарқатма материаллар, картондан ясалган телевизор экрани, буғдой, кўк майса, пишган бошоқ, ун, тандир нони каби кўрсатмали қурооллар билан жиҳозланади.

Дарс ўқитувчининг куйидаги кириш сўзи билан бошланади:

Уғлим, нонни ерга ташлама,

Қадри зўр, ҳиммати зўр ноннинг.

Замирида тоғдек беқиёс,

Меҳнати бор бобо деҳқоннинг.

Синф ўқувчилари 2 гуруҳга бўлинади. Сардорлар аниқланади. Мусобақа уюштирилади.

1-шарт: иккала гуруҳдан биттадан ўқувчи доскада миқдор сон билан 1 та сўз бирикмаси ёзиши керак. Тез ва хатосиз ёзган ўқувчи ўз гуруҳига галаба келтиради ва гуруҳига 1 балл берилади.

2-шарт: ўқитувчи турли турдаги сонларни айтиб ҳар бир гуруҳга мурожаат этади. Ўқувчилар тезлик билан ҳар бир соннинг турини айтиши керак.

3-шарт: 6 қатор сонлар ёзилган жадвалдан ўқувчилар фақат тартиб сонлар ёзилган қаторни тезлик билан топишлари керак.

--шарт: ҳар бир гуруҳ ўқувчилари иложи борича кўпроқ сон қатнашган мақолларни ёддан айтишлари керак.

Кўк майсалар катта бўлиб, буғдой бошоқлари пайдо бўлгунга қадар сайланма диктант ёздирилади.

5-шарт: Иккала гуруҳдан биттадан ўқувчи чиқиб, ўз таржимаи ҳолини сўзлайди. Сўзлаш жараёнида ким ўз нутқида кўпроқ рақамларни тўғри қўлласа, ўша ўқувчи ғолиб бўлиб, ўз гуруҳига 1 балл келтиради.

6-шарт: Гуруҳларга топишмоқлар берилади.

7-шарт: Картон қоғозга ёзилган қўйидаги саволларга жавоб бериш учун ҳар бир гуруҳдан биттадан бола тахтага чиқарилади. Саволга тўғри ва тез жавоб ёзган гуруҳга бажарган ишига қараб балл қўйилади.

8-шарт: Бу мусобақа сардорлар ўртасида ўтказилади. Уларнинг ҳар бири тегишли саволларга жавоб берадилар.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, маълум бир мавзу ўтиб бўлингандан кейин, ўқувчилар билимини мустақкамлаш мақсадида хилма-хил амалий ишлардан, жумладан, мусобақа тарзида дарслардан фойдаланиб туриш ўз самарасини беради.

С.Каримова
Узун т. 14-мактаб

Тилнинг тарбиявий кучи

Ёшларимизнинг камолот сари интилиб келажагимиз ворислари бўлиб етиштиларида ўз вақтида берилган таълим-тарбиянинг ўрни беқиёс эканлиги маълум. Шу мақсадда, уларга умуминсоний ва миллий қадриятларни ўргатамиз, дунёвий билимларни ўқитамиз. Аммо энг муҳими, буларнинг барчаси, тил, нутқ орқали амалга оширилишини кўпинча эътибордан қочирамиз. Зотан, инсон ўз аجدодлари томонидан унга мерос қилиб қолдирган барча билимларни ёзув, тил воситасида ўзлаштиради, сўнгра тўпланган билимлар, маълумотларни ҳаётий тажрибалари билан бойитиб, кейинги авлодга қолдиради. Шунинг учундирки ҳазрат Мир Алишер Навоий

*Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ, йўқ андин,*

деб бежиз айтмаганлар.

Дарҳақиқат, тил савод чиқариб, китоб ўқишимиз, бошқалар билан мулоқатга киришиб ўз хатти-ҳаракатларимизни онгли бошқаришимиз, турли ахборот, маълумотларни билиб, дунёқараш ва билимларимизни бойитиб, бирор касб эгаси, мутахассис сифатида ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда бир қалит вазифасини бажаради. Гудак қулоғига чалинган сўзлардан тинчланиб, руҳи қувват олар экан, ёш бола тинглаган ҳар бир сўзини тушуниш, маъносини англаш орқали нарса-ҳодисаларнинг хосса ва моҳиятини оча бориб камолат сари илк қадамлар ташлайди. Сўз орқали дунёни, борлиқни англаш жараёни умр бўйи давом этади.

Ўз тилини яхши билан, унинг ҳар бир сўзини эъозлагувчи киши миллати ва халқи севадиган одобли ва тарбияли бўлади. Инсон сўзига, гапирётган гапига қараб хурмат-эътибор топади. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида шундай дейди:

*Эрким сўз важдан тахтга эгадир,
Сўзким, эр бошини пастга эгадир.*

Г.Йўлдошева
Сурхондарё, Денов т., 6-мактаб

Тилимизнинг имкониятлари

Ҳар қандай тарбиянинг, айниқса, тил маънавий комиллик, миллий ўзлик тарбиясининг бош ва бетакрор ўчоғи болани доимий ўраб турган ижтимоий муҳит, хусусан, оиладир. Миллат саодати йўлида жон фило қилган Абдурауф Фитрат “Раҳбари нажот” асарида шундай ёзган “Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай одат ва ахлоқини қабул қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шарти шундан иборатки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон аҳволни ўз уйларидан, кўчадаги ўртоқларидан, мактабдаги ўқувчилардан қабул қиладилар”.

Энг бирламчи, энг мустаҳкам, энг зарурий она тили муҳити, табиийки, оила уй муҳитидадир.

Боланинг гўдаклигидан дунёни она тилида идрок этмоғи, бу идрокнинг унда бутун умр собит қолмоғи учун оила, яъни ота-она масъулдир. Чунки тил малакалари ва тажрибаларга оилада қандай шакл ва шамойил берилса, у шу тарзда ривожланиб боради. Боланинг нутқий кўникмаларидаги бу тамойилларни, вақтлар ўтгач, ўзгартириш осон бўлмайди. Миллий руҳни шакллантирадиган, мунтазам мустаҳкамлайдиган, унинг ардоқ билан авайлаб асралишига имкон берадиган энг одил омил она тилидир. Тил халқ миллат руҳининг бетакрор ва ҳеч бир замон хира тортмас кўзгусидир. Ҳар бир тилда шу тил эгаси бўлган миллатнинг савияси, руҳияти акс этади. Шунинг учун ҳам боланинг тили она тили сифатида чиқиб, она тили сифатида камол топгандагина, унинг шуурида том маънодаги миллий руҳ барқарор бўлади.

Жаҳонгир Мусаев
Қори Ннэзий номидаги ЎзПФТИ
докторант-тадқиқотчиси

Адабиёт – ижтимоий фикр тарбияси

Халқимизнинг истиқболи кўп жиҳатдан ХХI аср мактабига боғлиқ. Бу мактабда таълим-тарбия олган ўқитувчилар «Ўзбек мўъжизаси»нинг

яратувчилари бўлади. Миллий ўзига хослигимиз, қадриятларимизни қалбига, шурига жо этган, маънавияти бой, аини пайтда, илм-фанни ҳаётга, амалиётга татбиқ эта оладиган, удабурон, топқир, етук мутахассислар бўлиб етишадики, буларга ҳозирданоқ тамал тоши кўйилмоқда.

Маълумки, мактабда ўқитиладиган ўқув фанлари ичида адабиёт функционал таснифи бўйича тарбиявий, илмий вазифани бажаради. Зеро, адабиёт туфайли ўқувчиларда нафақат бадиий тафаккур, балки ахлоқий-эстетик қарашлар, эътиқод ҳам шаклланади, такомил топади. Буни ҳар бир таҳсил берувчи теран тушунмоғи ва дидактик мақсадини аниқ белгилаши шарт. Аммо мақсадга эришиш восита ва усуллари мақсадга мутаносиб бўлмас экан, кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Ўқувчи эътиқодининг шаклланиши ҳамда мустақамланишининг самарали кечишини кўзлаб таълимнинг замонавий «интерфаол усуллари» кенг тарғиб қилинмоқда. «Ақлий хужум» - («бахс-мунозара») «интерфаол»нинг ўндан ортиқ усулларининг муҳими ҳисобланади.

Ундан унумли фойдаланаётган Тошкент шаҳридаги 17-мактаб адабиёт ўқитувчиси Феруза Умрзоқова тажрибасидан маълум бўлишича, машғулотни шу усулда ўтказишда синф ўқувчиларини икки гуруҳга: «Тасдиқ» ва «Инкор» гуруҳларига ажратилади. Шунга мувофиқ, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўрганишда Кумуш, Зайнаб, Отабек, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек оймиларнинг хатти-ҳаракатларини, қисматларини бир гуруҳ айбласа, иккинчи гуруҳ оқлайди.

Бу мустақил фикр ниш уриш учун жуда қулай, самарали усул. Зеро, шундай ташкиллаштирилган машғулотлар қизиқарли, фаол ўтишига заррача шубҳа йўқ. Ўқитувчи «интерфаол» усулининг моҳиятини нафақат тўғри тушунган, балки уни амалда муваффақиятли қўллай олган. Балли! Ибрат олса арзигули тажриба. Аммо шу ўринда ўқувчилар гуруҳидан яна кимдир ҳар икки гуруҳ фикрини инкор этиши ҳам мумкин. Ёки фикрий тортишув оқибати ўлароқ қайсидир ўқувчи дастлабки фикридан қайтиши ҳам мумкин. Инчунун, ҳар бир ўқувчининг ўз қарашини, мустақил фикрини намоён қилиш учун ўқувчиларни гуруҳларга ажратмаган маъқул.

Менимча, «Меҳробдан чаён», «Навоий», «Улуғбек хазинаси», «Бобур», «Ҳумоюн ва Акбар» каби тарихий-бадиий асарларни ҳам шу тахлит ўрганса бўлади. Аммо бу асарларнинг яратилган вақти билан асар воқеалари кечган давр ўртасида фарқ катта бўлганидан ўқитувчининг шарҳига эҳтиёж сезилади. Ўқувчилар мумтоз адабиётимизда ифодаланган халқимизнинг азалий қадриятлари, бадиий-эстетик тафакқури тарихига тегишли маълумотларни зарур даражада тушуниб етмасликлари ёки қийналишлари мумкин. Инчунун, адабий-тарихий воқеа, ҳодисалар билан боғлиқ асарлар юзасидан баҳс-мунозара уюштиришда воқеа ёки ҳодиса кечган макон ҳамда замонга хослик асло назардан четда қолмаслиги керак.

Ўқувчиларнинг билиш имкониятига таяниш мақсадида ўқитувчи «ақлий хужум» мавзусининг бошқа фанларда, хусусан, тарих ёки география ўқув фанларида қай даражада ёритилгани билан танишиб, сўнг баҳсни шарҳ

билан бошлашда ундан фойдаланиши лозим. Акс ҳолда, воқелик юзасидан мустақил фикр юритиш, хос ҳукм чиқариш қийин кечади ва баҳс-мунозара сўниб қолади. Умуман «ақлий ҳужум» усулининг бир қадар талаблари борки, уларга амал қилинса кутилган натижа кафолатланади.

Педагогика фанлари номзоди Кундузхон Хусанбоева баҳс-мунозара жараёни, яъни «ақлий ҳужум»да қуйидагиларга амал қилишни тавсия этади:

Ўйлаш, фикрлаш ниҳояланмасдан ўқувчиларни рағбатлантиришга киришмаган маъқул. Жумладан, «ақлий ҳужум»нинг илк босқичидаёқ илгари сурилган фикр баҳоланадиган бўлса, қатнашчилар манфаатдорлик илинжида ўз фикрлари, қарашларини ҳимоя қилишга урғу бераверадилар. Ёинки ўқувчи баҳс жараёнида қарашларидан ботиний қайтган бўлса-да, уни ошкор қилмай, изланиш ва янгича қарашга қизиқмай қўяди.

Ҳар бир ўқувчи масалага турли томондан ёндошиб, хилма-хил мулоҳазалар билдиришга даъват қилинади. Ўқувчиларда фавқулотда фикр-ғоя туғилмаса, улар бир-бирларини такрорлашга мажбур бўладиларки, шундай ҳолатни рўй бермасин учун ўқитувчи ўзгача фикрни ўртага ташлаши лозим.

Ғоя, фикрларнинг хилма-хиллиги рағбатлантирилади. Тезкор. изчилликда илгари сурилган ғоя муаллифлари баҳоланиши мумкин.

Ҳар бир ўқувчи ўзгалар ғоясига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Зотан, фикрдан фикр туғилади. Аввал таклиф этилган ғояларни бириктириш ёки ўзгартириш негизда кучлироқ, асослироқ ғоялар яралади.

Ўқувчиларни эркин фикрлаши шунчаки тасодиф бўлмай, бир қадар психологик, педагогик талабларга тадрижий амал этиш оқибатидир. Таълимнинг эркинлашиши, аввало, ўқитувчи ўқувчи муносабатида намоён бўлмоғи шарт.

Б. Менглиев
(Қарши ДУ)

Луғатлардан фойдаланиш — она тили таълими самарадорлиги омилли

Она тили таълимининг бош мақсади — ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, тўғри ва равон фикрлаш малакасини таркиб топтириш ҳамда ривожлантиришдан иборат. Демак, таълимдаги анъанавий грамматизм иккинчи планга сурилиб, унинг ўрнида ўқув предмети ўзининг том маънодаги таълимий функциясини бажариши лозимлиги белгилаб қўйилди. Шу асосда ишлаб чиқилган ўқув дастурида она тили таълимининг асосий воситалари сифатида:

“Илк босқичда: 1. Шу дастур асосида яратилган дарсликлар;

2. Ўзбек тили бўйича луғатлар: “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг уядош сўзлар луғати”, “Ўзбек тилининг маънодош сўзлар луғати”, “Ўзбек тилининг зид маъноли сўзлар луғати”.

Иккинчи босқичда бу воситалар сираси “Ўзбек тилининг сўз ясаш

луғати”, “Ўзбек тилининг терс луғати”, ўзбек тилидаги энциклопедия, она тили машғулотларида оғзаки ва ёзма тасвир учун изоҳли альбом, ишлатилиши лозим бўлган зарур сўзлар берилган расм-тасвирлар ва ҳ-лар билан тўлдирилиши лозим”лиги таъкидланади. Бу эса ўқувчиларнинг бирламчи манбалар билан ишлаш ва керакли лисоний бирликни танлаш ёки текшириш имкониятини кенгайтиради ва ўз-ўзидан уларда ижодий тафаккур юксалишига олиб келади.

Дарсликлардаги топшириқларда луғат номларининг келтирилмаслиги, биринчидан, мактаб ўқувчилари ёшига мос ўқув луғатларининг санокли эканлиги ва юқорида номлари зикр этилган луғатларнинг яратилмаганлиги, иккинчидан, мавжуд лингвистик луғатларнинг кирилл алифбосида эканлиги ҳамда мактаб ўқувчиларга мос эмаслиги, ва, қолаверса, жуда кам нусхада сақланиб қолганлиги билан белгиланади.

Кўринадикки, мавжуд дарсликлар ўзининг том маънодаги таълимий вазифасини бажариши учун кўп турдаги ўқув луғатлари яратилиши ва катта ададда чоп этилиши, уларнинг тавсия этиладиган дарслик ва зарур қўлланмалар сирасида бўлиши она тили таълимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бусиз эса ўқувчиларнинг ахборот банкларидан мустақил фойдаланиш кўникмасини ўстириш мумкин эмас.

С.Мўминова
(Қарши ДУ)

Она тили таълимида Асқад Мухтор асарлари матнидан фойдаланиш

Тил таълимида бадий адабиёт намуналаридан ўрни билан фойдаланиш ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради, уларни ёзувчи ижоди билан яқиндан таништиради. Бу эса ўқувчида она тилига ҳамда ёзувчи ижодига бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартиради.

Она тили дарсларида Асқад Мухтор асарлари матнидан фойдаланиш ўқувчиларда бадий дидни шакллантиришда, миллий ўзликни англашда, ўзбек тилининг бой ва жозибadorлигини англашда қўл келади.

Масалан, VIII синфда «Ундалма» мавзусини ўтишда Асқад Мухтор асарлари матнидан дарснинг турли bosқичларида фойдаланиш мумкин.

I. Янги мавзуну мустаҳкамлашда:

Матни ўқинг. Ундаги ундалмаларни аниқланг.

Матни кўчиринг. Ундаги ундалмаларнинг тагига чизинг ва ундалманинг турини изоҳланг.

Мустақил иш. Асқад Мухторнинг «Чинор» романида қўлланилган ундалмали гапларга 5 та мисол топинг. Унда қайси ундалмалар қўлланганлигини изоҳланг.

II. Уйга вазифа.

Ўқувчиларга «Чинор» романидан ундалмали гапларга мисол топиб, уни изоҳлаш топширилади.

Шу йўналишда адабий таълимда ўрганилган кўплаб бадиий асар матнларини она тили таълимидан назарда тутилган, истаган мавзуга татбиқ этиш мумкин, бу фанлараро муносабатни янада шакллантиради, ўқувчининг ижодий тафаккурини кенгайтиради, ўз фикрини нутқ шароитига мос равишда, турли шаклларда ифодалай олиш кўникмаларини ривожлантиради.

3.Матқулйева Хоразм ВПХҚТМОИ проректори

Янги асрда янгича ўқитиш

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари дарсга янгича ёндашиб, инновацион услубларда дарс беришлари керак. Дарсларга янгича ёндашув деганда нималарни тушуниш мумкин?

Давр билан ҳамнафас бўлиш;

таълим янгиликларини синфга олиб кириш;

уни мавзу билан уйғунлаштириш;

таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни тўғри қўя билиш;

бола билан дўстона муносабат ўрнатиш;

умуман, Глобал таълим муаммоларининг ечимини топишга ҳаракат қилиши таълимга янгича ёндашувининг асосий омилларидандир.

Она тили таълими ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришда, нутқ маданиятини (ёзма, оғзаки) шакллантиришда, фанлараро алоқаларни яхшилашда етакчи фан ҳисобланади.

Таълимда шакл ва мазмун бирлигига эришмоқ зарур. Дарс бериш усуллари дарс мазмуни (мавзу)ни ўқувчиларга тўлақонли етказишда асосий омиллардир. Янги дастур ва дарсликлар яратаётган олимларимиз, албатта, буни эътиборга олганлар.

Мен 8-синф “Она тили” дарслиги хусусида фикр мулоҳаза билдирмоқчиман. (Муаллифлар: Қодиров, Ҳ.Неъматов, М.Абдураимова, Сайфуллаева. 2006 й)

Дарслик сифати, мазмуни, ихчамлиги ўқитувчи ва ўқувчиларга жуда қулай, мавзулар изчиллигига эришилган.

Дарслик баъзи мавзулардаги чалкашликлардан холи қилиниб, аниқлик киритилган. Масалан: Сўз туркумлари тартиби, Олмошнинг маъно турлари, Равиш ҳақидаги маълумотлар, Сўз бирикмалари, Уюшиқ бўлақлар, Ҳолнинг маъно турлари ва бошқалар.

Дарслик яна шуниси билан ажралиб турадики, унда иловалар мавжуд. Айниқса, дарсликда “Асосий атамаларнинг изоҳли лугати”нинг берилиши ўқитувчи учун ҳам жуда қулай. Дарсликдаги ҳар бир мавзунини берилган топшириқлар асосида тушунтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: Ҳол ҳақидаги маълумотларни ўтиб бўлгач “Мустаҳкамлаш дарси”ни

қуйидагича ўтказиш мумкин: Синфдаги ўқувчилар 4 гуруҳга ажратилади. Гуруҳларга шакллар ясалган қоғозлар тарқатилиб, ким қандай шакл олган бўлса, гуруҳи шу ном билан аталади. (тўртбурчак, учбурчак, квадрат, доира)

Ҳар бир гуруҳга мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар берилади:
2-топшириқ.

Ҳар бир гуруҳ ҳолнинг маъно турларига 2 тадан гап ёзади ва қандай сўроққа жавоб беришини ёзиб қўяди.

3-топшириқ:

5 дақиқа ичида равиш ҳолига мисоллар ёзиш. Қайси гуруҳ кўп мисол ёзади.

4- топшириқ: Венн диаграмма асосида аниқловчи ва ҳолни таҳлил қилинг.

Венн диаграммада таҳлил қилинаётган мавзун ўхшаш ва ноўхшаш томонларини аниқлаш керак бўлади.

Ўқитувчи болага дўстона муҳит яратган ҳолда гуруҳлар ишини якунлаб, баҳолайди.

**Р.Маматов – Самарқанд вилоят
Паст Дарғом туман ХТБ методисти,
А.Нисоров – Самарқанд вилоят
Тайлоқ туман ХТБ методисти**

Ёзувимиздаги хилма-хилликнинг бир тўхтамига доир

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши натижасида барча идорадаги ёзув ишлари, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари, бошлиқлар билан суҳбатлар, йиғилишу анжуманлар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлди.

Ҳаёт тақозасига кўра ёзувда ҳам туб янгиланиш ҳақида қарор қилинганига ҳам 13 йилдан ошди.

Ҳар бир фуқаро ўз она тилисига, ёзувига масъулият билан қараб, янги ёзувимизнинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиши зарур бўлади. Ана шундай ўзига талабчанликни оширмаслик оқибатида ҳар икки ёзувнинг орфографик қоидасини аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда.

Тутуқ (‘) белгиси билан кўчиш (‘) белгиси алоҳида-алоҳида вазифани бажарса-да, бир қарашда бир-бирига яқин, ўхшаши сабабли кўчиш ўрнига тутуқ белгисининг ишлатилиши маҳаллий манзил пешлавлалари, шиор ва эълонларда кўпол хатоликлар содир бўлмоқда.

Алифбе ва алифбо сўзлари айримлар назарида битта атамадек бўлиб қолган. Республикамизда чоп этилаётган дарслик (масалан, 1-3-синф Она тили), қўлланма, плакат, ҳатто, ўқувчилар дафтарларининг охириги бетида берилаётган алифбомизда ҳарфларнинг ўрни турғун эмас. Бунинг устига, ҳарфларнинг номи ҳам турлича берилмоқда. Бир алифбо “ng” ҳарфлар

бирикмаси билан тугаб, ундаги ҳарфлар номи “ke”, “qe”, “g’e”, “xe”, “le”, “me” каби нотўғри берилаётган бўлса, яна бир алифбо “sh” ҳарфлар бирикмаси билан тугаб, ундаги ҳарфлар номи “ka”, “qa”, “g’a”, “xa”, “el”, “em” каби тўғри ёзиб, жойларга тарқатилмоқда. Ҳарфнинг номини эски алифбодагидек ёшларга ўргатиш жуда катта хато ҳисобланади. Демокчимизки, бутун дунё халқлари ёшлари ўз ҳарфлари номини алиф, бо, нун, зун деб араблар, алфа, бетта, гамма деб юнонлар, аз, бука деб славянлар, дабл ю, ипсилон деб инглиз ва немислар билишсаю, дунёга машҳур буюк сиймолари бўлган бизнинг ёшлар ўз ҳарфлари номини билишмаса, бу қандай гап?

Маърузада юқорида келтирилган ёзувимиздаги муаммолар тўғрисида кўпгина ҳаётий мисоллар келтирилган. Шу билан бирга бундай нуқсонларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар берилган.

Ф.Муҳамедова
ТШПХҚТМОИ катта ўқитувчиси

Тил таълими – XXI асрда

Она тупроқ, она - Ватандай азиз ва лазиз, бетакрор она тилимиз асрлар мобайнида сайқалланиб, ўз жозибасини, имкониятларини намоён этиб бормоқда. Янги асрда янги сўз ва атамалар билан бойиб бораётган ўзбек тили қадим Навоий кўнглига пайванд.

Ҳа, бу тилда дилимиз яшнаб сўзлаймиз, давлат мадҳиясини ижро этамиз, аллалар айтиб она юрт дилбандларини тарбиялаймиз.

XXI аср компьютер асри бўлсада, жонли мулоқот, оғзаки нутққа эътибор аввалгидек қолаверади. Чиройли расмларга қараб матн тузиш, иншо ёзиб дил изҳорини баён этиш давом этаберади. Она тили дарсларида фанлараро боғланиш ташил этилади. Масалан, 5-синфда «Сифат» мавзусини ўтишда ўқувчиларни 3 гуруҳга бўлиб, ҳар бир гуруҳ рангларни ўзбек, рус, инглиз тилида айтиши мумкин.

Ёки от, равиш, сонларни, ҳафта кунларини ҳам ўзбек, рус, инглиз тилларида айтиш фанни расм, адабиёт, биология, математика фанлари билан боғлаш XXI асрда ҳам давом этади.

1. Она тили маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. «Маънавиятни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир».

2. Юсуф Хос Ҳожиб, Хоразмий, Навоий асарларига қизиқиш, эҳтиёж ортиб бораверади.

3. Ўқувчилар интернетдан фойдаланиб, дўстларига мактублар ёзадилар.

4. Дарслар кичик гуруҳларда интерфаол усулларда ўтказилади.

5. Дидактик ўйинлардан кенг фойдаланилади.

6. Топишмоқ, мақол, эртақлардан «Сайланма диктант» ўтказишда фойдаланиш қизиқишни орттиради.

7. Саёҳат дарслари уюштирилади.

8. Дўстона муносабатдаги мактабларда она тили дарслари сифат ва самарадорлиги янада ошади.

Демак, XXI асрда ҳам она тили фанлар сардори бўлиб қолаверади.

М.Мамадиева
РТМ методисти

Она тили таълими олдига қўйилган талаб

Бугун она тили таълими учун яратилган дастур ҳам, дарсликлар ҳам янги.

Янги дастур ва дарсликларда она тилимиз қурилишининг илмий талқини ҳам, грамматикага муносабат ҳам анча янгиланган. Демак, таълим технологияси ҳам шунга мослашиши лозим. Дастур ҳам, дарслик ҳам ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда ишлаштини, ижодий излаништини, дарснинг самаралилик ва сифат даражаси жаҳон андозаларига мос бўлиштини, эркин - ижодий тафаккурни ривожлантириш, нутқ санъатини шакллантириш, замонавий ўқув-техника воситаларидан унумли фойдаланишни талаб этмоқда.

Мазкур талаб асосида она тили таълимини ташкил этаётган ўқитувчилар, аввало, дарс жараёнида дастур асосидаги билимларни такрорлатишга эмас, ўқувчи онгида янги билим ҳосил қилишга эришмоқдалар. Иккинчидан, бундай ўқитувчиларнинг ўқувчилари сустрингловчи эмас, балки олинган билимларни қиёслайди, шу асосда янгилик яратишга интилади. Учинчидан, ўқувчиларда фикр ранг-баранглиги боис дарс жараёнида баҳс-мунозара туғилади. Тўртинчидан, ўқитувчи ўз ўқувчиларини изланишга, фикр-мулоҳаза юритишга, излаганини топишга ҳаракат қилишга ва ўз кашфиётини асослашга йўллайди.

Бугунги она тили таълими моҳиятини англаган кўпгина ўқитувчиларимиз мана шу мақсадни амалга оширишда ўз имкониятларини тўла-тўқис намоён этишмоқда. Зеро, бугунги таълимнинг мақсади ва вазифаси онглилик омилини барқарорлаштиришдир. Бунинг учун таълимнинг янги педагогик технологиясини ўқитувчилар орасида оммалаштириш, тўғрироғи, ўқитувчиларнинг янги усуллар билан ишлаштини таъминлаш борасида анча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, ҳар бир ўқитувчи бу масалани ўз-ўзидан ҳал эта олмаганидек, унга четдан туриб назарий масалани ўргатиш каби амалиёт ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шунга кўра бу борада ҳам онглилик омилини барқарорлаштириш лозим.

Маълумки, ҳар икки йилда бир марта йиғиладиган Ўзбек тили Доимий анжумани она тили таълимининг келажак вазифаларини белгилайди ва шу асосий вазифа режаланаётган йигин шиорига айланади.

Она тили таълимида онглиликни барқарорлаштириш ҳам навбатдаги вазифалар сирасига киради, деб ўйлайман.

Она тилини ўрганишда техника воситаларининг ўрни

Фан ва техника, электроника олий даражада. юксалаётган ҳозирги шароитда ўз тилини ҳамда чет тилини билмасдан туриб, на илмий техникавий соҳада, на маърифий-маданий соҳада улкан югуқларга эришиб бўлади. Истиқлол шарофати билан дарслик китобларимизнинг янги авлодлари яратилляпти. Иқтисод, маданият, фан ва техника, ташқи алоқалар соҳасида катта ютуқларга эришдик ва, натижада, тилимизда Европа тилларидан ва бошқа тиллардан кўплаб сўз, иборалар кириб келди. Булар янги тушунчаларни ифодалагани сабабли, янги пайдо бўлган сўзлар дейилади. Тилларда сўзларнинг эскириб, муомаладан чиқиб кетиши табиий бўлганидек, тилга янги сўзларнинг кириб келиши ҳам табиийдир. Таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида дарс жараёнида интерфаол усуллар қўллана бошлади. Кичик гуруҳлар тузиш, ақлий ҳужум, эссе ёзиш, кейс усули, синквейн, кластер усули, англаш, ролли ўйинлар дарс жараёнининг сифатини ошириб, ўқитувчи меҳнатини янада енгиллаштироқда.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг янги лойиҳасини ривожлантирувчи таълим тамойилларига асосланиб, ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлиши керак. Ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири замонавий талаблар асосида ташкил топиши лозим. Бундай жараёнда ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлаш малакалари шаклланади. Ҳамкорликка асосланган таълимда ўқувчилар ўзаро фикр алмашадилар. Ўзаро муомала қилиш малакаси ошади, ҳар бир ўқувчи ўзи ва гуруҳи учун жавоб беришга ҳаракат қилади.

Кейинги вақтларда замонавий янги ахборот технологиялари таълим жараёнига кириб келмоқда. Жумладан; видео, видеокўз, мультимедиа воситалари кенг имкониятли лазерли принтер. Истиқлол туфайли диний қадриятларимиз ҳам ўзимизга қайтарилди. Хадис, оят, сура, шариат, мусулмон, диний бағрикенглик, исломий қадрият каби тушунчалар, айниқса, иқтисодиётга оид сўзлар импорт, патент, бизнесмен, брокер каби сўзлар тилимизни қанчалик бойитаётгани барчамизга аён.

А.Менглиев
Сурхондарё, Қизирик т.
14-мактаб

Ўзбек тили фани ўқитилишининг долзарб масалалари

Таълим тизимида она тилини ўқитиш масалалари жуда осонга ўхшаб кўринса ҳам, тил ўқитиш ўқитувчидан чуқур билим, теран

тажриба ва юксак ихтисослик малакаси талаб қиладиган нозик касблар қаторига киради.

Она тили таълимининг мақсади ёшларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда мантиқан изчил, саводли қилиб баён этиш малака ва куникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Табиийки, бу борада тилшунос олимлар ҳамда она тили таълими соҳасида тадқиқот олиб борувчилар томонидан ўқув стандартлари, дастур ва дарсликлар яратишда кейинги йилларда салмоқли ишлар қилинди.

Айниқса, 8-9 синф она тили дарслиklarининг босмаҳона сифати, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма баён қилишга қаратилган машқлар, топшириқлар мавзуларнинг изчил берилиши биз амалиётчиларга маъқул келмоқда.

Дарсликларда иқтидорли ўқувчилар учун берилган машқлар, билиб олиш, эслаб қолиш, зарурий маълумотлар, уйга вазифа учун, синфда ишлаш учун машқлар алоҳида ажратиб берилганлиги диққатга лойиқдир.

Г.Мамажонов
Наманган шаҳри 7-мактаб

XXI аср ўзбек тили таълими дарсларга ўзига хос тарзда ёндашишни талаб қилади. Чунки бугунги ўқувчи-техника асри, компьютер асрининг фарзандлари. Она тили дарсларида интерфаол усулларидан фойдаланиш ўзининг яхши самарасини беради. Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб, баъзи бир мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман.

6-синфда она тилидан “Феъл нисбатлари” мавзуси берилган. Режада берилган ҳамма феъл нисбатлари ўқиб ўрганилгандан кейин ўқитувчи бир соатлик такрорлаш дарсини ўтказади. Бу дарсни кичик гуруҳларда ишлаш усулида ташкиллаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Нисбат номлари билан ўқувчилар гуруҳларга ажратилади.

Ўз-ўзидан 5 та гуруҳ пайдо бўлади.

1 шарт. Ҳар 1 гуруҳ матн тайёрлайди. Бунда улар ўзлари мансуб гуруҳ номидан келиб чиқиб феъл нисбатларидан фойдаланишлари керак.

1. “Аниқ нисбат” гуруҳи – “Спорт-тинчлик элчиси”.

2. “Ўзлик нисбат” гуруҳи – “Оталар сўзи-ақлнинг кўзи”.

3. “Мажхул нисбат” гуруҳи – “Синфдошим – дилдошим”.

4. “Ортгирма нисбат” гуруҳи – “Муомала одоби”

5. “Биргалик нисбат” гуруҳи – “Болалигим – пошшолигим” каби мавзуларда кичик матн яратадилар.

2 шарт. Бу шарт асосий шарт ҳисобланиб, ўқувчилар феъл нисбатларини қай даражада ўзлаштирганларини кўрсатди. Ҳар бир гуруҳ ўз номлари асосида саволларга жавоб берадилар.

3 шарт. Гуруҳ сардорлари ўқитувчи томонидан олдндан тайёрланган тезкор саволларга жавоб беради. Бу саволлар ўтилган мавзулар юзасидан, адабий, маданий, тарихий ёки сиёсий мавзуларда бўлиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай тезкор саволнинг жавоби бир сўз билан ифодаланиши керак.

4 шарт. Амалий шарт бўлиб, унда “Ўзбек халқининг феъли” мавзусида расм чизадилар.

Расмлар гуруҳлар томонидан изоҳланади.

Ҳар бир шарт бажарилгандан кейин гуруҳлар жавоблари баҳоланади, баҳолар изоҳланади.

Дарс охирида ғолиб гуруҳ аниқланади.

3.Матқурбонова (Урганч ш. 16-мактаб)

Жой номларини ўрганиш орқали ўқувчилар нутқини ўстириш

Жой номлари, яъни топонимлар халқ тарихи, урф-одатлари, дунёкараши, орзу-мақсадлари, тили хусусида бой ва муҳим маълумотларни ўзида сақлаб келган бебаҳо манбадир. Дарс жараёнида ушбу манбадан фойдаланиш, биринчидан, дарснинг самарадорлигини оширсан, иккинчидан эса ўқувчилар ўзлари яшаётган жой номларининг юзага келиш тарихи, уларнинг қандай маъно англатиши ҳақидаги ғоят қизиқarli маълумотлар оладилар.

Айниқса, ўқувчиларга сўз ясалиши ҳақида, сўзнинг морфологик таркиби ва қўшимчалар ҳақида маълумот бериш, шунингдек, уларда этимологик таҳлил кўникмалари ҳосил қилишда топономик материаллар муҳим воситадир.

Ўзбек тилини ўқитишда дарс жараёнида турли замонавий усуллардан фойдаланиш мумкин.

Масалан бугунги кунда компьютер таълимнинг барча соҳаларида тобора ўзига хос салмоқли ўрин эгаллаётганини яхши биламиз. У орқали, дарсда табақалаштириб таълим бериш имконияти катта. Жумладан, ўқувчиларни энг фаол, фаол, суст тоифаларга ажратиб, ҳар бир тоифа ўқувчилар учун компьютерга алоҳида топшириқ киритиш мумкин.

Масалан, она тили дарсларида ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш, фикрни турли усулларда баён қила олишга ўргатиш мақсадида компьютер орқали қуйидагича топшириқлар бериш мумкин:

1-топшириқ. Баҳор сўзи қатнашган гаплар тузинг ва уларни компьютерга киритинг (5 дақиқа)

2-топшириқ. «Сув» мавзусига оид сўз бирикмалари ёзинг.

Бу топшириқ ўқувчилар тоифасига қараб осон ёки мураккаблаштирилади. Компьютерда ўқувчиларни қизиқтирадиган ребус, кроссворд тарзидаги ўйинлар ташкил этиш, берилган сўзлардаги ҳарфлар ўрнини алмаштириш йўли билан бошқа сўзлар ҳосил қилиш мумкин.

Демак, компьютерда юқоридаги каби топшириқларни бажариш ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, мустақил мушоҳада юритиш,

сўз ва унинг маънолари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Биз ўқувчиларга гўзал нутқининг инсон ҳаётидаги беқиёс ўрнини тушунтири олишимиз лозим. Мен ўз дарсларимида бу каби фикрларни ўқувчилар онгига сингдиришда ибратли ривоятлардан ҳам фойдаланаман.

М.Маматалиева
Ангор ш. 28-мактаб

Хатоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш йўллари

Ўқувчилар йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини ўз вақтида олиш саводхонликни ўстиришнинг асосий гаровидир. Ўқитувчи ўқувчи томонидан йўл қўйиладиган хатоларни қуйидаги чора-тадбирлар орқали бартараф қилиш мумкин.

1. Она тили дарсларида имловий дақиқалар ўтказиш. Луғат ишини кенг йўлга қўйиш.

2. Ҳар дарсда ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган умумий хатоларни аниқлаш.

3. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал хатолари устида ишлаш.

4. «Саводхон ўқувчи» танловини ўтказиш.

5. Ўқувчилар ўртасида турли диктантлар ўтказишни ташкил этиш.

Ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хатолар олдини олишнинг муҳим йўли – «Имло луғати» дафтарини ташкил этиш.

Зероки, ўқувчининг йўл қўйган хатоси ўқитувчининг назорат дафтарида қайд қилинса, ўқувчи қайси қоидаларни билмаслиги ойдинлашади.

Ўқитувчи маълум бир ўқувчи учун тайёрлаган карточкани ўрни билан бошқа ўқувчида ҳам фойдаланиши мумкин. Ўқитувчи индивидуал карточкаларни тузишда ўқувчиларнинг реал имкониятларини ҳисобга олади. Тез ёзиш ва мустақил ишлашга ўрганган ўқувчилар топшириқни қисқа муддатда ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчига нисбатан анча сифатли бажарадилар. Етарли даражада мустақил ишлаш кўникмасига эга бўлмаган ўқувчилар карточкада вазифалар бажариш учун бир мунча кўпроқ вақт сарф қилади ва уни бажаришга қийналади.

Навбатдаги диктант таҳлилини ўтказар эканман, ундан олдинги ёзма ишда ўқувчига қандай топшириқ берилганини ҳисобга олиб бораман. Ёзма иш таҳлили дарсларига тайёрланганда, қуйидагиларга амал қиламан:

ўқувчи ёзма ишини сифатли текшириш;

дидактик тарқатма материалларни пухта ўйлаб, уни ҳар бир ўқувчининг билим савияси, мустақил ишлаш кўникмасини ҳисобга олган ҳолда тузиш;

йўл қўйилган хатоларни классификация қилиш, тиниш ва индивидуал хатолар устида ишлаш тизимини тузиб чиқиш;

уйга бериладиган вазифани пухта ўйлаб, ўқувчи йўл қўйган хатосини бартараф этишга ёрдам беришини таъминлаш.

Истиқдол ва она тили

Ўз фикрини равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган ўқувчини замон талаби даражасидаги ўқувчи деб бўлмайди. Умумий ўрта таълимда бу вазифани бажариш, асосан, она тили таълими зиммасига юклатилади. Бугунги кундаги дарсликларимизда ўқувчиларни мустақил фикрлашини ўстиришга катта ўрин ажратилган, тил ва тафаккур узвийлигига амал қилинган. Агар фикр қанчалик тиниқ бўлса, нутқ шунчалик равон бўлади. Хориж тажрибаларидан фойдаланиб, амалиёт ва назариянинг узвий алоқалари яққол сезилиб туради. Қоидалар содда ва тушунарли тарзда суҳбат ва мунозара шаклида берилган. Дарсликлардан ўрин олган такрорлаш, мустақамлаш, тестлар устида ишлаш ўқувчиларнинг онгида билим ва кўникмаларни тўғри ҳосил қилишга қаратилган бўлиб, ҳар бир бўлим бўйича якунловчи савол ва топшириқлар мустақамлаш дарсларига сингдириб юборилган.

XXI асрда ўзбек тилининг ривожланишига, уни қувват олишига ҳар бир она тили ўқитувчиси ўз ҳиссасини қўшмоғи зарур. Тилга эътибор ҳар лаҳзада сезилиб туриши керак. Мактабда ўтказиладиган тадбирлар ҳам ўзбек тилининг инсон ҳаётидаги аҳамиятини оширади. Ўқувчида тилга ҳурмат ва эҳтиром, тилни ҳис этиш фазилатларини уйғотишимиз керак. Бунинг учун ўқитувчининг билими чуқур, тугал бўлиши баробарида нутқи ҳам гўзал, тушунарли ва равон бўлиши шарт.

Она тилида пухта, лўнда ва ширадор нутқ туза олиш малакаси ва маҳорати математика ўқитувчиси учун ҳам, она тили ўқитувчиси учун ҳам бирдай зарурий фазилатдир. Она тили миллий маънавиятимизнинг, дунёни теран идрок этишимизнинг заминидир. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар қандай мутахассис, замон билан ҳамқадам кадр, энг аввало, ўз она тилининг садоқатли соҳиби бўлмоғи лозим. Она тили дарслигидаги ҳар бир жумла ҳар жиҳатдан расо бўлиши, дарсда ўқитувчи томонидан келтириладиган ҳар қандай мисол ўқувчи шуурини ёритадиган гўзал, нутқнинг барча коммуникатив сифатларини ўзида мужассам этган бўлиши зарур. Биз кейинги авлодларга обод ва озод Ватанни мерос қилиб қолдириш учун астойдил бел боғлашимиз керак.

Н.Маматқосимова
Сирдарё вилояти
Сардоба тумани 10-мактаб

Мустақамлаш дарсларида интерфаол методлардан фойдаланиш

Ўқув машғулотларининг самарадорлигига эришиш кўп жиҳатдан ўқув

жараёнини тўғри режалаштириш, ташкил этиш ва амалга оширишга боғлиқ.

7-синфда Олмош сўз туркуми ўтиб бўлингандан сўнг мустақкамлаш дарси берилган. Мустақкамлаш дарси дарс жараёнини лойиҳалаштириш асосида ўтилади. Дарсни лойиҳалаштириш жараёни таълим мазмунини, мақсадни қутилаётган натижани тўғри белгилаш таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчининг билим, қўникма ва малакасини баҳолашнинг аниқ мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш ва уларни дарс давомида бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мустақкамлаш дарсининг усули модул (андозали) усулда олиб борилади.

Ўқув машғулотининг мақсади:

Ўқув машғулотининг сифати, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг бўлим бўйича олган билимларини аниқлаш, кичик гуруҳларда ўзаро ҳамкорликда ишлашга ўргатиш ва мулоқат маданиятини ривожлантириш

Дарс тури: амалий ва суҳбат, интеллектуал ўйинлар орқали билимларни мустақкамлаш. Қутилаётган натижа;

а) ўқувчидан: янги технологик усулларни қўллаш, мавзу бўйича мақсадни тушунтириш, ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш, ўқувчилар билимини ўстириш.

б) ўқувчидан олмош сўз туркуми ҳақида маълумотга эга бўлиш, олмошнинг турлари бўйича топшириқларни бажариш, ўтилган мавзу бўйича реферат ёза олиш, мавзуга тааллуқли маълумотларни қизиқиш билан қабул қила олиш.

Таҳсил олувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш қобилиятларини ҳисобга олиб, синф ўқувчилари беш даражага бўлиб чиқилади. Ҳар бир даража ўқувчи учун таълим мақсадини амалга оширувчи методларни танлайди.

Машғулотда қуйидаги таълим методларидан фойдаланилади:

-Ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш

- Кейс, интеллектуал ўйин, тест карточкаларини ечиш.

XXI асрда она тили дарсларининг ғоявийлигига, миллийлигига, эркинлигига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Ў.Мирзаева
Шўрчи г. 3-мактаб

Ўқувчиларни фаоллаштиришда илғор технологияларнинг ўрни

Илмий – техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришда, балки ижтимоий – гуманитар билимлар доирасини такомиллаштиришда ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Бунинг энг муҳим омили эса янги педагогик технологиялардир. У дарс мақсадини амалга оширишдаги самараси юқори

эканлиги билан аҳамиятлидир, чунки бунда бутун эътибор ўқувчининг фаоллигини оширишга қаратилади.

Хорижий давлатлар тажрибасида синовдан ўтган бу методга дарслар бир неча модели босқичга бўлинади. Улар:

1. Ақлий ҳужум. Ўқувчиларда ҳозиржавоблик ҳиссини ривожлантиришга йўналтирилган бу усул – «Жамоа орасида муайян топшириқларни бажарётган ва ҳар бир ўқувчининг шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда унда маълум жамоа, гуруҳ томонидан билдирилаётган фикрга қарши гоёни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришга» хизмат қилади: Баҳс-мунозара, Гуруҳларга бўлиниб ишлаш, Жуфт бўлиб ишлаш, Занжир машқи, Ижодий иш, Интервал, Интилиш, Интерфаол, Йўналтириш, Музёраф, Суратдаги диктант, Чигил ёзди.

Бу усулларнинг самараси шундаки, дарсда эркин фикр вужудга келади. Ўқувчилар ўз фикрини мустақил баён қилшади, мунозара маданиятини ўрганадилар. Энг муҳими, бундай дарсларда иштирок этиш ўқувчилар учун жуда мароқли кечади, чунки ҳамма тенг фикрлайди, сўзлайди, ижод қилади, жонли жараёнда фаол иштирок этади.

Янги педагогик технологиялар усулидаги дарслар XXI асрга хос ва мос бўлган комил инсонларни тарбиялашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мавлуда Исломова
БухДУ ўқитувчиси

Давлат таълим стандартлари ва қироат санъати

Қироат кенг маънода матн устида ишлаш санъатидир. Улуғ аждодларимиз Юсуф Хос Ҳожибнинг: “Одобнинг боши тилдир”, - деган башорати нотиклик, котиблик, воизлик, қадимдан санъат даражасига кўтарилганлигидан далолатки, буни тиклаш таълим ислоҳотининг асосий вазифаларидан эди. Шу боис умумий ўрта таълимда давлат таълим стандартлари она тили ва адабиёт фанининг ўқитилишига янги дастур талабининг мезон ва меъёрлари аниқ белгилаб берилган. Бу муаллимнинг филологик иқтидор, чуқур билим соҳиби бўлишини тақозо этади ва уларнинг малака оширишига кўйидаги талабларни қўяди:

- тил ва нутқ ҳодисаларининг моҳиятини белгилашда расмий, илмий, оммабоп ва бадиий матнлар имкониятини билиш;

- антик Рим ва қадим Шарқда Қироат санъати замиридан нотиклик, суҳандонликнинг тараққиёти, нотиклик-воизликнинг шуҳрат топишида “Ҳамма хунардан сўз хунари яхши” (Қобуснома) каломи асос бўлганлиги, барча алломаларимизнинг ана шунга амал қилганлигига асосланиб иш кўриш;

- Алишер Навоийнинг Мавлоно Риезий “Ваъз айтган минбарда ўз ашъорини чуқур, йиғлаб важди ҳал қилур”, - деганда алломанинг нутқини жараёнида ҳаракат, имо-ишора, актёрларга хос ижро санъатига қаттиқ амал қилинганлигини алоҳида таъкидлаганлигининг моҳиятини англаб етиш.

- буюк алломалар асарларини ўқиш, ёдлаш, шарҳлаш ўтмиш таълим - гарбиясининг асоси бўлганлиги, унда машғулот вақти билан эмас, мўлжалланган кўникмага эга бўлиш ва бу мунозаралар билан ўлчанганлиги, бу муаллим мударриснинг билим маҳорати асос эканлигига асосланиш;

А.Авлоний, Ҳамза асарлари (“Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби”)нинг моҳияти билан чуқур танишиш;

- қироат таълимидан ваъзхонлик, суҳбат, экскурсия, сценарийли ўқитиш, конференция, назм, баҳс-мунозаралар, мусобақа, семнар дарсларида фойдаланиш;

- қироатда матн турлари, айниқса, бадиий матннинг жанр хусусиятларига таяниш, бунда ўқувчи агар китобга қараса матндаги туйғулар тугўни ўқувчи кўз олдида чилпарчин бўлишини теран ҳис этиш;

- “Ҳа” дейишнинг эллиқдан ортиқ усули борлиги (Бернард Шоу)нинг эътироф этилишини талқин қила билиш;

- бармоқ, аруз вазнидаги матнларда қироатнинг ўзига хослигини амалий ажрата олиш;

- нодир овозлар (Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир) ва замондош адибларнинг жонли овозидан унумли фойдаланиш.

Умуман олганда, қироат санъатини эаллаш бугунги куннинг муҳим ва эскирмас талабидир. Бу эса ҳар бир ўқувчида миллийликнинг ўзига хос бир кўринишини сингдиришнинг ҳаётий мисолидир.

Т.Р.Ниёзметова
ТДПУ доценти

Мақсад – педагогик самарадорлик

Бугунги таълим жараёнида жиддий ислоҳатлар, туб бурилишлар, унинг мазмунини янгилаш билан алоқадор бўлган катта салмоқдаги ишлар амалга оширилмоқда.

XXI аср адабий таълим олдига ҳам янги-янги вазифалар кўяётганлиги бежиз эмас. Дарс мураккаб жараён. Замон талаби тилни билиш, компьютер билан ишлашни талаб этмоқда.

- шунингдек, ўқитувчи билимлар тизимига эга бўлиши керак. Яъни:

- ўз соҳасини яхши билиш;

- кенг ва асосли билимга эга бўлиш;

- жамиятда ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан содир бўлаётган воқеаларга муносабат билдира олиш;

- ўқитувчининг ўз касбига ижобий муносабатда бўлиш ва ҳ.

Ҳозирги замон технологияси фикрлашга тафаккурни ривожлантиришга асосланган.

Педагогик технология-натижа кафолатланиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлашини талаб этади.

Педагогик технология асосида ишлаш учун қуйидаги талабларни

бажариш керак:

1. Ўқувчи (талаба)ларни ўқитиш билан бирга ўқишга ўргатиш;
2. Ўқувчи (талаба)нинг билим эгаллашини бевосита таълим жараёнига

кўчириш;

3. Таълим жараёнида дастурнинг мазкур дарсга мўлжалланган қисмини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш;

4. Таълим жараёнида ўқувчи (талаба)ларни тўлиқ фаоллаштириш;

5. Таълимда интерфаол методлардан фойдаланишни ташкил этиш;

6. Режалаштирилган мақсадга эришиш.

Она тилини адабий таълимга, адабий таълимни она тили таълимига боғлаб ўқувчи (талаба)лар фикрлаш қобилияти ва тафаккурини ўстиришда сўз, сўз бирикмаси, гап тузиш ва матн яратишдаги мақсад - самарадорликка эришишни кафолатлайди.

Сўзлар иштирокида бирикма, бирикма воситасида гап ва матн ёзишга киришилади. Бу ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Тил таълими адабий таълим жараёнига сингдирилиб, «Қатра» ёздириш ҳам ижобий натижа бериши табиий.

Г.Неъматова (Бухоро ВПҚҚТМОИ),

З.Юнусова (ЎзМУ)

Она тили таълимида дарслик ва ўқув материали

Дидактикада дарслик ва дарс ўқув материали назарий жиҳатдан фарқланса-да, узоқ йиллар давомида, хусусан, совет тузуми даврида ретроскопик кўргазмани баён таълим усули ҳукмрон бўлганлиги сабабли ўқув материали ва дарслик материали тенглаштирилган эди ва ҳозир ҳам биз бу салбий ҳодиса таъсиридан қутилганимиз йўқ. Бунинг энг ёрқин далили мактаб дарсликлари ҳажмининг йилдан йилга ошиб боришидир - дидактларимиз ва методистларимиз ўқувчи билиши лозим бўлган билим, ҳосил қилиши керак бўлган малака ва ўзида зотий хислат сифатида сингдирадиган кўникмаларни дарслик материаллари воситасида беришга ҳаракат қиладилар. Дарсликдан энг зарурий ўқув материални олгач, таълим олувчида изланишга, мустақил ишлашга эҳтиёж қолмайди ва мактаб ёш авлод онгини ва зотий табиати, хулқ атвору одатларини шакллантириши сабабли изланиш ва топиш руҳи унда сўнади - «тайёрга айёр»лик иштиёқи кучаяди. Шунинг учун Президентимиз Ватанимизда таълим истиқболларини белгилаб берган тарихий маърузаларида таълим олувчида билимга эҳтиёж руҳини шакллантириш заруригини алоҳида ва алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Ўқув материали зарурий миқдорда дарслик воситасида таълим олувчига етказилгач, унда изланиш ва топишга эҳтиёж қолмайди.

Жаҳоннинг илғор давлатлари ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб ретроскопик таълимдан когнитив таълим усулига ўтиб олди ва умумтаълим мактабларининг «Она тили» ўқув предметидан бугун амалиётда бўлган

ластури ҳам шу усулда тузилган. Когнитив таълим усулининг ретроскопик таълим усулидан асосий фарқи ва ўқувчини таълим объектидан ўрганиш субъекти даражасига кўтарувчи омили ўқув материалининг дарслик материалидан бир неча марта ҳажман катталигидир - дарслик зарур назарий маълумот, намуна ва ўқувчи изланиши ва топиши учун йўлланма - топшириқлар тизимини беради, холос. Бошқача қилиб айтганда, дарслик маълумот бир мавзудан зарурий назарий маълумот ва таълим субъекти бўлган ўрганувчи томонидан уни ўзлаштириш алгоритминини беради, холос. Бунинг учун зарурий материални ўқувчи ахборот банклари - она тили хазиналари - луғат, қомус ва бошқа манбалардан олади. Натижада, ҳам иқтисодий (жаҳон амалиёти луғат ва маълумотномаларнинг «умри» дарсликлардан 4-5 баравар узунлигини кўрсатмоқда) фойда, ҳам маънавий-хулқий ютуқ (ўқувчи изланиш ва топишга интилиш одат тусини олиши) қўлга киритилади. Шунинг учун XXI асрда шиорларимиздан бири «Она тили дарсликларининг ҳажми кичик, ахборот банки катта» бўлмоғи лозим. XXI асрнинг жаҳон миқёсида ахборот асри деб аталиши ҳам бежиз эмас - биз ундан орқада қолмаслигимиз керак.

3. Насриддинова Хоразм ВПХҚТМОИ

XXI аср таълимида она тилининг аҳамияти

Дарс таълимнинг асосий бўлинмас қисмидир. Ўқувчи ва ўқитувчи учун ўқиш фаолиятининг аксарият қисми дарсда мўлжалланади. Она тили машғулотларида ўқувчиларнинг қандай қобилиятларини тарбиялаш мумкин, деган савол туғилади.

Инсон келгусидаги ҳаётини режалаштирар экан, бевосита тарихга назар ташлайди, бугун билан боғлайди. Таҳлил асосида яратилган натижа истиқболдаги ҳаётни тасаввур қилишга имкон беради. Буларнинг барчаси тил, нутқ орқали амалга оширилиши, ҳеч ким учун сир эмас. Аждодларимиз томонидан мерос қилиб қолдирилган билимлар, маълумотлар ёзув, тил воситаларида ўзлаштирилади, сўнгра тўпланган билимлар, маълумотларни ҳаётий тажрибалар билан бойитиб, кейинги авлодга қолдирилади. Шундай экан она тили машғулотларида ўқувчилар сўз бойлигининг кенгайиши, нутқи раvon бўлиши, бошқалар билан мулоқотга киришиб ўз хатти-ҳаракатларини онгли бошқариш йўллари билишлари, турли ахборот ва маълумотларни билиб, дунёқараши ва билимларини бойитиб, мустақил фикр юрита оладиган, ҳаётнинг ҳар жабҳасида керакли қарорларни чиқарадиган қобилиятлари тарбияланиши кўзда тутилган. Бунинг учун она тили машғулотлари замирида фанлараро уйғунлик асос қилиниб олиниши муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда ўқитувчи ўзи ва ўқувчилар учун дарснинг мақсадли йўналишини белгилаши ва буни аниқ ифодалаши ҳам муҳимдир. Чинки ўқитувчи дарс нима учун кераклигини билиши мақсадга

мувофиқдир. Шу боис, дарснинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазибаларини белгилаши керак бўлади. Она тили дарсларида таълимий мақсад, ўқувчиларнинг бир – бирига узвий боғлиқ бўлган тил тушунчалари, қоидалари ва таърифлари ҳақида билим олиши учун қўйилади. Тарбиявий мақсадда эса ўқувчиларда уларни ўраб турган атроф-муҳитга, одамларга, воқеаларга ва бутун дунёга нисбатан муносабатини шакллантириш кўзда тутилади, олган билимларини амалиётга татбиқ этиш жараёнида юзага келадиган қобилиятларни тарбиялашни ривожлантирувчи мақсадни ўз зиммасига олади.

Ботир Назаров
Навоий ВХТПХҚТМОИ

“Синонимлар” мавзусини ўргатишда координата чизигидан фойдаланиш

Она тилидан синонимларни, уларнинг ижобий ва салбий маъно нозикликларини ўргатишда математика фанида фойдаланиладиган координата чизигини қўллаш юқори самара беради.

Маълумки, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда, сўз бойлигини оширишда синоним (маънодош)лар юзасидан ҳосил қилинган кўникма ва малакалар катта роль ўйнайди. Синонимларни яхши билган ўқувчининг нутқи раван, таъсирчан, жозибали бўлади, қайтариқларга йўл қўймайди.

Аммо синонимларни ҳар доим ҳам бир-бири билан алмаштириб бўлмайди. Бир умумий маънони ифодаловчи сўзлар баъзан ижобий ёки салбий маъно нозикликлари, услубий хосликлари ва ифодалаётган маъноларининг даражаланиши билан фарқланиб туради.

Ўқувчиларда ушбу ҳодисалар ҳақида етарли билим ва кўникмалар ҳосил қилиш учун бундай синонимларни (ўртада ноль, унинг икки томонидан мусбат ва манфий сонлар ифодаланган) координата чизигига жойлаштириш мумкин.

Масалан, ўқувчиларга юз (бет) сўзининг синонимларини топиш топширилади. Ўқувчилар навбат билан юз, бет, чеҳра, башара, турқ, афт, ораз, рухсор, дийдор, талъат, сиймо каби маънодошларни айтадилар.

Ўқитувчи ёзиб олинган ушбу синонимларни маъно даражаси, ижобий ва салбий маъно ифодалашига кўра синф тахтасида чизиб қўйилган координата чизигида ифодалашни топширади. Юз сўзи бетараф (нейтраль) бўлганлиги учун 0 (ноль) белги устидан жой олади. Қолган сўзлар ҳам ўз ўрнига жойлаштирилади. Натижادا, қўйидаги манзара юзага келади:

Башара Турқ Афт Бет Юз Чеҳра Дийдор Рухсор Ораз Талъат Сиймо.

-5 -4 -3 -2 -1 0 1 2 3 4 5

Бизнингча, синонимларни ушбу усул ёрдамида ўзлаштирган ўқувчи маънодош сўзларни ўз ўрнида қўлашда деярли хатога йўл қўймайди.

М.Омонова
Фаргона в. Кува ТХТБ

Фанлараро боғланиш - дарс самарадорлигини ошириш омили

Адабиёт она тилига жуда яқин фан бўлганлиги учун ўтилаётган ҳар бир мавзуни унга боғлаб ўргатиш мумкин. Ҳозирги кун таълими ўқитувчидан нафақат ўз фани, балки бошқа фанларни ҳам билишни талаб этмоқда. Шундай экан, ўқитувчи ўз фани билан бошқа фанлар ўртасидаги умумий ўхшашлик ва муштараклик хусусиятларини ўтаётган дарсида ёритиб бериши зарур. Она тили дарсида қўлланиладиган барча иш турлари давомида таълимий диктант, изоҳли ёзув, грамматик ўйинларни ташкил этиш, бошқотирмалар тузишда адабиёт фанига боғланиши мумкин. Масалан: 5-синфда «Зид маъноли сўзлар» мавзуси ўқитилади. Бу мавзуни адабиёт фани билан боғлаш учун «Ким топқир?» грамматик ўйинидан фойдаланилади. Аввало, ўқувчиларга «Зумрад ва Қиммат» эртагини биласизми? Деган савол билан мурожаат қилинади. Болалар, албатта, «Ҳа» деб жавоб берадилар. Шундан сўнг ўйиннинг шарти тушунтирилади. Синф икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳи Зумраднинг фазилатларини, иккинчи гуруҳ Қимматнинг салби хислатларини ёзув тахтасига ёзади.

Ўйинга маълум дақиқа вақт ажратилади. Қайси гуруҳ тез, кўп ёзса, ўша гуруҳ ғолиб ҳисобланади ёки шундай грамматик ўйиннинг матни эшиттирилиши ҳам мумкин. Бунинг учун 5-синф адабиёт дарслигидаги Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридан олинган «Муқбил ва Мудбир» ҳикояси магнит лентасига ёзиб олиниб, ёки дарс компьютер хонасида олиб борилса, компьютер орқали ўқувчилар диққатига ҳавола қилинади. Ўйиннинг шартига кўра, ўқувчилар магнит лентасига ёки компьютерда берилган ҳикоядаги қаҳрамонларнинг ижобий ва салбий фазилатларини дафтарларига ёзадилар.

Бу усул орқали ўқувчилар бир вақтда «Зид маъноли сўзлар» мавзусини ўзлаштирадилар ва хотирлаш қобилиятларини ривожлантирадилар, шу билан бир қаторда ахлоқий тарбия оладилар. 5-синф «Шаклдош сўзлар» мавзусини ҳам адабиётга боғлаш мумкин. Бадиий адабиётдаги туюқ жанридан мисоллар ҳам магнит лентаси, ёки компьютер орқали берилади.

Она тили дарсларида тарихий ҳодисалар, тарихий шахслар фаолияти ҳақида мисоллар келтириш орқали тарих фани билан боғланади «Лексикология» га оид мавзуларни ўтишда тарихий материалларга таяниш мумкин.

Навоний ижодини ўрганиш тафаккурини ўстиришнинг муҳим омилidir

Ўқитувчи Алишер Навоий ижодига ажратилган дарсларни ранг-баранг усулда ташкил этиши лозим. Шундагина ўқувчиларни А.Навоий адабий меросининг рангин оламига олиб кириш ва у олам сирларидан воқиф этиш мумкин. Мустақил ишлашга йўналтирилган машғулотларни қуйидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

- қўшимча адабиётлардан фойдаланиш, масалан: А.Ҳайитметов: “Навоийхонлик сабоқлари”, А.Абдуғафуров: “Буюк бошлиқ сабоқлари”, Н.Ҳаққулов: “Шеърят – руҳий муносабат”, “Камол эт касбим”, “Тасаввуф ва шеърят”, Султонмурод Олим: “Луқмайи ҳалол”;
- лугат билан ишлаш;
- дидактик материаллардан фойдаланиш;
- қироат санъатини қўллаш;
- топқирлар ва зукколар мусобақаси;
- баҳру байт;
- ноанъанавий дарслар (театрлашган назм, таҳлил, конференция, семинар, баҳс);
- ижодий матн яратиш (“Навоийни мен қанчалик биламан”, “Навоий ғазаллари шайдосиман”, “Замонамиз ардоқлайди улуғ шоирни”, “Навоий асарларидан олган таассуротларим” ва ҳоказолар);

Навоий ижоди юзасидан илмий мақолалар тайёрлаш.

Агар мактаб дастуридаги Навоий ижодига ажратилган соатлардан ўринли фойдаланилса, юқорида қайд этилган тавсиялар асосида дарслар ташкил этилса, ёш авлоднинг мумтоз адабиётга қизиқиши, уни мунтазам ўрганиб боришга рағбати ортади. Бу эса миллий ўзликни англаш, Давлат таълим стандартларининг талаби асосида ўқувчиларнинг ўз хатти-ҳаракатига нисбатан масъулиятини ошириш, ватанпарвалик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

И.П.Пўлатов
Қўқон ДПИ

Она тили таълимидаги инновацион методлар

Янги педагогик технология ўқувчига таълим жараёнининг субъекти, яъни фаол иштирокчиси, ўқитувчига эса шу жараённинг ташкилотчиси, бошқарувчиси сифатида қарашни тақозо этади.

Янги педагогик технология бўйича ўқитишда қуйидагилар таълимнинг асосий параметрлари ҳисобланади:

1. Бутун ўқув вазияти бошқарув объекти саналади.

2. Таълимни бошқариш мақсадли бўлиб, ўқувчининг маънавий ва руҳий кучларини ривожлантиришни кўзда тутди.

3. Таълим жараёни демократик, рағбатлантирувчи услубда бажарилади.

4. Таълим жараёнининг зарурий шартини ўқувчининг шахсий ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ўқитувчи шахсининг очиқлиги, уларнинг ҳамкорлиги ўзаро ишончли муносабатларни юзага келтиришдир.

Педагогик технология ўзига хос тамойилларга эга бўлиб, булар қуйидагилардир:

1. Муайян дарс, мавзу, қисм, ўқув предметидан кутилган асосий мақсадни шакллантириб олиш.

2. Умумий мақсаддан келиб чиқиб, дарсни ёки ўқув предметини модулларга ажратиш, ҳар бир модулдан кутилган мақсадни ва модуллар ичида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар тизimini аниқлаб олиш.

3. Модул ичида ечиладиган масалаларнинг ҳар бир бўйича тест саволларини тузиб чиқиш.

4. Мақсадларга етиш усуллари танланиб, уларни ишлатадиган аниқ жойларни белгилаб олиш.

5. Дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликларга ва фанлараро алоқаларга алоҳида эътибор қаратиш.

Янги педагогик технологияларга бағишланган адабиётлар ва мақолаларда бир қатор ўқитиш усуллари ҳақида сўз юритилмоқда. Бу усуллар инновацион методлар сифатида тақдим этилмоқда. Шулардан она тили дарсларида қўлланиши мумкин бўлган айрим методлар хусусида сўз юритамиз:

1. Модулли таълим технологияси бу ўқувчиларда дарслик, илмий-оммабоп ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида ўтказилади. Модулли таълим технологиясининг ўзига хос жиҳати, ўрганилаётган мавзу бўйича ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлашига имкон берадиган модулли дастур тузишдир.

2. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси. Унинг асосий ғояси ўқув топшириқлари ва фақат биргаликда бажариш эмас, балки ўқувчиларни ҳамкорликда ўқишга ўргатиш, улар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва фикр алмашинувини вужудга келтириш.

3. Муаммоли таълим технологияси. Муаммоли вазият яратиш, саволлар қўйиш, масалалар ва топшириқларни тақлиф қилиш, муаммоли вазиятни ечишга қаратилган муҳокамани уюштириш ва хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлашдир.

4. Интерфаол метод технологияси. Ўқувчиларнинг ижодкорлигига таяниш, дарсда эркин баҳс-мунозара шароитини туғдириш. Бунинг учун синф кичик гуруҳларга бўлинади ва дарс давомида шу гуруҳлар билан ишланади.

5. Дидактик ўйинлар технологияси. Дарс жараёнида турли дидактик ўйинларни қўллаш ва улар орқали дарсда жонланиш, фаол ҳаракат ва қизиқиш уйғотиш.

6. Синов дарслари. Ўқувчиларнинг маълум билим ва кўникмаларини синаш мақсадида ўтказиладиган дарслар бўлиб, улар тест топшириқлари ёки назорат варақлари орқали ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига олиб кириш давр талабидир. Бу иш эса ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи ижодкор бўлиши, янги педагогик технологияларнинг хилма-хил шаклларини, усулларини яратиб бориши, уларни таълим жараёнида қўллаб бориши лозим.

Н. Ғуломова
Республика таълим маркази

Адабий таълим самарадорлигини ошириш омиллари

Адабиёт ўқитиш методикаси илмида кашф этилган тозариш, янгиланиш такомиллаштирилган дастур, дарслик ва методик қўлланмаларга сингдирилган ҳолда адабий таълим амалиётига кириб келмоқда.

Бугунги кунда янгиланган ўқув-методик адабиётлар билан ишлаш йўллари янги тамойиллар асосида олиб борилиши давр талаби бўлиб, адабиёт дарсларида ўқитувчи эмас, кўпроқ ўқувчининг ишлашига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адабиёт бўйича ташкил этиладиган машгулотларни ўқувчининг изланиши, меҳнат қилиши, асарни мутолаа қилиб, таҳлил этиши, мулоҳаза юритиб, фикр айтиши, асар ҳақида ўз даражасида хулосаларини билдириши, ўзининг тарбияланиши ва руҳиятига инсоний фазилатларни сингдиришда шахсан иштирок этишига хизмат қилдириш ўқувчини баркамол шахс сифатидага шакллантириш омилidir.

Бугунги адабий таълим талабларида илгариги ўқув-методик адабиётларда бўлгани каби ягона, ҳал қилувчи фикр ўқитувчи ва дарслик томонидан билдирилмайди ва ўқувчи ҳам дарсликдаги фикрни такрорлашга ўргатилмайди. Янгиланган адабий таълим ҳамда методиканинг асосий тамойили шундаки, ўрганилган бадиий асарлар юзасидан ҳамма учун ягона хулоса чиқарилиши мумкин эмас. Ўсиб-ўрганилган ҳар бир асар юзасидан ўқувчиларнинг ҳар бири ўз савияси, тушунганлик даражасига қараб, турли-туман хулосаларга келиши керак.

Адабиёт дарсларида асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат, ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатишдир. Ўқитувчининг вазифаси дарс машгулотларида масалани тўғри қўя билиш, ўқувчини ўз фанига қизиқтира олиш, боланинг туйғуларини безовта қилишдан иборат.

Ўқувчи ўз билими ва тажрибасида дуч келмаган вазият билан тўқнашганда ва бу вазият уни қизиқтириб қолганда, бола ихтиёрий ҳаракатга тушади, мустақил фикрлай бошлайди. Қизиқтирилган бола масаланинг моҳиятига етмагунча, қўймайди. Фақат болани шундай ҳолатга сола билиш лозим.

Ўқитувчи ўз ўқувчиларини асардаги воқеаларни ўзлаштиришгагина эмас, балки улар замирида яширилган ҳаётий ва бадий маъноларни илғаб олишга йўналтириши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Машғулотлар бадий асарни таҳлил қилиш бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишлар: ўқувчиларни мустақил ишлашга, изланишга, асарларни мутоалаа қилиш, тушуниш ва хулоса чиқаришга ўргатишда ўрни билан илғор педагогик технологиялардан фойдаланилса, адабий таълимнинг янгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун бола шахсини устувор мавқега кўтариш, машғулотларда маънавият шакллантириш устуворлигини таъминлаш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўқувчининг ўзини ҳаракатга ундаш, тарбияланиши жараёнида ўзининг бевосита иштирокини таъминлаш ғояларига амал қилинса, адабиёт ўқитишдан қутилган мақсадга эришиш осон кечеди.

Нигора Рашидова
НДПИ магистри
Дилнавоз Ғойибова ўқитувчи

Маънодош сўзларни интерфаол усулларида ўтиш

Мустақил республикамиз учун етук мутахассислар тайёрлаш, миллий дастурни амалга ошириш, она тили ва адабиёт ўқитувчилари олдига катта вазифалар қўйган. Бу вазифаларни бажариш турли дарс турларини қўллашни тақозо этади. Шундай дарс турларидан бири “Бошқотирма”лар усулидир. Бу усулда кроссворд, чайнворд, ребус ва бошқа бошқотирмалардан фойдаланиш мумкин.

Ҳар қандай янги мавзунини ўтишда, ўқувчилар билимини синашда бу усул қизиқарли, тафаккур ва хотирани ўстириши билан ажралиб туради.

Қуйидаги она тили дарсида маънодош сўзлар мавзусини интерфаол усулларга асосланган намунасини келтирмақчиман.

Бу дарсда ўқувчиларга шундай вазифалар берилади:

1. Нуқталар ўрнига оҳангдош сўзлар топинг ва бу сўзларнинг маънодошини аниқланг.

2. “Ойнаи жаҳон” да берилган бошқотирма шеър.

3. Сканвордли бошқотирма.

4. Ўқувчининг луғат бойлигини аниқланг.

Дастлаб, дарс савол билан бошланади:

Бошқотирма шарт: мисралар охирида тушиб қолган оҳангдош сўзларни топинг.

Ўқувчилар сўзларини топгач, шундай топшириқ берилади: бу сўзлар ўрнида яна қандай маънодош сўзлар қўллаш мумкин?

Ўқувчиларни мустақил ишлашлари учун, уларнинг луғат бойлигини аниқлаш мақсадида уларга яна шундай топшириқ берилади:

Берилган сўзларнинг яна қандай маънодошлари бор?

Муътабар, табаррук-

Қизил, қирмизи-

Овоз, товуш- ва ҳ.

Бу топшириқни бажаришда ўқувчининг кўпроқ бадий асарларни ўқигани, луғатлар билан ишлагани қўл келади.

Бундай саволлар, топшириқлар ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

С.Раҳимов

Г.Ҳимматова

Она тилини ўқитишда таълим эталони

Таълим тизимида юз бераётган буюк оламшумул ўзгаришлар турли тушунча ва атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши учун замин яратмоқда. Ана шундай атамалардан бири «эталон»дир. Хўш «эталон»нима?

«Эталон» атамаси французча сўз бўлиб, намуна, «ўлчов бирлиги», «ўлчов асоби» деган маъноларни билдиради. Масалан, оғирлик ўлчови-килограмм (кг) халқаро ўлчов бирлиги бўлиб, у баландлиги ва диаметри 39 ммдан иборат платиндан ясалган цилиндр -демак, ўқитишда ҳам маълум ўлчов бирлиги бор ва у таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат этиш, энг юқори натижага эришиш воситаси деб қаралиши керак. Шу жиҳатдан олганда ҳозирги пайтда таълим эталонини мақсадга йуналтириш, қўйилган ўқув мақсадлари асосида таълим эталонини белгилаш уни баҳолаш устунлик қилмоқда. Таълим эталонини белгилашда, бизнингча, уч нарсага эътиборни қаратиш лозим бўлади. (мақсад-М: восита-В, натижа-Н).

Натижа олиш учун таълим эталони босқичларига эътибор қаратилади. Бу жараён асосан, тўрт босқичдан иборат бўлиши мумкин:

Биринчи босқич. Ўқув мақсадларини аниқлаш.

Иккинчи босқич. Ўқув мақсадларини мавзу моҳиятига кўра гуруҳларга ажратиш, бунинг учун эксперт комиссияси аъзолари биргаликда мунозара қилиб, ўқув фаолиятининг бош мақсадини аниқлаш.

Учинчи босқич. Ўқув мақсадининг бир-бирига бўйсунувчи тизимини яратиш. Бунинг учун бош ўқув мақсад рим рақами, иккинчи тоифага мансуб ўқув мақсадлар араб рақами, қолган ўқув мақсадлар бош литерлар билан белгиланади.

Тўртинчи босқичда таълим эталони тузилади. Бу қуйидагича тартибда борилади:

I. Уюшиқ бўлақларни ўргатишда етакчи ўқув мақсади: оғзаки ва ёзма нутқда гапда уюшиқ бўлақларни тўғри ишлатиш.

II. Шартлари:

III. Мақсадлардан келиб чиқадиган натижа:

IV. Натижани баҳолаш: 1) берилган маълум бир ўқув топшириқларини (тест)ни ажратилган вақт ичида бажара олиш; 2) бажарилган топшириқлар

бўйича ахборот (оғзаки ёки ёзма) тайёрлаш; уюшиқ бўлақлар бўйича олган ўз билимларига муносабат билдириш ва ўзини ўзи баҳолаш.

Демак, шундай ўқитиш жараёни она тилидан ўтиладиган ҳар бир мавзу учун қўлланиши мумкин. Хулоса шуки, она тилини ўқитишда таълим эталони жуда яхши самара беради ва педагогик технологиядан фойдаланишнинг яхши усули саналади.

С.Ражабова
Хоразм, Боғот
3-ихтисослашган мактаб

Она тили дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш

Она тили дарсларида маълум мавзулар билан боғлиқ WEB саҳифалар яратиш мумкин. Масалан 8-синфда «Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари» мавзусини бошлашдан олдин ўқувчиларга ўзлари ўқиётган мактаб-интернет ҳақида тўлиқ маълумот берувчи реклама слайди яратиш топширилади. Ўқувчилар томонидан яратилган слайддан парча: «Сиз турли фанлардан саводхон бўлишни, аъло баҳоларга ўқишни, ўзингиз хоҳлаган олий ўқув юртига ўқишга киришни истайсизми? Марҳамат! Бизнинг 3-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернатимизга ташриф буюринг! Илм даргоҳимизда ўз фанининг фидойилари заҳматкаш устозлар таълим бериб келмоқдалар...» ва ҳ.

Ўқувчилар слайд яратиш жараёнида дарак, сўроқ ва буйруқ гаплардан фойдаланадилар. Мавзу юзасидан амалий машқ бажарилади.

9-синф она тилидан «Қўшма гаплар» мавзусини ўтиш жараёнида адабиёт дари учун тайёрланган Алишер Навоий ҳақидаги WEB саҳифа намойиш этилиб, ўқувчилар ундаги маълумотлар билан яқиндан ганишадилар. Матн таркибидаги дарак гапларни аниқлаб, уларни содда ва қўшма гапга ажратадилар. Ўқувчилар нафақат WEB саҳифа яратиш, балки ўзлари яратган матн асосида грамматик топшириқларни амалга оширадилар.

Компьютердан фойдаланган ҳолда ўйинлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

1. «Энг топқир мусаҳҳиҳ» ўйини. Бу ўйин учун олдиндан ўқитувчи томонидан компьютерга маълум бир матн киритилган бўлиб, ўқувчиларга дарс жараёнида ана шу матндаги хатоларни аниқлаш топширилади. Ўқувчи аниқлаган хатоларини дафтарга ёзади ва мониторда тузатиш киритади. Энг кўп хато топган ўқувчи «Энг топқир мусаҳҳиҳ» деб эълон қилинади. Бу ўйинни ўтказиш билан:

вақтдан унумли фойдаланиш мумкин;

ўқувчилар саводхонлигини аниқлаш имконияти бўлади;

матн устида мавзуга алоқадор грамматик топшириқларни бажариш мумкин.

2. «Ўз ўрнингни топ» ўйини компьютер мониторида бетартиб ёзилган

атамалар ва уларнинг изоҳлари берилган. Ўқувчилар ҳар бир атамани ўз изоҳи ёнига жойлаштириши зарур. Бу жараёнда ўқувчидан ҳар бир атамани ва унинг изоҳини яхши билиши талаб этилади, демак, грамматик маълумотларни ўзлаштириб олганлиги текширилади.

Ахборот технологияларидан фойдаланишнинг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, қисқа фурсатда кўпроқ маълумот олиш билан бирга ўқувчида мустақил ишлаш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради.

О.Раҳимова
Урганч 1-мактаб

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари

XXI аср фан ва техника асридир. XXI аср ўқувчиси фан ва техниканинг энг охириги ютуқларига таянган ҳолда ўз билим ва иқтидорини ошириб бориши лозим. Жумладан, энг сўнгги ахборот технологиялари: компьютер, ундаги интернет тизими билан бемалол тиллаша оладиган бўлмоғи лозим. Бизнинг ўқувчиларимиз маълум даражада бунга эришмоқдалар ҳам. Негаки, юртимиздаги умумтаълим мактаблари, лицей, коллеж, институт ва университетлар йил сайин ахборот технологиялари билан таъминлаб борилмоқда. Бундай дарс турини ушбу маърузада ўрта таълим мактабининг 7-синф «Она тили» дарслигининг «Тил ва нутқ» мавзуси мазмунини компьютер ютуқларидан фойдаланган ҳолда ёритишга бағишланган бир соатлик дарс мисолида кўрсатмоқчимиз.

Дарс қуйидаги тартибда ўтказилади:

1. Ушбу дарс янги ўқув йилидаги илк сабоқ бўлганидан кириш суҳбати ўтказилади.

Шундан сўнг синф ўқувчилари 4 кичик гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳ: «Тилшунос»

2-гуруҳ: «Ўзбек тили»

3-гуруҳ: «Чет тиллари»

4-гуруҳ: «Нутқ»

Гуруҳларга берилган вазифа қуйидагича:

1. «Тилшунос» гуруҳи аъзоларининг вазифаси тилнинг жамиятда тутган ўрни, тилшунослик фани ўрганиладиган масалалар, тил ҳақидаги мақол, ҳикматли сўзларни баён қилиб беришдан иборат бўлади.

2. «Ўзбек тили» гуруҳи аъзолари ўзбек тилининг тарихи, унинг ривожланиши, бутунги кундаги раванқи ҳақида фикр юритадилар.

3. «Чет тиллари» деб номланган 3-гуруҳ аъзоларига чет тиллари ва ўзбек тилининг ўзаро алоқаси, ўқувчиларнинг чет тилларини ўрганишга бўлган интилишлари, бу борада ёшларга яратилаётган имкониятлар ҳақида маълумот беришади.

4. «Нутқ» гуруҳи нутқ ва унинг аҳамияти, чиройли нутқ кўринишларини таърифлаб бериш билан шуғулланадилар.

Бундай дарслар ўқувчиларнинг самарали, замонавий ахборотларга бой материаллар билан танишишларига кўмак беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, она тилини ўргатишда замонавий усуллардан, хусусан, ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали биз таълим сифатининг яхшиланишига ва ўқувчиларнинг она тили дарсларига қизиқишлари ошишига эришамиз.

Р.Ражабова
(Бухоро ш. 15-мактаб)

Она тили таълимида илгор технологиялар

Она тили дарсларида ижодий матнлар туздиринишга, фикрлашга ундовчи ўйинлардан фойдаланиб дарсларни ташкил этишга ҳаракат қиламан. Бу топшириқлар ўқувчиларни Ватанни, ота-онани, табиатни севишга, иймонли, эътиқодли бўлишга ундайди. Масалан: 5-синфда «От» сўз туркуми ўтиб бўлингандан сўнг «Кўёш – эзгулик рамзи», «Ернинг раҳмати» мавзуларида матн тузишни топширганда, ўқувчилар қуйидагича матнларни тузадилар:

Ҳар субҳи содиқда ёруғ ният билан остона ҳатлаб мактабга отланаман. Атрофимни ўраб олган табиат мени қувонч билан кутиб олади. Оппоқ тонг, субҳидам саболари, она заминда яшнаб кўз очган гулу чечаклар, қушлар чуғури, хўрозларнинг узоқ-яқиндан қичқириви митти юрагимга олам-олам қувонч бўлиб кириб келади. Кўёшга термуламан: ҳаммага баробар нур сочади у. Ҳавасим келади унга, балки ҳамма нарсадан баландда тургани учун ҳам саҳоватлидир. Ҳисларим капалак қанотларидек пирпирайди.

Она тилидан амалий машғулотлар ўтишда Веен диаграммаси, Гейзер усулидан, турли ижодий ўйинлардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга имкон беради.

6-синф она тилидан «Дарахт ва ўсимлик отлари» мавзусини ўрганишда «Веен диаграммасидан» фойдаланаман.

«Сиз бўшсиз» ўйини

Бунда 3 ўқувчи доскага таклиф этилади. Саволларга тўлиқ жавоб бермаган ўқувчи ўйиндан чиқади.

Туркий халқлар Ўрхун-Энасой номли ёзувдан қайси даврда кенг фойдаланган эдилар! – V-VIII асрларда

Тил воситаларининг нутқда ишлатилиш имкониятлари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади? – Услубият (стилистика)да.

«Кул тегин» ёдгорлиги қандай материалдан ишланган? – мармардан.

Туркий тилда асарлар ёзиш ҳақида қайси подшо махсус фармон чиқарган? – Ҳусайн Бойқаро.

Ўзбек тили қайси тил оиласининг қайси гуруҳига мансуб? – Туркий

тиллар оиласининг олтой гуруҳига.

Луғати чигатой ва турки усмоний (чигатойча ва усмоний туркча луғат) кимнинг қаламига мансуб? – Абулқосим Маҳмуд Замахшарий.

Бизнинг давримизда жаҳон халқларининг неча фоизи ўз ёзувларида лотин алифбосини асос қилиб олганлар? – 30%

Азамат Раҳимов
Қашқадарё вилояти Методика маркази

Адабий таълим самарадорлигини оширишда ўқитувчининг роли

Ўқитувчини учта бақувват илдизга эга бўлган улкан дарахтга қиёслашди. Бу жуда ҳам ўринли ўхшатишгина эмас, балки илмий жиҳатдан ҳам асосланган таққослашдир:

Биринчи илдиз- ўқитувчи илмий-назарий жиҳатдан дадил, етилган бўлиши;

Иккинчи илдиз- ўзи дарс берадиган фаннинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши;

Учинчи илдиз- у педагогика, методика, психология асосларини пухта эгаллаган бўлиши даркор.

Мана шу уч илдизнинг ўқитувчида мужассамланганлиги унинг маҳоратида, таълим-тарбия соҳасидаги кундалик фаолиятида ўз самарасини кўрсатади. Айниқса педагогика, психология фани ютуқларини ўзига сингдирганлиги, ўқитишнинг янги, илғор методларини қўллай билиши, қисқаси, педагогик тайёргарлиги ўқитувчи фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитувчи инсоният яратган илм дурдоналарини ўқувчининг онгига, қалбига етказишда энг асосий шахс ҳисобланади. Ўқувчиларнинг билимлилик даражаси уларда мужассамланган билим, малака ва кўникмалар мажмуаси билан ўлчанади. Энг муҳими эса, ўқувчиларнинг билимларни эгаллашга тайёргарлиги даражасини юксалтиришдан иборатдир. Ўқувчиларнинг билимдонлиги ва билимларни эгаллашга шайлигини таъминлаш зарур педагогик малакалардан биридир.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг умумий маданиятни юксалтиришга, фарзандларимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига, йигит-қизларимизни жамият, давлат, оила олдидан ўз масъулиятини чуқур англаб етувчи шахслар этиб тарбиялаш мақсадлари асосан адабиёт дарсларида амалга оширилади. Адабий таълимнинг бош мақсади ўқувчи шахсини, унинг маънавиятини шакллантириш эканлиги боис ҳам она тили ва адабиёт фани «Кадрларни тайёрлаш миллий дастури»да баркамол инсон тарбияси бўйича қўйилган вазифаларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Бу вазифалар бошқа фан ўқитувчиси фаолиятдан кескин фарқ қилувчи адабиёт муаллимидан катта масъулият талаб этади. Адабиёт ўқитувчисигагина хос бўлган билимдонлик, ўқитадиган

франкии нухта билиши, нотиклик санъатига эга бўлиш, ўқитиш воситаларидан фойдаланиш малакасини эгаллаганлиги, ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини таҳлил қилиши ва баҳолай билиши, билимларни узлуксиз мустақил эгаллаб бориши, ўқитувчининг шахсий сифатлари (меҳнатсеварлик, юксак маданиятлилик, мустақиллик, ижодкорлик, камтарлик, ахлоқий поклик ва бошқалар), ўқувчиларда ўз фанига қизиқиш уйғота олиши, таълимнинг турли илғор усулларини ва ҳ.к. каби сифатларни эгаллаганлиги ўқувчи маънавиятини шакллантириши, адабиёт дарсларининг самарадорлик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Саидов Маҳаммад,
профессор. Чимкент**

Она тили ўқитишга янгича назар

Таълим-тарбия жараёнига ҳар томонлама ёндашиш янги технология дарсларининг асосини ташкил этади, чунки унда ўқувчилар ўрганилаётган мавзуни ҳар томонлама (албатта имкониятларига қараб) муҳокама қилиб, ўзларининг билими, тажрибаси, ёши, қизиқиши, фикрлаш қобилиятлари негизда хулоса чиқарадилар. Бунда ўқувчилар мавзуга оид аниқ мазмун, унинг таркибидаги грамматик атамалар, уларнинг амалда қўлланиши бўйича аниқ бир фикрга келадилар, бу ўқувчиларда шу атамаларни қўллаш кўникма ва малакасини шакллантиради, атамалар ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Иккинчидан, ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, гуруҳ сардори бошчилигида бир кичик жамоани ташкил этади ва уюшқоқлик билан қўйилган муаммони ҳал этишга ҳаракат қиладилар, демак улар ўзаро муносабат, иззат-ҳурмат, одоб, баҳслашиш маданияти, сўзловчининг фикрини тинглай билиш, уни тушунишга интилиш кўникмаларини эгаллайдилар, жамоа тартибини ўрганадилар.

Масалан: 10- синфда «Нутқ товушлари» мавзусини ўрганиш пайтида нутқ товушлари, нутқ, товуш, сўз, сўзнинг маъноси каби тушунчаларнинг маъносини билиб олишга, шу тушунчалар иштирокида нутқнинг пайдо бўлиши жараёнини англаб етишга имконият яратилади, аввал ўрганган материаллар эсга туширилади.

Бу мавзуни ўрганишда товуш сўзининг лексик маъносини англаб етиш учун товушнинг ҳаво ҳаракати натижасида, жисмларнинг ўзаро урилиши натижасида вужудга келишини изоҳлаш, у инсон фаолияти билан боғлиқ бўлиши ҳақида маълумот бериш зарур. Табиатда сувнинг шилдираши, ҳавонинг гулдураши, ёмғирнинг шивиллаши, дарёнинг шовуллаши, жамиятда турли асбоб, дастгоҳ, техниканинг ишлаши оқибатида пайдо бўладиган товушлар; инсон нафас чиқариши, сўзлаши чоғида ҳавонинг товушга айланиши ҳақида атрофлича маълумот бериш мумкин.

Буни ўрганиш чоғида фикрлаш, мулоҳаза қилиш, исботлаш, далил келтириш, ўз фикрини асослаш қобилиятлари ўстирилади, шакллантирилади.

Ўқитувчи бунга эришмоқ учун уни асосий мақсад қилиб қўймоғи, дарснинг педагогик, психологик, методик ва тарбиявий томонларини назардан қочирмаслиги, ўқувчилар фаоллигини ошириш усулларидан кенг фойдаланиши керак.

Сир эмаски, айрим ўқувчилар дарс жараёнида оғзаки нутқни ўстириш учун олдиниға 1-2 ўқувчи билан, бора-бора гуруҳларда ишлашни, сўзлашни одат тусига айлантириши зарур.

Ўқувчилар фикрини янада кенгайтириш, чуқурлаштириш, билимини мустақамлаш учун мавзунини илгари ўтган мавзулар билан албатта боғлаш зарур.

Намуна.

Мавзу: «Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш»

Мақсад: 1.Сўзларнинг маъно фарқларини изоҳлаш ва қўлланиш ўринларини тушунтириш, синонимлар мавзусини эслаш, мустақамлаш.

2.Уядош сўзлар ҳақида маълумот бериш орқали сўзлаш-маданий ахлоқни тарбиялаш.

3.Сезгирлик, кузатувчанлик хусусиятларини ривожлантириш билан ўзбек тилининг бой имкониятларини кўрсатиш, ватанпарварлик, она тилимизга ҳурмат муносабатларини тарбиялаш.

Мазмуни:

Ўқувчилар гуруҳларига чопди, югурди, физиллади, пизиллади, гириллади, ликиллади каби сўзлар ёзилган карточкалар бериб, улар иштирокида гап тузиш, уларнинг маъно фарқларини сўраб, қандай шароитда қўллаш мумкинлигини сингдириш, ўйлаб сўзлаш зарурлигини ўқтириш. (Юсуф Хос Ҳожиб, Навоидан мисоллар орқали).

Алишер Навоий ғазалларидаги насим ва сабо сўзларини ўрин алмаштириб фарқланса, қандай ҳолат юзага келишини изоҳланг: Э, сабо, боргин саломим....

Э насими субҳ аҳволим...

Бу каби мисоллар ўқувчиларда гап тузишда, сўзлаганда диққат-эътибор зарурлигини билиб олиши, нутққа беъэтибор бўлмаслик каби фазилатларни шакллантиришга ёрдам баради.

Ш.Юсупова,

АДУ педагогика фанлари доктори
Д.Собирова АДУ ўқитувчиси

Таълимда ижодийлик - давр талаби

Анъанавий ўқитишда тафаккур ўстириш, асосан, психологлар зиммасига юклатилди. Шунинг учун ҳам бугунги таълим методлари

Ўқитувчилардан тафаккур ривожланишини, нутқ ўстиришни таъминлайдиган ижодий усулларни, лойиҳаларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда дарсда ўқувчиларни фаол субъектга айлантирувчи қуйидаги таълимий ўйинларни тавсия этамиз:

“Математик эртак”

Маълумки, она тили фанини бошқа фанлар билан алоқадорликда ўқитиш ўқувчини ҳар томонлама тасаввур қилиш ҳамда тафаккур қилиш қобилиятларини ўстиради. Интеграциялаш - ўқитишнинг битта фаннинг тушунча ва ҳаракат турлари билан чегаралаб қолмасдан, фаолиятнинг умумлаштирилган турларига чиқишга имконият беради, яъни анализ, синтез, муаммоли ёндашув ҳамда ўқув ва илмий изланишлар учун шароит яратиб беради.

Интеграция бутун деган маънони билдиради, демак, бу тафаккур ўсиш жараёнининг турли қисм ва элементларини битта бутунга тиклаш бўлиб ҳисобланади.

Интеграция, бу - фанларнинг механик бирлашиши эмас, синтез, янги нарсанинг келиб чиқиши - кашфиётдир.

Ўқитувчи тавсия қилинганидек, эртакни ўқиб бериб, муаммоли вазият ҳосил қилади.

Ўқитувчи эртакни ўқиб бергандан сўнг ўқувчилардан жавоб беришларини талаб қилади. Улар жавоб айтиш учун фикрлайди, изланади, топади ва жавоб бериш жараёнида нутқи такомиллашади, натижада, математика фани билан (ҳисоблаш) боғлиқлик юз беради, яъни улар таҳлил қиладилар ҳамда синтезлайдилар.

Иккинчи усулнинг номи “Зинапоя” деб юритилади. Бунда ўқувчилар тилга оид сўзлар билан “Зинапоя” ҳосил қилиб борадилар, яъни ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, ким тез ва тўғри бажаришлари синаб кўрилади.

Ўйин шу зайлда давом эттирилади. “Зинапоя” ҳосил қилиб юқорига кўтарилган ўқувчилар ҳар бир зинадан ўзлари ёзган атамаларга таъриф бериб, “қайтиб тушадилар”. Жавоб бера олмаган ўқувчилар зинада “қолиб кетади”

Юқоридаги каби таълимий ўйиннинг тез фурсатда бажарилиши ўқувчиларни ҳушёрликка, топқирликка, эътибор билан тинглашга чақиради. Бу эса билим олувчиларда англаб олиш қобилиятини ривожлантиради, хотираси синаб кўрилади, уларнинг ҳаракатга келиши дарсга бўлган қизиқишини оширади. Бундай усулларни бажаришда фаол ишловчи ўқувчининг ўзи бўлади: ҳукм чиқарувчи ҳам, умумлаштирувчи, таҳлил қилувчи ҳам билим олувчиларнинг ўзлари бўлади (тавсия этилган усулларни тил фанининг барча бўлимлари бўйича ўтказиш мумкин).

Ўйинда иштирок этмаётган ўқувчилар эса уларнинг ишларини тўғри ёки нотўғри эканлигини таҳлил қилиб борадилар. Бу билан дарсда ҳамма ишлайди, ҳамма ўйлайди. Сўзларни нутқда ишлата олишга оид фаолият таркиб топтирилади.

Тил таълимида ахборот коммуникацион технологиядан фойдаланиш

XXI аср фан ва техника асридир. Халқаро интернет тизими компьютер технологияси таълимда салмоқли ўрин эгалламоқда.

Компьютер таълимида табақалаштириб таълим бериш имконияти катта. Ўқувчиларни энг фаол (энг қобилиятли), фаол (қобилиятли), султ (қолоқ) тоифаларга ажратиб, ҳар бири учун ўзига хос топшириқлар тизими компьютерга киритилади.

1-топшириқ. Наврўз сўзи қатнашган гаплар тузинг ва уни компьютерга киритинг.

2-топшириқ. Сув мавзусига оид сўз бирикмаси ёзинг.

3-топшириқ. Компьютерда матн берилади. Матндаги фикр ва фикрларни сақлаган ҳолда бошқа сўз-иборалар ёрдамида қисқа ва лўнда ифодалаш, яъни резюме қилиш топширилади.

Инсон умрининг ҳар лаҳзасида учрайдиган ранг унинг маънавиятини шакллантиришда таъсир қилади. Чунки ранг руҳиятни ҳар дақиқада ижобий ва салбий таъсирлантиради. Шуни эътиборга олиб, ранглarning турини ажратиш, улар номини билишга оид саволларига жавоб бериш компьютерга киритилади. Компьютерга аввалдан 50 га яқин ранг номлари киритилган эди. Булар: алвон, барги карам, бинафша, буғдой ранг, кўк, ложувард, лола ранг, малла, мовий, мош ранг, нафармон, оқ, писта мағиз, писта таги пушти, сариқ, сафсар, само ранг, сур, феруза, ўчоқ кесак, қизил, қирмизи, қора, қора қизил, қорамағиз, қорача, кўнғир, ҳаво ранг, анор дона, ақиқ, байзогул, барг ранг, бақа тўни, бика, бурул, гулнор, гулоби, дани фаранг, жийрон, жигарранг, зийнови, зар, зарчава, жарғалдоқ, каптарбўйин...

4-топшириқ. Ҳар бир ўқувчи белгиланган вақти ичида юқоридаги ранг номларидан билганларини компьютерга киритади. Энг кўп ранг номини ёза олган ўқувчи голиб саналади.

Маълумки, тил лексикаси ички ва ташқи омиллар туфайли бойиб боради. Сўз бойлигини оширишда янги пайдо бўлган сўзларни билиш ва уларнинг маънолари устида ишлаш ўқувчиларни энди мазкур сўзларни яхши билгани учун нутқида тўғри ҳамда кенг қўллашига олиб келади. Бунинг учун бундай неологизмлар шарҳи компьютерга киритилади. Масалан: Банк. Бу сўз аслида «стол» деган маънони билдиради. Дастлаб банклар 14-асрда Италиянинг Венеция шаҳрида пайдо бўлган. Ҳар бир ҳукмдор ўз тангаларини зарб этишга ҳуқуқли бўлган. Кейинчалик танганинг софлик даражасига кафолат бера оладиган муассасалар тузиш зарурияти туғилган. Тангани алмаштириш ҳашаматли саройларнинг тош столларида олиб борилган. Шу тариқа пул сотиб олувчи муассасаларни «Банк» деб аташ бошлашган.

Демак, тил таълимида ахборот коммуникацион технологиядан

фойдаланиш сўз бойлигини оширишга, мустақил мушоҳада юритишга, ўқувчининг сўз ва унинг маънолари ҳақида тасаввурларини кенгайтиришга, хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мазкур таълимнинг яна қуйидагича афзалликлари мавжуд:

- ўқувчининг ўзигагина хос бўлган қусурларни аниқлайди;
- дарс давомида уларнинг ўз-ўзини бошқарувига имконият яратилади;
- ўқувчининг иши натижаси тезда аниқланади. Ўқувчи ҳатто тенгдошининг иши самарасини билиб боради. Ёшлар кўпинча ўз она тилидаги барча сўзлар маъносини биладигандек ҳис қилади. Аммо баъзида энг оддий сўзнинг изоҳи сўралганда аниқ жавоб бера олмай қолиши ҳоллари ҳам учрайди. Компьютер эса санокли дақиқалар ичида керакли сўзнинг маъносини, изоҳини, этимологиясини шарҳлашда ўқувчига энг яхши ёрдамчи, энг қулай воситалигини кўрсатмоқд;

- компьютерга имло, морфология, фонетика, лексикология бўлимлари бўйича олган билимларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган турли топшириқлар киритиш имконияти мавжуд.

**Н.Сатторова, Р.Мирзаева
М.Ҳамроева (Бухоро)**

Фикрни ёзма баён қилишга қандай ўргатилади?

Фикрни ёзма баён қилиш дегани, албатта, бошқа бировнинг фикрини эмас, ўзининг, ўз фикрини баён қилиши керак. Фикр бирор мавзу, бирон – бир воқеа хусусида юритилиши табиий. Шу билан бирга, уни ёзма баён қилиш даркор. Фикрнинг ёзма баёни, ҳосила кўриниши иншо, матн, ижодий баён (шартли), деб номланганлиги мактаб тажрибасининг узоқ тарихи билан боғлиқ.

Иншо – ёзмоқ, ижод қилмоқ, деган маънони беради. Ўқувчи ижоди, иншо қилмоқ (ёзмоқ) маъноларини назарда тутсак, мустақил фикрни ёзма изчил, мантиқан тартиб билан баён қилиш талабини тушунамиз.

Иншо мавзуси тузилишига кўра кенг, тор – умумий, тор тарзда бўлади. Ифодаланишига кўра асосий фикрни кўрсатиб турган, кўрсатмаётган талабда бўлади. Материалига кўра эса, адабий асарлар юзасидан иншо ёзишни сўраб турган мавзу, адабий асарлар билан боғланмаган (шартли равишда) иншо мавзулар – каби ифодаланади. Ўқитувчи ўқувчига иншо ёзмоқни ўргатиши учун иншо ҳақидаги назарий маълумотларни пухта билмоғи лозим.

Ўқувчи иншо ёзишга ўрганиш учун қуйидаги малакаларни эгаллаши зарур:

1. Тавсия қилинган ёки ўзи танлаган мавзунинг талабини тушуниб олиш.
2. Мавзу ифодасидаги асосий фикрни англаш.
3. Мавзу, асосий фикр талабидан фикр баённинг жанрини белгилаб

олиш.

4. Ёзиладиган иншо учун материал йиғиш, уни саралаш, тартибга келтириб билиш.

5. Ёзган иншосини тақриз талабига кўра қайта ишлай олиш.

Бу малакаларга ўргатиш ҳам, бу малакаларни ўрганиш ҳам осон эмас. Унинг ўзига хос усуллари, восита ва имкониятлари бор. Биринчидан, ўргатиш ва ўрганишда малакалар тартиби бузилмаслиги муҳим. Чунки, унинг тартибида ўзлаштиришдан - ўзлаштиришга ўтиш талаблари назарда тутилган. Иккинчидан, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси 5-синфдан, 9-синфгача олиб бориш зарур. Ваҳоланки, иншо ёзишни ўргатишда осондан - қийинга, соддадан - мураккабга (С.Долимов, О.Мадаев ва б.қ. таниқли методистлар қарашлари) ўтиш эмас, малакадан-малакага ўтишда амалий ишларнинг давомийлиги мавжуд. Учинчидан, она тили фанлари ҳисобидан махсус дарс ажратиш лозим. Тўртинчидан, мазкур малакаларга ўргатиш дарсларини «Иншо таълими дарси» деб номлаш керакки, у ўқув - мавзуй режадан, дарс жадвали устунидан жой олмоғи даркор. Бу нфода шунинг учун ҳам зарурки, дарс номиданоқ ўқувчи бўлажак машғулотни тасаввур қилсин.

Юқорида кўрсатилган биринчи малакага ўргатишда иншо таълими дарсларида амалий машқларни қуйидагича ташкил қиляпмизки, у кутилган натижани бермоқда:

- мазмунан, талаб даражаси жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган мавзуларни қиёслаб таҳлил қилинг:

Таҳлил жараёнида ўқувчилар диққати «Нима ҳақда гапириш» ни тушуниб олишга қаратилади.

Унинг хулосаси - мавзулардан қайси бири кўпроқ тасвирий, ривоя - ҳикоя материални талаб қиляётганини, фикр баёнининг якуний қисмида қандай сўзлар ёрдамида ҳукм чиқаришга тўғри келишини тушуниб олишга қаратилади.

Кейинги вазифа - нарсанинг ўзига қараб материал йиғиш вазифаларини бериб, йиғилган материалларни мавзу, асосий фикр, жанр талабларига қараб таҳлил қилиш машқларидан иборат бўлади.

Ёзилган иншони тақризга қараб қайта ишлашни ҳосил қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланамиз.

Иншо камчиликларини кўрсатувчи белгилар.

- ортиқча тушиб қоладиган гап, сўзлар

- Шу фикрни кенгайтириш, очиш

- Хат боши

- Хат бошида эмас

- Гапда сўз тартиби бузилган

- Зарур сўз тушиб қолган

- Такрор ишлатилган сўзлар бор

- Фактик хатолик бор.

- Асосий фикрга мос келмайди.

Мазкур белгилар билан ўқувчилар ҳар бир она тили, адабиёт

дарсларида танишиб турадилар.

«Иншо таълими» дарсларида иншо ёзиб келиш вазифасини берамиз. Улар иншоларнинг камчиликларини кўрсатишда юқоридаги белгилардан фойдаланадилар. Уларни ўргатиш учун, малака ҳосил қилиш учун фойдаланишни уч босқичга бўлдик:

1-босқич: белгиларни иншо матнида қўйдик

2-босқич: дафтар ҳошиясига қўйдик

3-босқич: тақриз матнида кўрсатдик

Хулоса шуки, фикрни ёзма баён қилиш — иншо навислик санъати. Унга мактабда, ўқитувчи раҳбарлигида ўргатмоқ қарз ва фарз. Она тили ва адабиёт фанларидан таълим бериш дастури, ўқув — мавзуйи режаси, махсус дарслар, амалий машқлар қандай зарур бўлса, бу санъатга ўргатиш учун ҳам худди шундай бўлиши шарт.

Х.Сувонова
Қарши 34-мактаб

“Ўзбек тилининг шаклдош сўзлар ўқув луғати” учун сўз танлаш масаласига доир

Лингвистик сўзликлар сирасида шаклдош сўзлар луғати ўзига хос ўрин тутади.

Маълумки, шаклдош сўзлар билан ишлаш машқ ва топшириқлари ўқувчилар сўз бойлигининг ошиши, уларнинг бир хил кўринишли бирикларни фарқлай олиш кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштириш, айнанлик ва тафовутларни илғай олиш малакасини ўстиришда устуворлик қилади.

“Ўзбек тилининг изоҳли Луғати”да феъллар ноаниқ шаклда берилганлиги сабабли кўплаб сўзлар омонимлик белгиси (яъни рим рақамлари) билан берилмаган. Масалан, от (“барглари пилла қуртига бериладиган дарахт”) ва феъл туркумларига мансуб *тут* (“қўл билан ушламоқ, ўз қўлида сақламоқ”) сўзлари омоним сўзлардир. Лекин феълни луғатда ноаниқ шаклда бериш зарурияти уларнинг омонимлигини кўрсатишга монелик қилган. Демак, шаклдош сўзлар луғатида феъл грамматик шаклдан холи берилиши керак.

Айрим сўзлар грамматик шаклда берилгандагина омоним бўла олади. Масалан, *туташ* (I “тутун чиқармоқ” ва II “бир-бирига тутатиб кетган, узлуксиз”) сўзларидан биринчиси грамматик шаклда, иккинчиси грамматик шаклсиз ҳолатда омоним бўлади. Демак, луғатда уларни турли ҳолатда (грамматик шакли ва грамматик шаклсиз) бериш мақсадга мувофиқдир.

“Ўзбек тилининг изоҳли Луғати”да урғуси билан фарқланувчи сўзлар шаклдош сўзлар сифатида берилмайди. Масалан, бунга урғу билан фарқланувчи *атлас* ва *атлас* сўзларини келтириш kifоя. Уларни ўқувчилар

Ўзбекча талаффузда, одатда, бир хил урғу билан айтадилар. Урғу билан фарқланувчи сўзлар ҳам бир хил талаффуз қилинувчи сўзлар сифатида шаклдош сўзлар луғатидан ўрин олиши лозим.

Омонимларнинг мустақил қўлланмайдиган турини бериш масаласи ҳам мунозаралидир. Масалан, Ўзбек тилида *тап* деган тақлид сўз ҳам, *тап тортмайди* деган қўшма феъл ҳам мавжуд. Қўшма феъл таркибидаги *тап* узви мустақил маънога ва қўлланишга эга эмас. У қўшма сўзнинг таркибий қисми. Агар қўшма сўзнинг таркибий қисми ҳам омоним сифатида қараладиган бўлса, унда нега *юмронқозиқ* сўзи таркибидаги *қозиқ* узвини от туркумига мансуб *қозиқ* (“бирор нарса илиш ёки боғлаш учун ерга ёки деворга қоқилган нарса”) сўзига омоним сифатида олмаймиз? Унинг таркибий қисмлари қўшиб ёзилишидан чўчиймизми? Демак, қисмлари ажратиб ёзиладиган қўшма сўзнинг мустақил қўллана олмайдиган қисмини бошқа сўзларга омоним сифатида олишнинг илмий асоси йўқ.

Кўплаб шаклдош сўзлар кўп маъноли сўзлар маъноларидан бирининг узилиши натижасида ҳосил бўлади. Масалан, *овлоқ* сўзининг “ов қилинадиган жой” ва “кишилardan холи жой” маънолари бугунги кунда бутунлай узилган. Бироқ “Ўзбек тилининг изоҳли Луғати”да улар кўп маънолилиқ белгиси билан берилади. Шаклдош сўзлар ўқув луғатида бу ҳам эътиборга олинishi керак.

Умуман олганда, луғатлар билан ишлаш ўқувчиларнинг асосий машғулотларидан бири экан, бунда уларнинг такомиллашган янги авлодларини яратиш долзарб масала сифатида кун тартибиде туравереди.

С.Сафарова
Сурхондарё, Шўрчи т.
16-мактаб

Она тили – миллат тафаккурини шакллантирувчи ва ифодаловчи энг асосий восита

Она тили ўқитувчисининг вазифаси ўқувчиларга ўз халқи ўтмишига ҳурмат, юртига муҳаббат, юртдошларига эҳтиром билан қарашни шакллантиришидир.

Мақтаб таълимида иншо – матннинг олий кўриниши ҳисобланади. Айнан эркин мавзудаги иншолар орқали Ватанга муҳаббат, ўтмиш ажлодларга ҳурмат, буюк бобокалонларимиз фаолиятидан фахрланиш туйғуларини қарор топтириш мумкин. Масалан, умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида берилган “Ўзбекистон – янгича тараққийёт йўлида”, “Ватан туйғуси”, “Мен яшаётган қишлоқ (шаҳар)”, “Мақтабим – севимли масканим”, “Она – улуғ зот” мавзуларидаги иншолар ўқувчининг Ватанга ҳурмат, онага бўлган эҳтиром туйғусини юксалтиради.

Она тили дарсларида инновацион усуллардан фойдаланиб дарс ўтилса

мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки инновацион усуллар орқали ўқувчи фаоллиги ошади, ўқувчига эркинлик берилади, эслаб қолиши ортади.

Инновацион усулларнинг афзаллиги шундаки, ўқувчининг фикрлари инобатга олинади, рағбатлантириб борилади, ҳатто нотўғри фикрлари ҳам кескин рад этилмайди.

Гуруҳларда ишлаш услуби орқали ўқувчилар ҳамкорликда ишлаш, ўзгалар фикрини тинглаш ва ҳурмат қилиш каби хусусиятларни ўзлаштиради, эркин мулоқот, баҳс муҳити яратилади.

Ўзлигини таниш, қадрлаш, миллий гуруҳ, бошқалардан ҳам ўзига нисбатан ҳурмат ва меҳр- оқибат талаб эта олиш бизнинг миллий гоё ва миллий мафкурамиз моҳияти. Шунга интилмоқ, шу жиҳатларни ёшларга англашмоқ эса она тили ўқитувчиларининг вазифаси ҳисобланади.

О.Сатторова
Сурхондарё, Денов т.
86-мактаб

Истиқлол ва таълим

Ўзбек тили таълими XXI асрда қандай ўқитилмоғи керак? Дарс ўтиш методларига ақлий ҳужум, танқидий фикрлаш, ўз-ўзингни топ ва ноанъанавий турларини қўллаш ўқувчилар билим даражасини кўтаришда яхши самара беради. Бунинг учун ўқитувчидан мустақилликни, ижодкорликни, изланишни талаб қилади. Мактабларда ҳозирда ўқитувчилар ноанъанавий усулларини ўз дарсларида синаб кўрмоқда. Ўзбек тили ва адабиёт дарсларида қуйидаги ноанъанавий методлардан фойдаланиш мумкин.

- I. Ижодий дарслар.
 - Ижодий изланувчанлик дарси
 - Иншо дарси
 - Мулоқот дарси
 - Кўрик дарси
- II. Ўйинлар дарси
 - Мусобақа дарси
 - Саёҳат дарси
 - Дидактик ўйин дарси
 - Қувноқлар ва зукколар дарси
- III. Саҳна дарслари
 - Театр дарси
 - Бадиий мусиқий дарс
 - Мушоира дарси
- IV. Такрорлаш ва билимларни мустақкамлаш дарслари
 - Ўқувчиларнинг ташаббускорлик дарси
 - Мунозара дарси

- Умумий билимларни назорат қилиш ва таҳлил қилиш дарси
- Компьютерларни қўллаш дарси
- V. Интернет ёрдамида ўтиладиган дарс турлари
- Интернетдан янгиликларни олиш дарси
- Электрон кутубхоналардан фойдаланиш дарси
- Масофадан ўқитиш дарси
- Электрон почтадан фойдаланиш дарси

Бундай дарслардан қай пайтда фойдаланишни қандай қилиб ташкил этиши, қайси дарслар кўпроқ ижобий натижа беришни ўқитувчи билиши керак.

Н.Собирова
Тошкент ш. Яққасарой
26-мактаб

Она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш

Ўқувчиларни замонавий техник воситалардан, жумладан, компьютердан фойдаланиш асосида ўқитиш ҳозирги куннинг долзарб масаласига айланмоқда. У орқали, айниқса, дарсда табақалаштириб таълим бериш имконияти катта. Жумладан, ўқувчиларни энг фаол, султ тоифаларга ажратиб, ҳар бир тоифа ўқувчилар учун компьютерга алоҳида топшириқ киритиш мумкин. Компьютерда ўқувчининг савол ва топшириқларга жавоб бериш вақти ҳам кўрсатилади. Вақт савол-топшириқларнинг оғир-енгиллигига қараб белгиланади. Она тили дарсларида компьютердан фойдаланиш:

- ўқувчининг мустақил ҳолда эркин фикрлаш малакасини шакллантиради;
- ижодкорлик ва ташаббускорлик муҳитини вужудга келтиради;
- ўқувчини фаоллаштиради;
- ўқувчи олган билимларини ҳаётга татбиқ этишга имконият яратади.

Ўқувчиларда зарурий нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш учун, шунингдек, нутқшуносликнинг қуйидаги долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш зарур:

1. Ўзбек тилининг амалий-назарий тизимини ишлаб чиқиш керак, бунда тил сатҳлари ҳозиргидек, фақат шакл, яъни тилшунослик нуқтаи назаридан эмас, балки маъно-мазмун нуқтаи назаридан тизимга туширилади. Масалан, ўқувчиларга предмет ёки ҳодисани тасвирлаш ва тавсифлаш учун фақат сифат ва сифат даражалари эмас, балки предметнинг ранги, шакли, ҳажми ёки материалга нисбатан белгил хусусиятларини кўрсатувчи воситаларни алоҳида-алоҳида ўрганиш кўзда тутилади.

2. Мактабда муомала одобига оид тил бирикмаларининг турли вариантларини мақсад, шароит ва вазиятга мос равишда қўллашга

ўргатиш, муайян тизим сифатида дарсликка киритиш мақсадга мувофиқдир. Ёш авлод баҳс-мунозарада иштирок этиб, ўзгалар фикрини маъқуллаш ёки эътироз билдириш, фикрига қўшилиш ёки қисман қўшилмаслик, ижобий ва ёки салбий муносабат билдиришнинг лисоний вариантларини билишлари ва тўғри шаклда қўллашни ўрганишлари керак. Масалан, рад жавобини, қўпол қилиб «йўқ, бўлмайди!» деб ёки бу жавобнинг юмшатишган «Бу таклифингизга рози бўлолмаймиз, чунки...», «Рози бўлардик аммо...», «Ҳозир сизга рози бўламиз деб айта олмайман» каби вариантлари ўргатилиши керак.

3. Ўқувчиларга шу маъно нозикликларини нафақат баҳс-мунозара қўлланадиган оғзаки шакл, балки ёзма шакли ҳам ўргатилиши керак.

Ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш учун уларга фикрчи мантиқан изчил қилиб боғлиқли матн шаклида ифодалашга одатланиш, мантиқнинг нутққа оид бўлган қонун-қоидаларини ўргатиш керак.

**Г. Суярова,
Қарши ш. 39-мактаб**

Қиёс – она тили ва чет тилларни ўрганиш асоси

Чет тилларни ўрганишнинг қулай, осон усули ўзга тилни она тили билан қиёслашдир. Тилнинг товуш, талаффуз, сўзлар ва уларнинг маънолари, сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчалар, қўшимчаларнинг сўзларга бирикиш қонуниятлари ва имкониятларини қиёслаш ўзга тилларни ўрганишга йўл очади. Маълумки, ўзга тилни ўрганиш **тил-нутқ** тарзида олиб борилади. Она тили ўқитувчиси ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг қайси тилга мансублигини билиши талаб этилади. Ана шундай имкониятга эга бўлган ўқитувчининг дarsi самарали бўлади, ўқувчилар ўзга тилларга мансуб сўзлар ҳақида тўла ахборотга эга бўлади.

Ўзбек тили - байналмилал тил. Унинг лексикасида араб, форс, қадимги эроний тиллар, суғд, хоразмий, санскрит, ҳинд, лотин, хитой, мўғул, рус, инглиз, немис, француз тилларидан ўзлашган сўзлар мавжуд. Истиқлол даврида Европа халқларининг тилларига оид сўзлар, асосан, инглиз тили орқали кириб келяпти. Санскрит, ҳинд, эроний тиллар сўзлари ўзбек тилига 2-3 минг йил давомида ўзлашди. Арабча сўзлар VII-VIII асрдан бошлаб қўллана бошланди. Дарсликларда «Олинма сўзлар», «Ўзлашма сўзлар», «Ўзга қатламга оид сўзлар» рукни билан берилаётган илмий, тадрижий маълумотлар талаб даражасида эмас. Олинма сўзлар ҳақида муҳим билимлар ўқитувчи учун ҳам, тил ўрганувчи учун ҳам керак. Мактабларда, лицей ва коллежларда чет тилини ўрганишга қизиқиш анча кучли. Ўқувчи ва талаба она тилидаги олинма сўзларнинг мажмуи, тури, маънолари, қўлланиши, услубий хусусиятлари билан танишиб она тилига меҳри ортади, чет тилини ўрганишга рағбати ошади.

Таълимнинг янги шаклларида фойдаланиш тажрибасидан

Она тили дарсларини характерига қараб ҳар хил қизиқарли, фикрлашга даъват этувчи ўйин-топшириқлар асосида ташкил этиш ўқувчиларда мустақил ижодий мушоҳада юритиш, ўз фикрини аниқ, раво, ихчам ҳолда ўзгаларга етказа билиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга ёрдам беради. Ҳар бир ўқувчини фанга қизиқтириш учун ўқитувчи билимли, ижодкор бўлиши керак. Дарсда ташкил қилинган ўйинлар содда, ўқувчилардан ортиқча меҳнат талаб қилмаслиги керак. 5-синфда «Гап» мавзусини ўтаётганимда алоҳида ҳар хил гаплар ҳосил қилдириб, гапларнинг маъноларини айтиб беришларини, уларга ёзувда қўйиладиган тиниш белгиларини тушунтириб беришларини сўрайман. Гуруҳ аъзолари маслаҳатлашиб, ўз фикрларини баён қилишга ҳаракат қиладилар. Фикрларини баён қилиш пайтида бир-бирларининг фикрларини ҳурмат билан тинглайдилар. Чунки ўзгаларнинг фикрини ҳурмат билан тинглаш лозим эканлигини тушунтириб бораман. Бундан ташқари яна она тили ва адабиёт машғулотида ҳар бир ўқувчида ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раво ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилиб бораман. Бунинг учун ўқитувчи ижодкор, изланувчан бўлиши, кўргазмали қурооллардан, техник воситалардан фойдаланиши лозим.

А. Саидова
Хоразм, ШХТБ

Ўзбек тили дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш

Электрон вариантдаги зарурий қўлланмаларни яратиш борасида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш керак бўлади.

1. *Электрон дарслик ва қўлланмалар яратиш.* Ҳозирда, асосан, олий ўқув юртлирида дарслик ва маъруза матнларининг электрон вариантлари тузилган. Фикримизча, нафақат олий ўқув юртлири, балки ўрта мактаб дарслик ва қўлланмаларининг электрон нусхаларини тузиш, шунингдек, интернетда ўқитиш методикаларига бағъишланган махсус сайтлар яратиш керак.

2. *Ўқитувчи профессорлар дарсларининг видео шаклини яратиш.*

Бугунга келиб, турли-туман расмлар ёки қоғоз плакатлардан кўргазмали қуроол сифатида фойдаланиш усули анча эскирди. Шу боис она тили дарсларида

мавзуни жонли, қизиқарли ва замонавий ўтиш учун республикадаги тажрибали ижодкор ўқитувчилар томонидан ўтилган дарсларнинг видео шаклини яратиш керак.

3. Она тили дарсларида караоке усулидан фойдаланиш. Дарсда айрим машқлардаги шеърларни ифодали ўқиш учун мазкур дастурдан фойдаланиш самарали натижага эришиш имкониятини беради.

Масалан, ўқувчи олдин ифодали ўқилган шеър ёки машқлардаги маърифий матнни эшитиб кўради, сўнг ўзи ўқийди ва компьютер томонидан баҳоланади.

4. Тилшунос олимлар билан ўтказилган учрашувлар, тил мулоқотлари ёки тил байрамларига бағишланган кечалар видеотасвирдан фойдаланиш.

Мазкур олимлар билан учрашувлар ўтказиш учун доимо имконият бўлавермаслиги мумкин. Агар шундай кечалар дискка ёзиб олинса ёки интернетга қўйилса, мазкур тасвирлардан дарс вақтида фойдаланиш мумкин бўлади.

Бундай усуллар ўқитувчининг самарали, замонавий ахборотларга бой материаллар билан дарс ўтишига кўмак беради.

У.Тўраева
Қарши ДУ ўқитувчиси

Бадий матннинг филологик таҳлилини такомиллаштириш - долзарб масала

Матннинг тўлиқ филологик таҳлилини ўтказиш ўқувчиларда бадий асарни систем яхлитлик сифатида ўрганиш ва баҳолаш кўникмасини шакллантириш ва ўстиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бадий матннинг филологик таҳлили дастлаб лисоний ва бадий таҳлил кўринишларида алоҳида-алоҳида олиб борилади.

Бадий таҳлилда:

1.Матнинг жанр хусусияти.

2.Бадий шакл тавсифи.

3.Бадий тасвир воситалари ва бадий санъатлар таҳлил қилинади.

Лисоний таҳлилда:

I.Матндаги сўзлар фонетик-фонологик таҳлил қилинади:

1.1.Нутқ товушлари таҳлили.

1.2.Фонетик жараёнлар таҳлили.

1.3.Бўгин таҳлили.

1.4.Урғу таҳлили.

II.Матндаги сўзлар морфемик таҳлил қилинади:

III.Матндаги сўзлар лексик-семантик таҳлил қилинади:

IV.Матндаги сўзлар морфологик таҳлил қилинади:

V. Матндаги сўзлар синтактик таҳлил қилинади:

Иккинчи босқич ҳам икки қисмдан иборат бўлиб, бу том маънода

лингвопоэтик ва поэлингвистик таҳлил дейилади. Лингвопоэтик таҳлилда тил (товуш, қўшимча, сўз, синтактик) бирликларнинг бадиий вазифалари аниқланади. Масалан, товушларнинг қофия ёки аллитератив вазифалари, бадиий маъно кучайтириш имкониятларининг воқеланиши очилади. Сўз, қўшимча ва синтактик бирликларининг бадиий шакл ҳосил қилиш хусусиятлари ёритилади. Бунда бир тил бирлигининг турли бадиий имкониятлари ўрганилади. Поэлингвистик таҳлилда бир поэтик вазифани юзага келтирувчи турли тил бирликларнинг лисоний қийматларидаги ўхшашлик ва фарқлар таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Таҳлилда кичик бир асарни танлаш қулайлик туғдиради.

Поэлингвистик таҳлилда бир поэтик вазифани юзага келтирувчи турли тил бирликларнинг лисоний қийматларидаги ўхшашлик ва фарқлар таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Кўринадик, тўлиқ филологик таҳлил ўқувчиларда тарқоқ кўринган ҳодисалар замиридаги систем яхлитликни идрок этиш кўникмасини ўстиради.

С. Тошпўлатов **Наманган шаҳар 18-мактаб-интернат**

Ўқувчилар нутқий кўникмаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

XXI аср она тили таълими муаммолари хусусида гап кетганда биринчи навбатда бу соҳадаги муаммо ўқувчиларда фикрлаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма тарзда манتيқий изчил, саводли баён этиш кўникмаларини шакллантириш тушунилади. Тилшунослик соҳасида амалга оширилган қатор илмий, услубий ишлар ичида ўқувчилар нутқий кўникмалари ва уларнинг ривожлантиришда ҳозирги янги педагогик ва ахборот технологияларини дарс жараёнига киритиш алоҳида аҳамият касб этади.

Умумий ўрта таълим мактабларида, гимназия ва лицей- интернатларида оғзаки нутқни шакллантириш бўйича мавзулар доирасида, мустақил фикрлашни оширувчи машқлар, савол ва топшириқлар тавсия этилганки, буларнинг барчасида ўқувчи нутқи ва уни амалга ошириш йўналишлари кўрсатилган. Ана шу ўқувчилар нутқий кўникмалари ва малакаларини шакллантиришдаги асосий масала бу нутқий вазиятни муайян мақсадлар асосида аниқ, услубий жиҳатдан тўғри фойдаланишга қаратилмоғидир.

Мактаб ўқувчилари фикрларини мустақил, эркин баён этишларида ўқитишнинг турли усуллари: Бахс-мунозара, дебат, мусобақа каби усуллар орқали ривожлантириб борилади. Бундан ташқари дарс жараёнидаги ўз нуқтаи назарларини, хулосаларини, тушунчаларини ҳимоя қилишлари уларнинг қанчалик нутқий кўникмага эга эканликларида кўринади. Ўқитувчи фикрига тўғри жавоб қайтариш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, ўзгалар фикрига тушунган ҳолда эъгироз билдириш, дарсдаги ўта нозик жараён ҳисобланади.

Ҳозирги кун она тили таълимида барча мавзулар нутқий кўникмаларни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

О.Тожиева
Қашқадарё, Қамаш
7-мактаб

Она тили дарсларида назмдан фойдаланиш

Шеър – ўқувчига эстетик завқ беради. Инсон ички ҳис туйғусининг нозик ифодасидир. Ўқувчида миллий гурурни, садоқатни, вафо ва бахтни, кучли эстетик завқни ўргатадиган назмий тўртлик – мисралардан дарс давомида фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади. Бундай назмий асарларни маҳаллий ижодкорлар ижодидан олиш ҳам мумкин. Бу билан ўқувчида замондошидан фахрланиш ҳиссини тарбиялаб борамиз. Биъ фойдаланадиган шеърый сатрларда адабиётда лирик қаҳрамон кечмишини, миллий истиқлол дарсларида ўзига ишонч руҳини уйғотиш, она тили дарсларида юқорида айтиб ўтилган фикрлардан ташқари грамматик билимларни мустаҳкамлашга эришилади.

Шеър асосида грамматик топшириқ берилади.

1. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносига кўра гуруҳини аниқланг.

2. Мисраларни синтактик таҳлил этинг.

3. Шеърдаги сўзлардан фойдаланиб, уюшиқ бўлакли гап тузинг

Туюқ

Эл билан ҳаётнинг дарёсида оқ,

Юртингга содиқ бўл, дилинг оқ бўлсин.

Эсингда тут, ватанга хиёнаткорни,

Халқ ва ота-она айлағайлар оқ.

Ушбу сатрларда нечоғлик кучли ҳаяжон тилга олинганлиги сезилиб турибди.

1. Туюқдаги «оқ» сўзининг маъноларини изоҳланг

2. Туюқни синтактик ва морфологик таҳлил қилинг каби топшириқлар берилади.

Берилган топшириқларни яқка тартибда ҳам, гуруҳларга бўлиниб ҳам бажариш мумкин. Бундай топшириқлар она тили дарсларининг қизиқарли ўтишига, самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Б.Турдикулов
методист. Чимкент

Таълим-тарбияга атрофлича ёндашиш-бугунги куннинг талаби

Маълумки, ўзбек тили бой тил, фикрни кўнгилдагидай етказа олиш имконияти ҳам етарли. Бунинг устига ҳаётимизнинг ривожланиши

натижасида янгидан-янги сўзлар кириб келмоқда, ammo тилимиздаги кўп сўзлар камроқ қўлланиб нофаол сўзлар қаторига тушиб қолмоқда.

Ўзбек тилининг ўқувчилар нутқий фаолиятини ривожлантиришдаги роли ниҳоятда катта. Шунинг учун ўқитувчи битта сўзнинг мазмунини ҳам билиб олмасдан ўтказиб юборишларига йўл қўймаслиги керак. Бу ўқувчиларда синчиковлик, билимга интилиш хусусиятларини шакллантиради, илмга қизиқишини орттиради.

Масалан: Ундалма мавзусини ўтиш.

Мақсади:

1. Ундалманинг гап билан грамматик боғланмаган сўз эканлигини, ёзиши, тиниш белгиларининг қўйилишини тушунтириш.

2. Нутқ қаратилган шахсга иззат-ҳурмат муносабатини, ўйлаб сўзлаш малакасини шакллантириш, тарбия бериш.

3. Ўқувчи тафаккурини ривожлантириш, аввал ўтилган «эга» мавзусини такрорлаш.

Мазмуни: Ундалма, кириш сўз, модал сўзлар гап билан алоқага киришмайдиган сўзлардир. Улар ҳақида 3 гуруҳ ўқувчиларга карточкалар бериб, шу сўзлар иштирокида гап тузишни, ундалма, кириш, модал сўзларни айтиб бериш топширилади ва уларнинг гап мазмунига қўшаётган қўшимча маъносини изоҳлаб бериш талаб қилинади.

Укам, бу ёққа кел-чи. Эй, бу ёққа кел. Зафаржон, қасққа кетяпсан?

Ушбу гапларнинг мазмунидаги фарқни изоҳлаш талаб этилади.

Сўнгги топшириқ: Зарифа китоб ўқиди. Зарифа, китоб ўқи., типидаги гаплар берилиб, Зарифа сўзининг вазифаси, белгилари сўралди ва эга билан ундалманинг фарқини тушунтириб бериш талаб этилади. Эга мулақо бошқа, ундалма эса эгага ҳеч бир алоқаси йўқ сўз эканлиги айтилиб, ундалманинг нутқ пайтидаги аҳамияти очиб берилди.

Г.Тожиева
(Қарши ДУ ўқитувчиси)

Ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғояси тушунчаларини сингдириш йўллари ҳақида

Она тили миллатнинг руҳи экан, унинг таълимида ҳам ана шу омил қизил ип бўлиб ўтиши лозим. Бунда, албатта, ўқитувчининг ижодкорлиги ва ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди. Ўқитувчи дарс жараёнида дарслик ва методик қўлланмаларда берилган машқ ва топшириқлардан ижодкорлик асосида ташқарига чиқа олиши, берилган сўз, термин, бирикмалар ва гапларни баъзи ўринларда дарснинг ўзига хос хусусиятдан чиққан ҳолда миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи бирликлар билан алмаштириб ташкил этиш лозим бўлади. Масалан, бир қарашда маънодош, уядош сўзларни ўтишда ўзбек тилидаги «улов» маъновий гуруҳига кирувчи от, «чорва» гуруҳига кирувчи қорамолнинг ёш, жинс, зот турларига ҳс:

куринишларни ифодаловчи сўзлардан фойдаланиш ўқувчилар онгига миллий ғояни сингдиришга дахлсиздек туюлади. Бироқ ўзбек халқи ҳаётида чорва ёки деҳқончиликнинг ўзига хос ўрин тутиши, уларнинг хусусиятлари бошқа, олайлик, европа халқлари турмуш тарзига нисбатан фарқланиши жонли мисоллар билан тушунтирилиши заминидан миллий менталилет ифодаси ётади, албатта. Чунончи, *Бола дарахтларни қондириб суғорди*. гаптаги ўзбек ва унга ёндош халқлар ҳаёт тарзи ўз аксини топган. Зеро, совуқ иқлимли ўлкаларда яшовчиларга дарахтларни суғориш хос эмас. Бу эса халқимиз учун улар истиқомат қилувчи ҳудуд иқлимидан келиб чиққан ҳолда сув қанчалик муҳим аҳамият касб этиши, муқаддас илоҳий неъмат сифатида қаралиши сабабларини кўрсатади. Шу боисдан ўқувчилар халқимиз тилида сув сўзи иштирок этган мақол ва иборалар беҳад кўплигининг сабабларини англаб етадилар. Шу тарзда ўқувчиларга сув сўзи иштирок этган мақол ва иборалар топиш, тез айтиш машқларини бажариш топшириқлари юклатилса, ҳам улар онгига миллий тафаккур юксалади, ҳам мақол, ибора ва маталлар заҳираси ошади.

Ф.С.Тўлаганова
152 – мактаб

Ўқувчиларнинг она тили, адабиёт дарсларида оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, уларнинг онгини ривожлантириш билан бирга бир бутунликни ҳосил қилади. Ўқувчилар нутқини ўстиришда бир бутунликни ҳосил қилишни уч йўналишда олиб боориш мумкин.

Биринчи йўналиш – ўқувчиларни сўз бойлигини кенгайтириш. Бу иш секин – аста барча предметлар ўтилиш жараёнида ўсиб боради. Шуларнинг ичида она тили, адабиёт дарсларининг аҳамияти каттадир. Бунда сўз бойлигини кенгайтириш учун юқоридаги каби турли машғулотлар, машқлар, ёзма ишлар билан боғлиқ равишда изчиллик билан олиб бориладиган луғат ишлари орқали амалга оширилади.

Иккинчи йўналиш – ўзбек адабий тил меъёрларини ўргатиш, адабий тилда талаффуз қилиш, шунингдек луғавий синонимика ва қўшимчалар синонимикаси билан таништириш орқали олиб борилади.

Ўзбек адабий тил меъёрларини сингдириш, ўқувчи нутқидаги шевага хос хатоларни бартараф қилиш билан изчил равишда амалга оширилади.

Учинчи йўналиш – ўқувчилар фикрини оғзаки ва ёзма боғланишли баён қилиш, малака ва кўникмасини шакллантириш. Ўз фикрини мантиқий изчиллик билан адабий тил меъёрларига риоя қилиб баён қилиш боғланишли нутқ ҳисобланади. Ўқувчиларга расмлар, бадий матндан берилган парча ҳақида, сеvimли қаҳрамонлари, яқин инсонлари ва дўстлари ҳақидаги бадий матнлар тузиш ҳам нутқни бойитишга кўмаклашади. Асосан

ўқувчилар нутқи оила, мактаб, радио, телевидения ва матбуот таъсирида шаклланди. Уларнинг нутқни адабий тил меъёрлари асосида ривожлантиришда мактабдаги она тили ва адабиёт дарслари ижобий таъсир кўрсатади.

Н. Таганмуратов (РТМ)
М.Худаярова (ТДПУ)

Қорақалпоғистон ҳудудида яшовчи туркий халқлар тилидаги таом номларини қиёсий ўрганиш

Қорақалпоғистон халқининг маданияти, анъаналари ва турмуш тарзидан гувоҳлик берувчи манбалар ва қадриятларни ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири. Жумладан, ҳудуд ўзбек шеваларида қўлланиладиган айрим таом номлари ўзбек тили лексикасининг бугунги кундаги йўқолиб бораётган луғавий бойлигидир. Бу таом номларининг қимматли жиҳатлари шундаки, улар туркий тилларнинг қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларини бир-бири билан боғлаб туради.

Ҳозирги кунда фаол қўлланилаётган *нон* сўзи “Ўзбек тили изоҳли луғати”да берилишича, асли форсча-тожикча бўлиб, Алишер Навоий яшаган даврлардан кейинги асрларда асосий таом номи сифатида қўлланила бошлаган бўлиши керак. Чунки, ёзма ёдгорликлар тилида ва Алишер Навоий асарлари тилида *нон* сўзи ўрнида бошқа номлар қўлланилган. Чунончи, бу сўз Маҳмуд Қошғарий луғатида ????? “*ширдк*” [Маҳмуд Қошғарий, I, 369] тарзида қўлланилган. У сут, ёғ солиб пишириладиган кичик нонни билдирган, “Аттуҳфа”да у ????? *ширдк* шаклида қўлланилади.

Ёзма ёдгорликлар тилида қўлланилган бу нон маҳсулоти номи ўзбек адабий тилида учрамаса ҳам, бошқа туркий тиллар адабий тилида *шКрек* (қорақ.), *чКрек* (туркман) тарзида учрайди. Биз ўрганаётган ҳудуд ўзбек шеваларида ҳам *чКр.Ёк:чКрек* тарзида қўлланилади.

Тарихий манбаларда ????? *айран* [Маҳмуд Қошқарий, I, 140], *айран* [Аттуҳфа, 116] сут маҳсулоти номи учрайди. *Айран* - ёғи олинган қатикқа сув қўшиб, кувида пишилади. Бу таом номи қадимги туркий тилда *айкр* - феълидан -(а)н кўшимчаси билан ясалган. Мазкур ном қорақалпоқ, қозоқ, туркман тилларида ҳам *айран* шаклида қўлланилади.

Қорақалпоғистон қипчоқ шеvasида (Хўж., Қўнг.) *турақ:торақ* сут маҳсулоти номи учрайди. Бу ном тарихий манбаларда *турақ* тарзида учраб, “ачиган қуюқ сут” маъносини билдирган. Лекин ҳозирги кунда бу ном *қурт* сут маҳсулотининг бир турини англатади. Ўрганилаётган ҳудуднинг қорақалпоқ, қозоқ тилларида ҳам *торақ* шаклида қўлланилади.

Умуман, тарихий манбаларда учрайдиган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган таом номлари йиллар давомида тилимизга кириб келаётган ёки ўзлашаётган атамалар таъсирида ўзгариб бориб, ўзининг асл шаклини

йўқотиб бормоқда. Бироқ, мазкур таом номларининг баъзилари ўзбек шеваларида сақланиб қолган бўлса, бошқа бирлари қорақалпоқ, қозоқ, туркман тилларида сақланиб қолган. Бу ҳолат эса мазкур тиллар материаллари ва уларнинг таъсири воситасида тил тарихидаги энг қадимги таом номларини ўрганишга ёрдам беради.

**М.А.Мирзааҳмедов,
Р.А.Убайхўжаева**

Илғор педагогик технологиялар асосида ҳамкорликда ишлаш

Ҳамкорликка асосланган таълимда ўқувчилар фаолияти қуйидагича ифодаланади:

- ўзаро фикр алмашадилар;
- муомала қилиш малакалари ошади;
- ҳар бир ўқувчи ўзи учун, гуруҳи учун жавоб беришга ҳаракат қилади;
- ўзаро ишонч пайдо бўлади;
- бирдамлик ва ҳамжиҳатлик кучини, гуруҳ учун масъулиятни ҳис қилади:

– ҳар бир ўқувчига раҳбарлик ролини бажариши учун имкон берилади, ҳамда ўзаро дўстона муносабат шаклланиб боради.

«Сўз топ» ўйини («Домино»). Бу методни дарснинг кириш қисмида ўтказиш мумкин.

«Тўхтаб ўқиш» усули («Пауза»ли ўқиш).

Бу усул орқали ўқувчиларнинг диққати жамланади, уларни мавзуга қизиқтириб, ҳар хил ҳолатлардан чиқиб кета олиш малакалари шаклланишига, уларни гапиртириб, мустақил фикрларини айтишларига имкон яратилади.

«Ҳар ким, ҳар кимга ўргатади» усули. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг фикрини, қарашларини, билим даражасини билиб олиши мумкин. Бу усулда ҳар бир ўқувчи қисқа муддат ичида фаол қатнашчига айланади, ўз фикрини ифода этиш, гуруҳдошларининг фикрларини тинглай олиш, ўртага ташланаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, бу усул ўз фикрини химоя қилишга ўргатади.

«Кластер» усули. Бу усул берилган асосий мавзу атрофида фикр юритишга қаратилган. Айтилган сўзлар мавзуга мос келадиган сўзлар йиғиндисини ҳосил қилади. Ҳар бир орқали бола асосий сўз ва унинг синонимларини, мазмун назаридан тўғри келадиган, мавзунини атрофлича ёритилишига ёрдам берадиган сўз ва ибораларни билиб олади.

«Мозаика» усули (ёки майда бўлақлардан яхлит кўриниш ҳосил қилиш). Бунда расмлар, эртақлар, матнлар, шеърлар, мақоллар, топишмоқларни бўлақларга бўлиб, конвертларга жойланади. Гуруҳ қатнашчилари танлаган конвертдаги бўлақчалар бир бутун кўринишга келтирилади.

«Эссе» усули. Бу усул, асосан, дарс якунида ўтказилади. Бу усул орқали

ҳар бир ўқувчининг дарс ҳақидаги фикр ва мулоҳазаси ёзма равишда баён этилиши керак.

Педагогик технологиянинг муҳим белгилари қуйидагилардир:

- предметлилик;
- бири-бирига мослик;
- аниқлик;
- текширувчанлик;
- ҳаққонийлик;
- тизимлилик;

Дарс ўтишнинг илғор педагогик технологияларга асосланган босқичлари қуйидагича:

1. Дарснинг мақсад ва вазифалари.
2. Ўқув жараёнининг мазмуни.
3. Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси .
4. Қўйиладиган натижалар.
5. Келгуси режалар.

Дарс ўтишнинг ноанъанавий, фаоллаштирувчи услублари қуйидагилар.

Амалий машқ. Мавзуда баён қилинган назарий билим, қоида формулани амалда, машқлар бажариш жараёнида қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш мақсадида ташкил қилинади.

Мустақил ишлаш – Маълум мавзулар гуруҳи (блоки) тугагач, уларни бир тизимга солиш, мустақамлаш мақсадида ўқувчиларга мустақил амалий иш, фаолият билан шуғулланиш, дарслик, машқлар тўплами билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Ўқувчиларнинг жуфт-жуфт мулоқотда бўлиши – булар мавзуга оид масалани ҳал этишда ўқувчи ўзининг қилаётган ишини ёнида ўтирган (у билан жуфтликда бўлган) ўқувчига тушунтиради.

Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб ишлаш орқали ўргатиш.

Ролли ўйинлар – мавзуга мос вазиятни саҳналаштириш, ролларга бўлиб ижро этиш;

Танловлар – маълум бир мавзулар гуруҳи бўйича олинган билимларни, кўникмаларни текшириш, баҳолаш мақсад қилиб қўйилади.

Конференциялар – ҳар чоракда ўтказилиши мумкин, уларни ҳам оралик назоратнинг бир тури деб қараса бўлади.

«*Ақлий ҳужум*» – танланган битта муаммо бўйича ўқувчиларни ўзаро мулоқотга, шу муаммо бўйича ижодий иш олиб боришга даъват қилиш, таклиф этиш.

«*Кейс*» усули дарсда ўтилиши, таҳлил қилиш керак бўлган муаммо (машқ, масала, мавзу)нинг қисқача ёзма баёни.

«*Баҳс-мунозара*». – Бунда танланган мавзу бўйича ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари навбат билан эшитилади.

«*Чархпалак*» – ўқувчилар фаоллигини ошириш усули.

Тадқиқот – олинган билимлар асосида кичик бир муаммо, қийин вазифа бўйича яқка ёки 2-3 ўқувчи бирлашиб олиб борадиган изланишдир.

Она тили дарси ва ўқитувчи маҳорати

Ўқувчиларда бурч ва бурчга садоқат каби фазилатларни шакллантириш, янги тафаккур юрита оладиган, замон руҳини ҳис эта оладиган авлодни тарбиялаш масаласи Республиканинг бугуни ва келажagini яратишдаги энг муҳим масаладир.

XX асрда она тилининг ҳикоя қилиш, матн ёки китоб билан ишлаш, тил бўлимлари доирасида машқлар бажариш каби ўқитиш усулларидан кенг фойдаланилган бўлса, тил ўқитишнинг замонавий вербал индуктив-когнитив-прагматик таълим усули, онгли вербал-когнитив таълим усуллари каби интер фаол усуллар кириб келди. Улар болаларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятлари ўсаётган даврида муҳим роль ўйнайди. Бу ўқитиш методлари тил фанининг бўлимларидаги қонуниятларни эгаллаб олиш, айниқса, мураккаб масалаларнинг моҳиятини ўзлаштиришда, ўқув-амалий кўникма ва малакаларини эгаллашда самарали ёрдам беради. Бироқ, бу вазифаларни амалга оширишда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тизимли ҳамда пухта тайёрланиши, улардан фойдаланишда кўплаб вақт ва куч сарфлаш билан боғлиқ бўлади.

Юқорида эътироф этилган вазифаларни амалга оширишда ўқитувчининг изланувчанлиги, топқирлиги, фаоллиги каби сифатларни эгаллаб олиши муваффақиятли ва самарали дарс ўтказишнинг гаровидир.

Ж.Убайдуллаева
Сурхондарё, Шарғун ш.
1-ихтисослаштирилган мактаб

Ўқувчиларни адабиёт ўқитишга қизиқтириш сирлари

Маънавият ўчоғи ҳисобланмиш жаннатмакон ўлкамизда қадим-қадимдан адабиётга, санъатга алоҳида меҳр кўзи билан қарашган. Боболаримиз «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» каби дostonларни ёддан билишган. Қора чироқлар ёруғида узун қиш кечалари китобхонлик билан машғул бўлишган. Улуғ шоиримиз А.Навоий ана шундай муҳит натижасида буюкликка эришган. Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси А.Қодирийнинг XX аср ўзбек адабиётининг энг сара романи деб топилган «Ўтган кунлар»ни ўқимаган киши деярли бўлмаган. Нега ҳозирги кунда оила муҳитида китобхонликлар, шеърхонликлар бўлмаяпти? Бувиларимиз эртақларни, боболаримиз дostonларни, ота-оналаримиз эса фарзандлари учун вақт ажратишни унутишмоқда. XXI аср компьютер асридир. Аммо компьютер ёки интернет китобдан оладиган маънавий озуқани бера олармикан? Йигитлар Отабекдаги вафо, садоқат, олийжаноб

инсоний фазилатларни, Анвардаги илмга чанқоқлиги, аҳдга вафони, Кумушдаги ватанга муҳаббат ҳиссини, қизлар Кумушдаги ҳаё, Раънодаги жасорат, Робиядаги ғурур туйғуларини асарни ўқимасдан англаб етармиканлар? Йўқ албатта.

Машҳур адибимиз А.Қаҳҳор «Адабиёт атомдан кучли. Аммо бу кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак» деган эдилар. Ўқитувчининг ўзи замон билан ҳамнафас бўлмаса, ҳар бир янги нашр билан танишиб бормаса, ўз устида ишламаса, ўқувчини қизиқтира олмаса, ўқувчи қандай ўқисин.

Бизнинг интернатимизда ўтказиладиган китобхонлар анжумани ўқувчилар қалбидан чуқур ўрин эгаллаган. А.Қодирий, Т.Малик, Б.Қодиоров каби адибларимиз асарлари асосида тайёрланган анжуманлар ҳар бир қатнашувчи ва тингловчи учун юксак маҳорат мактаби, маънавий озуқа бўлмоқда. Бундай анжуманлар ўқувчининг бадиий асарларга бўлган қизиқишини оширади, меҳр-оқибатли, меҳнатсевар, ватанпарвар умуман олганда, олийжаноб инсоний фазилатлар соҳиби бўлиб етишишга ёрдам беради.

Н.Умарова
Сергели, 300-мактаб

Она тили дарслари жараёнида тақдимот технологияларидан фойдаланиш

Бугунги кунда таълим тизимига мултимедиа, медиапедагогика атамалари кириб келмоқда. Мултимедиа (инглизча мултимедиа, лотин тилидаги мултум-кўп ва медиа, медиум- восита)— бир неча хил кўринишларга эга электрон хабарлар ахборот (матн тасвири, аниматсия, аудио ҳамда видео тасвирлар) мажмуаси.

Она тили ва адабиёт дарсларида ҳам тақдимот технологияларидан кенг фойдаланиш мумкин. Бу усулда дарс ўтиш учун ўқитувчига биргина компьютер, мултимедиа проектори, АКТнинг “POWER POINT” дастури асосида яратилган слайдлар керак бўлади.

Тақдимотни яратиш уч босқичдан: режалаштириш, тақдимотни ишлаб чиқиш ва уни синаб кўришдан иборат.

Тақдимотни режалаштириш- бу мақсадларни аниқлашни, фойдаланувчини ўрганиш, тақдимот тузилишини шаклантириш ва материал мантиқий жиҳатлари устида ишлаш жараёнидир.

Тақдимотни ишлаб чиқиш- матн ва график ахборотнинг мазмуни, моҳияти ҳамда таҳлилни ўз ичига олган тақдимот слайдларини тайёрлашнинг методологик хусусиятларини ўзида қамраб олади. Слайдларни ахборотлар билан тўлдиришда, айниқса, айнан тўлдириш вақтида материални яхлитликда кўрсатиш кераклигини, бу ерда эса муҳимлигига кўра материал қисмлари бирин-кетин кўринишига тўғри келиши зарурлигини унутмаслик лозим.

Тақдимотни синаб кўриш- бу яратилган “маҳсулот” ни текшириш ва

кәмчиликларини тўғриладан иборат. Бунда материални қанчалик мувафакқиятли режалаштириб, слайддан слайдга ўтишда мазмуний жиҳатлари қанчалик тўғрилигини текшириш керак.

Тақдимотни режалаштириш:

- мақсадларни аниқлаш;
- фойдаланувчиларнинг билиш даражасига қараб тақдимотнинг асосий госясини аниқлаш;
- қўшимча маълумотларни танлаш; тақдимот тузилмасини тузиш;
- материални фойдаланувчига етказиш мантиғини текшириш;
- хулосани тайёрлаш

Тақдимотни тайёрлашда мақсадни аниқ шакллантириш даркор.

Мисол учун 7-синфда “Олмош” мавзусини ўтиб бўлгач, электрон тақдимот ўтказиш мумкин. Бунда тақдимот икки хил йўналишда тайёрланади.

Биринчи тақдимотни “Олмошлар” мавзуси ўтиб бўлингач, “Грамматик топишмоқлар” асосида тузиш мумкин. Унда олмош сўз туркуми ҳақидаги топишмоқлар бериледи ва ўқувчилар тақдимотдан топишмоқни ўқиб жавобини топадилар. Бу тақдимот слайдларини ўқувчиларнинг билиш даражаси ва қизиқишларига қараб тайёрлаш мумкин.

Иккинчи тақдимот эса “Саволнома” деб номланиб, уни тақдим этиш жараёнида ўқувчи бевосита ҳам иштирокчи, ҳам баҳоловчи сифатида қатнашади. Сабаби: тақдимот ўтказиш жараёнида аввал слайдда саволлар чиқади, ўқувчи жавоб бериб бўлгач, жавоблар чиқади. Бунда ўқувчи нечоғлик тўғри жавоб берганлигини текшириш имкониятига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, тақдимот жараёнида ўқувчи намоён қилиш методининг фақат томоша қилувчисигина эмас, мушоҳада қилувчи, иштирокчиси, баҳоловчиси ҳам бўлар экан.

К.Усмонова
РТМ шўъба бошлиғи

Уй вазифаси- долзарб муаммо

Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг асосий босқичларидан бири бўлган уй вазифаси ҳозирги кун таълимида муаммо даражасига кўтарилди. Чунки ортиқча миқдордаги уй вазифаси ўқув материалларига қизиқишнинг йўқолиши, жисмоний ва ақлий чарчаш, бўш вақт ҳамда жамоат фаолиятларида иштирок этишга ҳоҳиш бўлмаслик каби салбий таъсирларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ўқув жадвалидаги мавжуд ўқув фанининг барчасидан уйга вазифа бериледи. Бу ўқув фанларини бир нечта ўқитувчи ўқитса-да, берилган вазифаларни бир киши, яъни ўқувчининг ўзи бажаради. Деярли барча дарсликлар ўқувчининг қўлида бўлса ҳам аксарият фанлардан уйга конспект ёзиш, дарсликдаги расмларни айнан қайта чизиб келиш, реферат ёзиш вазифалари бериледи. Бундай топшириқлар болага нима беради? Ўқувчининг қўлида дарслик бўла туриб, бундай вазифани бериш

шартмикин, чунки бунда ўқувчи кўп вақт йўқотади, чарчайди, бундай кўринишдаги вазифанинг самараси паст бўлади. Синфдаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси турлича бўлсада, уларга бир хил типдаги уйга вазифалар берилади, ўқувчиларнинг иқтидорини ҳисобга олган ҳолда уйга вазифа турли вариантларда берилиши лозим. Шунингдек, ўқув йили давомида бир хил турдаги уйга вазифалар ўқувчини зериктиради. Уй вазифасини бола учун қизиқарли бўлган ўйин тарзидаги, амалий бажариладиган, ўқувчига нимадир берадиган вариантларини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Уй вазифасидаги бундай муаммоларнинг олдини олиш учун ҳар бир фан бўйича қанча ва қачон уй вазифаси бериш тўғрисида умумий йўриқномалар ишлаб чиқилиши керак. Бундай йўриқномаларсиз ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларни улгуриб бўлмайдиган иш билан банд қилиб қўядилар. Уй вазифасидаги мувофиқлаштириш ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳам юкломаларини камайтирган бўларди.

Уй вазифасини бажаришга бўлган хоҳишнинг йўқолмаслигига топшириқларнинг ҳам табиати, хилма-хиллиги таъсир кўрсатади. Уй вазифасининг типни агарда: анча қийин, анча осон, зерикарли, бир хил типда бўлса ёки мавзуга боғланмаган тартибда берилса, ўқувчиларнинг иштиёқини сўндиради.

Ҳар бир фанни ўқитишда Таълим бериш усуллари тез-тез муҳокама қилинса-да, уй вазифасига методик принципларни қандай қўллаш тўғрисида жуда кам маслаҳатлар берилади. Дарсликларда уй иши учун тузилган яхши материаллар кам бўлса, методик қўлланмаларда уни бажариш тўғрисида йўриқномалар берилмайди. Ҳозирги кунда уй вазифаси амалиётини қайта кўриб чиқиш муҳим масалага айланди.

Мактабдаги таълим- тарбиянинг асосий мақсади ҳар томонлама соғлом баркамол авлодни тарбиялаш экан, ўқувчига бўш вақт яратиш биз мутассаддиларнинг бурчимиздир.

О.Хайитов
Термиз ДУ проф.
Г.Хайитова ўқит.

Тарбияга технологик ёндашув

Миллий дастур талабларини амалга ошириш борасида олимларимиз, методистлар ва амалиётчилар изланишлари натижасида дарсни ташкил қилишнинг анъанавий (ҳикоя, суҳбат, дарслик билан ишлаш, намойиш қилиш ва ҳ) ва ноанъанавий (конференция, семинар, техника воситалари, ахборот манбаларидан фойдаланиш, бадий ўқиш, эвристика, интеграция ва б.), умумий ўқитиш (тушунтириш, муоммоли ўқитиш, қисман изланиш, тадқиқот ва б.) лар билан биргаликда инновацион усуллар (моделлаштириш, ақлий ҳужум, ролли ўйинлар ва б.) амалиётда қўлланилмоқда.

Таълим-тарбияда янгилик фақат таълимни ташкил қилиш соҳасидагина эмас, балки тарбиявий ишларни олиб боришда ҳам педагогик технологиядан фойдаланилмоқда, яъни тарбияга технологик ёндашув амалда қўлланилмоқда ва фуқаролик ғурури, ватанпарварлик, ижтимоий фаоллик, масъулият ҳисси ва бошқа шахсий сифатларни шакллантиришда ижобий таъсир қилмоқда. Демак, тарбия технологияси мўлжалланган тарбиявий мақсадга самарали эришувни таъминловчи воситалар мажмуасидан иборат ва ҳукумат сиёсатиға мувофиқ тарбиялаш мақсадларини амалга оширишға хизмат қилади.

Ёшларни тарбиялашдаги долзарб вазифалардан бири улар онгида миллий ғояни сингдириш, миллий ўзлигини англатиш, улар онгида миллий ғурур, ватанпарварлик, эл-юрт ишиға доим тайёрлик, мард-жасоратли бўлиш каби миллий ва умуминсоний сифатларни шакллантиришдан иборат. Бундай юксак мақсадларни амалга оширишда кўп миллатли халқимиз анъаналаридан, миллий қадриятларимиз ва улғу бобокалонларимиз ўғитларидан ўрни билан, мақсадға мувофиқ фойдаланишимиз даркор.

Миллатнинг, давлатнинг, жамиятнинг эртанги куни шу заминда улғаяётган ўғил-қизларнинг камоли билан чамбарас боғлиқ. Юртимизда таълим тизими ислоҳатиға устувор вазифа сифатида қаралиши замирида ҳам фарзандларимиз келажагини ўйлаш орқали Ватаннинг эртанги тараққиётини қўришға қаратилган. Бу улкан вазифаларни таълим-тарбияға янгича ёндашмасдан, янги педагогик технологиялардан фойдаланилмасдан ҳал қилиб бўлмайди.

Ё. Ҳамраева
Қарши ДУ ўқитувчиси

Ўзлашма сўзлар луғати — тафаккур ва нутқ ўстиришнинг зарурий омили

Ўқувчи-ёшларнинг оғзаки ва ёзма нутқи ривожланган, тафаккури ва дунёқараши кенг бўлиши учун улар бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг маъноларини изоҳлай билишлари, зарур ҳолларда ўзлашмаларни ўринли қўллай олишлари керак.

Бунинг учун «Ўзлашма сўзлар изоҳли луғати»ни яратиш бугуннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади, чунки тил таълимининг муҳим воситаларидан бири дарсликлар бўлса, иккинчиси луғатлардир.

«Ўзлашма сўзлар луғати»ға таълим жараёнида мунтазам учрайдиган сўзлар, шунингдек болалар ва ёшлар матбуоти лексикаси асос қилиб олинади. Шунга кўра, луғат қадимги юнон ва латин тиллари элементларидан ташкил топган, ҳозирги кунда жаҳон халқлари тиллари учун умумий бўлган *республика, конституция, президент, парламент, демократия* каби сиёсий атамаларни, кимёвий элементларнинг номлари, шунингдек тарих, ҳуқуқшунослик, физика, математика, география, тиббиёт, спорт каби

турли илмий ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларга оид сўзлар ва атамаларни, кўплаб мамлакатларнинг пул birlikлари номларини ўз ичига олиши лозим.

Ҳинд-европа оиласига мансуб тилларнинг аксариятида урғу эркин бўлгани учун, сўзнинг ҳар қандай бўғинига туша олади. Шунингдек, японча, португалча ва айрим арабча сўзларда ҳам урғу сўзнинг биринчи ёки иккинчи бўғинига тушиши мумкин. Шу боис сўзларнинг охириги бўғинига тушмаган ҳолларда урғу ёзувда кўрсатилиши лозим, бу ўқувчиларда чет тилларидан кириб келган сўзларни тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантиришда асқотади.

Луғатда сўзларнинг асосан ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг қўлланидиган маънолари қисқа изоҳ билан баён этилиши, полисемантик (кўпмаъноли) сўзларнинг ҳар бир мустақил маъноси тартиб билан алоҳида-алоҳида изоҳланиши зарур.

Ўзбек тилида бошқа сўз билан турғун бирикма шаклида қўлланидиган ўзлашмалар махсус белгидан сўнг бирикма шаклида қора ҳарфлар билан берилиб, изоҳланади.

Ўқувчилар луғат мақолалари орқали маълум лексик birlikларнинг келиб чиқиши, уларнинг қўлланиш соҳаси ва доираси ҳақидаги маълумотлар билан ҳамда ҳар бир сўз ва унинг муайян маъноларининг изоҳлари билан танишадилар.

Луғат ҳажман кичик, ихчам ва фойдаланишда қулай бўлиши керак, уни турли иборалар, мақол ҳамда маталлардан мисоллар ва цитаталар билан тўлдириб юбориш мақсадга мувофиқ эмас.

И.Холмуродов
Қорақалпоғистон РПИҚМОИ
катта ўқитувчиси

«Жой номлари»ни ўргатишда интерфаол усулларни қўллаш

От сўз турқумини ўрганиш «Жой номлари» билан боғлаб олиб борилса, ўқувчиларнинг топонимика бўйича ўзлаштиришлари зарур бўлган билимлари мукамаллашиб, боради.

Бундай машғулотларда «Ақлий ҳужум», «Заковат», «Ўйла, изла, топ», «Топқирлар беллашуви», «Менга якунловчи ёки охириги сўзни беринг», «Ҳар ким ҳар кимга ўргатади» каби қатор усуллардан фойдаланиш мумкин.

Ёзув тахтасига қуйидаги жой номлари ёзилган учта плакат илиб қўйилади. Ўқувчилар ушбу танишаётган жой номларини изоҳлаб, шулар асосида матн тузиш топширигини бажарадилар, топшириқлар гуруҳларда ишланади.

Биринчи плакат – Амударё туманидаги уруғ-қабилла, элатлар билан боғлиқ бўлган жой номлари: Ача, Ачали, Ачамойли, Агадил, Айувчи. Алчин, Бағанали, Бурга, Бешул (Бешман). Бўйрачи, Бўтаджали, Бўка.

Бургут, Боғлоп қийат (Вағлан) ва ҳ.

Гуруҳлар «Манғит», «Қипчоқ», «Қанжигали» номлари билан аталиб, ҳар бир гуруҳда топшириқ бўйича қуйидагича муаммоли саволлар қўйилади:

1-гуруҳга:

1. Сиз олдин ҳам қуйидаги уруғ-қабил ва элатлар номи билан боғлиқ бўлган номларни билармидингиз, эшитганмисиз? Қаерда?

2. Адабиёт, тарих, география дарсларида ушбу этнопонимларга (жой номларига) дуч келганмисиз?

3. Шаҳрингиз, кўчангиз, қишлоғингиз, маҳаллангиз, овулингиз номлари қандай аталади? Келтирилган уруғ-қабил ва элатлар номи билан боғлиқлик жиҳатлари борми? ва ҳ.

2-гуруҳга:

1. Қуйидаги сув номлари билан боғлиқ бўлган канал, кўл, арна номларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ажратиб луғат тартибида ёзиб чиқинг.

2. Гидронимларда уруғ-қабил ва элатлар номи билан аталиши учрайдими? Ажратиб алоҳида дафтарингизга ёзинг.

3. Ўзбекистондаги қандай дарё, денгиз, канал, ариқ, кўл номларини биласиз? Мисоллар келтиринг.

3-гуруҳга:

1. Берилган жой номларини тўлдилинг.

2. Сиз яшаётган қишлоқ, маҳалла, овул, шаҳра, кўча номи қандай аталади?

3. Жой номларининг нима сабабдан шундай аталишини биласизми?

Она тили ва адабиёт ўқитувчилари дарс ўтиш жараёнида юқорида зикр этилган ҳар бир жойнинг айтилиши ва ёзилишига эътибор бериши, жой номларини ўқитишда ўқитувчининг ўзи яшаб турган жой номлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари зарур.

Т.Хурвалиева
А.Авлоний номидаги
ХТХҚТМОМИ аспиранти

Нутқ ижтимоий руҳий ҳодиса сифатида

Кишининг улуғворликка етакловчи омиллардан бири нутқнинг ихчам, раван, жозибали ва мазмунли бўлишидир. Донишманд ота-боболаримиз азалдан нутқ маданиятига катта эътибор бериб, унга амал қилишга ҳаракат қилганлар. Бугунги кунда ёшларимиз ўз фикрини ихчам ва чиройли тарзда ифода қилишда олмайдилар, ўз хис-туйғуларини, тушунчаларини юзага чиқара олмай, ўқитувчини ҳам, ўзларини ҳам қийнаб юборадилар. Ўқитувчининг асосий вазифаси эса, ўқувчига тилдан унумли фойдаланишни ўргатишдир. «Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо

мулкидир» дейилади Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида» ги Қонунида. Шундай экан, таълим ва тарбия бериш жараёнида ўқувчилар нутқининг раван, тушунарли бўлиши учун энг аввало унинг нутқидаги нуқсонларни бартараф этишга эътибор бериш зарур. Шароитга қараб нутқ турли хилда намоён бўлади. У баъзан истак-тилак, баъзан чақириқ-мурожаат, баъзан эса инсон қувончи ёки изтироби шаклида ифодаланади. Бу эса инсон руҳиятининг қандай эканлигига боғлиқ. Таълим-тарбия жараёнида ҳар қандай вазият руҳиятга таъсир этади, ва аксинча инсон руҳияти эса вазиятга қараб ўзгаради. Ўқитувчи таълим беришда боланинг руҳиятини туширмаслиги, унга далда бериш, ҳамда қийинчиликларни бартараф қилиш мумкин деган фикрни сингдириши муҳимдир. Ўқитувчида бўлиши керак бўлган педагогик қобилиятларнинг энг муҳими, нутқ ва коммуникативликдир.

Демак, ёш авлодга она тилини ўргатишда ўқитувчиларнинг ўз нутқи устида ишлаши, болалар билан мулоқотга киришганда улар тилида сўзлашишни билиши муҳим омиллардан саналади.

**Э.Ҳамдамова, Н.Қўшаева
Г.Қўшаева (Бухоро)**

Индивидуаллаштириш ўқув жараёнини такомиллаштириш йўлларида бири

Ўқувчидаги истеъдодни аниқламай туриб ундаги, қобилиятни ривожлантириб бўлмайди. Аввало, ўқувчини мустақил ўқиши учун, унда етарлича билим, кўникма ва малака, шунингдек, бу фанга нисбатан қизиқиш уйғотилган бўлиши керак.

Ўқувчини мустақил ўқиши учун биринчидан муҳит тайёрлаш керак. Бу жараённи 3 босқичга ажратиш мумкин.

- Ўз-ўзини ўқитиш
- Ўз-ўзини баҳолаш
- Мустақил иш

9-синфда «Сартарошхонада» мавзуси қуйидагича режалаштирилади. Синф икки гуруҳга бўлиниб, қуйидаги режа асосида топшириқ берилади: Янги сўзлар билан таништириш, диалог ва мулоқот, рол ижро этиш. Сартарошхонада, Грамматика, хулоса, уйга вазифа. Мақсад, ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, олган билимларини амалиётда қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш.

Бунинг учун, гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи режадаги топшириқларни энг осон, энг қулай йўл билан тушунтириб беришлари лозим. Дарс охирида ўқитувчи йўналтирувчи хулоса беради. Масалан, ўқувчи қаерда хатоликка йўл қўйди, қаерда мукамалроқ бўлиши, қаерда соддароқ усул билан тушунтириш керак эди?

Бундан ташқари қўлланаётган усуллар компьютер ёрдамида ва

масофадан ўқитиш элементларини қўшиб олиб бориш билан бойитилади. Масофадан ўқитишда ҳам индивидуал ишлаш яхши самара беради. Биз ўқувчилар билан биргаликда чет эллик дўстларимиз билан «e.mail» яъни интернет орқали боғланамиз ва улардан керакли маълумотларни оламиз. Улар билан турли мавзуда савол-жавоб ўтказамиз.

Яна ўз-ўзини ўқитишни такомиллаштириш мақсадида «Кичик илмий академия» ташкил қиламан. Ўқувчилар танлаган мавзуларни илмий асослаб таҳлил қиладилар, намуналар келтирадилар.

Ўқувчиларни мустақил ўқишлари учун «Уйда ўқиш», «Бадиий таржима», «Фикрни ёзувда ифодалаш» каби дарс соатлари ташкил қилиниши ҳам яхши самара беради.

М. Холова
(Ғиждувон т. 4-мактаби)

Она тили дарсларида касб-кор сўзлари устида иш

Бугунги кунда ўқувчиларнинг мустақил ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг асосий сабаби олдимизда турган бош мақсад - ижодий тафаккур соҳибини етиштириш вазифаси, албатта. 5- ва 6-синфларда она тили дарслари ўзбек тили лексикасини, сўз туркумлари, уларнинг маъновий гуруҳларини ўрганишни назарда тутди. Шунинг учун ўтилатган мавзу билан боғлиқ равишда ўқувчиларга уларга яқин бўлган касб-корларга оид сўзларни йиғиш, уларнинг маъноларини тушунтириш, расмларини бериш топшириади. Ўз тажрибамда мен 5-синфнинг учинчи чорагида қизиқувчан болаларни уларга таниш ёки яқин бўлган касб-кор (хунарлар)га беркитиб қўйдим ва бир ярим йил давомида - 5-синфда лексикология (сўзшунослик) ва 6-синфда сўз туркумлари, уларнинг маъновий гуруҳларини ўтиш жараёнида ўқувчиларни сўзлар устидаги ҳамма вазифа ва топшириқларни ўзларига топширилган хунар сўзлари асосида бажаришга ундадим. Натижалар жуда яхши бўлди: ўқувчилар (она тили дарсларида болалар ҳам, ўзлари ҳам ўзларини фахр билан сўзларини ўрганаётган касб-кор номи билан - *темирчи, нонвой, зардўз, каштачи, харрот, бўёқчи, монтер* в.ҳ. деб атайдилар) сўзларнинг ҳар хил (шаклдош, маънодош, зид маъноли ... каби) турларини, ҳар бир сўз туркумини ўрганаётганда мисолларни «ўз соҳа»ларидан олишга одатланишди. Кейинги уч йил давомида маҳалламизда бўлган деярли барча касб-хунарлар бўйича расм-суратли альбом ва луғатлар тузилди, ўқувчилар уларни дид блан безатишди. Она тили дарслари билан боғлиқ равишда олиб борилган бундай ишлар яна бир яхши натижа берди - ўқувчиларнинг айримлари сўзларини ўрганаётган касб-хунарга меҳр қўйишди, уни ўрганишди. Соҳа сўзлари йиғилган алғбомлар, луғатлар йилдан-йилга такомиллашиб, хазина бойиб бормоқда.

Шахсга йўналтирилган таълим — давр талаби

Таълимнинг асосий мақсади комил инсонни тарбиялаш экан, албатта, бу вазифанинг салмоқли қисми она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари зиммасига юклатилиши бежиз эмас.

Америка олимларининг тадқиқотлари натижасида шу нарса маълум бўлди-ки, инсон ўз билимининг 10 фоизини ўқиш орқали, 20 фоизини эшитиш орқали, 30 фоизини кўриш орқали, 50 фоизини ҳам кўриш, ҳам эшитиш орқали, 90 фоизини эса ўз нутқий фаолиятида қўллаш, яъни гапириб бериш орқали олар экан.

Психологиядан шу нарса маълумки, ҳар бир шахс ўзгалар билан мулоқот қилиш, ўз фикрини бошқаларга етказиш, қолаверса, ўз қобилиятларини намойиш қилиш эҳтиёжига эга. Агар ўқувчидаги бундай эҳтиёж сурункали равишда қондирилмай келинса, унинг ўзига бўлган ишончи йўқолади, ўз — ўзини қуйи даражада баҳолаш юзага келади.

Дарс жараёнида бу масалаларни ҳал қилиш фақатгина ўқувчи сони 10-15 тадан ошмаган кичик гуруҳлардагина мумкин бўлади.

Бугунги кунда машғулотларни компьютер техникаси, аудио-техника, дастурлаштириш воситалари, таълимий- электрон ишланмалар билан жиҳозланган махсус хоналарда ташкил этиш орқалигина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Кичик гуруҳларда таълим олиш ўқувчини бевосита ижодий изланувчанликка илҳомлантиради. У фаол ҳамкорликда фаолият юритиш, аynи пайтда индивидуалликни сақлаб қолиш ва намойиш этиш имкониятларига эга бўлади.

Она тили таълимининг кичик гуруҳларда олиб борилиши ўқитувчи ва ўқувчи имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Н.Ҳотамова
Термиз ш. 9-мактаб

Ўзбек тили тарихи

Ўзбек тили узоқ ўтмишга эга. Ўзбек халқи ва унинг тарихига мансуб бўлган ёдгорликлар хилма-хил бадиий ва илмий асарлар минг йиллик тарихга эга.

Ўзбек тили қадимий тиллардан бўлиб, дастлабки ёзма ёдномалар VI-VII асрларга оиддир.

Ўзбек халқи ва тилига бевосита тегишли бўлган қадимги ёдгорлик - Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридир.

«Девону луғатит турк» даги мақоллар, лирик шеърлар, туркий тиллар

гуруҳидаги тилларда сўзлашувчи бошқа халқлар билан бирга ўзбек халқининг ҳам қадимги муштарак адабий ёдгорлигидир.

Қадимги ёдгорликларнинг энг каттаси Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» дostonидир.

«Ҳиббат ул ҳақойиқ» дан кейин ёзилган Қутб Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин» dostonи ўзбек тили тарихи занжирини безаб турибди.

Бундан кейин ўзбек тилида асар ёзиш анъаналарини «Пайғамбарлар ҳақида асарлар» муаллифи Рабғузий «Муҳаббатнома» нинг муаллифи Хоразмий давом эттирдилар.

Уларнинг изидан эса Юсуф Амирий, Яқиний, Атоий, Хофиз Хоразмий, Саққокий, Лutfий каби ўнлаб буюк адиблар бордилар.

XV аср она тилимизнинг гуллаш даври саналади. XV асрнинг ўрталарида ўзбек тили ва адабиётининг сўнмас даҳоси, шоир, олим ва давлат арбоби, Мир Алишер Навоий адабиёт ва санъат майдонига чиқди.

У ўз она тили қудратини шунчалик кўкга кўтарганки бу тилнинг шухрати бутун шарқ мамлакатларига ёйилди. А.Навоий ўзининг «Хамса», «Хазойин ул маоний» асарлари билан туркий тилини жаҳон миқдосига олиб чиқди. У «Муҳокаматул - луғатайн», «Мажолис ун-нафоис» каби асарлари билан туркий (ўзбек) тилининг қудратини, бойлигини ва нафислигини намойиш қилди, туркий (ўзбек) тилида ёзгани билан ниҳоятда фахрланди.

Ўзбек халқи ўз тилининг минг йиллик тарихи билан фахрланса арзийди.

М.Ҳамраева

Тошкент ш. 131 —мактаб

Миллат адабиёти — халқ бойлиги

Тезкор 21- асрнинг дастлабки ўн йиллиги даврига келиб инсоният ҳаётига кўплаб ўзгаришлар, янгиликлар кириб келди. Ахборот технологиялари, кибернетика ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётимизни белгилаб бермоқда.

Қадимги туркий аждодларимиз оғзаки ижоди намуналарини акс эттирган қўшиқ, ривоят, афсона, dostonлар сюжети асосида компьютерда мултипликацион фильмлар яратиш, матнларни титрда бериш, бадий ўқиш намуналари билан бойитиб дискларда тарғиб қилиш ва бу воситаларни она тили, адабиёт дарсларида, тарбиявий соатларда қўллаш, экранларда намойиш қилиш мумкин. Шунингдек, адабиётимизнинг бетақрор намояндалари қаламига мансуб бўлган doston, қисса ва романлар асосида фильмлар яратилиши лозим. Шоир, ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодига оид ўқув фильмларининг яратилиши адабиётимизнинг намояндалари ҳаёти, ижоди ҳақида кенг маълумот беради.

Шу билан бирга шоирлар қаламига мансуб шеърлар асосида яратилган қўшиқ, клиплар альбомларини жамлаш, каталоглар тузиш, буларни

адабиёт ва она тили дарсларида кенг қўллаш жоиз.

Бугунги кунда аруз вазнидаги асарларни бадий ўқиш ўқувчиларимизга, шунингдек, суҳандонларимизга ҳам у қадар муваффақ бўлмаётир. Шу сабабли бадий сўз усталари ижросида шеър, газалларни компьютер дискларига тушириш, ўқув юртларига, кенг халқ оммасига тарқатиш керак деб ўйлаймиз.

Адабиёт хазинасини ёш авлодга ушбу усулларда тарғиб қилиш 21 аср авлоди ва ундан кейинги авлодлар ҳамда келажак олдида бугунги кун зиёлиларининг улкан бурчи деб биламиз.

Г.Ҳамроева
Термиз шаҳри 11-мактаб

Тил – маънавият қўзғуси

Тил инсонлар орасида ўзаро алоқа қуроли, фикр ифодалайдиган воситадир.

Тил фақат айрим шахсларнинг алоқа воситаси бўлмай, миллатлараро алоқа қуроли, тўпланган тажриба ва билимларни келажак авлодга етказиш воситаси ҳамдир.

Демак, тил табиий эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. Тил фикр билан чамбарчас боғлиқдир. Онг пайдо бўлиши билан тил ҳам пайдо бўлган. Жаҳондаги жуда кўп миллий давлатлар ўз тилига эга.

Ўзбекистон Республикасининг ҳам ўз давлат тили бор. Дунёда 3000 дан ортиқ тил бор бўлса шуларнинг бири сифатида ўз она тилимизни фахр билан тилга оламиз.

Инсоннинг она тилини унутиши фожиалар ичида энг каттаси. Киши биринчи навбатда ўз тилини севиши керак.

Тил бўлдиради ҳам, ўлдиради ҳам, - дейди доно халқимиз. Ривоят: Қадимда икки дўст мамлакат шоҳлари давлатлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, замонасини ислоҳ қилиш мақсадида учрашибди. Улар икки тилда сўзлашади. Шунинг учун сарой таржимонини чорлашибди. Узоқ давом этган музокарада ношуд таржимоннинг тили тутулибди. Тинчлик деган сўзни танглик деб таржима қилибди. Шоҳларнинг кайфияти бузилиб, қошлари чимирилибди, бир-бирларидан ихлоси қайтибди. Икки халқ тақдири ҳал бўлар пайти таржимоннинг боши айланиб дўстлик калимасини қасдлик деб таржима қилибди.

Буни қарангки, ўртага шубҳа оралаб, икки давлат ўртасида чиндан ҳам уруш бошланиб кетган экан. Қиличлар қонсираб жанг пайти ношуд таржимонни ҳеч ким эсга ҳам олмабди.

Матн яратиш – нутқ ўстиришнинг муҳим омили

XXI асрда ўзбек тили таълими мазмунини янгилашда ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро нутқ ўстиришнинг асосида матн яратиш ётиши бугунги кунда ҳар бир ўқитувчига аён.

Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчисининг она тили ва адабиёт фанидан фикрлаш қобилиятини ўстириш билан бирга, уларнинг ижодий фикр маҳсулини тўғри ва равон ифодалашга, боғланишли фикр рақам этилган матн яратишга ўргатишлари лозим.

Юқоридагиларга амал қилган ҳолда, биз ўқувчиларимизни матн яратишга ўргатиб бормоқдамиз. Масалан, модернизация қилинган дарсликлар ва дастурлар асосида яратилган 5-синф «Она тили» дастурида I чоракнинг 7-дарсида «Маънодош сўзлар» берилган ва 13-дарсида ўтилганлар асосида матн яратиш топширилган. Ўқувчиларимизга **севинмок**, **қувонмок**, **хурсанд бўлмок** феъллари ёрдамида матн яратишни сўрадик. Ўқувчи Б.Темирова яратган матн қуйидагича:

Аскар мактуби

Кеча армия сафида ўз йигитлик бурчини ўтаётган Алишер акамдан хат олдик. Салом хатни оила аъзоларимиз билан севишиб-севишиб ўқидик. Айниқса, укам Фарҳоднинг қувончини айтмайсизми. Акамнинг кураш бўйича чемпион бўлганлигини эшитиб хурсанд бўлдик.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш, уларнинг нутқини ўстиришда асқотиши табиий.

Ш.Ҳасанова

Сурхондарё, Бандихон т. 9-мактаб

Ўқувчилар нутқини шакллантириш йўллари

Ноанъанавий дарс шакллари, дарсида турли грамматик ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларда тезкорлик, сезгирлик, қатъият, қийинчиликларни енгиш, бошлаган ишини охиригача етказиш, ўзаро ҳурмат, бир-бирини тинглаш, нутқни ривожлантириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш олижаноб фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Она тилидан назарий тушунчалар, таъриф-қоидалар, мустақил ижодий ишлар, фикрлаб, таққослаб гуруҳлаб, умумлаштириб ўрганилса, мавзуларни ўзлаштириш анча осон ва қизиқарли кечади.

Ўйинни севайдиган бола йўқ. Шунинг учун ҳам «Биттами ёки кўпми?», «Яхшилар ва ёмонлар», «Бу сўз бизники», «Ким топади?», «Ким билади?», «Сирли хазина», «Тайёрмисиз?» каби ўйинларни гашкил этиш

Ўқувчиларнинг она тили фанига қизиқишини ошириб, нутқ қобилиятларини ривожлантиради.

Масалан, «От – сўз туркуми»ни ўрганишда ўқувчиларни 5 та гуруҳга бўламан. Гуруҳга ажратишда она тили фанига доир атамалардан фойдаланаман. Бу ўқувчилар ўртасида рақобатнинг самимий бўлишига асос бўлади.

Мавзу олдиндан маълум бўлганлиги учун гуруҳларга саволлар ёзилган карточкалар тарқатаман. Гуруҳ аъзоларига 2 минут вақт берилади. Ҳар бир гуруҳдан бир ўқувчи ўртоқлари билан келишиб, фикрлашиб, фикрларни умумлаштириб, саволга жавоб беради.

Саволларнинг жавоблари 5 баллик тизимда баҳоланади. Бу грамматик ўйинни «Гайёмисиз?» деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

Дарснинг иккинчи қисмида мен кластер усулида ёзилган саволлар ёзилган қоғозларни тарқатаман. Мақсад – мавзу билан боғлиқ ҳолатда ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини аниқлаш ва ривожлантиришдан иборат.

С.Умарова
С.Раҳимов ТХТБ

Она тили дарсларига қўйилган талаблар

Ўқувчиларнинг фаоллик даражасини оширишда, дарс жараёнида қўлланадиган методлар, турли хил ўйинлар, “Топқирлар беллашуви” ва бошқалар таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда дарслик материалларига қўшимча воситалар: Магнит тасмалар, ўқувчилар учун нашр этилган луғатлар, чоп этилаётган журналлар ва ҳ. методик манба вазифасини ўтайди.

Она тили дарсларида ўрганилган мавзуларни такрорлаш уни хотирада тиклаш, баён қилинган қ.ғ. билимларни амалиётда қўллаш, ёки уларни пухта ўрганиш жараёнида изланишга асосланган методлардан фойдаланиш лозим. Ўқитувчи томонидан бериладиган топшириқлар ўқувчи учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши шарт. Ўқувчи ўз ўқитувчиси орқали фанни ўзлаштиради, қизиқиш пайдо бўлади. Шу сабабли ўқитувчи сеҳрли сўзлар соҳиби бўлмоғи лозим. Фан билан бола ўртасида ўқитувчи кўприқдир.

Она тили дарсларининг самарали бўлишида қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, “Кластер”, “Ақлий ҳужум”, “Синквейн”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “6Х6Х6”, “Ҳар ким ҳар кимга ўргатади”, “Мусобақа дарси”, “Ким эпчилу, ким чаққон”, “Ролли ўйин”, “Занжир усули” каби машғулотлар дарснинг сифат даражасини юқорига кўтарadi.

Дарсда ўқитувчи ўқувчини олий ўринга қўйиши лозим. Ўқитувчи дарсга бирон бир мақсад, яъни ўқувчилар билимини ошириш, улар билимидаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этишликни кўзда тутмоғи керак.

Ўқитувчи ўз фанига бўлган ҳурматини болаларнинг фанга бўлган қизиқиши орқали кўра билиши лозим.

Илғор педагогик технологиялар асосида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш усуллари

Умумтаълим мактабларининг «Адабиёт» дарсликларига жамланган бадний асарларда ўзбек халқининг ўтмиши ва бугуни, орзу интилишлари, ўй хаёллари, қувончу ташвишлари, руҳий кечинмалари ифодаланганки, бу ёш авлоднинг маънавий қиёфасини камол топтиришда ўқувчилар қалбида куртак отаётган қадриятларни шакллантиришда хизмат қилади. Мактаб ўқитувчисининг асосий вазифаси — дарс мақсадини тўғри белгилашдан ибора. Ўқитувчи мавзуни ўтиш жараёнида шу мавзу орқали ўқувчи онгига билимларни чуқур сингдириб боришни турли усуллар орқали режалаштириши лозим.

Илғор педтехнологиялар асосида дарс ташкил этишда асосий иштирокчи ўқувчилар ҳисобланади. Чунки ўқувчи мустақил машғулотлар орқали ўз билим ва салоҳиятини синаб кўради, ўз фикрини эркин баён эта олади. Мисол учун 5-синф адабиёт дарслигида берилган «Широқ», «Тумарис» ривоятларини ўрганиш жараёнида ривоятларнинг мазмун-моҳияти асар қаҳрамонларининг юксак инсоний фазилатлар орқали Ваган, унинг тинчлиги равнақи, фаровонлиги, нақадар буюк ва муқаддас туйғу эканлиги ҳеч нарса билан таққослаб бўлмаслигини ва шунинг учун ватанни асраб-авайлаш ва унга муносиб бўлиш ҳиссини ўқувчига сингдириш лозим.

Мактаб дарсликларига киритилган Навоий асарлари эса ўқувчиларни комил инсон этиб тарбиялашда, уларнинг маънавиятини бойитишда қалбнинг тоза бўлишида манба ҳисобланади.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, сўз-қудратли куч. Ана шу сўз сеҳрига ўқувчини шайдо қилиш, унинг маънавий оламини бойитиш, ўз она тилига ойна каби қараш ва уни севишга ўргатиш ўқитувчининг энг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ш.Чориев
Чилонзор туманидаги
232-мактаб ўқитувчиси

Ўзбек тили таълими-XXI асрда

Сўнги йилларда ўқитиш техник жиҳозларининг янги намуналари: электрон ва мультимед воситалари яратилди. Компьютер техникаси жадал кириб келди. Машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида ўтиш учун объектив шарт-шароитлар вужудга келди. Биз ҳали бу янгилликларни тўла ўзлаштирмасимизданок “Интернет” дея аталмиш коммуникатив

восита пайдо бўлди. У инсоният учун кўз кўрмаган имкониятлар яратди. Интернет шунчаки янги коммуникатив восита бўлиб қолмай, жамиятни янги бир босқичга олиб чиқувчи янгича ҳаёт тарзи, янгича фикрлаш жараёни ҳамдир. Айти пайтда бу тизимларни эгаллаш ўта муҳимдир. Чунки бу янгиликка монанд тил таълимида ҳам ишлаш шароити ва усуллари борасида муайян ўзгаришлар ва янгиланишларнинг бўлиши, шубҳасиз.

XXI асрда Интернет ҳар бир оиллага, радио ва телевидение каби кириб келади. Бундай шароитда ўқувчилар буюртма бериш орқали Янги билимлардан хабардор бўлиши, ўз кўнглига, дидига, савиясига мос янгиликларни танлай олиши, яъни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, мустақил билим олиш имкониятлари мавжуд бўлади. Бу ўринда ўқитувчига эҳтиёж қолмас эканда қабилдаги фикрдан йироқ бўлиши керак. Башарти шундай бўлганида, кутибхоналар аллақачон бу вазифани бажарган, ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж ҳам аллақачон қолмаган бўларди. Тўғри ўқувчи ўзига керакли маълумотни Интернет орқали қийналмасдан етарли даражада топади. Шунинг учун ҳам дарсларда билимларни тайёр холда баён қилиб бериш эмас, балки ижодий фикрлашга таяниб иш кўриш жараёни давом эттирилади. Бу дарсларда тушунтириш намоёиш этиш методидан камроқ, муаммоли вазиятлар яратиш, ўқувчиларни ижодий фаолият кўрсатишга ундовчи методлардан кўпроқ фойдаланиш мумкин.

Д. Шодмонова
Қарши ДУ ўқитувчиси

Индуктив таълимда матннинг лисоний асосли бадиий таҳлили

Бутунги кун ўқувчиси тилнинг ички имкониятларини статик мавжудлик сифатида мукамал эгаллаш имкониятига эга.

Тилни “воқеланган имконият”, “имкониятли воқелик” сифатида ўрганиш она тили таълими тамойилларидан бири бўлмоғи лозим. Бу кўп ҳолларда тилнинг бадиий асарлардаги нутқий воқеланиши, яъни лингвопоэтик хусусиятлари сифатида юзага чиқади. Зеро, ўқувчи тилнинг бой имкониятларини унинг бошқа услубларидан кўра бадиий услубда кўпроқ кўриш ва таҳлил қилиш имкониятига эга.

Шеърый нутқда қўлланган бирликларнинг семантик ва функционал хусусиятлари шуни кўрсатадики, унда сўзларнинг аташ маънолари кўпроқ ўзгарган ва ифода бўёқлари буртган, шунга мувофиқ равишда, вазифа хусусиятлари ўзгарган – янгиланган, алмашган, торайган ёки кенгайган ҳолда бўлади.

Ўқувчилар ёрдамида компьютерда жанубий ўзбек шеваларидан адабий тилга ўтган *момо* ва *буви* сўзларининг маъно нозикликлари, ифода имкониятлари ва лирик қаҳрамоннинг бу сўзларни истифода этишига эҳтиёжи хусусида мушоҳада қилайлик.

Кузатишлардан шу маълум бўлдики, ижодкор қаламида *момо*

диалектизмнинг бадий ва коммуникатив вазифаси ўзига хосдир. Сўз 9 марта қўлланган бўлиб, улардан 4 таси табиат ҳодисаларига, жумладан, 3 таси қуёшга, 1 таси қиш фаслига сифатлаш вазифасини адо этган.

*Ҳар ўтган зум учун шукрона айтиб,
Сенга талтинурман, эй момо офтоб!* (Ғафур Ғулумга)

*Момо қиш оқ жузун тўқир ўлтириб,
Келинчак заминга ягона сирдош.* (Январь)

*Эй, сен момо қуёш, эй биби офтоб,
Ёлғиз сен чароғсан, ёрсан бошимда.* (Ғафур Ғулумга)

Бу матний қуршовларда *момо* сўзи бош маъносидан ташқарида қўлланган бўлиб, сўзнинг “меҳрибон”, “жонкуяр” маъно бўлакчалари устуворлашган, бош маъносининг таркибий қисмлари бўлган “қариндош”, “қон-қариндош”, “билвосита мenden катта”, “олдинги авлод”, “аёл” узвлари воқеланмаган.

Маъновий ўзига хослик функционал ўзига хосликни ҳам келтириб чиқарган. Маълумки, аслида *момо* сўзи сифатловчи-аниқловчи вазифасида келмайди. Бунда сўзнинг кўчма маъноси синтактик вазифанинг ҳам ўзгаришини таъминлаган.

Кўринадики, сўз ўз кудратини матнда юзага чиқаради ва “узук-юлуқ” гапларда унинг ранги “ўчиб” кетиши оқибатида сўз ҳақидаги тасаввурлар ҳам мурғак бола тафаккурида “узук-юлуқ” акс этади. Матн таҳлилида компьютер технологияларидан фойдаланиш эса она тили таълимининг асосий шакларидан бирига айланиши лозим.

**Р.Шерназарова
СВПХҚТМОИ**

Она тили дарсларида таълимнинг фаол усулларидан фойдаланиш

Бугунги кунда она тили дарсларида билим олишни осонлаштирувчи, қизиқтирувчи таълим усулларидан фойдаланишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Аввало, она тили дарсларининг сифати ва самарадорлигини оширишда таълим жараёнини демократлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчининг фуқаролик ҳуқуқларини тенглаштириш, севиш, самимий ишончини қозониш уларни мажбурлашдан воз кечиш, аксинча ижобий рағбатлантириш усулларидан фойдаланиб мақсадга эришиш, камчиликларга объектив муносабатда бўлиш, уларни баргараф қилишнинг самарали йўлларини қўллаш.

Таълим жараёнида ўқувчиларда мустақил фикрлаш, мулоқотга кириша олиш, асослаш, далиллаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш каби

кўникмалар ҳосил бўлишига эришиш йўлида изланишлар олиб бориш.

Шу талаблардан келиб чиққан ҳолда она тили дарсларида замонавий техник воситалар: компьютерлар, электрон ахборот, интернет тармоқлари ва бошқалардан фойдаланишни назарда тутиш лозимдир. Масалан мавзу тушунтирилгач POWEV Point дарстурида тайёрланган, турли хил мусиқий товушлар билан бойитилган саволлар тизими аввал бир гуруҳга, кейин иккинчи гуруҳга, сўнг учинчи гуруҳга кетма-кет намоиш этилиб, жавоб талаб қилинади.

Ушбу жараёнда ўқувчи асосий ҳаракатланувчи куч, таълим жараёни субъектига айланади. Шунингдек, дарс ўтиш жараёнида электрон дарсликлардан фойдаланишнинг ҳам аҳамияти жуда каттадир. Масалан “Нутқ усуллари ва услубият” (9-синф) бўлимига оид 8 та мавзунини ўз ичига олган дарслик, Повер Поинт дастури бўйича тайёрланган. Бу дарсликда ўқувчи рангли тасвирлар, бошқарув белгиларини бошқариш орқали мавзунини ўрганади, олган билимларини мустақкамлайди, тафаккур қилиш қобилиятини шакллантиради.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг фаоллигини оширувчи “Ақлий ҳужум”, “Ролли ўйинлар”, “Пинбард”, “Дебат” каби интерфаол усуллар билан паралел равишда мультимедиа тизимидан ва бошқа техника воситаларидан ҳам фойдаланилса, дарснинг янада қизиқарли ва самарали бўлишига эришилади.

Г.Шерназарова
Гулистон шаҳри 5-мактаб

Она тили дарсларида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.

Она тили дарслари ўқувчиларни нутқда кам қўлланадиган сўзлар ҳазинасига олиб кириши, нутқни бойитишга хизмат қилувчи воситаларини мукамал эгаллашга қаратилиши лозим.

Бу борада ўзбек тили луғат бойлигидан фаол фойдаланиш, ўқувчилар нутқини янги сўзлар билан бойитиш учун луғат билан ишлаш машқларини изчил йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Луғат билан ишлаш, сўзлар маъносини изоҳлаш, изоҳни матнлардан намуналар келтириш асосида ишботлаш ва далиллашга ўргатади.

“Тафаккур кўчаси”, “Маҳорат кўчаси”, “6х 6х 6” каби усуллардан фойдаланиш орқали нутқий фаолият кўникмалари шакллантирилади. “Тафаккур кўчаси” интерфаол усулида синф ўқувчиларини гуруҳларга бўлиб, гуруҳ доирасида “Боғловчилар” мавзуси асосида кўрсатмали қурол, жадвал ёки шарҳ тайёрлайди.

“Маҳорат кўчаси” интерфаол усулидан фойдаланиб, ролли ўйинлар асосида гуруҳлараро ўқувчиларнинг “Боғловчилар” мавзусига оид билимлари мустақкамланади, уларда нутқ фаолиятини ташкил этиш эҳтиёжи юзага келади. Ўқувчилар томонидан тайёрланган кўргазмали

курол, жадвак, шарх, нутқ, фаолиятни ташкил этишда ҳар бир ўқувчининг иштирокини таъминлаб айна вақтда нутқий кўникмаларини шакллантиради.

Ўқувчиларда нутқий фаолиятни шакллантиришда назарий қондаларга оид билимларни мустақамловчи суҳбатлар, журналлардаги мақолаларни ўқиб таҳлил қилиш, роли саҳна дарслари, деворий газеталарга мақолалар ёзиш, шунингдек семинар, конференция, муаммоли дарсларни ташкил этиш каби усуллар дарс самарадорлигини ошириб ўқувчиларнинг нутқини шакллантириш жараёнига самарали таъсир этади.

Т.Эназаров, В.Каримжонова
ЎзМУ доцентлари

Она тили дарслиklarининг яратилиши – мустақиллик меваси

Устоз олимлар бир тил ҳодисасининг бошқа тил ҳодисасига кўчириш номақбул ҳол эканлигини таъкидлайдилар. Аммо мана шу ҳол ҳам, яъни маълум даврда қолиб кўчиришга таяниб яратилган дарслиklar, илмий асарлар, кейинги даврда вужудга келган ўқув ва илмий адабиётлар учун таянч нуқта, замин бўлганига аминмиз. Шу ўринда биз муҳтарам Президентимизнинг «Янги уй қурмай, эскисини бўзманг» деган гаплари қанчалик тўғрилигининг исботини кўриб турибмиз.

Устоз проф. Ҳ.Неъматов раҳбарлигида М.Абдураимова, А.Фуломов, М.Қодиров, А.Нурмонов, Р.Сайфуллаева, Н.Маҳмудовлар томонидан яратилган ўрта мактаб дарслиklари, проф. Б.Менглиев, Р.Сайфуллаева, Г.Боқиева, М.Қурбонова, З.Юнусова, М.Абузаловалар томонидан яратилган олий ўқув юртлари дарслиklари мустақилликнинг икки неъматини – она тилимизга Давлат тили мақомининг берилиши ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амал қилиши натижасидир. Олимлар ва амалиётчилар она тилимиз моҳиятидан келиб чиқиб, сўз туркумлари бобига ўзгартириш киритдилар. Мустақил сўз туркумлари қаторига тақлид сўзлар қўшилган ва сўз туркумлари деривациясига алоҳида урғу берилган.

Дарслиklarда сўз туркумлари ва уларни таснифлаш тамойиллари ҳақида фикр юритилган. «Феъл» сўз туркуми ва унинг категориялари юзасидан ҳам қизиқарли материал берилган. Бўлакларга ажралмайдиган гаплар ёки сўз-гапларнинг ўзига хос белгилари кўрсатиб, алоҳида тўпلامга ажратиш тамойиллари ишлаб чиқилган. Биз фақатгина сўз туркумлари бобида бажарилган айрим ўзгаришлар ҳақида фикр юритдик, холос. Лекин шу баъзи бир фактлар ҳам тилшунослар меҳнатининг заҳматкашлар меҳнатидан қолишмаслигини кўрсатмоқда. Мустақиллик шарофати билан яратилган ўқув қўлланма-ю дарслиklarга киритилган бу каби фикрлар она тилимиз моҳияти таҳлилидан вужудга келганлиги аниқ. Шунга ўхшаш таҳлилларнинг дарслиklarда келиши ёш авлод онгини ўстиради, ижодий тафаккурини ривожлантиради ва мустақил фикрлашга ўргатади ҳамда уларни изланишлар олиб боришга ундайди.

Таълим технологияси турлари

Таълим технологияси куйидаги турларга бўлинади:

1. Анъанавий
2. Ноанъанавий

Анъанавий таълим технологияси-муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустақкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Анъанавий таълим технологияларини шартли равишда куйидаги турларга ажратиш мумкин: Янги билимларини ўрганиш, Умумий ёки аралаш, Билимларни мустақкамлаш, Синов ёки текшириш, Саёҳат.

Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, таълим олувчиларнинг билиш имкониятларининг ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади, билиш фаолиятлари изланувчан ва ижодий характерга эга бўлади. Дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади.

Ноанъанавий таълим технологияси ўз навбатида учга бўлинади: Ҳамкорликда ўрганиш, Моделлаштириш, Тадқиқот.

Ҳамкорликда ўрганиш-таълим олувчиларнинг билимни ўзлаштириш, сингдириш, мустақкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича таълим олувчининг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олиш моделидир. Ушбу модел таълим олувчиларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методлардан иборат. Буларга китоб билан ишлаш, ўқув суҳбати, давра суҳбати, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара каби методларни киритиш мумкин.

Моделлаштириш- реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини синфхонада яратиш ва уларда таълим олувчиларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи методлардан иборат. Ушбу методларнинг асосий мақсади таълим олувчиларнинг фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган. Буларга ишбop ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни киритиш мумкин.

Тадқиқот—таълим олувчилар томонидан муаммони тушуниш ва ечиши, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар йиғиндисиндан иборатдир. Тадиқиқот методининг мақсади дарс жараёнида таълим олувчиларда савол қўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Ушбу модел бўйича ўқитиш таълим олувчиларни амалий изланиш жаарёнида бевосита қатнашишини таъминлайди.

Ўзбек тили XXI аср бўсағасида

Бир тилнинг бойиши у тилдаги сўзларнинг кўплиги, лексик қатламининг кенглиги, грамматикасининг мукамаллиги билан белгиланади.

Бу масала аллақачон бобомиз А.Навоий «Муҳокаматул - лугатайн» асарларида ойдинлик киритиб қўйганлар. Шоиримиз она тилимизда ёлғизгина «йиғламоқ» сўзининг қатор турлари кўрсатиб ўтади: инграмоқ, йиғламоқ, йиғламсирамоқ, ўқирмоқ, сиқтамоқ, чинқирмоқ, пиқилламоқ каби.

Тилшунос олим А.Фитратнинг «Тилимиз» номли мақоласида она тилимиз бойлиги ҳақида гапирилиб ёлғизгина «илм» сўзининг она тилимиздаги вариантларига тўхталиб ўтилган: бил, билар, билажак, билгуси, билгай, билса, билсачи, билай, биладир, билди, билибди, билган, билў, била бошлади, била ёзди, била олди, билиб турди, билиб берди, билиб, билгач, билим, билгуний, билгучи, билмоқчи, билгур, билмагин, билмаган, билмай, билимсиз, билмас, билмаслик каби.

Бундан кўринадики, она тилимиз имкониятлари чексиз, сўз бойлиги мукамалдир.

XXI асрга келиб Ўзбекистоннинг иқтисоди ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олиши, жамият, кишилар ҳаётидаги ўзгаришлар тилимиз равнақини яна бир-бор янги даврга олиб чиқди. Янги давр шеърини ва прозаси ҳамда драматургияси тил қурилишида миллийликка эътиборнинг кучайиши кузатилди. Халқ жонли тилига яқинлик, тор жумлалардаги мазмундорлик оҳанглари, адабий нутқ услубий йўлининг янги йўналиши айниқса шеъринида яққол намоён бўлди.

А.Навоий таъбирича «Кўнгил дарёсининг» гавҳари тилдир, тил гавҳардан афзал ва мартабаси баланддир».

Шундай экан, ҳар биримиз инсоннинг мўъжизакор тил гўзаллигидан баҳраманд бўлайлик. Она тилимизнинг софлиги, келажаги ҳақида қайгурайлик, амалий иш, имон-этиқод билан уни суйайликки, тилга эътибор миллатга эътибор демакдир.

К.Эргашева, Қарши ш. 22-мактаб.
И.Сафарова, ўзур т. 77-ИМИ

Мавзу ва уни ўқитиш-ўрганиш муаммолари

9-синф «Она тили» дарслиги (2006), асосан, қўшма гапларни ўргатишга мўлжалланган. Боғланган, эргашган ва боғловчисиз қўшма гапларни, улардаги мазмун муносабатларини, бир-бирига ўхшаш жиҳатларини,

фарқли хусусиятларини, қисмларининг боғланиш тарзини, боғловчи воситаларини ўқитиш ва ўрганиш бирмунча энгил. Аммо баъзи мавзуларни ўқитиш жараёнида айрим мураккабликлар пайдо бўлади. Ана шундай мавзулардан бири «Ҳол эргаш гапли қўшма гаплар» (54-56-бет)дир. Дастлаб 2 та топшириқ берилган. Сўнг қоида тавсифланган. Уч хатбошилиқ таърифда ҳол эргаш гапли қўшма гапларга хос бўлган хусусиятлар тушунтирилган. Қоиданинг сўнгги хатбошиси бирмунча мураккаб.

Маълумки, 8-синфда «Ҳол» гап бўлагининг маъно турлари тушунтирилган. Бир йилдан сўнг ўқувчи грамматик қоидаларни эслаб юриши қийин, табиий унутади. Ўқитувчи ҳолнинг маъновий турларини эслатиши, қайта тушунтириши зарур. Қоидада эса ҳол эргаш гапларнинг турлари ҳолнинг маъновий турларига ёки бир хил атамалар билан аталиши таъкидланган: пайт ҳоли - пайт эргаш гап, шарт ҳоли - шарт эргаш гап, ўрин ҳоли - ўрин эргаш гап, сабаб ҳоли - сабаб эргаш гап, мақсад ҳоли - мақсад эргаш гап, миқдор-даража ҳоли - миқдор-даража эргаш гап.

Дарсликнинг 140-машқида матн берилган, матндаги ҳол эргаш гапларни аниқлаб, уларнинг маъно турларини топиш талаб қилинган. Топшириқда илмий мақсад кўзда тутилган. Бу мақсадга эришиш, албатта, амалий кўникма орқали юзага чиқади.

Амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш она тили дарсларининг бош мақсади. Бу мақсадга эришиш учун бир-бирига яқин, ўхшаш ёки фарқли мазмундаги гаплар тузиб фикр ифодалаш талаб қилинади.

Ҳ.Элибоева
(Фаргона Риштон 27-мактаб)

Тилнинг жамият ҳаётидаги ўрни

Тил- инсонлар орасидаги энг муҳим алоқа қуролидир. Жамият аъзолари ҳамма ерда- уйда ҳам, ўқишда ҳам, ишда ҳам тил орқали муносабатга киришдилр, бир-бирларини тушунадилар, ўз билганларини оғзаки ёки ёзма ифодалайдилар. Тилнинг ёзма шакли бўлгани учун биз турли жойдаги кишилар билан қила оламиз, телефон орқали дунёнинг исталган еридаги кишимиз билан сўзлаша оламиз. Тил бизга ўзаро алоқа қилиш учун ҳар қандай шароитда имкон яратиб берадигн ягона восита саналади.

Ҳар бир янги авлод ижтимоий ишлаб чиқаришни янада яхшилашда, уни тараққиётнинг янги босқичига кўтаришда авлодлардан қолган мерос асосида иш кўради. Ким бўлишдан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас.

Она тили жамият аъзоларининг энг яқин ва доимий муаллимидир. Унинг ёрдамида тарихни ҳам, табиатни ҳам ўрганамиз. Тил- одамларни ўзаро иноқ, аҳил ва ягона оила аъзолари қилиб бирлаштиради.

Ўзбек адабий тили- ўзбек халқининг миллий давлат тилидир. Унинг

шаклланишида, бойишид ва ҳозирги тараққиёт даражасига кўтарилишида Алишер Навоий ва Ҳамза, С.Айний, А.Қодирий, Чўлпон, А.Қаҳҳор, А.Орипов, Э.Воҳидов каби сўз усталарининг хизмати катта

Х.Эшназарова
Сурхондарё в. Узун тумани 14-мактаб

Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини такомиллаштириш омиллари

Иншо – ижодий меҳнат. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ўстирувчи ёзма ишнинг бир тури бўлган иншо ва уни ёзаётганларида қуйидагиларга эътиборни кучайтиришлари ҳақида тавсиялар:

- Иншо мавзусини аниқлаш. Нима ҳақда ёзиш лозимлигини пухта ўйлаб олиш.
- Иншо мавзуси буйича материал тўплаш
- Иншога режа тузиб олиш.
- Фикрнинг аниқ ва лўнда шаклда берилишига эътибор бериш.
- Фикрнинг изчиллигини сақлаш.
- Иншонинг тилига, имлосига алоҳида диққат қилиш.
- Мавзу етарлича ёритилганми? Иншо мазмуни талабга жавоб берадими? Унда ортиқча сўз ва иборалар йўқми? Шуларга алоҳида диққат қилиш.

Ўқувчиларга иншо ва унинг турлари ҳақида маълумот берилаётганда: 1. Ривоя – иншо 2. Муҳокама – иншо. 3. Тарбиявий – иншо кабиларга бўлинишини ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар тўлақонли етказилиши мақсадга мувофиқ.

Она тили дарсларини адабиёт фанига уйғунлаштириш айниқса, катта самара беради. Иншони ўз тафаккури билан ёза олган ўқувчи ҳам ўз меҳнати машаққатларидан лаззатланиш ҳиссини туяди.

Ўқувчи иншо ёзишда ўз тафаккур кучига таяниши, тўплаган материалларини занжирдек узвий боғлиқликда, жозибадор, ширали ва таъсирчан ёзиши кераклиги уқтирилади.

Ўқувчилар эса ўз ижодий меҳнатлари самараси бўлмиш иншони ёзиш давомида маънавий комиллик чўққисини эгаллай борадилар.

У.П.Лафасов
(ТошДШИ)

“Меҳробдан чаён” романида қўлланган ўхшатиш тасвирий воситаси ҳақида

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий ўзига хос услуб эгаси бўлганлиги боис, китобхонларнинг қалбидан чуқур жой олганлар. Ёзувчи асарларидаги ҳар

бир товуш, сўз, жумла ўз ўрни ва салмоғига эга. Адиб ўзининг иккинчи романи “Меҳробдан чаён” асарида кўчимнинг деярли барча турларини қўллаган. Айниқса, ўхшатиш тасвирий воситасидан жуда кўп ва унумли фойдаланган. Ёзувчи услубида ишлатган мазкур тасвирий восита ўзбек халқининг миллий маданиятини, ўзлигини намоён қилган. Асарда адиб қуйидаги ўхшатишлар орқали воқеаларнинг ҳаётийлик даражасини янада ёрқинлаштириб бера олгандир.

1. Афсонага ишора. М.: *Хотин ҳам кечаги калтакнинг зарбини унуткан, кина ўрнига садоқат, гўё айтарсизким. Юсуф Зулайхолдорми деб* (393-бет).

2. Ижтимоий табақага ишора. М.: *Оз ва маънолиқ қилиб сўзлар, хотинлар билан муомаласини бошқа отинбилардек юқоридан тўриб қилмас, соддача сўхбатлашар эди* (394-бет).

3. Ҳолат-кўринишга ишора. М.: *...айниқса сўридаги қора ҳусайни узуларидан гўё боллар томиб ётар эди* (398-бет).

4. Характерга ишора. М.: *Анвар бошқаларнинг кенгашига кўлок солмагандек, опасининг сўзига ҳам илтифот қилмади* (429-бет).

5. Қиёфага киноявий ишора. М.: *...ўттуз ёшлар чамасида рангсиз ва ёшлиғига қарамасдан куюқ соқолини баҳайбат ўстуриб, бир бурдагина юзига от тўрба оскан каби бир киши эди* (435-бет).

6. Тана аъзосига пичингли ишора. М.: *... Унинг ёнида бўз яхтак боғичини осилтириб, хандакладек бўқоғи билан ўнг томоғи зийнатланган ўрта яшар яна бир “Хусни Юсуф” кўринар эди* (435-бет).

7. Чорасиз ҳолатга ишора. М.: *Яъни имомнинг ҳасад ўти тўрт томондан туфланди, гўё ул икки олов ўртасида қолгандек бўлди* (440-бет).

8. Иккиюзламачиликка ишора. М.: *Ҳозир баъзиларининг устида бояғи “онглашилмовчиликлар” гўё бўлмагандек, ҳатто мулла Шаҳодат муфти ҳам ҳеч нарсани кўрмагандек. ўз умрида биринчи мартаба Анварнинг ҳурматига ўрнидан тўрди* (452-бет).

9. Мавжуд ҳолатга ишора. М.: *Дарҳақиқат, бир-бирига ўхшамаган нонлар тарашадек котиб қолган эдилар* (457-бет).

10. Табиий ҳолатга ишора. М.: *Бояғидан бир мунча кучая тушкан шамол гулли гулга қовиштириб, гўё бу икки ёшға: “Сиз ҳам мана шу гуллар каби қовишинг” дегандек бўлар эди* (474-бет).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар қайси адиб ўз истеъдоди, ҳаётий тажрибасига асосланган ҳолда бадиий кўчимлардан фойдаланади. Ифодаларнинг қанчалик муваффақиятли чиқиши эса ёзувчининг бадиий маҳоратига боғлиқдир. Абдулла Қодирий ўхшатиш тасвирий ифодасини қўллаганда турли мумтоз манбаларимизга ҳам ишора қилиб ўтади. Адиб услубида ўз аксини топган тасвирий воситаларнинг бир нечаси биргаликда ишлатилиш ҳоллари ҳам учрайди.

Тил – маънавиятимиз асоси

Янги асрда тил таълими барча фанларнинг янада ривожланиши ва такомиллашувига хизмат қилар экан, ҳар бир жамият ўз тараққиёти давомида нималарнидир йўқотади. Ана шу йўқотишлар эвазига улкан ўзгаришлар, буюк кашфиётлар дунёга келади.

Гўзал сўз айтмоқлик учун, инсон дунёқарашини, тафаккур оламини, ақлини чархлаб бормоғи зарур. Бу олий жаноб тарбият, нақадар доно ўғит, фақат билим олиш орқалигини эришиладиган ҳақиқатдир.

Бу тарбия асосан умумтаълим мактабларида шунингдек бошқа таълим масканларида берилар экан, А.Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асаридан парча ва танбиҳлар мавзусини ўтишда алоҳида эътибор қаратилади.

Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас; у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас.

Агар бир кўнгилга тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир.

Кўнгилнинг майин торларини узиб юборган, уни жароҳатлаган ўққа, бирор дори-дармон кор этмаслиги аниқ. Яна ҳазрат Навоий шундай дейдилар: «Кўп, бемаза сўзлайдиган эзма – кечалари тонг отгунча тинмай хурадиган итга ўхшайди. Яъни билиб-билмай аккилаши кўпчиликка ҳалақит беради ва инсонларнинг гашига тегди. Инчунин, болалар учун мулоим табиатли одам – ҳолвафуруш каби сеvimлидир» дея бола табиатига мос мушоҳада билдириши ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги дўстона муносабатдаги муҳит орқали сабоқ олиш енгиллигига ишора қилинади.

Адабиёт дарслари тилнинг ўзига хос имкониятларини, бўй-бастини, инжа нозик табиатини, ўз ўрнида қўлланиш имкониятини кенгайтиради. Она тили ва адабиёт дарслари ўқувчилардан сўзнинг ўта эътиборли бўлиб ишлата олиш қўникмаларини ривожлантирибгина қолмасдан, сермаҳсул, янги ноанъанавий сўз яратиш, кашф этиш, ихтирочилик санъатини ҳам тарбиялайди.

Она тилини мукамал билиш, миллий ўзликни англашдир.

Т.Юсупова,
ЎзДЖТУ

Она тили таълими XX аср охири ва XXI аср бошларида

XX асрнинг охириги ўн йиллиги, XXI аср бошлари (1990-2006 йиллар) она тили таълими мазмуни ва методикаси соҳасида амалга оширилган йирик изланишлар, дадил илмий тадқиқотлар, муҳим ечимларда ўз

ифодасини топган катта бурилишлар билан тавсифланди. Чунончи, илк бо́ра она тили таълими концепцияси яратилди, “Она тили” ДТСи Ҳукумат тасдигидан ўтди, мазмуни ва тузилиши тамоман янгиланган “Она тили” дастури муҳокамалар ва синовларнинг машаққатли босқичларидан ўтиб, амалиётга йўлланма олди, қатор тадқиқот ишлари юзага келди, методик қўлланмалар, методик тавсиялар босилиб чиқди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўқув фани методикаси концепция асосида она тили таълими мазмуни ва методлари жиддий янгиланиш даврини бошидан кечирди. Бу янгиланиш, бир томондан, таълим мазмунини бутунлай янгидан ишлаб чиқиш билан тавсифланди (А.Қ.Ғуломов, Ҳ.Неъматов ва б.), иккинчи томондан, ноанъанавий таълим метод ва усуллари устидаги изланишларда ўз ифодасини топди (А.Бобмуродова, Ш.Юсупова ва б.). XXI аср бошларида изчиллигида нуқсонлар кўзга ташлана бошлаган она тили таълими мазмуни ва методларида узвийлик, мажмуавийликни таъминлаш, дидактика принципларига эътибор бериш, нутқ маданиятини ўстириш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги кўрсатилди (Х.Қурбонова, М.Мирмахсудова ва б.), муайян қарорлар асосида узвийлашган таълим мазмунини шакллантириш, ўқув қўлланмалари мажмуаларини яратишга киришилди. Ижодий методлар дидактика ютуқлари билан бойитилди. Ўқитувчи – ўқувчи ҳамкорлиги педагогикаси янги поғонага қўтарилди.

Она тили таълими мазмуни ва методларида синтактик тушунчалар, нутқ маҳсули бўлиш матн яратиш масалаларига алоҳида эътибор бериш кераклиги аён бўлиб қолди. Чунки XXI аср бошларида ҳам синтаксис курсини ўрганиш тартибида жиддий ўзгаришлар кузатилаётгани йўқ: 5-синф синтаксисга бағишланган “Муқаддима” бўлимидан бошланиб, 8-синфда содда гап, 9-синфда қўшма гап синтаксиси ўрганилади. Бир қарашда маъқул изчиллик. Лекин бундай изчилликда узвийлик, узлуксизлик кўринмайди. 5-синфдаги “Муқаддима” бўлими орқали танишиладиган содда гап ҳақидаги маълумотлар билан 8-синфда ўтиладиган “Содда гап” курси орасида салкам 2,5 йиллик узилиш бор. Худди шунингдек, 5-синфдаги “Муқаддима” бўлими орқали танишиладиган қўшма гап ҳақидаги маълумотлар билан 9-синфда ўтиладиган “Қўшма гап” курси орасида салкам 3,5 йиллик узилиш бор.

Бизнингча, 5-9-синфлар она тили дарсларида синтаксис ва у билан боғлиқ ҳолда морфология шундай изчилликда ўрганилиши керакки, бу изчиллик ўқувчилар нутқининг синтактик қурилишини дарсдан дарсга бойитган ҳолда нутқ маданиятини, ёшларда маданиятликка ҳамоҳанг равишда миллий маънавиятни шакллантириш имконини берсин. Бунинг учун 5-7-синфларда морфология билан боғлаб синтаксисни шунчаки тилга олиш, 8-9-синфларда эса синтаксис билан боғлаб морфологияни шунчаки тақрорлаш эмас, балки таълимнинг ижтимоий жамият институт сифатидаги вазифаси ҳам амалга ошин.

Педагогик технологиянинг моҳияти

Ҳозирги кунда педагогик технология тушунчасига ҳамма ҳар хил таъриф бермоқда ва уни тушуниш ҳам турлича бўлмоқда.

Педагогик технология турлича таърифланаётган бўлса ҳам, унинг моҳиятини ўқув жараёнини мукамал лойиҳалаштириш, аниқ мақсадлар кўйиб, унга эришиш имконини берувчи тамойиллар йиғиндиси ташкил этади.

Бизнингча, педагогик технология—бу билишда амалий меъёр ва объектив борлиқни бир бутунликда ўрганиш, бир фанни ўрганишда фалсафий қонуниятларнинг акс этиши, образли фикрлашга одатлантириш, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш, эҳтиёж туфайли билишга ўргатиш, ўқувчиларни фаоллаштириш, ДТС асосида мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, таълимда техник ва ахборот воситаларидан фойдаланиш, ўқувчиларни ностандарт тафаккур қилишга ундаш, фикрлар ранг-баранглигига эришишдир.

Педагогик жараён, аслини олганда, диалектик қонуниятлар ва категориялардан келиб чиқади. Педагогик технологиянинг мақсад, вазифа, мазмун ва методлари унинг бир бутунлигини белгилайди. Педагогик технологияни такомиллаштиришда диалектиканинг ўзига хос қонуниятларини ҳисобга олиш унинг илмий ва амалий гаровидир. Чунки педагоглар ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ўз дарсларини диалектик фалсафа асосига қуришлари замонавий технология талабларидан бери бўлиб ҳисобланади.

М.И.Юлдашбекова
Тошкент ш. Мирзо Улуғбек ТХТБ

XXI аср ўзбек тили таълимида комил инсон тарбияси

Таълим тизимида ҳар жиҳатдан халқимизнинг бой маънавий қадриятлари ҳисобланмиш машҳур аллома ва мутафаккирларнинг маънавиятга доир ўғитларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, уларнинг асарларида ахлоқ-одоб доимо улуғланган. Чунки, хулқ-одоб инсонга беқийёс хусн ва назокат бағишлайди, ота-онага ҳурмат, меҳроқибат меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш имконини беради.

Шарқ ва Марказий Осиё мутафаккирлари ўз асарларида маънавий-ахлоқий ғояларни тараннум этиб, халқни орифлик, фозиллик, комиллик даражасига кўтаришга чоғланганлар. Айниқса, Алишер Навоий ижодига комил инсон тарбияси асосий ўринда туради.

Ёш авлодга таълим-тарбия беришда вақтни ҳам, кучни ҳам аямасликка

даъват этади. Шоир шу билан бирга инсон ҳуқуқларини, унинг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳам ҳимоя қилди. У халқнинг осойишта ва бунёдкор ҳаётини бузувчи ёвузликка, халқнинг хўрланишига ва ижтимоий офатлар келтирувчи ҳодисаларга қарши чиқади.

Шоир ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида маънавий-ахлоқий тарбиянинг дўстлик, биродарлик, халқпарварлик каби хусусиятларга алоҳида эътибор қаратади ва буни дostonдаги Хитойлик Фарҳод, Шопур ва арман кизи Ширин мисолида тасвирлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек мутафаккирларининг фозил шахс, комил инсон ҳақидаги фикрлари, ахлоқ-одоб ҳақидаги гоёлари ёшларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялашда қимматли дастуриламалдир.

М. Яхёева
Гулистон, 9-мактаб

XXI сарда она тили таълими

Она тили таълимининг мазмунини қуйидагича белгилаш мумкин:

- Ўқувчининг фикрлаш салоҳиятини, ақлий ривожланишини, мантиқий тафаккурини ўстириш;

- Ўқувчиларнинг ўз-ўзини, моддий борлиқни тилнинг ифода воситалари ёрдамида англашга ҳамда ўз фикрини ва ҳис-туйғуларини она тилининг кенг имкониятлари доирасида баён эта олишини таъминлаш вазифаларини ҳал этишга йўналтиришдир.

Ўқувчини мустақилликдан ижодийлик сари етаклаш, тарбиялаш ўқитувчининг билими ва маҳоратига боғлиқ.

Инсон борлиқдаги барча нарса, ҳодиса, белги-хусусият ва муносабатларни сўз орқали шакллантиради, хотирасида сақлайди ҳамда ифодалайди. Ёзув орқали авлоддан-авлодга етказди. Одам бутун билим ва тажрибаларини, фикру ҳаёлларини сўзга йиғади. Сўз орқали бошқаларга етказди. Шунинг учун буюк даҳолар сўзга жуда юксак баҳо берганлар ва қадрлаганлар.

Буюк бобомиз А.Навоий “Сўздан мақсад маънодир”, -деб ёзган эдилар. Тилнинг сўз бойлиги луғатларда йиғилган. Шунинг учун луғатлар сўзлар хазинасидир.

Она тили дарсларида нутқ ўстиришнинг асосий гуруҳлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, уларни луғатлардан фойдаланишга ўргатишга доир амалий ишлар.

2. Сўз бирикмалари ва гаплар тузишга доир ишларни ташкил этиш.

3. Матн тузиш малакасини эгаллашга доир ишлар.

4. Таълимий ва назорат характеридаги иншоолар ёзиш, иш қоғозларидан фойдаланишга ўргатишга оид амалий ишлар.

Она тилининг барча бўлимларини ўқитишда ушбу юқоридаги ишларга эътибор берилиши лозим.

Чизиқча имловий талабларни бажаради

Чизиқча ва тире шакл жиҳатидан бир-бирига ўхшаса-да, лекин семантикаси ва функцияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Кўпгина лингвистик манбаларда тире пунктуация бўлимида ўрганилиб, синтактик вазифаларни бажариши қайд этилади. Чизиқча эса имловий (орфографик) функцияни бажаради. Шу жиҳатидан ҳам чизиқчанинг асосий лингвистик хусусиятлари ва функцияси имло қоидаларида тавсифланади.

Имло қоидасининг 52-55 бандлардаги талаблар бўйича чизиқчанинг функцияси илгариги қоидалардаги талабларни сақлаган ҳолда тавсифланган.

Имло қоидасининг 56-банди талаблари илгариги имло қоидалари талабларидан фарқ қилади. Тартиб сон араб рақами билан ёзилса, -нчи кўшимчаси ўрнига чизиқча қўйилади. Тартиб сонни кўрсатувчи рим рақамларидан кейин чизиқча ёзилмайди. Масалан, Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда.

Илгариги имло қоидаларида эса санани араб рақами билан ёзилганда улар орасига чизиқча қўйилмас эди. Масалан, 17 феврал 2007 йил. Бу тартибда ёзиш рус тилидаги вариантига нисбатан олиниб, улардаги қаратқич ва қаралмиш ўринлари сунъий равишда алмаштириб юборилган.

Жорий этилаётган имлода эса 2007 – йилнинг 17-феврали тарзда берилади. Бу икки гапни қиёслаганимизда мазмун жиҳатидан кейинги (жорий этилаётган) имло қоидасида берилган варианты семантик жиҳатдан талабга жавоб беради.

Мактаб дидактик манбаларида (дарслик, ўқув қўлланмаси ва бошқа манбаларда) тире билан чизиқчанинг функциясини шакл жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам фарқлаш зарурати сезилади.

Чизиқча ва тирени бир-биридан фарқлашга қаратилган топшириқлар нафақат она тили дарсларида, балки барча фанлардан ёзма топшириқлар бажарганда ҳам бу талабга риоя этилишини назорат қилишимиз лозим.

Х. Қурбонова
пед.фан.номзоди Навоний вилояти

Она тили таълимининг тараққёт босқичлари

Мактабда она тилини фан сифатида ўқитмай туриб, маънавий баркамол шахсни тарбиялаб бўлмайди. Чунки она тили фан: ўқувчиларни миллий тил ва унинг тарихи, бой маданий ўтмиши билан таништиради; миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлашга ўргатади.

«Ўзбек тили» нинг мактабда ўқув-предмети сифатида шаклланиш ва

ривожланиш жараёнига назар ташлайдиган бўлсак, уни тахминан қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

Биринчи давр-1910-1930 йиллар. У даврда мадрасаларда ўқиган болаларга савод чиқарганларидан кейин, қофия (грамматика) ва қофиянинг бўлимлари: сарф (морфология) ва наҳв (синтаксис) ўргатилган. Болаларнинг хат-савод чиқариш, кироатхонлигига катта эътибор берилган.

Иккинчи давр-1930-1960 йиллар. Бу даврда мактабларда она тилини фан сифатида ўқитиш йўлга қўйилди; тил таълимидан махсус ўқув дастурлари ва дарсликлари чиқарила бошланди. «Ўзбек тили» мактабда ўқитиладиган етакчи ўқув предмети сифатида ўқув режаларидан мустаҳкам ўрин олди ва бу фаннинг ўқитилишига катта миқдорда соат ажратилди.

Учинчи давр-1960-1970 йиллар. Бу даврга келиб, она тилидан таълим мазмуни анча такомиллашди ва мазкур фандан янги ўқув дастурлари ва дарсликлари чиқарила бошланди. Айниқса, мактабларнинг юқори синфларида она тилининг ўқитилишига эътибор кучайди.

Тўртинчи давр-1970-1990 йиллар. Бу даврга келиб, ўзбек тилшунослигида қўлга киритилган ютуқларни мактаб дарсликларига киритишга уриниш анча кучайди. Она тилидан V синфда (ўқув йилининг бошида) синтаксис ва пунктуациядан дастлабки зарурий маълумотлар бериш кўзда тутилди ва мазкур бўлимни ўқитиш йўлга қўйилди. Сўз ясалиши тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажралиб чиқди.

Бешинчи давр-1991 йилдан кейинги давр. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она тили таълими олдига тамомила янги талаблар қўйила бошланди. «Ўзбек мактабларида она тили таълими концепцияси» (1993) ишлаб чиқилди. Она тилидан ДТС меъёрлари белгиланди ва у давлат ҳужжати сифатида қабул қилинди, ДТС га мувофиқ келадиган «Она тили» дастурлари яратилди; мактаб дарсликлари янгилана бошланди.

Н.Қосимова
(БухДУ)

Ўқувчилар нутқини сўз маънодошлари билан бойитиш

От туркуми 5-синфда ўрганилади. Мазкур бўлимга оид мавзуларнинг ҳар бирини ўрганишда сўз маънодошлари устида ишлашнинг имконияти жуда кенг ва ранг-баранг. Қуйида ана шу усулларнинг айримига тўхталиб ўтамиз:

1. Берилган сўзларни маънодош гуруҳларга ажратиш.

Бу усул энг самарали иш усулларидан бири булиб, ўқувчиларга синоним отлар аралаштирилиб берилади ва улардан шу сўзнинг маъно яқинлигига кўра уяларга ажратиш талаб этилади.

2. Берилган отларни маъно гуруҳларига ажратиш ва уларга маънодош топиш. Бу мустақил иш туридан «От-сўз туркуми», «Атоқли ва турдош отлар», «Кичрайтириш ва эркалаш отлари», «Шахс оти ясовчи

қўшимчалар ва уларнинг ёзилиши», «Буюм-нарса оти ясовчи қўшимчалар ва уларнинг ёзилиши», «Ўрин-жой, мавҳум отларни ясовчи қўшимчалар ва уларнинг ёзилиши» каби мавзуларни ўрганишда унумли фойдаланиш мумкин.

Маълумки, отларнинг ҳар бир маъно гуруҳи ўз навбатида яна кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин. «Шах отлари»ни ўз навбатида 1) ёшига кўра; 2) қариндошлигига кўра; 3) касб-корига кўра; 4) истиқомат жойига кўра гуруҳларга ажратиш мумкин. Ўқувчилар ҳар бир гуруҳдаги сўзлар рўйхатини 10-15 тага етказиб давом эттириши ва уларга маънодош топишлари мумкин.

Тилимизда от синонимларининг салмоқли ўрин эгаллашини назарда тутиб 5-синфда синоним отлар юзасидан луғавий-имловий машқлар мавзуида дарс ўтказишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

3. Синоним сўзларнинг маъно бўёғи устида ишлаш. Синоним қатордаги сўзлар эмоционал бўёқдорлигига кўра ўзаро фарқланиши мумкин: эмоционал бўёқли ва эмоционал бўёқсиз сўзлар. Эмоционал бўёқли сўзлар салбий ва ижобий эмоцияни (муносабатни) ифодалашига кўра икки турга: ижобий эмоционал бўёқли ва салбий эмоционал бўёқли сўзларга бўлинади. Ўқувчилар от-сўз туркумига оид мавзуларни ўрганаётганда берилган сўзларни ижобий ва салбий маъно ифодаловчи сўзлар каторига ажратадилар

Ўқувчиларга берилган синонимик қатордаги сўзларни истеъмол доирасига кўра: 1) истеъмол доираси кенг сўзлар; 2) истеъмол доираси чегараланган сўзларга ажратиш ҳам топширилиши мумкин.

Синонимик қатордаги сўз адабий тилга ёки шевага хос бўлади. Шу жиҳатдан ўқувчиларга овоз, товуш, садо, сас ёки қидирмоқ, ахтармоқ, изламоқ, истамоқ қаторидаги сўзларнинг қайсиси адабий, қайсиси шевага хос сўз эканлигини аниқлаш топшириғини бериш мақсадга мувофиқдир.

4. Синонимлар иштирок этган отли бирикмалар ҳосил қилиш. Бу усул ҳам ўқувчилар нутқини синоним сўзлар билан бойитишнинг энг самарали усулларида бири. Ўқувчиларга хулқ, гавда, воқеа, нур, насиҳат, совға, кийим сингари от синонимлар берилиб, улардан шу маънодош сўзлар иштирокида бирикма тузиш талаб этилса, улар гўзал хулқ – кўркем хулқ; бесўнақай гавда – кичик жусса; қизиқарли воқеа – бахтсиз ҳодиса; ёруғ нур – хира шуъла; фойдали насиҳат – яхши панд; чиройли совға – ноёб тўхфа; тайёр кийим – хушбичим уст – бош каби отли бирикмалар тузади. Бу билан ўқувчиларнинг луғат бойлиги ошади, ҳам сўз бирикмалари тузишдаги кўникма ва малакалари такомиллашади.

Б. Қиличев
(БухДУ)

Она тили дарсларида топонимларнинг ўқитилишига доир

Мақтабда айрим тарихий шахсларнинг таржимаи ҳолларини ўрганиш жараёнида уларнинг ҳаёт йўли билан боғлиқ топонимларга тегишли

маълумотларни бериш орқали таълим самарадорлигини ошириш мумкин.

Ўрта Осиёнинг қомусий олими, фанларнинг турли қирраларида қимматли фикрлар баён эта олган Абу Али ибн Сино ўзининг қисқа (980-1037) умри давомида дунёнинг қатор мамлакатларида бўлди, яшади, ижод қилди. 18 ёшида улуг аллома, ҳақим сифатида танилган ибн Сино ўз ватани Бухородан ташқари Маҳмуд Фазнавий таъқибига йўлиқиб, вилоятма-вилоят, шаҳарма-шаҳар кўчиб юрди. У Хоразм, Абевард, Журжон, Мозондарон, Рай, Қазвин, Ҳамадон ва Исфажонда яшашга мажбур бўлди. Ушбу топонимлар хусусида қуйидагиларни баён этиш мумкин:

Афшона—ибн Синонинг туғилган қишлоғи. Бу қишлоқ ҳақида тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жағфар ан-Наршахий «Бухоро тарихи» асарига шундай таъриф келтирган: «Афшина катта шористонга ва мустаҳкам ҳисорга эгадир. Бир қанча қишлоқлар унга мансубдир. У ерда ҳар ҳафтада бир кун бозор бўлади. Бу қишлоқнинг экин ерлари ва биёбонлари мадраса талабаларига вақф қилинган. Бу ер дуо қабул бўладиган жой. Одамлар шаҳардан у жойга борадилар ва уни табаррук деб ҳисоблайдилар» [1,98]. Кўринадикки, ан-Наршахий Афшонани Афшина деб келтиради. Афшона Бухорога келадиган қарвон йўллари устида бўлганлиги сабабли ўз вақтида ҳам гуллаб яшнаган, ҳам хонавайрон қилинган.

Юқорида номи зикр қилинган ан-Наршахий Бухоро хусусида Нумижат (аслида бу шаҳар Бухоро яқинида бўлиб, ундан алоҳида бўлган, кейинчалик бу икки шаҳар бир-бирига қўшилиб кетган), Бумискат, «Мадинат ус-суфрия» (Мис шаҳар), «Мадинат ут-тужжор» (Савдогарлар шаҳри) қабиларни баён этиб, Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан машҳурроқдир. Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас, деб таъкидлайди [1,102].

Журжон-милоддан аввалги 3-минг йилликдан маълум. Буюк ипак йўлининг энг чекка нуқталаридан бири. Ўрта асрларда Хуросон давлатининг вилоятларидан бирининг маркази. Мазкур шаҳарда 1487-1488 йилларда Алишер Навоий ҳам яшаган. Гургон вилоятининг арабча номи, бу ном билан боғлиқ Журжон денгизи (Каспий денгизи), Журжония (Гурганж шаҳри, Кўҳна Урганж), Журжония йўли (Орол денгизи), Журжон текислиги (Каспийбўйи паст текислигининг жанубий-шарқий қисми) Журжон қўлиги (Каспий денгизининг Эрон қирғоғи ёнида) қабилар учрайди (аслида Гурганч номи арабчаштирилиб Журжония шаклида ёзилган) [2, 250-251].

Мозондарон-Эроннинг шимолий, Каспийбўйи вилояти. Кўпинча Табаристон номи билан бир маънода, баъзан Табаристоннинг жанубий қисми маъносида ҳам ишлатилган. Мозондарон атамаси 13-асрдан Табаристон номи ўрнида ишлатилган. Сосонийлар даврида мустақил ҳокимлик бўлиб, араблар, сосонийлар, салжуқийлар ва мўғуллар қўл остида бўлган[2].

Хоразм-Амударё бўйидаги қадимги давлат. Дастлабки маълумотлар Авесто ва Биҳистун китобларида учрайди. Бир қанча давлатларнинг маркази бўлган. Мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Ўрта асрларда маданият,

илм-фан, санъат ривож топган марказлардан бири. Бу ном билан Хоразм дашти (Қорақум чўли, унинг шимолий-шарқий қисми), Хоразм денгизи (Орол денгизи), Хоразми Мовароуннаҳр (Хоразмнинг шарқий қисми, Амударёнинг ўнг қисми), Хоразми Хуросон (Хоразмнинг гарбий қисми, Амударёнинг чап соҳили), каби номлар боғлиқдир[2,258].

Рай - Эрондаги Техроннинг шимолий-шарқида жойлашган шаҳар. Авесто, Биҳистун китобларида Рай номи учрайди. Парфия шоҳларининг баҳорги қароргоҳи бўлиб, 7-аср ўрталарида араблар томонидан ишғол қилинган. Сомонийлар, зиёрийлар, буваҳийлар қўл остида бўлган. 11-аср бошларида гзавийлар, кейинроқ, салжуқийлар, 12-аср охири, 13-аср бошларида Хоразм шоҳларига тобе бўлган. Мўғуллар томонидан вайрон этилган [3].

Қазвин - Эроннинг шимолий-гарбий қисмидаги шаҳар. Ўрта асрларда Эрондан Закавказьегга борадиган савдо йўли Қазвин орқали ўтган. Мўғул босқини даврида шаҳар вайрон этилган, кейинроқ қайта тикланган. 16-асрнинг иккинчи ярмида сафавийлар давлатининг пойтахти бўлган [3].

Юқориди ибн Сино номи, ҳаёти билан боғлиқ бўлган айрим географик номлар - топонимлар ҳақида маълумот келтирдик, холос. Ушбу шаҳарлар у ёки бу маънода улуг аллома ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган.

Бундай маълумотларга эга бўлган ўқувчи она тили ва адабиёт фанларидан тегишли билимларни янада чуқурроқ эгаллайди.

Д. Қаҳҳорова
(Сурхандарё вилояти, Бойсун
13-ихтисослашган мактаб)

Она тили дарсларида интерфаол усуллар

Она тили дарсларида интерфаол методларни қўллаш ижобий самара беради. Бу усулга кўра «Кесимнинг тузилишига кўра турлари» мавзусини ўрганишга оид дарсни бир неча модели босқичга бўлиб ўтиш мумкин. Улар «чақириқ», «ақлий ҳужум», «англаш», «фикрлаш», «ҳукм», «мустаҳкамлаш» кабилардан иборатдир.

Чақириқ босқичида дарснинг гоёсига кириб бориш, уни ҳис этиш жараёнига тайёрлаш каби мақсадлар назарда тутилади. Ўқувчилар савол-жавоблар асосида ўзаро фикр алмашадилар.

Ақлий ҳужум босқичида ўқувчиларга содда гаплар тузиш топширилади.

Ҳосил қилинган сўзлар доирасида ўқувчилар саволларга жавоб бериб ақлий ҳужумни давом эттиради.

Ақлий ҳужум жараёнида ўқувчиларнинг фикрлари нотўғри деб топилмаслиги лозим, аксинча ўқитувчи иложи борица ўқувчиларга ёрдам бериши нотўғри фикр айтиб қўйишдан қўрқмаслиги таъкидланади. Охирида эса билдирилган фикрларнинг ҳар бирини ўзи таҳлил қилиб бериши керак. Ушбу жараёнда ўқувчилар кесимнинг тузилиши ҳақида жуда кўп маълумотга

эга бўладилар, яни бунда муаммо ўқувчиларга ақлий ҳужум йўли билан берилиб, уларнинг фикрни билан очилади ва натижада мавзуни тушуниши осонроқ кечади.

Дарснинг англаш босқичида эса ақлий ҳужум содда от-кесим ва содда феъл кесим. Мураккаб от кесим ва мураккаб феъл кесимнинг ўзига хос хусусиятини аниқлаш ва гап тузиш вазифаси топширилади. Бу топшириққа маълум бир вақт ажратилади. Ўқитувчи бу вақт жараёнида барча ўқувчиларни кузатад ва топшириққа изоҳлар беради, ёрдамга зарурият сезаётганларга ёрдам кўрсатади. Вақт тугагандан сўнг ҳар бир гуруҳдан биттадаб вакил гуруҳ бажарган вазифани бутун синф олдида тақдим қилади. Ҳар бир тақдимот баҳолашиб борилади. Барча гуруҳлар ишларини якунлагандан сўнг ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини изоҳлайди, тўлдиради ва умумлаштиради.

Дарс сўнгида ҳукмга олиб келинади. Шу тарзда кесимнинг тузилиши ҳақидаги назарий битимлар берилади. Мавзу машқлар бажариш асосида муаммакланади.

Р.Қорабоева, А.Муродова
Жиззах ш., 10-мактаб

Интеллектуал салоҳиятлар асосида она тилимизнинг равнақи

Ўқувчиларга самарали ва сифатли она тили таълимини беришда замон билан ҳамнафас қадам ташлаш, таълимдаги ҳар бир янгиликдан ўз вақтида хабардор бўлиш, дунёнинг илғор тажрибаларини мунтазам кузатиб бори, ҳар бир она тили ўқитувчисининг долзарб муаммоларидандир.

Дарс машғулотларини янги педагогик технология асосида ташкил этиш эса, ана шу изланишларнинг бош йўналишидир.

Янгиланаётган ХХI асрда она тилимизда қандай ўзгаришлар бўлади? Деган савол туғилади.

Бугунги кунда мактабда она тилини ўқитишдан мақсад ижодий фикрни қисқа, лўнда, раvon, нутқ шароитига мос тарзда тингловчига етказишдир.

Бу мақсадни амалга оширишнинг бош омили - ўқувчиларда сўз бойлигини оширишдан иборат.

Бугунги кунда тилимизга кўплаб янги сўзлар кириб келмоқда. Жамиятда ва илм-фандаги барча ўзгаришлар, янгиликлар нутқимизда акс этар экан, тилимиз янги асрда яна ҳам янги сўзлар ҳисобига бойиб бораверади.

Ўқувчилар сўз бойлигини оширишда 5-синф она тили дарслигидаги «Янги сўзлар» мавзусидан ўринли фойдаланиш мумкин.

Мавзунинг 1-топшириғида дастурчи, биржа сўзлари берилган бўлиб, сўзларнинг маъносини ўрганиш учун «Ақлий ҳужум» ўйини қўл келади.

2-топшириқ ким кўп янги сўз билади? Тарзида ташкил этилади.

Мавзудаги 527-машқ билан ишлашда янги сўзларни ажратиб, уларнинг қайси соҳага оидлиги сўралади. Кейинги топшириқда таълим, иқтисод, қишлоқ хўжалигига оид сўзларни топадилар.

Дарс сўнггида танланган сўзлар иштирокида боғлиқ матн тузиш мақсадга мувофиқдир.

Б.Қўчқорова
(Хоразм, Янгиариқ 16-мактаб)

Она тили таълимида янги усуллар

Ахборот технологиялари асрида яшаётган эканмиз, янгиликка ўч фарзандларимизга ҳар кун ҳар дарсда янги нарса ўргатишга ҳаракат қилайлик. Фарзандларимиз интернет орқали имтиҳон топшираётган, компьютерларда ҳайратга лойиқ дастурлар тузаётган бир даврда уларга ўзбек тили таълимининг чуқур, ижодий тафаккурни ривожлантириш усулларидан кенгроқ фойдаланиш керак бўлади.

Илғор педагогик технологияларнинг жуда кўп турлари мавжуд бўлиб, улар: “Ақлий ҳужум“, “Кичик гуруҳларда ишлаш“, “БББ“ (Билардим, билишни хоҳлайман, билиб олдим“), ”Тарози“, “Дарахтлар ечими“ “Хотира машқлари” ва бошқалардир.

Ўқувчиларнинг ўзбек тили фанига бўлган қизиқишларини янада орғтирувчи машғулотлар 5-синф дарслигида жуда кўплаб берилган. Бу дарсликнинг ўзида номланган ва ўқитувчи ўзи номлаши мумкин бўлган жами 50 зиёд ўйин машғулотли мавзулар берилган.

8-9 синф ўқувчиларига содда ва қўшма гап қолипларининг берилиши, улардан шу қолипларга мос жумлалар танлашни талаб қилиш жуда ўринлидир. Ўқувчилар аввало мустақил равишда шу қолипларга жумла танлайдилар. Кейин уларни тушунтириб, гап бўлақлари ва сўз туркимларига ажратиб кўрсатадилар. Агар топширини мураккаблаштироқчи бўлсангиз, шу қолипларга ўхшашидан танлаб гуруҳлараро мусобақа ўтказиш мумкин. Топшириқларни бажаришда танланган жумлаларнинг ҳаётийлигига, замон билан боғлиқлигига, тарбиявий жиҳатдан ижобий таъсирига, фанлараро боғлиқлиги, мақол ва ҳикматли сўзлардан ўринли фойдаланганлиги ва бошқаларга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўқувчиларнинг дам олиш дақиқаларида энгил бошқотирмалар, ребуслар, анограммаларни ечдириш уларнинг ижодий тафаккурини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ребуслар, бошқотирмалар тузишда мақоллар, ибратли сўзлардан фойдаланиш ўқувчиларда меҳнатга, инсонга, Ватанга муҳаббатнинг ривожланишига, дўстлик каби фазилатларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Она тили дарсларида нутқ маданиятига эътибор

Мактабда она тили ўқитишнинг муҳим вазифаларидан бири, ўзбек адабий тилининг асосий бўлимлар бўйича пухта билим бериш орқали тилимизнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ўқувчилар онгига етказиш, уларнинг мантиқий тафаккурини ўстиришдир. Мантиқий тафаккурни ўстириш иши эса, аввало, бериладиган назарий маълумотларнинг аниқлиги, тўғрилиги, таъриф ва қоидаларни изоҳлаш учун келтириладиган мисолларнинг ишонарлиги ва мукамаллигига боғлиқ.

Ота-боболаримиз азалдан кучли нутқ маданиятига эга бўлишган. Ўзларининг фикр-мулоҳазаларини суҳбатдошига оғир ботмайдиган тарзда етказишга ҳаракат қилишган. Ана шундай мақсадда гапларда буйруқ майлидаги эмас, илтимос майлидаги феълларни қўллашган: ...Менга руҳсат беринг; жойингизга ўтиринг; бир пиёла сув келтир..... тарзида эмас,Менга руҳсат берсангиз; жойингизга ўтирсангиз; бир пиёла сув бергин.... дея ўз нутқларида юмшоқ ифода берувчи феъллардан фойдаланишган. Биз ўзимиз ҳам иложи борича ана шундай тарзда фикримизни баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Бироқ ҳамма оилаларда ҳам ёшларга берилаётган муомала маданияти, нутқ тарбияси тўқис деб бўлмайди. Ёшларимизга ана шундай камчиликларни кўрсатиб бериш ва уни бартараф қилишга ёрдамлашиш учун, менинг назаримда, она тили таълимига қуйидаги тарзда ўзгартиришлар киритиш лозим:

1. Бошланғич синфларда она тили дарсларини ўқитишга нутқ маданияти, Буйруқ гапларнинг илтимос шакли ёки **шунга** ўхшаш сарлавҳа остида 1-2 соат дарс машғулот ўрганилса;

2. 5-синфларда гапнинг ифода мақсадида кўра турлари мавзусини ўрганишда дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап, **истак** гап мавзулари қаторига илтимос гап мавзуси ҳам киритилса;

3. 6-синфлар феъл майлиларини ўрганиш жараёнида хабар майли, буйруқ-истак майли, шарт майли билан биргаликда илтимос майли, унинг шарт майлидаги феъллардан фарқланиши мавзулари ёрқитилса;

4. 8-синфларда гап мавзусини ўрганиш жараёнида яна 5-синфда ўрганилган гапнинг ифода мақсадида кўра турлари ўрганилса. фикримча, айни мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Илғор педтехнологиялар — дарс самарадорлигини ошириш омили сифатида

Давлат тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимини мустаҳкамлаш ва нутқ фаолиятини ўстириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш борасида педагогик технологиянинг амалий аҳамияти каттадир.

Педагогик технология бу ўзоро боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатувчи билимлар ва тизимлар мажмуасидир. У таълим тизими маълум касбқичининг битирувчиси шахсига хос бўлган хусусиятларни юзага келтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай таълим турларида эса юксак ахлокий фазилатларга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлган шахсларни камол топтиришга ёрдам берувчи юксак технологиялар қўлланилади. Ҳозирги кунда фидоий ўқитувчиларнинг ижодий изланишлари орқали бир қанча замонавий усуллар шаклланади. Бундай усуллардан самарали фойдаланиш учун, авваломбор, ўқитувчи ўз фанини пухта билиши, илғор замонавий ўқитиш усулларида яхши хабардор бўлиши, улардан самарали фойдаланиш йўлиларини кашф эта олиши лозим. Шундагина ўқитиш сифати ҳам, ўқувчиларнинг фанни ўзлаштириш даражаси ҳам юқори бўлади.

Она тилидан дарс берувчи ўқитувчи том маънода ижодкор бўлиши шартдир. Зеро, адабиёт, она тили дарси ҳам тарбия-ташвиқот, ҳам нотиклик, ҳам санъаткорлик, ҳам саводхонликнинг мужассамланган кўринишлари ҳисобланади.

XXI асрга қадам ташлаб борар эканмиз, она тили таълимининг равнақ топаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Она тили дарсликлари юқори савияда қайта нашр этилди. Кўргазмали қурооллар ҳам ДТС асосида тайёрланди. XXI аср — юксак техника асри. Зеро, «2006-2007 ўқув йили Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш» ўқув йили деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас.

Раҳима Усмонова
НВПКҚТМОИ

Она тилимизнинг буюк яловбардори

Навоий ўзбек адабий тили тараққиёти учун курашнинг буюк яловбардори эди. Барча халқлар ва уларнинг тилларига доим эҳтиром ва муҳаббат билан қараган, ўзи ҳам форс-тожик тилида асарлар яратиб, зуллисонан сифатида шуҳрат топган Навоий халқ тилининг яширин хазиналаридан кенг фойдаланиб, ўзбек тилида “Хамса”, “Ҳазойин-ул-

маоний”, “Лисон-ут-тайр”, Маҳбуб-ул-қулуб”, “Мажолис-ун-нафоис”, “Мезон-ул авзон”, “Муҳокамат-ул-луғатайн” каби ажойиб бадиий, илмий асарлар яратиб, бу тилнинг бойликлари ва нафислигини мужассамлаштирди, ўз асарлари билан ўзбек адабиёти аҳлларига намуна бўлди, у ўзбек шоирларини ўз она тилида ижод қилишга чақирди, “Муҳокамат-ул-луғатайн” асари билан ўзбек тилининг бойлиги ва гўзаллигини, унинг форс-тожик тилидан қолишмаслигини, ўзига хос юксак хусусиятлари ва бадиий ижодкорлик учун кенг имкониятлари борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. Навоий ўзбек тилини камситувчиларга узил-кесил зарба берди.

Алишер Навоийнинг бу буюк жасоратини биринчилардан бўлиб Абдураҳмон Жомий шундай деб таъкидлаган эди: “Туркий тилда ажойиб нақш пайдо бўлдики, жоду дамлар лабига муҳр босиб қўйди . . . Эй устози сухан, таъбингга офарин! Сенинг қаламинг калиди сўзга эрк беради. Равнақдан тўхтаган ва хорлиқ бурчагидан ўрин олган туркий сўзга сен қайта обрў бердинг. Унинг ижод майдонига олиб чиқдинг, фикринг нуридан у сафоли бўлди, лутфинг навосидан наволи бўлди”.

Хусайн Байқаро эса: “Мир Алишер . . . тахаллуси “Навоий”га машҳурдурур ва ашъорида бу тахаллуси турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ анфоси била руҳ кирди”.

Алишер Навоий “Маҳбуул –қулуб” асаридаги “танбеҳ”лардан бирида “Тилга ихтиёрсиз –элга эътиборсиз”, - деган доно ҳикматни битган эди. Бу ғоят халқчил ҳикмат заминиди бир олам маъно бўлиб, башарият наслини, унинг ўтмишини ҳозирги кун билан боғловчи тарихи, адабиёти, маданияти узвийлигини таъмин этувчи фаол восита тил эканлиги англашилади.

“Муҳокамат-ул-луғатайн” асарида эса Навоий она тили хусусиятларини (чунончи, грамматик, фонетик, лексик) ўзи пухта билган форсий билан муқояса қилароқ, холис бир тарзда назарий асослаб берди.

Алишер Навоий бошқа тилларда, хусусан, форс тилида муқобили топилиши қийин бўлган 100 та феълни санаб кўрсатгандан кейин турли хил синоним сўзларни мисол келтиради. Булар: сипқармоқ, томшанмоқ (томшаниб ичмоқ) ва шу сингари бир неча формалардир. Шулардан Алишер Навоийнинг фикрича, майни бирданига кўтариб ичишни англатишда сипқармоқ сўзидан ортиқроқ даражада аниқ ва бадиий муболағали сўз топиш қийин.

Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида, барча асарларида ана шу жаҳон уммонида дурдона бўлган сўзнинг қадрини кўтарди, бу дурдонанинг ҳар бирига ҳар ёзганида янгича маъно, янгича сайқал бера олди ва улар воситасида авлодларга буюк маънавият хазинасини қолдирди.

Ўзбек тилининг гўзаллигини, бадиийлигини, бойлигини ва рангоранглигини исбот қилиш борасида чеккан риёзати, заҳмат ва машаққатлари, оғир курашлари эвазига Навоийга олтин ҳайкал қўйганида ҳам, элимиз унинг қошида қарздор бўлиб қолаверса керак.

Ўзбек тили таълими мазмунини белгилашда мавзувийликнинг ўрни ҳақида

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили ўқитиш мазмуни мавзувийлик тамойилига амал қилиб белгиланган дастур ва дарсликлар амалиётга кенг жорий этилди. Мазкур тамойил методикада янгилик эмас. Ўтган асрнинг 60-йилларидан кейинги даврда яратилган «Ўзбек тили» дастурлари ва дарсликлари шундай тамойил асосида тузилган. Бир мавзу ҳам лексика чегарасини, ҳам ўқув матни мавзусини кўрсатган, ҳам нутқ ўстириш мавзусини билдирган. Мавзувийликдан грамматик материалларгина холи бўлган. Бугун мавзувийлик шу даражага етказиб жорий этилдики, ҳар бир дарс бирор мавзуга бағишланиб, лексика ҳам, грамматик материал ҳам, эшитиб тушуниш, ўқиш учун мўлжалланган материаллар ҳам, борингки, нутқ ўстириш шакллари ҳам шу мавзуга қатъий боғлаб қўйилди.

«Ўзбек тили» дастурлари ва дарслиklarининг мавзувийлик тамойили асосида яратилиши ташкилий жиҳатдан катта қулайлик вужудга келтирганини эътироф этиш керак: дастур ва дарсликлар дарслардан иборат этиб тузилгач, уларни уюштириш ва машғулотларга олиб киришда бениҳоя катта осонлик туғилди.

Мавзувийлик лексикани бир мавзу доирасида жамлаб беришда қулайлик туғдиради, бу тўғри. Лекин бир мавзудан иккинчи мавзуга ўтганда, олдинги ўрганган лексиканинг катта қисмидан кейинги мавзуда, ҳатто кейинги кўплаб мавзуларда фойдаланилмаслиги уни пухта ўзлаштирмасликнинг асосий сабаби бўлиб қолади.

Мавзувийлик тамойили сўзларни гуруҳлаб ўрганиш учун муайян қулайлик яратса-да, сўзларнинг такрорий ишлатилиш частотасини таъминлашда мутлақо ноқулай, грамматик воситаларни изчил режалаштириш масаласида эса унинг қулайлик томони йўқ даражада. Чунки грамматик воситалар мавзуга боғлиқ эмас, бундай боғланиш ўрнатилса, у ўта шартли бўлади. Бунинг устига аффиксал ўзбек тили грамматик воситаларини ўрганишда ўзига хос тадрижий такомил, тартиб, изчилик, узвийлик талаб этилади. Масалан, онани, оналарни, менинг онам, онамни, оналаримизни каби сўзнинг морфологик жиҳатдан мураккаблашиб бориши ана шу мураккаблашувни дарсдан дарсга, синфдан синфга аста ўрганиб бориш кераклигини белгилаб берувчи асосий омилдир. Буни ушбу тил ҳодисаларини мавзувийликка боғламаган ҳолда, ўзича алоҳида режалаштириш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Масаланинг яна бошқа бир жиҳати мавзувийликдан воз кечишни талаб этади: ўқиш учун мўлжалланган материаллар мавзуси билан нутқ ўстириш учун хизмат қиладиган мавзу бир хил даражадаги билим, кўникма ва

малакаларни талаб этмайди, балки бири рецептив нутқий фаолият билан боғланса (ўқиш, тинглаш), иккинчиси маҳсулдор нутқий фаолият билан (сўзлаш, ўзаро сўзлашиш) боғланади: бири учун зарур сўз ва грамматик воситалар бойлиги иккинчисида фаоллаштириш керак бўладиган сўз ва грамматик воситаларнинг айнан ўзи бўла олмайди. Демак, икки бир-биридан кескин фарқ қилувчи ҳолатни бир мавзу доирасида бир вақтнинг ўзида тенг ўрганиш мумкин эмас.

Хулоса қилиш мумкинки, мавзувийлик тамойили лексикани бир мавзу доирасида уюштиришда қулайлик туғдиргани билан, уни бошқа дарсларда тез-тез учраб туриши орқали ўзлаштиришга қаратилган машқларда такрорийликнинг таъминланмаслиги туфайли ўта ноқулай саналади. Мавзувийлик матнлар орқали нутқ ўстиришга интилиш билан тавсифланувчи кам маҳсул методикада ўз ифодасини топгани учун у келтириб чиқарган ноқулайликларни матндан бошқа материаллар ёрдамида бартараф қилиш ниҳоятда қийиндир, баъзан ҳар бир дарс онларининг дастур билан тайин этилган ўз мақсад ва вазифалари мавжуд бўлганлиги учун ҳам бундай қилиш мумкин бўлмайди. Бизнингча, лексик ва грамматик материалларни ўрганишда методик мулоҳазалар билан мавзувийлик тамойилини ўйлаб кўриш зарур.

М. Й. Тўхтамирзаев,
пед.фан. номзоди, доцент
У. Г. Ибрагимова,
ТДПУ ўқитувчиси

Ўзбек тилидаги байналмилал сўзлар ва уларни ёзма нутқда тўғри қўллашга ўргатиш

Хорижий тиллардан сўз ва бирикмаларни ўзлаштириш масалалари мунтазам равишда тилшунослар, методистларнинг диққат марказида туради. Чет тилидан сўз ўзлаштириш учун қуйидагилар сабаб бўлади:

1. Ўзбек тилида тегишли маънони англатувчи сўзнинг йўқлиги: *ноутбук, пейджер, таймер, плоттер, сканер, тюнер, сайт, роуминг, тонер* кабилар.

2. Тегишли (аниқ) номнинг йўқлиги ёки чет тилидаги атаманинг кенг тарқалгани: *инвестор, прайс-лист, дайджест, имидж, топ-модель, спрей*.

3. Услубий қулайликка эришиш зарурлиги: *плеймейкер* (жамоавий спортда ўйинни ташкил этувчи спортчи); *ксерокс* (қоғоздаги матн ёки тасвирдан нусха кўчиришга мўлжалланган мослама).

4. Атаманинг алоҳида фарқли хусусиятини ифодалаш зарурлиги: XX асрнинг 80-90-йилларида *сэндвич* атамаси видеофильмлар воситасида тилимизга кириб келган бўлса, янги асрнинг дастлабки йилларида ушбу умумий маънони фарқлаш имконини берувчи сўзлар пайдо бўлди: *гамбургер* (ноннинг ичида бифштекс), *фишбургер* (балик), *чисбургер* (пишлок), *чикенбургер* (жўжа). Фарқлашга хизмат қиладиган *мини- /макси-, супер-,*

гипер- билан бирга ясалган қатор сўзлар тилимиздан муқим ўрин олган: *мини-маркет/супермаркет/гипермаркет, миниюбка/максиюбка.*

Тил таълимида ўзлашган сўзларни ўрганиш жараёнида талабалар дуч келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари батафсил кўриб чиқилган. Байналмилал атамаларнинг аксарияти русийзабон талабаларга аввалдан таниш бўлгани учун лексик мазмунини тушунтириш унча қийин кечмайди. Лекин ушбу сўз ва бирикмаларни ўзбекча нутқда фаол ва тўғри қўллашга ўргатишда асосий эътиборни нутқий кўникмаларни мустаҳкамлашга ва ёзма нутқни ўстиришга қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Русийзабон талабаларнинг ўзбек тилидаги ёзма нутқини ўстиришга қаратилган машқ ва топшириқларда байналмилал сўзларни ўринли ва беҳато қўллашга ҳам эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун талабаларга она тили орқали таниш бўлган сўзларнинг маъносини эслатиш билан бирга ўзбек тили имло қоидаларига биноан қандай ёзилиши кераклигига урғу бериш жоиз. Масалан, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида рус тилидаги “қ”, “и”, “ў” каби ҳарфларнинг, юмшатиш белгиси (“ь”)нинг йўқлигини таъкидлаш зарур. Ушбу ҳарфлар қўлланган сўзларни ёзишда амал қилиш даркор бўлган қоидаларни мустаҳкамлаш ўқитувчининг диққат марказида турмоғи фойдали.

Тилимизга кириб келган сўзларнинг таркибини таҳлил қилишда бир қатор ўзига хос хусусиятларни эътироф этиш мумкин.

Ёлғиз ўзақдан иборат сўзлар: *сайт, скотч* каби. Бу сўзларга ўзбек тилида эғалик ва келишиқ қўшимчаларини грамматикамиз қоидаларига биноан қўшиб, нутқда ишлатилади.

Сўз ясовчи қўшимча ўзақдан аввал келган ҳолатлар:

анти-: *антитеррор, антивирус* (айрим ҳолатларда ўзбекча нутқда *анти-* ўрнига *аксил-* қўшимчаси қўлланиши мумкинлиги таъкидланиши керак, яъни *аксилтеррор* каби);

супер-: *суперрепортаж, суперкомпьютер, супербомба, супергол;*

Сўз ясовчи қўшимча ўзақдан кейин келган ҳолатлар:

-аж: *дубляж, монтаж, массаж;*

-ант: *дипломант, диссертант, курсант, лаборант;*

-бургер: *гамбургер, чизбургер, фишбургер, чикенбургер;*

-ер: *брокер, дизайнер, менежер, продюсер; плеер, баннер, браузер;*

-инг: *маркетинг, холдинг, кастинг, боулинг, лизинг;*

-ист: *журналист, капиталист* (лекин - *массажчи, шахматчи, лицейчи*

);

-кипер: *голкипер;*

-мейкер: *плеймейкер, клипмейкер, ньюсмейкер, хитмейкер.*

Ўзбек тилида ўзлашмалар бошқа қўшимчалар билан янги маъно англата бошлаши эътиборга молик : *кикбоксинг - кикбоксёр, бодибилдинг - бодибилдер.*

Ўзлашган аффикслар бошқа байналмилал ёки ўзбекча асосга қўшилиб, янги сўзлар яратилиши мумкин: *суперянги, суперчиройли, супермуқова.*

Турмуш тарзимизда бозор иқтисодиёти ва рекламанинг кенг ўрин эгаллаши муносабати билан ушбу қўшимча фаол ишлатилаётганига урғу бериш даркор: *супернарх, суперсақич, суперминимаркет* каби.

Ҳажвияда ушбу аффикс кесатиш ва бўрттириш маъно нозикликларини ифодалаш учун ҳам ишлатилмоқда: *суперқайнона* (Муқимий номидаги театр спектакли номи), *суперқўшиқ* ва ҳоказолар.

Юқоридаги сўзларнинг аксарияти яхлит ҳолда ёзилишига талабаларнинг диққатини қаратиш фойдали. Ўз навбатида, инглиз тилидан XX асрнинг сўнги ўн йиллигида кириб келган *шоп-тур* (*шоптур, шоп тур*) атамасининг ёзилишида ҳозирга қадар узил-кесил бир тўхтамга келинмагани боис талабалар хоҳлаган вариантни танлашлари мумкинлигини тушунтириш даркор.

Хуллас, байналмилал атамаларнинг ёзма нутқда фаол ва тўғри қўлланилишига эришиш талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириб, билимларини чуқурлаштириш, нутқий малака ва кўникмаларини мустақамлашга ҳисса қўшади.

Д.Д.Ақбарова
ТДПУ аспиранти

Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларда ифодали нутқ кўникмаларини шакллантириш

Бадий нутқдагина уни ташкил этувчи сўзларнинг маъноларини, мантқий муносабатларини оҳанг орқали ўқиб олиш, бадий нутқнинг жонли ва жўшқин сўздагина тўлиқроқ намоён бўлувчи эмоционал-ифодали томонларини идрок этиш мумкин. Ифодали ўқишнинг таъсири тезда билинади: бунда талабаларнинг ўзлари айтиб туради. Лекин бадий матнни эмоционал идрок этиш самараси асарнинг ҳаётий мазмунига ўқувчиларнинг бевосита эмоционал акс жавобларидангина иборат эмас. Ўқувчиларни асарнинг интонацион қурилмасида муҳрланган муаллиф туйғулари ва энг аввало бадий асарга яхлит бирлик сифатига хос бўлган асосий интонация таъсирлантиради. Бусиз эстетик кечинмалар пайдо бўлмайди, бусиз асар устидаги таҳлил ишларини самарали ташкил этиш мумкин эмас.

Ифодали ўқиш машқ қилинаётган дарсда айланма ўқиш усули қўлланади. Бунда ҳар бир талаба белгиланган қисмини ўқийди. Унинг овозида ифодалилик бўлмаса, унга йўл-йўриқлар берилади. Талаффуздаги хато матндаги гап охиригача ўқиб бўлингандан кейин тузатилади. Такрор ўқиш топширилади.

Насрий асардаги гаплар шеърини мисралар каби ўқилмаса-да, муаллиф гаплари бир хил оҳангда, ҳар бир қаҳрамоннинг сўзлари характериға монанд унинг сўзлаш оҳангида талаффуз қилиниши билан ўзига хослик касб этади. Қаҳрамон тавсифини очишда диалог ва монологнинг роли катта.

Асарни ифодали ўқишга тайёрланишнинг қуйидаги изчиллигини

лойихалаш мумкин: 1) нотаниш сўзлар, грамматик воситаларни олдиндан ўрганиш ва мустаҳкамлаш; 2) шарҳли ўқиш (сўзларга ёки бошқа бирор жиҳатига, айниқса, матннинг муаммолилигига сабаб бўлган жиҳатларни изоҳлаш); 3) бадий асар унсурларига қисқа изоҳ бериш; 4) ифодали ўқиш.

Ифодали ўқиш, бир томондан, талабаларнинг асар мазмунини тағ маъносигача тушунганликлари кўрсаткичи саналса, иккинчи томондан, ундан олинган эстетик завққа ишора қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўзбек тили дарсларида матнларга фарқлаб ёндашиш, илмий мақола типигаги матнни тўғри талаффуз қилиб ўқишни талаб этиш, бадий матнни ифодали ўқиш, ўқувчиларни бунга жиддий тайёрлаш ва таъсирли ўқишларига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Т.Валиев
Қарши ДУ

Ўзбек тили соҳавий лексикасини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш

Куйи курсларда талабаларнинг ўзбекча сўз заҳирасини ошириш мақсадида: 1) берилган автотўлсозлик атамаларини муайян уяларга ажратиш; 2) атамаларга уядошлар топиш; 3) атамалар уядошлари қаторини даром эттириш; 4) бир товуш билан фарқланувчи сўзлар қаторини ҳосил қилиш; 5) пароним сўзларнинг маънолари, талаффузи ва имлоси устида ишлаш; 6) сўзнинг маъносини шарҳлаш, сўзга маънодошлар топиш, нуқталар ўрнига зарур сўз ва товушларни қўйиш сингари коммуникатив фаол ўқув топшириқларидан фойдаланишнинг самарадорлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Сўнгра талаба бу сўзнинг ўз тилидаги муқобилини кузатиб, муқобиллар орасидаги семантик, морфологик ва синтактик фарқ ва айнанликларни аниқлайди.

Талабаларнинг гап қуриш малакаларини юксалтириш ва такомиллаштиришда: 1) берилган гапнинг кесимидан сўроқ бериб, уларни кенгайтириш; 2) берилган қолиплар асосида сўз бирикмалари тузиш; 3) гапнинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириш; 4) берилган содда гап жуфтларини турли йўллар билан боғлаш (оҳанг ёрдамида, боғловчи воситасида, юклама воситасида в.х.) сингари топшириқлар тавсия этилади.

Матн устида ишлаш талабаларнинг боғланишли нутқини ўстириш ва нутқий малакаларида мантиқий изчиликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунда русча матнларни ўзбек тилига ўгириш ва матн мазмунини ўз сўзлари билан гапириб бериш, ўзгалар фикрини тинглаш, матн мазмуни асосида режа ёки сўроқлар тузиш, тасвирий, ривоя ва муҳокама матнлари яратиш каби ижодий-амалий топшириқларни бажариш тавсия этилади.

Кўринадик, русийзабон гуруҳларда ўзбек тили дарсларини самарали ташкил этишнинг устувор омилларидан бири талабани таълим

жараёнининг фаол субъекти, яъни фаол ишловчисига айлантиришдир. Бунда, албатта, мунозара, мусобақа, баҳс каби интерфаол усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, талабаларнинг кўзланган мақсадга эришилганлик даражаси коммуникатив омилларнинг самарадорлигини кўрсатади. Бунинг учун курс давомида қуйидаги мезонлардан фойдаланилади: 1) ўзбек ва рус тилларидаги сўзлараро семантик ва фонетик фарқларни билиш даражаси; 2) талабаларнинг ўзбек тилидаги матнларни тез, раво, тўғри ва ифодали ўқиш малакаси; 3) ўзгалар фикри ва матн мазмунини тез англаш малакаси; 5) сўз заҳираси даражаси; 6) русча матнни ўзбек тилига, ўзбекча матнни рус тилига ўгириш малакаси; 7) синтактик бирикмалар тузиш малакаси; 8) мустақил ҳолда матн яратиш малакалари; 9) иш қоғозларидан фойдаланиш малакаси. Бу метъёрлар талабалар сонига нисбатан фоиз ҳисобида ишлаб чиқилади. Юқори, ўрта қуйи даража фоиз ҳисобида берилади.

Ўқитишнинг самарадорлик даражаси қуйи даражанинг камайиши ҳисобига, ўрта ва юқори даражанинг ошиши билан белгиланади.

М.Кубаева
Зарафшон ШХТБ

Давлат тилини ўрганишда интенсив методлардан фойдаланиш

Интенсив таълим методларини қўллаш нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари уюштирилаётган машғулотлар талабларини ҳам ўз ичига олади.

Интенсив таълим методларига қўйиладиган талабларни биз қуйидагича белгилаганмиз:

1. Номиллий гуруҳлардаги ўқувчилар сонига қараб, уларни кичик гуруҳларга бўлиш ҳамда нутқни шакллантиришда грамматик асосларни қиёсий ўргатиш доминант қилиб белгиланган. Масалан, рус тилидаги келишик-предлог конструкцияларини ўзбек тилида фақат келишик қўшимчалари асосида ўргатилиши асос қилиб олинади. Чунки рус тилидаги в, на предлоглари винительный ҳамда предложный келишиклар билан қўлланади. Бу каби конструкция ўзбек тилида йўқ. Ўзбек тилидаги жўналиш ва ўрин-пайт келишиклари қўшимчаларига бу конструкциялар тўғри келади.

2. Ҳар бир дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг нутқ фаолиятларини шакллантириш тўрт йўналишда олиб борилиши белгиланган. Улар: 1) эшитиш (магнитофон, радио, телевидение, оғзаки мулоқот шакллари: монолог, диалог, полилог кабиларда); 2) ўқишни (бадий, илмий-дидактик, расмий, публицистик матнлар асосида) ташкил этиш. Агар ўқувчиларга фақат бир услубга хос матнлар берилса, улардаги ўқиш кўникмалари, талаффузи тўлиқ ривожланмайди. Масалан, бадий ва илмий услубдаги матнларга бир хил интонацион талаб қўйилса,

матннинг мазмунига ҳам путур етади.

3) ёзишни ўргатишда ўқувчиларга ёзма нутқни ўстиришга қаратилган ёзма машқ ва топшириқларнинг барча турларидан фойдаланиш тавсия этилади.

4 Нутқ фаолиятини шакллантиришда дарсдан ташқари уюштириладиган оммавий тадбирларда, жумладан, муҳим саналарга бағишланган тадбир ва кечаларда амалга оширишни ҳам тавсия этамиз.

5. «Оила», «Мактаб», «Ўзбекистон шаҳарлари», «Ўзбек таомлари», «Ўзбек байрамлари ва тўйлари», «Менинг дўстим», «Кундалик юмушлар» каби мавзуларда эркин мулоқот қилиш, ушбу мавзулар бўйича нутққа ўргатишда коммуникатив машқлар, диалоглар, полилоглар, гуруҳлар орасида савол-жавоблар, суҳбатлар ўтказилади. Шу билан бирга, суратлар билан ишлаш, интернетдаги веб-сайтлардан фойдаланиш яхши самара бериши ўқитувчиларимиз тажрибаларида синовдан яхши ўтди. Ўзбек маданияти ва урф-одатларини ўргатишда махсус видеоматериаллардан фойдаландик. Бу ҳам дарс машғулоти самарадорлигини оширади.

6.Ўзбек тили феъл замонлари ва бошқа грамматик қўрилмалар (конструкциялар) рус тилига тўлиқ мос тушмайди. Бу каби муаммо туғилганда ўқувчиларга мисоллар ва кўрсатмали конструкциялар орқали тушунтириш тавсия этилади.

7. Ўқувчиларга матн турларини, улардаги асосий бир-бирини боғловчи воситалар ҳақида ҳам маълумот берамиз.

Демак, давлат тилини ўрганишда бир хил қолиплаштирилган методлардан фойдаланиб қолмай, балки интенсив (тезкор) тарзда ўзлаштирилишга мўлжалланган методлардан фойдаланиш самарали натижалар бермоқда.

Р.Ҳ.Ниёметова
ТДПУ докторанти

Ўзбек тили дарсларида бадий матндаги нотаниш сўзлар устида ишлашнинг айрим жиҳатлари

Бадий асарларда ишлатиладиган сўзлар жонли сўзлашувга хос лексикадан, шунингдек, илмий-оммабоп матнлардаги лексикадан маълум тафовутларга эга.

Бадий асарнинг тил хусусиятлари назарий томондан атрофлича ёритилган. “Адабиёт назарияси” китобларида ҳам, адабий-назарий тушунчаларни ўрганишга доир қўлланмаларда ҳам, айрим тадқиқот ишларида ҳам бу масала атрофлича кўриб чиқилган.

Бадий асарнинг тил хусусиятлари ҳақида гапирганда шуни ҳам назардан қочирмаслик керакки, поэтик сўз кўп маъноли бўлади, лекин ушбу ўзбекча сўзнинг рус тилидаги муқобили поэтик бўлмаслиги мумкин. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчиларни русча муқобиллар орасидан жумлага бадийлик бахш

этадиган сўзларни билиб, аниқ танлашга ўргатиши, уларда кези келганда ўзи таржима қилиб тушунадиган ўзбекча гапнинг русча ифодасида ҳам ҳиссиёт сезилиб туришига эътибор бериш одатини ҳосил қилиши лозим. Чунки бадиий матнда сўз қўллаш сўзнинг энг асосий хусусияти - кўп маънолилиқка асосланади. Бундай сўз қўллаш барқарор бўлмай, доимий равишда ўзгариб туради.

Адабиётнинг айрим тушунчалари тил дарсларида яхшироқ ўзлашади. Масалан, эпитет: *олтин қўллар; туча мрачная*.

Бадиий матндаги сўз ифодали ўқилгандагина ўқувчи у билан кутилганидек танишади. Шунинг учун ифодали ўқишга, шу жараёнда жонли нутқ таҳлилига ҳам эътибор бериш лозим. Сўзнинг жарангдорлиги шунда тўлиқ намоён бўлади. Ўқувчи эшитиб қабул қилиш ва ҳис этишга ўрганadi.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тили машғулотида русийзабон талабаларнинг мустақил фикрлашларига монелик кўрсатадиган ҳолатлар жуда кўп. Масалан, адабий матнда учраган нотаниш сўзни луғатдан қидириб топа олмаслик, топганда эса бу сўзнинг русча муқобили икки ва ундан ортиқ бўлганда, қай бирини танлаш керак деган вазифа юзага келади. Бу вазифани тўғри ҳал этиш, мустақиллик намоён қилиш учун талабада ўз кучига ишонч ҳисси намоён бўлиши керак. Ўз кучига ишончи қатъий бўлмаган ўқувчининг мустақил қарор қабул қила олмаслиги эса ҳаммага аён ҳақиқат.

Адабий асарда сўзга бадиий образлилик юкланади. Бу ҳолат таржимада ҳам услубий бўёқли муқобилларни танлашга ундайди. Грамматик воситалар хусусида ҳам худди шу вазиятга дуч келиш мумкин. Хуллас, адабий материални ўрганишда қадам-бақадам мустақил қарор қабул қилиб боришни тақозо этадиган жиҳатлар ниҳоятда кўп.

Хуллас, адабий матнни ўқиш жараёнида талай лексик қийинчиликлар юзага келади. Луғат ишини ушбу қийинчиликларни бартараф этишга қаратган ҳолда ташкил этиш талаб қилинади.

Ж.Нуриддинов, М. Абдуллаева
Тошкент, Зангиота, тумани 1-мактаб

Ўзбек ва қозоқ тилларининг ўзаро узвийлиги

Мамлакатимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни янада ривожлантириш кўп жиҳатдан миллий муносабатларни такомиллаштириш ва уйғунлаштиришга боғлиқ.

Зеро Ўзбекистон кўп миллатли мамлакатдир. Она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа халқлар тилларининг ривожига шароит яратиш, уларни ўз она тилларидаги мавжуд имкониятларини юзага чиқариш борасида ғамхўрлик қилинмоқда.

Шу билан бирга давлат тилини билишларига ҳам аҳамият қилинмоқда. Жумладан, биз фаолият кўрсатаётган Тошкент вилояти, Занги ота тумани

1-ўрта мактабда дарслар ўзбек ва қозоқ тилларида олиб борилади.

Икки тилни билиш ўқувчилар сўз бойлигининг ошишига имкон бериб, ҳар икки миллат болалари дўст, иноқ ҳамкорликда вояга етмоқдалар. Дўстона муносабатлар мактабимиз жамоасининг бир жон бир тан бўлиб меҳнат қилишга, ҳар икки миллатнинг урф-одатларига риоя қилган ҳолда, айниқса, қозоқ болаларини эса давлат тилида сўзлашишлари, ўқиб, меҳнат қилишга ўргатилмоқда.

Мактабимизда тилимиз нуфузини асраш, авайлаш, унинг мавқеини янада ошириш учун ўзбек ва қозоқ тиллари бурчаги ташкил қилганмиз. Унда тилимиз ривожига ҳисса қўшган аждодларимиз ҳақида, уларнинг пурмаъно ўғитлари, улар ёзиб қолдирган ноёб китоблар сақланади. Ҳар икки тилда болалар ўзлаштиришлари зарур бўлган янги сўзлар, атамалар ёзилган лавҳалар ташкил этилган. Иш қоғозларини қандай юриштиш намуналари, ёзув дафтарлари кўрғазмаси, энг яхши иншолар, ҳикоялар намоиши, дўстлик, биродарлик ҳақидаги ёзилган мақолалар, ҳикматлар ўқувчилар дунёқарашини бойитишга хизмат қилади.

Ширимиз: ўзбек ва қозоқ миллат маънавияти ҳамда ички руҳий маданиятнинг кўзгусидир. Она тилини яхши билиш бошқа хорижий тилларни ҳам тез ва чуқур ўрганишга хизмат қилишга алоҳида эътибор қиламиз. Ўқувчиларимиз ҳозирги кунда она тили, қозоқ тили, рус тили, инглиз тили ва араб тилини ўрганиптилар. Мактабимизда қишлоғимизнинг тарихига доир музей ташкил қилганмиз. Унинг бир қисмида ўзбек, қозоқ тилларида чоп этилган китоблар намоиш қилинади. Ҳар икки тилни билган болалар улардан баҳраманд бўлиб, икки миллат тарихи, ёзувчи ва шоирлари билан танишдилар.

Хулоса шуки, миллатлараро дўстлик ва ҳамкорлик, фарзандларимизнинг камоли учун энг яхши восита эканлигини биз ўз тажрибамизда синаб кўрдик.

Хосият Пўлатова
ЎзДЖТУ ўқитувчиси

Русийзабон талабаларга шахс ва касб отларининг услубий қўлланишини ўргатиш

Узлуксиз таълим талаблари асосида умумтаълим босқичида кейинги таълим босқичларида ўзбек тили дарсларида русийзабон ўқувчилар нутқини турли шахс ва касб отлари билан бойитиш, ушбу отларнинг ясалиши, нутқдаги қўлланиши, услубий-маъновий тафовутлари ҳақида маълумот бериб бориш зарур.

Шахс отлари ҳақидаги тушунчалар ўқувчиларга 5-6 синфларда берилган, улар бу синфларда туб шаклдаги ва, шунингдек, ясама шаклдаги (*шичи, ўқитувчи, шифокор, сотувчи* каби) шахс отлари билан танишлар. Нутқий моделлар воситасида ўқувчиларга ушбу сўзларнинг асос ва қўшимчалар қисмлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Аммо ўзбек тилида бир

маънони бир неча қўшимчалар воситасида ҳам ифодалаш мумкинлиги, ўзбек тили аффиксал синонимияга бойлиги ва уларнинг услубий қўлланиши тилимизнинг бойлигини, таъсирий лисоний хусусиятларини намоён этишини билмайдилар. Бу ҳақдаги маълумотлар русийзабон ўқувчи-талабаларнинг нутқий имкониятларини янада кенгайтиради. Шунинг учун таълимнинг кейинги босқичлари: ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилининг услубий хусусиятларига кенгроқ тўхталиш зарур деб ўйлаймиз.

Ўзбек тили от ясовчи қўшимчаларга, хусусан, шахс оти ясовчи қўшимчаларга жуда бой. Шунинг учун ўрта махсус ва олий таълимда ўзбек тили дарсларида турли асослардан шахс ва касб отларнинг ясалишини кенгроқ ўтиш керак. Бу ўринда шахс от ясовчи қўшимчаларнинг фаоллик даражасига эътибор қаратиш, уларнинг ўзаро синоним бўлиб қўлланишини мисоллар воситасида кўрсатиб бериш русийзабон талабаларнинг нутқини бойитишда ва касб лексикасини эгаллашига катта имконият яратади. Жумладан, ўзбек тилида шахс оти ясовчи – *чи* қўшимчаси бошқа шахс от ясовчиларга кўп ўринда синоним бўлиб қўлланиб келади. Шунинг учун талабаларга аввал шу ҳақдаги назарий маълумотни бериш керак.

Русийзабон талабаларга ушбу сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида ясалган сўзлар ҳамиша ҳам бир-бирига тўлиқ маънодош бўла олмаслигини, уларнинг услубий маъно қирралари мавжудлигини тушунтириб ўтиш керак бўлади. Жумладан, *пахтакор*, *пахтачи* сўзлари русча *хлопкороб* сўзига тўғри келади, аммо *пахтакор* сўзининг маъноси ва услубий қўлланиши кенг, *пахтачи* сўзи эса асосан топоним сифатида (*Пахтачи* тумани каби) ва *пахтачи жамоа* каби бирикмаларда қўлланишини айтиб ўтиши керак. Ёки *соатчи* сўзи кўпроқ соат сотувчи шахс маъносини ифодаласа, *соатсоз* эса соат тузатувчи маъносини билдиради. Рус тилида эса ҳар иккови *часовык* сўзи билан таржима қилинади.

Шахс ва касб отларни яхши ўзлаштиришлари учун талабанинг ихтисослигига доир матнлар устида ишлаш жараёнида аниқлатиш, уларни синонимик вариантлари билан алмаштириб қўллашга ўргатиш самарали натижа беради. Нуқталар ўрнига мос қўшимчаларни қўйиш ёки қўшимчани бошқаси билан алмаштириш каби машқ турлари ҳам нутқ ўстириш учун фойдали. Шунингдек, шахс ва касб отларининг маъносини фарқлатиш, изоҳлашга қаратилган топшириқлар талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

С.Сафаров
Сурхондарё, Бойсун т.
3-мактаб

Тожиқ мактабларида ўзбек тилини қиёсий ўрганиш

Тожиқ тилининг сўз ясалиш усуллари, луғат бойликлари, талаффуз меъёрлари, имло қоидаларнинг кўпи ўзбек тилида мавжуд. Шу боис

ўқувчининг ёзма нутқини шакллантиришда имло қоидаларини қиёсий ўргатиш яхши натижа бермоқда. Аммо ҳар иккала тилда ҳам бир хил луғавий маъно берувчи сўзларнинг икки хил ёзилиши кўп ҳолларда ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам чалғитмоқда. Фақат давлат тили фани ўқитувчисигина бу муаммоларнинг ечимини топишга имконияти бор. Синфдан ташқари машғулотларда ва залларда ўрнатилган ўқув тахтасидан унумли фойдалансак, имло хатоларнинг олдини олишга шароит яратамиз. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўқувчилар ўзбек тили дарсларида ҳар иккала тилда бир хил луғавий маъно берадиган сўзларни ўз она тили имло қоидаларига асосланиб ёзади ва буни ўзича тўғри деб билади.

Қуйида имло хатоларга йўл қўйилаётган сўзлар, яъни бир хил маънодаги, аммо иккала тилда икки хил ёзилиши кузатиладиган айрим сўзларга изоҳ беришга ҳаракат қиламиз. Масалан, амакивачча, аммавачча, тоғавачча, холавачча каби сўзларни тожик тилидагидек: амақбачча, аммабачча, тағобачча, холабачча шаклида ёзадилар. Давлат тили фани дарсининг қизиқарли томони ҳам шундаки, ўқувчи сиз билан мунозара қилишга ҳам тайёр. Агарда ўқитувчи «Бачча», «Бола» сўзи ўзбек тилида ўғли деган маънони беришини айтиб ўтиб, бачча вачча каби талаффуз қилинади, фонетик ёзув қоидасига асосан ўзбек тилида юқорида кўрсатганимиздек ёзилади дея кичик изоҳ берса, ўқувчи хатога йўл қўймайди. Худди шунингдек, «Тоға» сўзининг ўзи ҳам «Тағо» шаклида ёзилиши имло хатоси саналади.

Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, ўқувчи «Китобхона» сўзини тўғри ёздим деб ўқитувчи билан баҳслашишга ҳам тайёр бўлади. Қайси бир маънода олсак, ўқувчи ҳам ҳақ. Чунки «Китоб» арабча сўздир. Ўзбек тилида китоб сўзининг араб тилидаги кўплик, яъни, «Кутуб» шакли олиниб «кутубхона» шакли ҳосил қилинганини тушунтирсак, баҳсга ҳожат қолдирмаган бўламиз.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, зарбулмасал ва мақолларнинг қиёсий ўрганилиши ўқитувчидан ўта билимдонликни талаб қилади. Агар ўқитувчи мактаб ва олий ўқув юртида ҳар иккала тилни ўрганган бўлса, мақолларнинг бошқа тилда муқобилини айтишда шу тилнинг ички имкониятларидан фойдаланади, бўлмаса ўзи хоҳлаганидек таржима қилаверади. Масалан, меҳнатсиз роҳат бўлмас. Эгасиз уйнинг файзи йўқ мақолларини «Бе меҳнат роҳат нест», «Хонаи бе соҳиб файз надорад», - деб таржима қилса, мақолларнинг мазмунини берган бўламиз. Мақолни таржима қилинаётган тилнинг муқобил мақоли билан бериш мақсадга мувофиқдир.

Демак, тожикзабон ўқувчиларига давлат тилини она тили билан қиёслаб ўргатиш ўқувчиларнинг нутқини ўстириш билан бир қаторда саводхонлигини ҳам ошириш имкониятини беради.

6-7-синфлар «Ўзбек тили» дастури учун мўлжалланган грамматик материалларнинг тахминий рўйхати

Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5-7-синфларида ўзбек тилидаги грамматик материалларни ўрганишдан кўзланадиган асосий мақсадларга қараб таълим мазмуни танланади. Асосий мақсадлардан бири, албатта, нутқ ўстириш. Бўлғуси мутахассислар давлат тилида ўзлари танлаган касбларида иш юрита олишлари керак. Лекин қорақалпоқ ёшлари, уларнинг ота-оналари ҳам мактабда ўзбек тилининг ўқитилишига ўз мақсадлари нуқтаи назаридан ёндашадилар. Чунончи, улар таълим ўзбек тилида олиб бориладиган олий ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кўришни истайдилар. Ана шу эҳтиёж таълим мазмунини ўзгартиришга ундайди. Биз ушбу мазмуннинг тахминий мундарижасини қуйидагича белгилашни таклиф этамиз:

6-синф.

Қуйи синфларда ўтилганларни такрорлаш: Келишик қўшимчаларининг қўлланиш хусусиятлари. Қўшма отлар ва уларнинг имлоси. Қўшма сифатлар ва уларнинг имлоси. Қўшма феъллар ва уларнинг имлоси. Қўмакчи феъллар. Сўз ясовчи қўшимчалар.

Қуйидаги грамматик терминлар лексик планда, таҳлил билан боғлиқ амалий машқлар жараёнида ўрганилади: мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар, отларнинг маъно турлари, сифатларнинг маъно турлари, сонларнинг маъно турлари, олмошларнинг маъно турлари, равишларнинг маъно турлари, боғловчиларнинг турлари, юкламаларнинг маъно турлари.

7-синф.

Қуйи синфларда ўтилганларни такрорлаш.

Феълнинг замон, шахс-сон, майл, нисбат шакллари. Ҳаракат номи, сифатдош, равишдош. Қўмакчилар.

Янги материал.

Сифатдошларнинг эгалик қўшимчалари билан қўлланиши, келишиклар билан турланиши, қўмакчилар билан ишлатилиши, талаффузи ва имлоси.

Ҳаракат номининг эгалик қўшимчалари билан қўлланиши, келишиклар билан турланиши, қўмакчилар билан ишлатилиши, талаффузи ва имлоси.

Феъл нисбатларининг қўшалок ишлатилиши, талаффузи ва имлоси.

Чама сон. Каср сон. Ҳисоб сўзлари.

Қўшма сонларнинг ёзилиши, талаффузи ва имлоси.

Модал сўзлар.

Боғловчиларнинг уюшиқ бўлақларда ва қўшма гапларда ишлатилиши. Уюшиқ бўлакли гаплар интонацияси.

Атоқли отларнинг нутқ услубларида қўлланиш хусусиятлари.

Эга ва кесимнинг сонда мослашуви.

Ҳаракат номи ва сифатдошнинг отлашуви.

Сифатдош, равишдош, ҳаракат номининг қўшма феъллар билан ифодаланиши.

Феълнинг –гиси келди, –са керак, –са бўлади (бўлмайди), –гандай бўлди, –ганича, –ганича йўқ каби шаклларда қўлланиши, талаффузи ва имлоси.

Грамматик материалларга доир таълим мазмуни шу тариқа белгиланганда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқдаги хатолар камаяди, ўзбек тилидан олган билим, ҳосил қилган кўникмалари амалий аҳамият касб этади.

Р.Толипова

**«Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири
п.ф.д.профессор**

XXI асрда тил ўқитиш методикаси истиқболлари ҳақида

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» XXI асрда таълим соҳасидаги, шу жумладан, тил ва адабиёт таълими соҳасидаги туб ислоҳатларни белгилаб берди. Ушбу дастурда бу соҳасидаги стратегик вазифа адабиёт фани орқали маънавий баркамол, ҳар томонлама етук, ўз юрти ва халқига, истиқлол ғояларига содиқ, юртимизнинг ёрқин келажagini таъминлай оладиган авлодни тарбиялашдан иборат.

Тил таълими олдига қўйилган вазифалар эса теран мушоҳадали, ўз мустақил нуқтаи назарига ва фикрига эга бўлган, ўз фикрини солда, равон ва мантиқий изчил қилиб оғзаки ва ёзма тарзда саводли ифода эта оладиган, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила оладиган, гапга чечан кадрларни етиштиришдан иборатдир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган ушбу вазифалар жаҳонда тил ўқитишнинг энг илгор бўлган коммуникатив методикасига мос бўлиб, улар жаҳон тажрибасидан, қолаверса, мустақиллик ғоялари ҳамда бозор иқтисоди талабларидан келиб чиқиб белгиланган.

Ўзбек (давлат) тили бўйича дастурлар ҳамда улар асосида яратилиб, 2001 йилдан бошлаб чоп этилаётган 2-7-синфлар дарсликлари жаҳондаги илгор бўлган коммуникатив методика ва бу методикага асос қилиб олинган аъмолий-маъновий (функционал-семантик) тамойилга асосланиб тузилган.

Бу методика ва тамойил аслида 40 йил аввал Европада голландиялик методист Ван Эйк томонидан кашф этилган бўлиб, Россияда рус тилини чет тили сифатида ўқитиш амалиётида 35 йилдан буён қўлланиб келинади.

Бу методикага кўра, тил ўқитишда асос қилиб шакл эмас, балки мазмун олинади ва муайян мазмунни ифодалаш мақсадидан келиб чиқиб, шу мазмунни ифодаловчи шакллар ўргатилади. Бунда мазмун – бу нутқий фаолият, шакл эса тилнинг ~~лексоний~~ асослари, яъни

грамматикадир.

Ўқитиш жараёнида ўқувчилар олдига нутқий вазифа қўйилади ва бу вазифани бажариш учун зарур бўлган лисоний воситалар ўргатилади. Ўқитиш натижасида ўқувчи қўйилган мақсадга мувофиқ муайян нутқий кўникмаларга эга бўлиши керак. Бу методика ўқувчида қизиқиш, (мотивация), фаоллик, ижодийлик ва мустақилликни шакллантиришга қаратилган.

Шу боис ҳам тил ўқитишда қўлланадиган коммуникатив методика ва аъмолий-маъновий тамойил «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тил таълими олдига қўйилган вазифаларга тўла-тўқис мос келади, чунки бу дастурда қўйилган вазифаларни бажариш учун ўқувчида айна шу хусусиятлар бўлиши керак.

Демак, бу методика ва тамойилни XXI асрда тил таълимининг истиқболли йўналиши сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Бу тамойил таълимда ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллигини таъминлаш туфайли ҳозирги илғор ҳисобланган интерфаол усулларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш бўйича 1999 йилда тасдиқланган дастур ва 2001 йилдан буён ҳар йили қайта нашр этилаётган 2-7-синфлар дарсликлари ҳамда бу дарсликларга ёзилган методик қўлланмалар орқали бу методика мактаб амалиётига олиб кирилди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бевосита умумтаълим мактабларига тааллуқли қисмини амалга ошириш борасида 2004 йилда яна бир муҳим ҳужжат: «Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004-2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури» қабул қилинди. Бу дастурнинг асосий йўналишларидан бири таълим мазмунини, яъни ДТС, дастур ва дарсликларни такомиллаштиришдир. Бу дастурга биноан 2004 йилда ДТС ва дастурлар 4 йилги синовлар асосида амалиётчи ўқитувчиларнинг фикр ва мулохазаларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилди ва мукаммалаштирилди. Мукаммалашган ДТС ва дастур ХТВ томонидан тасдиқланади. Бу дастурларнинг 5-синф 2004-2005 йилда, 2005-2006 ўқув йилида 6-синф қисмлари қайта синовдан ўтказилди, 2006-2007 йилда эса 7-синф дастури синовга қўйилди. Синов олдига қўйилган вазифа такомиллашган дастурни синаш, дастурни тамоман янгилаш ёки янги дастур яратишдан иборат эмас.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастур» да она тили таълими бўйича қўйилган вазифаларни бажариш учун эса, бизнингча, қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- она тили дарсларида ҳам асосий мақсад нутқий кўникмаларни шакллантиришдан иборат бўлиши керак, грамматик билимлар эгаллаш, нутқий кўникмаларни шакллантиришда асосий восита бўлиб хизмат қилиниши лозим.

Бунинг учун грамматик билимларнинг ҳозирги кундаги лисоний тизим сифатидаги тақдимотини бузмаган ҳолда, соф грамматик машқларнинг ҳисобига нутқий машқларни кўпайтириш, дарсликларда кўпроқ вазиятли,

ижодий ва фикрни мустақил равишда турли услуб ва шаклларда вариатив тарзда ифодалашга ўргатишга мўлжалланган машқларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

XXI асрда она тили ўқитиш истиқболлари ҳақидаги бу фикрлар ўқувчилардан келажақда ҳар соҳада яхши мутахассис бўлиб чиқишни таъминловчи омилдир.

Г.Турдалиева
ТВДПИ ўқитувчиси

Наврўз билан боғлиқ халқ удумларини ўрганиш

Рус гуруҳларининг «Ўзбек тили» дастурида «Наврўз билан боғлиқ халқ удумлари» мавзуси берилган бўлиб, бу русийзабон талабаларнинг шарқона урф-одатларини, миллий-маънавий қадриятларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Талабалар дарсда Наврўз, унинг тарихи ҳақида маълумот олишдан ташқари Наврўзга оид урф-одатлар билан ҳам танишадилар:

Наврўзда уй-ҳовлилар тозаланади. бугдой ундирилади, сумалак пиширилади. яхши ниятлар қилинади, янги кийим-бош тиктирилади, наврўз таомлари пиширилади. араз, гиналар унутилади, қариндош-уруғларни кига меҳмонга борилади. Наврўзда қадимдан халқ сайллари ўтказилади. Беморлар йўқланиб, уларга байрам таомлари жўнатилади.

Бу урф-одатларимизнинг ҳар бири ҳақида талабалар бемалол фикр юрита олади. Наврўзда сумалакни пишириш жараёнининг ўзи, унга қўпчиликнинг ҳурмат эътиборига эга бўлган аёлларнинг бошчилик қилиши, витаминга бой бўлган овқатларнинг Наврўзда ҳозирланиши. кўкатлардан турли хил сомсалар, гужа оши, ҳалим сингари таомларнинг тайёрланиши ҳақидаги суҳбатлар талабаларда шарқона одатларимизга бўлган ўзгача меҳрни намоён қилади.

Русийзабон талабаларни машғулотдан ташқари тadbирларга жалб этиш ҳам ўзбекона урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади.

Диний ва анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маросимлар чуқур тарбиявий аҳамиятга эгадир. Чақалоқни бешикка белаш, бешик тўйи, қиз узатиш, келин тушириш каби тadbирлар, рўза ҳайити, Қурбон ҳайити каби диний маросимларда поклик, инсонпарварлик, ҳалоллик, фарзандлик бурчларини ҳис этиш каби ахлоқий масалалар шаклланади. Демак, миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимлар замирида катта тарбиявий имкониятлар борлигини унутмаслигимиз лозим.

Матн воситасида ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстиришга доир принциплар

Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-4-синфлар ўзбек тили дарсларида матн воситасида ўқувчилар нутқини ўстириш методикасини янги педагогик технология даражасида ишлаб чиқиш тадқиқот олдида турган асосий вазифа экан, бу ишни муайян принципларга амал қилган ҳолда бажариш талаб этилади.

Ўқитувчи таълим жараёнини мақсад сари йўналтириш борасида амал қиладиган энг муҳим принципларидан бири *ўқувчиларнинг она тилидан ҳам, ўзбек тилидан ҳам олган билимлари, ҳосил қилган кўникма ва малакалари савиясини ҳисобга олишидир*. Ушбу принцип қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ўқувчиларнинг икки тиллилик муҳотида эгаллаган ўзбекча нутқи (лексик ва грамматик воситалар бойлиги, фикр баён қилиш малакалари);
- болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқида учрайдиган турғун хатолар (талаффуз ва имлога доир хатолар, сўз ва сўз шаклларини ишлаштиш, гап тузиш, матн яратиўдаги камчиликлар);
- она тили дарсларида олган билимлари ва бу билимлардан ўзбек тилини ўрганишда фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар.

Шубҳасиз, қозоқ тилида сўзловчи ўқувчилар икки тиллилик муҳотида ўзбек тилида сўзлай оладилар, сўзлаша биладилар. Лекин уларнинг нутқида қозоқча талаффуз таъсири сезилади, улар баъзан қозоқча сўзларни ўзбекча сўзлар сирасида ишлатадилар, айрим ҳолатларда ўз она тилларидаги грамматик воситаларни қўллайдилар.

Дарсларни ташкил этишда қуйидаги умумдидактик ва хусусий методик принципларга амал қилинади. Ушбу принципларнинг айримлари ҳақида фикр юритиш зарурияти мавжуд.

Матн мазмунини англаш (онглилик принципнинг амал қилиши) ундан таъсирланиш, фикр олиш ва тарбия топишдан иборат уч жиҳатнинг қуймасини ифода этади. Онглилик ана шу уч томонни бирлаштирган ҳолда амал қилади.

Фоолиятлилиқ принципи нутқ ўстиришнинг энг муҳим қондаси саналади. Ўқувчиларнинг нутқини янги лексик ва грамматик материаллар ҳисобига уларни гапиртириб бойитиш мумкин. Акс ҳолда улар оғзаки ва ёзма нутқда фаолашмай ётади.

Фооллик принципи Ўқувчиларнинг нутқий машқларни, айниқса, ёзма нутқ ўстириш билан боғлиқ ижодий машқларни малака ҳосил қилиш учун етарли миқдорда мустақилликни намоён этган ҳолда бажаришларида ўз аксини топади. Фооллик ўқувчида бирор билимни ёки кўникма ва малакани эгаллаш мақсадининг пайдо бўлиши ва шу мақсадга эришиш ниятининг юзага чиқиши билан тавсифланади.

Мунтазамлилик принципага кўра матн асосида нутқ ўстириш билан боғлиқ машқ ва топшириқлар доимий равишда маълум вақт оралиғида бажариб турилади.

Билиб беришда *изчиллик принципи* матн тузилишига доир маълумотларнинг бир-бирини тўлдириб боришида, кейинги маълумотлар олдингиларини тақозо этишида ва маълум даражада мураккаблашувида акс этади.

Якка (индивидуал) ёндашиш принципи ҳар бир ўқувчи нутқининг ўзига хослигини назарда тутишни талаб этади.

Ривожлантирувчи таълим принципи ўқувчиларнинг кун сайин ёзма нутқ малакаларини мустаҳкам эгаллаб боришида, матн яратишда борган сари тилнинг лексик ва грамматик воситаларидан унумлироқ фойдаланишда, билимлари бойиб боришида, ўз фикрини тобора аниқ, ихчам, раvon баён қила олишида ифодаланadi.

Ўзвийлик принципи матн асосида нутқ ўстириш мазмунининг дарсдан дарсга мустаҳкамланиб, янгилари ҳисобига аста-секинлик билан бойиб боришида ўз ифодасини топади.

Юқориди санаб кўрсатилган принциплар билан бирга нутқий кўникма ва малакаларни босқичма-босқич шакллантира бориш, ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш, она тили таъсирини (интерференцияни) енгиш ва бошқа шу каби принциплар қатори коммуникативликка ҳам алоҳида эътибор берилadi. Коммуникативлик сўзлаш ва ўзаро сўзлашиш пайтида суҳбатдошини назарда тутишда ўз ифодасини топади.

Г. Эргашева
Тошкент ШХТБ

Ўқувчиларнинг ўзбек тилида фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда компьютердан фойдаланиш

Ўқув педагогик жараёнларни янги педагогик технологиялар асосида амалга оширишда шубҳасиз, компьютерда дарс ўтишнинг кўпгина афзалликлари борки, улар ўқувчининг дарсга бўлган қизиқишини орттирибгина қолмай, таълим самарадорлигини оширишда, ўқувчининг компьютер билан бевосита мулоқотда бўлиш (аудио-видео дастурлардан фойдаланиш) имкониятларини оширади.

Шундай дарслардан бирини намуна сифатида келтирамыз.

Мавзу: **Янги иншоотлар.**

(7-синфда бир соатлик медео дарс)

Мақсад: Русийзабон ўқувчиларни ўзбек тилида сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш, уларда компьютер билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, тинглаган ва кўрган қурилишлар тасвирини аудио намойишларни қайта гапириб бериш, медео-дисклар ёрдамида ўзи яшлаган шаҳар билан яқиндан таниниш, ўзаро ўзбек тилида муомала-

мулоқот жараёнида иштирок этиш.

Дарс тури: Компьютер ёрдамида медеотасвирлар жойлаштирилган дискдан фойдаланиб дарсни ташкил этиш. Савол-жавоблар асосида мавзуни мустаҳкамлаш

Дарс жиҳози: Компьютер, мавзуга оид медеотасвир.

Дарсинг бориши: Мотивация «Янги иншоотлар» мавзусига оид медеодарсга тайёргарлик, мавзуга оид янгиликлар.

Ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида ахборот коммуникатив технологиялар билан бевосита мулоқотга киришишади. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан тайёрланган электрон дарс ишланмасини аудио, видео ҳолатида томоша қилишади ва мавзу юзасидан тавсия қилинган ахборотларни қабул қилишади.

Мустаҳкамлаш: Мазкур жараёнда «Ақлий хужум» интерфаол усулидан фойдаланиб, мавзу доирасида савол-жавоблар олиб борилади. Саволлар ёзилган карточкалар ёрдамида «Янги иншоотлар» мавзусида суҳбат-мунозара олиб борилади, «Кўрганингни ёдга ол» ўйин топшириқлари, «Матн яратишнинг босқичли тизими-4» модулидан фойдаланиб кичик матнлар тузиш топширигини бериш мумкин.

Дарс хулосаси: Ўқитувчи дарсинг асосий қисмини хулосалаб, шаҳримиздаги янги қурилган иншоотлар ҳақидаги медео тасвир намойиши кейин ўтказиладиган баҳслар орқали ўқувчиларнинг ўз диёрига бўлган меҳрини уйғотиш, қолаверса, компьютерда мавжуд бўлган фойдали маълумотлар билан ишлашга бўлган қизиқишини ошириш ҳамда фанни ўргатиш замирида русийзабон ўқувчиларни ўзбек тилида сўзлаша олишларига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши ҳақида тўхталади.

Демак, ўқувчининг нутқий маданиятини шакллантиришда кичик ҳажмли медеотасвирлардан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиш дарс самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Г.Эшчонова
(ТДПУ)

Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларга шеърий асарларни ўргатиш ҳақида

Шеъриятнинг бир жиҳати китобхон руҳиятига таъсир этиш бўлса, иккинчи жиҳати ҳаётнинг шунчаки эътиборсизлик туфайли назарга тушмай ётган, дарров кўзга кўринмайдиган гўзалликларини кўришга ўргатишдир.

Русийзабон ўқувчи ўзбек шоири ўз шеъри орқали қандай туйғуларни ифодалаётган бўлса, нималарни ҳис этган бўлса, шуларни ўз қалбида туя олишга, бир сўз билан айтганда, ўзбекни тушунишга ўрганиши адабий материаллар устида олиб бориладиган ишларнинг муҳим қирраси ҳисобланади.

Шеърий нутқ – жаранглаши тартибга солинган нутқ. Шеърда жарангдорлик ифодалиликнинг муҳим унсури бўлиб майдонга чиқади.

Шеърда экспрессив оҳанг бўлади. Тартибга солинганлик муайян товушлар сирасининг мунтазам такрори билан ҳосил қилинади. Бу ритми юзага чиқаради. Шеър – ритмик уюштирилган нутқ.

Шеъринг асарнинг ритмикаси таъсирчанликни юзага келтиради. Шеърдаги ритмика мусиқийликни ҳам, жарангдорликни ҳам пайдо этади. Русийзабон ўқувчи ўзбек шеърдан ўз тилида битилган шеър ритмикасини қидиради, ўқишда ҳам шунга асосланмоқчи бўлади, ўхшашликни топмагач, ҳайрон бўлади. Дарҳақиқат, ўзбек шеърдаги ритмика билан рус шеърдаги ритмик ўхшашлик қатор муайян тафовутларга эга.

Силлабик (бўгин) шеър системаси дунё халқлари, хусусан, туркий халқлар поэзиясида кенг тарқалган. Бу системада ёзилган шеърлар кучли мусиқийликка эга ва бу мусиқийлик кишига унинг эшитув сезгиси орқали эстетик таъсир этади. Бармоқ вазнлари ҳам шу системага мансубдир.

Эркин вазнда ёзилган шеърлар тоник ҳисобланади.

Ўзбек ва рус шеър системасининг силлабик хусусияти бир хил эмас. Фарқ урғули бўгинлар билан боғлиқдир. Аруз силлабикка, бармоқ вазнидаги шеър тоникка ўхшаб кетади.

Маълум бўладики, рус силлабик шеърда ритми юзага келтиришда урғули ва урғусиз бўгинларнинг мисраларда муайян тартибда келиши муҳим рол ўйнайди. Ўзбек шеърдаги бармоқ системасида эса ритм бўгинларнинг сифатига эмас, балки сонига кўра юзага келади.

Ўзбек тилида мисрадаги урғули бўгинларнинг ҳаммаси рус тилидаги каби бирдай кучли эмас, шунинг учун ўзидан кейин бир хилдаги паузаларни талаб этмайди. Русийзабон ўқувчи ўзбек шеърини ўқиганда урғули бўгинларни зарб билан айтишга, урғули бўгиндан кейин пауза қилишга мойил бўлади. Шу боис русийзабон ўқувчиларни ифодали ўқишга ўргатишда ана шу жиҳатларни ҳисобга олиш зарур бўлади.

**Г. Муҳаммаджонова, п.ф.н.,
ТШПКҚТМОИ**

Замонавий дарс

Ҳозирги кунга келиб таълим-тарбия соҳасида ривожланиб бораётган йўналишлардан бири – замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш бўлиб, уни амалга ошириш долзарб вазифалардандир.

Педагогик технология – маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат. Демак, педагогик технология инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятдан иборат.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг янги лойиҳасини ривожлантирувчи таълим тамойилларига асосланган бўлиб, ўқувчи шахсига йўналтирилиши керак. Ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган

таъсири замонавий талаблар асосида ташкил топиши лозим. Бундай жараёнда ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлаш малакалари шаклланади.

Ҳамкорликка асосланган таълимда ўқувчилар ўзаро фикр алмашадилар, муомала қилиш малакалари ошади, ҳар бир ўқувчи ўзи учун, гуруҳи учун жавоб беришга ҳаракат қилади, ўзаро ишонч пайдо бўлади; бирдамлик ва ҳамжиҳатлилик кучини, гуруҳ учун масъулиятни ҳис қилади; ҳар бир ўқувчи раҳбарлик ролинни бажариши учун имкон бериледи ҳамда ўзаро дўстона муносабат шакллана боради.

Ҳамкорликка асосланган таълимнинг беш асосий элементлари мавжуд:

1. Ижобий ўзаро боғлиқлик.
2. Масъулиятлилик.
3. “Юзма-юз ўтириш имкони”.
4. Ижтимоий малакалар.
5. Баҳолаш.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг интерфаол методларини ўқув жараёнига татбиқ қилиш кун сайин кучайиб бормоқда. Ўқитишнинг бундай фаол усуллари ўқувчиларни меҳнат қилишга, диққатини тортишга, ўз устида мустақил ишлашга, фикрлашга, изланишга чорлайди, қизиқиши ортади.

Р.Полвонова
Тошкент, Мирзо Улуғбек,
221-мактаб

Давлат тили таълимнинг тарбиявий имкониятлари

Нутқий фаолиятда ҳар бир тил ҳодисасининг ўз ўрни, вазифаси бор. Ўқувчилар тил имкониятидан вазифасига қараб фойдаланиш малакасига эга бўлишлари, ўз фикрини аниқ ифодалашга, зарур бўлган сўз ва гап шакллари, ибора ва тасвирий ифодаларни танлай ва қўлай билишлари давр талабидир. Бунинг учун ўзбек тили ўқитувчиси ўз ихтисослигини пухта билиши, илғор педагогик технология ҳамда замонавий ўқув-техник воситалардан яхши хабардор бўлиши лозим. Шундагина таълим самараси ҳам, ўқитиш даражаси ҳам юқори бўлади.

Ўзбек тилидан дарс берувчи ўқитувчи ҳақиқий ижодкор бўлиши, таълим жараёнида ўқувчининг мавзуни тинглаш, англаш, эркин ва мустақил фикрлаш, қисқаш, фарқлаш, алоҳидликларга ажратиш ва тасниф қилишга йўналтирилган фаолиятини рағбатлантириш, ўз фикри, ғояларини ўзгаларга етказа билиш кўникма ва малакаларининг шакллинишини назорат қилиши, бошқариши даркор.

Шунингдек, у ёшларнинг ахлоқий-маънавий тарбияси билан шуғулланиши, уларга шарқона мулоқат одоби, миллий анъаналаримизга ҳурмат, она - Ватанга муҳаббат туйғуси каби зарурий хислатларни сингдира билиши лозим.

Ўқув машғулотларини янги замонавий шакл ва усулларда ташкил қилиш, ўқувчиларни дарс жараёнида мақсадли бошқара олиш аини кунда ўқитувчилик фаолиятининг бош мезони деб қаралмоқда.

Жаҳонга юз тутаётган, дунё таниётган, мамлакатимиз ифодаси бўлган тилимизда сўзлашувчи ҳар бир юртимиз фуқаросининг (оғзаки ва ёзма) нутқи гўзал, раво, сермаъно бўлиши биз ўзбек тили ўқитувчиларининг олдида турган долзарб вазифадир.

Махсус таълим

Р.Шомаҳмудова
(РТМ)

Ёрдамчи мактабда она тили дарслари самарадорлигини ошириш усуллари

Ёрдамчи мактабнинг асосий вазифаси ақли заиф болаларни касб-ҳунарга ўргатиш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашдан иборат. Бу турдаги махсус мактабларнинг ўз вазифаларини амалга оширишида она тили дарсларининг аҳамияти асосий ўринда туради. Ёрдамчи мактабда она тили дарслари ақли заиф болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва таълим олиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Ёрдамчи мактабда ўқувчилари билиш жараёнларининг кечикиб ривожланиши ёки бўлиши сабабли кўпинча 50% ида иккиламчи нуқсон сифатида оғзаки ва ёзма нутқ нуқсонлари кузатилади. Шу боис ўқув йилининг бошида она тили дарсини ўтишдан олдин, дастлаб ўқувчиларнинг ақлий ва нутқий ривожланиш даражасини изчил ўрганиш талаб этилади. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиси психолого-тиббий-педагогик комиссия хужжатлари ва логопеднинг нутқини текшириш хулосаси батафсил ўрганиб чиқилиб, биргаликда она тили ва логопедик машғулот режасини узвий боғлаб дарс режасини тузиши лозим. Она тили дарсларида коррекцион Давлат таълим талаблари асосида ўқувчилар билиши керак бўлган билим, малака ва кўникмалар берилган. Ўқитувчи ўз режа ва дарс ишланмаларини тайёрлашда Коррекцион таълим давлат талабларини боланинг қобилиятини, имконияти ва нутқининг қанчалик ривожланганлигини аниқлаб, уларга дифференциал ва индивидуал ёндашиб вариатив усулда ва янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда мавзунини ўтиши тавсия этилади. Чунки синфда 14-16 та ўқувчи бўлса уларнинг билиш қобилияти ва қўйилган ташхиси бир хил эмас, уларда манتيқий фикрлаш жуда орқанда бўлади. Ушбу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда дастурда берилган мавзуларнинг талабларини ўқувчиларнинг имкониятига кўра табақалаштириб ўқув материалларини бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ёрдамчи мактабларда она тили дарсларининг самарадорлиги оширишда логопедик ишнинг мақсадга мувофиқлигига ҳам боғлиқ. Она тили

дарсларини кузатишимиз шуни кўрсатдики, ўқувчилар мавзуга оид машқларни ёзма равишда бажариши ёки оғзаки ўқишида, гапларни тузишда товуш ва ҳарфларни қолдириб кетиши, бир-бири билан алмаштириб ёзиш ҳоллари учрайди. Шунингдек, сирғалувчи, сонор, шовқинли товушларни нотўғри талаффуз қилиш, матнни оғзаки ўқиш жараёнида ҳам гапларда сўзларни, товушларни, бўғинларни тушириб қолдириш, ўрини алмаштириш, ортиқча товуш ёки бўғин қўшиб ўқиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бундай камчиликларнинг олтини олиш ва тузатишда мактаб логопеди ва она тили ўқитувчисининг ҳамкорликдаги иши асосий ўринда туради.

XXI аср ахборот технологиялари асри. Шундай экан, она тили дарсларини янги ахборот технологиялари асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам боланинг қандай ривожланиши даражаси эга бўлишидан қатъий назар она тили дарсларини ўқитиш жараёнида янги ахборот ва иновацион технологиялардан фойдаланиш асосидагина юқори натижаларга эришиш мумкин. Ёрдамчи мактабда она тили дарсларида билимларни янги ахборот ва педагогик технологиялар асосида бериб бориш ўқитувчи фаолиятини енгиллаштиради, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини осонлаштиради. Она тили дарсларининг Коррекцион таълим давлат талабларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши ақли заиф болалардаги мавжуд нуқсонни юқори натижали коррекциялашга, иккиламчи нуқсонларнинг олдини олишга, ижтимоий жамиятга эрта ва тўлақонли интеграциялашувига олиб келади. Зеро, ёрдамчи мактабда XXI аср она тили дарсларининг мақсади ақли заиф болаларни жамиятга тўлақонли интеграциялаш ва мослаштиришдан иборатдир.

Л.Р.Мўминова
ТДПУ

Махсус педагогика фани XXI асрда

Махсус педагогика фани соҳалари мустақил фан бўлиб, унинг мақсади, вазифалари нуқсонли бор жамият аъзоларини мунтазам равишда, махсус ташкил этилган шароитда ўқитиш, тарбиялаш ва коррекциялаш орқали уларда назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни ҳамда миллий мафкура меъёрларини шакллантиришдан иборат.

Ногирон болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари халқ таълими тизимида жиддий ўрин эгаллайди. Коррекциявий тарбия, даволаш ва ижтимоий-мослашув ҳамда реабилитация ишларининг ташкил қилиниши шарофати туфайли бундай шахслар ижтимоий фойдали меҳнатнинг фаол қатнашчиларига айланадилар, улар бунинг натижасида ижтимоий эътиборсиз қолдирилмайди. Ўзбекистонда ривожланишда орқада қолган болалар учун махсус муассасалар тизимининг кенгайтилиши ва табақалашуви махсус мактабларни юқори малакали ўқитувчи-дефектологлар билан:

таълимий заруриятларни келтириб чиқаради. Халқ таълими тизимида қадим-бақадим махсус мактаблар тармоғини кенгайтириб, ногиронлар ва ривожланишда четда қолаётган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича қатор илмий – педагогик муассасалари яратилди.

Махсус педагогика фанлари: логопедия, сурдопедагогика, олигофренопедагогика соҳаларининг ривожига ХХI асрида дефектолог – одиллар ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Замонавий дефектолог умумназарий ва махсус ихтисосли билимлар тизимини эгаллаган бўлиши керак. Бу билимларнинг мазмунини ва қўлама кенглиги унда нуқсонли ривожланган болага махсус таълим-тарбия, тузувчи-ривожлантирувчи тамойилларни қўллаш, амалиётга мослаштириш ва ҳар томонлама жамиятга керакли, фойдали инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Нуқсонли болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва уларнинг ривожланиши кечикиш, руҳий-педагогик хусусиятларини чуқур ўрганиш ва уларни тузутиш, бартараф этишда дефектолог шахси биринчи даражали аҳамият касб этади. У қуйидаги асосий сифатларни ўзида намоён этади: ногирон болаларни севиш, ғамхўрлик қилиш, касбига қизиқиш; самимийлик, инсонпарварлик, камтарлик, маданиятлилик, сўзда ва амалда қатъиятлилиги ва изчиллик, ватанпарварлик, миллий мафкурага эга бўлиш эъ қабилар.

Махсус педагогика назарияси ҳар бир жамиятда шахс шаклланиши, ривожланиши ва камол топишида биологик ва ижтимоий омиллар ўзаро боғлиқлигини кўзда тутади. Ҳар бир бола туғилишида маълум ирсий захираларга эга бўлади. Бола ўз аجدодларидан кўпгина биологик белгиларни генетик йўл билан қабул қилиб олади, ҳатто айрим касалликлар насл билан ўтиши мумкин. Биологик омиллар шахс жисмоний ривожига ҳам таъсир кўрсатади. Унинг келгуси камолотида ижтимоий омиллар ҳам тобора сезиларли ўрин эгаллаб боради.

Хулоса қилиб айтганда, махсус педагогика таълимнинг мазмунини қайта кўриб чиқишда марказий ўринда нуқсонли болага таълим мазмунини эмас, балки шу таълим орқали уни шахс сифатида шакллантириш ва камол топтириш:

1. Махсус педагогика фани соҳалари бугунги кунда муҳим ва миллий ривожланиш босқичида турибди. Шунинг учун махсус педагогика фанини умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан тадқиқ этиш лозим эканлигини таъкидлайди.

2. Махсус педагогика фани соҳаларини ўрганишга ҳар бир талаба бу фаннинг ўзига хос атамалари, ривожланиш йўналишлари, тамойиллари, мақсади, вазифалари, усуллари, ҳозирги аҳволи ва истиқболи хусусида тасаввурга эга бўлиши керак.

3. Бу таълимотлар, қарашлар бўлажак дефектологларни нуқсонли болаларни ҳаётга туғилиш сабабларини ва бу сабабларнинг биологик ва ижтимоий омиллар билан мувофиқлиги вояси билан қуроллантиради.

Махсус педагогика фанининг ХХI аср истиқболини аниқлашда қуйидаги

масалаларни ҳал этишни жоиз деб ҳисоблаймиз:

- махсус педагогика фанини ўқитишда Шарқ мутафаккирлари ижодий меросини ва махсус педагогикага оид қарашларини чуқур ўрганиш ва фанга илмий-назарий асос сифатида татбиқ этиш;

- махсус педагогика тармоқларида унинг таълим-тарбия, мазмун, усуллар ва шакллар каби йўналишларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;

- махсус педагогика ва умумий педагогика назарияси ҳамда амалиёти асосида мужассамлаштирилган интеграцион таълим мазмунини, илмий-услубий асосларини, усул ва шаклларини ишлаб чиқиш;

- махсус педагогика фан тармоқлари сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедия объектлари бўлмиш психофизик ривожланиши орқада қолган болаларни ижтимоий-педагогик –психологик абилитация ва реабилитация қилиш масалаларини ёритиб бориш.

З.М.Аҳмедова

ТДПУ

О.Ёдгорова

3-курс талабаси

Бошланғич синф ўқувчиларини тўғри сўзлашувга ўргатиш йўллари

Мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларда логопунктлар ташкил этилган. Логопунктларнинг асосий вазифалари болаларда мавжуд бўлган нутқ камчиликларини бартараф этишдан иборат. Нутқнинг нормал ривожланиши болаларда 4 ёшга келиб тўлиқ шаклланади. Бу ёшдаги болалар етарли даражада луғат бойлигига эга бўлади. Болаларда товушларни тўғри талаффуз этиш тўла шаклланган бўлади. Боланинг нормал нутқ ривожланиши, унда билимнинг ўсишига теварак-атроф ҳақидаги тасаввурга эга бўлишига имкон яратади. Нутқнинг ривожланиши тафаккурнинг шаклланиши билан узвий боғлиқдир.

Тўғри ёзувга ўргатишда яхши эшитиш, тўғри ўқиш, ёзув қоидаларини яхши ўзлаштиришдан ташқари, қўлнинг ҳаракатчанлиги катта аҳамиятга эга. Шунинг учун сўзларни ёзганда, қўлни узмасдан, алоҳида харфлаб эмас, бутун сўзни ҳеч бўлмаганда бўғинлаб ёзишга ўргатиш керак. Кўрув ўқуви билан қўлнинг ҳаракатчанлигини бирга қўшиб олиб бориш сўзнинг график тасвирини яхши эсда сақлашга ёрдам беради.

Орфографик малакаларини шакллантиришда ўқувчиларнинг тўғри эшитиш ва аниқ талаффуз этиш қобилиятларини ўстиришга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Ўқувчиларда тўғри ёзув малакаларини ҳосил қилиш учун қуйидаги иш тизими олиб борилади:

1. Ёзилиши зарур бўлган ибора, сўз, гап, матннинг маъносини

тушунтириш. Сўз маъносини тушунмаган ўқувчи бутун гапни ёзишда хатога йўл қўяди. Шунинг учун матндаги сўз ва гапнинг маъносини тушунтириш зарур;

2. Сўз, унинг талаффузи ва ёзилишига, шунингдек, грамматик формага нисбатан эътибор билан муносабатда бўлиши, ёзилганларни ингли ўзлаштириш ва ёдда сақлаш, йўл қўйилган хатолар устида фаол ишлаш;

3. Ўрганилган маттни пухта ўзлаштириш, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш учун сўз ва гапларни таҳлил қилиш;

4. Сўзни товуш – ҳарф томонидан таҳлил қилиш, боғланган нутқ устида ишлаш;

5. Сақланган анализаторларга асосланиб, товушларнинг тўғри артикуляциясини аниқлаш, ҳамда уларни нутқда мустаҳкамлаш (бўгинларда, сўзларда, гапларда);

6. Эшитиш диққати, эшитиш хотирасини ривожлантириш, ҳамда товушларни тўғри талаффуз этиш асосида фонематик қабул қилишни ривожлантириш;

7. Мактабдаги таълим жараёнида сўзларнинг ёзилиши луғавий орфографик машқлар асосида ўрганилади. Бундай машқлар орқали икки ва ундан ортиқ мураккаб сўзларнинг ёзилиши ўрганилади;

8. Ўқувчилар диққатини фаоллаштириш мақсадида тарқатма материаллардан фойдаланилади. Тарқатма материаллардан фойдаланиш ўрганилаётган билимни қай даражада ўзлаштирилганини аниқлашга ёрдам беради;

9. Ўқувчиларда майда қўл моторикаси ҳаракатини ривожлантириш мақсадида қуйидаги машқлардан фойдаланиш мумкин: гугурт чўпи билан турли геометрик шаклларни ясаш; аралаштирилган гуруч ва нўхатни ажратиш ва ҳ.

Ўқувчиларда ёзма нутқдаги камчиликлар логопедик машғулотларда бартараф этиб борилади.

Ш.Болтаева
Тошкент, Чилонзор
475-маҳсул ММТМ логопеди

Тил – қиличдан ўткир

Болани ёшлигиданоқ тўғри фикрлашга ўргатиш, ғоясиз, фикрсиз бўлишдан эҳтиёт қилиш, жамиятга ҳурматда бўлиш руҳида тарбиялаш зарур. Болани маънавий ва жисмоний баркамол инсон бўлиб етишиши учун педогогик омилларни, яъни тарбиянинг мактабгача таълим жараёнига алоҳида эътибор берилиши талаб қилинади.

Оила ва боғчадаги таълимнинг узлуксизлиги болани нафақат жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантиради, балки унинг маънавий шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тажрибадан ҳулоса шуки, она сути бола учун ҳаёт манбаи бўлса, тана ҳарорати руҳий ва маънавий озуқади.

Нутқнинг психофизик механизмлари жуда мураккабдир. Ўз вазифасига кўра ички ва ташқи нутқ фарқланади.

Ички нутқ орқали фикрлар бошқа одамларга маълум қилинишидан олдин мияда уйланади. Ташқи нутқ эса атрофдагилар билан алоқа қилишнинг муҳим воситасидир. Оғзаки нутқ орқали эса тўғридан-тўғри мулоқот қилинади. Ҳар бир усулларимиз кичик мактабгача ёшдаги болаларда бевосита бир пайтда оғзаки нутқи орқали бажарилади.

Мактабгача таълим муассасаларида интеллектуал ақлий тарбия ва жамият ҳаётидаги энг оддий воқеалар ҳақида тўғри тасаввур таркиб топтиришга, уларнинг туйғу ва идрокларини такомиллаштиришга, диққат, хотира, тафаккур ва нутқларини ўстиришга қаратилгандир. Педагог болаларнинг осон англаб оладиган материалларидан фойдаланиб, уларда интеллектуал(ақлий) малака ва кўникмалар таркиб топтиради.

Х.М.Пулатова ТДПУ
О.Ёдгорова 3-курс талабаси

Мактабгача ёшдаги болалар нутқ фаолиятини ривожлантириш усуллари

Педагогикада фаоллик деганда умумий ва ижтимоий ақлий, ижтимоий фойдали, ахлоқий-эстетик каби хусусиятлар тушунилади ва шахс фаолияти жараёнида юзага чиқади.

Фаолият мотивларига шахснинг мақсадлари, дунёқараши, эътиқоди, қизиқишлари, эҳтиёжлари, майллари, шунингдек, кўникма, малака ва одатлари киради.

Ана шу онгли фаолиятнинг асосида ётган руҳий жараёнларни тадқиқ қилиш натижасида янги илмий йўналиш фаолият назарияси юзага келган. Тил воситасида амалга ошириладиган нутқ фаолиятининг асосий мақсади, турли вазиятларда одамлар ўртасида юзага келадиган мулоқотни таъминлашдир.

Ҳозирги замон психология фанида эса шахс фаолияти қуйидаги белгилар асосида тасниф қилинади: объектга эътибор, онглилик ва эркинлик даражаси, мустақиллик, ижодийликнинг мавжудлиги кабилар.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган махсус нутқ боғчалари болаларнинг мулоқот вазиятларининг даражалари:

1. Катталар ва тенгдошлари билан мустақил мулоқотга кира оладиган болалар 25,53 % ни ташкил этди. Бундай болалар атрофдагилар билан яхши алоқа боғласа ҳам, уларнинг вазиятдаги нутқи агроматик (луғат бойлигининг чегараланганлиги) бўлади. Уларда режалаштириш нутқининг содда элементар шакллари кузатилади.

2. Катталарнинг фаол ёрлами билан мулоқотга кира оладиган болалар – 8,94

% ни ташкил этди. Вазиятга қараб атрофдагилар билан мулоқотда бўлиш чегараланган, нутқи агроматик, конкрет вазият билан боғланган ва айрим жумлаларни охирига етказмайди.

3. Атрофдагиларга, суҳбатдошларига салбий муносабатда бўлган болалар 23,40 % ни ташкил этган. Уларнинг атрофдагилар билан мулоқотда бўлиши кескин чегараланган. Атрофдагилар билан мулоқатга киришишни ҳохламайдилар. Фақатгина кундалик ҳаётда ишлатиладиган бир нечта сўзларни ҳам бузиб гапирдилар. Берилган саволларга бир хилдаги жавобларни қайтарадиган, баъзан эса умуман мулоқотдан воз кечган болалар 2,12 % ни ташкил этган.

Шундай қилиб, нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар учун коллективда фаол мулоқот этиш қобилиятининг ривожланмаганлигини аниқладик. 3-даражали нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқий фаолиятини фаоллаштиришда коррекцион-логопедик ишлар тизими таълимий тажриба жараёнида 3-даражали нутқи тўлиқ ривожланмаган 30 та бола иштирокида ўтказилди.

3-даражали нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг нутқий фаоллигини оширишга доир экспериментал таълимни режалашда биз логопедик машғулотлар жараёнида босқичма-босқич бола нутқига киритдик, шаклантирдик ва фаоллаштирдик. Бунда, айниқса, амалий ишга доир мулоқот вазиятдан ташқари билиш қобилиятини фаоллаштириш ишига катта аҳамият берилди. Мулоқотга интилишни ошириш асосида нутқнинг коммуникатив вазифасини кўтариш йўллари белгиланди.

Х.Ж.Калбаева
ТДПУ катта ўқитувчиси

Эшитишда нуқсони бўлган тайёрлов синф ўқувчиларининг нутқини ўстириш йўллари

Маълумки, эшитиш қобилиятининг бузилиши оқибатида эшитмайдиган болалар махсус ўқитилмаса, уларнинг мустақил нутқи ривожланмайди, она тилини ўзлаштиришда жиддий қийинчиликларга дуч келадилар. Махсус мактаб олдида она тилини ўқитиш борасида эшитишда нуқсони бўлган болаларга ўз фикрларини, истаklarини баён этишга, шунингдек, бажарган ишлари, ҳаётидаги воқеа ва ҳодисалар, идрок этилган ҳикоялари, ўртоқлари билан бўлган муносабатлари, ўйнаган ўйинлари тўғрисида боғланишли нутқ воситасида ифодалашга ўргатиш каби муҳим вазифалар туради.

Оғзаки нутқни идрок этиш ва нутқ воситасида мулоқот қилиш эшитиш қобилияти пасайган болалар учун маълум қийинчиликларни туғдиради, шу боис дастлабки мулоқот воситасида дактил нутқ, ёзувли карточкалардан фойдаланилади. Тайёрлов синфда она тили фани соатлари дактил нутқ, оғзаки нутқ, саводга ўргатиш дарсларидан ташкил топади. Дактил нутқ ва

нутқ ўстириш бобида ўқувчиларнинг сўзлашув ва монологик нутқ турларини ривожлантириш назарда тутилади.

Дастурга мувофиқ эшитишда нуқсонли бўлган ўқувчиларда қуйидаги билим ва малакалар шакллантирилиши керак:

- оғзаки нутқни тушуниш, топшириқларни бажариш, ўз фикрини нутқ воситасида баён этиш;

- ўқитувчининг топшириғига биноан ва мустақил равишда ўртоқларига ва катталарга муурожаат этиш;

- саволларга жавоб бериш;

- бажарилган ва бажариладиган ишлар тўғрисида ҳабар бериш;

- диалогда қатнашиш;

Богланишли (оғзаки ва ёзма)нутқни ривожлантириш борасида:

- ҳаётидаги воқеалар ва ҳодисалар ҳақида баён этиш;

- хат ёзиш;

- предметни таърифлаш;

- расмлар асосида ҳикоялар тузиш;

- берилган мавзу бўйича ҳикоя тузиш.

Ўқитиш жараёнининг самарали ташкил этилишини таъминлаш учун ўқувчиларнинг эшитиш қобилиятининг пасайиш даражаси, нутқий ҳолати, интеллектуал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш дарсларда фаолият турларини алмаштириб туриш, қизиқишларини, билиш фаолиятини, мустақиллик ва фаолликни ривожлантирувчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш талаб этилади.

А.Каримова

Сурхондарё в. махсус мактаб

Меҳнат таълими мактабида ўқиш дарслари мазмунини такомиллаштириш йўллари

Ёрдамчи меҳнат таълими мактабида ўқиш дарсларида таълимий, тарбиявий ҳамда коррекцион ишлар амалга оширилади. Ўқиш дарсларининг таълимий вазифаси қуйидагилардан иборат: болалар нутқини ўстириш, энгли, тўғри, тез, ифодали ўқишга ўргатиш; овоз билан ва овозсиз(ичда) ўқишга ўргатиш; ўқилган матн мазмунини аввал ўқитувчининг ёрдами билан, расмлар асосида сўнгра мустақил баён этишга ўргатиш. Матн мазмунини тўлиқ идрок этиш, баён қилиш, уни қисмларга, сарлавҳаларга бўлиш, сарлавҳаларни номлаш, режа тузиш, режа асосида матн мазмунини изчиллик билан ўз сўзлари билан гапириб бериш, ўзбек ва чет эл адабиёти билан таништириш, асар қаҳрамонларини билиш, салбий ва ижобий образларни ажрата олиш. Асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатини ифодаловчи мисолларни асар матни ичидан топиб ўқиш, қаҳрамонларга нисбатан ўз муносабатини ифодалай олиш, асар қаҳрамонларига содда характеристика, таснифномалар тузиш, шеърый асарларни ёд олиш. Ҳ.

бошқалар.

Ёрдамчи мактабда ўқиш дарсларида таълимий ва тарбиявий ишлар билан бир қаторда коррекцион ишлар ҳам кенг тарзда амалга оширилади. Бу ишлар ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги камчиликларни тузатиш, бартараф этиш, камайтиришдан иборат.

Демак махсус муассасаларда ўқиш дарсларининг коррекцион вазифаси боланинг жисмоний ва руҳий ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш, бартараф этиш, кўзга кўринмайдиган даражагача юмшатиш.

Ақли заиф ўқувчиларнинг билиш фаолияти ўзгача бўлса-да, унинг потенциал имконияти баланд. Тўғри ташкил этилган коррекцион ривожлантирувчи таълим тарбия жараёнида ёрдамчи мактаб ўқувчиларига мустақил ҳаётда зарур бўлган хажмдаги билим, кўникма ва малакаларни ўргатиш мумкин. Махсус шароитда ва махсус усуллар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари орқали дебил болаларнинг билиш фаолиятидаги камчиликлари бартараф этилади, психофизиологик ва жисмоний ривожланишидаги камчиликлари коррекцияланади.

Ф.Музаффарова
РТМ

“Она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ривожлантириш имкониятлари

Ўқитувчи “Она тили” ни ўқитишда ўқувчиларга бериладиган билим, кўникма ва самарадорлик даражасини ошириш билан бирга, биринчи навбатда, оғзаки нутқини ўстиришга эътиборни қаратади. Бунда қуйидаги самарали усулларни ишга солиши мумкин.

• Нутқ вазиятини юзага келтириш. Ўқитувчи дарсда муайян бир нутқий вазиятни юзага келириб, ўқувчиларни бу жараёнга жалб этади. Масалан, танаффусда, ноанъанавий дарс жараёнида, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги савол-жавобда нутқий ҳолат юзага келтирилиб, шу асосда ўқувчиларни гапиртириш, оғзаки нутқини ривожлантиришда ушбу усул муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

• Расм устида ишлаш. Маълумки, расм ўқувчилар нутқини ривожлантиришда муҳим воситадар. Она тили дарслари жараёнида машқларга оид, ўқувчилар эътиборини ўзига тортадиган рангли расмларни қўллаш, расм асосида суҳбат матни тузиш, битта расмга бир неча сарлавҳа топиш. Берилган таянч сўзлардан фойдаланган ҳолда оғзаки ҳикоя тузиш, турли расм асосида тарқатма материаллар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

• Таассурот асосида кичик оғзаки ҳикоялар тузиш. Ўқувчиларни теварак-атроф, табиат ва ҳаётда бўлаётган воқеаларни доимий равишда кузатиб боришга, шу йўл билан оғзаки ҳикоя тузишга ўргатиб борилади. Олдинги дарсда, байрамда ёки сайр вақтида кўрган-кечирганлари юзасидан таассуротлар ўқувчиларнинг оғзаки ҳикоя тузиши учун бой материал бўлиб хизмат қилади.

• Сухбат. Мактаб ўқувчиларининг нутқини ўстиришда осон ва фойдали усулларида бири сухбатдир. Сухбат орқали ўқувчи гапиришга ўрганади, фикрини жамлаб, эшитувчига етказа олади. Ақли заиф ўқувчининг оғзаки нутқи жуда камбағал, жумлалари содда, йиғиқ гаплардан иборат бўлади.

Нутқ ўстиришга қаратилган иш усуллари келгусида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, гап тузиш масалаларини ҳосил қилиш, иш қозғоғларидан тўғри фойдаланиш, мустақил равишда матнлар тузишга имкон яратади.

3. Мамаражабова ТДПУ

«Ширин» ва «аччиқ» сўзларининг услубий хусусиятларини заиф эшитувчи болаларга ўргатишнинг аҳамияти

Ширин лексемаси аҳиллик, тотувлик, фаровонлик каби коннотатив маънони ифода этиши мумкин: *Бу кимнингдир ширин ҳаёти, ҳайрон, мағлуб бу коинот* (Р.Л.). Ширин сўзи аччиқ антоними билан шеърин матннинг экспрессив-эмоционалликни кучайтиришда қўлланилади: *Сендан қолган ширин хотира*. Ширин сўзи ҳаракат маъносини англатиб, одамга хуш келадиган, ёқадиган ҳаракат белгиси маъносини билдиради: *Бунақада одамни ширин қилиб юборасиз-ку*. Ширин сифатининг аслида тотли таъмга эга бўлмаган предмет белгисини ифодалаш орқали сўзловчининг субъектив муносабатини билдиради. Қуйидаги мисраларда ширин лексемаси оксиморон санхатини юзага келтирган: *Олис, совуқ ортда, қандай кечаётир ҳаётинг. Мени ширин оғу лаззати қийнар* (А.О.).

Ширин сўзининг антоними аччиқ лексемаси мазаси ўткир, оғизни ачитадиган, ачиштирдиган белги маъносини англатади: *Бу ишга тухта ҳозирлик кўриб, аччиқ данак ўрик шохига арқон ташлади* (Н.Н.).

Нордон, тишни қамаштирадиган белги маъносини англатиши мумкин: *Бозордаги олмаларнинг кўпи аччиқ, нордон, олишга ҳам одам кўрқади* (С.А.).

Жонли сўзлашув нутқида аччиқ лексемаси қуйидаги жуфтликлар таркибида келиб хилма-хил коннотатив маъноларни ифодалайди: хусусан, сабзавотлардан (помидор, бодринг, пиёз) тайёрланган таом аччиқ-чучук деб номланади.

Бир-бирдан қаттиқ хафалашган субъект муносабати аччиқ араз ибораси орқали салбий маъно англатади. Аччиқ ибораси «бирор-бир мавзуда узоқ гапириш, бетўхтов бир мавзунини такрорлаш» маъносини билдиради: *Гапни аччиқ ичадай чўздинг-да, ука*.

Аччиқ сўзи семантик маъносидаги спецификликка кўра, муайян маъноли сўзлар иштирокида қўлланилиб, «қақшатгич» сифатига хос маъноларни билдиради: *Ризқу рўз дардида сен уча-уча кўрмадинг кимдандир бу аччиқ фириб* (Г.Н.). Аччиқ сўзи «азоб берувчи!», «огриқ уйғувчи»

маъносини ифода этади: *Нетай қафаслиман, аччиқ қафасли, тўрт мучам соғу, тўрт мучамда доғ* (А.Қ.). Жуфтлашиб келган «аччиқ» сўзи «қарама-қарши», «атайин» маъноларида қўлланилади: *Аччиқ тиконларга хўракман, уйман, чирмаб ўраб олган, қўймайди айлаб, қошингизга борай дейману, аммо қошингизга ўраб олган чийлар...* (А.Қ.).

Р.Жуманиёзов
Хоразм, ВХТПХҚТМОИ проректори

Махсус таълим тизимида ўқувчилар нутқини ўстириш амиллари

Махсус таълимдаги педагогик жараёни соғломлаштириш асосий вазифаларимиздан биридир. Ҳозирги кунда компенсациялашган таълим дастурлари ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда ҳукуратимиз олдида қўйган мақсад-вазифаларни ижобий ҳал этишда ўқитувчи ва мураббий асосий иштирокчидир.

“Талаффузга ўргатиш ва ривожлантириш” фани фақат сурдопедагог ўқитувчилар томонидан олиб борилиши шарт, чунки бу фан бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятга эга, олдида қўйилган мақсад ва вазифалар, дарсни амалга ошириш услублари бошқача.

Таснифни билиш ўқитувчига болалар билан ишлаш, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва таълимни тўғри ташкил этиш учун заминдир. Эшитишда нуқсон бор ўқувчилар билан олиб бориладиган дарслар тайёрлов 0-синфдан 10-синфгача бўлган даврда махсус дастур ва қайдлар асосида амалга оширилади.

Бу дарслар икки бўлимдан иборат:

-Ўқувчиларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш;

-Ўқувчининг мавжуд қолдиқ эшитиши қобилиятини ривожлантириш;

Тилни ёдлаб бўлмайдди, уни ҳар тамонлама ўрганиш лозим. Шунинг учун турли хил тилга ўргатиш махсус жараёнларни боланинг кундалик ҳаётига яқинлаштириш керак. Бунда нутқий муҳит яратилиб, бола турли хил фаолиятда мос сўзлардан фойдаланиши, ўз хоҳиш ва илтимосларини нутқ орқали билдириши керак. Дастлаб нутқни ривожлантириш кундалик фаолият шароитида олиб борилади.

Нутқни ривожлантирувчи дидактик ўйинларга алоҳида эътибор қаратилади. Берилган ўйинлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

-Луғат бойлигини шакллантириш, сўз ва ибораларнинг маъноси устида ишлаш, турли нутқ фаолиятларида луғатни фаоллаштириш;

-Нутқнинг турли шакллари ривожлантириш: оғзаки, ёзма, дактил;

-Боғланишли нутқни ўстириш.

Нутқ ўстириш жараёнида дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда турли ўйинлардан фойдаланиш яхши самара беради. Ўқитувчи битта ўйинга ҳар хил вазифалар қўйиши мумкин. Боланинг луғатини бойитиш, яхлит ўқитишга

ўргатиш, саволни тушуниш ва унга жавоб беришга ўргатиш.

Кар болалар билан ўйинлар олиб бориш давомида оғзаки ва ёзма нутқ билан бир қаторда, оғзаки-дактил нутқдан ҳам фойдаланилади. Масалан: "Поезд ўйини», "Буюмни таърифлаб бер" каби ўйинларни ўтказиш яхши самара беради.

Д.Назарова
А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ

Эшитишида муаммоси бўлган болалар дунёни тилини ўрганиш орқали кашф этадилар

Мактабгача ва илк мактаб ёшидаги эшитишида муаммолари бўлган болалар таълимини амалга оширишда оиладаги тарбиянинг муҳим аҳамият касб этиши, бундай тоифа болаларини барча шароитлар мавжуд таълим муассасасига жойлаш билан кифояланиб бўлмаслигини таъкидлашимиз лозим.

Уй шароити бола луғат бойлигининг кенгайиши, сўзлашув нутқи, талаффуз ҳамда эшитиш малакаларининг шаклланиши, билим ва тушунчаларнинг ривожланиши учун турли-туман табиий ҳолатларни юзага келтиради.

Болалар қуриш – яшаш фаолиятларининг катта ёшдаги кишилар тасвирий санъат ҳамда техник-қуриш–яшаш фаолиятлари билан яқин, ўхшаш ҳамда умумий томонларини кузатамиз. Агар катта ёшдаги кишиларнинг расм ва қуриш – яшаш фаолиятлари ижтимоий ҳаётдаги бунёдкорлик , яратувчанликка хизмат қилса, болалардаги ушбу фаолият ўйнайдиган ўйинлари жараёнида зарур бўлган буюмларни яратиш, кўрганларини чиройли ҳолда акс эттиришга уринишларини назарда тутати.

Расм, қуриш-яшаш фаолияти ёрдамида болада эстетик туйғу, ижодий тасаввур, нарса ва буюмлар, табиат ҳодисаларини таққослаш, сенсор хусусиятлар тўғрисида тушунчалар тарбияланади, сўзлашув нутқи ўсади. Бу вазифалар ўйинлар, қуриш–яшаш, расм, қирқиб ёпиштириш бўйича уюштирилувчи машғулотларни ўтказиш жараёнида амалга оширилади.

Болаларни тасвирий санъат, қуриш-яшашга бўлган қизиқишларини шакллантириб бориш режали равишда олиб борилиши муҳим ҳисобланади. Расм солиш, елимлаш, лойдан буюм яшаш, қуриш-яшаш машғулотларида дастлаб бола ўз фаолиятини катталарнинг ёрдамида, кейинчалик уларга тақлид қилган ҳолда, сўнгра уларнинг кўрсатма (топшириқ)ларига кўра, предметларга қараб ва ниҳоят, мустақил равишда бажаришига босқичма-босқич эришиб борилиши керак.

**Ақли заиф болаларни она тилига ўргатишда истиқболли ишларнинг
мазмуни**

Нутқ мураккаб руҳий фаолиятдир. У руҳий жараёнларнинг таркиб топишига ва боланинг умуман баркамол бўлиб ўсишига катта таъсир кўрсатади. Нутқ эшитув органлари воситаси билан идрок этишга асосланган бўлиб, атрофдагиларга тақлид этиш йўли билан ривожланиб боради. Оғзаки нутқнинг шаклланишида эшитув анализатори, нутқни ҳаракатта келтирувчи анализаторлар бир бири билан маҳкам боғланган ҳолда ишлайди. Эшитув анализаторининг ривожланиши эса кўп жиҳатдан талаффузга боғлиқ. Бола нутқининг ўсиб бориши товушлар талаффузи, физиологик ва фонематик эшитишнинг камол топиб бориш даражаси билангина характерланиб қолмай, балки энг муҳими, ўз нутқи ва атрофдагилар нутқидаги сўзларнинг тузилиши, товуш таркибини фарқлай билиш қобилияти билан ҳам характерланади. Сўз таркибини англаб олишдан иборат бу қобилият грамматик ва лексик компонентларнинг ривожланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Олигофрен болалар ёрдамчи меҳнат таълими мактабларида таълим олмақдалар. Ушбу турдаги мактабнинг ўқув режасида энг кўп соат ёзув, она тили, ўқиш ва нутқ ўстириш дарсларига ажратилган. Ушбу дарсларда ўқитувчи дебил боланинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириб, ўқиш ва ёзишга ўргатиб, унинг билиш фаолиятидаги камчиликларини изчиллик билан коррекциялаб, тузатиб бориши лозим. Бу ишлар олигофренопедагогиканинг принцип, усул ҳамда ташкилий формалари асосида, олигопсихологияга таянган ҳолда амалга оширилади.

Она тили ўқитиш методикаси фанидаги ютуқларга таянган ҳолда Ўзбекистонда ақли заиф болаларга она тилини ўқитиш Давлат таълим стандартлари яратилди ва уларга асосланган ҳолда Меҳнат таълими мактабида ақли заиф болалар учун «Она тили, ўқиш ва нутқ ўстириш» дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида нафақат махсус мактаб ўқитувчилари, балки меърида ривожланган болалар орасида ақли заиф боллар билан интеграциялашган таълимни амалга ошираётган ўқитувчилар ҳам она тили, ўқиш ва нутқ ўстириш дарсларини 1-9 синфларда олиб боришлари мумкин.

Г.А.Садикова ТДПУ
К.Р.Муратова — логопед

**Меҳнат таълими жараёнида ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг нутқини
ривожлантириш**

Меҳнат таълими жараёнида нутқ фаолиятини ташкил қилишнинг усул ва методларининг турли-туманлиги, шунингдек, нутқ ўстириш, ўқиш,

она тили дарсларида меҳнатга оид тематикадан фойдаланиш, ўз навбатида, ўқувчиларда турли шароитларда, ўқув ва меҳнат фаолиятидаги бирга олиб бориладиган турли-туман ишларда шакллантирилган нутқий малакаларни амалий равишда қўллай олиш қобилияти ҳосил қилинади.

Ўзига хос сифатлилиқ ва тузилишни ҳисобга олиб, ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга оид методик жиҳатдан мунтазам равишда тўғри ташкил қилинган меҳнатга асосланган ишлар олигофренларнинг асосий нуқсонини фақат меҳнат таълими сифатига эмас, балки ўқувчиларнинг нутқий ва ақлий ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Маълум бўлганидек, махсус таълимнинг асосий вазифаси, жумладан, меҳнатнинг ҳам ўқувчиларнинг ақлий фаолиятидаги камчиликларни тузатиш ҳисобланади.

Бу ҳолда тузатиш ишларининг мазмуни ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятидаги ақлий даражадаги кампонентларини ривожлантиришдан иборат бўлади: топшириқни мўлжаллаб, мақсадга мослаш (объектни таҳлил қилиш, илгари ўтган тажрибанинг муҳимлиги), маҳсулот устида ишлашнинг боришини режалаштириш (ясалган, тайёрланган майда-чуйда буюмларнинг мантиқий изчиллигини аниқлаш, уларни бажариш учун керак бўлган иш усуллари ва асбобларни белгилаш), ўзини-ўзи назорат қилиш.

Сўзлашув тилига хос бўлган оғзаки нутқ – нутқ фаолиятининг мураккаб кўриниши бўлиб, ўзида саволларга жавоблар, суҳбат, нарса ва ҳодисаларни, шахсий ҳаракат ва таассуротларни в.б.ни тасвирлашни мужассамлаштиради.

Меҳнат дарсларида ўқувчилар нутқ фаолиятининг бу томонини ривожлантириш учун дастлабки шарт-шароитлар, асослар, фикрлар мавжуд. Таълимнинг йилига қараб, ўқувчиларнинг нутқий ривожланиши шунга мос равишда ҳал қилинади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг меҳнат таълими жараёнида турли-туман усул ва методлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг нутқ фаолиятини (ўзига хос сифати билан ва олигофренларнинг асосий нуқсонини таркиби ва шахсий хусусиятларига), шунингдек, ўқиш, она тили ва нутқ ўстириш дарсларида меҳнат тематикасини ва ўқувчиларнинг меҳнат тажрибасидан фойдаланиш, уларнинг нутқи ва ақлий фаолиятининг ривожланишига ижобий таъсир қилади, меҳнат таълими сифатини ва меҳнатга ўргатиш келгусида давом этишига тайёргарлик даражасини оширади.

Р.Султонова
(ҚҚР Тўртқўл т. 62-мактаб)

Таълим жараёнида ноанъанавий усуллари қўллаш янги аср талабидир

Ёрдамчи мактабларда она тилидан давлат таълим меъёрларида асосий кўрсаткич алоҳида ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг оғзаки нутқини

ўстиришга қаратилганлиги бежиз эмас.

Нутқ ўстириш мақсадига етказишнинг, яъни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг замонавий шакллари ноанъанавий дарслардир. Ноанъанавий дарс шаклларида саёҳат, баҳс-мусобақа, драматик сахна кўриниши, топшироқли мусобақа, кроссворд, ақлий ҳужум, мунозара, телекўрсатув, эртақ дарс, топқирлар беллашуви дарсларини ташкил этиш ўқувчилар нутқини ўстиришга хизмат қилиши тажрибада кузатилмоқда.

Муаммоли дарс жараёнида ноанъанавий таълим жараёнини ташкил қилиш учун қуйидаги тавсияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

-олигофрен ўқувчи билиш даражаси ва ёш хусусиятини ҳисобга олиш;
-ушбу дарсларга ўқитувчи икки барабар кўпроқ тайёргарлик кўриши, аниқ мақсад қўйиш;

-асосий мақсадни нутқ ўстиришга қаратиш.

Ноанъанавий усуллар қийинчилик билан бўлса-да, ёрдамчи мактаб ўқувчиларида таққослаш, ижодий фикрлаш қобилиятининг шаклланишига олиб келади. Оңа тили дарсларида олган билимларини ўқувчи ҳаётий вазиятда қўллаш имкониятига эга бўлади.

Муаммоли таълим асосида ўтилган дарслар билимни мустақкамловчи хусусиятга ҳам эга. Бир мавзу бўйича икки томондан фикрларни ўртага ташлаш, муаммонинг ечим йўлларини излаш мавзуларнинг ўзлаштирилишига оид кўникмалар ҳосил қилади.

Ноанъанавий дарслар ёрдамчи мактаб ўқувчиларида аста-секинлик билан бўлса-да, фикрлашни орттиради. Бу эса жуда муҳимдир. Бугунги кунда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсон сифатида шакллантириш, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш экан, бугунги XXI аср ёш авлоди билимли ва жисмонан соғлом бўлиши билан бирга ижодкор фикрини далиллар билан исботлай оладиган сўзамол бўлмоғи лозим.

**А.Бердиева, Д.Тўлаганова
(РТМ)**

Таянч ҳаракат аъзолари фалажланган болалар таълимида она тили дарсларининг ўрни ва аҳамияти

Жамиятимизда яшаётган ҳар бир махсус эҳтиёжли болага таълим-тарбия бериш долзарб муаммолар сарасига киради. Бундай болаларга нафақат таълим-тарбия бериш, балки улардаги мавжуд нуқсонларни коррекциялаб, ижтимоий жамиятга тенг ҳуқуқлилик асосида тўлақонли ва эрта мослаштириш ишларини амалга ошириш ҳам талаб этилади. Махсус эҳтиёжли болалар сирасига кировчи таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсонлари бўлган болалар таълимини такомиллаштириш масаллари ҳам жуда муҳимдир. Фалажлик оқибатида бу болалар кўп ҳолларда иккиламчи (кўриш, эшитиш, ақлий) нуқсонлари чуқурлашиб кетади. Церебрал фалаж

болаларда бош ёки юз мускулларининг ҳаракатларини назорат қила олмаслиги ёки бунда қийинчиликларга дуч келганлиги, тил мускулларининг фалажланганлиги оқибатида нутқда ҳам оғир нуқсонлар кузатилади. Болада ҳатто битта говушдага нуқсон кузатилса ҳам унинг руҳий ривожланишига салбий таъсир этади. Таянч ҳаракат аъзолари фалажланган болаларни таълим тарбия жараёнини такомилдлаштиришда, уларнинг нутқини ривожлантиришда ижтимоий жамиятга мослашувида она тили дарслари асосий ўринда туради. Чунки, она тили дарсларида болаларнинг нутқдаги нуқсонлар коррекцияланади, луғат бойлиги ривожлантирилади, боғланган нутқи шакллантирилади, тафаккурнинг анализ, синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, таққослаш операциялари, умумий ва майда қўл моторикаси ривожлантирилади, фонематик ва эшитув идроки ўстирилади. Она тили дарсларининг самарали олиб борилиши таянч ҳаракат аъзолари фалажланган болалар томонидан бошқа фанларнинг ҳам самарали ўзлаштирилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам XXI асрда она тили дарсларининг самарадорлигини ошириш масаласи илгари сурилар экан, таянч ҳаракат аъзолари фалажланган болалар мактабларида олиб борилаётган таълим тарбиявий ишнинг мазмунини бу болаларнинг нуқсонларини коррекциялаш ва нутқини ўстиришнинг янги иновацион педагогик технологияларини олиб кириш масаланинг моҳиятини ташкил этади. Она тили дарсларида таянч ҳаракат аъзолари фалажланган болаларнинг нуқсон ва яққа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билим кўникмаларни беришда “Эркин хат ёзиш”, “Агарда мен...”, “Кластер”, “Синквеев”, “Елпигич”, “Б.Бум”, “Ақлий ҳужум”, “Зигзак”, “Инсеет”, “Менинг ақлимда”, “Хотирамга таянаман”, “Мен буни тушундим!” каби янги педагогик технология усулларига асосланган, аввало ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқиши ортади, берилаётган маълумотларни ўқитувчи ортиқча куч ва меҳнат сарфламай осонлик билан ўқувчилар онгига етказа олади, эгалланган билимлар мустаҳкамланади.

Д.Усмонова
ТДПУ магистранти

Ақли заиф болалар нутқини ўстиришда сюжетли ролли ўйинларнинг аҳамияти

Нутқ тарбияси таълимнинг асосини ташкил қилади. Тил фикр билан ўсиб бориб, мулоқот воситаси вазифасини ўтайди. Инсонлар фикр алмаша олмаса, улар моддий яшаш шароитларини ўзгартира олмайди. Фаолият киши дунёқарашини кенгайтиради, ўзлигини англашга, нутқини ривожлантиришга хизмат қилади. Нутқ ва фаолият узвий ҳамда бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Ўйин – мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолият шакли ва улар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Сюжетли, ролли дидактик ва ҳаракатли

ўйинлар давомида болалар нутқи ривожланиши ва фаоллашиши уларнинг нутқий мулоқоти шаклланиши учун қулай шароит яратади.

Руҳиятнинг ривожланмаганлиги ақли заиф болаларда ўйин фаолиятининг бузилишига олиб келади. Ақли заиф болалар мактабгача ёшда ўйинда ташаббус кўрсатмайдилар. Ўйинчоқларни вазифасига кўра ўйнамайдилар.

Шунинг учун, махсус мактабгача таълим муассасасида дефектолог, тарбиячи педагоглар ақли заиф болаларга ўйинларни ўргатиб боришлари керак. Бунда таълим бериш асосий мақсад мажбурият қилиб олинмаслиги керак.

Тарбиячи болаларни бирон-бир сюжетли ролли ўйин ўйнашга таклиф қилар экан, индивидуал психологик хусусиятларини тўғри ҳисобга ола билиши керак.

Ролларни тақсимлашда, ўйин сюжетини келишиб олишда ақли заиф болаларнинг имкониятларини тўғри йўналтира олиши керак.

Агар ўйин тўғри ташкил этилса, ҳаттоки, энг тортинчоқ, камгап болалар ҳам ўйинга қўшилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача ёшдаги ақли заиф болаларнинг нафақат нутқини ўстиришда, балки умумий руҳий, индивидуал шахсий хислатларини ривожлантиришда сюжетли ролли ўйинларнинг ўрни беқиёсдир.

З.Ш.Файзиева
Й.Охунбоев номидаги
Кўзи ожиз болалар мактаб
-интернат ўқитувчиси

Кўзи ожиз болалар таълимидаги янгича ёндашув

Кўзи ожиз болалар атроф муҳитни қўллари билан пайпаслаб ўрганадилар. Лекин аксарият ҳолларда мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналари бунга етарли даражада эътибор бермайдилар.

Ота-оналар кўзи ожиз боланинг ҳаётида пайпаслаб сезиш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини билишлари керак.

Қўл ва бармоқлар терисини шикастланишлардан асраш керак. Тери касалликлари сезишни камайтиради. Қўлнинг қафт томонида сезги анча кучли бўлади. Қўлнинг фаол пайпаслашлари натижасида буюмларнинг шакли, контурлари ва бошқа ўзига хос хусусият ва белгиларини билиш мумкин. Шундай қилиб бутун образни идрок қилиш шаклланади.

Фаол сезиш кўзи ожиз болага меҳнат малакаларини эгаллашга ҳам ёрдам беради, теварак-атрофда мўлжал олиш ва ҳаракатланишда катта рол ўйнайди.

Икки қўлда пайпаслаш бир қўл билан сезишга нисбатан кўпроқ маълумот беради. Дастлаб буюм умумий пайпасланади, сўнг ҳар бир қисмлари алоҳида ўрганилади ва охирида яна умумий ушлаб кўрилади. Бир хил буюмларни

ўрганишда қўллар тепадан пастга қараб ҳаракатланади. Бармоқларнинг майда ҳаракатлари буюмнинг нима эканлигини таҳлил қилса, қўлларнинг орқага қайтиб ҳаракатланиши буюмнинг алоҳида қисмларини аниқлайди.

Кўрадиган бола расмини таниш предметнинг образи сифатида қабул қилади. Кўзи ожиз болага буни ўргатиш керак бўлади. Бўртма расмларни кўришга ўтишдан аввал болани буюмларнинг асли ёки уларнинг ўйинчоқ шаклини кўрсатиш керак. Идрок қилишда сўз ҳам муҳим рол ўйнайди. Тасвирни ўрганиш давомида ота-она ёки педагог аниқ, кенг тушунтиришлари, изоҳлаб боришлари шарт.

М.У.Ҳамилова ТДПУ
О. Ёдгорова 3-курс талабаси

Эшитишда нуқсони бўлган болаларга характер-хусусият маъносини билдирувчи сифатларни ўргатиш

Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири саналади. Эшитишда нуқсони бўлган болалар нутқда характер хусусият ифодаладиган сўзларни қўллашда қийинчиликларга учрайдилар. Бу сўзларни ўргатиш учун уларнинг маъносини чуқур англаш талаб этилади.

Характер-хусусият билдирувчи сифат лексемалари ҳам матн билан боғлиқ ҳолда коннотацияни юзага келтиради. Характер-хусусият лексик ифода семаси ҳар хил, белгини қамраш семаси бир хил бўлади. Шу сабабли нутқда ифода семаси коннотацияни ҳосил қилади.

Инсон характер-хусусиятини англатувчи жиддий сўзи пухта ўйлаб чуқур мулоҳазаларга суяниб иш кўрадиган, мулоҳазали маъносини ифодалайди: *У ёш бўлса ҳам жиддий, кичкина мияси муҳокамага қобил эди (О.Ё.). Ҳушчақчақ дўстгинам, бўғилмагоҳи. Ута жиддий зотлар ичида – ҳар он (О.М.).* Шунингдек қуйидаги коннотатив маъноларни ифодалаб келади.

Жиддий лексемаси характер-хусусият ифодаловчи «катта», «кучли» сўзларига синоним сифатида қўлланилиб, маънони кучайтириш, таъкидлаб кўрсатиш мақсадида ишлатилади.

Бу лексема «босиқ», «вазмин» каби коннотатив маъноларни билдириши мумкин.

Инсон ҳаётида муайян ҳолат, воқеаларнинг муҳимлигини бўрттириб кўрсатишда ҳам жиддий сўзи ишлатилади.

«Шўх» сўзи инсон характери белгисини ифодалаб, вақтини ўйин билан ўтказадиган, ўйинқароқ, тўполончи маъносида келади.

Ўйин-кулгини яхши кўрадиган, ҳушчақчақ, қувноқ инсон маъносини ифодалайди.

Шўх сўзи турли қўшимча маъно оттенкасини ифодалаш имконига эга. Айни лексема «ўйноқлаб, тез ҳаракат қиладиган ўйноқи» маъносини ташийди.

Мунгли сўзи инсон характер-хусусиятларидан бирини англатади. Бу сўзнинг бош семаси «ғамгин», «ҳазин» дир: *Ёлғизгинамнинг мунгли кўзларига қараш азоби* (Н.Х.).

Г.М.Шодилова
Бўстонлиқ тумани
125-сонли ММИ

Она тили дарсларида тўғри ва саводли ёзишга ўргатиш

Она тилини ўқитишда ўқитувчи қўйидаги талабларга риоя қилиши керак:

1. Машқларни бажариш мақсади ва тартибини ўқувчилар онгига етказиш;
2. Машқлар хилма-хиллигини таъминлаш;
3. Машқларни изчил ўтказиш;
4. Машқларни қийинлик даражасини аста-секин оддийдан мураккабга қараб ўстириб бориш.

Она тили дарсларида тўғри ва саводли ёзишга ўргатиш жуда муҳимдир. Бунда асосан, ҳарф шакллари тўғри ва чиройли ёзишлари, ҳарфларни аввало бириктириш, орфография ва пунктуация қоидаларига риоя қилиш назарда тутилади.

Ҳар бир ҳарф элементини ўқувчи ўзи намунага қараб бажариши лозим. Ўқувчи қўлининг толиқиб қолишини ҳисобга олиб, дастлабки дарсларда 4-6 дақиқа, кейинчалик 10-15 дақиқадан ортиқ ёзириш ярамайди. Ёзадиган иш ҳажми 1-2 қатордан аста-секин ортиб, йил охирида 6-7 қаторни ташкил қилади.

Ўқувчилар ўқув йилининг 1-чи ярмида фақат дарсда ўқитувчи назоратида ёзадилар. Уларга уй вазифаси берилмайди. 1-синф ўқувчилари, асосан, махсус чиқарилган ҳуснихат, ёзув дафтарида фойдаланадилар. Ўқувчилар ҳарфларни ёзишга ўргангунарича «таёқча, илмоқча, устки, пастки қисми илмоқча» ва ҳоказоларни ёзиб борадилар.

Кейинчалик эса ўқиш билан ёзув дарси бир-бири билан узвий боғланган ҳолда давом этади. Ёзув дарсига тааллуқли бўлган томонлар ҳисобга олиниб, тайёргарлик машқлари берилади. Дарснинг биринчи ярмида оғзаки нутқ ўстириш бўлса, иккинчи ярми ёзув дарсига тааллуқли бўлади. Бунда ўқувчилар берилган расм белгиларни рангли қаламдан ёки фламастердан фойдаланиб бўяйдилар. Бу даврда ҳуснихатга оид тайёргарлик машқлари ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Она тилини ўқитишнинг марказида грамматик назария эмас, балки нутқий кўникма ва орфографик малака ҳосил қилиш туради.

Ўқувчиларни дарсда мустақил ишлашга одатлантириб олсак, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан якка тартибда иш олиб бориш ва уларга тегишли ёрдам бериш имкониятига эга бўламыз.

Заиф эшитувчи болаларда вазн билдирувчи сўзларни шакллантириш аҳамияти

Заиф эшитувчи болалар вазн билдирувчи сифатларни нутқда қўллашда, улар маъносини тушунишда қийинчиликка учрайдилар. Вазн билдирувчи сифатларни бир неча маънода қўлланилганлигини ҳисобга олиб, уларнинг услубий хусусиятларини ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Вазн билдирувчи сифатлар бошқа турдаги сифатларга нисбатан анча оз. Вазн сифатларидан бири – **оғир** сўзи нормалдан юқори катта бўлган, тош босадиган, вазнли маъносини англатади. Бу лексема вазмин, зилдек, зил-замбил, залворли сўзлари билан ўзаро синонимик қаторни ташкил этади ва оғирликка эга, енгилнинг акси маъносини беради.

Ҳал қилиниши қийин бўлган масала белгиси оғир лексема орқали англашилади: Буни ҳал этиш, жуда оғир масала! (Н.Н.). Инсонга нохуш таъсир этадиган ҳаво белгиси маъноси ушбу лексема орқали ифодаланади: Бу хонадаги оғир ҳаво менга ёмон таъсир кўрсатди (Н.Н.).

Шунингдек, салбий таъсир кўрсатадиган, ёқмайдиган белги маъносини билдиришга хизмат қилади: *Одам овози оғир бўлади, зилдай оғир бўлади (Т.М.).*

Оғир сифати ҳаракатини билдиришда ишлатилиши мумкин. Бу мисолда оғир лексемаси адвербиализация ҳодисасига учраб, равиш вазифасида келади. Бундан муайян ҳаракат-ҳолатнинг қийин, мушкул тарзда амалга оширилиши англашилади: *Аmmo мана шу рўйи-ростлик Лола учун оғир кечарди (Н.Н.).* Бу лексеманинг такрорларни қўллаш орқали тасвирланаётган объектга субъектив муносабати ифодаланади: *От фарқ терга ботди, оғир-оғир нафас олди (Т.М.).*

Фразеологик бирликларда коннотация кучли, унинг таркибидаги ҳар бир лексик бирликни денотатив маънога ишора этади, фразеологизм таркибидаги бирорта лексема доминант маънога эга бўлади. Фраземанинг умумий бутунлигидан англашиладиган маъно ҳам шу доминант маъно пойдеворида майдонга келади. Масалан, кўнглига оғир ботмоқ, ўзи оғир олмоқ каби фразеологик бирикмаларда «кўнгли» лексемаси шу бутунлик ичида доминант маъно касб этган. Фразеологизм таркибидаги оғир ботмоқ, олмоқ лексемалари денотатив маъно қирралари билан коннотатив маъно ҳосил қилган. Бу лексик бирлик арзимаган нарсага хафа бўлмоқ, ўзига тақдир деб тушунмоқ маъносини беради. Қалмоқларнинг кўзга сен, мендан зўр бўлгин: қандай сийсат қилиб гапирсанг ҳам мен кўнглимга оғир олмайман (А.). Шунингдек, оғир сўзи фразеологик бирикма таркибида келиб ўзини тутадиган сипо, вазмин маъносида ишлатилиши мумкин: *Энам оғир карвон, майиздек аёл эди (Т.С.).*

Бу лексема вазмин сўзи билан жуфтлик ҳосил қилиб юқорида зикр этилган маънони ифодалайди: У оғир-вазмин бўлганлиги учун ҳам сизга гапирмади (С.А.).

Она тили дарсларида кўзи ожиз болалар нутқини ривожлантиришда янги йўналишлар

Кўриш инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ташқи олам ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш манбаи ҳисобланади. Тўғри, кўриш билимнинг бирдан бир манбаи эмас. Лекин, буюк олим С.Л.Рубинштейн кўришнинг ўта муҳимлигини қуйидагича баён этган эди: “Кўриш бизга предметларнинг аниқ, соф, ва тўлиқ идрокини беради...”. Кўришнинг тўлиқ ёки қисман бузилиши кўзи ожизлар руҳиятининг ривожланишига салбий таъсири сифат ва миқдор жиҳатдан тавсифга эгадир. Кўриш нуқсонига эга бўлган болаларнинг ривожланиш жараёни нормал ривожланишдаги болалар билан бир хил эмас. Уларга таълим-тарбия беришда, асосан, эшитиш идрокига таянилади. Шунинг учун ҳам кўзи ожизлар мактабларида она тили дарсларини олиб боришда бирмунча қийинчиликларга дуч келинади. Чунки, болаларга билим беришнинг энг самарали воситаси кўргазмали қуроладир. Она тили дарсларида кўзи ожиз болалар нутқини ўстиришда болаларни оғзи мулоқот қилишини тўғри йўлга қўя билиш керак бўлади. Кўзи ожиз болалар махсус мактабларида она тили дарслари коррекцион мақсадининг марказида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, луғат бойлигини ошириш, тасавурларини бойитиш масаласи туради. Шунинг учун ҳам бошланғич синфларда қуйидагича иш йўналишида фаолият юритиш мақсадга мувофиқдир:

-Ўқувчилар учун мустақил нутқий фаолиятга ундовчи муҳит яратиш;

-Ўз фикрларини ва мулоҳазаларини боғланган ҳикоя асосида сўзлаб беришга ундаш;

-Махсус бўртмалли расмлар асосида билиб олганларини ёзма нутқ асосида баён этиш;

-Берилган янги сўзларнинг маъносини ифодалаб бериш, улардан гап ёки ҳикоя тузиб баён этиш;

-Луғат бойлигидаги янги сўзларни “Мен уни шундай тасавур қиламан...” сюжетли ролли ўйини асосида синф бўйича биргаликда ифодалаб бериш.

Она тили дарсларида юқоридаги тартибда иш олиб бориш болаларнинг нутқини ривожлантиради, бошқалар билан эркин мулоқот қилишидаги қийинчиликларни бартараф этади, ўқувчиларни ижтимоий жамиятга тўлақонли ва эрта мослашишини таъминлайди.

Ўзбек тилини диахроник аспектда тадқиқ этиш истиқболи

1. Маълумки, тил фикрни ифодалаш воситасигина бўлиб қолмай, балки миллат маънавий ҳаётининг, бир неча асрлик бой маданиятининг кўзгуси ҳамдир. Ўзбек тили узоқ ўтмиш тарихга, турфа қадриятлару бебаҳо меросга эга ўзбек халқини жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи асосий омил, айни чоғда, мулоқот қуроли ҳисобланади. Истиқлол туфайли ўзбек адабий тили қайтадан ўзбек миллатининг асосий мулоқот воситаси вазифасини ўтай бошлади, услуб ҳамда стилистик воситалари, барча учун мажбурий турғун меъёрлари билан ягона тизимга айланди.

2. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан эътиборан ўзбек тилининг фонетик-фонологик, морфем-морфологик, лексик-семантик ва синтактик сатҳларига хос долзарб масалаларни ҳам синхроник, ҳам диахроник аспектларда ўрганиш борасида олий ўқув юрлари олимлари улушининг салмоқдорлиги кўзга ташлана бошлади. Бу йўналишда, айниқса, Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона шаҳарларидаги университетларнинг филология факультетларида изланишлар олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти самарали бўлди.

3. Олий таълим тизимида ўзбек тили бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни мазмун-моҳияти, услуби жиҳатдан тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш, тилга система тарзида ёндашиш, тилни система қонуниятлари асосида ўрганишга йўналтирилган систем-структур (ҳозирги тилшунослик) ҳамда бевосита кузатишда берилган нутқий ҳодисаларнинг эмпирик таҳлили билан шуғулланувчи анъанавий тилшунослик¹ нуқтаи назаридан бажарилаётганлигини кузатиш мумкин.

4. Ижтимоий ҳодиса бўлмиш тилда халқнинг ўтмиши, тарих билан бугуннинг алоқаси, тараққиёт жараёни, маданиятнинг шаклланиши ўз аксини топади. Шундай экан, баъзан ўзбек адабий тили манбалари масаласи устида бош қотириш, изланишлар олиб бориш ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас қабилда лоқайдлик билан қайд этилган объектив жиҳатни инкор этувчи мулоҳазаларни эшитиш мумкин. Ўз вақтида Прага лингвистик мактаби вакиллари таъкидлаганидек, тил қонуниятлари ҳаракати (динамикаси) ва тил тарихини яхши билмай туриб тилнинг бугунги ҳолати, унинг тараққий этиш ҳамда ривожланиш анъаналарини тўла-тўқис англаш амри маҳол.

5. Кузатишлар олий ўқув тизимида ўзбек тили тарихи доирасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг аввалги йилларга нисбатан кескин камайганлигидан далolat бермоқда. Ёқланаётган номзодлик ва докторлик диссертацияларининг жуда катта қисми замонавий ўзбек тил

муаммоларига бағишланган. Бундай ҳодиса магистрлик диссертациялари, малакавий-битирув ишлари мавзуларининг таҳлилида ҳам яққол кўзга ташланади. Ўзбек тилини қайси аспектда ўрганиш, шубҳасиз, муайян тадқиқотчининг билимига, тайёргарлигига, дунёқарашига, қизиқишига, қолаверса, хоҳишига боғлиқ. Илмий ишнинг кимнингдир зўри ёки босими остида муваффақиятли чиқмаслигини ўйлаймизки, исботлашга ҳожат йўқ.

6. Ўзбек тили тарихи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳолатини жуда бўлмаса ўтган асрнинг 80-90-йиллари даражасига кўтариш мақсадида филология факултетларида таҳсил олаётган, келажакда илм кўчасига киришни ёки педагогик фаолият билан шугулланишни кўзлаётган талабаларга тил тарихига оид фанлардан ўтилаётган сабоқларнинг юқори савияда кечишини таъминлаш, уларда тилимиз ўтмишига қизиқиш, фахр кўникмасини туғдириш лозим бўлади. Бунда, албатта, «Қадимги туркий тил», «Эски ўзбек тили ва ёзуви», «Адабий тил тарихи», «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» фанларидан дарс бераётган профессор-ўқитувчилар саъй-ҳаракати, маҳорати, истеъдоди муҳим аҳамият касб этади.

7. Глобаллашув ва компьютерлаштириш асрида ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққий этиш жараёни динамикаси юзасидан илмий изланишлар олиб бориш ўзини тўла оқлайди. Зеро, тил доимий ҳаракатда экан, унинг ҳаракатини ҳам доимий ўрганиш вожибдир.

Б. Ўринбоев
СамДУ

Матн таҳлили муаммолари

Маълумки, матннинг ифода шакли тилдир. Матн мазмунини ифодалашда, ғояни ёритишда, моҳиятини акс эттиришда сўз маънодорлигининг алоҳида ўрни бор. Сўзнинг матн талаби билан ботиний ва зоҳирий маъноларда намоён бўлиши тафаккур даражасининг такомиллашувига хизмат қилади. Тилнинг муайян тараққиёти жараёнида сўз маъно кўламида ўзгаришлар (маъно кўчиши, кенгайиши, торайиши каби) рўй беради. Бу ўзгаришлар бадиий матнда ифодасини топади. Сўз матнда нутқда учрамайдиган маъно нозикликлари билан намоён бўлади. Матн маълум маънода, луғатни бойитувчи манба сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Матн таҳлили кўникмаларини эгаллаш, лексеманинг маъно бўёқдорлигини теран англаш, сўзнинг таъсир қудратини ҳис қилиш, талабаларга тилнинг фикр ифодаси ҳамда ҳис-туйғуни акс эттириш, сўзнинг маъно имкониятларини англаштириш, тилни маънавий эҳтиёжга айлантириш ҳозирги таълим тизими олдида турган вазифалардан биридир.

Матн тилини онгли равишда таҳлил қилиш маълум бир матн мазмунини, унинг ғоявий моҳиятини ёзувчининг ижодий маҳорати ва ғоявий йўналишини чуқур ўзлаштириш имконини беради, ёшларни ўз билимини амалда мустақил синаб кўриш малакаларини ҳосил қилиб,

маънавий дунёқарашини шакллантиради, турмуш ҳақида кишилар ва инсоний муносабатлар тўғрисида шахсий мушоҳада юрийтишга имкон яратади.

Матн нутқий ҳодиса бўлиб, у икки ва ундан ортиқ гапнинг мазмунан бирикишидир. Шунинг учун матн таҳлилида қуйидаги муаммоларга эътибор бериш лозим:

I. Матн — лисоний таҳлил объекти сифатида уни ўрганувчи стилистика, риторика, текстология ва матншуносликка муносабатини аниқлаш.

II. Матннинг типлари, уларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш. Маълумки, матнлар услубий жиҳатдан бадиий, илмий, публицистик, расмий ва сўзлашув каби турларга бўлинади.

Мактаб амалиётида матннинг тасвирий, ривоя ва муҳокама каби баён усуллари мавжуд.

III. Матнни лисоний таҳлил қилишнинг методологик мезонлари. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

1. Матннинг қисмлари бир-бири билан ўзаро алоқадорликка эга бўлиб, бир мазмунни ифодалайди ва маълум шаклда ўз ифодасини топишини аниқлаш даркор;

2. Матнни таҳлил қилишда аниқ тарихийликка амал қилинганлигини белгилаш;

3. Матн таҳлилида умумийлик ва хусусийлик уйғунлигини аниқлаш;

4. Матн таҳлилида поэтик тил воқеликнинг эстетик ўзлаштириш шакли ва бадиий умумлашма яратиш воситаси эканлигини белгилаш;

5. Матн шарҳловчисининг фаоллик даражасини ойдинлаштириш.

IV. Лисоний таҳлил усуллари ва йўларини танлаш. Лисоний таҳлил усуллари ва йўллари қуйидагилардан иборат:

1. Семантик-стилистик изоҳ усули;

2. Лисоний табдил усули;

3. Стилистик қиёс усули;

4. Статистик тадқиқ усули.

Матн таҳлилида бу усулларнинг бирига кўпроқ эътиборни қаратиб, бошқасига кам эътибор бериш кўзланган натижани бермайди.

Хуллас, матн таҳлиliga бағишланган машғулотларни ташкил қилишда матн таҳлилининг мазмуни ва узвий бирликлари, таҳлилнинг умумий тизими, таҳлилнинг такомиллашиб бориши, матнни таҳлил қилиш усуллари каби услубий масалаларга эътибор бериш керак.

А.Нурмонов
Андижон ДУ профессори

«Ҳозирги ўзбек адабий тили»ни ўқитиш муаммолари

1. Мустақиллик шароитида таълимнинг барча бўғинларида ислохатлар олиб борилмоқда. Таълимнинг интеграцияси ва глобаллашувига, таълим

мазмунининг жаҳон стандартларига мос келишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шундай ҳаракат туфайли таълимнинг турли бўғинлари учун ДТСлар ишлаб чиқилди. Ўрта умумий таълим учун дарсликларнинг янги авлоди, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун эса янги дарсликлар яратилди. Бундай янгиланиш олий таълим бўғини учун ҳам энг долзарб масаладир. Лекин, олий таълимда «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курси бўйича ҳамон мустабид тузумдан қолган ва ана шу тузум асоратини ўзида намоён қилувчи дарслик ва қўлланмалар фаолиятини давом эттирмоқда.

2. Ана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида кейинги даврларда бир қатор ўқув адабиётлари тайёрланди, ammo бу ўқув адабиётларининг кўпчилиги дарслик талабларига жавоб берадиган даражада эмас. Шунинг учун олий ўқув юрглари ўзбек филологияси факультети талабалари учун ҳозирги ўзбек тилшунослиги ютуқларини ўзида ифодаланган янги «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигини яратиш давр талабидир. Бу дарслик бизнинг назаримизда қуйидаги тамойилларга жавоб бермоғи лозим:

2.1. Илмий ҳаққонийлик. «Моҳият – бу чин борлиқдир», - дейди Гегель. Бу сўз тилшуносликка ҳам дахлдор. Моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик диалектикаси асосида ўзбек тилининг функционал фонетикаси, функционал морфемита ва морфологияси, функционал синтаксисини яратиш ва унда бевосита кузатишда берилган ўзбек тили материаллари асосида назарий хулосалар чиқариш илмий ҳаққонийликни таъминлаш учун хизмат қилади. Ўрганилаётган объектга функционал ёндашув система-функция муносабатларини ёритишга қулай имконият яратади, тил-нутқ муносабатини очиб беради.

Дарсликда берилаётган илмий атамалар ва янги ғоялар кенг илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

2.2. Аниқлик. Ҳар қандай дарслик бу тамойилга бўйсунishi шарт. Берилган материал аниқ, лўнда тил билан ўқувчи учун осон тушунадиган қилиб ёзилмоғи лозим. Берилаётган назарий фикрлар бугунги ўзбек адабиётидан олинган материаллар орқали тасдиқланмоғи ва ўқувчини осон ишонтирмоғи даркор.

2.3. Мантиқий изчиллик. Дарсликда берилаётган мавзулар бир-бирини мантиқий давом эттирмоғи, тил системасининг поғонавийлик табиатини ўзида намоён этмоғи лозим.

2.4. Зиддиятга йўл қўймаслик. Бу тамойил мантиқий изчиллик тамойили билан узвий боғлиқдир. Берилаётган маълум бир ғоя олдинги ғояларни рад қилмаслиги, аксинча, олдинги ғоянинг давоми бўлиши керак. Масалан, «Содда гап синтаксиси» бўлимининг бошланишида гапнинг мазмуний ва тузилиш маркази кесим, ҳар қандай кесимнинг ўзи энг кичик гап эканлигини баён қилган ҳолда, кейинчалик гапнинг бош бўлақлар иштирокига кўра таснифида уларни бир составли (бир бош бўлақли) ва икки составли (икки бош бўлақли) гапларга бўлиш мантиқий зиддиятни келтириб чиқаради.

2.5. Объективлик. Дарслик муаллифнинг шахсий мулкидан умумхалқ

мулкига айланади. Шунинг учун ҳам унда муаллифнинг шахсий қарашлари устувор бўлмаслиги зарур. Ҳозирги ўзбек тилшунослигида тан олинган қарашларни баён қилиш дарсликнинг объективлигини, субъектив қарашлардан холилигини таъминлайди.

2.6. Дедуктивлик. Бутундан бўлаққа тамойили саналиб, бундай тамойил ўрганилаётган объектнинг системавийлик хусусиятини очишга ёрдам беради. Масалан, «Ўзбек тили синтаксиси» дарсликлари шу кунгача сўз бирикмаси ва гап бўлақларидан бошланиб, гап билан якунланади. Натижада гап ҳақида фикр юритмасдан туриб, унинг қисмлари юзасидан баҳслашилади. Бу эса бутун – бўлақ муносабатларини очишга монелик қилади.

С.Султонсаидова
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Давр ва тилшунослик

Мустақилликка эришилгандан бери ўзбек тилшунослигининг таркиби ва мазмуни янгича талқин этила бошлади. Бунинг натижаси сифатида дарсликларнинг номлари ва шу номга мос равишда мазмуни ўзгара бошлади.

Бутун дунёда халқаро муносабатлар ривожланиб кетди. Бу эса, ўз навбатида дунё тилларининг тараққиётига катта таъсир кўрсатмоқда. Буни икки ва ундан ортиқ тилли луғатлар, этимологик луғатлар, ҳар бир соҳанинг изоҳли луғатларига эҳтиёжнинг ортишида кўриш мумкин.

Тил ва жамият чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Жамиятда юз бераётган эвришишлар социолингвистика соҳасининг тараққиётига йўл очиб берди. Эндиликда тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини бошқа томондан кўрсатувчи тадқиқотлар яратила бошлади. Айниқса, матбуот соҳаларининг, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувларнинг хилма-хиллиги, интернетдан фойдаланишнинг оммаланиши кетиши “Матбуот тили ва услуби”, “Радио ва телевидение тили ва услуби”, “Интернет тили ва услуби” каби фанларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу фанларда матннинг нутқий тавсифи, унинг асосий қонуниятлари, мазмуни, йўналиши, экстралингвистик факторлар билан ўзаро алоқаси, берилаётган маълумотларнинг адабий қиммати каби хусусиятларнинг ўрганилиши улар нутқнинг коммуникатив сифатини таъминловчи омиллар эканлигини яна бошқа томондан исботлайди. Жамият ва шахснинг фикрлаш савияси кўп жиҳатдан оммавий алоқага боғлиқдир. Бу эса оммавий ахборот воситаларида юзага чиқади. Газета ва журналлар, радио ва телевидение, интернет нутқ фаолиятининг намоён бўлишидир. Улар орқали нутқий, ахлоқий ва эстетик меъёрлар, намуналар намоёиш қилинади. Шунингдек, улар орқали тилнинг, нутқнинг оммавий нуқсонлари ҳам кўриниб қолади. Шундай экан, бу нуқсонларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш йўллари ишлаб

чиқиш бугунги тилшуносликда яна бир муаммо бўлиб турибди.

Ҳамма томондан келаётган маълумотлар оқими шундай шиддатли тус олдики, тилшуносликда тадқиқ қилинадиган масалаларнинг поёни йўқдек кўринади. Ф.Достоевский айтганидек, “Ажойиб олтин давр! Ҳаёт сирли ва ўзига жалб қилувчи тус олди.. Биз учун тилсимли, нотаниш, эртакнамо олам ҳаётий воқелик билан қоришиб кетди”. Мана шундай тараққиёт даври барчанинг, биринчи навбатда олимларнинг дунёқарашини ўзгаришига олиб келмоқда. Бу эса тилшунослик муаммоларини янгича нуқтаи назардан кўриб чиқишни тақозо этади. XXI аср тилшуносликда тадқиқотларнинг ривожланиши энг юқори поғоналарга кўтарилган давр бўлади.

**О.Бозоров, Кўқон ДГПИ
О.О.Бозоров, АДУ**

XXI асрда фанлар интеграцияси: ўзбек тилшунослиги ва она тили таълимининг долзарб масалалари

Ҳозирги давр тилшунослигининг фалсафа ва мантиқ фанларига боғлиқ жиҳатлари ҳар қачонгидан ҳам ортиқроқ даражада долзарблик касб этмоқда. Зеро тилшунослик XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб янги тадқиқотлар босқичига кирди. Бу даврга қадар тилшунослик учун формал мантиқнинг учинчиси истисно қонуни методологик асос бўлиб хизмат қилиб келди. Бунга кўра ҳар бир тил бирлигининг дастлабки моҳияти икки аъзоли оппозицияда (таснифда) таҳлил қилиниб аниқланди. Масалан, унли-ундош, жарангли-жарангсиз, эга-кесим, аниқловчи-аниқланмиш каби. Шу йўл билан тил бирликларининг муҳим томони бўлган фарқликларни аниқлашга катта аҳамият берилди. Лекин фарқликлар ўхшашликлар заминида шаклланади. Ўхшашликсиз фарқлилик, фарқсиз ўхшаш мавжуд бўла олмайди. Бу икки томонни бирданига ўрганиб бўлмайди. Аввало, фарқлар ўрганилди. Бунинг сабаби шуки, фарқликлар ўзларининг эркинлиги, диққатни тез торта билиши ва тил хотираси учун муҳимлиги билан ўхшашликдан кескин ажралиб туради. Ўхшашлик эса фарқлилик заминида турувчи асос ҳодиса, демак, у фарқликлардан сўнггина ўрганилиши мумкин. Фарқликларга катта эътибор берилиши натижасида тил бирликларининг қандай категориал фарқловчи белгиларга эгаллиги, тилшунослик соҳаларининг ажратилиши кабилар билан боғлиқ бўлган дифференциал (фарқловчи) белгилар XX аср тилшунослигининг бош муаммоси бўлиб келди. Ўз-ўзидан тушуниладикки, фарқлилик ўхшашлик асосида шаклланганлиги учун, унинг энг муҳим моҳияти ўхшашлик тадқиқи асосидагина аниқланиши мумкин. Хуллас, формал мантиқнинг учинчиси - истисно қонуни етакчилигида олиб борилган ишлар муайян даражада ўз ниҳоясига ета бошлагач, энди ўхшашликларни ўрганиш эҳтиёжи туғилди. Шу муносабат билан тилшунослик олдида янги методологик асосга ўтиш зарурияти пайдо бўлди. Натижада, XX асрнинг

иккинчи яримдан бошлаб диалектик мантиқнинг учинчиси шарт қонуни тил тадқиқотларининг етакчи методологияси бўлиб хизмат қила бошлади. Бу методологиянинг бош мақсади аниқланган фарқликларни ўхшашликлар асосида бирлаштириш, тилни бир бутунлик, яъни система сифатида талқин этиш ва шу йўл билан тил бирлигининг моҳияти томон янада чуқурроқ кириб боришни таъминлашдир. Тилнинг семантик аспекти атрофлича ва чуқур ўрганиш зарурияти ўзбек тилшунослигининг мантиқ фани билан ҳамкорлигини талаб этмоқда. Зеро тил ва тафаккурнинг узвий боғлиқлиги, тил тафаккурнинг намоён бўлиш шакли эканлиги каби омиллар тилнинг мазмун жиҳатини ўрганиш мантиқнинг тушунча, ҳукм, хулоса каби ҳодисаларини жиддий ўрганишдан бошланиши лозимлигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, тушунча ва лексик маъно, гап семантикаси ва ҳукм, хулоса ва матн муносабатларини, уларнинг бири иккинчисидан ҳосил бўлишини, иккинчиси биринчисига айлана олишини (нутқда) англай олмасдан туриб семасиолог ёки тил билимдони бўлиш мумкин эмас.

Ҳозирги ўзбек систем-структур тилшунослигининг тадрижий тараққиёти XXI аср тилшунослигимизнинг системология фани билан узвий алоқада бўлишини, унинг тушунчаларидан (элемент, муносабат, структура, субстанция, система, системага қадар бўлган белгилар, системада ҳосил бўлган белгилар, дискретика, парадигматика, синтагматика, иерархия каби) ўз хусусиятларини ҳисобга олиб фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбек тилининг моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш семиотика (белги ҳақидаги таълимот) фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Зеро, тил бирликлари талқинида уларнинг шартли белгилиги, бу белгиларнинг қандай тузилганлиги, ички қонуниятлари каби муаммолар тилшуносликда тўлиқ ҳал этилган эмас.

XXI асрда тилшуносликнинг математика, математик логика ва кибернетика билан алоқаси кучаяди. Чунки ҳозирги пайтда тилшунослик юксак абстракциялар, формулалар, моделлар билан иш кўришга ўтмоқда. Хусусан, тил ва нутқнинг фарқланиши, инвариант ва вариантнинг ажратилиши, мулоқотни моделлаштириш, машина таржимаси каби эҳтиёжлар тилшуносларнинг математик-кибернетик тушунчалардан фойдаланиш заруриятини талаб этмоқда.

Матн лингвистикасининг шаклланаётганлиги тилшуносликнинг адабиётшунослик билан алоқасини янада кучайтиради. Чунки бадий мазмуннинг тузилишини чуқур англамасдан туриб, бунга хизмат қилувчи тил структурасини тушуниш қийин ва ҳоказо.

Тилшунослигимиз ва она тили таълимимизнинг XXI асрдаги тараққиётига диалектик фалсафа ва математика фанларининг таъсири етакчи ўринни эгаллайди. Чунки ҳар бир фан ўзининг юксак тараққиёти босқичида фалсафийлашади ва математиклашади. Биз миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, инкорни инкор, қарама-қаршилик бирлиги ва кураши қонунларининг ўзбек тили ва нутқда қай

гарзларда намоён бўлганлигини атрофлича ва чуқур аниқлашга муваффақ бўлсак, ўз тилшунослигимизни олий босқичга кўтарган бўламиз ва бу, ўз навбатида, она тили таълимига ҳам юксак даражада таъсир кўрсатади.

З.Ҳамидов
ЎзМУ

Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати

Ўзбек тилшунослигида турли соҳаларга доир сўз ва терминлар лексик нуқтаи назардан махсус ўрганилган бўлса-да, ўзбек адабий тили тарихини тўлиқ шаклланиш даври Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ мукаммал, умумлаштирилган лексикологик тадқиқотлар кўп эмас. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихини комплекс тадқиқ этиш ўз-ўзидан, айниқса, фан соҳасида, ижтимоий ва табиий илмлар билан боғлиқ халқимизнинг маънавий меросини тиклаш, чуқур ўрганиш вазифаларини келтириб чиқаради.

Тарихдан маълумки, Алишер Навоий бир неча бор ўзи яшаб ижод қилган Ҳирот шаҳридан Самарқандга, Астрободга ва бошқа эътиборли шаҳарларга борган. Шоир сафар мобайнида турли қишлоқ ва шаҳарларда тўхтаб ўтиб ўша жойнинг иқлими, этник таркиби, халқнинг яшаш тарзию, иқтисодий шароити, умуман, ерли аҳолининг шажараси, уруғлари, тили, лаҳжасига катта эътибор берган. Шу аснода ўзининг яратилажак йирик бадиий асарларига далилловчи манбалар тўплаган. Шоир асарларида турли хил баҳога алоқадор бўлган терминлар ўз ва кўчма маъноларда гўзал ифодасини топган. Чунончи, диний-тасаввуфий, афсонавий, ҳарбий атамалар, киши исмлари, тахаллуслар, инсон тана аъзолари атамалари, унвон, даража ва ҳуқуққа оид сўзлар, уй-рўзгор, кийим-кечак, касб-ҳунар, таълим-тарбия, озиқ-овқат, об-ҳавога оид номлар, жўғрофий, астрономик тушунча ва осмон жисмлари атамалари, ёввойи ва уй ҳайвонлари, гаррандалар, қуш номлари, майда жониворлар, ўсимлик, дарахтлар, кон билан боғлиқ номлар, спорт ўйинлари, ўйин турлари ва чолғу асбобларининг атамалари, тилшунослик, адабиётшунослик терминлари, поэтик сўзлар ва бошқалар.

Алишер Навоий ўз асарларида турли хил атамалардан фойдаланар экан, бундан кўзланган мақсад асарнинг бўёқдорлигини, эстетик таъсирчанлигини таъминлаш, умуман, бадиий қийматини ошириш билан бирга ўқувчига маълум соҳа бўйича маълумот бериш ёки шу йўл билан китобхонни билим олишга ундашдир. Шоирнинг маърифатпарварлик борасида тутган бу йўли унинг даҳо санъаткор эканлигини яна бир бор исботлайди.

Алишер Навоий бадиийликни ифодалашда ўз ва ўзлашган қатламга оид сўзлардан фойдаланилган.

Моҳир сўз устаси ўз асарларини ёзишда, анвал, бутун амалий тадбир

ва илмий мулоҳазаларини бир жойга тўплаб, тарихий омилларга, манбаларга мурожаат қилган. Бадиийликнинг энг юқори даражада ифодаланишини назарда тутиб, ўшатишлардан, табиат ҳодисаларини аҳли башар, яъни жамиятнинг ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ бадиий кашфиётлар яратишга киришган. Шоирнинг ҳар бир назмий ва насрий асарларида гўё мавзуга алоқадор бўлмаган сўзлар иштирок этгандек туюлса-да, унинг яширин маъноли ифодалари Шарқ бадиий санъатлар тасвирида ўринли, зарур сўзлар сифатида ишлатилади.

Алишер Навоий ўз асарларида ўзбек тилининг ички имконият ва бойлигидан нечоғлиқ санъаткорлик билан фойдаланган бўлса, лағут таркибининг ўзлашган қатлам тизимига алоқадор ҳодисаларни ҳам ана шудай моҳирлик билан қўллайди.

Ҳ. Неъматов,
А. Аҳмедов
БухДУ

Ареал лингвистика

Ареалогия (лот. *are* – майдон, ҳудуд оддан ясалган сифатнинг юнонча *logikos* – сўз, тушунча, таълим сўзи билан бирикишидан ҳосил бўлган, қўшма сўз) маълум бир ҳудудда маълум бир ҳодисаларнинг (ўсимлик, ҳайвонот, ер қатлами, ер ости ва ер усти бойликлари, аҳоли ҳамда уларнинг тили ва бошқалар) тарқалиш хусусиятларини ўрганишга оид фан бўлиб, бир неча фанларда (жумладан, ботаника, зоология, геология, этнография, филология ва бошқалар) ареалогик йўналиш шаклида мавжуддир. Шунинг учун муян фанларда бу тушунча (ареал лингвистика (тилшунослик), ареал ботаника, ареал геология ва бошқалар) ўз аксии топган.

Ареал лингвистика лисоний ҳодисаларнинг маълум ҳудудларда тарқалиши ва шу асосда тиллараро алоқаларни ўрганувчи йўналишдир. Ареал лингвистика тушунчаси ва атамаси Маттео Жулио Бартоле (1873-1946. Италиялик тилшунос) томонидан XX асрнинг 40-йилларида тилшуносликка киритилган бўлса-да, аммо ареалогик тадқиқотлар ўзининг узоқ тарихига эгадир. Фақат XX аср бошларида тиллар билан боғлиқ ҳудудий масалаларни ўрганувчи йўналиш ареал лингвистика эмас, **лингвистик география** ёки **географик лингвистика** атамаси остида машҳур эди. Бу масала проф. А.Шерматовнинг «Лингвистик геграфия нима» (Тошкентда «Фан» 1981) рисоласида ёритилган.

Лингвистик география муаммоларининг XVIII-XX боши тилшунослари, асосан, икки йўналишда кўпроқ шуғулланганлар:

- 1.Тилшуносликда кенг тарқалган **шевашунослик** (диалектология);
- 2.Тилларнинг таснифи жараёнидаги **географик** тушунчалар (тилларнинг тарқалиши ва қўлланилиш ҳудудлари).

Туркий тилларнинг таснифлари ҳам жуда кўп ҳолларда ҳудудий (ареалогик), географик тарқалиш тушунчалари билан узвий боғлиқ бўлади. Жумладан, туркий тилларнинг илк таснифини берган Маҳмуд Кошғарий туркий халқлар ва шевалар таснифини берар экан, уларнинг тарқалиш ҳудудларини «Румдан Чингача» (Кичик Осиёдан Хитойгача) шаклда географик (худудий) чегараларини кўрсатади.

Лингвистик географиянинг икинчи тамони бўлган **диалектология** (шевашунослик) маҳаллий (худудий) шеваларни ўрганишга ва таснифлашга хизмат қилади.

Бунда ўз-ўзидан савол туғилади «Лингвистик география тилшунослик тадқиқотларида (узоқ анъанага эга бўлса) нима учун XX асрнинг ўрталарида **ареал лингвистика** тармоғи ривожланиб, нисбатан тез ва кенг оммалашди»? Бунинг сабаби шундаки, ареал лингвистика диалектологиядан ҳам, лингвистик географиядан ҳам фарқ қилувчи лингвистик **ареалогик тадқиқ методидан** (АТМ) фойдаланади ва диалектологиядан ҳам, лингвистик географиядан ҳам фарқли бўлган мақсадни кўзлайди. Лингвистик география (ёки географик лингвистика) ва диалектология ҳамда ареал лингвистика (ёки лингвистик ареалогия) тилшунослик фанининг айна бир тармоғининг турлича номланиши эмас, балки серқирра ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлган инсон тилининг турли томонларини турли хил усуллар (методлар) билан ўрганувчи тармоқдир.

Бу фанининг ўзбек тилидаги ўқув ва илмий адабиётлари ҳозирча махсус дарслик ёки ўқув қўлланмаси сифатида мавжуд эмас. Лекин ареал лингвистика ва лингвистик атлас тузиш муаммолари бўйича ўарбий Европа, Рус тилшунослигида кўп ишлар қилинган. АҚШ лингвистика, антропология ва этнографик вебсайдларидан бу йўналишда катта материал олиш мумкин.

Туркийшунослик бўйича диққатга сазавор ва кутубхоналаримизда мавжуд бўлган тадқиқотлар сирасида Н.Гаджиевнинг «Туркий ареал лингвистика муаммолари. Ўрта Осиё минтақасида (Москва: «Наука» 1975-304 б) китобини келтириш мумкин. Бу китоб ушбу ўқув фани бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмаси ўрнини босаолади. Хусусан, ишнинг «Ареал лингвистик тадқиқ методлари» масалаларига бағишланган учинчи боби ареалогик тадқиқотлари моҳияти ва методлари билан танишиш имкониятини беради.

Ареал лингвистиканинг асосий тушунчалари А.Б.Жўраевнинг «Ўзбекзабон минтақани ареал ўрганишнинг назарий асослари (Тошкент, «Фан» 1991- 220 б) монографиясидан олиш мумкин. Бу монографиянинг «Туркий тиллар ареал лингвистикасининг айрим метадилогик масалалари; Рефлексия ўзбек тилшунослигида лингвоареал тадқиқотларнинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий омили сифатида» деб номланган I ва II боблари лингвоареал тадқиқ мақсади ва усулларини шарҳлагани боис танишиш ҳамда ўрганиш материали сифатида аҳамиятлидир. Бу монографияда **рефлексия** (тажалли) деганда ўзбек шеваларининг ва ёзма ёдгорликларини эмперик (фаҳмий, тавсифий) ўрганиш натижасида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда маълумотларни янги мақсадларга

эришиш учун қайта гуруҳлаш ҳамда таҳлил этиб баҳолаш тушунилади. Шунинг учун А.Жўраевнинг тадқиқоти, XX асрнинг 30-80 йилларида ўзбек шеваларининг маҳаллий-ҳудудий тавсифи натижасида қўлга киритилган маълумотларни, АТМ нуқтаи назаридан қайта баҳолаш ва таҳлил этишга қаратилган. Монографиянинг 186-201 бетларида лингвистик ареалогиянинг энг асосий тушунчаларидан иборат бўлган атамаларнинг турли тадқиқотларда хилма хил талқини (жумладан, лисоний ареал тушунчасининг ўндан ортиқ манбаларда) илова сифатида берилган.

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек лингвоареалогияси бўйича Г.Ф.Благованнр «Туркий тилларда турланишнинг ареал-тарихий тадқиқи» (жанубий-шарқий минтақада) (Москва, «Наука» 1982) тадқиқоти диққатга сазавордир.

Ўзбек тилшунослигида Қосим Мамажонов, Йўлдош Иброҳимов, Нигора Муродоваларнинг докторлик диссертациялари ҳимоя этганликларини ва монография, мақолалар эълон қилганликларини эътиборга олиш зарур.

Шунинг учун бугунги ўзбек тилшунослари олдида турган муҳим вазифаларидан бири диалектологик изланишларнинг, XX асрнинг 70-йилларида, тўхтаб қолган нуқтасидан ареалогик изланишлар даражасига кўтариши ва бу изланишларнинг самараси ўлароқ ўзбек лингвистик атласини тузишга жиддий киришишидан иборатдир.

М.Т.Абдурахмонова
(ЎзМУ ф.ф.н.)

Келишиклар назарияси хусусида

Маълумки, гапнинг формал-грамматик структурасини ҳосил қилишда келишик категориясининг роли каттадир. Чунки эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазифасида келган сўзлар маълум келишик қўшимчаларини оладилар. Масалан: *Аҳмад* (эга) *китобни* (тўлдирувчи) *Ҳалиманинг* (аниқловчи) *столига* (ҳол) *кўйди*. Эга-бош келишикда; тўлдирувчи- тушум келишикда; аниқловчи —қаратқич келишикда; ҳол-жўналиш келишигидаги отлар билан ифодаланган.

Келишик категорияси гапнинг семантик (актант) структурасини ҳосил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гапнинг семантик структурасини баъзи олимлар “актант структура”, “реляцион структура”, “пропозицион структура” деб аташади. Гапнинг семантик структураси объектив борлиқдаги бирор воқеани, вазиятни тилда акс эттиради. Ҳозирда тилшунослиқда бунга алоқадор бирқанча назариялар мавжуд. Масалан, тилшунос олим Л.Теньер ҳар бир гапни театр сахнасига ўхшатади. Агар театр сахнасида воқеа ва ҳодисалар ижроси берилса, гапда бу ҳолат феъл ёки унинг ўрнида қўлланилган бошқа бир сўз орқали ифодаланadi. Саҳнада ҳаракат ижрочилари актёрлар бўлса, гап таркибида ҳаракат ижрочилари

маълум келишиқда келган от ёки унинг урнида қўлланган бошқа сўзлар ҳисобланади. Шунинг учун уларни “ актантлар” деб аташ мумкин, - дейди.

Реляцион структура назарияси И.Сусов томонидан ишлаб чиқилган, яъни бу структура биздан ташқаридаги вазиятни бутунлик сифатида намоён қилади. Унинг қисмлари релятемалар бўлиб, улар вазиятнинг қисмларини, яъни предмет ва белгиларни ифодалайди. Релятемалар сони 16 та деб кўрсатилган. Уларнинг саккизтаси белги предмет релятемалар, саккизтаси белги релятемаларидир. Реляцион структура назарияси Ч.Фильморнинг пропозицион структура назарияси ҳам қисман ўз ичига олади. Реляцион структура назарияси яқинда пайдо бўлган. Шунинг учун бу назария анча ривожлантирилишни талаб этади. Гапнинг учинчи қатлами коммуникатив структурасига (тема-рема) келсак, бу структурани ҳосил қилишда келишиқ категориясининг роли ҳали ўрганилмаган деса ҳам бўлади.

Демак, келишиқ категорияси гапнинг формал-грамматик ва семантик (актант) структураларини ҳосил қилишда фаол қатнашади.

Коммуникатив структурани ҳосил қилишдаги иштироки алоҳида тадқиқот талаб қилади.

М. Абдурахмонова
ЖИДУ

Юрислингвистика соҳасида суд ҳужжатлари тилини ўрганишнинг ўрни ва аҳамияти

Бугунги кунда юрислингвистика соҳасида қонун тили, юридик тил, суд нотиклиги, юридик ҳужжатлар тили ва услуби каби масалаларни илмий тадқиқ этиш, жумладан, ўзбек тилшунос олимлари олдига ҳам бир қатор муҳим вазифаларни қўймоқда.

Маълумки, сўнги пайтларда фанлараро тадқиқотларда ҳуқуқ ва тил ўртасидаги алоқа масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бир томондан, тилшунослик аспекти асосида қонун техникаси, ҳуқуқ ижодкорлигида сўз қўллаш маҳорати, жиноят қидирув ишлари жараёнида тил билимларини қўллаш, бўлажак ҳуқуқшуносларни тайёрлашда уларнинг тил ва нутқ тайёргарлигига муҳим аҳамият берилётган бўлса, иккинчи томондан эса, тилнинг ҳуқуқий аспектини ўрганадиган юридик лингвистика соҳаси ривожланыпти. Хорижий олимлар ҳуқуқ ва тил соҳасининг энг муҳим тадқиқот объектларини белгилаб, улардан суд жараёнидаги нутқий алоқалар, жонли тилнинг кўпвариантлилиги ва кўпмаънолилигини ҳисобга олган ҳолда жонли тил воситасида юридик далиллаш, суд тили, ҳуқуқда тил нормалари, юридик матнга адабий тил нуқтаи назаридан қўйиладиган талаблар каби масалаларга алоҳида урғу беряптилар.

Демак, ҳуқуқ соҳасининг асосида тил ва нутқ ётади. Барча ҳуқуқ жараёнидаги ҳодисалар – бу қонун бўладими ёки суд жараёними – уларда

тил бирламчи бўлиб, нутқ мавжуд. Ҳуқуқ ва тил соҳасининг бир қанча муҳим тадқиқот объектлари бўлиб, уларнинг ҳар бирида ҳуқуқий норма ва тушунчалар фақат тил воситаси орқали ўз ифодасини топади. Шу маънода, тил – ҳуқуқшуноснинг ягона иш қуроли бўлиб, у ҳуқуқий муносабатлар тизими билан ишлашга мослашган бўлиши керак. Бошқача айтганда, тил юридик фаолият воситаси ҳисобланади, жумладан, ўзбек тили давлат тили ва қонунлар тили сифатида ҳуқуқий фаолиятни бошқариш объектига айланади. Шу мақсадда ҳуқуқ тили адабий тилнинг бир кичик услуби сифатида ўзбек адабий тилининг умумий нормалари асосида шаклланиши керак. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқ фаолиятининг барча соҳаларида қўллана оладиган тил бўлиши билан бир қаторда ҳуқуқ тизимида бир хилликни ҳам таъминлайди. Шу ўринда ўзбек қонунлари ва ҳуқуқ тили, суд ҳужжатлари тили миллий тил ва услуб нуқтаи назардан ўрганилишини ва бир шаклга солинишини, қонун матни табиатида мослаштириш ва мукаммаллаштиришини тақозо этади.

М.Абузалова
БухДУ

Грамматик параллелизм - она тили имкониятларининг бир кўриниши

Даврнинг иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёти билан ҳамоҳанг равишда таълим мақсади ҳам тубдан ўзгарди. “Она тили” дастурларини кўздан кечириб эканмиз, уларнинг бошдан оёқ ўқувчиларни тўғри ва мустақил фикрлашга, фикр маҳсулини аниқ ва раво баён қила олишга, бир ахборотни турли шаклларда ифода қилишга қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Грамматик параллелизм ҳодисаси она тили имкониятларини юзага чиқарувчи бир усулдир. «Параллелизм» грекча сўз бўлиб, ёнма-ён борувчи деган маънони билдиради ва унда икки ёки ундан ортиқ ҳодиса, нарсалар ёнма-ён қўйилиб, уларни зидлаш ёки муқояса қилиш орқали фикр конкретлаштирилади, аниқ хулосаларга келинади.

Демак, параллелизмда икки ва ундан ортиқ ҳодиса ёнма-ён қўйилади. Уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида хулоса чиқарилади. Турли грамматик маъноларни ифодалашда, уларни англаб олишда шу усулдан фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келади. Жумладан, миқдор грамматик маъноси нутқда турли воситалар орқали реаллашади ва уларни параллел тарзда ўрганиш грамматик билимларни мустақкамлайди. Миқдор грамматик маъноси нутқда мустақил сўз туркумлари, сўзларни жуфтлаш ҳамда такрорлаш, сон категорияси шакллари воситасида ва бошқа кўринишларда воқеланиши мумкин. Аммо воқеланган маънода миқдорнинг турлича ифода қирраси (аниқ миқдор, ноаниқ миқдор, умумлаштирувчи миқдор...) намоён бўлади.

Ўзбек тилшунослигида айнан бир грамматик маънонинг турли

усулларда ифодаланиши ҳамда бир грамматик шаклда бир неча грамматик маъноларнинг мужассамланганлик табиатини очишга қаратилган ҳаракатлар бугунги кунда янги талқинлар асосида ўз ечимини қутаётган масалалар туркумига киради.

Б.Алиқулов
Қарши ДУ

XXI аср адабиёти таълими мазмунидаги ўзгаришларнинг баъзи қирралари ҳақида

Инсон ҳаёти, орзу интилишлари, севинч армонлари, қайғу-изтироблари, бир сўз билан айтганда, маънавий борлигини бадий образлар воситаси билан акс эттирувчи адабиётга ҳам фанлар қатори дунёда жамиятда ва теварак атрофда содир бўлаётган тарихий ва замонавий ҳодисалар сезиларли таъсир кўрсатади. Шу маънода тарихга қўп халқларнинг ва мамлакатларнинг мустақилликка эришуви, ўз тарихини, маънавиятини ва миллий қадриятларини англашнинг кучайиши шиддаткор тезликлар, ахборот ва ахборот технологиялари, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган XXI асрда адабиёт таълимининг мазмуни ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин. Мустақиллик ўзбек бадий адабиёти ривожига, адабиётшунослик фани ва уни ўргатиш таълими мазмунида янги даврни бошлаб берди. Эндиликда адабиёт таълими мазмунига «социалистик реализм методи» қонуниятлари, коммунистик партиявийлик, синфийлик тамойиллари ўрнини адабий асарларни баҳолашнинг бош мезонлари сифатида юксак бадийлик, янги соф, соғлом миллий ғоялар, мақсад ва интилишлар, умуминсоний маънавий руҳий қадриятлар, миллий истиқлол мафкураси идеаллариға дахлдорлик эгаламоқда.

Хуллас, бугунни кеча ва эрта билан боғлайдиган адабиётни жамиятдан ва инсонлар ҳаётидан айрича қараб бўлмайди. Адабиёт ва жамият ҳамнафас ёнма-ён яшайди. Бу ёнма-ён яшашда адабиёт инсон қалби, унинг руҳияти, туйғулари, ўйлари, маънавиятини бадий ифодалаб, жамият тараққиётига катта таъсир кўрсатади.

Б.Абдушукуров,
филология фанлари номзоди

«Қисаси Рабғузий» асаридаги ал феълнинг маъно нозикликлари

XIV аср бадий обидаси бўлмиш «Қисаси Рабғузий» асари лексикасини тарихий жиҳатдан ўрганиш жараёнида ёлгорликда қўлланилган

истилоҳларнинг аксарияти кўп маъноли сўзлар ҳисобланиб, моносемантик бирликлар ҳам ўз ўрнига эга эканлигини гувоҳи бўлди. Хусусан, қадимги туркий тилда ва «Кутадғу билиг», «Девону луғотит турк» асарларида(2) «олмоқ», «эга бўлмоқ», «керагини олмоқ», «сотиб олмоқ», «тортиб олмоқ», «тутмоқ», «ишғол қилмоқ», «тин олмоқ», «йиғмоқ», «алик олмоқ», «ўғит олмоқ», «кутиб олмоқ», «кафолат бермоқ», «мақтовга сазовор бўлмоқ» маъноларида истифода қилинган ал= ҳаракат феъли(3) қиссада қуйидаги маъноларни билдирган:

1. Ал лексемаси «Қисаси Рабғузий» ёдномасида ўзининг бош(денотатив), яъни **«бирор нарсани ушлаб ёки тутиб қўлга киритмоқ»** маъносида қўлланишда давом эттирган: яна кунда икки кумуш мандин алур... (239г19).

2. **«Харид қилмоқ, сотиб олмоқ»:** Мундаг сигир кимда бар эрса кэлтурсун ағир баҳаа бэриб алурман(128в1).

5. **«Асрамоқ, ўғил қилиб олмоқ»:** Сэн бу оғланни мэнин? қапуғимда қойғил, кишилар кэлиб асрамақға қолғайлар. Анчада сэн асрамақға алғил, тэди(33в5).

6. **«Кўнгил овламоқ, таскин бермоқ»:** Конулларни йахшилиқ бирла алғайсэн(177в8).

7. **«Тутмоқ»:** Оғлум тэйу илкимдан ким алғай, улғартмишда кимни атам тэгай, тэб йиғлади(183г5).

8. **«Меҳмон қилмоқ, едириб-ичирмоқ»:** Йарлиғ кэлди: манин? халқимни мандин озга ким қонуқлай алур(138г21).

9. **«Бажармоқ, уддаламоқ»:** Бани Исраилда бирагу умматин? бу йукни котара алмағай(213в3).

11. **«Рухсатсиз, ноўрин қўлга киритмоқ»:** Муавийанин? баши йастуқға тэгди эрса Йазидга васият қилди: Хусайинни ағирлағил, сана кэлмишта оз орнинда олтуртғил. Мал қолса бэргил. Бу қамуғ уларнин? ҳаққи турур. Йолсуз алиб турурман, тэди(244г12).

Айни пайтда, лексик бирлик –и(б) аффиксли равишдошлар ҳамда равишдош формасидаги бошқа феъллар билан бирикиб, қўшма феъллар ҳосил қилган ва бир қатор семаларни ифодалаган:

12. **«Тортиб олмоқ»:** Сэни оғланларин? бирла олтурурман, қизини тартиб алурман(63в4).

13. **«Олиб қолмоқ»:** Биз Йусуфға мундаг ограту бэрдук, қариндашинни бу адаа бирла алиб қалғил (97в10).

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, тарихий тараққиёт жараёнида тилдаги сўзлар бош маъносидан ташқари кўчма маъноларига ҳам эга бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, сўз маъноларининг ривожланиш қонуниятларини диахрон аспектда текшириш тилнинг лексик бойлигини аниқлашга, луғатлар тузиш ишларига ёрдам беради.

Ўзбек тили дарсларида таълимнинг фаол усулларидан фойдаланиш

Ўзбек тилини ўрганиш орқали, шу халқнинг ҳаёти, маданияти, тарихини билиш имконияти пайдо бўлади. “Тилни билиш элни билиш демакдир”, деб бежиз айтилмаган.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўргатишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришдан иборатдир. Бу эса ўқитувчидан айнан, шу соҳа мутахассисидан кўплаб ижодий ишлашни талаб қилади.

- ўқувчиларни ўзбек тилида фикрлаб, гапиришга ўргатиш;
- расм ва фотоальбомлар, диафильмлар ёрдамида кўрганларини ҳикоя қилишга ўргатиш;

- тил ўргатишда амалий таржималардан фойдаланиш ва сўз бойлигини ошириш, ўзбек тилининг маъно нозиклиги билан таништириш;

- дарсларда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган матнларни таҳлил қилишда, топшириқли машқларни бажаришда тарих, адабиёт, табиат, эстетика, математика, физика, химия фанлари билан боғлаб фанлараро боғланишни ташкил этиш орқали шу фанга бўлган қизиқишларини ўстириш;

- дарс жараёнида турли хил таълимий ўйинлар орқали ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, сабр-тоқатлилигини, меҳр-оқибатини ҳис эттириш болаларда ўзбек удуларига меҳр уйғотиш билан биргаликда уларнинг диққатини тўплаш, фикрни тезлик билан жамлашга эришиш;

- ўқувчиларнинг ҳар бир машғулотда мутахассисликка оид ўзбекча газета ва журналлардан кичик ҳажмли хабарномаларни ифодали ўқиш ёки ҳикоя қилиб беришни йўлга қўйиш. Нотаниш сўзларнинг лугатини тузиш ва уларни ёд олишни талаб қилиш;

- ўқувчиларда тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантирувчи машқлардан фойдаланиш, тилимиздаги омоним, пароним сўзларнинг фарқига бориш, маъносини тушунтиришга эришиш.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилини ўқитишимиздан мақсад, ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ўстириш, фикрларини аниқ, равшан ва тўғри ифодалай олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Р. Бобокалонов
БухДУ доценти, каф. мудири

Лингвистиканинг дастлабки назарий масалаларига янгича муносабатлар

Ҳарчи ҳали лингвистика фалсафадан ажралмаган ҳолда ўрганиб келинаётган бўлса ҳам, Европа тилшунослик мактаблари орасида XIX

аср мобайнида ёш грамматистларнинг мавқеи баландроқ бўлди. Улар янги методлар ва кашфиётлар билан бирга лингвистиканинг янги йўналишлари сари далил-воситалар қидира бошлашди.

Бенедетто Кроснинг фикрича, билимнинг икки шакли мавжуд: 1) аниқ ёки мантиқий билим, 2) тасвирий ёки ақлий билим. “Билим тасвир ва тушунчаларда ўз ифодасини топади. Аниқ ёки мантиқий билим ҳам ифода ҳисобланади. Ифода актуализация кўринишидир. Ҳаракат эса хоҳишнинг актуализациясидир”.

Крос эстетикани лингвистика билан тенглаштиради. “Тил ифода воситасидир. Ва агарда лингвистиканинг объектида ифода бўлса, унда лингвистика ва эстетика ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.” Бу факт орқали Крос тил ва поэзияни бирга қиёслашни маъқуллайди.

Карл Вослер ва италян тилшуносларининг янги вакиллари эса Б.Крос ва Европа лингвистикаси ютуқларига бефарқ бўлмадилар. Вослер учун тил индивидуал ижод ҳисобланди. “Тил тасвир ва аниқлаш ҳисобланса, лингвистика стилистиканинг бир бўлими бўлиб қолади. Тил тарихчиси санъаткор тарихшунос олимлар қаторидан жой олади” (*Sprache als Schöpfung und Entzicklung*, 1905). Вослернинг идеализми билан ёш грамматистлар ўртасидаги кескин фарқ фонетик қонуниятларда изоҳланди. Вослер грамматистлардан фарқли ўлароқ, асосан, тилнинг фонетик сабабларига қизиқди.

Испан лингвистик мактаби ҳам ўзига хос тарзда ўсиб борди. Унинг асосий ташкил топтирувчиси Рамон Мененди Пидалдир (*Brigenes del espanyl, 2-ed.*, 1953). У тарих ва адабиёт, маданият ва тил ичидаги мавжуд алоқаларни - лингвистик тадқиқот комбинацияларини амалга оширди. У лингвистика тарихи, тасвирий ва тарихий испан диалектикаси, маданият ва ахлоқ тарихи ҳақида ўз асарларида маълумот берди.

Дон Рамоннинг ижодий натижалари ва ютуқлари, испан неограмматистлари лингвистик мактабининг мақсад ва вазифаларини ўзида ифодалади. Испан лингвистик мактаби ғоялари Диего Каталани Менендес Пидалнинг “*La escuela linguistica y su concepción del lenguaje*, 1955 ва бошқа асарларида алоҳида кўзга ташланади. У испан диахроник лингвистикасининг муаммоларини ва унинг диалектларини, айниқса, Лотин Америкасида испан тилининг ҳар хил шаклларини ўрганиш устида изланишлар олиб борди. Ана шу тарзда лингвистиканинг назарий масалаларига Европа файласуфлари ва тилшунос олимлари ўзларининг муносабатларини намоён эта бордилар.

Ж.Ш.Джумабаева
ЎзМУ, катта ўқитувчи

Она тилини қиёсий ўрганиш

Ҳозир хорижий мамлакатлар, меҳмонлар, шахслар билан мулоқотда бевосита она тилимизда фойдаланиш ва она тилимизга таржима қилиш

имкониятига эгамиз. Шунинг учун ҳам она тилимиз ва чет тилларидаги бирликлар ўртасида ўхшаш ва фарқли томонлар яққол кўзга ташланади. Бу фактни тасдиқловчи кўпгина мисоллар келтириш мумкин, ammo биз имкон даражасида айримлари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Бинобарин, инглиз тили дарсларида қуйидаги ҳолатларга талабалар диққатини тортамыз:

1) ўзбек ва инглиз тилларида кесимнинг мавқеи;

2) ўзбек ва инглиз тилларида эганинг мавқеи;

3) ўзбек ва инглиз тилларида содда гап асоси;

4) ўзбек ва инглиз тилларида сўз ва гап кенгайтирувчилари;

5) ўзбек ва инглиз тилларида бир таркибли гаплар ва бошқалар. Бу каби масалалар сирасини давом эттириш ва булар фақат синтаксис эмас, балки тилшунослик фанининг ҳар бир соҳасида мавжудлигини қайд этишимиз мумкин. Ушбу соҳада изланиш олиб борган турколог олимларнинг ишларида юқорида қайд этилган масалалар бир қадар ўз ечимини топган. Масалан:

1. 2) кесим ва эганинг мавқеи.

3) сўз ва гап кенгайтирувчилари ҳақида фикр юритилаётганда содда гапнинг максимал қурилиш қолипи [E – H – WPm]га асосланиб, кесим, эга ва ҳолнинг гап лисоний сатҳидан ўрин олган бўлаклари билан иш кўрамыз.

4) ўзбек ва инглиз тилларида содда гап асоси:

4.1) ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи – [WPm]:

сўз ва гап

кенгайтирувчилари

... келдим//...

чексиз

истаган атов бирли
ги + кесимлик кўр-
саткичлари

4.2) инглиз тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи – [S →P]:

I come

I came

You come

you came

She comes

she came

5) ўзбек тилида бир таркибли содда гап мавжуд, инглиз тилида – йўқ ва, одатда, у формал эга *it* орқали берилади.

И. Йўлдошев
ТДПУ профессори

Навоийнинг ўзбек терминологияси шаклланишидаги ўрни

Дунёдаги мавжуд икки мингдан ортиқ тилнинг олтмишга яқинидагина илмий терминология масалалари тадқиқ этилади ва у уч юз атрофидаги касб-хунар доирасини қамраган, холос. Кўринадики, ҳар бир тилда ишланган соҳалар терминологияси у қадар кўп сонни ташкил этмайди. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ўзбек тили лексикасининг бойишидаги хизматлари беқийсдир. У зарур ҳолларда араб ва форс-тожикча

сўзларни қўллаш билан бирга ўзи янги сўзларни ҳам яратган.

Дунё тилшунослигида, хусусан, рус тилшунослигида рус терминологиясининг шаклланиши XVIII асрдан, яъни буюк рус олими М.В.Ломоносов илмий ижоди билан бошланганлиги эътироф этилади¹. Ҳатто, «Ломоносовга қадар ... олимлар ўзларини соқов каби ҳис этганлар» ҳам дейилган². Бу фикрларни келтиришимиздан асосий мақсад Навоий даҳоси олдида яна бир бор таъзим бажо келтиришдир. Чунки буюк Навоий қолдирган адабий-илмий мерос XI-XII асрларда шакллана бошлаган ўзбек китобатчилик терминологиясининг XV-XVI асрларга келиб тўлиқ шаклланиб улгурганлигини асослайди. Демак, китобатчилик терминологияси тимсолида ўзбек терминологиясининг шаклланиш илдизлари бундан минг йиллар аввалги тарихга боғланади. Бу боғланишдаги йўл ва кўприк вазифасини Навоий ва у қолдирган бой адабий-илмий мерос ўйнайди.

Алишер Навоий ўзининг деярли барча асарларида қалам аҳлига ўз муносабатини билдириб ўтади. Уларни таърифлашда котиб терминига маънодош йигирмадан ортиқ сўздан санъаткорона фойдаланади. Улар: *хаттот, битикчи, қаламзан, рақамзан, хушнавис, роқим, муҳаррир, ҳуруф роқими, мунший, рақамкаш, қаламкаш, нависанда, аҳли қалам, қалам аҳли, котиб, ёзғувчи, варақнигор, варақнавард, мусанниф, битгучи, бахши, дабир, муҳафнавис, тасниф аҳли, таълиф хайли* ва бошқ. Кўриниб турибдики, Алишер Навоий ўз асарларида бошқа тиллардан ўзлашган ҳамда янги ясалган сўзларга кенг ўрин беради. Навоий тил қонуниятларини бузмаган ҳолда кўпгина сўзларни ижод этиб, уларни ўз ўрнида моҳирона қўллай олган. Демак, Навоий чет сўзларга жуда тўғри муносабатда бўлган. Кўпинча баъзилар чет сўзлардан бутунлай воз кечишга ундайдилар ёки чет сўзлар ҳисобига ўз сўзларини йўқотишни талаб қиладилар. Алишер Навоийда бунинг том аксини кўрамиз. У туркий сўзлар билан бир қаторда форс ва араб сўзларидан ҳам унумли фойдаланган

Д. Йўлдошева
БухДУ

Таълим мазмунининг унинг мақсадига мувофиқлиги – ақлий ин-теллектуал тараққиёт гарови

Таълим мазмуни унинг мақсадига мувофиқ тарзда танлангандагина, у таълим натижасининг самарадорлиги, ўқувчиларнинг интеллектуал ақлий тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Унутмаслик керакки, ҳар қандай таълим жараёни эмас, балки ўқувчида ижодий, мустақил фаолият кўрсатиш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган ўқув-билув жараёнигина ўқувчиларнинг ақлий интеллектуал тараққиёти, ижодий мустақил фикрлашини таъминлашга хизмат қила олади. Ўқув материални, шу жумладан, она тили дарсларида тилшунослик фани асосларини таъ-

қил этган қоида ва таърифларни қуруқ ёдлаш, уни тушуниб тушунмай қабул қилиш, олдинги дарсларнинг материалларини амалий жиҳатдан ўзлаштирмай туриб янги материални ўрганишга уриниш ўқувчининг билиш, мустақил фикрлаш, ижодкорлик каби кўпқиррали фаолиятини ривожлантиришга муайян даражада тўсқинлик қилади. Таълим жараёнидаги фаоллик, шу жумладан, тил воситаларини фаол ўзлаштириш кўп жиҳатдан инсон (ўқувчи)нинг шахсий эҳтиёжлари билан боғлиқ. Бу эҳтиёж эса ўз навбатида ўқувчи фаолиятининг асосий йўналишини белгилайди. Ўқувчи фаолиятининг асосий йўналиш ва мазмунини қуйидагилар ташкил қилиши лозим:

1) давлат ва жамиятнинг таълим олдига қўйган талаблари ҳамда ўқувчи шахсининг билим олиш, уни амалда қўллашга бўлган эҳтиёжлари. Бу эҳтиёж ҳамда талаблар билим ва тушунчаларни ўзлаштириш, ахборотларни эгаллашга бўлган интилиш ва рағбатни вужудга келтиради;

2) ахборотларни ўзлаштириш жараёни ўқувчиларда ўқув материалларини ўрганишга қизиқиш уйғотади. Ўқувчилар бу жараёнга ўқув-билув фаолиятининг ўзига хос кўриниши сифатида ёндашадилар.

Ўқувчиларда ўқув материалларини ўрганишга нисбатан қизиқишларнинг пайдо бўлишида таълим мазмунининг унинг мақсадига мувофиқ тарзда танланганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, худди мана шу мақсадга мувофиқ тарзда танланган таълим мазмуни ўқувчиларни ақлий-интеллектуал фаолликка рағбатлантира олади. Шундагина ўқувчи шахсининг умумий ривожланишига эришилади. Таълим мазмунининг унинг мақсадига мувофиқлигини таъминлаш ўқувчилар ўқув-билув фаолияти, ўқув материалларини ўзлаштириш ва улардан ижтимоий ҳаётда ўринли фойдалана олиш имкониятини кенгайтиради.

Маъруфжон Йўлдошев
ТДПУ

Матн бутунлигини таъминловчи воситалар

Матн камида иккита гапдан тузилган мураккаб синтактик бутунлик. Гаплар ўзаро турли синтактик алоқа воситалари ёрдамида бирикади. Уларга такрорий бўлақлар, олмошлар, хиазматик конструкциялар, замон ва макон ифодаловчи бирликлар, кесимларнинг замон шакллари, модал сўзлар каби турли лексик-грамматик бирликлар киради.

Матн таркибидаги гаплар фақат структурал жиҳатдан эмас, балки мазмунан ҳам бир-бирини тақозо қилиши керак. Матн бутунлигида гаплараро мазмуний яқинлик қанчалик аҳамиятли бўлса, мазмун изчиллиги ҳам шунчалик муҳим. Масалан: 1.Ховли ёғ тушса ялагудек топ-тоза бўлди. 2.Аҳмад бугун ҳам дарсга келмадими? 3.Ҳар қандай чуқурликдан ҳам юксакликка кўтарилиш мумкин. 4.Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга орзу улашишдан, орзу қилишни ургатишдан иборат бўлмоғи лозим.

Юқорида тўртта гап кетма-кет келтирилди. Лекин уларда мазмуний яқинлик йўқ. Қуйидаги гаплар йиғинида эса мазмуний яқинлик кўзга ташланади, лекин мазмун изчиллиги йўқ: 1. Қаламқашнинг Сўзи бир йўла ўн минг, юз минг китобхонга етиб боради. 2. Демак, унинг Сўз масъулияти ҳам бошқаларникидан минг ҳисса ортиқроқдир. 3. Мактаб ўқитувчисининг Сўзи ўттиз болага етиб боради. 4. Нотиқнинг Сўзи минг тингловчига етиб боради. 5. Дорилфунун домласининг Сўзи юз талабага етиб боради.

Юқоридаги гаплардан матннинг сўз ва унинг масъулияти ҳақида эканлигини пайқаш қийин эмас. Бу гаплар йиғинида мазмун яқинлиги бор, лекин изчил эмас. Гапларнинг кетма-кетлиги бузилганлиги туфайли мазмун изчиллигига ҳам путур етган. Энди мазкур гапларни қайта териб чиқамиз:

Мактаб ўқитувчисининг Сўзи ўттиз болага етиб боради.

Дорилфунун домласининг Сўзи юз талабага етиб боради.

Нотиқнинг Сўзи минг тингловчига етиб боради.

Қаламқашнинг Сўзи бир йўла ўн минг, юз минг китобхонга етиб боради. Демак, унинг Сўз масъулияти ҳам бошқаларникидан минг ҳисса ортиқроқдир. (Ў. Ҳошимов)

Муаллиф айтмоқчи бўлган фикр, аслида, охири гапда келтирилган. Агар ёзувчи фақатгина охири гапни келтириб қўя қолганида, ўша фикрнинг таъсирчанлиги бўлмаслиги мумкин эди. Адиб мақсадини қиёслаш усулидан фойдаланиб тўла ва аниқ етказишга эришган: ўқитувчи ва бунга параллел равишда ўттиз бола, домла - юз талаба, нотиқ - минг тингловчи, қаламқаш - ўн минг, юз минг китобхон. Бу матндаги қиёс поғонама-поғона «кенгайиб борувчи» лексик-семантик бирликлар фониди янада аниқ ифодасини топган:

Демак, матннинг бутунлигини таъминлашда гаплараро мазмуний яқинлик ва изчилликнинг мавжудлиги, беқусурлиги бениҳоя муҳим аҳамиятга эга экан. Айниқса, бадий матннинг таркибланишида бу икки тушунчанинг ўрни беқиёсдир.

**Ш. Кўчимов,
ЖИДУ**

Юридик атамашуносликда синонимия муаммоси

Тилшуносликда синонимия ижобий ҳодиса ҳисобланиб, у шу тилнинг бойлигидан дарак берувчи энг муҳим омил сифатида қаралса, атамашуносликда салбий ҳодиса ҳисобланади.

Юридик атаманинг сўздан фарқ қиладиган энг муҳим белгиси махсус ҳуқуқий тушунчанинг фақат бир ном билан юритилишидир. Яъни математик тил билан айтганда “бир тушунча ҳар доим бир номга тенг бўлиши лозим”. Акс ҳолда бир тушунча бир нечта сўзлар билан ифодаланса, бу ҳолат шу атаманинг атамалик хусусиятига зид ҳодиса ҳисобланади.

Ўзбек юридик атамашунослиги бўйича кузатишларимиз шуни

қўрсатдики, юридик атамашунослиқда синонимия ҳодисаси жуда кенг тарқалган. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

Бугунги юридик тилимизда рус тилидаги *показание* атамаси ҳозирда қонунларда *кўрсатув* шаклида ишлатилмоқда. Бундан ташқари, бу атама турли хужжат ҳамда ҳуқуқшунослик фанига оид илмий-оммабоп нашрларда *кўрсатма*, *кўрғазма*, *кўрғазув* каби шаклларда ҳам учрайди. 1993 йилги “Юридик атамалар ва иборалар лугати”да ҳам бу атама *кўрсатув*, *гувоҳлик*, *сўроқ бериш* тарзида берилади. Кўринадики, бу атама ўзбек тилида *кўрсатув*, *кўрсатма*, *кўрғазма*, *кўрғазув*, *гувоҳлик*, *сўроқ бериш* каби олти атама билан ифодаланапти.

Рус тилидаги *прекращение (дело), окончание (дело), приостановление (дело)* атамаларининг ўзбекча вариантлари турли-туман шаклларда маъноси фарқланмаган ҳолда ишлатилмоқда. Масалан, *прекращение (дело)* атамаси Жиноят-процессуал кодексида (373,374-моддаларда), хўжалик-процессуал кодексида (86, 87-моддаларида) *(ишни) тугатиш* тарзида берилган бўлса, “Юридик атамалар ва иборалар лугати”да эса *ишни ётқизиш*, *бекор қилиш* тарзида ифодаланган. Шунингдек, бу атама айрим хужжатларда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларнинг тилида *(ишни) тамомлаш*, *(ишни) тугаллаш* шаклларида ҳам ишлатилади.

Кўринадики, ўзбек юридик атамашунослигида синонимия ҳолати жуда ҳам кенг тарқалган. Бунга асосий сабаб, биринчидан, собиқ шўролар пайтида узоқ йиллар давомида ўзбек юридик атамаларига бефарқ қаралгани бўлса, иккинчидан, ҳозирги кунда аксарият қонунларнинг аввал рус тилида тайёрланиб сўнгра ўзбек тилига таржима қилинишидир. Айниқса, ҳуқуқий билимлардан ҳамда юридик атамалардан хабарсиз бўлган бошқа соҳа мутахассис-таржимони маълум бир ҳуқуқий нормани ифодалашда юридик тилда қабул қилинган атамаларни эмас, балки шунга яқин маъноларни ифодаловчи сўзларни ишлатади. Натижада, бундай сўзлар қонун матнига кириб қолиб, юридик атамаларда синонимия ҳодисасининг кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун қонун лойиҳасини даставвал ўзбек тилида тайёрлашга эришиш, сўнгра унда ишлатилган ҳар бир атама устида чуқур ўйлаб кўриш ва юридик тилга қабул қилинган атамаларнигина ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, юридик атамашунослиқда синонимия ҳолатини бартараф этиш учун шу соҳага бағишланган махсус илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, унда асосий эътибор юридик тилдаги барча юридик атамаларни шакл ва мазмун жиҳатидан ўрганиб чиқиб, уларнинг ягона шаклларини ишлаб чиқиш ва амалиётда уларни барқарорлаштиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу ўзбек ҳуқуқшунослари ва тилшунослари олдидаги энг муҳим долзарб вазифалардан биридир.

Сўзлардаги кўп маънолилиқни «Девону луғотит турк» асосида шарҳлаш

Маҳмуд Қошғарий «Девон»да сўзларда кўп маънолилиқнинг келиб чиқиш сабаблари, унга таъсир қилган воситалар, яъни бир сўздан иккинчи сўзга маъно кўчишида асос бўлган нарса ёки белги ҳақида маълумот беради. Энг асосийси, олим кўп маънолилиқни сўзларнинг этимологияси билан боғлаб шарҳлайдики, бу жиҳатларнинг барчаси ХХI аср тилшунослиқ таълимида муҳим аҳамият касб этади.

1. Олимнинг қайд этишича, кўп маънолилиқ фонетик усул билан юзага келади.

а) товушларнинг иккиланиши асосида.

Масалан: «Тикан – тикон. Бу сўзнинг енгил, қисқа шаклидир. Қоидага қараганда икки к билан ... тиккан бўлиши керак эди. Чунки бу сўз илиш, тикиш маъноларидаги ... тики дан ясалгандир. Бу ердаги коф ...к ҳарфи ўзакнинг асл ҳарфидир. Бу ўзақдан сифат яшаш учун иккинчи бир к қўшиш керак бўлади... агар ўзакнинг ўзида ҳам к ҳарфи бор бўлса, у вақтда иккинчи бир к орттириб сингдириб талаффуз қилинади ... тиккан шундандир, лекин енгиллик учун бир к туширилгандир».

б) товушларнинг такрорланиши натижасида. Маҳмуд Қошғарий шарҳича, туркий тилларда товушлар ҳар қандай ҳолатда такрорлана бермайди. Товушлар баъзан муболага учун такрорланиб, натижада, сўзда кўп маънолилиқ ҳосил бўлади: эссиз-эссиз киши – юзсиз, уятсиз, яхшилиқни билмайдиган одам. Бу сўзда с ҳарфининг такрорланиши муболага учундир. (1,163)

2. Кўп маънолилиқ лексик усул билан пайдо бўлади. Маҳмуд Қошғарий изоҳича, туркий тилларда сўзлардаги кўп маънолилиқнинг ҳосил бўлиши лексик усулда ғоят сермаҳсул бўлган. Мазкур усул ёрдамида якка сўзларда бўлганидек, халқ мақолларида ҳам кўп маънолилиқ юзага келган.

3. Маҳмуд Қошғарий «Девон»да сўзлардаги кўп маънолилиқ морфологик усул билан ҳам шаклланишини қайд этади.

Дарҳақиқат, биз сўзлардаги кўп маънолилиқни агар «Девону луғотит турк» асосида шарҳлайдиган бўлса, кўп маънолилиқ билан шаклдошлиқ (омонимик) муносабатини ҳам ўқувчи ва талабаларга аниқроқ изоҳлаб берган бўлардик. Чунки, ҳозирги дарслик ва қўлланмаларда шаклдош (омоним) сифатида тавсия этилаётган баъзи сўзлар «Девон»да кўрсатилишича, кўп маъноли сўзлардир.

Хорижликларга ўзбек тилини ўқитиш масалалари

Истиқдол шарофати билан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топди ва обрў, нуфузга эга бўла бошлади. Жаҳоннинг юзлаб мамлакатлари билан иқтисодий-ижтимоий, маданият, илм-фан, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорликлар республикамизнинг давлат тили бўлиши она тилимизнинг миллатлараро алоқа воситасига ҳам айланиши учун шарт-шароит яратмоқда. Ўзбек тилининг жаҳондаги бир қатор нуфузли университетларда ўқитилиши ва, айниқса, кейинги йилларда хорижлик турли соҳа мутахассислари, тадбиркорлар ва талабаларнинг Ўзбекистонга маълум муддатга фақат ўзбек тилини ўрганиш мақсадида келаётгани фикримизнинг далилидир. Биргина ўтган ўқув йилининг ўзида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан Жанубий Кореядан келган 4 та талаба, шу университет қошидаги тил ўрганиш марказида эса 50 дан ортиқ тингловчи ўзбек тилини ўрганиб, ўз юртларига қайтиб кетдилар. Уларнинг юртимизга келажакда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар очиш, тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида бевосита фақат ўзбек тилини ўрганиш мақсадида келаётганлари, албатта, ҳам юртимизнинг, ҳам тилимизнинг равнақи учун катта аҳамиятга эга. Бу эса айти пайтда хорижликларга ўзбек тилини ўргатиш бўйича ўқув дастурлари, дарсликлар ва услубий қўлланмалар яратиш масаласини ишлари суради.

Куйида ўтган ўқув йилларидаги тажрибаларга асосланган ҳолда хорижликларга ўзбек тилини ўргатиш бўйича 3 босқичли ўқув дастурининг қисқача мазмунини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Биринчи босқич кучсиз (0) босқич бўлиб, унда хорижлик тингловчиларни ўзбекча талаффузга, ўзбек тилининг специфик нутқ товушлари талаффузига ўргатилади ва зарур сўзлар луғати билан таъминланади. Бунинг учун 6 ҳафта давомида хорижлик фуқаролар, аввало, ўзбек алифбоси билан таништирилади ва маданий-маиший соҳалар бўйича энг кўп учрайдиган сўзлар устида луғат иши олиб борилади. Бу босқичда тингловчилар камида 500-600 сўзни ўзлаштиришлари керак. Бунда ҳар бир дарс кўрсатмалилик асосида олиб борилиши зарур: расмлар воситасида, нарса-буюмларнинг ўзини кўрсатиш, уларнинг ранги, хусусиятини тушунтириш, видеосюжетлар билан ишлаш, жонли мулоқот воситасида талабаларга ушбу сўзлар сингдирилади. Айти вақтда сўзларнинг қайси туркумга тааллуқли экани, унинг асос ва қўшимча қисмлари, қўшимчаларнинг қандай грамматик ва лексик маъно ифодалашга хизмат қилиши ҳам тушунтириб борилади.

Иккинчи босқич ўрта босқич ҳисобланади. Бунда хорижий фуқароларнинг 10 ҳафта давомида янги сўзларни ўзлаштиришни давом эттирган ҳолда асосан ўрганган сўзларини нутқда мулоқот жараёнида

қўллаши назарда тутилади. Бу босқичда талабалар ушбу сўзларни бир-бирига боғлаш учун зарур бўладиган грамматик воситалар, сўзларнинг турли грамматик шакллари ҳақида ҳам маълумот оладилар. Сўзларни ўзаро бириктириб, сўз бирикмаларини ҳосил қилдириш, *Бу нима? (ким?)*; *Ким (нима) қандай? (нечта?)*; *Бу кимнинг (ниманинг) нимаси (кими?)*; *Кимни (нимани) кўрдим?*; *Кимга (нимага) бердим?*; *Кимдан нимани олдим?*; *Ким билан қаерга бордим? (қаерга келдим?)* каби сўроқларга жавоб бўладиган сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар воситасида диалоглар туздирилиб, талабалар билан суҳбат ташкил қилиб борилади. Дарснинг энг фаол усули – жонли мулоқот, ўқиш, ўзаро суҳбат, ўқигани, эшитгани ва расм асосида сўзлаб беришдир.

Учинчи босқич кучли босқич бўлиб, бунда хорижлик талабалар коммуникатив методнинг функционал-семантик тамойили асосида ўзбек тилининг грамматикаси билан таништирилади. Уларга ўзбек тилидаги сўз таркиби, сўзларни ўзаро боғлашга хизмат қилувчи грамматик категориялар: эгалик, келишик ва шахс-сон қўшимчаларининг қўлланиш хусусиятлари, сўз туркумлари, уларнинг гапдаги вазифалари, ўзбек тилида гап тузилиши, гап бўлаклари ва уларнинг гапдаги тартиби, фикр ифодалашнинг синтактик-синонимик воситалари ҳақида назарий маълумот берилади ва амалий машқлар орқали уларда нутқий кўникма ҳосил қилдириб борилади. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, систематик грамматикани ўтиш хорижлик талабаларнинг ўз истаклари, сўровлари асосида режалаштирилди.

Хорижлик талабаларни ўзбек тилига ўргатиш бўйича олиб бориладиган 2 йиллик тажриба шунини кўрсатадики, ушбу 3 босқичли ўқув дастури ўзбек тилини интенсив ва тўлиқ ўргатишга ёрдам беради. Талабалар 9 ой муддатда ўқиб, гапириб бера оладиган, ўз фикрини ёзма ёзиб бера оладиган даражага эришдилар. 2004-2006 йилларда олиб борилган тажриба-синов ишлари мазкур ўқув дастури асосида хорижликлар учун “Ўзбек тилини интенсив ўргатиш” бўйича дарслик яратиш ва мустақил Ўзбекистоннинг давлат тилини жаҳон ҳамжамиятидаги ҳамкорларимизга ўргатиш ишларини кенгайтириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири деб ўйлаймиз. Зеро, XXI аср республикаимизнинг давлат тилини ўзбек тилини миллатлараро алоқа воситасига айлантатириш учун кенг имкониятлар очмоқда.

Т. Нафасов
Қарши ДУ

Паронимлар ва уларни таълим тизимида ўрганиш

1. Юнонча *рага* (яқин, ўхшаш) ва *опита* (ном) сўзларидан тузилган пароним атамаси оҳанги яқин сўзлар демакдир. Паронимлар талаффузи, товушлар таркиби яқин, бир-бирига ўхшаб кетадиган сўзлар қаторидир.

Паронимлар, асосан, тил бирликлари орасида бўлади: *жййрон-жайрон, ҳалак-ҳалок, мақом-муқом*. Тил бирлиги сифатида иккита лексема бир-бирдан асосан битга, баъзан иккита ҳарф-фонемаси билан фарқ қилади. Нутқ сатҳида эса, улар бир-бирига ўхшаш талаффуз қилинади. Ана шу хусусиятига кўра, паронимик уядошликни ҳосил қилган жуфтликларни талаффуздош сўзлар деб аташ мумкин: *ўқув-уқув, хол-ҳол, сана-сано, алифбе-алифбо*.

2. Паронимлар уч томонлама муносабатга кирадиган бирликлар уядошлигини ташкил қилади: маъно жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган лексемалар ва сўзлардир, шаклий жиҳатдан ёзувда алоҳида, мустақил луғавий бирликлар саналади, оғзаки нутқда талаффуз жиҳатдан бир-бирига ўхшашлик ҳосил қилади. Дастлабки икки белгиси тил босқичига хос бўлса, сўнггиси нутқ босқичида юз беради. Нутқий амалиёт паронимларни гап таркибида қўллашда ўзига хос, алоҳида ҳушёрликни, зийракликни талаб қилади:

Севинчни қайғуга қилиб омухта, Дунёни яратди бу кўҳна тақдир (Шухрат). Фарҳод олиб жаҳонномасин. Бир боқди-ю жим қолди... Нима? (Султон Жўра).

Омухта-омихта, жаҳоннома-жаҳоннамо паронимик уядошлигида у-о, оа-ао товуш ўзгариш тафовути мавжуд: омухта - ўрганган, билиб олган, омихта - аралаш, аралаштирилган; жаҳоннома - жаҳонга тарқатиладиган мактуб, жаҳоннамо - жаҳонни акс эттириб кўрсатадиган асбоб, ойнаижаҳон. Ана шу маъновий фарқни англамасликдан матнда мазмуний хатога йўл қўйилган. Бошланғич, ўрта, ўрта махсус (колледж, лицей) ва олий таълимда паронимларни алоҳида маъновий, шаклий ва оҳанг (талаффуз) хусусиятига эга бўлган тил - нутқ категорияси сифатида ўқитиш ва ўрганиш – долзарб масаладир. Сифат асри сифатида эътироф этилаётган ХХI асрда паронимик уядош сўзлар гуруҳини ўрганиш ёш авлоднинг лисоний-нутқий маданияти ва маънавиятини юксалтирувчи омиллардан биридир.

3. Ўзбек тили паронимларга бой тил. А.Маъруфов томонидан тузилган «Паронимлар луғати» (1974) да 240 та паронимик уядош жуфтлик маъновий изоҳланган. Ушбу сатрлар муаллифи томонидан тузилган талаффуздош сўзлар луғати қарийб 1,5 минг жуфтликни қамраб олган. Кўп лаҳжали, хилма-хил шевали ўзбек тилининг луғавий хазинаси қадимги суғдий, хоразмий, форс, тожик, араб, хитой, мўғул, рус ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардан иборат бўлганлиги боис хилма-хил паронимик уядош жуфтликлар мажмуини ташкил этган. Нутқда паронимлар ўртасидаги фонетик-фонологик тафовутни, чегарани аниқлай олмаслик ёзма ва оғзаки нутқда жиддий мазмуний, манتيқий чалкашлик ва хатоларни юзага келтириши табиий.

4. Паронимик уядош жуфтликлар ёзма ва оғзаки нутқга кўрк беради, оҳангдорлигини оширади. Товуш таркиби бир-бирига яқин туб ва ясама сўзларни қўллаш орқали бадий санъатларнинг бир неча турлари нутқда намоён бўлади. Маъновий нозиклик ва луғавий хилма-хиллик нутқнинг

таъсирчанлигини таъминлайди: *рӯё-риё, адип-адиб, обрӯ-абрӯ, маҳал-маҳол, куй-кӯй, даҳа-даҳо, бурч-бурж*. Шеърят *қофия* санъатининг лисоний ифодаланишига асос яратади. *Мақолларда*, айниқса, паронимлар кўп қўлланган. Топишмоқларда ҳам талаффуздош сўзлар анчагина. *Аския* санъатида паронимлар орқали турли сўз ўйинлари, мазмуний кесатиқ ва қочириملар яратилади, завқли кулги баравж нуқтага чиқади.

5. Паронимларнинг имловий ва талаффуз меъёрларини билиш ўқувчига зурур. Ўқитувчи раҳнамолигида ўқувчининг, талабанинг паронимик ёндашарча лугати тузлиши мақсадга мувофиқ. Унда талаффуз ва имло меъёрлари, маъновий ўзлиги, услубий қўлланиши, бошқа сўзлар билан бирикувчанлик намуналари акс этмоғи лозим: доно киши – бир дона олма, мураббани ёдламоқ – мураббони яламоқ

Ш. Орифжонова ЖИДУ

Ноанъанавий усуллар асосида дарс жараёнини такомиллаштириш

Таълимнинг замонавий тизими талабага ўзлаштирилаётган билимлардан қониқиш ҳиссини, касбий маҳорат ва кўникмаларни бериши зарур. Бу эса, ўз навбатида олий ўқув юртиларидан ўқитиш жараёнини бошқаришнинг янги моделини ишлаб чиқишни талаб этади.

Мана шу масалаларни ҳал этишда ўқув жараёнида ҳамкорликда ўқитиш услубидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир талабага алоҳида ёндашиш гоёсини тўлиқ амалга ошириш ва бир қатор ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал этиш имкониятини беради:

— талабалардан ҳар бирининг билимларни чуқур эгаллашлари учун шароит яратади;

— талабаларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиради.

Ҳамкорликда ўқитиш таълим жараёнининг самарасини таъминлайди ва мантиқий фикрлашни такомиллаштириш даражасининг ошишига олиб келади. Ҳамкорликда таълим олиш талабаларнинг биргаликда амалга оширадиган фаолиятидир. Улар маълум бир муаммолар ва улар учун номаълум бўлган масалалар устида биргаликда бош қотирадилар. Бу жараённинг ўзига хос энг муҳим жиҳатлари: фаол иштирок этиш, рефлексия, баҳс-мунозара, билим ва малакаларни оширишда ҳамкорлик.

Ҳамкорлик технологиясини биз қуйидагича амалга ошираемиз:

1. Аудиторияни 2-3 талабадан иборат гуруҳларга ажратамиз. Ҳар бир гуруҳда кучли, кучсиз ва бўш талабалар бўлиши керак. Топшириқларни бажариш учун талабаларнинг ҳар бирига вазифаларини ўзлари белгилаб олиш имкониятини берамиз. Шунингдек, улар ҳар бир талабанинг фаоллигини назорат қилувчи ташкилотчини белгилашлари керак. У гуруҳ ичида талабаларнинг муомала маданияти ва ўзаро ёрдамни назорат қилувчи вазифасини ҳам бажаради. Бу жуда муҳим вазифалар ва талабалар

бу вазифаларни дарс мавзусига оид топшириқлар билан биргаликда бажаришлари лозим.

2. Агар топшириқ янги материал бўйича саволларга жавоб беришни назарда тутса, гуруҳнинг ҳар бир талабасига 2-3тадан саволлар тузамиз. Бунда ўта мураккаб саволлар кучли талабага берилади, у гуруҳда биринчи бўлиб бу саволларга жавоб беради. Қолган икки талабадан бири биринчи талабанинг ўқув қўлланмаси ёки маълумот материали матнидаги жавобнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаши зарур; учинчи талаба эса, бу жавобларни ёзиб олиши ва олдинги талаба жавобининг тўғрилигини тасдиқловчи мисолларни ўйлаб топиши керак. Шундай қилиб, улар ҳамкорликда барча саволларга жавоб беришлари лозим ва бутун гуруҳ номидан уни аудиториядаги барча талабалар муҳокамасига тақдим этишлари керак.

Ўтказилган мониторинг шуни кўрсатадики, биргаликда ўқиш - билим олиш осон ва қизиқарли бўлибгина қолмай, у самаралироқ ҳамдир. Бу самара талабаларнинг билим соҳасидаги муваффақиятларигагина тегишли бўлмай, балки уларнинг интеллектуал ва ахлоқий ўсишларига ҳам тааллуқлидир. Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси — бирор нарсани биргаликда оддий бажариш эмас, биргаликда таълим олишдир.

Н. Охунов
Кўкон ДПИ, доцент

Номшунослик ва унинг олий таълимда ўқитилишига оид баъзи мулоҳазалар

Номшунослик (ономастика)— ўзбек тилшунослигининг алоҳида соҳаси, махсус тармоғидир.

Топонимлар улкан географик объектлардан тортиб майда объектларгача бўлган жойларнинг отларини ўзларида мужассамлаштиради. Шу хусусиятга кўра улар макротопоним ва микротопонимларга бўлинади. Макротопонимларга йирик объектлар—қитъалар, мамлакатлар, океан, денгиз, дарёлар, тоғлар ва шаҳарларнинг номлари киради: Европа, Осиё, Африка, Россия, Хитой, Ўзбекистон, Қозоғистон, Шимолий Муз океани, Каспий денгизи, Сирдарё, Амударё, Боботоғ, Оқтоғ, Самарқанд, Бухоро қабилар. Микротопонимлар—жар, тепалик, қир, булоқ, дала, дашт, қишлоқ, гузар, кўча сингари майда объект номларининг мажмуасидан иборатдир. Оқжар, Қоратепа, Майдақир, Тошбулоқ, Қувладала, Баққолдашт, Ҳайитқишлоқ, Тошкентлигузар, Пасткўчалар шундай номлар жумласидан саналади.

Бундан ташқари, топонимлар қандай ва қайси турдаги объектнинг оти эканлигини аниқлаштириш жиҳатдан қуйидаги турларга: 1) ойконимлар, 2) гидронимлар, 3) оронимлар, 4) некронимлар, 5) агроонимларга ажратилиб ўрганилади. Ойконимлар—аҳоли яшаш масканларининг атоқли

отларидир. Булар таркибига қишлоқ, овул, маҳалла, гузар, кўчаларнинг номлари киради: Тошқишлоқ, Жарқишлоқ, Гумановул, Қипчоқовул, Соймаҳалла, Исфарагузар, Юқорикўча қабила. Гидронимлар — сув ҳавзаларининг, яъни денгиз, дарё, кўл, сой, ариқ, булоқ, қудуқ сингариларнинг махсус отларидир: Орол денгизи, Қашқадарё, Ҳадарё, Оқдарё, Балиқликўл, Наймансой, Бачқирариқ, Шўрбулоқ, Тошқудуқ ва бошқалар. Оронимлар ер сатҳидан баландда турувчи тоғ, чўққи, тепа, қир, қоя қабилаининг номларини ўз таркибига бирлаштиради: Олатов, Қурама тоғи, Бургутчўққи, Оқчўққи, Жаббортепа, Қумтепа, Қизилқир, Лочинқоя, Ҳасанқоя сингари. Некронимлар дейилганда муқаддас қадамжолар, мозор, қабристонлар номлари тушунилади: Пошшопирим, Хизирбува, Бувимозор, Хўжапистабува, Бостонбува, Йигитпирим қабила. Агронимлар — ер, дала, марза, тўқай, даштларга қўйилган номлардир: Тошдала, Шўрдала, Райхонмарза, Олимтўқай, Қосимтўқай, Афандининг дашти, ўанидашт сингарилар бунинг мисолидир.

Топонимлар таҳлил этилганда уларни қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш тамойилларини белгилаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин топонимлар топоним учун асос бўлган сўзнинг маъно ва мазмунига кўра: 1) этнотопонимлар, 2) антропопонимлар, 3) фитотопонимлар, 4) зоотопонимлар, 5) геотопонимлар, 6) профтопонимларга тасниф этилиб текширилади. Этнотопонимлар—этнонимлар (уруғ, қабила, қавм номлари) асосида яратилган жой номларидир. Турли ҳудудларда учровчи Қипчоқ, Жалойир, Найман, Дўрмон, Манғит, Қурама сингари топонимлар шулар жумласидандир. Киши исмлари, лақабларидан вужудга келган жой номлари антропопонимлардир: Ҳайитқишлоқ, Комилчўли, Матқулобод, Ҳасанқўрғонча қабила. Ўсимлик ва дарахт номлари билан аталган жой отлари- фитотопонимлар (Юлғунзор, Ёнғоқлик, Толқишлоқ, Чинортепа), ҳайвонот дунёсига алоқадор ҳолда қўйилган жой номлари зоотопонимлар (Балиқликўл, Лайлаккўл, Жайраҳона, Дўлтакамар, Чумчуқорол), объектнинг рельеф хусусиятини акс эттирувчи номлар геотопонимлар (Жарқишлоқ, Жармаҳалла, Жаркўча, Дўнғишлоқ, Чуқурқишлоқ, Чуқуркўча), касб-ҳунар отлари билан юритилган ўрин-жой отлари профтопонимлар (Мисгарлик, Дегрезлик, Қошиқчилик, Бахмалбоф, Сўзангарон) деб юритилади.

Машғулотларда юқорида зикр этилган фикрлардан ўрни билан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Шунингдек, таълим жараёнида атоқли отларнинг катта бир гуруҳини ташкил этувчи антропопонимлар ҳар жиҳатдан кенг ва атрофлича ўрганилмоғи лозим. Бунда талаба ёшларга ўзбек исмларининг юзага келиши йўллари, номланиш асослари, луғавий материалига кўра типлари, морфологик тузилиши, ясалиш хусусиятлари ҳақида пухта билим бермоқ даркор.

Олий ўқув юртларининг филология факултетларида талаба танлови фани бўйича махсус курс ва семинар машғулотлари олиб борилади. Шу боис талаба танловидан ўтказиладиган машғулотларда номшуносликка

оид “Ўзбекистон топонимияси”, “Ўзбек антропонимияси”, “Туркий тиллар этнонимияси”, “Атоқли отлар ва уларнинг турлари” мавзулари юзасидан дарслар ўтказилса яхши натижа беради.

А.Раҳматуллаев
М.Каримова
Термиз ДУ

Эзгу сўз - одоб ахлоқ зийнати

Қадимги аждодларимизнинг табиат ва жамият ҳақидаги қарашларини акс эттирувчи зардуштийлик таълимоти ва унинг «Авесто» китоби маънавий тарихий илдизларга алоқадор ноёб манбадир. «Бош масаласи эътиқодда собитлик, рост қавмлиги ҳалолу фидойилик бўлган бу таълимот кишиларни фаолликка, яратувчанликка, «нокомил дунёни» такомиллаштириш учун интилишга, курашишга ундайди». Бу қомусий асардаги умумбашарий ғоялар силсиласидаги одоб-ахлоқ масалалари қатта ўрин тутади. Зеро, зардуштийлар жамиятида ахлоққа ижтимоий маънавий ҳаётнинг энг муҳим мезони сифатида қаралиб, унинг асосини уч тамойил – «андешайи нек» - эзгу фикр, «гуфтори нек» - эзгу сўз ва «кирдори нек» - эзгу амал, фаолият ташкил этган. Бу уч омилнинг ўзаро уйғунлиги ҳар бир кишида юксак фазилатлар ва маънавий камолат шаклланишининг шарти саналган. Бунда айниқса эзгу сўзнинг ўрни алоҳида таъкидланиб, у пок фикрнинг ифодаси ва инсон ахлоқининг таркибий қисми ҳисобланган. Шунинг учун кишиларга сўзда, мулоҳазада ва кундалик ҳаётда пок эътиқодга суяниш тавсия этилган. Хусусан, сўз ва иш бирлиги ғояси алоҳида таъкидланган.

Зардуштийлар ҳаётда сўзининг ўрни ва қудратига, инсон шахси ва маънавиятини бойитишдаги аҳамиятига алоҳида урғу берилган. Сўзда субутсизлик, айтилган сўзга амал қилмаслик қаттиқ қораланган. Инсоннинг ички дунёси ва фикри аввало сўзда ифодаланади, иймон-эътиқодни айтган сўзида ва қилган ишида воқе бўлади. Сўздаги маъно-мазмун унинг ақл фаросат даражасини белгилайди.

Зардуштийлик маросимларида «мен зардуштийлик динига содиқ бўлишга ваъда бераман, мен эзгу фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман» каби сўзлар орқали қасамёд қилишгани ҳам бежиз эмас.

«Авесто»даги эзгу сўз илоҳий сўздир. У инсоннинг жисми ва руҳини поклашга, жисмоний ва маънавий етукликка хизмат қилади. Унинг қалбига эзгу ниятлар ва Тангрига садоқат туйғуларини жо этади, ёвуз кучлар кирдикорларини фойс қилади. Бунда устозлар хоҳишлар ўғитлар ва мураббийлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса таълим жараёнида бунга қатта аҳамият берилган, негаки – «ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилади ва тириклик идроқини ҳаром айтайди» дейилади Яснанинг 32-Ғоҳида.

Сўз одоби Зардуштийлар таомилида юксак қадрланган. Сўзни ўз ўрнида қисқа, лекин маъноли ифодалашга алоҳида эътибор қилинган. «Авесто»да дунёдаги учта ёмон нарса қайд этилиб, улар – таом ейиш пайтида кўп гапириш, дангасалик ва ҳасаддир.

Ростгўйлик ва ҳақгўйлик тангрининг номи бўлиб «Авесто»да булар одамларни ҳидоят йўлига бошловчи фазилатлардир. Ростгўйлик, эзгу сўз кишилар қалбини пок, дилини равшан қилиб, унга амал қилганлар тангри иноятига мушарраф бўлиши таъкидланган. Шунинг учун ростгўйликка ундовчи ҳар бир калима илоҳийлик билан муҳрлангандир.

Хуллас эзгу сўз тафаккурнинг ифода воситаси, инсонлар ҳаётидаги энг муҳим мулоқат қуроли бўлиш билан бирга ахлоқ-одобнинг зийнати ҳамдир.

**Л. Шукурова,
ЎзДЖТУ**

Тил — тафаккур қуроли

Тил билган элда азиз, дейди халқимиз. Ўз она тили билан бирга бошқа хорижий тилларни ҳам пухта эгаллаган инсонлар доимо қадрланган.

Тарихга назар ташласак, қанча-қанча буюк зотлар сўзамол — нотик бўлганлар. Шарқда ҳам ажойиб хислатга эга бўлган нотиклардан Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий, Муип Возий ўзларининг сўз санъатлари билан элда машҳур бўлганлар. Уларнинг нутқи шунчалик таъсирли бўлганки, тингловчи роҳат қилиб руҳланган. Юз минглаб лашкар билан амалга ошириш қийин бўлган мушкулотни тинчлик йўли билан улдасидан чиқиб, эл-юрт осойишталигини сақлай олган ҳазрат Кавми насиҳатомуз, ҳароратли ваъзлари билан кам лашкарни кўп сонли душманга қарши отлантира олган. Бобур Мирзонинг жанговар руҳидан ҳарбий нотиклигини кўриш мумкин.

Юлий Цезар ниҳоятда гапга чечан одам бўлган. Бир куни у кемадан Африка қирғоқларига тушаётиб, тўсатдан қоқилиб кетиб, йиқилибди. Лекин у бу кўнгилсиз воқеадан эсанкираб қолмай, ўша заҳоти: “Африка, сени қучаман!” — деб хитоб қилган экан. Ҳозиржавоб бўлиш учун сўз заҳирасига эга бўлиш ва сўзни мавриди билан ишлата билиш лозим.

Ўқувчилар билан муомала-муносабатда тил одобига амал қилиш нечоғлик зарурлиги Сизга ойдин бўлган бўлса керак. Инсонга сўздан ортиқ таъсир қиладиган восита йўқ. Сиз атрофдагиларга сўз орқали таъсир қилиб, уни кулдиришингиз ёки йиғлатишингиз, яшашга, ҳаётга иштиёқ уйғотишингиз ёки бу иштиёқни сўндиришингиз, уни ўзингизга дўст этишингиз ёки рақибга айлантиришингиз мумкин.

Инсон кўнгли ниҳоятда нозик эканлигини ҳисобга олиб, ўзингизни ҳам, ўзгани ҳам ҳурмат қилиб, сўзлаш санъатини ўрганинг.

Нутқнинг манتيқийлигини, маъно-мазмуннинг ўзаро муносабати ва

тафаккур қонунларига мувофиқ келиши, софлиги жиҳатидан эса, адабий тилга ёт бўлган, ўзлашмаган сўзлардан холи бўлиши керак. Айниқса, шева таъсирида гаплашиш тингловчини зериктиради.

Эсда тутинг, нутқингиз одамларга хузур бағишласин. Ўзбекона сўзлашиш одобига риоя қилинг.

**М.Маҳмудова,
Самарқанд ДЧТИ**

Ўзбек тили нуфузини оширишнинг амалий йўналиши

Ҳар бир халқнинг тили унинг маънавий хазинаси ҳисобланади. Ёшларга аждоқларимиз қолдирган мерос — тил тараққиётидаги эришилган барча муваффақиятларни ўрганиш ва ҳозирги замон руҳи билан уларни бойитишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ахир жаҳонда 6912 тил мажуд бўлса. Шулардан энг нуфузлиси ўзбек тилида қалам юритган буюк сиймолар, Мир Алишер Навоий, Қул Али, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Убайдий, Сўфи Оллоёр каби шоир ва фузалоларнинг тил таълими бўйича қолдирган бой хазинаси барчамиз учун қадрли ва фахрланишга арзийдиган меросдир.

Тасаввуф — катта уммон. Унда инсон камолоти, руҳий, ақлий тақомилига ёрдам берадиган ҳақиқатлар кўп. ХХI асрда биз ана шу уммоннинг тақомилини оширишимиз, ёшларни ўз изимиздан комилликка етаклашимиз лозим.

Талабаларнинг саводхонлиги масаласи, тил воситасида ўзлаштирилган билимларни амалиётга жорий этиш, дунё стандарти даражасидаги билимларни эгаллаш.

Тил софлиги, адабий тил меъёрлари ҳақида жиддий ўйлаш ва тил ўрганувчиларнинг бу борадаги савиясини ошириш лозим.

Бир сўз билан айтганда “Тил — ақл-идрокни камолга етказди” деган даъват барчамиз учун зарурий ҳолатдир.

Ўз тилини яхши билган, унинг ҳар бир сўзини эъзозлагувчи киши миллати ва халқини юксакликка кўтарувчи ҳисобланади.

Инсон сўзига, гапираётган гапига қараб ҳурмат-эътибор топади. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида ибратга молик бўлган қуйидаги пурмаъно сўзларни битган:

“Эрким сўз важдан тахтга эгадир,

Сўзким, эр бошини настга эгадир”.

Демак, биз ёшларга тил ўргатиш билан бирга тил одобига эътибор беришларини ҳам назарда тутмоғимиз лозим.

Глобаллашув ва ўзбек тили

Глобаллаштириш жараёнлари ҳар томонни қамраб оладиган характерга эга бўлгани учун уни турли хил илмлар ўрганаверади.

Глобаллашув умумбашарий маданиятнинг қарор топиши учун имкон яратади. Бу нафақат муштарак эътиқод, қадриятлар, ва принципларни тақозо қилади, балки сақланиб қолаётган локал маданиятларга ғамхўрлик билан муносабатда бўлишини кескин ўстиришни ҳам талаб қилади.

Ҳозирги пайтда ўзбек тилининг мавқеини кўтариш катта ташкилий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳада катта, салмоқли ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Бунинг учун бизнингча қуйидагилар амалга оширилиши керак:

1. Ўзбек тилида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини кўпайтириш ва уларнинг жаҳондаги бошқа ривожланган тилларда бор ишларнинг такрори бўлиб қолмаслигини таъминлаш

2. Ўзбек тилининг Ўзбекистондан ташқари давлатларда ўқитилиши ва ўрганилишини давлат томонидан ёрдам бериш, қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва бу ишнинг давлатлараро таълим-тарбия ва маданий-маърифий алоқаларнинг ажралмас қисмига айлантириш.

3. Ўзбек тилини ўрганиш ёки Ўзбекистон ОТМларида таълим олиш истеғини билдирган ҳорижлик фуқароларга таълим бериш имконини янада кенгайтириш, ОТМларни шу мураккаб вазифага атрофлича тайёрлаш.

4. Ўзбекистоннинг ўзида ўзбек тилини ўқитишни янада яхшилаш, ДТС, дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларни замонавийлаштириш.

5. ОАВларда ва кино, театр, реклама нашрларида ўзбек адабий тили сўзлашув вариантининг тил меъёрларига мослигини назорат қилиш ва тил меъёрини бузишга йўл қўймаслик соҳасида муваққат назорат қўмитаси тузиш ҳамда ўзбек тилининг софлиги учун кураш олиб бориш.

6. Интернет тизимида ўзбек тилидаги маълумотлар миқдорини кўпайтириш.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни умумий ҳулоса тарзида айтиш мумкин.

1) Глобаллашув жараёнини ўзбек тилига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсир ва оқибатларини аввалдан чуқур ўрганиб шунга мос тил сиёсатини ишлаб чиқиши ва аниқ бир стратегия белгиланиши керак.

2) Глобаллашув жараёнида тилнинг омон қолишини белгилловчи асосий омил бу тилнинг функционал қўламини кенгайтиришдир.

3) Глобаллашувнинг асосий атрибутларидан бўлган турмуш тарзи, кийиниш маданияти, мусиқа-санъат, фан-техника ютуқлари, танаввул қиладиган нарсаларнинг бирлиги, ўхшашлигини ривожланган мамлакатлардан ўзлаштира бўлади, аммо лекин миллий-маънавият ва

тилни қурбон қилишга шошилмаслик керак.

4) Хорижий тилларни ўрганиш керак.

5) Глобаллашувнинг барча ижобий унсурларидан тўла фойдаланиш, ва ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий тараққиётнинг бу босқичида оддий халққа мос келувчи ва тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг тил маданиятини, мулоқот маданиятини ошириш, жаҳон тиллари ва уларнинг тараққиёти ҳақида объектив маълумотлар бериш уларнинг лингвистик саводини ошириш соҳасида ўзбек филолог олимлари ва тиллар ўқитувчилари ўз олдига қўйилган масъулиятнинг нақадар улкан эканлигини тушунишлари ва мос равишда шу йўлда олиб бораётган ишларини жаҳон андозаларига мувофиқ равишда ижро этмоқлари керак. Глобаллашувнинг асосий талаби ҳам шу.

А.Ҳазраткулова
Ш.Раҳматуллаева
(Қарши ДУ)

Орфоэпиянинг баъзи масалалари ҳақида

Савод чиқариш масаласи тилнинг адабий талаффуз нормаларини белгилаб берувчи қоидалар тўплами бўлмиш орфоэпияни ўрганиш билан боғлиқ. Ҳар бир сўзнинг товуш ва ҳарф томони бор: товуш, айтилаётган сўзнинг айрим бир қисми, ҳарф эса, унинг ёзувдаги шартли белгисидир. Шартли белги ўзининг талаффузи жиҳатидан нутқ органларининг ҳолатига қараб турлича айтилиши мумкин. Бу ҳолат тилда товушлар кўплигидан далолат беради. Лекин уларнинг миқдори маълум бир товушга бирикади. Бу товушлар ижтимоий қимматга эга бўлмайдилар ва сўзларнинг бир-биридан фарқ қилиши учун хизмат қиладилар. Булар фонемалардир.

Бундан келиб чиқадики, маълум бир сўзнинг ёзилиш томони билан унинг айтилиши бир-бирига узвий боғлиқ. Ана шу икки томоннинг ўзига хос хусусиятлари бор. Ёзув билан талаффузнинг доимо мос келмаслиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

Ўқувчи шу нарсаларни билмаса, уни ўзлаштириб олмаса, маълум сўзнинг ёзилиши ҳақида кўникама ҳосил қила олмайди, талаффузларда эса, хатоликка йўл қўйади, диалектизмларни ёзувдан ҳам, оғзаки нутқда ҳам қўллай беради.

Шуни айтиш керакки, имло ҳам маълум диалект асосида иш кўради. Лекин ўзбек адабий тилида бу масалани охиригача ёзилган деб бўлмайди. Лекин адабий тил диалектларга қараганда анча қонунлашган, тартибга солинган бўлади. Ана шунга қарамасдан адабий тил ҳеч қачон маълум бир диалектда фонетик, морфологик, лексик жиҳатдан ҳам тўла равишда мос келади деб бўлмайди. Бу ҳолни ўзбек адабий тилида ҳам кўрамыз. Ўзбек адабий тили – фонетик жиҳатдан кўпроқ Тошкент шеvasига, морфологик жиҳатдан эса кўпроқ Фарғона шеваларига суянади. Ҳозирги

Ўзбек адабий тилида Хоразм шеvasига хос (жак, ётир) кўшимчалар ҳам бор.

Диалект ва шеваларнинг фонетикаси, морфологияси, синтаксиси ва лексикасидан анча фарқ қилувчи «янги» тил унсурлари ўқитилади

Диалектизмлар нима? Диалектизмлар адабий тил состивидаги (фонетик, морфологик, лексик) шева унсурларидир. Ўқувчилар кўпинча ўқитувчилар нутқиға эргашадилар, агарда ўқитувчи ўз нутқида талаффуз нормаларига эътибор берса, бу ўқувчи учун фойдали бўлади.

Ўқитувчи она тили дарсини ўқитишда маҳаллий шароитни ҳисобга олмоғи, у ернинг шеvasи билан таниш бўлмоғи керак. Ўқувчи нутқидаги диалектал хатоларға ҳамиша эътибор бериш шарт. Чунки ўқувчи ўз шеvasидан бутунлай қутула олмайди. Бу табиий ҳол. У мактабға нисбатан оилада кўпроқ бўлади, уйда ўзи кўниккан «тилда», мактабда эса ҳали бутунлай кўникмаган «тилда» гаплашади. Бундай пайтда унга бундай сўзлама! ёки «Мана бундай ёзма!» - деб айтиш ярамайди. Унга адабий тил ва шева унсурларини чоғиштириш йўли билан тушунтириш даркор.

Беғам Қораева
ЎзДЖТУ

Амалий машғулотларда оғзаки нутқнинг нолисоний жиҳатларини ўрганиш

XXI асрга келиб ҳозирги ўзбек адабий тили энг тараққий этган тиллардан бириға айланди, чунки тил тараққиётидаги кўп масалалар илмий назарий асосланди, ўзбек адабий тили маданияти юқори даражаға кўтарилди. Аммо нутқ маданиятида унинг лисоний жиҳатларидан ташқари нолисоний жиҳатлари ҳам мавжуд. Нолисоний жиҳатлар деганда оғзаки нутқ сўзлаётган нутқ эгасининг кайфияти, аудитория билан муносабати, психологияси, нутқ амалға оширилаётган пайтда нутқ аъзоларининг ҳолати, соғлом-носогломлиғиға ҳам боғлиқ. Жумладан, тилдаги нуқсоннинг мавжудлиғи ёки нутқ эгаси нафас йўлларидаги ўзгарган ҳолат ҳам нутқни тўғри талаффуз қилишға, унинг психикасига ҳам таъсир қилади. Оғзаки нутққа доим тайёргарлик кўриш зарур, аудиторияда тез-тез сўзлаб туриш, бундай машғулотларни кўпайтириш ҳам нутқ эгасида ўзига нисбатан ишончни пайдо қилади.

Нутқнинг нолисоний жиҳатлари деганда ҳозирги тилшуносликда экстралингвистик ёки паралингвистик воситалар тушунилади. Экстралингвистик ҳодисаларға кирувчи қўл ҳаракатлари, имо-ишоралар орқали нутқни ифода этиш ҳам нутқдаги ўзига хос жиҳатлардан саналади. Имо-ишоралар, қўл ҳаракатлари баъзан сўзловчи нутқини тўғри ифодалашға, унинг тингловчиға етказиб боришға ёрдам беради, баъзан эса сўзловчининг тил бойлиғи етарли эмаслиғини ҳам кўрсатиб қўйиши мумкин. Шарқ нутқ маданияти тарихидан биламизки, нутқ эгасининг кўз

қарашлари ҳам тингловчиларга катта таъсир этиши мумкин. Кўз қарашлари орқали тингловчига таъсир этиш психологик ҳолат саналади. Бундай воситалардан ўринли фойдаланган нотик кўп ютуқларни қўлга киритиши мумкин. Нутқ маданиятини эгаллашда нафақат нотикнинг луғат бойлиги, балки унинг интеллектуал салоҳияти ҳам катта ўрин эгаллайди. Гузал нутқ эгаси бўлиш учун нотик ўзида кўп нарсаларни мужассамлантириши зарур. Шундай экан, нутқ маданиятини эгаллашда унинг ҳам лисоний, ҳам нолисоний жиҳатларини ўрганиш катта самара беради.

Б.Тўйчибоев
(ГулДУ)

Тил таълимида диалектал мақолларнинг ўрни

Халқ тилидаги, яъни диалектлардаги мақолларни тўплаш, уларни адабий тилга олиб кириш, мақолларнинг қатламларида юз берган турли ўзгаришларни, яъни уларнинг тадрижий тараққиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш нафақат тилшуносликнинг, балки ўқитувчиларнинг ҳам муҳим вазифаси ҳисобланади. Халқ тили бу жиҳатдан ҳам мисли бир ҳазина. Туганмас бойликлар булоғи.

Халқ гоят синчков ва кузатувчан. Фақат жамият қонуниятларидангина эмас, табиат қонуниятларидан ҳам, унинг турли ҳодисаларидан ҳам фалсафий хулосалар, умумлашмалар чиқарган. Бу воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда жуда кўп мақоллар тилда юзага келган. Чунончи, кечқурун кун ботаётганда ва эрталаб қуёш чиқаётганда уфқда ўзгариш бўлиши табиат қонуниятидир. Туркий халқ кун ботгандан сўнг уфқ ўзгаришини яхшиликка йўйиб, эрталабки уфқ қизаришини эл нотинчлигига йўйган. Шу ҳолат билан боғлиқ тилда мақоллар шаклланганини Маҳмуд Қошғарий ҳам алоҳида қайд этган: «Тунла булут ўртанса, эвлук ури келдирмишча бўлур. Тонгла булут ўртанса, эвга ёғи кирмишча бўлур» (Кечқурун булут қизарса, хотини ўғил туққандек, эрталаб булут қизарса, душман уйга киргандек бўлади). Сўнгисини яхши ҳисобламайдилар (Маҳмуд Қошғарий. «Девону луғатит турк», Тошкент, 1960, 1-том, 252-бет)

Мазкур мақол ҳозир қипчоқ лаҳжаси вакиллари тилида «Кечки соғноқ қизарса, келиним ул тувғондай бўлади. «Эртангги соғноқ қизарсо, элди жов босқондой бўлади» (Кечки уфқ қизарса, келиним ўғил туққандек бўлади. Эрталабки уфқ қизарса, элни ёв босгандек бўлади) шаклида қўлланилади. Табиийки, ҳозир ҳам халқ сўнгисини яхши ҳисобламайдилар.

Кўринадики, эски туркий тил даврида истеъмолда бўлган ушбу мақолнинг қолипи, аксарият сўзлар ҳозирги қипчоқ лаҳжасига деярли ўзгаришсиз етиб келибди. Тўғри лексемаларнинг айримлари давр ўтиши билан турли фонетик жараён асосида бугунги тилга келгунча қисман

ўзгарган чунончи, тил тарихидаги «Йоғи» сўзи қипчоқ лаҳжасига «йов» шаклида фонетик ўзгариш билан етиб келди. Ёки ўша давр тилида «уй» маъносида қўлланилган «эв» сўзи ўрнида лаҳжада «эл» сўзи ишлатиладиган бўлди. Табиийки, мазкур мақолда юз берган бундай ўзгаришлар тил қонуниятидан келиб чиқадиган объектив ҳолатдир.

Диалектал мақоллар жуда кўп тарихий лексемаларни сақлаб қолиш нуқтаи назардан ҳам гоят аҳамиятли ва қадрлидир. Бинобарин, диалектал мақолларни таҳлил қилишнинг илмий аҳамиятини шундай белгилаш мумкин:

1. Туркий тиллар тарихда юз берган фонетик жараёнларни аниқроқ, мукамалроқ аниқлашга ёрдам беради.

2. Фонетик жараёнларни тўғри ва изчил белгилаш сўзлар этимологиясини аниқлашга кўмаклашади.

3. Сўзлар этимологияси сўз маъносини илғашга, ундаги маъно кўчишларнинг илмий асосини белгилашга етаклайди.

4. Ўзбек диалектларининг адабий тилга ва бошқа туркий тилларга муносабатини чуқурроқ аниқлаштиради.

5. Туркий тилларнинг ўзаро тарихий-қиёсий муносабатини белгилаб беради.

Зеро ХХI аср тилшунослиги ва таълим методи тил табиатини ва қонуниятини ўрганишни тақозо этади.

**Г.Рихсиева
ТДШИ**

Лингвопоэтика бугунги кун филологиясининг долзарб соҳаси сифатида

Лингвопоэтик тадқиқотлар филологиянинг яхлитлигини таъминловчи, адабиётшунослик ва тилшунослик фанларини узвий бирлаштириб турувчи соҳа ҳисобланади. Бу ўринда поэтиканинг лингвистика билан алоқадорлиги, уларнинг бир-бирини тақозо этувчи узвларини аниқлаш муҳимдир.

Маълумки, поэтиканинг асосий илмий муаммоси нутқий объектнинг қайси омилларга кўра бадиий санъат даражаси кўтарилгани, унинг шу таразда тан олинishiга асос бўлган воситаларни аниқлашдан иборат. Чунки бунда матннинг бадиийлигини таъминловчи нутқий воситаларнинг ижодкор мақсадига қай даражада бўйсундирилгани ва натижа муҳим ҳисобланади. Бу жиҳатдан поэтика адабиётшуносликнинг узвий қисмига айланади.

Бадиий матннинг поэтикасини лингвистик жиҳатдан тадқиқ этишда икки позициядан туриб ёндашиш мумкин: синхрон аспектда ва диахрон аспектда. Бу бирликларнинг конкрет тил ва конкрет давр доирасида ишлатилиш имкониятлари ҳамда уларнинг тараққий этиб бориши асосида бугун бир тизимидаги ўзгаришларни ҳам ифода эттиради. Фикримизча, айнан шундай тадқиқотлар тилшунослиқда кенг қўламлани

- бутун бир тизимга оид хулосаларнинг келиб чиқишига омил бўлади.

Машҳур тилшунос Р.Якобсоннинг фикрича, тилда нутқий мулоқот учун муҳим бўлган 6 та омил (адресант, контекст, ахборот, адресат, алоқа ва код)нинг амал қилиш имкониятлари поэтик хусусиятларнинг у ёки бу тарзда намоён бўлишида алоҳида аҳамият касб этади. Айнан мана шу омилларнинг шаклий ифодасидан тилнинг эмоционал-экспрессив функцияси намоён бўлишини кузатиш, демакки, унинг поэтик жиҳатларини ҳам таҳлил этиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда ўзбек тилининг поэтик имкониятлари, бадий асарнинг поэтикасини бутунлай ва тизимли тадқиқ этиш филология фанидаги ҳар икки тармоқда хусусий ва умумий жиҳатларни эътиборга олган ҳолдаги илмий хулосаларнинг чиқарилишига асос бўлади.

Икром Худойназаров

Икром Исломов

Қарши ДУ

“Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув лугати”ни тузиш тамоийллари

Сўзлар ўзаро маъновий муносабатларига кўра маълум бир даражаланиш қаторларини ҳосил этиши фанга қадимдан маълум ва унинг энг ёрқин намунаси «ўрта» сўзини ўз ичига олган сўзлар қаторидир.

Масалан: *Катта-ўрта-кичик*

Ёш-ўрта-қари

Узоқ-ўрта-яқин

Баланд -ўрта-паст

Узун-ўрта-қисқа.

Маълумки *ўрта* сўзи билан ифодаланган белги-хусусият том маънода ўрталик, оралик, яъни икки бир-бирига зид белги оралиғидаги ҳолатни кўрсатади. *Ўрта* сўзи антонимлар оралиғидан ўрин олса, (*катта-ўрта-кичик*) даражаланиши кам сезилади. Лекин *ўрта* сўзли birlikларни зид белгилар асосида эмас, маълум бир белгининг камайиши ёки ўсиши асосида идрок этилса, маъновий даражаланиш яққол англашилади.

Даражаланиш қатори аъзолари камида учта бўлади.

Даражаланиш муносабатлари билан боғланган сўзлар қаторини

а) борлиқдаги белгила асосидаги;

б) тил белгилари асосидаги даражаланишга таяниб ажратиш мумкин.

Борлиқдаги белгилар асосидаги даражаланишнинг моҳияти шундаки, нарсалар белги-хусусиятларида сифат фарқлари билан бирга миқдор фарқлари ҳам мавжуд. Масалан, инсон гўдаклик, ёшлик, навқиронлик, етуклик, қарилик ҳолатларини, ўсимлик навниҳоллик, кўчатлик, етилганлик, қуриганлик даврларини бошидан кечиради - организм ўсади. Табиатдаги ранг ва бошқа белгилар шунчалик хилма-хилки, масалан,

бўёқчилар биргина қора рангнинг ҳатто ўндан ортиқ турини ажратадилар.

Инсоннинг фаол онги ана шу миқдорий ва сифатий фарқларни акс эттиради. Тил онгнинг шаклий жиҳати бўлганлиги боис у онгдаги акс эттирилган мана шундай миқдорий фарқларни ҳам ифодалаши лозим. Бундай миқдорий фарқлар турли усуллар билан, жумладан, алоҳида-алоҳида сўзлар билан ҳам ифодаланади. Чунончи, *ниҳол-кўчат-дарахт, нинни-чақалоқ, гўдак-бола* каби.

Сўзларнинг даражаланиш қаторларини ажратишдаги маъновий омил ўзаро яқин тушунчаларни ифодаловчи сўзлар сирасидаги ҳар бир сўзда маълум бир белгининг турлича даражаланишига ишора мавжудлигида намоён бўлади. Шу асосда маъновий омилнинг ўзини иккига бўламиз:

1) бир-бирига яқин ва ўхшаш тушунчаларни ифодалаши (сўзларнинг маъновий даражаланиши);

2) айти бир тушунчанинг турли хил миқдорига ишора қилиши (сўзларнинг бўёғига кўра даражаланиш).

Демак, сўзлараро лисоний муносабат саналувчи даражаланиш ҳодисаси бир неча сўзнинг маълум бир белгининг оз-кўплигига қараб, сўзларнинг маъновий қаторида, тизимида намоён бўлиб, бунда доминанта ва қуршов сўзлари фарқланади.

Даражаланувчи сўзлар маънодош ҳам, маънодош бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу лўғатда сўзларнинг:

1) маъновий белгисига кўра (маънодош бўлмаган сўзлар) даражаланиши;

2) бўёғига кўра (маънодош сўзлар) даражаланиши сифатида фарқланади.

Сўзларнинг даражаланиш қаторида борлиқнинг энг умумий қонуниятлари намоён бўлади:

а) даражаланиш қаторида белгининг даражаланиб, ошиб ёки кенгайиб боришида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунияти юзага чиқади;

б) даражаланишнинг икки чекка учи маълум бир белгининг тасдиғи билан бирга, бир-бирини инкор этишида инкорни инкор қонунияти намоён бўлади;

в) бир-бирини инкор этувчи (антонимик муносабатда турган) сўзларнинг бир етакчи сўз (доминанта) атрофида бирлашиб, бир маъновий қаторни - бутунликни ташкил этишида қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунияти намоён бўлади.

**М.М.Қурбонова ЎзМУ,
С.Боймирзаева СамДУ,
М.Хўжамбердиева ҚДПИ**

Ўзбек тилида матн синтаксиси муаммолари

«Матн синтаксиси», «матн лингвистикаси» тушунчалари тилшуносликда тенг қийматли тушунчалар сифатида қўлланилади.

Матн синтаксисида лингвистик бирлик ва категориялардан каттароқ, умумийроқ тушунчаларга эҳтиёж сезилади. Сабаби ҳар қандай матн инсон нутқий фаолиятининг маҳсули. Шундай экан, матнни шакллантиришда, уни қабул қилишда (идрок этишда) мантиқ, психология, этнография, прагматика, семантика каби қатор фанларга хос тушунча ва қонуниятлар амал қилиши шубҳасиз. Демак, матн лингвистикаси соҳасининг алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишига сабаб юқорида таъкидланган фанлар чегарасидаги тадқиқотларга бўлган илмий-назарий ва амалий талабларнинг кучайишидир.

Тилимизда ўзбекча матн ва унинг услубий хосланиши бошқа тиллардан фарқ қилади. Жумладан, матн ва услуб муносабати масаласини оладиган бўлсак, тилимизда илмий матн, публицистик матн, бадий матн, расмий-идоравий матнлар ва уларнинг ижтимоий, психологик, лингвистик, прагматик хусусиятлари ўзига хос бўлиб, бу ўзига хосликларни текшириш жуда қизиқарли маълумотлар беради. Чунончи, ўзбекча эртак матнлари билан русча, инглизча эртак матнлари юқоридаги хусусиятларга кўра бири-бирдан кескин фарқ қилади. Айниқса, ўзбек тилидаги аския матнларини замонавий лингвистик таҳлил усулларида тадқиқ этиш ўзбек тилининг социолингвистик, этнографик, психолингвистик, стилистик имкониятларини очиб бериши шубҳасиз.

Матн лингвистикасининг марказий масалаларидан бири бўлган матн таркибий қисмини боғловчи воситалар муаммоси ҳам тиллараро фарқлидир. Муайян тилда матн таркибий қисмларини боғлашда фаол бўлган лингвистик бирликлар бошқа тилда фаол бўлмаслиги мумкин. Чунончи, инглиз тилида аниқ ва ноаниқ артиклар матн таркибий қисмини боғлашда, жумладаги тема-рематик бўлинишни белгилашда жуда характерли бўлгани ҳолда, ўзбек тилида бу функцияни бошқа бир лингвистик бирликлар бажариши мумкин.

Янги аср ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири жаҳон тилшунослиги ютуқларига асосланган ҳолда ўзбекча матн назариясини яратиш, ўзбек тилида матн лингвистикасининг тушунчавий аппаратини шакллантиришидир.

М.Равшанов
Навой давлат кончилиқ институти

Сўзларнинг маъно компонентлари

Сўзларнинг маъно хусусиятлари лингвистик тадқиқида асосий эътибор, сўзларнинг бир маъноли ва кўп маънолилик хусусиятлари тадқиқиға қаратилган.

Сўз маъноларининг умумсемиологик функцияларига кўра тўртга бўлишни тақоза этади.

1. Сўзларнинг структуравий маъно компоненти. Сўзларнинг структуравий

маъно компоненти асосан икки йўналишда тадқиқ этилади. Парадигматик ва синтагматик маъно компонентларидир. парадигматик маъно компонентида сўзларнинг идеографик тарздаги семалараро бирлаштурувчи семантик майдон талаблари киради. «Бола мактабга боряпти» гапида «бола» лексемасининг парадигмаси «оила» семантик майдонига бирлашиши қайд этилади. Мазкур гаптаги «бола» лексемасининг «мактаб» ва «боряпти» лексемалари билан мазмунан бирикиш хусусияти эса синтагматик йўналишдаги «бола» лексемасининг маъно компонентини ташкил этади.

2. Сигнификатив маъно компоненти эса ҳеч қандай семантик майдонларга бирлашмайди. Мақоми(статуси)ни беради, холос. Бола лексемаси билан ишлатиладиган Ер юзидаги миллиард номдаги субстантив категориялар «бола» лексемаси билан ифодаланади. Шу сабабга кўра «бола» лексемаси ҳеч қандай лексемалар билан дистрибутив муносабатда бўлмайди. Бу каби фарқловчи семаларсиз изоҳланаётган лексема фақат мақолаларда изоҳи билан берилади. Матнда бирикувчанлик хусусияти билан қатнашмайди.

3. Денотатив маъно компоненти эса реал денотат асосидаги семалар билан тавсифланади. «Бозордан бир килограмм олма сотиб олдим» гапида «олма» лексемаси бозорда мавжуд денотат меваларни ифодалайди. «Олма –шифобахш хусусиятга эга» гапида эса «олма» лексемасининг умумий хусусияти белгиланиб, реал денотат билан боғланмайди. Бу ерда лексеманинг денотатив маъно компоненти, яъни денотатив семаси мавжуд эмас.

Демак, сўз маъноларини семантик тадқиқ қилишда семалараро тавсифласак, улар (семалар) сўзларнинг фақат маъно компонентларини аниқлайди.

М.Холбоева
ТВДПИ

Матн яратишда қўшма гапларнинг ўрни

Нутқ жараёнида қўлланган баъзи икки компонентли қўшма гаплар алоҳида (якка) олинганда ҳеч қандай ахборот ифодаламайди. Улар тугал оҳангга эга бўлса-да, лекин мазмунга эга эмас. Шунга кўра уларни изоҳлаш, «нутқ муаллифи ўша нарса – ҳодиса ҳақидаги фикр – мулоҳазаси, маълумотларни тўлароқ ифодалаш учун яна қўшимча нисбий мустақил гаплардан фойдаланади – нарса – ҳодиса тўғрисидаги семантик жиҳатдан бир мавзу атрофига жипслашган гапларни кетма-кет қўллайди». Натижада йирик синтактик бутунлик таркибидаги мустақил гаплар ўртасида мазмуний алоқадорлик юзага келади. Масалан:

1. *-Менга қаранг, гўзаларнинг тубидан ушлаб қаттиқроқ силкитсак, шираси тўкилиб кетмасмикин-а?* (Х.Тўхтабоев)

2. *-Гўзанинг устидан челақлаб сув қуйсак, ширасини ювиб кетади-ку*

(Х. Тўхтабоев).

3. *Кўп бақчирсанг, ёмон ишлаётганинг ҳам сезилмас экан* (Х.Тўхтабоев)

Ақл ва мазмуни бир–бирига номувофиқ бўлган бундай қўшма гаплар алоҳида олиб қўлланганда ҳеч қандай мазмун англатмайди.

Чунки мазкур қўшма гапларнинг 1 – компонентларида ифодаланган воқеа –ҳодиса 2-компонентларда ифодаланган воқеа–ҳодисанинг юзага чиқиши учун мантиқан шарт бўлмайди. Яъни ғўзанинг ширасини кетказиш учун унинг тубидан қаттиқ силкитилмаслиги ҳамда устидан челақлаб сув қуйилмаслиги барча учун маълум. Лекин нутқ муаллифи бундай қўшма гаплардан қаҳрамон дунёқарашини, саводсизлигини очиб бериш мақсадида фойдаланган. Таҳлил этилаётган қўшма гаплар қуйидаги йирик синтактик бутунлик таркибида қўлланган.

-Менга қаранг, ғўзаларнинг тубидан ушлаб қаттиқроқ силкитсак, шираси тўкилиб кетмасмикан-а?

-Ҳазилингизни қўйсангиз-чи, ўртоқ агроном.

-Ғўзанинг устидан челақлаб сув қуйсак, ширасини ювиб кетади-ку...

Хулоса қилиб айтганда, нутқдаги баъзи шаклий – мазмуний жиҳатдан номувофиқ қўшма гаплар услубий восита вазифасини бажариб, ўзидан кейин қўлланган мустақил гаплар билан мазмун ва грамматик жиҳатдан боғланиб йирик синтактик бутунлик ҳосил этади.

М.Т. Худаярова
ТДПУ тадқиқотчиси

Қорақалпоғистон ўзбек шеваларидаги таом номларини лингвогеографик усулда ўрганишнинг аҳамияти

Қорақалпоғистон ўзбек шеваларидаги таом номларини лингвогеографик жиҳатдан ўрганиш давомида, айтиб бериш таом номининг икки шевада икки хил талаффуз қилиниши, тайёрланиш жараёни бир хил, лекин бошқа-бошқа номлар билан ифодаланиши кўзга ташланади. Чунончи, *вағлама-қора шўрва* (гўштсиз фақат пиёздоз қилиб тайёрланадиган таом) бу иккала таом номи ҳам ўғуз шеvasига хос регионларда қўлланилади, сут ва гуручдан тайёрланадиган қуюқ таом *сутбиринч*, (ўғуз ш.) *сутгуруч-сутпалав* (қипчоқ ш), кўклардан ва жўхори унидан тайёрланадиган таом *илдирма* (ўғуз ш.), *кўк биламиқ* (қипчоқ ш.) каби таом номлари ҳудуд ўзбек шеваларида синоним номлар сифатида қўлланилади. Шунингдек, ўрганилаётган ҳудуд ўзбек шеваларида фонетик (*гўк барак-кўк барак*, *йавған аш-жавған аш*, *йарма-жарма*), морфологик (*бурунчи аш-гуруч аш*, *сутбурунч-сутгуруч*), лексик (*илдирма-кўк биламиқ*, *қурт-турақ*) фарқлардан ташқари, бир шевада қўлланилган таом номи, иккинчи бир шевага хос эмас. Масалан, Хоразмга яқин бўлган ҳудудларда *котыр барак*, *чанғалақ барак*, *ғовача барак*, *така барак*, *бурма курдук* каби таом номлари қўлланилади. Лекин бу таом номлари қипчоқ шеvasида,

яъни қорақалпоқлар билан ёнма-ён яшовчи ўзбек халқи тилида учрамайди. Қорақалпоқлар билан ёнма-ён яшовчи ўзбек халқи тилидаги *майсок*, *ақсайлақ* каби таом номлари ўғуз шеvasида қўлланилмайди.

Қорақалпоғистон ўзбек шеваларидаги таом номларининг худудий жиҳатларини тадқиқ этиш тилларнинг ўзаро алоқасини очиб беришга, тил ҳодисаларининг тарихини, уларнинг тараққиёт босқичларини белгилашга ёрдам беради.

Р.Расулов
ТДПУ ф.ф.д.проф

Гап ҳақида

1. Гап муҳим синтактик бирлик сифатида тил ва нутқ диалектик муносабатида ўзига хос ўрин тутади. Гап ҳам тил бирлиги, ҳам нутқ бирлиги бўла олиш имконига эгаллиги билан ажралиб туради.

2. Нутқ бирлиги бўлган гап семантикасида муайян объектив мазмун – позиция ифодаланади. Объектив мазмун гап семантикасининг асосини ташкил қилади.

3. Предикативлик ҳар қандай гапнинг зарурий элементи, категориал маъноси, конститутив белгиси ҳисобланади. Ҳар қандай предикативлик предикат асосида шаклланади

4. Ҳар бир гап предикат ва унинг аргументлари (актантлари) муносабатининг бирлиги сифатида қаралади. Предикат ва унинг актантлари ўртасидаги синтактик муносабат тушунчаси валентлик назарияси орқали белгиланади.

5. Гапнинг асосий материал белгиси сўздир. Сўзнинг нутқда (гапта) ўрганилиши, унинг бошқа сўзлар билан бирика олиш имконияти, семантик синтагмани тузуви, ўз семантикасини тўла очиш учун муайян сўз ва сўз формаларини талаб этиши валентлик назариясининг асосидир.

6. Феъл асосли гаплар валентлигида ҳолат феъли асосли гапларнинг валентлиги ўзига хос ўрин тутади. Бунда ҳолат феъли асосли гапларнинг агенс, контрагент, локалис, объект, адресат, ҳолат ва сабаб каби валентликлари ажратилади.

С.А.Ризаев,
ТДИУ профессори

Ўзбек лексикографиясининг тараққиётига доир (Луғатлар муҳим қўлланмадир)

Ҳозирги даврда замон талаблари даражасидаги луғатларни тузиш, яратиш айни муддаодир. Айниқса, частотали луғатлар, алифболи-частотали

луғатлар, чаппа (терс) луғатлар, конкордансли-частотали луғатлар, кўп томли изоҳли ва имло луғатлари юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларимизни янада жадаллик билан тараққий эттиришимиз айтиш шундан кўра назаридан жуда муҳим, албатта. Хусусан, ҳозирги ўзбек тилининг кўп жылдли изоҳли луғатларини тузишда ҳам, ўзбек миллий ёзувчи ва шоирларимиз, буюк адибларимиз - Мир Алишер Навоий-у. Заҳриддин Муҳаммад Бобурлардан тортиб, Ҳамза Ҳакимзода Нийзий, Абдулла Қодирӣ, Боту, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Фафур Фулом, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов кабиларнинг ҳамда барча фан ва техника соҳаларининг частотали (конкордансли) луғатларини замонавий компьютерлар ёрдамида тузиш пировадида ўзбек тилининг лингвистик банкни яратиш ва бундаги лингвистик банклар (ўзбек тилининг машина фонди) - нафақат илмий тадқиқот изланишларда, балки таълим жараёнининг барча бўғинларига мўлжалланилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг яратилишида, шунингдек, дарс ишланмалари-ю, луғат-минимумларини тузишда муҳим материал-манба бўлиб хизмат этади, ўзбек лексикографиясининг тараққиётига катта салоҳият ва имконият яратади:

Биринчидан, тил ёки нутқ ҳодисалари (бирликлари) нинг илгари маълум бўлмаган жиҳатларини кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ этишда, иккинчидан, у ёки бу адибнинг лексик бойликларини аниқлашда, учинчидан, бошқа адиб, ёзувчи ва шоирлар тили лексикасини қиёсий-типология тадқиқ этишда, тўртинчидан, тўлиқ матнлар яратилишида, бешинчидан, ўзбек тили тарихий лексик қатламини этимология ўрганишда, олтинчидан, лексик-семантик ва стилистик тадқиқ этиш кабиларда асқотади. Буларнинг барчасида замонавий компьютерлардан фойдаланиши ҳам иш кучи, ҳам вақт жиҳатидан катта салоҳиятга эгадир.

Юқоридаги илмий-лингвистик тадқиқотлар қаторига яна бир янги қўлланма келиб қўшилди. Бу чаппа-терс луғат (обратный словарь)дир.

Сўзларнинг биринчи (бош) ҳарфларига қараб эмас, балки охириги ҳарфларига қараб алифбо тартибда тузилган луғат - чаппа луғат деб юритилади. Бинобарин, бунда сўзларни (луғат бирликларини) тескари тартибда тасниф (классификация) қилиш назарда тутилади. Мисол учун:

Чаппа луғат бир хил грамматик-морфология (ўрни билан морфем) кўрсаткичли сўзларнинг бир жойга тўпланганлиги, айтишса, сўзларнинг морфем структурасини турли аспектда ўрганиш, тадқиқ этиш жиҳатидан муҳим материал-манба бўлиб хизмат этади. Ўзбек тилшунослигида ҳали кам ўрганилган аффикслар омонимияси, аффикслар синонимияси, ўзбек тили аффикслари таркиби, аффиксларнинг ҳар хил типдаги асосларга қўшила олиш ёки қўшила олмаслиги, аффиксларнинг маҳсулдорлик ёки кам маҳсулдорлик даражаси, ўзбек тили фонетик-фонология қонуниятларини ўрганишда, айтишса, сўзларнинг морфем структурасини тадқиқ этишда мазкур типдаги луғатлар катта қулайликлар ҳамда

имкониятлар яратади. Шунингдек, чаппа лугатлар шоирларга ўзбек поэзияси сирларини ўрганувчиларга ҳам катта ёрдам беради. Чунки унда ўзбек тилидаги кофиядош сўзларнинг ҳаммаси бир жойга ўрнашган бўлиб, лозим топилганда, ундан бемалол фойдаланиш мумкин.

Ўз ечимини кутаётган ўзбек тили материаллари асосида ҳам юқоридагидек тадқиқотларнинг амалга оширилиши ўзбек лугатшунослиги тарихида илмий - назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Бу типдаги лугатлар ўзбек лексикографиясини, ўзбек тилшунослигини бойитиши билан қимматлидир.

Саида Маҳсумова
ЎЗДЖТУ

Амалий услубият дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш

Таълим жараёнида ноанъанавий ўқитиш методларидан фойдаланиш бугунги куннинг асосий талаби ҳисобланади. Амалий машғулотларда ўқитувчи ноанъанавий ўқитиш усулига эътибор берса, талабаларда мустақил фикр юритиш, муаммони ҳал этишда ўз фикрини баён этиш кўникмалари янада ортади.

Масалан, “Ўзбек тилининг амалий услубияти” фани бўйича ўтиладиган амалий машғулотларда ўқитувчи талабаларнинг мушоҳада қилиш ва фикрлаш қобилиятини ўстириш учун “Тармоқлар” усулидан фойдаланиши мумкин. Бу метод ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Бунда мавзуни мустақамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда талабаларнинг шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалаш анча самарали натижа беради.

Талабалар мавзуни муҳокама қилишларидан олдин ўқитувчи машғулотда “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланиб, уларнинг билим доираларни синаб кўради. Маълумки, “Ақлий ҳужум” гуруҳдаги ҳар бир талаба ўқитувчи қўйган савол ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён этишга имкон берувчи ўқув услубидир.

“Ақлий ҳужум” методи тутагач, талабалар тармоқлар методи бўйича дафтарларига схема чизишади. Юқорида берилган мавзуларнинг ҳар бирини маъносини очиш учун, мавзуга тааллуқли бўлган сўзлар, шеърлар, бирикмалар топиб бир-бирига уланади.

Хулоса қилиб айтганда, амалий машғулот дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш яхши натижа беради. Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатилади, мавзунинг чуқур ўзлаштирилишига ҳамда қисқа вақт ичида барча талабаларни баҳолашга эришилади.

[WPmRWPm] таркибида нолингвистик воситалар

Қўшма гапнинг функционал-стилистик томони жуда мураккаб бўлиб, бир қанча тадқиқот ишлари олиб боришни талаб қилади, у бир қанча илмий текшириш ишининг объекти бўла олади. Маълумки, анъанавий тилшуносликка кўра қўшма гапнинг боғланган қўшма гап, эргаш гапли қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап, мураккаб қўшма гап каби турлари мавжуд. Қўшма гап ҳар бир турининг стилистик функцияси, экспрессив эффекти содда гапларга нисбатан кучлидир. Мисолларни қиёслаб кўрамиз: 1. *Сайловчилар долзарб мавзуда маъруза тингладилар ва ўз номзодлари билан учрашдилар.* 2. *Сайловчилар долзарб мавзуда маъруза тингладилар ва улар ўз номзодлари билан учрашдилар.* Биринчи гап – содда, иккинчи гап – қўшма. Биринчи гапга қараганда иккинчи гапда таъсирчанлик, тингловчининг диққатини тортиш, таъкид кучлидир. Грамматик такрор (*Мен келдим, келдим*) таъсирчанлик, таъкид кабилар самарадорликни оширганидек, семантик такрор ҳам (*сайловчилар – улар*) шундай эффективликни оширади. Анъанавий тилшуносликда қўлланган боғловчисиз сўзи рус тилидаги бессоюзное атамасининг таржимасидир. Бу атаманинг айнан олиниши мақсадга мувофиқ эмас, аммо йиллар давомида ундан фойдаланилди. Боғловчисиз [WPm⁰, WPm] қўшма гап қисмлари ўзаро фақат оҳанг билан боғланган ва улар эркин (контекстуал, нутқий) боғланишли қўшма гап [WPm, WPm]ларнинг бир тури холос. Унинг айрим ўзига хос томонларини кўриб чиқамиз. Масалан, услуб талаби, стиль талаби, сўзловчининг мақсадига кўра “*Қўшининг тинч, сен тинч*” гапини санаш интонацияси билан айтсак, воқеанинг қандайдир ташқи мазмун (ҳамма қулайликлари бўлган янги уйларга кўчиб ўтиш муносабати билан) асосида бирлашиб, биринкетин давом этиши англашилади: *Сен тинч, қўшининг тинч, мен тинч...* . “*Қўшининг тинч, сен тинч*” гапининг биринчи компонентидан сўнг узун пауза бўлса, сабаб мазмуни келиб чиқади, сабаб интонацияси ҳосил бўлади. Биринчи компонент кесими ва унинг унли товуши одатдагидан баланд айтилса, шарт мазмуни келиб чиқади.

[WPm⁰, WPm] – эллиптик гап. Шу эллиптиклик [WPm⁰, WPm]нинг таъсир доирасини кучайтиради. Тингловчининг диққатини оширади, фикрини ўткирлаштиради. [WPm⁰, WPm] қўшма гапда, асосан, куйидагилар ифодаланмайди:

1. Эга ифодаланмайди: *Айт, кирсин. (С.Айний); Ойлар ўтипти, йиллар ўтипти – қайтмапти. (Ўзбек халқ эртакларидан);* Кейинги гапнинг иккинчи қисми кесим составидангина иборат.

2. Кесим ифодаланмайди: *У эшакни лойга топшириб, нарироқ борса – чўл, чўл ўртасида кўл, кўл лабида боғ, боғ лабида кичкинагина тоғ. (Ўзбек халқ эртаклари)*

3. Бошқа гап бўлаклари ифодаланмайди: *Акаларим қай аҳволда экан*

– билмадим. (“Шуни” деган воситасиз тўлдирувчи ифодаланмаган); Шу маҳал Комилжонни нимадир бўғаётганга ўхшайди, у дарҳол шеригига қаради, ҳамроҳи ҳам беҳол эди. (И.Раҳим) Аҳволини куриш мақсадида шу пайт каби бўлақлар ифодаланмаган.

4. Боғловчилар, нисбий сўзлар бўлмайди: *Осмонда на ой ва на юлдуз кўринади – ҳаво бузуқ эди. (М.Исмоилий) Бу гапда “чунки” йўқ.*

“Дев наъра тортиб:

- Оташ йўлини кечган ким? – депти.

- Сув! – деб жавоб берипти ботир.

- Олов сочаман – ёниб кетасан.

- Сув сепаман – ўчиб қоласан.

- Бўлмаса отиш, чопиш ё тутиш!

- Тугишаман! – депти ботир” (Ўзбек халқ эртаклари)

Бу текстнинг “*Олов сочаман – ёниб кетасан*”, “*Сув сепаман – ўчиб қоласан*” сабаб-натига мазмунидаги [WPm⁰, WPm] қўшма гап, «*“шунинг учун*», “*натижادا*” сўзлари қўлланмаган.

5. Кириш бўлақлар қўлланмайди: *Қор ёғди – дон ёғди (“демак” сўзи қўлланмайди).*

Бу ерда шуни айтиш керакки, бошқа гапларда гап бўлақларининг ифодаланиши, ўрни билан алоҳида қайд қилиш, таъкидлаш, эътиборни кучайтириш кабилар билан боғлиқ. [WPm⁰, WPm]ларда эса бошқача ҳолатни кўрамиз. [WPm⁰, WPm]ларда эллипс билан интонациянинг роли ошади. Масалан, “*Тушундим: падаринг экан кўп фозил” (Отанг Камолитдин сенга не ҳосил (С.Шерозий))* гапи [WPm⁰, WPm] бўлиб, унинг биринчи қисми, яъни кесим составли эргаш гап бўлақларига нисбатан кучли интонация билан айтилади, айниқса, кесимнинг иккинчи бўғини баланд талаффуз қилинади. Ўрни билан, охириги бўғини (-дим) чўзиб айтилади. Бу гапни (бош гапни) икки составли ёйиқ гапга ўтказсак, мазмун эффектлиги кучсизланади, бўлиниб кетади: *Мен шуни тушундимки, падаринг экан кўп фозил.* Бу гапда (бош гап назарда тутилади) стиль талаби билан логик урғу гап бўлақларининг ҳар бирига тушиши мумкин. Шу гапнинг биринчи вариантыда эса (*тушундим*) эллипс ва интонация ёрдамида ҳамма нарса (ниманинг таъкидланиши, нимага эътибор берилиши ва ҳ.) бир бўлақда мужассамлашади, гапнинг мазмун эффектлиги ялтитланиб, кучаяди. Демак, бундан кўриниб турибдики, [WPm⁰, WPm] яъни анъанавий боғловчисиз қўшма гап чуқур мазмунли, ихчам гапдир.

Булар, кўпинча, бадий текстларда, публицистик асарларда, нотиклар нутқида, эртакларда, мақолларда қўлланади.

Шундай қилиб,

1. Қўшма гап, айниқса, [WPm⁰, WPm] ёки анъанавий боғловчисиз қўшма гап қўшма гап синтаксисада характерли стилистик воситадир.

2. [WPm⁰, WPm]да интонация, пауза, ситуация, мимика каби экстроллингвистик воситаларни роли катта.

3. Гап бўлақларининг қўлланмаслиги, боғловчилар бўлмаслиги [WPm⁰, WPm]нинг характерли белгиси.

Машгулотларни электрон дарсликлар асосида ўтишнинг самарадорлиги

Она тили таълими технологияси таълим мазмуни, усули, воситалари билан чамбарчас боғлиқ. Таълимнинг янги мақсади янги усуллар билан дарс ўтишни тақозо этади. Жумладан, машгулотларда қуйидаги усуллардан фойдаланиш ўқув самарадорлигини оширишга хизмат қилади: семинар-дарс, конференция – дарс, матбуот – дарс, мусобақа - дарс, фантазия-дарс ва бошқалар. Бу усулларнинг барчаси бир-биридан мазмунли, қизиқарли ва айна замонда такрорланмасдир. Бу типда дарс ўтиш талабаларнинг ижодий тафаккурини, дунёқарашини кенгайтиради, эркин ва мустақил фикрлай олишга имкон яратилади. Электрон дарсликлар асосида машгулотларни ташкил этиш эса, талабаларнинг маърузада олган билимларини синаб кўриш имконини беради. Талаба ушбу электрон китоб орқали қуйидаги имкониятларга эга бўлиши мумкин:

- Зарурий адабиётни тезда излаш (оддий дарсликда бунга излаш қийин бўлиши мумкин)
- Мавзуга дахлдор илмий адабиётдан (асл нухасидан) фойдаланиш
- Матннинг зарурий лавҳаларини принтер орқали босмадан чиқариш
- Маърузада олган билимини мустаҳкамлаш ва тез текшириш (тест, бошқотирма, ижодий матн тузиш, жадвални тўлдириш каби)
- Кўпхонали интерфайсдан фойдаланиш
- Вертуал мулоқот асосида олиб бориладиган ўқитиш тизимидан фойдаланиш (масофавий ўқитиш)
- Оддий дарсликда бўлмаган аудио, видео кўринишларни, (жонли овоз, рангли тасвир, мусика) ҳаракат элементларини кўриш ва эшитишга муяссар бўладилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тилшуносликни ахборот ва коммуникация технология воситалари билан боғлаб ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари шахснинг таълим-тарбияси ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиб, талаба ёшлар орасида тилшуносликка бўлган қизиқишни янада кучайтиради, тилнинг илмий моҳиятини англашда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда муҳим восита саналади.

Тўра Нафасов
Қарши ДУ

Осиё – Сарииё

Сарииё – Сурхондарё вилоятида туман номи. Сарииё номли қишлоқ, маҳалла Китоб, Шаҳрисабз, Самарқанд, Ургут, Форш, Бойсун

туманларида ҳам бор. XIX аср охирида Бухоро музофатидаги қишлоқ, овул ва ариқлар рўйхатини тузган шарқшунос Н.Ф.Ситняковский Зандана, Вобкент, Кармана, Хатирчи, Камад туманларида олтига Сариосиё қишлоғи борлигини аниқлаган.

Осиё, Сариосиё-Марказий Осиё худудига хос ном. Айниқса Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон худудларида кўп учрайди. Туркий (ўзбек, қирғиз, озарбайжон, туркман) ва эроний (тожик, форс, пушту, дарий, осетин, белуж, урду) халқлар яшаган худудда бу тур номларини турли товуш шаклида учратиш мумкин.

Осиё, Сариосиё номлари Марказий Осиё топонимиясида катта ареалга эга номлар қаторидан бири саналади. Бу мулоҳаза хусусан, осие-Осиё жуфтлигига хос. Сариосиё, Галаосиё, Яккаосиё, Яккоса, Жўйиосиё, Жўйса, Дегосиё, Декоса, Кўшқиосиё каби турли номлар таркибида эроний осие лексемаси мавжуд. Осиё-тегирмон, донни янчиб ун (ярма) қиладиган дастгоҳ (қурилма). Зикрланган топонимларнинг барчасидаги лексемалар форс, тожик тилларига мансуб.

Осиё лексемали топонимларнинг иккинчи гуруҳи аниқловчи+аниқланмиш қолипиде ясалган. Аниқловчи вазифасида як/якка, гала лексемалари тегирмоннинг миқдор билан боғлиқ белгисини билдирган: Галаосиё (Бухоро) – кўп тегирмонли (қишлоқ); Яккаосиё (Қарши) – битта тегирмон (ли қишлоқ), Яккоса-Яккаосиё номининг ўзгарган шакли.

Қорақўл туманида Осиё номли қишлоқ бор. Осиё деган қишлоқ, овул, маҳалла, гузар Республиканинг тоғ олди, тоғ этаги, дарё бўйи, анҳор бўйи худудларида бўлиши табиий. Чунки тегирмон Шарқ ўлкаларида сув билан ҳаракатланган. У сув-дарё, ариқ, анҳор бўйича ўрнатилган. Халқ ҳаётида муҳим ижтимоий, иқтисодий аҳамиятли бўлган. Шу туфайли тегирмон жойларни, аҳоли маскан (қишлоқ, овул, маҳалла, гузар)ларни номлаш учун белги, моддий асос, мўлжал, нишон вазифасини бажарган. Осиё номининг пайдо бўлишидан худудда тегирмоннинг яккалиги, мавжудлиги асос бўлган. Сариосиё номида эса тегирмоннинг қишлоққа нисбатан қайси ўрнида ўринлашуви мотив қилиб олинган, қишлоқ тегирмоннинг юқори қисмида, тегирмон эса қишлоқнинг қуйида жойлашган. Яккаосиё, Галаосиё номлари эса кўзда тутилган худудда тегирмоннинг миқдори билан боғлиқ тарзда юзага келган. Дегосиё, Жўйиосиё номлари ҳам шу худудда қишлоқ (деҳ), ариқ (жўй) нинг мавжудлиги туфайли вужудга келган. Бу номларнинг барчаси Шарқ халқларининг тегирмонни кашф қилиши, ижодкорлиги, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тарзда яралган. Маҳаллий аҳоли ўз ишлаб чиқаришини, касб-хунарини жой номларида акс эттирган.

Ономастика (номшунослик) учун аҳамиятли ҳолат Шарқ халқлари лисоний, маънавий маданиятида турли хил манбага мансуб бўлган осие лексемали номларнинг бўлишидир. Шарқона Осиё ва мағрибона Осиё (қитъа номи) номлари ономастик омоним (шаклдош)лардир. Қитъа номи бўлмиш Осиё номи ўзбек тилига рус тили орқали ўтган. XIX аср охирида

бу ном Шарқ халқларига Азия – Осиё тарзида ўзлашди. Рус тилида Азия тарзида шаклланган бу ном асурийча асу сўзига дахлдор. Асурийлар кунчиқар томонни, шарқни асу дейишган. Мелоддан аввалги 2 минг йилликда асурийлар кунчиқар томонни асу, кунботар томонни эреб деб аташган. Дастлаб асурийлар Эгей денгизи қирғоқларини асу дейишган. Асурийлардан юнонлар бу номни ўзлаштирган. Юнонлар ҳозирги Кичик Осиёни Асу деб аташган. Юнонлардан римликлар бу номни қабул қилган. Жўрофий билимлар ортиши, кенгайиши, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар кучайиши билан Асу ўлкалари ҳудуди ортиб борган. Шу тариқа Асуга мансуб ҳудудлар кўпайиб борган.

Ҳ.Холиқов

Андижон муҳандислик–иқтисодиёт институти

Эвфемик характердаги ундалмаларнинг услубий хусусиятлари ҳақида

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметнинг номини аташ учунгина эмас, адресатнинг характерли хусусиятларини очиб берувчи, сўзловчининг унга турли муносабатини ифода этувчи тасвирий восита сифатида ҳам кенг қўлланади.

Ундалмаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Услубий жиҳатдан холис айтилган ундалмалар.
2. Бирор қўшимча маъно ифодаловчи ундалмалар.

Услубий нейтрал ундалмаларда сўзловчининг баҳо характеристикаси нейтрал бўлади.

Бирор қўшимча маъно ифодаловчи ундалмалар нутқ адресатини кўрсатиш билан бирга, уни характерлайди, эмоционал бўёққа эга бўлиб, нутқнинг таъсирчанлигини таъмин этади.

Эвфемизм нарсаси ҳодисанинг анча юмшоқ формадаги ифодаси: қўпол, беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида қўпол ботмайдиган сўз, иборани қўллашдир. (А.Ҳожиев) Ҳозирги ўзбек адабий тилида эвфемизмлар ишлатилиши жиҳатдан миллийлик билан ҳам боғлиқ. Халқимизда этика нуқтаи назаридан эр-хотиннинг ўзаро мурожаатида суҳбатдошини ўз номи билан атамаслик, унинг ўрнида «онаси», «аяси», «дадаси», «отаси», «хўжайин» сўзларини қўллаш ёки фарзандларидан бирининг номи билан қақриш ҳолатлари мавжуд.

А.Қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикоясида шундай гап бор:

- Дадаси, энди тузукман...

Сотиболдининг хотини тилидан айтилган бу гапда ундалма тингловчининг диққатини тортиш учунгина эмас, ўзида миллий одоб нормасини сақлаган юмшоқ муомаладаги мурожаатни ифодалашга ҳам хизмат қилган.

XXI аср ва ўзбек тилшунослиги

XXI аср тадқиқотлари учун тил материалларининг улкан захираси барқарорлашмоқда. Мисол учун иқтисодиёт (бартер, лицензия, тадбиркор, ишбилармон, акциз маркази), матбуот (офсет усули, матбаа концерни, лазерли принтер), маориф (бакалавр, магистр, рейтинг) сингари соҳаларда саноқсиз лексемалар тўпланмоқдаки, келгусида уларни грамматик, услубий, функционал жиҳатлардан чуқур тадқиқ этиш лозим бўлади.

Янги асрда ўзбек тилида бўладиган ўзгаришларнинг жуда катта қисми расмий услуб билан боғлиқ ҳолда кечади. Ариза, тилхат, маълумотнома, алоқа хати каби расмий иш қоғозлари ҳам шаклий, ҳам мазмуний жиҳатдан ўзгариб, бойиб бормоқда. Русча тайёр қолиплардан воз кечилиб, уларнинг мазмун моҳиятига миллийлик кириб бормоқда. Биргина мисолни олайлик. ДТМ томонидан чиқарилган тест китобчаси ва жавоблар варақасининг дастлабки шакли ҳамда уни тўлғазиш ҳолатларини эсланг. Улар ўта нозик, расмий иш қоғозлари саналар эди. Уларнинг услуби замонга қараб мослашмоқда, соддалашмоқда. Бу эса тилимизнинг эртанги кунидан далолат бериб турибди.

Келгусида ўзбекнинг болалари ҳам офис қоғозларини бемалол тушунадиган, у ерда ҳужжатлар билан иш юргиза оладиган, сертификатларни бемалол тўлғазадиган бўлиши турган гап.

Янгидан-янги дастурлар, дарсликлар, услубий қўлланмалар, замонавий луғатлар яратилади. Улар давлат стандартларига мослаштирилади. Ўзбек тили бўйича бакалаврлар, магистрлар, фан номзодлари, докторларнинг янги бир авлоди шаклланиб, вояга етади.

Она тилимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши аудио-видео, ва компьютер техникасининг ҳаётимизга кириб келиши ва қай даражада ўзлаштирилиши билан боғлиқдир. Замонавий техник курилмалардан XXI асрда фақат машинка сифатида эмас, ҳақиқий мўъжиза сифатида фойдаланиш эҳтиёжлари келиб чиқмоқда. Бунинг учун биринчи галда ўзбек тили бўйича компьютер учун дастурлар яратишимиз, тилимизни машина тилига айлантиришимиз зарур.

Илм-фан ютуқларисиз XXI асрда тилшунослик соҳасида ҳам олдинга кетиб бўлмайди. Зотан давр биздан шуни талаб қилмоқда.

Шаҳноза Султонова
ЎзДЖТУ

Ўзбек тилида аёллар нутқига хос лисоний хусусиятлар ҳақида

Услуб инсоннинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқдир, яъни инсоннинг жамияттаги ўрни, уни ўраб турган муҳит, у ҳар кунги ўзари

муносабатларга кириладиган, муомала қиладиган кишиларнинг нутқ маданияти ҳам ҳар бир инсоннинг нутқига аста-секин таъсир қилади.

Аёллар нутқини, кўпинча сўзлашув услуби, бадиий услуб ёки бадиий услубнинг кўринишларига киритиш мумкин. Кўп жиҳатлари билан аёллар нутқи оммабоп услубга алоқадорлиги кўриниб туради. Ҳурмат, суйиш, меҳр, эркалаш, навозишни ифодаловчи лексик воситалар, грамматик белгилар ва ўзига хос оҳанг орқали амалга оширилади. Ҳазил тариқасида сўзларни кулги қўзғатувчи маънода қўллаш, муболаға турларидан фойдаланиш, сўз ўйини, метафора, метонимия, синекдоха, киноя, ўхшатиш, эпитетлардан кўпроқ фойдаланиш аёллар нутқининг ўзига хослигини кўрсатиб туради.

Болалар тарбиясининг аёллар ҳаётида кенг ўрин эгаллаши улар нутқида эркалаш маъносига доир қўзичоғим, тойчоғим, эркатойим, чироғим, оппоғим, юмшоққинам, дўмбоққинам, ақллигинам, ширинтойим, асалтойим каби эркалаш, меҳрни ифодаловчи сўзларнинг кундалик нутқда кўп қўлланиши, мурожаат шакли сифатида улардан фойдаланиш одатий ҳол ҳисобланади. Шунингдек, фарзандлар исмига хон, жон, ойим, бегим, пошша, тилла, ниса, бек, бой, мирзо, бону, вой (ҳазил тариқасида) сўзларини қўшиб ишлатиш ҳам кўпроқ аёллар нутқида учрайди.

Фразеологизмлар, мақоллардан кенг фойдаланиш ҳам аёллар нутқида кўп учрайди. А.Қаҳҳорнинг машҳур асари “Қўшчинор чироқлари” куйидаги фразеологик иборалардан бошланади. “Қазисан, қартасан, ахир наслинга тортасан!”- деди кампир омборини қулфлаётиб. Ёзувчи акс эттирмоқчи бўлган воқеликка асос бўлувчи бу фразеологизимни А.Қаҳҳор айнан аёллар нутқи орқали беришга ҳаракат қилганлиги ҳам фразеологизмлар, мақоллар кўпроқ аёллар нутқида учрашини яна бир қарра исботлайди.

Ўз ўрнида, чиройли қилиб айтилган бундай сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар нафақат нутқий маданиятимизни кўтаришга ҳамда аёллар нутқининг ўзига хос чиройли томонларини кўрсатишга хизмат қилади, балки ўзаро инсоний муносабатларда, фарзанд тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Э.Қиличев
(Бух ДУ)

Паронимлар фонетик-лексик-стилистик ҳодиса

Паронимлар фонетик тузилиши бошқа-бошқа, аммо талаффузда бир-биринга яқин бўлиб қолган сўзлардир. Фикримизча, паронимларнинг соф лексик ҳодиса деб аташ тўғри бўлмайди. Уларни фонетик-лексик ҳодиса деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки паронимлардан келиб чиқадиган маъно, энг аввало, товуш ва уларнинг талаффузи билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Паронимларнинг морфем таркиби қисман яқин бўлганлиги учун

талаффуз ва ёзувда айрим ҳолларда чалкашлик ва услубий нуқсонларга олиб келади. Шундай бўлса ҳам, унга салбий ҳодиса деб қараш лозим эмас. Чунки паронимлар талаффузининг ўхшашлиги бадиий нутқда сўз ўйинлари ва мисралар қофиясида муҳим услубий вазифа бажаради. Паронимлар билан боғлиқ бу ҳодиса тилшуносликда паронوماзия термини билан аталади.

Паронوماзия талаффузи ўхшаш, фақат бир-икки товушига кўра фарқланувчи, аммо лексик маънолари бир-биридан узок сўзлар ёнма-ён қўлланадиган стилистик фигура ҳисобланади. Бу услубий воситадан бадиий адабиётда ифодалилик, оҳангдорликка эришиш, комик вазият яратиш, сўз ўйинлари қилиш каби мақсадларда кенг фойдаланилади.

Юқорида қайд қилинганидек, паронимлардан сўз ўйини, қочирим сифатида ҳам фойдаланилади:

Хурматли судья! Болаларимга юборилаётган алимент пулининг процентини бир оз камайтиринг, деб илтимос қиламан. Чунки гунов куни хотиним билан кўчада учрашиб қолдик: «Раҳмат, элементни ўз вақтида олиб турибман», - деб қўйди. «Алимент» сўзини «элемент» деб бузиб айтгани учун юборган пулларимга юрагим ачишиб кетди («Муштум»).

Боғ сизники. Узумини ейсиз. Кейин «ўзим еяпман» деб юраверасиз («Аския»дан).

Паронимлардан стилистик восита сифатида фойдаланиш ўқувчи ва талабаларни, нашриёт ходимлари ва журналистларни, кенг китобхонлар оммасини тилга, ўз нутқига алоҳида эътибор билан қарашларини тақоза қилади.

Шундай қилиб, паронимлар нафақат лексик, балки фоностилистик ҳодиса ҳамдир. Бу ҳодисадан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланилсагина стилистик нағижа беради.

Яров Б.А.,
(ЎЗР ИИВ Академияси)

Ўзбек тилида кесимнинг уюлиши

Тилшунос олимларимизнинг ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, она тилимизнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уни таҳлил қилишга ўтиш лозимлиги ҳақидаги даъватлари қанчалик тўғри эканлигини кейинги йилларда яратилган илмий тадқиқотлар исботлади. Хўш, нега содда гапнинг асоси қилиб кесим олинди, нега ҳар бир ҳосиланинг кўп қирралиги ва уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан узвий боғлиқликда ўрганишга даъват қилинди? Бу каби саволларга аждодларимизнинг илмий меросларидан ҳам, бугунги кунда ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган олимларимизнинг ишларидан ҳам жавоб топиш мумкин. Масалан, тилшунослигимиз ривожига улкан ҳисса қўшган А.Фитратнинг қуйидаги фикрига диққат қилайлик: «Қушлар боғчада эрталаб ..., Миртемир яқинда бир шеър ... Юқоридагилардан ҳеч биттаси «гап» бўла олмайду, булардан

тугал «уй» англашилмайдур. Бу икки сўз кесимнинг қай бирини эшитгач, сўз кесилди, гап битди деб ўйлаймиз. Гапнинг сўнгини кутамиз. Буларни тугатмоқ, «гап» қилмоқ учун биринчисига «сайрайдир», иккинчисига «ёзди» сўзларини қўшиб:

1. Қушлар боғчада эрталаб сайрайдир;

2. Элбек (Миртемир) яқинда яхши бир шеър ёзди, - деймиз.

Англаймоқчи бўлишимиз «уй»ни тугаллаймиз. «Гап» тугаладир, сўз кесилади. Гапнинг томомлашиб, сўзнинг кечилгани шу «сайрайдир» ҳам «ёзди» сўзлари билан бўлади. Шунинг учун юқоридаги икки «гап»нинг охиридаги «ёзди», «сайрайдир» сўзлари ва соддача, «кесим» деймиз. Гапдаги сўзларнинг охирида келган, ўз келиши билан сўз қисмини «гап»га айлантирган сўз кесим сўздир.

Кесимнинг уюшиши гапнинг бошқа бўлаклари уюшишидан тубдан фарқ қилади. Уюшиқ кесимнинг бундай фарқланиши унинг моҳиятидан келиб чиқмоқда. Ҳукми билдирувчи икки ва ундан ортиқ кесим ҳамда улар учун умумий бўлган [Pm] бўлиши шарт.

Уюшиш деганда ниманингдир атрофида бирлашиш, қайсидир бир бирлик ҳар бир компонент учун умумий бўлиши лозим. Маълумки, бир бирлик умумий бўлиши учун, у бир марта қўлланган бўлиши керак. Уюшиқ бўлак ҳақида фикр юритилдими, албатта, умумий бир бирлик (элемент) бўлиши керак.

Санаш интонацияси билан айтилса, ҳар хил сўз туркуми билан ифодаланса, бир хил ёки умумий шаклда бўлса, бир хил синтактик вазифани бажарса, тенг боғлансагина, гапнинг ҳамма бўлаклари сингари уюшиқ кесим дейиш мумкин эмас. Чунки, уюшиқликни билдирувчи зарурий, умумий бир хусусият - бир бирлик ёрдамида уюшиш бўлиши шарт ва энг асосийси, уюшиқ бўлакнинг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари бўлишини эсдан чиқармаслик зарур. Кесим ҳукми ифодалаши билан гапнинг бошқа бўлакларидан тубдан фарқ қилади. Бундан ташқари, у гапнинг асосига олинган бўлакдир, унинг таркиби [W лар] ва [Pm] дан иборатдир. Гап таркибида бир нечта луғавий асослар [W лар] ни биргина кесимлик кўрсаткичи [Pm] шакллантирса, ва у «қавсдан ташқари»га чиқиш қобилиятига эга бўлсагина, уюшиқ кесим ҳосиласи вужудга келади ва унинг энг кичик қурилиш қолипи, юқорида қайд этилгандек, [(W₁, W₂) Pm] бўлиб, унинг схематик кўриниши ҳам бошқа уюшиқ бўлақлар схематик кўринишидан фарқ қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир тил ўзига хос хусусиятларга эга. Гапни таҳлил қилганда ана шу хусусиятларни инобатга олиш зарур.

Она тили ва адабиёт дарсларини қўшиб ўқитиш – давр талаби

Маълумки, мумтоз таълим матн таҳлилиги асосланган. Бинобарин, унда бизнинг тушунчаларимиздаги она тили ва адабиёт ўқитиш бўлмаган. Бугина эмас, олий мадрасаларда матн таҳлиliga талабалар тегишли билимлар билан қуроллантирилгандан кейингина ўтишган ва бу жараён кўп асрлик тарихга эга.

Ўқувчига аввал дастлабки билимлар мажмуи, хусусан, математик билимларни бериш орқали мантиқий фикрлашга ўргатилган. Шундан кейин табиатни ўрганишга ўтилган.

Юнон мумтоз таълими асосида тузилган қомусий асар ва унда келтирилган фанлар таснифида фақат тиллар ўрганилганлиги кўринади.

Адабиёт ҳақида эса ҳеч қандай маълумот йўқ. Бу мадрасаларда адабиёт ўқилмаган деган маънони англамайди. Адабиёт ўқитилган, бироқ бошқача шаклда, матн таҳлили асносида ўқитилган. Акс ҳолда мударрислар Бедил, Низомий, Навоий ҳақида бу қадар чуқур билимга эга бўлмаган бўлардилар.

Мавжуд ҳолат қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

- мумтоз таълим мазмунини ўрганиш, унинг ижобий томонларини умумлаштириш лозим. Бу айни пайтда маънавий қадриятларни тиклаш ва улардан келгуси авлодни баҳраманд қилиш ҳамдир;

- филология факультетлари ишчи режаларини тубдан янгилаш лозим. Бакалавриятнинг 1-4, магистратуранинг 1-2-курсларида «Матннинг филологик таҳлили» *а м а л и й* курсини жорий этиш керак.

- мактаб, лицей ва коллежлар она тили ва адабиёт дарсликлари мазмун-мундарижасини ўрганиш, уларни яратишга олий таълим профессор-ўқитувчиларини жалб этиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Қуйи таълим муассасаларида ҳам ғоят иқтидорли, ўз касбинини беҳад севадиган, билимдон, бинобарин, давр талаб этаётган ўқитувчилар бор.

Фақат уларни излаб топиш, давлат аҳамиятига молик бу жараёнга уларни тортиш лозим. Миллат истиқболи, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури барчамиздан шундай йўл тутишни талаб қилади.

**Х. Бердиев
(СамДУ)**

Тадқиқот, таълим ва таҳлил

Ҳар томонлама қамровга эга бўлган, матннинг тўлиқ филологик таҳлилинини бера оладиган, филология соҳаларини бирлаштирувчи фан ҳақида гапирадиган бўлсак, у лингвопозитика номи билан аталади ва тадқиқотларни таълим билан бевосита боғлайди. Аммо ҳозирги пайтда,

уни таълим жараёнига татбиқ этиш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Шуларнинг биринчиси тадқиқотчиларнинг мазкур фан мақсад ва вазифаларини ҳар хил тушунишлари билан боғлиқ. Шундай қилиб, бизда лингвопоэтика деганда кимдир шеърий матн тил хусусиятини текширишни, кимдир стилистикани, яна кимдир ҳар иккаласини ҳам (ва б.) тушунади.

Шеърий асар лексик хусусиятларининг лингвопоэтик таҳлилига доир айрим ишларда «мазкур сўз (ўша манбада сифат ҳақида гап борган) аниқланмиш тушиб қолгани учун предметликни ифодалаган ва асардаги бошқа сўзлар билан қофия ҳосил қилган» каби сатрларни ўқиймиз. Тўғри, шеърий шаклдаги ахборот ихчамликда бошқа услублардан тубдан фарқ қилади. Бироқ бу фарқланиш фақат вазн ёки қофия талаби, услуб ўзига хослиги, бирор услубга алоқадорлиги кабилар билангина боғлиқ бўлмай, у тилнинг ўзида мавжуд ҳодиса сифатида шарҳланса қандай бўлар эди? Масалан, *яхшилар кўпайсин* дейилганда сифат от вазифасини бажарибгина қолмай, одам тушунчасини хусусиятига кўра, таъкидлаб, ажратиб (фақат *яхшилар кўпайсин* маъносида) кўрсатиш учун ҳам хизмат қилади. Худди шунингдек, *Когонда уларнинг келишини билишарди* гапида эга йўқ. Мутлақ «эгасиз» ҳам эмас. Чунки *Когон* ҳам, *билишарди* ҳам билувчилар (одамлар) билан боғиқ хабарни ифодалайди. Масаланинг бошқа томони шундаки, нутқда эгани ҳам, ўринни ҳам бир пайтда, бир сўзда ифодалашнинг устуворлиги мавжуд. Шу билан бир қаторда, тилнинг табиатидаги метонимик хусусият нутққа ҳам кучиб ўтиши асосида аниқловчи+аниқланмиш, ҳол+ҳолланмиш ва ҳ.к. ўртасидаги чегара барҳам топади. Бу, албатта, шеърий нутқда ҳам намоён бўлади.

Юқорида баён қилинганлар асосида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

-таълимда фанлараро ва соҳалараро боғланиш масаласи долзарблигини инобатга олиш;

-филолог кадр тайёрлашда таҳлил тўлақонлилига эришиш методларидан фойдаланиш;

-назарий фикрларнинг амалиёт билан боғлиқлигини назарда тутиш;

-замонавий билим бериш масаласига жиддий ёндашиш;

-таълимда фақат қоидалар билан чегараланиб қолишнинг олдини олиш (юқорида қайд этилган ҳолатлар юз бермаслиги) учун талабани мустақил фикрлашга ўргатиш.

М. Абдиев
(СамДУ)

«Она тили ўқитиш методикаси» фанини ўқитишга доир мулоҳазалар

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили асосий фан саналганлиги каби олий таълимнинг мазкур йўналишида таълим олаётган талабаларга эса «Она тили ўқитиш методикаси» асосий ўқув фани сифатида ўтилиши

лозим. Чунки филология йўналишини тамомлаган ёшларнинг 80%идан ортиқроғи умумий ўрта ҳамда касб-хунар таълими масканларининг она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчилари бўлиб ишлаши аниқдир.

Она тили ва адабиёт ўқитувчисини тайёрлаб бериш ишида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

1. Дарс жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.

2. Ўқитишнинг техник воситаларидан унумли фойдаланиш.

3. Тилшунослик, адабиётшунослик, педагогика, психология сингари фанларга оид янгилıklarдан доимо хабардор бўлиш, фанлараро боғланишни ташкил қилиш.

4. Она тили дарсларида муаммоли вазият яратиш усулларидан фойдалана билиш.

5. Ўқувчининг дарс давомида мустақил ва эркин фаолият кўрсата олиши учун имконият ярата олиш.

6. Тилшуносликка оид назарий билимларни амалиётда қўллай олиш.

7. Мавзуга оид асосий ва қўшимча адабиётларни танлай билиш.

8. Дидактика ва психологияга оид зарурий билимларга эга бўлиш.

9. Таҳлил этилаётган материалларни бир-биридан ажратиш, қиёслаш баробарида уларни сабаб ва ҳаракат, оқибат ва асос шаклида ҳам қарама-қарши қўя олиш.

Хуллас, XXI аср ўқитувчиси янгилıklarни тез илғай оладиган ҳамда ўқитишнинг ноанъанавий усулларидан хабардор ва энг муҳими, замонавий педагогик технологиялар ютуғидан самарали фойдаланишга тайёр ҳолда амалий ҳаётга йўлланма олиши зарурлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

М. Бобоёров
(Самарқанд)

Терминологияда асимметрия ғоясини қўллаш ва унинг истиқболлари ҳақида

Асимметриянинг уч тури фарқланади: систем асимметрияси, структура асимметрияси ва функция асимметрияси. Уларнинг барчасида шакл ва мазмун синтагматик, парадигматик ва семантик аспектларда ўрганилади.

Агар лисоний белгининг асимметрик дуализми ғоясини лексик, аниқроғи, терминотизимга нисбатан қўллайдиган бўлсак, номинация нуқтаи назаридан, масалан, от туркумига кирувчи барча сўзларни асосий уч гуруҳга бўлиш мумкин. Булар ўз маъносидаги сўзлар гуруҳи, термин ва номинклатуралардир. Уларни ўзаро фарқламаслик назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам жиддий қийинчиликларни туғдирмоқда.

Терминологияда асимметриянинг парадигматик планда намоён бўлиши кузатилади.

Яъни бош сўз, бўғин, морфема шаклларида қўлланар ва бу билан ўзида

турли функцияларни мужассам этар экан, нега уни *термин* функциясида қўлламаслик керак.

Терминологияда асимметрия ғоясини қўллаш катта назарий ва амалий истиқболга эга. Чунончи, унинг ёрдамида сўзнинг луғавий бирлик сифатидаги мақоми қирралари очиб бериледи ва ўқувчида у ҳақда аниқ тасаввур ҳосил қилинади. Бу лексикология ва лексикография учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Х.Бердиев, Э.Р.Қулаҳмедов, М.Шукуров
(СамДУ)**

Сифат сўз туркуми ва ўқувчиларнинг у бўйича олиши лозим бўлган билимлар тизими

А.Фуломов ва Ҳ.Неъматовларнинг «Она тили таълими мазмуни» китоби назарий ва фактик материалларга бой китоб эканлигини, бинобарин, уни ўрганиш ва у асосда машғулотлар олиб бориш ўқувчини янги назарий билимлар билан бойитиши баробарида унда ижодий ва мустақил ишлаш қўникмаларини шакллантиради.

Муаммоларнинг сифат сўз туркуми бўйича билдирган фикрлари кўриниб турганидек, анъанавий билимдан изчил ва қўламдорлиги билан анча фарқ қилади.

Мазкур китобнинг назарий – амалий фактларга бойлиги, унда она тили таълимининг методологик асослари истиқлол даври талабларидан келиб чиқиб яратилганлигини ва кенг ўқитувчилар ва ўқувчилар оммасига ҳамон нотаниш бўлиб қолаётганини ҳисобга олиб ҳар бир таълим масканида кенг ўрганишни йўлга қўйиш бугунги таълимнинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Ушбу методик қўлланмада индуктив методнинг кенг қўлланилганлиги унинг қўлланиш доирасини беҳад кенгайтириб юборади.

- «Аслий сифатларнинг маъно гуруҳлари» мавзуси юзасидан ранг-баранг ифодаловчи сифатларни, баҳолаш сифатларини аниқлаш, миқдор ва масофа сифатларини аниқлаш, уларнинг луғатини тузиш, ҳар бирига қарама-қарши, уядош, маънодош сўзлар танлаш ва улар воситасида матнлар тузишни тавсия қиладилар;

- «Сифат даражалари» мавзуси юзасидан матнда белгининг миқдорни қиёслаб, даражалаб кўрсатувчи сифатларни ажратиш; - *роқ* қўшимчали, жуда, энг, сўзлари билан келган сифатларнинг маъносини қиёслаш; оддий, қиёсий ва орттирма даража қабиларни тушунтириш ва улардан фойдаланиб, нарса-буюмларнинг қиёсий тасвирини бериш лозим, деб ҳисоблайдилар;

- Шунингдек, муаллифларнинг «кучайтирма ва озайтирма сифатлар», «Нисбий сифатларнинг маъно турлари ва ясалиши», «Қўшма сифатларнинг ясалиши ва ёзилиши» мавзулари бўйича билдирган фикрлари ҳам эътиборга молик.

Ўқитишга янгича ёндашиш - ҳозирги кун талаби

Бугунги ўқитувчига қўйилаётган талаблар мезони бошқача. У билимли ва саводли шахс бўлиш билан бирга, қобилиятлилиги билан ажралиб турувчи, ишбилармон, ижодкор, ўз билимини ва малакасиин ҳаётнинг мураккаб шароитларида қўллай олувчи рақобатбардош ҳам бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ёшларни ўз фанига қизиқтирадиган технологияни қўллашига тўғри келади.

Ўқувчининг фикрлаш фаолиятида мантиқий, тўғри, илмий хулосаларни излаш ва ўзлаштиришга рағбатлантирадиган муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, улар онгида изланишга ўхшаш, билиш вазибалари ва муаммолари пайдо бўладиган қилиб ўргатиш муаммоли таълим беришнинг асосий хусусиятларидандир.

Муаммоли дарсларда ўқувчиларнинг аввалги билимлари, кўникма ва малакаларни фаоллаштириш, муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва муаммо қўйиш, муаммони ҳал этишга эҳтиёж туғдириш ҳамда муаммони муҳокама қилиш, ўз мулоҳазаларини билдириш, муаммони ҳал қилишнинг мақсадга йўналтириш йўллариини излаш каби босқичларни тажрибада синаб кўриш, самарадор эканлигиини кўрсатиш изланишларимиз мақсадидир.

Муаммони одатдаги усул билан эмас, шеърий йўл билан беришнинг ҳам бир қанча аҳамиятли томонлари бор. Биринчидан, ўқувчида адабиётга, шеъриятга, сўзга бўлган ҳавас кучаяди. Иккинчидан, муаммо ечимини топишга бўлган қизиқиш ошади.

Муаммоли дарснинг уч талаби - ўқитувчи томонидан муаммониинг қай даражада кўя олиними, ўқувчилар томонидан муаммо ечилиши, таҳлил қилиниши, ундан сўнг ўқитувчи ва ўқувчилар биргаликда муаммо ечимига яқун ясаши каби талабларига риоя қилинади.

Ўзбек тили бой тил эканлигига, ҳатто ҳарфлар алмашса ҳам, янги сўз ҳосил қилиш мумкинлигига оид қуйидагича муаммони ечиш вазифа қилинади:

Сўз маъноси англатар,

Энг ноёб металл зотин.

Иккита ҳарф алмашса,

Бир қадимий тил отин. (жавоби: олтин-лотин)

Муаммоли дарсларда ўқувчиларининг аввалги билимлари, кўникма малакаларини фаоллаштириш, муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва муаммо қўйиш, муаммони ҳал этишга эҳтиёж туғдириш ҳамда муаммони муҳокама қилиш, ўз мулоҳазаларини билдириш, муаммони ҳал қилишнинг мақсадга йўналтириш йўллариини излаш каби босқичлар амалга оширилади.

Лицейда қофияни ўрганиш ва ўргатиш

Шеърятнинг асосий хислатларидан бири — оҳангдошлик, қофия, қофиявийлик. Қофия шаклий мутаносиблик учун эмас, мазмун, ғоя ифодаси учун хизмат қиладиган лисоний, нутқий бирликлардир. Шеър таҳлилида қофияни ўрганиш ва ўргатиш борасидаги тажрибаларимизни А.Ориповнинг «Ўзбекистон» қасидаси мисолида фикрлашмоқчимиз. Бу қуйидаги изчилик асосида олиб борилиши мумкин:

1. Шеър ўқилиб, мавзу, мазмуни, ғояси, мақсади тушунтирилиб бўлгач, қофия вазифасидаги сўзлар, бирикмалар ва шеър бандларининг қофияланиш тартиби, усули аниқланади: *бу кун - бутун, йироқ - бироқ, диёр - бор, қалам - ватан, сурур - ғурур*.

2. Қофиядош сўз ва бирикмалар билан бириккан бошқа сўзларни топиб, уларнинг маънолари ва мисрада қандай маъно англатиши ва вазифа бажариши белгиланади: *бу кун шеър битмоқ, бутун олам аро, шеъри йироқ учмоқ, бироқ битилмаган*.

3. Қофиянинг мисрадаги ўрнини аниқлаш: мисра охирида, мисра бошида, мисра ўртасида.

4. Қофиядош сўзларнинг мисрада ўз ёки кўча маънода қўлланганлиги изоҳланади.

5. Қофиядош бириклар фаол - нофаол, ўз - ўзлашма қатлам, ҳиссий буёқдор - услубий бетараф, адабий - ноадабий, адабий - шева (лаҳжа)вий, луғавий маъновий мустақил сўз - ёрдамчи сўз, сўз - сўз бирикмаси, турдош сўз - атоқли от каби меъёр ва лисоний - бадий ўлчовлар нуқтаи назаридан изоҳланади: *дунё - Амударё, бир оз - аёз, Зардушти - тутди, ҳам ҳали - машғали*.

Қофия - шеърий матннинг руҳи, жони, қон йўлаги. Унинг шеър, мисра бағридаги вазифасини, аҳамиятини топа билиш ва изоҳлаш шеърий нутқ фазилатини эгаллашга йўл очувчи омилгина эмас, шеърхонлар, суҳандонлар, нотикларнинг нотиклик маданиятини юксалтириш ва такомиллаштиришга, маънавий қадриятлар кўламини кенгайтиришга ва маънавий оламини бойитишга ҳам катта йўлак яратувчи илмий-таълимий омилдир.

Г.Мамедова
Н.Нуралиева
(ЖИДУ)

Хорижий тиллар таълими самарадорлигини оширишда она тилининг тутган ўрни

Ёшларимиз ўрганадиган тилларнинг бошида она тили турмоғи, хорижий тилни ўрганиш она тилини ўрганиш воситасида амалга оширилмоғи лозим.

Ўз навбатида, хорижий тиллар таълими самарадорлигини оширишда талабанинг ўз она тилини қанчалик даражада мукаммал эгаллаганлиги алоҳида аҳамият касб этади, чунки:

биринчидан, дунёни англаш, билиш ва уни ҳис қилиш она тили орқали амалга ошади. Она алласи орқали инсон гўдаклиданоқ ватан ва миллат руҳи кўнглида мустажоб бўлади, шу орқали у ўзлигини англай бошлайди, дунёни кашф этади. Шу маънода, айтиш мумкинки, она тили инсонни инсон сифатида, миллатни миллат сифатида шакллантирадиган ва. ўз навбатида, халқни бирлаштирадиган энг муҳим ва асосий кўзгудир.

Иккинчидан, ҳар бир халқнинг тилида унинг ўзлигини кўрсатадиган маълум бир лексик бирликлар, сўзлар мажмуи мавжудки, айрим ҳолатларда битта сўз билан бутун бир миллатни, халқни гавдалантириш мумкин. Жумладан, ўзбек тилидаги «иймон» сўзи ўзбек халқининг бутун бир маънавий-миллий оламини акс эттиради.

Учинчидан, талаба ўз она тилининг нозик бир товланишларини ҳис қила олмаса, унга шу миллатнинг ўзлигини кўрсатувчи сўзлар бегона бўлса, унинг миллий руҳий олами ҳам муаллақ бўлиб қолади.

Тўртинчидан, талабанинг ўз она тилида сўз бойлиги кам бўлса, хорижий тилларни ўрганиш ва уни ўз она тили билан қиёслаш имконини пасайтиради. Албатта, бундай омиллар ҳар томонлама етук, маънан юксак мутахассисларни тайёрлашга салбий таъсир этади.

Н. Умарова
Қарши педколлежи

Ҳуснихат - ўқитувчи ва ўқувчи маънавиятининг муҳим қадрияти

Ёзув - таълим жараёнининг узвий ҳамда муҳим қисми.

Ўқитувчи бошланғич таълимнинг қуйи синфларида ҳарф шаклларини стандарт ёзув асосида ўргатади. Сўнги синфларда ҳарфларни ва сўзларни стандарт асосида ёзишга эътибор сусайтирилади. Бу - бор гап. Педколлежларга ўқиш учун келаётган ва таҳсил олаётган талабалар аксарият қисмининг ёзуви талаб ва меъёр даражасида эмас. Ҳарф шаклларини сал ўхшатиб ё бошқача қилиб ёзадиган талабалар ҳам кўп, бир-биридан маълум шакл ё қисмлари билан фарқланадиган ҳарфларни фарқламай, бири ўрнида иккинчисини ёзиш ҳолатлари кўп учрайди. Ҳарфларнинг чизиқ ости ва чизиқ устида ёзилиш тартибларига амал қилишмайди, ҳарфларни туташтириш меъёрига риоя этишмайди. Ачинарлиси шуки, кўп ҳарфли сўзлар таркибидаги ҳар бир ҳарфни алоҳида-алоҳида, узиб, бир-биридан ажратиб ёзиш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Хатбошида қанча ҳарф ўрнини очиқ қолдириш, сўз билан сўз оралиғидаги масофа неча ҳарф ўрнидан иборат бўлиши, тире билан чизиқча (дефис)ни фарқлаб ёзиш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, рақам билан ҳарф, гап ичидаги ва охиридаги тиниш белгилар билан навбатдаги сўз оралиғидаги

масофа ўлчами қандай бўлиши, иш қоғозларини ёзиш каби амалий ёзув кўникмаларида ҳам жиддий нуқсонлар борлиги ҳаммага аён. Талабаларнинг ёзув фаолиятидаги бу каби нуқсонлар учун ким масъул? Албатта, ўқитувчи. Фақат бошланғич синф муаллимини ўқувчилар ёзув кўникмаси ва малакасининг талаб даражасида эмаслигида айблаш адолатдан эмас. Бу масала мактабдаги барча ўқитувчиларнинг масъулият билан бажариши лозим бўлган ишидир ва фаолиятининг таркибий қисмидир.

Хусниҳат - хаттотлик санъатининг дебочаси. Шарқнинг қадимий таълимида хаттотлик ўта эъзозланган. Муаллимнинг дастхати ибратли ёзув бўлмоғи лозим.

О.Тошева, У.Абдуллаева
Қарши педколлежи

Педколлежлар учун махсус «Она тили» дарслиги бўлса...

Педколлежда бошланғич синф, жисмоний тарбия, мусиқа, касб-ҳунар ўқитувчилари тайёрланаётганлиги боис она тилидан махсус дарслик яратиш зарурати бор. Чунки бошланғич синфларда таълимнинг пойдевори яратилади. Зарурий билимларнинг содда асоси ўргатилади. Ёзма ва оғзаки нутқ намуналарини яратишнинг қисқа назарий ва амалий кўникмаси ҳамда малакаси ҳосил қилинади. Шу каби ҳаётий эҳтиёжлар инобатга олиниб, ўқитувчилик фаолиятини такомиллаштиришга мослаштирилган махсус дарслик ва қўшимча қўлланмалар, луғатлар, ёрдамчи услубий рисолалар яратилса айни муддао бўлади.

Педколлежлар «Она тили» дарслигининг мундарижаси ҳақида баъзи истақларимиз:

1. Грамматик қоида, қонунлар баёни ва уларни билиб олишга даъват қилувчи топшириқ ва машқлар кам бўлса;

2. Бошланғич синф ўқитувчисининг 7-11 ёшли болаларни ўқитиш фаолиятини юксак поғонага кўтарувчи ва мукамаллаштирувчи лисоний билимлар, талаблар, амалий топшириқлар берилса;

3. Ўзбек тилининг говуш тизими, сўз бойлиги, сўз ва унинг маънолари, сўз қўллаш, сўзларни туркумлаш, сўз бирикмаси ва гап қурилиши, уларнинг ҳаётий ва нутқий асослари, турли услубда ва шаклда матн яратиш, бир фикр (воқеа, ҳодиса, ҳолат) ни турли матнларда баён қилиш, матнни кенгайтириш ва ихчамлаштириш дарсликнинг асосий мундарижаси ва мақсади бўлиши табиий;

4. Сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг маъно хусусиятларини, нозикликларини англаш, сўзларнинг қўлланилишига доир амалий кўникма ва малакаларга эга бўлиши сўзнинг маъноларини оддий изоҳ, қомусий изоҳ, маънодоши билан изоҳлаш каби таълимий—нутқий жараёнларни ўргатиш дарсликнинг асосий мақсади ҳисобланиши лозим;

5. Шева ва лаҳжаларнинг таъсири бошланғич синф ўқувчилари ва

ўқитувчилари ҳаётида, фаолиятида нисбатан сезиларли. Дарсликда сўз ва қўшимчаларнинг тилдаги, нутқ оқимидаги талаффузи, шакли, имлоси, қўлланиши, муқобили адабий тил ва лаҳжа (шева) сатҳида қиёсланиб намуналар берилса;

6. Талаффуз ва имло меъёрлари, уларни мувофиқлаштириш, адабий талаффуз ва имлони эгаллаш борасида билим ва топшириқлар бажариш ва ўрганиш намуналари дарсликда акс этса;

7. Дарслик муаллифлари педагогика ҳамда санъат, маданият коллежларидаги она тили ва унга ёндош гуманитар фанларни ўқитиш жараёни, ҳолати, амалиёт билан кўпроқ танишиб, мукамал ўрганиб, дарслик, қўлланма, рисола ва бошқа тур ёрдамчи адабиётлар яратса, янада яхши бўлади.

**С.Кенжаева,
Қарши педколлежи**

Педагогик коллежда атоқли отларни ўқитиш ва ўрганиш

Номсиз жамиятни ва табиатни ўргатиш ва ўрганиш мумкин эмас. Атоқли отларнинг лисоний, жуғрофий, тарихий, ижтимоий моҳиятини билиш - ономастик билим янги аср таълим-тарбиячиларининг ижтимоий эҳтиёжига айланаётганлиги давр руҳи ва талаби натижасидир.

Атоқли отларнинг ўзбек тилида, ўзбек халқининг маънавий дунёсида бир-бирига боғлиқ қуйидаги турлари бор: 1. Киши исмлари, фамилиялари, тахаллуслари - антропонимлар. Ҳар бир зиёли ўз ҳудудидаги исму шарифларнинг маъносини, нима учун шу сўз билан аталганини билиши зарур. Маънавий етуклик белгиларидан бири ўзбек тилидаги барча исму шарифлар ва тахаллусларнинг маъносини, қайси тилга мансублигини билиш ва талабаларга ўргатишдир. 2. Жой номлари - топонимлар. Энг аввало, Ўзбекистон, сўнгра дунё харитасидан энг фаол номларнинг лисоний хусусиятларидан тўла хабардор бўлиши ва талабаларда ҳам бу ҳақдаги билимга ҳавас уйғотиш зарур. 3. Осмон планеталари, жисмлар ва тушунчалар номи - космонимлар. Чўлпон, Ҳулқар, Юлдуз, Куёш, Миррих, Аторуд каби планеталарнинг номлари ўзбек тилининг ва халқининг нодир қадриятлари.

4. Инсоният томонидан яратилган моддий ва номоддий бойликлар номлари - ктематонимларнинг ҳозирги давр кишиси ҳаётида катта ўрин тутиши аён. Куй, қўшиқ, ғазал, роман, қисса, шеър, эшиттириш номлари ўзбек халқининг кўп асрлик мероси. «*Тановар*», «*Чўли Ироқ*», «*Ушшоқ*», «*Сувори*» каби куйларнинг номи ҳам лисоний, ҳам маданий-маърифий тарих. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси ҳар бир номнинг илмий, маданий, тарихий, маҳаллий, бадиий, ижтимоий асосини ўргатиши жоиз. 5. Илоҳий тушунчалар ва жойларнинг номлари – теонимлар. 6. Ҳайвонларга атаб кўйилган номлар ҳам тилнинг, маданий фаолиятнинг далили.

«Атоқли отлар» мавзуси морфологияда эмас, лексикологияда ўрганилса, алоҳида мавзу мақомида киритилса, атоқли отларнинг моҳиятини ўрганиш қулай бўларди.

Атоқли отларнинг зикр этилган олти тури бўйича ўқув луғати яратилиши - давр талаби ва эҳтиёжи. Мавжуд ўқув ва илмий асарлардан фойдаланиб курс ва гуруҳларда курс луғатлари, гуруҳ луғатлари тузиш лозим. Бу луғатларда атоқли отларнинг ҳар бир тури ҳақидаги билимлар, маълумотлар ёзиб берилади. Ҳар бир талабага ўқитувчи махсус топшириқлар беради. Тўпланган маълумотларни ўқитувчи ё зукко талаба тартиблаштиради, яхлитлаштиради, илмий манбалар билан қиёслайди. Атоқли отлар бўйича викторина, суҳбат, баҳс ташкил қилиш ўқитувчи фаолиятига дахлдор.

С.Юсупова
ЖИДУ

Академик лицейларда янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари

Таълим тизимида янги педагогик технологиянинг амалда жорий этилиши барча ўқитувчи-мураббийларни янгиланишга, дарс ўтишининг энг замонавий, жаҳон андозаларидаги усулларида, ноанъанавий усуллардан унумли фойдаланишга, дарснинг экскурсия, мунозара - баҳс, учрашув, тортишувли –ижодий, табиат, ишлаб чиқариш корхоналари қўнида машғулот ўтиш каби шаклларида дарс олиб боришга ундамоқда. Шундан келиб чиқиб, академик лицей I курсларида «Паремиялогия ва луғатшунослик» мавзусини ўрганиш борасидаги ўз тажрибамиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ўқитувчи дарснинг мавзуси ва режасини эълон қилади. Ҳар бир ўқувчига дарс давомида бажариладиган топшириқлар тарқатилади. Топшириқлар ягона матнни турли томондан таҳлил қилиш асосида бажарилади. Топшириқлар қуйидагича:

1-топшириқ. Матнни диққат билан, овоз чиқармай ўқиб чиқинг.

2-топшириқ. Дафтарга ёзиб борилади.

Матндаги ўзбек, синов, ўтмиш, қиёфа, уммон, томчи, белбоғ, ҳабиб, башар сўзларининг маъноларини изоҳланг. Ўқувчилар жавобидан сўнг изоҳли луғат, унинг нашрлари ҳақида маълумот берилиб, хулосаланади.

3-топшириқ. Матндаги айрим сўзларнинг шакл ясовчи ва маъно муносабатларига кўра турини топинг. Масалан:

1. Синонимларга: қадим, бурун, аввал, олдин...

2. Антонимларга: қадим-ҳозир, ...

3. Омонимларга: ўзбек халқининг палаги тоза, экинларнинг палаги тоза.

Омоним, синоним, антоним сўзлар луғати ва уларнинг вазифаси

ўқувчилардан сўралади ва фикрлар умумлаштирилади.

4-топшириқ. Матндаги тарихий, ўтказган, бақувват, шонли, бемисл, белбоғи, ҳабиблиги сўзларини морфемаларга ажратинг. Морфемаларнинг турларини, улардаги омонимлик, синонимлик, антонимик муносабатларни айтинг. Морфем луғат, унинг вазифаси сўралиб, фикрлар хулосаланади.

5-топшириқ. Матндаги ўзбек сўзининг келиб чиқиши ҳақида нималарни биласиз? Муҳокамалардан сўнг этимологик луғат ва унинг вазифалари ҳақидаги илмий мушоҳадалар умумлаштирилади.

6-топшириқ. Матндаги турғун ибораларни аниқланг. Фразеологик луғат, унинг вазифаси ўқувчилар чиқарган хулосаси асосида умумлаштирилади.

7-топшириқ. (Техника воситаси (видео глаз) орқали кўрсатилади).

Матҳур сақлинг, ратҳум расўкан.

Товуш қаторларида қандай мақол яширинган? Паремиология, паремиологик луғат ҳақида маълумот беринг.

8-топшириқ. Партама-партга ҳикматли сўзлардан «Мен бошлайман, сен давом эттир» ўйинини ўтказинг.

9-топшириқ. Луғат ва унинг турларини «Кластер» усулида кўрсатинг. Дафтарга ёзиб кўрсатиш.

Жавоблар баҳоланади, баҳолар шарҳланади. Уйга халқ ҳикматларидан бири яширинган кроссворд тузиш топширилади.

Дарсга грамматика амалиёт учун тамойилларидан фойдаланилади. Юқоридаги матн ва назарий материал асосида, шунингдек, дарс давомида ўтказилган савол-жавоб, баҳс-мунозара, тортишув, муҳокама, мусобақа орқали ўқитувчи —ўқувчи, ўқувчи —ўқитувчи каби мулоқат амалга оширилади.

**Феруза Қаҳҳорова,
ЎзПФИТИ аспиранти**

Ўқувчилар бадий тафаккурини ўстиришда фанлараро алоқадорликнинг аҳамияти

Таълим самарадорлигини ошириш учун биргина тушунча ва англашнинг ўзи етарли эмас, чунончи яхши тушунилган ва онгли равишда қабул қилинган билим ҳам ўқувчи онгида яхши сақланмаслиги мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, агар ўқув материалида асосий факт ва тушунчалар орасидаги ўзаро алоқаларни боғловчи қисмлар таркиб топтирилмас экан, эгалланган билим, кўникма ва малакалар ҳаётий амалиётга жорий этилмай қолаверади.

Шу маънода, бадий тафаккурни ривожлантириш орқали ўқувчилар томонидан ўқув материалининг онгли равишда ўзлаштирилиши, воқеа-ҳодисаларни яхлит, бир бутун ҳолда чуқурроқ англанишига эришилади. Бу жараёнда фанларни интеграциялаш ҳар бир ўқув фани асосларини

ўзлаштириш самарадорлигининг педагогик кафолатидир. Хусусан, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш жараёнида тасвирий санъатнинг таълимий имкониятларидан фойдаланиш уларнинг билим, кўникма, малака элементларини тўлиқ ўзлаштиришларини, материални тушуниш билан бир қаторда, ўқувчилар билимида доимий юзага келувчи (турли сабаблар билан) бўшлиқларни бартараф этиш, ўзлаштирилган билимларни унутишнинг ва қисман ўзлаштиришнинг вақтида олдини олинишини таъминлаши мумкин.

Ўқув жараёнини тадқиқ этиш давомида ўқувчиларнинг бадиий тафаккурларини шакллантириш манбаси, уни ривожлантиришнинг ўзига хосликлари ва механизмини аниқлаш бугунги кун педагогика фанининг долзарб муаммолари сирасига киради.

Яқин вақтларгача ўқувчи таълим жараёнининг объекти, деб ҳисобланар эди. Бугунги кунда у ўзининг тарбияланишида бевосита иштирок этадиган субъект даражасига кўтарилмоқда. Яъни тарбияланувчи худди ўқитувчи сингари дарс жараёнининг эгасига айланмоқда. Шундай экан, ўқувчиларнинг ижодий, мустақил фикрлашини ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солиш зарур. Бу ўринда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқи ўстирилишига катта эътибор бериш талаб қилинади. Ўқувчиларнинг бу борада эришяётган натижалари талаб даражасида эмаслиги оғриқли нуқталардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчилар нутқини ўстиришда уларнинг бадиий тафаккурини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, бунда тасвирий санъат воситаларидан фойдаланиш, мазкур ўқув фани билан интегратив алоқадорликни йўлга қўйиш яхши натижалар гаровидир. Жумладан, ўқувчиларнинг ёзма ишлари самарадорлигини оширишда уларнинг бадиий тафаккури алоҳида ўрин тутади. Бунда шахс, нарса, воқеа-ҳодиса, жараёни тасвирлашда тасвирий санъат услубларидан фойдаланиш мумкин. Ўқувчи ўзи баён қилаётган фикрни яхлит, бир бутун ҳолда тасаввур қилиши, кўз олдига келтириши ва уни барча муҳим қисмларини қамраб олган ҳолда ифода этиши лозим. Бунда унинг ҳодисаларни яхлит қамровда кўра билиш қобилияти ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

Мактаб ўқув фанлари орасида тасвирий санъат фани боланинг кўнгли, руҳияти ва маънавиятини шакллантиришга қаратилганлиги жиҳатидан она тили ва адабиёт ўқув фани билан ўзига хос муштаракликка эга. Шундай экан, ўқувчиларнинг бадиий тафаккурини ривожлантиришни тасвирий санъат ўқув фани билан алоқадорликда амалга ошириш орқали ўқитишнинг бу усули ўқувчиларнинг мукамал билим олишларида муҳим аҳамият касб этади.

ҚАЙДЛАР УЧУН

Босишга 4.04.2007 йилда рухсат этилди.
Бичими 84X108 1/32. Ҳажми 18 б.т. Адади: 500. Буюртма N 46.

Оригинал макет ва дизайн «Tafakkur plus» масъулияти чекланган
жамиятида тайёрланди

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33